Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН ТЎРТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

*** *** ***

Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ

НАВОИЙ ПАНДНОМАСИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА

САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

(Алишер Навоий ғазаллари таҳлили асосида)



І Ф А С Л

ҒАЗАЛ МУЛКИГА САЁҲАТ

Минг йиллар мобайнида бунёдга келган адабий меросимиз шу қадар сермазмун ва бадиий баркамолки, у бундан кейин ҳам асрлар оша ўз бадиий-маърифий қимматини сақлаб қолади. Ҳар бир авлод ўтмиш адабиёт дурдоналаридан ўз замонаси тақозосига кўра баҳраманд бўлаверади. Бироқ бу ўлмас обидалар замонамиздан узоқлашгани сари уларни идрок этиш, тушуниш қийинлашиб боради. Мумтоз адабиётнинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб этиш, моҳиятини омма онгига сингдириш эса кечиктириб бўлмас муҳим вазифа. Алишер Навоий[1] достонларининг насрий баёнларини яратиш, қадимий шеърият нашрларини луғат ва изоҳлар билан бойитиш бу соҳадаги самарбахш тажрибалардан бўлди. Лекин бу ишлар ҳам кутилган даражада натижа бергани йўқ. Янгича чора-тадбирлар излаш, жумладан, мураккаб бадиий асарларга илмий-оммабоп шарҳлар яратиш йўлидан бориш алоҳида, махсус йўналиш сифатида шаклланди. Шарқда бундан бир неча аср илгариёқ Бедил, Саъдий, Ҳофиз каби буюк шоирларнинг асарларига шарҳлар ёзилган. Бу шарҳлар кўп нусхада кўчирилиб, юртма-юрт кезиб, неча-неча эллар ва авлодларни фалсафий-бадиий ғазаллар, рубоийларнинг мазмуни билан ошно этган. Жаҳон адабиётшунослигида “Бир шеър таҳлили”, “Шеърий матн таҳлили”, “Лириканинг поэтик қурилиши” тарзида кўп ишлар қилинган. Умуман, жаҳон адабиётшунослигида шеърий асарни алоҳида ва махсус ўрганиш мустақил йўналиш сифатида анча илгари шаклланиб, такомиллашган.

Мумтоз шеърлар таҳлили ўзбек адабиётшунослиги асарларида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб шаклланди ва мустақиллик даврида кенг қамров билан такомиллашди. Аввалига улар фақат тадқиқотлар таркибида муайян илмий муаммолар муносабати билан таҳлил доирасига тортилган. Адабиётшунос олимлар – М. Шайхзода, А. Ҳайитметов, Н. Маллаев, А. Абдуғафуров, А. Рустамов, Ё. Исҳоқовларнинг илмий ишларида ғазал таҳлилининг мумтоз намуналарини кузатиш мумкин эди. Шунингдек, О. Носировнинг “Ўзбек адабиётида ғазал”, Р. Орзибековнинг “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” китобларида ҳам бир қанча ғазал қўйилган масала тақозоси билан қисман таҳлил этилганди. Аммо ғазалнинг махсус ва изчил таҳлили бу тадқиқотлардан ҳеч бирининг вазифаси эмас эди. Илмий муаммони ўрганиш руҳидаги тадқиқотлар ғазалнинг махсус таҳлилидан олдинги қонуний босқичдир.

Ғазалнинг махсус таҳлили адабиётшунослигимизда ана шу тадқиқотлардан ўсиб чиққан янги йўналишдир. Бу соҳада адиб ва адабиётшуносларимиз яхши изланишлар олиб бормоқдалар. Айниқса, Алишер Навоий ғазалларини шарҳлаш изчил йўналиш тусини олди. И. Абдуллаевнинг “Тошкент оқшоми” газетасида “Машҳур ғазаллар таҳлили” рукни остида эълон қилган мақолалари, А. Рустамовнинг “Шарқ юлдузи” журналида босилган “Навоийхонлик” туркумидаги ва “Адиблар одобидан адаблар” китобидаги мақолалари, Н. Комиловнинг “Ёшлик” журнали саҳифаларида чоп этилган “Ишқни оловлантирган сув”, “Жон ва жонон можароси”, “Тимсоллар тимсоли” ва кейинчалик “Маънолар оламига сафар”

---

[1] Муаллиф ўз тадқиқотларида "Навоий" тахаллусини "Навойи" тарзида қўллайди. Биз адабиётшуносликда қабул қилинган умумий мезонлар асосида анъанавий "Навоий" шаклини қолдирдик (таҳр.)

номли китобида босилган мақолалари, Э. Воҳидовнинг “Шоиру шеъру шуур” ва “Сўз латофати” китобида берилган “Талқинлар”и, Н. Жумахўжанинг “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” китобидаги шарҳлари ана шу йўналишнинг дастлабки маҳсулларидир. Турлича савия, дид ва услуб билан ёзилган бу талқинларнинг илмий-адабий жамоатчилик ва кенг омма томонидан қўллаб-қувватланиши ғазални махсус таҳлил этиш йўналиши ҳаётнинг зарурий талаби сифатида шаклланганини, уни ривожлантиришга тўла асос борлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида 1980 йилларда яратишга киришилган “Навоий қомуси”[1]да халқ эҳтиёжини кўзлаб, бу йўналишга кенгроқ равнақ бағишлаш имконияти пайдо бўлди. Шунга кўра, “Навоий қомуси”да Навоий ғазалларини махсус мақолаларда таҳлил этиш режалаштирилган эди. Чунки Навоий ижоди ихлосмандлари бугунда улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали ҳақида қомусий маълумот олишни истайдилар. Аммо “Навоий қомуси”нинг ўзбек адабий қомусчилигида илк тажриба бўлаётганлиги, унинг яратилиш муҳлати чекланганлиги, қомус учун белгиланган ҳажм Навоийнинг барча ғазалларини қамраб олишга имкон бермасди. Махсус таҳлил қилиш учун, ҳозирча, 800 дан ортиқ ғазал танлаб олинганди. Бундан ташқари, “Навоий қомуси”да ғазалнинг мукаммал таҳлилини яратиш имконияти ҳам йўқ эди. Унда ҳар бир ғазалга бағишланган мақола ҳажми кўпи билан 2000–3000 белгидан иборат бўлиши мўлжалланган. Аммо мумтоз ғазалларнинг мукаммал талқинларини яратиш ва оммага етказиш жуда зарур.

Улуғ Навоийшунос олим Мақсуд Шайхзода Алишер Навоийни “Ғазал мулкининг султони” дея таърифлаган эди. Бу таъриф Навоий ғазалиёти бутун бошли бир мамлакат – маънавият ва гўзаллик диёри, фалсафий-бадиий маънолар маскани эканлигидан далолат беради. Навоий орзусидаги маънавий комил инсон бўлиш, борлиқ, ҳаёт, инсонни тушуниш учун бу бепоён мамлакатни кашф этишимиз, забт этишимиз, ўзлаштиришимиз зарур. Шунинг учун, азиз китобхон, келинг, ғазал мулкига саёҳат қилайлик, унда сўз соҳибқирони ҳазрат Навоий бадиий сўз лашкарини қандай бошқаришини кузатайлик, ғазаллардаги бадиий санъат ва ифодалар, нуқталардан тортиб нуқталаргача заррабин нигоҳлардан кечирайлик. Аммо бу муборак сафар учуи пича тайёргарлик керак. Ғазалларни таҳлил ва мутолаа этишни, санъат сеҳрини илғаш, маъно дурларини ажратиб олиш, асраб-авайлашни ўрганишимиз лозим.

Тўғри ва мукаммал таҳлилга эришиш учун муайян мезон-ўлчовларга таяниб иш тутиш маъқул. Ғазал таҳлилининг мезонларини яратиш ва унга амал қилиш эса мутахассис олимлардан тортиб эндигина мутолаага киришаётган ўқувчига ҳам зарур. Мезонларни аниқлаш учун мавжуд ва энди яратилажак ғазал талқинларини шартли равишда уч турга ажратиш мумкин: 1. Илмий-оммабоп талқин. 2. Илмий талқин. 3. Қомусий талқин. Энди бу талқин турларининг муштарак ва тафовутли томонларини қиёсий ўрганиб, таҳлил мезонларини белгилаб олиш зарур.

Навоий ғазалларининг қомусий талқини ўзида услубан оммабопликни, мазмунан ва моҳиятан илмийликни мужассамлаштирмоғи, оммабоп ва илмий талқинларда мавжуд зарур маълумотларни ихчам шаклда қамраб олмоғи керак.

Бошқача айтганда, ғазалнинг қомусий талқини кўпроқ маълумотнома руҳини касб этади.

Ғазалнинг қомусий талқинини яратиш мураккаблиги шундаки, у қисқа ҳажмда ғазалга оид барча маълумотларни қамраб олиши, шу билан бирга, илмий ва оммабоп ҳам бўлиши керак. Назаримизда, ғазалнинг мукаммал талқинини қуйидаги асосий мезонлар талаби

[1] Профессор Абдуқодир Ҳайитметов раҳбарлигида яратилган “Навоий қомуси” назарда тутилмоқда.

билан яратиш мумкин. Ушбу мезонлар қандайдир қолип ёки андоза тарзида тавсия этилмайди. Улар шартли ва нисбий бўлиб, мустақил мутолаага киришаётган ихлосмандларга ёрдам бериши кўзда тутилади.

Ғазалнинг тарихий даври. Ҳар бир ғазал бадииятини ёритишда унинг Навоий ижодий такомилида тутган ўрни муҳим. Ғазалнинг яратилиш даврини аниқлаш учун проф. Ҳ. Сулаймоновнинг Навоий лирикасининг такомил босқичлари ҳақидаги таснифига таяниб иш тутилади. У ўз таснифида Навоийнинг "Илк девон"ини биринчи давр – ёшлик лирикаси, "Бадоеъ ул-бидоя"ни иккинчи давр – йигитлик лирикаси, "Наводир ун-ниҳоя"ни учинчи давр–ўрта ёш лирикаси, "Хазойин ул-маоний"ни тўртинчи давр – қарилик лирикаси сифатида белгилаган эди. Таҳлил қилинаётган ғазал Навоий лирикасининг қайси даври маҳсули эканлигини аниқлаш учун Ҳ. Сулаймоновнинг "Хазойин ул-маоний" IV жилдида берилган "Навоий ўзбек тилида яратган шеърларнинг хронологик даврларга ажралиши" ва "Хазойин ул-маоний" шеърларининг хронологияси" деб номланган III–IV жадвалларидан, албатта, танқидий фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёки ҳар бир жилдга илова қилинган "...шеърларнинг хронологияси, вазни ва байтлар сони кўрсаткичи"дан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ғазалнинг мавзуси. Илмда Навоий ғазалиёти мавзу турларининг ҳар бири "Ошиқона ғазаллар", "Орифона ғазаллар", "Риндона ғазаллар" каби махсус истилоҳлар билан тасниф этилган. Шунга кўра, ҳар бир ғазал таҳлилида унинг мавзу хусусияти қайд этилиши лозим.

Ғазалнинг ғоявий моҳияти. Навоий ғазаллари қайси мавзуда яратилган бўлмасин, ҳар бири ўзига хос ғоявий мазмунга эга. Айтайлик, Навоий ғазаллари инсонпарварлик, олийҳимматлик, Ватанга садоқат, адолат ва тенглик ғоялари билан суғорилган. Муайян ғазалда мазкур ғояларнинг фақат биттаси изчил ёритилган, бошқаларида ғоявий мундарижа кенгроқ олинган бўлиши мумкин. Баъзи ғазалларда Шарқ лирикасида тамомила янги ғоя илгари сурилган. Демак, бунда ҳам ҳар бир асарга алоҳида ёндашилади.

Ғазалнинг фалсафий асослари. Навоийнинг кўп ғазалларини уларнинг фалсафий асосларини четлаб ўтиб шарҳлаш қийин. Айрим мутахассисларнинг: "Ҳали Навоий ғазалларининг фалсафий асослари илмда етарли ўрганилгани йўқ. Шунинг учун таҳлилда ғазалнинг фалсафий асосларини тўла очиб бера олмаймиз. Фалсафий асослари тўла ёритилмаган ғазал таҳлили эса бирёқлама ёки юзаки бўлади", дейишларида жон бор. Ҳақиқатан, ҳали Навоийнинг орифона ғазалларидаги мураккаб тагзаминли сўфиёна ибора, тимсол ва ифодаларнинг мағзи тўла чақилган талқинлар майдонга келгани йўқ. Бироқ, бу андиша билан ғазал таҳлилини йиғиштириб қўйиш ҳам тўғри эмас. Чунки махсус таҳлил учун ёзиладиган мақола оммабоплик билан бирга тадқиқот руҳига эга бўлади. Ундан ўрта маълумотли оддий китобхонлар ҳам, адабиётшунос мутахассис ва муаллимлар ҳам тегишли янгилик кутадилар. Шундай экан, ғазалнинг фалсафий-бадиий асосларини илмий ёритиш ғазалшунос олимлар зиммасидаги масъулиятли бурчдир. Қолаверса, умидвормизки, Навоий ижодидаги фалсафий атамаларга махсус мақолалар бағишланиши, уларни файласуф мутахассислар ёзишлари керак. Бу ғазалнинг фалсафий моҳиятини ёритишдаги мушкул осонлашувига кўмаклашади.

Ғазалнинг фалсафий асослари шунинг учун ҳам муҳимки, Навоийнинг фалсафий қарашларида миллий фалсафамиз ётади. Таҳлил жараёнида мана шу миллий фалсафамизга тегишли ғояларга алоҳида урғу берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони таҳлилда етакчи ўрин тутмоғи лозим. Чунки ғазалдаги ғоя

ва кечинмаларнинг бари лирик қаҳрамон қалби орқали зоҳир бўлади. Лирик қаҳрамон талқини Навоийнинг шахсияти ва "мен"и ҳақида фикр юритишга ҳам имкон беради. Зеро, шоир шахсияти мураккаб масала бўлиб, шу пайтгача кам ўрганилган. Ҳар бир ғазал таҳлили муносабати билан шоир шахсияти ифодасини назарда тутиб ишлаш масалани муайян даражада ойдинлаштириши табиий. Навоий ғазалиёти ихлосманди, айниқса, Навоийнинг шахсий ҳаёти, муҳаббати тарихи, севиклиси қисмати, шахсий дард ва кечинмаларига жуда қизиқади. Улуғ шоирнинг машҳур:

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин, чобуксувор, эй дўстлар.
Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз
Ким, Навоий бўлди бекасликда зор, эй дўстлар

каби ҳаётий байтлари заминида китобхонлар талабига жавоб бергулик жозиб талқинлар яратиш мумкин, албатта.

Ғазал таҳлилининг ҳажм имконияти. Ғазалнинг оммавий ва илмий талқинларига нисбатан қомусий талқиннинг ҳажм имконияти торроқ. Лекин унинг ҳажмига қатъий чегара белгилаш ҳам қийин. "Қаро кўзум..." ва "Ул сарви гулрў келмади" сингари машҳур, турли талқинлари мавжуд ғазаллар таҳлилига кенгроқ ўрин бериш лозим, деб ўйлаймиз. Яна Навоийнинг "Ёрдин айру кўнгул мулкедурур, султони йўқ, Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ" матлали мисралари бир-бирига маънан ва суратан маҳкам боғланган мусалсал ғазаллари ёки "Ўтган кеча мен эрдиму уя сиймтан эрди, Гулшан тўрида масканимиз бир чаман эрди" бошланмали, бошдан оёқ яхлит руҳбоб (лирик) мундарижани қамраб олган воқеабанд ғазаллари борки, уларни тўлиқ таҳлил этмасликнинг иложи йўқ. Бироқ, Навоий лирикасидаги кўпгина ғазаллар буларчалик мукаммал таҳлилни тақозо этмайди. Масалан, "Наводир уш-шабоб"да (167-ғазал) "Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур" сатри билан бошланувчи анъанавий ишқий мавзуда битилган ғазал бор. Уни мисрама-мисра тўлиқ шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ғазалда анъанавий ишқ тасвиридан чекинган, салмоқдор фалсафий-ижтимоий мазмун ифодаланган байт бор:

Даъвийи ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин ҳиммматмудур?!

Унда шоирнинг инсон маънавий камолотида асосий шартлардан ҳисобланмиш –"ҳиммат" категориясига табъий (эстетик) муносабати мужассамлашган. Таҳлил жараёнида шу байт шарҳига алоҳида урғу берилса, кифоя. Демак, ғазалнинг махсус таҳлили ҳажмини белгилашда ҳар бир асарнинг ички имкониятидан келиб чиқмоғимиз лозим.

Ғазалнинг анъанавийлиги ва ўзига хослиги. Анъанавийлик ва ўзига хослик (оригиналлик) ҳам ҳар ғазалда ҳар хил акс этган. Юқоридаги ғазалда мавзу анъанавий, мавзунинг байтлараро ёритилиши ҳам анъанавий, лекин келтирилган байтда қўйилган масала ва унинг ечими Навоийвор, ўзига хос. Бошқа ғазалларда мавзу анъанавий – унинг ёритилиши ўзига хос, ғоя ўзига хос – унинг ифодаси анъанавий ёки поэтик тасвир усул-воситалари, образлари анъанавий–уларни қўллаш маҳорати эса ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Муайян воқеа муносабати билан яратилган ғазаллар эса бутунлай ўзига хосдир.

Демак, махсус таҳлилга тортилган ғазалларнинг анъанавий ва ўзига хос белгилари кўрсатилиши муҳим.

Ғазалнинг бадиий хусусиятлари. Бунда ғазалнинг тимсоллар таркиби, шоирнинг бадиий санъатлар, қофия, радиф, вазнга маъно ташиш масъулияти юклаш маҳорати, бадиий қурилма (композиция) яратиш салоҳияти назарда тутилади. Ғазалда ҳатто биргина бадиий тимсол кашф этилган бўлса, ўшани таҳлилдан четда қолдирмаслик муҳим. Ваҳоланки, Навоий ижодида ўз тимсоллар таркибига эга бўлган ғазаллар жуда кўп. Масалан, "Наводир уш-шабоб"да (164-ғазал) "Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар" мисраси билан бошланувчи ўн бир байтли ғазал бор. Унда Навоий лирик қаҳрамон кечинмалари ҳамда тахайюлини тасвирлашда ўзига хос йўл тутади. Ғазалда у Зуҳал, Муштарий, Баҳром, Меҳр, Зуҳра, Уторид, Ой каби сайёралардан иборат тимсоллар таркибини яратади. Уларни инсонийлаштиради, турфа хусусиятларидан фойдаланиб, ўз бадиий муддаосини ифодалашга, таъсирчан руҳбоб ҳикоят яратишга муваффақ бўлади.

Навоий рубоиётида бошдан-оёқ бир бадиий усул асосига қурилган ғазаллар ҳам, ҳар байтида бир неча бадиий санъат қўлланган ғазаллар ҳам кўп. Масалан, "Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин, Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин" бошланмали ғазал бадиий мазмунини бунёдга келтирган омил "тажоҳул ул-орифона" санъатидир.

Алоҳида байтлардаги бадиий мазмунга омил бўлган санъатларни ҳам шарҳлаб ўтиш ғазал таҳлили учун муҳимдир. Ҳамма байтлар эмас, албатта, санъатпардозлиги билан ажралиб турувчи байтлар, кўпроқ шоҳбайт матлалар таҳлил доирасига тортилса керак. Мисол учун, етти байтдан иборат ғазал матласи ғоявий-бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради:

Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул ҳур,
"Чиқмағон жонға умид",–ушбу масалдур машҳур.

Ундаги бадиият "ирсол ул-масал" санъати қўлланган, яъни бадиий фикр халқона мантиқ асосига қурилган, халқчил иборалар ёрдамида ифодаланган билан, тазод санъати қўлланган, яъни зиддиятли ҳаётий лавҳа ифодада ҳам зиддиятни юзага чиқаргани билан гўзалдир.

Арузда ёзилган ҳар бир руҳбоб асарнинг ўзига хос мусиқий оҳанги бўлади. Яъни ҳар бир ғазал ўз мусиқаси билан туғилади. Бу оҳанг бадиий асардаги руҳ, дард, маъно ва мазмунни юзага чиқаришга йўналтирилади. Қадимий ғазалнинг замонавий талқинини яратишда ғазалдаги мазмун ва оҳанг мутаносиблиги ҳам акс эттирилса, мурод кўнгилдагидек ҳосил бўларди. Навоийнинг "Риё баҳри ичра тамаъ заврақин, Солибдур асодин тутуб хода шайх", деб бошланадиган машҳур ғазали мутақориб баҳрида битилган. Анъанага кўра, мутақориб баҳрида, асосан, жангнома руҳидаги асарлар ёзилган. Шайх ҳақидаги ғазалда ҳам шайхга қарши кураш, уни фош этиш руҳи балқиб туриши унинг мутақорибда битилгани шарофатидир. Бундай ғазаллар вазни ҳамда оҳанг тасвирини кўрсатиш керак. Бунда "Навоий арузи" тадқиқотчиси Содиқ Мирзаев яратган жадвалдан ёки "Хазойин ул-маоний"нинг ҳар бир девони сўнгида берилган вазнлар кўрсаткичи ҳақидаги иловалардан фойдаланиш мумкин.

Фанда Навоий ғазалларининг тузилиш таркиби хусусиятларини ёритувчи "Мустақил байтлардан тузилган ғазал", "Якпора ғазал", "Воқеабанд ғазал", "Мусалсал ғазал" турлари

тасниф этилган. Муайян ғазал таҳлилида ўша ғазал таркибининг ўзига хослигини кўрсатиш лозим. Масалан, “Ёрдин айру кўнгул...” билан “Жонға чун дермен...”– бир таркибий турдаги – мусалсал ғазаллардир. Лекин улар ички таркиби белгиларига кўра бир-биридан кескин фарқланади.

Ғазаллар таркибида мазмунни очишда калит каби муҳим вазифа бажарувчи мураккаб сўз, ибора ва тимсоллар бор. Шубҳасиз, сўз аро уларни ҳам шарҳлаб ўтиш жоиздир.

Ғазал таҳлилида замонавийлик нуқтаи назари. Навоий ғазалиётидаги эзгу ғоялар бизнинг замонамиз ва келажак учун аҳамиятли бўлганидан уларни изчил ўрганиб келаётирмиз. Ғазалнинг махсус таҳлили унинг замонавий моҳиятини янада ойдинроқ ёритиш имконини беради. Бу Навоий ғазалларини замонамиз билан сунъий равишда боғлаш керак, деган гап эмас. Навоий ғазалларининг кўпчилигида бугунги ҳаётимиз учум муҳим ғоя, долзарб масала мавжуд. Масалан, “Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком, Ҳақ, магарким, ком учун боштин ёратқай оламе” байтини олинг. Шоир “Олам шу экан ва бунда инсон ўз орзусига эришолмас экан, эҳтимолки, Худо инсоннинг орзу-армони ушалиши учун оламни қайта бошдан яратмоғи лозим”, дея беш аср муқаддам башорат этган. Бу жамиятимиз бошидан кечираётган бугунги истиқлолий янгиланиш, ўз-ўзини англаш, қайта кашф этиш ғояларига жуда ҳамоҳанг.

Ғазалнинг қўшиқ сифатидаги талқини. Ғазаллар матнида мужассамлашган бадиий мазмунни шарҳлаш, идрок этиш масаланинг асосий томони, албатта. Лекин назаримизда, бадиий мазмун шарҳи ҳали машҳур ғазалнинг мукаммал таҳлили эмас. Таҳлил мукаммал бўлиши учун машҳур ғазалларнинг санъат асари – қўшиқ сифатидаги талқини ҳам муҳим.

Чунки бастакор ва ҳофизлар ўз созлари ва овозлари орқали ғазалларнинг мазмун ҳамда бадиий таъсир уфқларини кенгайтирганлар, шуҳратига ҳам маълум даражада сабаб бўлганлар. “Қаро кўзум...” ғазалини Мулла Тўйчи Ҳофиз, Юнус Ражабий, Ҳасан Ражабий, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев ва бошқа ҳофизлар маҳорат билан куйлаганлар ва куйламоқдалар. Хўш, “Қаро кўзум...” ижросида уларнинг ўзига хос услуб ва маҳоратлари нимадан иборат? Уларнинг қайси бирлари бу қўшиқни қандай маъно ва оҳанглар билан бойитдилар, такомиллаштирдилар? Қайси бир хонанда ижроси замонамиз ва бугунги шинаванда дидига яқинроқ? Муножот куйи билан айтиладиган “Ул сарви гулрў келмади” ғазалини Берта Давидова, Муҳаммаджон Каримов ва Муножот Йўлчиева ва бошқа ҳофизлар ижросида тинглаб турамиз. Бу хонандаларнинг ижро услуби ўзаро фарқ қилади, аммо ҳар бири ўзича мароқли. Бу ижроларнинг тафовути, ютуқ, камчиликлари нимадан иборат? Сегоҳнинг турли оҳангларида айтиладиган “Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулузор” бошланмали ғазалнинг Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшукуров, Раҳматжон Қурбонов, мақомчилар жўровозлигидаги ранго-ранг талқинларичи? Яқин йилларгача Ҳофиз Шерозийнинг “Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро” матлали ғазалининг ҳам тожикча, ҳам ўзбекча ижроларини тинглаб, “сармасту яқочок” (Навоий таъбири) бўлардик. Бугунда нега қулоққа чалинмаётган бу қўшиқнинг тожикча хонишига Комилжон Отаниёзовдан кейин ҳеч бир ўзбек ҳофизи журъат ва ҳафсала тополмаяпти? Бу муаммолар ҳам машҳур ғазаллар таҳлилида асосий ўрин тутмоғи лозим. Машҳур ғазал шарҳига адабиётшунос нигоҳи билангина эмас, санъаткор, санъатшунос назари билан ҳам ёндашган маъқул. Шунинг учун машҳур ғазаллар таҳлили шоирлар, ўтмиш адабиёти мутахассислари, оҳангсозу бастакорлар, ижрочи ҳофизлар ҳамкорлигида яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Машҳур ғазалларнинг мукаммал шарҳлари майдонга келаётгани санъаткорларни ҳам қувонтириши, уларда ҳам фикр уйғотиши табиий. Хонанда ва созандалар ҳам ғазалнинг мазмун ва бадиият миқёслари кенг ёритилган таҳлиллар талабгоридирлар. Айниқса, ёш санъаткорлар бунга катта эҳтиёж сезадилар. Чунки таҳлил жараёнида бундай мутолаага етарли эътибор берилмайди. Оқибатда, ёш созанда ва хонанда бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ўзлаштирмай, унинг ижросига киришиб кетади.

Ғазалнинг оҳангини билиб олиш учун мазмунини тугал ўзлаштириш шарт. Мумтоз қўшиқнинг замонавий талқинини яратишга интилаётган хонанда ва созандаларимизнинг асосий камчиликлари ҳам асардаги мазмун ва оҳанг мутаносиблигини илғаб ололмасликларидадир.

Мумтоз қўшиқларимиз юқори савияли ва мукаммал бўлиши учун санъаткор бадиий асар матнини тугал ўзлаштириши лозим. Бунга эришмоқ учун эса мумтоз асарларимиз бадииятини муфассал шарҳлаб, оммага етказиш зарур.

Юқоридаги шартларга ғазалнинг услубан қайси турга мансублиги (тавсифий, изҳор, аралаш), ғазалдаги асосий нуқтаи назар, ғазалнинг фанда ўрганилиши, ғазалнинг умуман ўзбек шеъриятида, хусусан, Навоий ижодида тутган ўрни, ғазалга битилган тахмислар каби мезонларни ҳам илова қилиш мумкин.

Махсус таҳлилда ғазал моҳиятини акс эттириш муаммолари ҳақидаги фикрларимиз нисбий ва айримлари мунозарали бўлиши табиий. Улар шу соҳадаги дастлабки уриниш ва муаллифнинг қўйилган масалани кўпчилик билан бирга, баҳамжиҳат ҳал қилишга даъвати натижаларидир. Албатта, барча ғазаллар таҳлилида биз белгилаган мезонларга юқоридаги изчилликда амал қилиш шарт эмас. Унга ҳар қандай ғазал матни нмконият беравермайди. Қолаверса, бу таҳлилларнинг бир хиллигига (схематизмга) олиб келиши ҳамда ғазалшунос имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин. Умуман, ғазал таҳлили машаққатли ва соф ижодий иш. Бу ишни уддалаш учун олим бўлиш кифоя қилмайди. Ғазални ҳар томонлама тугал таҳлил қилмоқчи бўлган одам олимона заковат, шоирона юксак хаёл ва ҳассос қалб соҳиби бўлмоғи керак. Мусиқа санъатидан хабардор бўлса, янада яхши. Шундай фазилатлар баробарида юқоридаги талаб ва мезонларни ҳам назарда тутган ҳолда иш юритилса, минглаб ғазалларнинг бири-биридан қизиқарли талқинлари майдонга келиши муқаррар.

Ғазал таҳлили мезонлари. 1. Ғазалнинг тарихий яратилиш даври; 2. Ғазалнинг мавзуси; 3. Ғазалнинг ҳажми; 4. Ғазалнинг ғоявий моҳияти; 5. Ғазалнинг фалсафий асослари (ислом эътиқоди, тасаввуф таълимоти); 6. Ғазалнинг услубан қайси турга мансублиги (таъриф, тавсиф, мадҳ, шарҳи ҳол ёки изҳор, аралаш); 7. Ғазалнинг таркибий (композицион) хусусиятлари (ғазал таркибий таснифга кўра қайси турга мансублиги); 8. Ғазалдаги асосий нуқтаи назар; 9. Лирик қаҳрамон (ғазалда шоир “мен”и ва шахсияти); 10. Ғазалнинг анъанавийлиги ва ўзига хослиги. Ғазал анъанавийми ё бирор воқеа муносабати билан ёзилганми? 11. Ғазалнинг бадиий хусусиятлари (тимсоллар таркиби, қўлланган бадиий санъатлар, қофия, радиф, вазн); 12. Ғазалнинг қўшиқ сифатидаги талқини (қайси куй билан айтилиши ва ўша куйнинг яратилиш тарихи); 13. Ғазалдаги шоҳбайтлар талқини; 14. Ғазалнинг фанда ўрганилиши; 15. Ғазалнинг замонавий аҳамияти; 16. Ғазалнинг ўзбек шеъриятида ва Навоий ижодиётида тутган ўрни; 17. Ғазалга битилган тахмислар.

ҒАЗАЛ ВА НАСРИЙ БАЁН

Кўҳна ғазал сеҳрини тушуниш ва тушунтиришга маданиятимиз тарихида уриниш, интилишлар кўп бўлган. Албатта, ғазалшунослар турли йўллардан борганлар ва бормоқдалар. Ғазални шарҳлаш, чуқур илмий-адабий таҳлил этиш шундай йўллардан бўлиб, у алоҳида йўналиш сифатида тобора такомиллашиб, ўзини оқлаб бормоқда. Масъулиятли соҳага қўл ураётган шориҳлар сафи ҳам кенгаймоқда. Ғазал нафосатини очиб берувчи шарҳлар бугун турли адабий-маърифий манбалардан тортиб, радио, ойнаи жаҳон, газета, журнал, китоб, ижтимоий тармоқлар сингари қамровли майдонни ишғол этмоқда. Бу ғазал таҳлилларининг аҳли маони қалбига сингиётгани, халқчиллашаётганлиги далолатидир.

Ғазални ўрганиш ва ўргатишнинг яна бир йўли кўзга ташланиб қолаётирки, бу ғазалнинғ насрий баёнини яратиш тажрибасидир. Ўтган асрнинг 70–80 йилларида ғазалнинг иасрий баёнлари сираси оммавий матбуотда пайдо бўлган ва кескин танқидга учраган эди. Ўшанда "Тошкент оқшоми" газетаси "Машҳур ғазаллар таҳлили" рукнини очиб, хайрли иш бошлади. Мазкур рукн остида қатор ғазаллар таҳлилини эълон қилган филология фанлари доктори Исматулла Абдуллаев эзгу мақсадни кўзда тутганди: "Баъзи бир хонандалар томонидан классик шоирларимиз ғазаллари гоҳо бузиб, гоҳо байтлар ўрни алмаштирилиб куйланиб келинмоқда. Бу ўша ғазаллар мазмунини тушунмаслик боисидан содир бўляпти. Шунинг учун оммавий куйланиб келинаётган ва ҳозирги замонда тушунилиши бирмунча қийин бўлган машҳур ғазаллар мазмунини бериб боришни лозим топдик",– деб ёзди олим. Ҳақиқатан, мумтоз ғазалларимиздаги мазмун, дард ва руҳни тўла тушуниб куйлайдиган хонандаларимиз кам. Бундай ғазаллар матнининг кўпмаънолилигини мукаммал илғайдиган, ғазал бадииятининг сеҳру синоатини кўнгилдагидай тушунтириб бера оладиган ғазалшуносларимиз ундан ҳам кам. Ҳаётий бир мисол келтирай. Таниқли хонанда куйларди:

Ёрингиз васлин ғанимат айлабон шукр айлангиз
Ким, Навоий бўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

Мумтоз адабиёт мутахассисларидан бири қўшиқни берилиб тингларкан, деди: "Воажаб, Навоийдай санъаткор ҳам бир мисрада "айлабон" сўзини икки марта ишлатган экан-а!" У ўзича танқидий дидининг баландлигидан, "Навоийдай санъаткор"дан камчилик топганидан хурсанд. Ваҳоланки, Навоий ўша мисрани бундай ёзган:

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз...

"Ғазалнинг мазмунини бериш" – ғазалнинг атиги бир қиррасинигина таҳлил қилиш, деган гап. Мухлисларни бу қаноатлантирармикин? Мумтоз ғазал бадииятидаги образлилик, поэтик санъатлар, тил хусусиятлари-чи? Умуман, лирик асарнинг мазмунини алоҳида ажратиб олиш мумкинмикин? Таҳлил доирасига тортилган ғазалларнинг машҳур бўлишига уларнинг қўшиқ қилиб куйланиши ҳам сабаб бўлган-ку! Уларнинг қўшиқ сифатидаги мусиқавий талқини-чи? Бизни, энг аввало, И. Абдуллаев таҳлилларининг мана шундай

маҳдудлиги ташвишлантирди. Ғазалнинг насрий баёнини яратиш йўли нотўғрилигини баъзи мисолларда кўриб ўтайлик.

Навоийнинг “келмади” радифли ғазали таҳлили (“Тошкент оқшоми”, 1986 йил, 22 сентябрь) ихлосмандларнинг диди ва талабига жавоб бермайди. Профессор Натан Маллаев 1968 йилда “Ўқитувчи” нашриёти орқали “Мактаб кутубхонаси” сирасидан “Навоий лирикаси” номли китобча чиқарган ва унда бир неча ғазални, жумладан, “келмади” радифли ғазални ҳам таҳлил этиб берганди. Холисона айтганда, Н. Маллаев талқини И. Абдуллаевнинг 18 йилдан кейинги талқинидан яхшироқ. Н. Маллаев таҳлили етти моддадан иборат бўлиб, дастлабки моддаларидан ғазал матни, вазни, луғат ва изоҳлар ўрин олган. Сўнг ғазалнинг байтма-байт насрий баёни берилган. Гарчи насрий баён номатлуб йўл бўлса ҳам, насрий баённинг насрий баёндан фарқи борлигини эътироф этмоқ керак. Н. Маллаев насрий баёни бадиий мазмуннинг ифодаланиши савияси билан И. Абдуллаев насрий баёнидан анча юқори туради. Мана, икки байт баёнини қиёслаб кўринг:

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю, ул шўхи бадхў келмади.

Н. Маллаев талқини: “Дам-бадам чиқиб йўлида интизорлик чектим, лекин жон оғзимга келди-ю, у ёмон одатли шўх (ёрим) келмади”.

И. Абдуллаев талқини: “Секин-аста кўчага чиқиб, унинг йўлида пойлаб ўтирдим, жоним оғзимга етиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх гўзал келмади”.

Гарчи биринчи талқин бадиий ҳақиқатга яқинроқ бўлса-да, иккала олимнинг ҳам “шўхи бадхў” иборасини айнан ҳозирги тилимиздагидек “ёмон одатли”, “феъли ёмон” деб тушунтиришлари тўғри эмас. Ахир, Навоийнинг “шўхи бадхў” дейишида эркалаш, киноя, қочириқ маънолари мужассам-ку. Манзурнинг феъли ёмон эмас, унинг “бадхў”лиги, шаддодлиги, ваъда бериб, ваъдасида турмаслиги, ошиғини интизор қилиб қўйиб келмаслигида. Хўш, қайси маъшуқа ошиғини шу кўйларга солмаган? И. Абдуллаев талқинида ошиқнинг маъшуқа интизорлигидаги изтироблари, эҳтирос, ҳаяжонлари ифодаси буткул акс этмаган.

Толиби содиқ топилмас, йўқса, ким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтру келмади.

Н. Маллаев талқини: “Садоқатли талабгор топилмас экан, бўлмаса йўлга аввал қадам қўйганнинг қаршисидан ёр келмасмиди”.

И. Абдуллаев талқини: “Кўнгилга муносиб садоқатли дўстни топиб бўлмайди, ким ўзи йўлга чиқиб ахтармаса, маъшуқ биринчи қадам қўйиб рўпара келмайди”. Бу ўринда ҳам Н. Маллаев баёни бадиий ҳақиқатга бир оз яқинроқ келади. Лекин у етарли даражада тушунарли эмас. Чунки байтнинг лисоний таркиби одатдагидан мураккаб тузилган.

Аслида, шоир бу ажойиб байтдан қандай мазмунни кўзлаган? Буни аниқлаш учун ушбу байтнинг ғазалдаги байтлараро тутган ўрни ва бу ўриннинг хос вазифасини ҳам назарда тутмоқ лозим. Мазкур байт тугалланма (мақта) байтдан олдин келиб, у анъанавий лирик чекиниш хусусиятига эгадир. Бундай байтларда, одатда, олдинги байтлардаги мазмун, мундарижага, лирик қаҳрамоннинг ҳасби ҳоли, мавқеи ёхуд қарашларига муносабат акс

этади. Илгариги байтларда лирик қаҳрамоннинг маъшуқа келмаслиги, ҳижрон қийноқларидан шикоятлари ифодаланган бўлса, энди бу изтироблар етарли эмаслиги, манзур висолига восил бўлиш учун ошиқ "толиби содиқ" даражасига кўтарилиши лозимлиги киноя тарзда изҳор этилади. Яъни, айтилмоқчики, "келмади-келмади" дея куюнавериш – бекор, ёрнинг йўлига, вафосига кўз тутиб, дийдорига, висолига интизор яшаш билан мурод ҳосил бўлмайди. Асли, ёрнинг жамолига чинакам талабгор, ошиқи содиқ топилмас экан. Бўлмаса, (айтингчи) қайси бир толиб ишқ йўлига (маъшуқани излаб) садоқат билан қадам қўйдиким, дастлабки қадамиданоқ маъшуқа унга пешвоз келмади?" Байт зимнида Ҳақнинг висолига чинакам интилиш, ишқ шоҳроҳига дадил ва собитқадам чиқа олмаслик, садоқат, яъни барча ҳаётий манфаатлардан кечиб, ёр йўлига фидо бўлиш етарли эмаслиги каби камтарона ўз-ўзини танқид руҳи яширинган.

Фузулийнинг "ўландан сўр" радифли ғазалига ёзилган таҳлил ҳам иштибоҳларга тўла. Таҳлил жараёнида ғазалнавис фикр-мушоҳадаларининг образлилик хусусиятлари инобатга олинмаган. "Ҳажр ила бемор ўлан"ни "жудолик туфайли касалга йўлиққан" дея (1-мисра) шарҳлаш поэтик маъно ва туйғуларни қашшоқлаштирган. "Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр" мисраси "бундай яширинган нозик маънони бирорта сирларни билгувчидан сўра" дея жўнлаштириб баён этилган. Бадииятнинг бетакрор намуналарига бундай совуққонлик билан ёндашиш китобхоннинг мумтоз асарларга нисбатан ихлосини сусайтиради, адабий дидини ўтмаслаштиради. "Мардуми ғофил" иборасини "уйқуда ётган одам" деб ўгириш эстетик таҳлилдан йироқ. Ачинарлиси – ғазал таҳлилидан фузулийвор маъно тополмайсиз.

Айниқса, 4–6-байтлар талқини ғазал ихлосмандларида нотўғри таассурот уйғотиши мумкин. Байт:

Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Талқин: "Фитна қилиб, ўзига тортувчи (фаттон) кўзларингнинг жабру жафосини чекканлар ҳолидан хабарсиз бўлмагин, ҳеч нарсадан хабарсиз, маст-аластлар жабр-зулмини (бедодлигини) ҳушёр юрганлардан сўра". Қани, бу талқиндан бадиий мазмун чиқариб олинг-чи! Байт:

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Талқин: "Мен ишқнинг бир синган косаси (жоми) ман, менинг аҳволимни маст қилувчи наргис кўзларинггина билади, вайроналарда яшовчилар ҳолини мастликдан кейин бош оғриғи бўлганлардан сўра". Бу талқинни луғат билан қиёслаб кўрсангиз, муаллиф байтни сўзма-сўз луғат орқали шарҳлаганига гувоҳ бўласиз. Аммо сўзнинг луғавий маъноси билан бадиий маъноси ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлиши мумкин. Масалан, "хароби жоми ишқам" бирикмасининг поэтик маъноси "мен ишқ жомининг мафтуни, фидойиси, қурбониман" дегани. "Харобот аҳли" деганда, "вайроналарда яшовчилар" эмас, балки муҳаббат аҳли тушунилади. Наинки, "хумор ўлан"ларни "мастликдан кейин бош оғриғи бўлганлар" дея тушуниш ва тушунтириш жоиз бўлса? Фузулийнинг ринд ва ошиқ лирик қаҳрамони-

ни бугун кўча-кўйларда бошоғриқ бўлиб, маст-аласт юрган алкоголикларга тенглаштириб қўймаяпмизми?

Ана шундай талабчан танқидий мулоҳазаларга қарамай, бугунда яна баъзи оммавий, илмий-адабий манбалар Навоийнинг бутун бошли девонидаги ғазаллар насрий баён этилганидан хабар бермоқда[1]. Бундай маълумотлар адабиёт муҳибини бефарқ қолдирмайди, ғазал қадри, қисмати ҳақида безовталанишга, ўйлашга мажбур этади. Чунки ҳар бир ғазал – мустақил асар, ўлмас, бебаҳо бадиий ёдгорлигимиз. У – муҳофаза, эъзозга муҳтож. Бундан ташқари, Навоий ҳазратлари олдидаги ворислик бурчимиз ҳам "Ғазални насрий баён этиш тўғри, самарали, истиқболли йўлми ёки аксинчами?" тарзидаги муаммо устида қайғуришга, унга жавоб излашга чорлайди.

Насрий баёнлар муаллифи ушбу тажриба адабий жараёнда салбий баҳо олгани, уни жамоатчилик эътироф этмаганидан қатъи назар, фаолиятни авж олдирган. У "Адабий мерос"нинг 1989 йилги 1 (47) сонида: "Биз улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ғазалларидан бир нечасини XV аср ўзбек адабий тилидан ҳозирги замон ўзбек тилида наср билан ифодалаб беришга интилдик", деб ёзса, 1990 йилги 1 (51) сонида, мақола аввалида бундай хабар беради: "Биз Алишер Навоий ғазалларининг насрий баёнини яратиш учун унинг 1987 йилда "Фан" нашриёти чоп этаётган мукаммал асарлар тўпламидан биринчи том – "Бадоеъ ул-бидоя" (бошланғич бадиалар ёки "ёшлик бадиалари") асаридан 400 ғазал, 6098 мисра шеър (8 б.л.)ни XV аср ўзбек адабий тилидан ҳозирги замон ўзбек тилига ўгирдик" (18- бет). Мақола охирида маълумот салкам икки баробар юксалади: "Бадоеъ ул-бидоя"да 777 ғазал бўлса, ҳаммаси ҳозирги ўзбек тилига ўгирилди" (24-бет). Бу ҳисоботни ўқиб, мингга яқин ғазал иморати вайрон бўлганига ачинасиз.

Насрий баённинг моҳияти, мақсади, услуби ҳақида шундай изоҳ берилади: "Ҳозирги тилимизга наср билан ўгирилган (?) бу ғазаллар фикр, мушоҳада, образлар дунёсини ўз ҳолича акс эттиради (?), деб ўйлаймиз. Бу ишда Навоий ифодаси, сўзларидан узоқлашмасликка, тарихий, фалсафий мушоҳадаларга берилмасликка интилиб, ўз ҳолича ифодалашга (?) ҳаракат қилдик. Навоий фикрлари, бадиий мушоҳадалари, ташбиҳлари, образлари ўқувчига ўз ҳолида етиб боради, деб умид қиламиз. (Адабий мерос, 1989, 1 (47), 74-бет).

Қизик, Навоий ғазалларини ўз ҳолича акс эттириш, ўз ҳолича ифодалаш, ўқувчига ўз ҳолича етказиб беришдан қандай янгилик юзага чиқаркин? Бундай бузилган матнлардан (уларни, ҳатто, саёз, чала талқин дейиш ҳам қийин) ўқувчи қандай манфаат топаркин? Умуман, Алишер Навоий ғазалларинииг дурустгина таҳлил ва шарҳлари матбуотда босилиб турган ҳозирги шароитда ўқувчи уларни ўқирмикин? Юқоридаги жумлалар "Адабий мерос"нинг 1990 йил, 1 (51) сонидаги "Навоий ғазалларининг насрий баёни ҳақида" сарлавҳали мақолада айнан такрорланади. Лекин бу ўринда сўзаро "айрим адабиётшунослар"нинг Навоий ғазалларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган хатти-ҳаракатлари "хавфли" эканлиги қистириб ўтилади: "Зотан айрим адабиётшуносларнинг кўп мушоҳадаларга берилиши Навоий фикр, ўйлари, образларини тўла, атрофлича ифода қиламан, деб унинг байтлари, ғазаллари маъносига кўп юклар ортиши мумкин" (18-бет). Муаллифнингча, юки енгил талқинлар тузук, чамаси.

---

[1] Адабий мерос. Навоий ғазаллари ва уларнинг насрий баёнидан намуналар. (XV аср ўзбек адабий тилидан ҳозирги замонфвчи филология фанлари доктори Холид Расулов), 1989, 1 (47); Навоий ғазалларининг насрий баёни ҳақида, 1990, 1 (51); Навоий ғазалларининг насрий баёни ҳақида, 1990, 3 (53).

Энди бевосита насрий баён аҳволини ойдинлаштирайлик. Байт:

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,
Рост Исодекки, қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Насрий баён:

Ул лаъли хандон (куладиган лаблар) билан гап унинг нутқи (сўзлари) жон (руҳ) бахш этади.

Рост, чиндан ҳам у Исо каби оби ҳайвон (ҳаёт суви) билан баҳс этади.

Аввало, бунингдек содда байтларни баён этишга зарурат борми? Унда замонавий ғазалхон учун луғат титкилайдиган, бош қотирадиган жумбоқнинг ўзи йўқ. Ахир, мухлисни бир оз мушоҳада юритиш, рамзу тимсоллар устида ўй суриш имконияти, ҳузуридан маҳрум этмаслик ҳам керак-да. Иккинчидан, нафис назмий сатрлар жуда жўн ва ғализ насрий жумлаларга айлантирилган. “Лаъли хандон”, “нутқ”, “жон”, “ҳаёт суви” каби сўз ва ибораларга қавсда изоҳ берилиши ҳам беҳуда уриниш. Оқибатда, нафосат, бадиият талафотга учраган. Ёки мана бу байт насрий баёнининг керагу нокераклиги, фойдаю зарарини мулоҳаза қилиб кўринг:

Паривашлар жафосиға гина бил телба кўнглумдин,
Буким тош ёғдурур атфол, анга Мажнун эрур боис.

Насрий баён:

Париваш (гўзал суратли)ларнинг жафоси (зулми)га телба дилимда гина борлигини бил. Шунинг учун ёш болалар тош ёғдиради, бунга жиннилик (?) сабабдир.

Бундай баёнлардан бадиий мазмун аён бўлмас. Ҳазрат Навоийнинг ўзлари айтмишларки:

Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқинким, анинг шарҳи топмас баён.

Баёнчимизда Навоий шеърларини нозикфаҳмлик билан ҳис этиш, тушуниб, қилни қирқ ёриш малакаси етарли бўлганида, у баъзи байтларнинг тескари, бирёқлама, хато, мужмал талқинларини тавсия этармиди?

Кўзум қон ёш тўкар, нетиб захмин ёшурайким,
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Насрий баён:

Кўзим қонли ёш тўкмоқда, қандай қилиб юрак жароҳатини яшира олай,
Овчи тўккан қондан ерда нишон (белги) кўргач, яра захмини биладилар-ку!

Ушбу байтнинг беқиёс гўзаллиги бадиий фикрнинг оддий ҳаётий лавҳа асосига қурилганида эди. Навоий образли тафаккурини-ку тушуниш қийин, лекин, наҳотки, оддий

ҳаёт ҳодисотларини тасаввур этиш, ову ўлжани овчидан ажратиш шунчалар мушкул бўлса. Навоий тасвирлашича, лирик қаҳрамон кўнгул дарди, жароҳатини ҳар қанча яширишга уринмасин, кўзлар қонли ёш тўка-тўка, бу пинҳон сирни ошкор этадилар. Чунки сайёд, яъни манзур кўздан сизиб оққан юрак қонларидан ўз ўлжаси – ярадор юракни топиб олади. Биринчи мисрадаги шу мазмуннинг ўзиёқ тугал бир бадиий асар. Лекин шоир мисранинг шарҳини ўзи билан бирга беради. Бадиий асослаш – тамсил усули воситасида иккинчи мисрадаги тафсилотни келтиради. Навоийнинг ўзи қўлимизга ҳасса тутқазиб, тўғри йўлга йўлласа ҳам, биз адашиб кетамиз. Навоий ярадор ўлжа тўккан қон ҳақида гапирган бўлса, биз уни "овчи тўккан қон" дея баён этамиз. Англашилмовчилик кўпинча "захмин сайд" образини тушунмасликдан келиб чиқади. "Захмин сайд"–яхлит тушунча, ярадор ўлжа демакдир. Овда овчи ўлжани (қуш, кийик ва ҳ.к.) узоқдан отади. У яраланиб йиқилади. Жароҳатланган жониворни топиш учун овчи унинг ерда қоча-қоча қолдирган қонли изини олади. Шу издан нишон топилгач, ўлжа тутилди ҳисоб. Навоий шунигина мисол келтирган. Энди "кўнгул" билан "сайд" образларининг мутаносиблиги, ҳуркак, бемор кўзларда ярадор оҳунинг тимсоллаштирилиши ўзгача бир санъат.

Аслиятдан узоқ насрий баёнларга шундай ишонч билан қараладики, уларнинг бир қанчаси муштарийларга ғазалсиз, алоҳида ҳолда тақдим қилинади. (Адабий мерос, 1990, 1(51), 21, 22, 23- бетлар; 1990, 3 (53), 26, 27, 28-бетлар). Суиистеъмол устига суиистеъмол! Ўқувчи бундай насрий баёнларга қараб, Навоий ғазалини тасаввур ҳам қилолмайди, уларга ишонмайди ҳам. Улар алоҳида ҳолда Навоий ғазалига соя ҳам, шарпа ҳам бўлолмайди.

Умуман, шеърий асарни насрий баён этиш ўзини оқламайдиган иш. Шундай бўлса-да, достонларнинг насрий баёнига тоқат қилса бўлади. Чунки унда воқеабандлик бор, лоақал, шу сақланади. Аммо ҳар қандай насрий баён ёки шарҳ асл бадиий матндан узилиб қолмаслиги керак. Чунки ҳар қандай яхши баён ва шарҳ асл матн бадииятини тўла ифодалашга ожиз. Аслият ва шарҳ ёнма-ён берилсагина, мақсадга мувофиқ равишда, ўқувчи бадиий асарни тўла идрок этишига имконият пайдо бўлади. Мумтоз адабиёт обидалари ҳақида табиат муҳофазасига киришган каби қайғурмоғимиз шарт. Улар улуғ боболаримиз қалбининг ардоғи, уларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўрганишимиз, тарғиб этишимиз керак. Ахир, улар қайта яратилмайдиган муқаддас маданий бойлигимиз-ку!

"ҚАРО КЎЗУМ..." ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛИ

"Қаро кўзум..." Алишер Навоийнинг олимларимиз ҳамда шоирларимиз томонидан энг кўп ва энг хўб ўрганилган ғазалларидан биридир. Ушбу ғазалнинг махсус таҳлилига оид шоир Эркин Воҳидов, академиклар Матёқуб Қўшжонов, Алибек Рустамов, Абдулла Аъзамов, филология фанлари докторлари Исматулла Абдуллаев, Нажмиддин Комилов, Нусратулло Жумахўжа, филология фанлари номзодлари Бойбўта Дўстқораев, Исмоил Бекжоновларнинг мақолалари Республика матбуотида эълон қилинган[1]. Ғазалнинг ўқув адабиётларидаги

[1] . Э.Воҳидов. Қаро кўзум. Шоиру шеъру шуур. "Ёш гвардия", Т., 1987, 88-91-б., Сўз латофати. "Ўзбекистон", Т., 2014, 120-124-б. М.Қўшжонов. Дийдор. Улуғлар билан ўтган онларим... "Қаро кўзум". "Шарқ". Т., 2004, 121-127-б. А. Рустамов, Адиблар одобидан адаблар. Қоракўз ким? "Маънавият", Т., 2003, 103-109-бетлар. И.Абдуллаев. Қаро кўзум. "Тошкент оқшоми", 1975, 20 октябрь. Н.Комилов. Ишқни оловлантирган сув. "Ёшлик", 1987, 2-сон, 68-70-б. Маънолар оламига сафар. "Тамаддун", Т., 2012, 174-188-б. Н.Жумахўжа. Ғазал ва таҳлил. "Ўз АС", 1987, 27 февраль. Қаро кўзум... Б.Қосимов, Н.Жумахўжа. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. "Ўқитув-

таҳлиллари ҳам мавжудки, улар филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа ҳамда филология фанлари номзодлари Ваҳоб Раҳмонов ва Султонмурод Олимовлар қаламига мансуб. Мазкур таҳлилларда ғазалнинг тўлиқ матни қамраб олинган. Ғазалнинг айрим байтлари ёки баъзи хусусиятларинигина таҳлил доирасига тортган бир неча олимларимиз мақолалари ҳам бор. Масалан, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққуловнинг "Қаро кўзум, келу..." (Бир байт таҳлили) мақоласи шулар жумласидандир[1]. Ғазални омма орасида оғзаки таҳлил этадиганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, фольклоршунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаев Тошкент вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида она тили ва адабиёт ўқитувчиларига дарс ўтганида: *"Мен "Қаро кўзум..." ғазалини бир чойхонада икки соат мобайнида таҳлил этиб берганман",* деганининг дарс кузатишга кирганимизда гувоҳи бўлганмиз. Ушбу олим кейинчалик ўз таҳлилини китобларидан бирида эълон қилдики, мазкур монографияда уни ҳам кўриб ўтамиз. Ғазални омма орасида оғзаки таҳлил этиб юрадиган бошқа кишилар ҳам бор. Бундай таҳлилларнинг матни бўлмагани боисидан, уларнинг сифати ва савияси ҳақида фикр юритишнинг имконияти йўқ. У чойхонабоп таҳлил бўлганми ёхуд профессионал илмий-оммабоп таҳлил бўлганми, бундан қатъи назар, ғазал таҳлили ва муҳокамаси кенг халқ оммаси аудиториясида ҳам давом этиб келаётганининг ўзи муҳим далилдир.

"Қаро кўзум..." ғазали шу қадар машҳур бўлиб кетганки, у ижодкорлар томонидан фақат илмий, оммабоп шарҳ эмас, балки бадиий талқинларга ҳам асос бўлган. Мана, ёзувчи Назар Эшонқулнинг "Тун панжаралари" қиссаси қаҳрамони "Қаро кўзум..." ғазали лирик қаҳрамони нутқидаги: *"Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх, Хамир этиб ул тоғда яна кўҳкан қилғил"* байтидаги мазмунга монанд қандай нидо чекади:*"Агар мана шу машаққат тоғини қўпора-қўпора кўйингда ҳалок бўлсам, менинг суякларимдан Фарҳод яса-ю, улар ҳам шу тоғни қаза-қаза сен томон йўл олсинлар..."*[2] Демак, "Қаро кўзум..." ғазалини ёзувчи Н.Эшонқул ҳам севган, асарнинг мазмуни, моҳияти, образлари унинг хаёл гирдобида айланиб юрган ва ижод жараёнида унинг асарига сингиб кетган. Қизиғи яна шундаки, ёзувчи мазкур мураккаб байт мазмунини айрим олимларимиздан ҳам кўра тўғри, аниқ ва содда ифода этган.

Ғазал таҳлилларининг хронологиясига назар солсак, биринчи таҳлилий мақола (ўша даврдаги) филология фанлари номзоди Исматулла Абдуллаев томонидан 1975 йил 22 октябрда "Тошкент оқшоми" газетасида "Машҳур ғазаллар таҳлили" рукнида чоп этилган ва ҳануз таҳлил жараёни тўхтаган эмас. Шу ҳисобдан келиб чиқсак, "Қаро кўзум..." ғазали таҳлили 45 йиллик тарихга эга. Навоийнинг бир ғазали йирик олимлар томонидан нақд 45 йил таҳлил этилса-ю, муҳокама ниҳоясига етмаса-я?! Бу – ҳайратомуз ҳодиса эмасми?

Ғазал таҳлиллари ранг-баранг ва айниқса, кейинги даврларда яратилган таҳлиллар тасаввуфий талқинлар билан боғлиқ равишда баҳс-мунозарали тарзда юзага чиққан. Бу бир ғазалнинг мавзуси, мазмуни, образлари, лирик қаҳрамони, муаллиф Навоий дунёқарашига ўнлаб олимларнинг турлича нуқтаи назардан ёндашувлари, баъзан объектив, баъзан эса

чи", Т., 1999, 82-93-б. А.Аъзамов. Назмнинг еттинчи осмони. "Жаҳон адабиёти", 2004, 156-163 б. Б. Дўстқораев. Алишер Навоийнинг "Қаро кўзум"и ким бўлган? "Ҳуррият", 2009, 22 июль. И.Бекжонов. Муҳаббат фалсафаси. "Ўз АС", 2006, 15 декабрь. А.Каттабеков, В.Раҳмонов. Ўзбек адабиёти. 8 синф учун дарслик-мажмуа. "Ўқитувчи", Т., 1997, 38-39 б.

[1] . И.Ҳаққулов. "Қаро кўзум, келу..." (Бир байт таҳлили). Навоийга қайтиш, 2-китоб, "Фан", Т., 2011, 139-143-б., "Моҳият" газетаси, 2010, 5 февраль сони.

[2] . Н.Эшонқул. "Маймун етаклаган одам" китобида. "Тун панжаралари" қиссаси. "Янги аср авлоди", Т., 2004. 15-бет.

субъектив баҳо беришлари маҳсулидир. Бугун ана шу таҳлилларни қиёсий анализ қилиш, умумлаштириш, уларнинг синтезини яратиш, “Қаро кўзум...” ғазали ва умуман, ғазал жанридаги асарларнинг келгуси таҳлиллари ҳамда тадқиқи учун хулосалар чиқариш мавриди келди. Аммо бу ғазал таҳлиллари шу билан якунланади, ғазал таҳлиллари юзасидан охирги ва қатъий ҳукм чиқарилади, деган гап эмас. Ғазал таҳлиллари натижаларини умумлаштириш фикрларни ойдинлаштиради, янги таҳлилларга йўл очади ва тадқиқот янги босқичда давом этаверади, деган умиддамиз.

“Қаро кўзум...” ғазалининг биринчи таҳлили 1975 йилда яратилган бўлса, ўн йиллик танаффусдан кейин, 1986 йилдан авж нуқтага кўтарилган. Бирин-кетин бир неча жиддий илмий таҳлиллар майдонга келган. Нима сабабдан Навоийнинг 3000 дан ортиқ ғазали орасидан айнан биргина “Қаро кўзум...” ғазалига илмий-ижодий жамоатчилик бу қадар алоҳида ва катта эътибор қаратган? Бу – жуда қизиқарли жумбоқ! Ғазал юксак бадиий санъат даражасида яратилгани билан бирга, мақом куйларидан “Ушшоқ” куйига солиниб, энг маҳоратли ҳофизлар томонидан ўта дардли ижро этилгани учун кенг халқ оммасининг меҳрини қозонган ва шоир ҳамда олимларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлган. Ғазал таҳлилларининг қизғин тус олиши ва юқори сифат даражасига кўтарилиши эркин илмий-ижодий фикрга кенг йўл очилган, мафкуравий ғовлар олиниб, тасаввуф таълимотини ўрганиш имконияти туғилган Истиқлол арафаси ва Истиқлол йилларига тўғри келади. Дунёқараши, нуқтаи назари, сифат ва савияси қандай бўлишидан қатъи назар, “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи йўлида юзага келган ҳар бир таҳлил илм учун қадрлидир. Ўндан ортиқ таҳлиллар муаллифлари ғазал мазмуни ва бадииятини юзага чиқаришда фикрий жиҳатдан, асосан, ҳамжиҳатдирлар.

Ғазални насрий баён усулида таҳлил этиш оммавий матбуотда 1986 йили авж нуқтага кўтарилди. “Тошкент оқшоми” газетасида “Машҳур ғазаллар таҳлили” рукни остида тез-тез ғазалларнинг насрий баёнлари пайдо бўла бошлади. Ушбу рукн ва унинг олижаноб мақсади кишини қувонтирар, чиқаётган таҳлилларнинг сифат ва савияси эса ўйлантирарди. Негаки, ёритиш учун Шарқ ғазалиётининг энг мумтоз намуналари танланар, таҳлил эса ниҳоятда ибтидоий ва саёз бўларди. Мен – ўша даврдаги ёш тадқиқотчига ғазал бўстонининг нодир чечаклари тобора ғорат қилинаётгандек туюларди. Бу ҳолдан ҳайрон ва оташин эдим. Мен ўша даврларда Ўзбекистон Фанлар академияси Пушкин номидаги (кейинчалик Алишер Навоий номи берилди) Тил ва адабиёт институтида, профессор Абдуқодир Ҳайитметов бошчилигидаги Ўзбек адабиёти тарихи бўлимида ишлар эдим. Мадад сўраб, бирга ишлайдиган устоз Навоийшуносларлардан Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқовларга мурожаат қилдим, содир бўлаётган аҳволга муносабат билдириш зарурлиги ҳақида фикрлашдим. Лекин ҳамма ўз режа ва ишлари билан бандлиги боисидан бўлса керак, амалий акс-садо топмадим. Ортиқ “одоб доираси”да туролмай, “Таҳлил мукаммал бўлсин (“Машҳур ғазаллар таҳлили” хусусида)” сарлавҳали танқидий мақола ёздим. Унда, асосан, “Қаро кўзум...” ғазали таҳлили ва яна мазмуни баён этилган бошқа ғазаллар ҳақида баҳс очилганди. Мақолани “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафтаномаси таҳририятига топширдим. Бир нусхасини ўшанда “Ёшлик” журналида ишлаётган ёзувчи Нурулло Отахоновга маълум муносабат билан кўрсатдим. У дастлабки жумларни ўқиши биланоқ, мазкур мақолани ҳеч қаерда эълон этмаслигимни маслаҳат берди. “Нега?” деган сўроғимга: “Негаки, бизнинг журналимизда ҳам худди шундай бир мақола

босиляпти. Сизнинг мақолангиз унга, ҳатто, сўзларигача ўхшайди",– деган жавобни олдим. Мақола муаллифини у айтмади, менга ҳам сўраш ноқулай эди. Ҳарқалай, мақолалар бунчалик ўхшашлигига ишонмадим.

Ойлар ўтди. Деярли бир вақтда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да (1987 йил, 27 февраль) менинг мақолам "Ғазал ва таҳлил" сарлавҳаси остида бир оз кисқартириб эълон қилинди, "Ёшлик" журналининг 1987 йил 2 сони (68-70 бетлар) да Нажмиддин Комиловнинг "Ишқни оловлантирган сув" сарлавҳали мақолалари босилиб чиқди. Унда фақатгина "Қаро кўзум..." ғазали таҳлил этилганди. Аммо, ҳақиқатан, бир ғазал ҳақидаги икки кишининг кузатишлари, мулоҳазаю хулосалари бир-бирига жуда яқин эди. Албатта, Н. Комиловнинг қадим Шарқ адабий манбаларидан бохабарликлари, бадиий сўзнинг ифода миқёсларини чуқур ва атрофлича идрок этишлари бу муқоясадан мустасно.

Ана шу мақолалар "Қаро кўзум..." ғазалининг ўрганилишида алоҳида бир босқич бўлди. Чунки кутилмаганда "Ғазал ва таҳлил" сарлавҳали мақола катта олимлар муҳокама-мунозарасига сабаб бўлди.

Орадан йил ўтмай, севимли ғазалнавис шоиримиз Эркин Воҳидовнинг "Шоиру шеъру шуур" китобини мутолаа этишга муяссар бўлдим. Ундан ўрин олган "Қаро кўзум..." талқини ҳам юқорида зикр этилган талқинлар билан муштарак хусусиятларга эга экан. Кейин билсам, мазкур талқин илгари матбуотда чоп этилган ва мен бундан бехабар бўлиб чиқдим. Бу талқинлардаги фикрий, руҳий ҳамоҳанглик, аввало, ўрганилган матн ягоналигидан бўлса, иккинчидан, муаллифларнинг танлаган йўли, нуқтаи назари тўғрилигидан гувоҳлик бераради. Адашмаганимга шукроналар айтдим. Шундан кейин ҳам "Қаро кўзум..."нинг янги талқинлари вужудга келди. Улар радио ва ойнаи жаҳон орқали оммалаштирилдики, айримларининг матнини қўлга киритолмаганим учун тадқиқот доирасига торта олмадим. Эндиликда "Қаро кўзум..."нинг мукаммал таҳлили орзусида эдим. Бу жуда мушкул вазифа бўлсада, ҳазрат Навоийнинг руҳларидан мадад сўрайман. Майдонда қатор талқинлар тургани ҳолда, мукаммал таҳлил яратиш жараёнида улардан кўз юмиш нотўғри ва бунинг иложи ҳам йўқ. Уларни четлаб ўтиб ғазал ҳақида янги гап айтиш душвор. Шунинг учун мутолаа мобайнида мубоҳаса ва мулоҳазалар қўзғайдиган иштибоҳлар пайдо бўлса, муҳтарам мухлислар ҳамда устозлардан узрхоҳлик тилайман. Мазкур ғазал таҳлилларидаги ютуқ-камчиликлар мухлислару толиблар учун ибрат ва сабоқ бўларлидир. Шунинг учун биз баъзи янгиликлар қўшиш баробарида, мавжуд талқинларга таянган ҳолда, қиёсий таҳлил заминида "Қаро кўзум..." таҳлилини умумлаштиришга интиламиз.

Гарчи қусурли матн бўлса ҳам, ғазалнинг Алишер Навоий "Илк девон"идаги нусхасини кенг китобхонлар оммасига таништириш ва у ҳақдаги айрим мулоҳазаларни баҳам кўришни маъқул кўрдик:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшан чаман қилғил.
Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,

Сочингни бошдин оёғ чин ила шикан қилғил.
Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.
Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил.
Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил[1].

Кўриниб турибдики, ғазалнинг илк нусхаси девонда етти байт ҳажмида акс этган. Аммо унинг саккиз байтли тугал нусхаси маълум ва машҳур. Шундан бўлса керак, аксарият мухлислар ғазал илҳомнинг бир зарби билан саккиз байтлигича ёзилган, деган тасаввурдалар. Ҳатто, атоқли олим А.Аъзамов шу нуқтаи назарни илмий жиҳатдан асослаб ҳам берган. У бу борада ўз талқинида шундай ёзади: *"Хазойин ул-маоний" девонларидаги барча ғазаллар тоқ сондаги байтлардан ташкил топган... Янглишмасак, биргина "Қаро кўзум..." саккиз байт. Бу таажжубли ҳолат, албатта. Уни фақат шундай изоҳлаш мумкин: ғазал илҳомнинг бир эпкини билан туғилган ва шу ҳолатда қоғозга битилган; унга туртки берган ҳодиса Навоий учун азиз хотирот бўлган бўлса керак, тўққиз байтга тўлдиришни лозим топмаган. Ҳақиқатан, санъатнинг юксак намунаси яратилишиданоқ мукаммал бўлади ва давр ўтиши билан бу сифатини сақлайди".* Бу ўринда домла *"янглишмасак"* сўзини бекорга ишлатмаганлар. Янглишаётган бўлишлари мумкинлигини онг остида сезганлар. Бироқ ижод жараёнининг қизғинлиги мазкур маълумотни текшириб кўришга изн бермаган. Ҳолбуки, 1996 йили "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Сатрлар силсиласидаги сеҳр" номли китобимизда ғазалнинг тўлиқ матни "Илк девон"даги 7 байтли матни билан қиёсий таҳлил этилган ва асарнинг ижодий такомили (эволюцияси) ёритилган эди. Илк девонда бўлмаган, мақтадан олдинги *"Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх, Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил"* байти шоир шуурида кечган ижодий ишлов жараёни маҳсули сифатида "Бадоеъ ул-бидоя" девонини тартиб бериш чоғида Навоийнинг ўзи томонидан киритилгани эътироф этилган. Домла бундан хабардор эдилар. Бу гапни ишонч билан айтаётганимнинг сабаби шуки, А.Аъзамов 2000 йилларда "Тафаккур" журналида ишлаб юрганларида, кейинчалик "Абадий даҳо" сарлавҳаси билан босилиб чиққан мақоламни менга буюртма берганларида шу китобим ҳақида гапирганлари ёдимда. Давр ўтиб, хотираларидан кўтарилган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, "Хазойин ул-маоний"да фақат "Қаро кўзум..." гина саккиз байтдан иборат эмас. Масалан, "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги *"Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод, Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд"* бошланмали 118 ғазал ҳам саккиз байтлидир[2]. Саккиз байтли ғазал яна бўлиши ҳам мумкин. Тадқиқот объектимиз бўлмагани учун, биз бу масалани махсус текшириб ўтирмадик.

"Санъатнинг юксак намунаси яратилишиданоқ мукаммал бўлади" деган гап ҳам назарий жиҳатдан тўғри. Бироқ амалда жараён бир хил эмас, айрим асарлар учун индивидуал ҳолатда кечиши ҳам мумкин. Масалан, "Қаро кўзум..." ғазалининг етти байтли ҳолати ҳам *"яратилишиданоқ" "санъатнинг юксак намунаси"* сифатида *"мукаммал бўл"*ган ва *"давр ўтиши билан бу сифатини сақла"*ши мумкин эди. Ундан ҳеч бир кимса камчилик топа олмасди.

[1] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. "ФАН" нашриёти, Т., 1968 йил, 88-а варақ.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. "ФАН", Т., 1988 йил, 113-114 бетлар.

Лекин мутафаккир уни янада ижодий такомиллаштирган. Ёхуд Навоийнинг *“Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...”* рубоийси ҳам илк яратилишиданоқ яхши асар бўлган. Мана унинг “Илк девон”даги дастлабки матни:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга рафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қадаҳ ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Ушбу матндаги *“рафиқ”* ва *“қадаҳ”* образлари асарнинг “Хазойин ул-маоний”даги мукаммал нусхасидан фарқланиб турибди. Лекин шунда ҳам қарийб мукаммал шаклдаги мазмун ўз ифодасини топган. Яъни ундан: *айрилиқда ҳеч ким мусофирга ўртоқ, дўст бўлмайди, гўё олтин гултувакда ўсган гул булбулга эркинликдаги тикандек ошён бўлолмайди,* деган мазмун англашилиб турибди. Шу ҳолатида ҳам рубоий жуда гўзал бадиий, маърифий моҳиятга эга. Агар уни Навоий қайта ишлаб, такомиллаштирмаганида ҳам, биз авлодлар уни севиб, ёдлаб юрган бўлардик. Лекин улуғ мутафаккиримиз асарнинг мазмун-моҳиятини янада кучайтиришни ният қилиб, уни қайта ишлаган. *“Рафиқ”* образи ўрнига *“шафиқ”, “қадаҳ”* образи ўрнига *“қафас”* образларини киритган. Асар қуйидагича камол топган:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Бу билан шоир меҳр-шафқат, тутқунлик маъно жилоларини сайқал топтирган. Адабиёт тажрибасида бундай бадиий ишлов, ижодий такомил жараёнларига мисоллар жуда кўп.

“Қаро кўзум...” ғазалининг мукаммал нусхасидаги – мақтадан олдин келгувчи *“Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх, Хамир этиб яна ул тоғда Кўҳкан қилғил”* байти илк нусхада йўқ. “Илк девон” улус орасида нашъу намо топган асарлар асосида, бевосита Навоий назоратида эмас, унинг ихлосмандлари томонидан тузилгани учун ушбу байтни девон муассислари ёхуд котиб айби билан тушиб қолган, дея тахмин қилиш мумкин. Лекин матнга Шарқ ғазалчилигида шаклланган собит адабий низом (канон) талаблари билан, ғазал “Бадоеъ ул-бидоя”га кўчгунга қадар шоир шуурида кечган ижодий ишлов жараёнини кўзда тутган ҳолда ёндашсак-чи? Бундай байт “Бадоеъ ул-бидоя”ни тартиб бериш пайтида Навоийнинг ўзи томонидан қонуний равишда киритилганини эътироф этишга тўғри келади.

Ғазал байтларидан бирида асосий мавзудан лаҳзага чекиниб, *“чарх”, “гардун”* ва *“фалак”* образларига нидо ёки илтижо қилиш анъанаси Навоийгача ҳам ғазалнависликда мавжуд бўлиб, Навоий ғазалиётида бу адабий низом мезонларидан бирига айланди. Назаримизда, Навоий ўз лирик такомилининг ҳар бир босқичида асарларини адабий низом тақозосига кўра такомиллаштириб борган. Келтирилган байт ҳам шундай ижодий ишловлар маҳсули бўлса, ажаб эмас.

Асарнинг “Илк девон” нусхасида тўртта ундалма – яъни *“қаро кўз”, “боғбон”, “рафиқ”, “Навоий”* образларига мурожаат бор. Ғазал мазмунини ривожлантиришда ҳар бир ундал-

ма ўзига хос бадиий вазифа бажаради. Ғазалнинг мукаммал нусхасига энг олий салтанат – чархга мурожаат мазмунидаги байтни киритиш заминида ҳам муҳим адабий муддао ётади.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил

байтининг иккинчи мисраси ҳам "Илк девон"да *"Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил"* тарзида битилган.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил

байтининг иккинчи мисраси *"Анинг бошлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил"* шаклида келади. Бир қарашда, бу ҳам "Илк девон"ни кўчирган Султонали Машҳадий хатоси туфайли юз берган, деган ҳукм чиқариш мумкин. Аммо "Илк девон" ва "Бадое ул-бидоя" ўртасидаги барча тафовутларга Навоий замонасида "хаттотлар султони" деб донг таратган Султонали Машҳадийни сабабчи қилиб кўрсатишимиз унчалик тўғри бўлмас. Ғазалнинг илк нусхасида Навоийнинг ўзи *"Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил"*, деб ёзган бўлиши эҳтимол. Сўнгги сатрдаги *"бошоғлиғ ўқ"*ни ҳам "Илк девон"даги *"бошлиғ ўқ"*нинг қайта ишланган, янгиланган нусхаси сифатида қабул қилса бўлади. Чунки *"бошлиғ ўқ"* ҳам жон ( ) сўзи ўртасида алиф ( ) ҳарфини айнан ифодалайди. Кейинчалик шоир *"бошоғлиқ ўқ"* истиорасини кашф этади ва бу унга *"бошлиғ ўқ"*қа нисбатан жозибалироқ туюлади. Шу тариқа, "Бадое ул-бидоя"га *"бошлиғ ўқ"* – *"бошоғлиғ ўқ"*қа айланиб кўчади.

"Қаро кўзум..." ғазалининг "Илк девон" ва "Бадое ул-бидоя" вариантлари орасида яна бир неча тафовут борки, улар, қатъий айтиш мумкин, Султонали Машҳадий хатоси туфайли юз берган. Биринчи мисрада *"фан"* сўзидан сўнг иккита ҳарф ортиқча ёзилган, тўртинчи мисра *"Қадинг ниҳолиға жон гулшан чаман қилғил"*, олтинчи мисра эса *"Итингга ғамзаси жон риштасин расан қилғил"* тарзида хато кўчирилган... Навоий замонаси ва муҳитидаги одамларнинг деярли ҳаммаси зуллисонайн бўлган. Уларнинг зуллисонайнлик даражаси икки хил тоифадан таркиб топган: 1. Иккала – туркий ва форсий тилни баравар биладиган ва бу иккала тилда бирдай иш юрита оладиган зуллисонайнлар. 2. Иккала тилдан бирини мукаммал биладиган, унга тўғри амал қила оладиган, иккинчи тилни камроқ биладиган ва унга тўла, тўғри амал қила олмайдиган зуллисонайнлар. Назаримизда, Султонали Машҳадий иккинчи тоифадаги зуллисонайнлик, яъни форсий тилни мукаммал, туркий тилни камроқ билишга мансуб бўлган.

Энди ғазалнинг мукаммал нусхаси мутолаасига киришайлик.

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан килғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.
Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.
Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.
Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Аввало, умумий маълумот учун қайд этиш лозимки, ушбу ғазал Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсули бўлиб, ишқий-фалсафий мавзуда битилган. Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ мусаббаъ вазнида ёзилган:

Мафоилўн фаилотўн мафоилўн фаълон
У – у ---------- уу ----------у –у

Ғазал мадҳ ва изҳор уйғунлашган юқори услубда яратилган. Шаклий тузилиши, мантиқий изчиллигига кўра, якпора ғазал. Мураддаф.

Ушбу ғазалдаги руҳ, тасвир ўзига хос мураккабликка эга. Профессор Нажмиддин Комилов ғазални шарҳлашга киришар экан, ёзади: *“Ғазалнинг ҳар бир байти алоҳида бир шеърий санъат, алоҳида пурмаъно ҳикмат – дурлар тизмасидан иборат. Шоир Шарқ шеърияти анъаналаридан фойдаланишнинг юксак маҳоратини кўрсата олган. Аммо биз бу ерда асарни нуқул классик илми бадеъ қоидалари асосида шарҳламоқчи эмасмиз. Негаки, Навоийнинг шеърий маҳорати бу қоидалар доирасидан чиқиб кетади, анъана унинг учун бир восита бўлиб хизмат қилган, холос. Иккинчидан, илми бадеъ истилоҳларини зичлаб келтираверииш мақсадимизга хилоф – мақсад асар маъноларини тушунтириш бўлганидан кейин бунга халақит берадиган нарсалардан қочиб, гапни байтлардаги асосий “ўқ сўзлар”ни (қадимгилар тили билан айтганда, “нукот” – нукталарни) изоҳлаш билан бошлаш жоиз”.* Тўғри, илми бадеъ истилоҳларини зичлаб келтираверииш самарасиз йўл. Лекин илми бадеъ санъатларини четлаб ўтиш ҳам тўғри эмас, назаримизда. Мақсад нукталарни изоҳлаш, маъноларни тушунтириш экан, Навоий каби санъаткорлар шеърий-бадиий усуллар воситасида нуктапошлик (маъно дурларини сочиш) қилганларини унутмаслигимиз лозим. Таҳлил жараёнида, имкони борича, бирор бадиий санъатни назардан қочирмаганимиз маъқул. Назаримизда, бадиият таҳлилигина ғазалнинг бадиий мазмунини тўлиқ юзага чиқариши мумкин.

Ғазал лирик қаҳрамоннинг манзурга висол илинжидаги илтижоси билан бошланган:

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Аввал байтдаги тушунилиши қийин бўлган сўз, ибора, тимсолларни аниқлаб, маъно товланишларини белгилаб олайлик. *“Қаро кўзум...”* байтда манзурга мурожаатни ифодалайдиган ундалма вазифасини бажаради. Уни *“қора кўзум”* ёхуд *“қаро кўзим”* шакл-

ларида ёзиш Навоий тили ва ифодасини бузишдан иборат хатодир. Мавжуд нашрларда бу хатога бот-бот йўл қўйилган. Ушбу ундалмани *“эй кўзимнинг қораси”* ва *“кўзимнинг оқу қораси”* тарзида баён этиш ҳам унчалик тўғри эмас. У *“қора кўзлигим”* маъносида қўлланган. Мазкур ундалма илоҳий – сўфиёна ҳамда дунёвий маънолар билан йўғрилган. Илоҳий мазмунда у маъшуқи мутлақни ифодалайди, дунёвий маънода эса севикли, гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатади. Форсий *“мардум”* сўзи машҳур икки маъносида, ушбу байтда ҳам, собит: 1. Одам, одамлар, халойиқ. 2. Кўз қорачиғи – гавҳари (мардумак – гавҳарак шаклида ҳам қўлланади). *Мардумлуғ* – одамгарчилик, инсонийлик, мурувват, марҳамат, лутф-илтифот, раҳм-шафқат, инсонпарварлик, фуқаро маъноларига эга. *“Фан”* сўзи ҳам кўпмаънолилик хусусияти билан диққатга сазовор.

У мазкур ўринда ҳозирги тилимиздаги *“илм”*ни ифодаламайди. Сўзнинг бирламчи маъноси расм, одат, ойин демакдир. Иккиламчи маъноси (айниқса, *“пурфан”* шаклида қўлланганида) ижобий хислатнинг киноявий талқинидаги макр-ҳийла, найранг, ҳунар, йўл-йўриқ, вафога ваъда қилмасликдир. Байтдаги ҳар бир сўз катта-кичик, муҳим-номуҳимлигидан қатъи назар, ўзига хос бадиий вазифа бажаради.

Оддийгина *“эмди”* сўзи ҳам узоқ айрилиқ алами ва висол соғинчини таъкидлашга хизмат қилади. *“Ватан”* сўзида – зоҳиран ошён, манзил, макон, маскан; ботинан қўним, сукунат, ҳаракатсизлик, истиқомат маънолари мужассамлашган.

Кўриб ўтилган калима ва бирикмалар жўн жойлаштирилганида бадиий санъат даражасидаги байт бунёдга келармиди? Хўш, бадиий мазмун таъминоти учун қандай поэтик усуллар сафарбар қилинган? 1. *“Мардум”* ва *“мардумлуғ”* орасидаги шакл ва маъно муносабатлари асосида сўз ўйини – тажнис яратилган. 2. Мисраларнинг *“қаро кўзум”* ва *“кўзум қаросида”* бирикмалари билан бошланишида тарди акс (терс такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда муҳим эстетик хизмат ўтаган. 3. Н. Комилов талқинича, “шоир *“мардум”* ва *“мардумлуғ”* орасида сўз ўйини – тажнис ясаш билан кифояланмай, шу маъноларни ифодаловчи ўзбекча *“қаро кўзум”* ва *“кўзум қароси”* бирикмаларини келтириб, тўрт томонлама ширу шакар (икки тилли) тажниси том санъатини ижод этган”.

Энди байтнинг умумий мазмунини тушунишга уриниб кўрайлик. Зоҳирий, дунёвий моҳиятга кўра, лирик қаҳрамон висол илинжида маҳбубага илтижо қилаётир: *“Қаро кўзли гўзалим, келсанг-чи, мурувват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи”.* Одамнинг кўз қорачиғида кўз гавҳари жойлашган бўлади. Кўз мана шу гавҳар воситасидагина борлиқни кўра олади. Ана шу табиат қонунини назарда тутиб, шоир иккинчи мисрада яна илтижо қилади: *“Кўзимниг қорачиғида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсам”.* Инсон энг севимли, азиз кишисинигина кўз қорачиғида, кўз қорачиғидек асрайди. Зотан, севикли ёрисиз ошиқ кўзига олам қоронғи. Э. Воҳидов шарҳлашларича, *“ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғида жо қилмоқни истайди ва қаён боқмасин, ойгами, гулгами, шабнамгами – барига ёр жамоли орқали боқишни орзу қилади, барида унинг тимсолини кўришни тилайди”. “Мардум”* сўзининг *“одам”* маъноси фақат биринчи мисрадагина эмас, балки иккинчи мисрада ҳам мавжуд. Кузатган бўлсангиз, юзма-юз турган кишиларнинг акси бир-бирларининг кўз гавҳарларига тушиб туради, бошқача айтганда, рўпарадаги киши суҳбатдошининг кўзига “жойлашган” бўлади. Иккинчи мисрадан шу манзарани ҳам туйиш мумкин. Зеро, ошиғини ўз васлидан баҳраманд этган маъшуқагина унинг кўзида гавҳар каби маскан тутиши мумкин.

Тагзаминдаги сўфиёна моҳиятга кўра, байтдаги илтижо – жамол орзуси, яъни илоҳий

маъшуқнинг лутфу эҳсони тажаллисига умидворликдир. Сўфи учун ўз нигоҳида, қорачиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриши олий бахт, Ҳақ васлига муяссарликдир. Сўфининг илоҳий маъшуқни *"кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил"* дея чорлаши асл ғоя билан бирлашиш, қовушиш, уни ўзига сингдириб, ўзи унга сингиб кетиши – ваҳдати вужуд истагидир, бизнинг назаримизда.

Шунчалар чуқур, серқатлам маънолар мужассамлаштирилган биринчи байтни шоҳбайт ёки ҳусни матла (етук, олий, гўзал бошланма) дея таърифлаш мумкин. Ғазалнинг ана шундай зоҳирий-дунёвий ва ботиний-тасаввуфий моҳияти байтма-байт муайянлашиб, уйғун равишда такомиллашиб боради. Ундан фақат дунёвий мазмун чиқариш ёхуд нуқул тасаввуф тимсолларини ахтариш бирёқламаликка олиб бориши тайин! Бироқ ҳеч бир шориҳ Навоий кўзда тутган бадиий мазмунни мукаммал, юз фоиз юзага чиқариш даъвосини қилолмаса керак. Чунки биз – Навоийнинг олис ворислари ҳазратнинг қалбига, руҳига яқинлашишга ҳар қанча уринмайлик, ақли ожизимиз баъзи иштибоҳ, тусмолу тахминларга йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Мазкур байтда тасвир анча содда ва муайян. Бироқ бу байт ҳам бир қанча рамзий иборалардан таркиб топган бўлиб, уларни шарҳламай туриб, мазмун моҳиятини англаб етиш қийин. Ўзи аниқ бу ифодаларнинг тимсолий моҳияти қизиқарли. 1. *"Юзунг гули"* – шеъриятда бугунгача ҳам қўлланаётган бирламчи зоҳирий маъноси севимли ёр чеҳраси. Ботиний маъноси – Ҳақ жамоли. 2. *"Кўнгул равзаси"* – кўнгил боғи, инсоннинг руҳият олами. 3. *"Қадинг ниҳоли"* – ёрнинг ниҳолдек қадду қомати, *"жон"* сўзи таркибидаги *"алиф"* ҳарфи, илоҳий маъшуқ қомати. 4. *"Жон гулшани"* – ошиқнинг вужуди, бағри, *"алиф"* ( ) ҳарфининг маскани бўлмиш *"жон"* ( ) сўзи, манзурнинг жавлонгоҳи.

Биринчи мисра *"Сенинг юзинг менинг кўнглим гулбоғида гул очсин"* маъносидаги висол илинжини таъкидлаб турибди. Шунингдек, бу мисрада биринчи байтнинг узвий мантиқий давоми ҳам англашиларли. Маълумки, кўз – кўнгилнинг ойинаси. Ёр жамолига муяссар бўлган кўнгил ёришади. Кўз қорачиғида макон қурган ёр жамоли чуқур томир ёзади, кўнгилда акс-садо беради, кўнгил боғини мазҳаргоҳга айлантиради, унда ишқ чечаклари қулф уриб гуллайди, бўстонга айланади. Шунинг учун лирик қаҳрамон сенинг алифдек қоматинг ниҳоли менинг жону дилим боғида яшнасин ва юзинг гули бу боғни гулшанга эвирсин, дея илинж-илтижо изҳор этмоқда. Демак, ёрнинг ошиқ кўз қорасида гавҳар каби ватан қуриши ва ўз жамоли жилвасига кўнгил боғини гулшан этишидан силсилавий, тадрижий тасвир ҳам ҳосил бўлаётир.

Иккинчи мисра мазмуни эса ҳарфий санъат, ташбеҳи измор, яъни яширин ташбеҳ воситасида ифодаланган.. *"Жон"* сўзининг араб ёзувидаги кўринишини кўз олдингизга келтиринг ( ). *"Жон"* сўзи *"жим"* ( ), *"алиф"* ( ), *"нун"* ( ) ҳарфларидан ташкил топган. *"Алиф"* ҳарфи сўз ўртасида (бағрида) жойлашган бўлиб, у ниҳолга монанд. Байтда маъшуқа қомати ана шу *"жон"* сўзидаги *"алиф"*га қиёсланган. Демак, шоир айтмоқчи, *"алиф" "жон"* гулшани бағрида жойлашгани сингари, сенинг ҳам *"алиф"* ва ниҳол янглиғ қоматинг ҳамиша менинг жоним, бағримда бўлсин!

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Ҳар бир сўз ва образнинг маъно кўламини очиш байтнинг аниқ таҳлилини юзага чиқаради. Байтдаги от (таковар) ва ит образлари, *“ҳино боғламоқ”* ва *“ғамзада жон”* ибораларииг маъносини тўғри тушунмаслик таҳлил йўналишини нздан чиқариб юбориши мумкин. *“Таковар”*, яъни тезюрар, йўрға от мумтоз шеъриятдаги анъанавий тимсоллардан. Ғазалларда маъшуқа отлиқ қиёфада чиройли назмий манзараларда тасвирланади. Севиклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаббати ва садоқатини изҳор қилиш барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий издошларидан бири Мунисда бу *“Отланур бўлсанг, менинг кўксимни жавлонгоҳ қил”* тарзида учрайди. Бундаги мазмун Навоий мисрасига оҳангдош. Лирик қаҳрамои маъшуқа от елдириб унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди. Шунинг учун суюкли ёрига мурожаат қилиб айтади: *“Отингнинг туёғига бағрим қонидан ҳино боғлагин, токи у қошимдан шитоб билан ўтиб кетмасин, мен сенинг васлингдан баҳраманд бўлай”.*

“Ҳино боғламоқ” иборасининг асл ва Навоий ғазалидаги кўчма маъноси луғатларда учрамайди. Ажабланасиз: *“Наҳот, бу ибора шу қадар эскириб, замонамиздан узоқлашиб кетган бўлса?!”* Йўқ, ҳино қўйиш одати билан боғлиқ бу ибора халқ тилида ҳамон яшаётир. У баъзан қулоққа мана бу шаклда чалиниб қолади: *“Тезроқ юрсанг-чи... оёғингга ҳино боғлаганмисан?”* Оёғига ҳино боғлаган одам оҳиста ҳаракат қилса керакки, шундай ибора келиб чиққан. Иборанинг тириклиги оёққа ҳино боғлаш одати ҳамон мавжудлигидан дарак беради. Ҳино боғлаш Шарқ халқларининг қадимий тиббий ва байрамона удумларидандир. Ҳино хотин-қизлар ҳайит кунлари безаниши учун махсус тайёрланадиган зеб-зийнат бўёғи ҳамдир. Ҳино иссиқ иқлимли мамлакатларда ўсадиган гиёҳ бўлиб, унинг барглари аввал қуритилиб, янчилиб, эзилиб, сўнг сувга аралаштирилади. Байрам бўсағасида бош, қўл, оёқ (кафт ва бармоқларга) ва сочга суртиб боғланади. Ҳино бош, қўл ва оёқлардаги оғриқларни йўқотувчи шифобахш хусусиятга эга бўлиш билан бирга, соч ва бадан терисини тўқ қизил ранг билан зийнатлаган. Оёғига ҳино қўйилган одам юрмаслиги, ором олиши лозим, шунинг учун ҳино кечаси уйқудан олдин боғланган. Ҳинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчган ва шодлик-хурсандчилик айёмларида узоқ вақт сақланиб юрган. *“Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла”* сатри мазмуни ана шундай ҳолат билан боғлиқ. Ошиқ ҳижрон азобида қонга айланган юрак-бағрини маъшуқанинг ўзигагина эмас, уни ошиқ томон олиб келиб дийдоридан баҳраманд этган отининг қадамига қурбон этади.

Ғазал талқини тарихида мухлислар томонидан *“ғамзада”* сўзини ноз, карашма маъносидаги “ғамза” сўзи ўрнида қабул қилиш ва шу тарзда шарҳлаш ҳоллари бўлди. Аслида *“ғамзада”* ва *“ғамза”* мутлақо бошқа-бошқа луғавий бирликлар. *“Ғамзада” “ғам”* ва *“зада”* сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма сўздир. Ғам – замондошларимизга тушунарли. *“Зада бўлмоқ” – “озор чекмоқ”, “жабр чекмоқ”* демакдир. *“Ғамзада жон”* эса қайғули, муттасил озор чеккан, жабрланган жон маъносини ифодалайди.

“Ит” ҳам Шарқ мумтоз шеъриятидаги анъанавий тимсоллардан эканлиги эътиборга олинмоғи лозим. Мумтоз шеъриятда маъшуқанинг итига ҳам висол илинжида лутф изҳор қилиш ҳоллари кўп учрайди. Шунингдек, ит маъшуқа ва ошиқ орасида тўсқинлик қилувчи тимсол сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда у анъанавий рақиб образига ўхшаб кетади.

Маъшуқа висолига эришиш мақсадида унинг ити билан дўстлашиш майллари ифодаланган байтлар жуда кўп. Мунисда бунинг гўзал намунаси мавжуд:

Итинг кўрсам, манга унс айласун деб,
Берурман гаҳ кўнгулни, гаҳ бағирни.

Назаримизда, Навоий мисрасидаги итга муносабат заминида ҳам ошиқ ва маъшуқа орасига раҳна солувчи тўсиққа киноя ётибди. Айни пайтда итига меҳр, фидойилик кўрсатиш манзурнинг ўзига ҳам жонфидолик рамзидир. Хуллас, лирик қаҳрамон маъшуқага яна илтижо қилади: *"Итингга ҳижрон ғамидан зада бўлган жоним ипларини арқон қилиб боғла, токи бизнинг дийдорлашувимизга халақит бермасин".* Яна ўша ҳажр дарди ва висол иштиёқи! Ёхуд мисрадан бундай мазмун ҳам англашилиб туради: *"Эй ёр, ҳажринг ғамида арқондек ингичка тортган жонимни итингга боғла. Мен лоақал итингга бахшида бўлай, лоақал итинг орқали васлингга муяссар эт!"*

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Ушбу ғазалнинг бошқа ғазаллардан фарқи ва ўзига хослиги шундаки, унда лирик қаҳрамоннинг дардпарвар нидолари руҳбоб чекинишлар билан бир неча марта бўлинади. Яъни, ошиқ нолалари фақат манзургагина қаратилмай, бошқа мафҳумлардан ҳам нажот илтижо этади. Тўртинчи байт ана шундай лирик чекинишлардан биринчисидир. Байтнинг замирида тилсимланиб ётган мазмун *"фироқ тоғи", "туфроқ", "хамир", "кўҳкан"* образларида мужассам.

Изоҳлашни *"кўҳкан"*дан бошламоқ жоиз. Чунки байтда лирик қаҳрамон ўз ишқи ва қисматини машҳур Кўҳканнинг ишқи ва қисматига қиёслаган. *"Кўҳкан"* сўзи луғавий жиҳатдан форсий *"кўҳ"* (тоғ) ва *"кан"* (кандан –"қазимоқ" феълининг ҳозирги замон ўзаги) сўзлари бирикувидан вужудга келган қўшма сўз бўлиб, у *"тоғ қазувчи"* маъносини билдиради. Кўҳкан афсонавий ҳамда Навоий асарларидаги Фарҳод сиймосининг рамзидир. Кўҳкан ва Фарҳод адабиётда маънодош образлар сифатида ҳам қўлланилади. Кўҳкан – Фарҳоднинг истиоравий лақаби. Маълумки, Ширинниг васлига муяссар бўлиш учун Фарҳод фироқ тоғини қўпормоғи шарт эди. Бироқ Навоий назарда тутган маъшуқа ва унинг фироғи абадий. Чунки Фарҳод фироқ тоғи аталмиш меҳнат, ранж, аламни чека-чека, айрилиқ билан олиша-олиша ўша манзилда оламдан ўтган, фидо, адо бўлган, тупроққа айланган. Тасаввуф фалсафасига кўра, юксак орзуланган маъшуқа фироқида ҳижрон чекиш ва оқибатда, Ҳақ васлига эришиш, аслиятга қайтиш, тупроққа эврилиш сўфи – ошиқнинг олий ва абадий маслаги. Фарҳод исмининг фироқ, ранж, ҳажр, дард сўзларининг биринчи ҳарфларидан олингани ҳам шунга ишора. Демак, Фарҳод ёки Кўҳкан – ишқ йўлида, илоҳий висол илинжида фироқ, ранж, ҳажр, дард тортишнинг бадиий тимсоли. Фироқ тоғи эса фожиа макони. Унда Фарҳод мислсиз меҳнат ва жасорат кўрсатиб тоғ қазиб, канал бунёд этади, сув чиқариб Ширин, Меҳинбону ва халқ дардига малҳам яратади. Лекин ўз орзусига эришолмай ҳалок бўлади.

"Туфроқ" – инсон умрининг ибтидоси ва интиҳоси. Инсон тупроқдан яратилган ва у фоний дунёдаги умрини яшаб бўлгач, яна тупроққа айланади, аслига қайтади.

“Хамир” ифодаси бир оз чуқурроқ шарҳни тақозо этади. Чунки бу сўз замондошларимиз тасаввурида нон ёпиш мақсадида ундан қориладиган хамирни англатади. Аслида, тангри таоло тупроқдан хамир қориб, ушбу хамирдан инсониятнинг бобокалони Одам атони яратган ва унга жон, имон, юрак, ақл берган. Бу хамирни биз бугун лой деб атаймиз ва одамзод лойдан яралган, дея нақл юритамиз.

Мазкур образлар воситасида англашиладиган ҳосила шуки, лирик қаҳрамон чархга ёлвориб айтади: *“Агар айрилиқ билан жангда енгилсам, жисму жоним барбод бўлса, фироқ тоғида тупроққа айланган танимдан қайтадан кўҳкан яратгин, токи мен ёр висолига интилишда давом этай”.*

Мустақил мазмунга эга бўлишига қарамай, бу байт ғазалнинг аввалги байтларидан ажралиб қолмаган. Лирик қаҳрамоннинг ўз ишқида собитлиги, висол иштиёқида ўртаниши, маслак сари сабот ва курашчанлик касб этаётгани изчилликни сақлаб турибди. Тупроқсифат хокисорлик, кўҳканвор меҳнаткашлик лирик қаҳрамоннинг сўфиёна баркамол сийратидан далолат беради.

Бешинчи байт яна бевосита манзурга мурожаат руҳида битилган:

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин-оёқ чин ила шикан қилғил.

Бир қарашда, бу байтда мураккаб ибора ва тимсоллар йўқ. Лекин бадиий мазмунни таъминлаб турган бир неча англама байт замирига яширинганки, уларни, албатта, назарда тутмоқ керак. Масалан, *юз* – дунёвий маъшуқа чеҳрасини, айни пайтда, оллоҳ ҳусну жамолини англатади. *“Кўнгуллар”* сўзини *“юраклар”* изоҳлаёлмайди. Чунки *“кўнгул”*нинг маъно миқёслари *“юрак”*дан кўра кенгроқ. Кейин, *“кўнгуллар”* деганда ошиқлар образи тушунилади. Бу тимсол заминида Ҳақ висолига ташна сўфилар ҳам мужассам. Сочнинг ҳусну жамол тимсоли янглиғ талқинлари ҳам мавжуд. Аммо, бизнинг назаримизда, соч қоронғу ва узоқ айрилиқ белгисидир. Байтда манзурнинг бошидан оёғигача етадиган соч соҳибаси эканлиги ҳақидаги тасвир ҳам яширинган.

Мутолаада мухлисни *“чин”* ила *“шикан”* сўзлари кўпроқ ўйлантиради. Ўзаро маънодош бу форсий сўзлар ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон-силсилавий, қат-қат, печу тобли, қармоқсимон, илгаксимон сифатларини маъшуқа сочига нисбатан ифодалаётир.

Ғазалдаги маъшуқа образи – бениҳоя юксак, улуғвор ва етишиб бўлмас сиймо. Ошиқ кўнгиллар эса хокисор ва нотавон. Бу кўнгилларнинг жони ва дармони фақатгина ёр висоли. Ошиқ кўнгиллар билан маъшуқа жамоли оралиғида эса соч – поёнсиз ҳижрон тимсоли ётибди. Шунинг учун энди лирик қаҳрамон маъшуқанинг ўзидан мадад сўрайди: *“Агар ошиқларингга раҳминг келса, улар висолингдан баҳраманд бўлишларини истасанг, сочингни бошдан-оёқ қармоқ, илгак ва ўрамлар каби жингалак қил, токи афтода ошиқларинг шу “чин”у “шикан”лар воситасида оёғингдан бошинггача кўтарилсинлар, “юзунг висолига етсун”лар”. “Чин ила шикан”* образлари орқали Ҳақнинг дийдорини излаб сўфилар босиб ўтадиган сўфилик сулуки силсилалари назарда тутилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Олтинчи байтда иккинчи лирик чекиниш содир бўлади ва у *“боғбон”* образига мурожаатда акс этади:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Мураккаб ва тагдор маъноли бу байтда шоир изчил ёритилаётган ҳижрон ва висол мавзусидан лирик чекиниш қилиб, фонийлик ва боқийлик ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Лирик қаҳрамон ёр васли, унинг соғинчлари, ошиқлик саргузаштлари ҳақида илтижолар қиларкан, ногаҳон унинг хаёлини ёрнинг эмас, умрнинг вафоси, дунёнинг вафоси ҳақидаги маҳзун ва дардчил ўйлар чулғаб олади. Орзу-армонлар ҳасрат, афсус-надоматларга дўнади. У вафо бўстонидан бир гул талабгор эди. Аммо боғнинг, борлиқнинг ўз боқийлигига умид боғласа бўлармикин? Беш кунлик дунёнинг ташвишлари, ўртанишлари азият, ранжу ғусса чекишга арзирмикин? Ёр гўзаллиги, ошиқнинг сабру бардоши, ишқнинг саботи хазон елларига совурилмасмикин?! Шу сархуш хаёллар оғушида шоир боғ ва боғбон муносабатларини рамзийлаштириб, истиоравий манзарали байт бунёд этади. Ҳар қандай ҳодиса ё манзарани тимсоллаштириб бўлмайдн. Бунинг учун тимсол ниҳоятда ҳаётий ва ибратли бўлиши керак. Табиийки, боғбон ўз боғини ҳар қандай ҳалокатлар хуружидан асраб-авайлайди. Унинг муҳофазакорлиги гулу меваларни қушларнинг қирғинидан, ҳашароту хасталиклар ҳужумидан, ўғрилар тажовузидан қўриқлашдан тортиб, боғнинг тому деворларини тиканаклар билан бостиришгача бориб етади. Албатта, бу муҳофазакорлик ўзининг муваққат натижаларини беради. Аммо азал қисматига, хазон сипоҳиға – хазонрезги қатлиомига ҳеч қандай муҳофазакорлик монелик қилолмайди. Фасллар алмашиниши билан боғлиқ бу ҳодиса асосида Навоий *“боғбон”* – яратувчи, *“боғ”* – мавжуд борлиқ, *“хазон сипоҳи”* – ўлим лашкари тимсолларини ижод этади. Шоир боғбонга мурожаат этаркан, уни боғни асраб қолиш учун ҳар қандай чораю тадбир кўрмасин, ҳатто боғнинг деворларию томи – осмонини игнабанд қилиб ўраб олмасин, хазон фаслидан, қуритиш лашкаридан омон сақлаёлмаслигидан огоҳлантиради. Навоий ана шундай образли мушоҳадакорлик орқали ҳаётнинг вақтинчалик ва ғаниматлиги, хазон фасли (қарилик) етгач, ўлимга ҳеч қандай қудрат ва чораю тадбир қаршилик килолмаслиги ҳақида фикр юритади.

Навоийнинг олтинчи байтга келиб, фанолик ва бақолик ҳақида фалсафий мушоҳадага берилиши тасодифий эмас. У олдинги байтларда маъшуқа жамоли ва ошиқ аҳволини тасвирлади. Энди меҳрсиз маъшуқа жамоли, маҳжур ошиқ умри, ҳаётнинг ўзи ҳам омонат ва ғанимат эканлигини эл қатори, маъшуқага ҳам уқтирмоқчи. Боғбону лирик қаҳрамонни ҳам бу аччиқ азал қисматига иқрор этмоқчи. Байт инсон руҳиятининг маҳзун манзарасини суратлантирса ҳам, унинг ҳосиласи тушкунлик ва умидсизлик эмас. Шоир умрнинг муваққат, замоннинг ўткинчи, табиат қонунларининг шафқатсиз, қаттол ва барҳақлигидан огоҳлантирар экан, умрни, ишқни, ошиқни, ёр васлини, муҳаббатнинг хушҳол лаҳзаларини ғанимат билишга, ҳаётсеварликка чорлайди.

Мазкур байтни навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов муайян назарий фикрларига асос қилиб олиши бир оз баҳсли кўринади: *“Навоий ғазаллари семантик структураси учун типик бўлган яна бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим. Аксар ғазалларда мақтадан олдинги байт мазмун ва услуб жиҳатидан бутун ғазал таркибидаги бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт, олдинги байтлардаги тасвир усулидан қатъи назар, иккинчи шахсга (мазмунан, ўқувчига ёки умумга) қаратилган мурожаат, хитоб тарзидаги ўгит (шунингдек, таъна, кесатиш) ёки умумлашган ибратомуз хулосадан иборат. Шоир, кўпинча, ўз фикрини соқийга ёки бошқа бирор объектга (маъшуқага, шоҳга, гулга) мурожаат шаклида*

изҳор қилади... Уларнинг аксарияти ғазал структурасида мустақилликка эга бўлиб, бошқа байтлар билан радиф ва қофия орқалигина боғланиб туради. Улар алоҳида ҳолда ҳам тугал маъно билдиради. Лекин ана шу нисбий мустақиллик барча тип ғазалларда бир даражада эмас. Тавсифий таъриф, мадҳда ҳам ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг "бегона" ёки қистирмалиги якқол сезилиб туради. Улар тушириб қолдирилса ҳам, ғазал структураси ва тасвир оқимига зарар етмагандек бўлиб туюлади. Масалан, ёшлик даврига мансуб "Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан килғил" деб бошланувчи ғазални эсга олайлик. Маъшуқага қаратилган ва унинг сиймоси билан боғлиқ истиоравий тасвир орасида бирдан боғбонга (рамзий атама) мурожаат тарзидаги қуйидаги байт пайдо бўлади:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Агар қофия ва радифни ҳисобга олмасак, мазмунан катта фалсафий умумлашма даражасидаги бу байт конкрет шахс қиёфаси билан боғлиқ тасвир ичида, чиндан ҳам, тасодифийдек туюлади"[1]. Бу назарий умумлашмани бошқа ғазалларга татбиқ этиш мумкиндир. Бироқ ... Аввало, келтирилган парча мақтадан олдинги байт эмас. Боз устига, у *"қистирмалиги яққол сезилиб турадиган"* даражада *"бегона"* ҳам эмас. Синчиклаб кузатганимизда, байтлараро руҳий, мантиқий боғланиш борлигини илғаймиз ва мазкур байт *"тасодифийдек"* туюлмайди ҳам. Дастлабки байтларда маъшуқа одамийликни одат қилишга, кўз қорачиғида мардум каби ватан тутишга, ошиқнинг жон гулшанини чаман айлашга даъват этилиши шу туйғу заминида мантиқан мазкур байтга боғланади ва унга асос бўлиб хизмат қилади.

Шоир ғазалнинг кейинги байтларини ҳам ана шу ҳаёт фалсафасидан келиб чиқиб, узвий давом эттиради.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Ушбу байт ниҳоятда қизиқарли ва сеҳрли моҳиятга эга бўлиб, унинг талқинлари ҳам ранг-баранг, жозибалидир. Э. Воҳидов ихчам ва мўъжазбаён шарҳ билан чекланади. Н. Комилов байтнинг ўзига хос тугал ва мукаммал талқинини яратишга эришади. И. Абдуллаев ҳам мазкур байтни чинакамига таҳлил этишга ҳаракат қилади: *"Агар маҳбуб юзида терни кўриб ўлиб кетсам, эй дўст (рафиқ), мени гул сувн билан юв-да, гул баргидан кафан қилиб, дафн эт..."*.

"Бу байтнинг маъноси анчагина мураккаблиги учун кўп баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бизнингча, бу байтга шундай маъно бериш мумкин: илгари вақтда гулоб тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш одат тусига кирган бўлиб, гулобни турли усуллар билан тайёрлаганлар. Шулардан бири гулни бир идишга қўйиб, тагига ўт ёқиб, уни буғлатиб, терлатган ва ўша гул тери томиб-томиб бошқа идишга тушаверган, кейин у гулоб сифатида истеъмол қилинган. Навоий бу ерда маҳбуб юзини гулга ўхшатар экан, унинг хижолатдан ёки уятдан терлаган пайтини гулнинг гулоб олишдаги терлашига ўхшатади. Бу ниҳоятда бир гўзал манзара бўл-

[1] Ё. Исҳоқов. Навоий поэтикаси. "Фан", Тошкент, 1983 йил, 62-бет.

гани учун, агар ана шундай ҳолда сенинг юзингни кўриб, бунга тоқат қилолмай ўлиб кетсам, гулоб билан ювиб, гул баргидан кафан қилгин, демоқчи. Баъзилар бу байтдаги "тер" сўзини "тир" (ўқ) деб ўқиш керак, шунда юзингда ўқни кўриб ўлсам, маъноси чиқади, дейишади. Лекин бу иккинчи мисрадаги гулоб ва гулга боғланмайди. Баъзилар эса "маҳбуб менинг олдимга шошилиб, югуриб келса, унинг юзида терни кўрсам", деб талқин қилишади. Лекин бу ҳам тўғри эмас. Ахир, маҳбуб ошиқ олдига югуриб келмайди-ку. Яна баъзилар "маҳбубнинг ўлим тўшагида ётиб, ажал терига тушганини кўрсам" деб ҳам маъно беришади. Бу фикр ҳам мантиқан иккинчи мисрага боғланмайди".

И. Абдуллаев гулоб тайёрлаш жараёнини мароқли тасвирлаган. Лекин байтни бу манзара билан боғлаб талқин этиш етарли эмас. Муаллифнинг байт мазмуни ҳақидаги турли мулоҳазалар билан мунозарага киришуви таҳлилни жонлантирган. Ҳақиқатан, *"тер"* сўзини *"тир"* дея талқин этиш ва *"маҳбубниг ўлим тўшагида ётиб, ажал терига тушганлиги"* ҳақидаги тахминлар, бизнингча, асоссиз. Лекин *"маҳбуб менинг олдимга шошилиб, югуриб келса, унинг юзида терни кўрсам"* тарзидаги талқинга И. Абдуллаевнинг *"ахир, маҳбуб ошиқ олдига югуриб келмайди-ку"*, дея билдирган эътирозини ўйлаб кўриш керак. Навоийнинг:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб

матласини эслаб кўринг-а. Унда ошиқ томон гул чеҳрали дилбар елиб, шошилиб келгани, маҳбуба юришининг тезлигидан, ҳаяжони ва уятининг зўридан гул юзида тердан гулоб пайдо бўлгани тасвирланган. Назаримизда, бу иккала байтдаги тер ва гулоб образларида муштарак хусусият мужассам. Бу образлар Навоий лирик қаҳрамони – маъшуқадаги иффат, ҳаё, назокат, уят, ҳаяжон, эҳтирос белгиларидир. Навоий орзу этган маъшуқа қиёфасини ҳар иккала ғазал бир хил образлар орқали ифодалаган бўлса-да, бу ғазалларнинг бири висол севинчларини, иккинчиси ҳижрон изтиробларини ифодалайди.

Олдинги байтда шоир тирикликнинг омонат ва ғаниматлиги, ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида ўй сурган эди. Шундай маҳзун кайфиятдаги лирик қаҳрамоннинг армони битта – у ҳам бўлса, маъшуқа висоли. Унинг муроди севиклисининг юзида ҳаяжон ва эҳтирос терларини кўриб ўлиш. Бу муддаони шоир биринчи мисрадаёқ баён этаркан, иккинчи мисрада психологик мувозийлик усули воситасида уни яна бир бор таъкидлайди ва мустаҳкамлайди. Биринчи мисра мазмуни *"юз"* ва *"тер"* образлари орқали ифодаланган эди. Иккинчи мисрада бу образларга мувозий равишда *"гулоб"* ва *"гул барги"* образлари қўлланади. *"Гулоб"* маъшуқа юзидаги тер тимсоли бўлса, *"гул барги"* юзнинг рамзидир. Фараз қилинг, ошиқ жасади гулоб, яъни маъшуқа терлари билан ювилса ва гул барги, яъни маъшуқа юзига буркалса, демак, маъшуқа висолига эришган, у билан қовушган бўлади. Ушбу байт мазмунини фақат дунёвий маънода тушунадиган бўлсак, унинг ботиний маъносидан кўз юмган бўламиз. Чунки бу ғазалда сўфиёна мазмундаги ошиқ-маъшуқ муносабатлари ҳам мужассам. Тажалли таълимотига кўра, маъшуқ (яратувчи)нинг висолига етишиш, у билан бирлашиш ошиқ (яратилмиш) учун чинакам висол (ваҳдати вужуд), олий бахт демакдир. Хуллас, мазкур байтда дунёвий мазмундаги висол билан Навоий тасаввуфидаги висол онлари бир йўла тажассум топгаи. Умуман, Навоийнинг бу каби мураккаб ғазалларининг ҳар байти замирида ана шундай тагзаминли мазмун борлигини назардан қочирмаслик керак.

Ғазалнииг тугалланма байти ҳам жуда қизиқ, таажжубланарли, тилсимли:

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Байт чуқур фалсафий асосга таянади. *“Анжумани шавқ”* ибораси тасаввуф маслагига мурожаат этишга чорлайди. *Шавқ* – тасаввуф мақомларидан бири. Тасаввуф таълимоти ҳақидаги китобларда кўрсатилишича, шавқ шундай руҳий ҳолатки, ошиқ жони шавққа тўлади, у маъшуқ ёди билан ғойибона анжумани шавқ тузади. Ошиқ ишқида оловланган шавқ анжумани муҳаббат оташининг шуълалари ва жавҳаридан вужудга келади. Шавқ моҳияти висолнинг талабу тақозосидан иборат бўлиб, бу мақомда ошиқ сўфи назарида ёр дийдори жилваланади ва ошиқ унга соғинч изҳор этади. Шавқ ва зикр мақомлари Ҳақнинг номини ёдга олиш ва у ҳақда фикру ўй суриш ҳолатидир.

Бу байт мазмунини ҳам иккинчи байтдаги сингари, унда яширинган ҳарфий санъатни шарҳлаш воситасида тўлиқ юзага чиқариш мумкин. *“Жон”* сўзининг араб имлосидаги шаклини яна тасаввурингизда тикланг:

( ). *“Жим”* ( ) ва *“нун”* ( ) ўртасида бошоғлиқ ўқ – *“алиф”* ( ) ҳарфи турибди. Шоир яна бир бор маъшуқани *“жон”* сўзи марказида турган *“алиф”*га муқояса қилади ва бу билан *“жон”* сўзини *“алиф”* ҳарфисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ошиқ жонини, яъни ҳаётини ҳам маъшуқасиз тасаввур қилиш имкондан ташқари, деган фикрни билдиради. Ана шундай бадиий асослар аёнлашгач, байтнинг умумий мазмуни англашилади.

Хуллас, Навоий ўзига ва висол иштиёқидаги ўзга ошиқларга илоҳий муҳаббатнинг сеҳру синоатидан сабоқ бермоқда: *“Эй ошиқ, то шавққа тўлмайин, жону жаҳонни шавқ ўтига ўртамай туриб, ёр дийдорига муяссар бўлиш мумкин эмас. “Жон” ( ) марказида “алиф” ( ) мақом тутсагина, жон комил ва ҳаёт бўлади, жонда жонон тажалли топади. “Алиф” сиз “жон” мукаммал бўлмаганидек, ёрсиз ошиқ – сўфи ишқи ҳам камолотсиз. “Энди агар сен ёр висоли илинжида жонинг аро шавқ оташини оловлантириб, маъшуқ жамолини шуълалантирмоқчи бўлсанг, манзурнинг фикру зикрини, ёду хаёлини анжуманнинг шамъига айлантир. Шунда Ҳақнинг васлига восил бўласан, жонинг жононга эврилади, ёр билан руҳан ва хаёлан бирлашасан, ишқнинг порлоқ шуълаларида у билан анжуман тузасан”.*

Ғазал висол орзуси билан бошланган эди, худди шундай орзумандлик билан тугалланди. Бу ғазалнинг жуда гўзал, ихчам, тугал таркибий (композицион) бутунликка эга эканлигини кўрсатади.

“Қаро кўзум...” ғазали ўзининг сермазмун бадиий сеҳри, маънавий-руҳий таъсирдорлиги билан асрлар оша халқнинг қалб ардоғида сақланиб келаётир. “Ушшоқ” куйи билан ашула қилиб айтилиши ғазалнинг янада халқчил, машҳур, умрибоқий асарга айланишини таъминлади. Гарчи ғазал ҳақидаги мавжуд талқинларга танқидий муносабат, улар билан муқояса этиш асосида яратилган бўлса ҳам, ушбу таҳлилимизни мукаммал, “Қаро кўзум...” ёдгорлигига оид сўнгги сўз, нуқта деган даъводан йироқмиз. Ҳассос шоир Эркин Воҳидов ва нуктасанж олим Нажмиддин Комилов айтганларидек, Навоий байтлари қатида яшириниб ётган маънолар шу қадар теран, шу қадар кўламлики, у дурлар тўла денгизга ўхшайди. Бу денгизга шўнғиган одам, албатта, янги маъно дурларини қўлга киритиб, баҳрамандлик бахтини туя олади. “Қаро кўзум...” ҳали кўп замонлар шеърият мухлисларини ўзига ром этади.

БИР ҒАЗАЛ БАҲСИ ЖАРАЁНЛАРИ

“Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи тарихида “Бир ғазал баҳси” алоҳида ўрин тутади. У – ғазал тадқиқи эволюциясида алоҳида босқични ташкил этган. Шарқшунос олим Исматулла Абдуллаев “Ғазал ва таҳлил” мақоласига ёзган “Ҳар сўзнинг ўз ўрни бор” сарлавҳали жавоб мақоласида ўз талқинларининг бўш томонларини ҳимоя қилиш мақсадида чуқур ва мукаммал таҳлил учун газета рукнида имконият бўлмаганини асос қилиб кўрсатади. Ўзининг мақоласи газетбоп эканлигини, газета эса чуқур илмий тафсилотларни кўтармаслигини асослашга уринади. Жумладан, бизнинг танқидий таҳлилимиздаги тафсилотларга шундай муносабат билдиради: “*Иккинчи байт мазмунини ёш олим тўғри деб топар экан, “жон” сўзи шаклига анча тўхталиб ўтади, бу эса газетхонлар учун ортиқча*”. Албатта, табиийки, ўз даврининг таниқли, катта олими ўз таҳлилининг бундай жўн чиққанини тан олишни истамаган. Айниқса, ёш бир олимнинг эътироз мақола билан чиқишини мутлақо кутмаган. Бироқ унинг газета имкониятлари ҳақидаги фикрларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам, газеталаримиз муҳаррирлари таҳлилий мақолаларни, мана орадан салкам ярим аср ўтган бўлса ҳам, тўлиқ, кўнгилдагидай чиқаришмайди. Албатта, таҳрир баҳонасида мукаммал ёзилган таҳлилий мақолаларни қисқартириб, тўмтоқлаштириб, ўзлари истаган ёхуд имкониятлари кўтарган шаклга солиб чиқаришади. Олимлар бундай кўринишда чиққан мақолаларидан қаноатланмай эътироз билдиришса, газета – илмий минбар эмас, балки оммавий ахборот воситаси эканлигини рўкач қилишади. Аслида, газета мард бўлиб “Машҳур ғазаллар таҳлили” рукнини очдими, мард бўлиб ғазалларнинг мукаммал таҳлилларини ҳам бериши лозим-да. Аҳвол шундайки, Ўзбекистонда она тили ва адабиёт масалаларини ёритувчи махсус бирорта газета йўқ. Қолаверса, нега илмий газета бўлмаслиги керак? Бизнингча, бадиий асарлар таҳлили ва тадқиқига бағишланган мақолаларни яйраб, ёлчиб чиқарадиган махсус илмий-оммабоп газета бўлиши керак.

И.Абдуллаев ўз мақоласида бизнинг “*ҳино боғламоқ*” тушунчаси тўғрисидаги фикрларимизни бутунлай бузиб талқин этган: *“Унинг таъбирича, маъшуқ ўз оти оёғига латта билан ҳино боғлаб қўйиши ва у юролмай тўхтаб қолиши, Навоий эса бундан фойдаланиб, ёр васлидан баҳраманд бўлиши керак. Чалкаш таҳлил. Бунинг учун маъшуқ (яъни ёр) отнинг оёғини кўтариб (от албатта ўргатилган бўлиши керак), унга Навоий кўз ёшидан бўлган қон – ҳинони боғлаб қўйиши, отдай катта махлуқ юролмай қолиб, ошиқнинг бағрида манзил тутиши керак. Наҳотки, от оёғига боғланган ҳинони кўтаролмай тўхтаб қолса?”* Ўқиб гувоҳ бўлдингизки, бизнинг мақоламизда бундай гаплар ва талқинлар йўқ. Улар И.Абдуллаев томонидан ёш олимга нисбатан баланддан қараб истеҳзо ва мазах оҳангида айтилган гаплардир. У газета ва ундаги мақола тарихда ҳамда бир куни янги илмий тадқиқотларга манба бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Академик Алибек Рустамов “Ҳакамлик мақоласи”да холис, одил нуқтаи назарда туришга ҳаракат қилган. Лекин бу улуғ олим ҳам ғазал тадқиқи тарихида айрим чалкашликлар келиб чиқишига асос берувчи фикрларни баён этган. Масалан, унинг: *“Навоийга овчи йигитнинг ўзи ва оти шунчаки маъқул бўлганки, у отингни бўяш учун жигар қонини беришга ҳозирман, дейди”* жумласи орқали ғазал тадқиқи тарихида *“Қаро кўзум...” ғазалида овчи йигит образи куйланган”* деган янглиш тасаввур пайдо бўлганки, бошқа айрим олимлар ҳам

бу фикрга ишониб, эргашиб, кейинчалик уни ривожлантирганлар. Ҳолбуки, ғазалда *“овчи йигит”* образи куйланмаган. Бундай образнинг ўзи йўқ ғазалда.

А.Рустамовнинг мана бу фикри ҳам баҳсли: *“Гўзал юзда тер пайдо бўлганда, айниқса у меҳнат тери бўлса, ҳусн устига ҳусн бўлади ва буни кўрган ошиқнинг шавқдан жони танасидан чиқади”.* Бу талқин олимнинг ўзи қўйган: *“Нега шоир юзидаги терни кўрганда ўлади?”* деган саволга жавоб бўла олмайди. Биринчидан, *“Гўзал юзда тер пайдо бўлганда, айниқса у меҳнат тери бўлса, ҳусн устига ҳусн бўл”*иши фикри ишонарли, ҳаётий эмас. Тер доначалари қоплаган ҳўл чеҳрани тасаввур қилинг. Қанақасига у *“ҳусн устига ҳусн”* – гўзаллик бўлсин? Ҳамма биладики, дунё гўзаллари юзлари тердан холи, қуруқ ва кўркам бўлиши учун упа-эликдан фойдаланишади-ку. Қолаверса, ёрнинг ҳусни ортганидан шавққа тўлган ошиқ нега ўлиши керак? Аксинча, лаззат, роҳат, завқ туймайдими, ҳузурланмайдими? Маъшуқа юзида тер пайдо бўлиши билан ошиқ жони танани тарк этиши ўртасида қандай мантиқий боғлиқлик бор? Бу – тушунарли эмас. Мана шу муаммо ғазал тадқиқотчиларини кўп қийнаган, ўйлантирган, адаштирган ва ҳанузгача ўз илмий, ишонарли ечимини намоён этмаган.

Олимнинг мазкур талқинидаги лирик қаҳрамон энди *“овчи йигит”*га ўхшамайди. Ғазалнинг лирик қаҳрамони маъшуқми, маъшуқами, овчи йигитми – айнан кимлиги ҳақида, назаримизда, бу улуғ олим қатъий фикрга эга бўлмаган кўринади.

А.Рустамов ғазал тадқиқи тарихига яна иккита чалкаштирувчи образни олиб киради: *“Охирги байтнинг мазмуни шундай: ўқ шамга, бошоқ шаклан шамнинг алангасига ўхшайди”.* Бу образлар ҳам кейинги баъзи тадқиқотчиларни чалкаштирган. Буни тадқиқот давомида кўрамиз. Аслида, ғазалда “ўқ” ва “бошоқ” образлари йўқ. “Бошоғлиқ ўқ” истиоравий бирикмаси бор.

Бир ғазал баҳси жараёнида, айниқса, катта олимларимиз орасида кечган баҳс-мунозара, фикр алмашиш ўша давр навоийшунослик илми савияси, даражаси, олимларимизнинг дунёқараши, улар Навоий дунёқарашини қандай тушунишларидан ҳам далолат беради. Академик Алибек Рустамов ғазал таҳлили баҳсига анча жиддий киришган, холис ва одил ҳакамлик мақомини сақлаган бўлса, профессорлар Ғулом Каримов ва Абдуқодир Ҳайитметовлар “Баҳс маданияти” сарлавҳали мақолаларида ғазал таҳлили баҳсининг ичига деярли кирмаганлар. Ғазал байтлари мазмуни ва образлари талқинларига муносабат билдирмаганлар. Асосан, А.Рустамовга қарама-қарши нуқтаи назарни ифодалаганлар. Улар ўрталаридаги мунозарада шу нарса кўзга яққол ташланадики, А.Рустамов қарашларида ҳурфикрлилик, яъни эркин фикрлаш етакчилик қилган. У даврларда адабиётдаги тасаввуф деярли ўрганилмаган, мумтоз адабиётни дунёвийлик руҳияти нуқтаи назаридан ўрганиш ва талқин этиш устувор мавқеда эди. А.Рустамовда эса бошқа кўп олимларга нисбатан исломий-тасаввуфий нуқтаи назарни билиш, эътироф этиш, умуман, мумтоз адабиёт ва хусусан, Алишер Навоий дунёқарашига, ҳар қандай мафкурадан қатъи назар, эркин ёндашиш шаклланган экан. Ёт мафкура ҳукмронлиги, босими остида шу ҳам ҳеч қаерда баралла, аён намоён бўлмасди, ғазал баҳси муносабати билан равшан ифодасини топди. Бу эса мафкуравий мақомда турган олимларимизнинг ғашини келтирган. Айниқса, А.Рустамовнинг *“... моддий боғ бу муваққат нарса. Муваққат нарсага ишқ қўйиб бўлмайди. Демак, моддий нарсаларни азиз деб билиш ҳақиқат йўлидан оздиради*”, деган фикрлари уларнинг мафкуравий дунёқарашларига тамом тескари келган. Шунинг учун ғазал таҳлили бир четда қолиб, шу фикрларга зарба беришган. Ғ.Каримов ва А.Ҳайитметов устозларимиз КПСС аъзоси бўлиб, меҳнат фаолиятлари мобайнида раҳбар лавозимларда ишлаганлар. Даҳрийлик дунёқара-

ши уларнинг мафкураларига сингиб кетган эди. У даврларда партия аъзоси бўлмаган ва шўровий мафкурага сиғинмаган одам кам эди. Шунинг учун ҳам, аслида, мазкур олимлар айбдор эмас эдилар. Замонавий мафкуранинг муттасил, шафқатсиз таъқиби ва тазйиқи (атоқли олимлар Эргаш Рустамов ва Ботирхон Акрамов қисматларини эслаб кўринг) уларни сиёсий ҳушёр қилиб тарбиялаган. Шундан келиб чиқиб, Ғ.Каримов А.Рустамовнинг юқоридаги фикрларини: *"Алишер Навоий ижодининг умумий руҳига, унинг ғоявий-эстетик асосларига тамоман зиддир",* дея рад этади. А.Ҳайитметов эса: *"Айни вақтда чиндан ҳам А.Рустамов мақоласида "муваққат нарсаларга ишқ қўйиш ҳақиқат йўлидан оздиради", – деб Навоий шеърини талқин этиш, "моддий боғ", реал борлиқни "муваққат"деб баҳолаш ғоят хато, Навоий фалсафий дунёқарашини бузишдир",*- дея Ғ.Каримов фикрларини қўллаб-қувватлайди. У даврларда Ғ.Каримов ва А.Ҳайитметов ўзбек мумтоз адабиёти илмининг тепасида турган сиймолар эдилар. А.Рустамов эса кўпроқ тилшунос олим сифатида қадрланарди. Шунинг учун унинг: *"Ғазал, умуман, классик шеърни тушуниш республикамизда қониқарли эмас"*лиги ҳақидаги танқидий фикри ҳам атоқли мумтозшунос олимларда эътироз ва норозилик уйғотган. Бирлари Ўзбекистондаги яккаю ягона университетда кафедра мудири бўлиб, "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигини яратган, иккинчилари Фанлар академиясида бўлим мудири бўлиб ишлаб, беш томлик "Ўзбек адабиёти тарихи" тадқиқотини яратиб қўйган бу улкан алломаларга ушбу фикр уларнинг умрбод чеккан меҳнатларини чиппакка чиқарадигандек туюлган. Ҳали мустақиллик, ҳурфикр замон келишидан дарак бўлмаган даврда бу ҳам мантиқан табиий эди.

Хуллас, биргина "Қаро кўзум..." ғазали теварагида ташкил этилган ушбу баҳсу мунозара адабиётшунослигимиз, Навоийшунослигимиз, ғазалшунослигимиз тарихида алоҳида босқич бўлиб қолади. Шахсан биз мазкур баҳсни уюштирган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси жамоасидан, хусусан, моҳир муҳаррирлар, раҳматли Маҳмуд Саъдий ва Аҳмад Отабоевдан миннатдормиз. Зотан, илмий журналларимиз бундай баҳсларни ташкил эта олганлари йўқ.

ТАДҚИҚНИ ЖОНЛАНТИРГАН ТАҲЛИЛ

Профессор Нажмиддин Комиловнинг "Ишқни оловлантирган сув" сарлавҳали мақоласи ҳам "Қаро кўзум..." ғазали тадқиқи тарихида алоҳида ўрин тутади. У – биринчилардан бўлиб мазкур ғазал шарҳланган мақола. Биз юқоридаги қисмларда ҳам ушбу мақоланинг илмий қиммати тўғрисида тўхталиб ўтганмиз. Олимнинг, айниқса, мана бу фикрлари мумтоз ғазалларни таҳлил ва тадқиқ этишда концептуал моҳиятга эга: *"Олимларнинг тадқиқотлари, "Хамса" достонларининг насрий баёнлари, алоҳида нашрлар учун тузилган изоҳлар, "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" мушкулимизни бир қадар осонлаштирган бўлса-да, лекин буюк шоирнинг "маънолар хазинаси"ни кашф этиш, унинг бемисл санъати сирларини очиб, шеърият ихлосмандларини ундан баҳраманд қилиш эҳтиёжи батамом қондирилган эмас. Назаримда, бу ишни яна давом эттириб, Судий Баснавий каби қадимги шарҳчиларнинг иш усулидан фойдаланиш анча самарали кўринади. Модомики, Саъдий, Ҳофиз, Навоий замондошлари учун ғазални байтма-байт, мисрама-мисра, ҳаттоки, сўзма-сўз "майдалаб" тушунтириш лозим бўлган экан, бизга бу яна ҳам муҳимроқ ва зарурроқдир".*

Ғазал таҳлилларида фикрларни ёрқин, равшан, тушунарли баён этиш Н.Комилов тадқиқотчилик услубига хос хусусият. Лекин ғазал байтлари, образларининг ботиний, тасаввуфий маъноларини изоҳлашда мавҳумликка йўл қўйиш ҳолатлари бор. Мақолада "Қарокўз" образи – "пири комил" дея талқин этилади. Яъни, шоир "Қаро кўзум" деганда, пири комилга мурожаат қилаётган бўлиб чиқади. Биринчи байт таҳлили хулосасида олим ёзади: *"Демак, Комил инсон, Пири комил Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади".* Бундан қуйидагича қатор саволлар келиб чиқади: "Хўш, бу пири комил ким? Нега шоир пири комилга маъшуқага мурожаат қилгандай мурожаат қилади? Нега унга нисбатан маъшуқага хос фазилатларни тавсифлантиради? Агар у чиндан ҳам пири комил бўлса, нега шоир унга "келу мардумлиғ эмди фан қилғил" – "келгин ва энди одамгарчилик расмини тутгин" дея илтижо қилади? Пири комил – одамгарчиликни энг олий даражага кўтарган зоти шариф эмасми?" Афсуски, ушбу саволларга мазкур мақоладан ҳам, бу фикрга эргашган бошқа олимларнинг талқинларидан ҳам қаноатланарли жавоб топиш қийин.

Иккинчи байт таҳлилида: *"боя биринчи байтда кўз Комил инсон тимсоли дедик"* дейилади. Орқага қайтиб, биринчи байт таҳлилига қараймиз. Унда бундай ёзилган: *"Тасаввуф луғатларида* ***кўз – Комил инсон тимсоли*** *деб шарҳланади...".* Аён бўладики, тасаввуф луғатларида "Қаро кўзум..." ғазалидаги кўз назарда тутилмаган. Навоий ғазалида ҳам кўз алоҳида образ эмас. У – қора кўзли лирик қаҳрамоннинг кўзи. "Қарокўз" – яхлит образ. Ҳозирги адабий тилимизда ҳам муайян инсонни англатувчи "қоракўз" ибораси мавжуд. Ушбу яхлит тушунчадан кўзни алоҳида ажратиб олиб тавсифлаш тўғримикин?

Ғазалдаги асосий лирик қаҳрамон – "қарокўз" ким? "Қаро кўзум..." ғазали тадқиқи тарихида ушбу муаммо бошдан-оёқ бош масала сифатида кўндаланг турибди. Ҳатто, айрим тадқиқотчилар ўз мақолаларини шу муаммонинг ўзи билан атаганлар. Шунинг учун бу жиддий эътиборни талаб этади. Профессор Н.Комилов 1-2-байтлар таҳлилида уни комил инсон деб белгилаган бўлса, 3-байт талқинида бундай ёзади: *"Навоийнинг лирик қаҳрамони эса ўз маъшуқига мурожаат қилиб, ўзига эмас, балки отига ошиқнинг бағир, яъни жигар қонидан ҳино боғлашни илтижо қилиб сўрайди. Чунки у ёрини шу даражада севадики, унинг ҳар қандай жафосига чидашга тайёр, йўқ-йўқ, бугина эмас, у ёрга ёлвориб, хокисор ошиқни азоблаш, қийноқлар гирдобига олишни тилайди. Ахир, ёр қийноқлари ошиқ учун ҳузур-ҳаловат-да!"* Ушбу ва кейинги байтлар талқинидан пири комил ёки комил инсон эмас, балки севикли ёр образи англашилади. Талқиндаги ёр, ошиқ, маъшуқ сўзлари ҳам шундан далолат беради. Бундан ғазалдаги тавсиф объекти иккита бўлиб чиқади. Аслида, бундай эмас. Ғазалдаги мурожаат ва тавсифлар бир объектга қаратилган. У объект – образда эса пири комил ёки комил инсон қиёфаси гавдаланмайди.

Муаллиф "кўҳкан" сўзининг луғавий маъносини беихтиёр *"тоғ кесувчи, тоғ қазувчи"* деб ишлатади. Форсий бу сўз *"кўҳ"* – "тоғ" ва *"кан"* – "қази" ўзакларидан ясалган бўлиб, *"кўҳкан" – "тоғқазар", "тоғ қазувчи"* деганидир. Лекин *"тоғ кесувчи"* – тўғри луғавий маъно эмас. *"Кесмоқ" – "қазимоқ"* феълига маънодош (синоним) ҳам бўла олмайди. Умуман, Навоий даврида тоғни қазиш, кавлаш, ўйиш мумкин эди, лекин кесиб бўлмас эди. Ҳозир замонавий техника воситалари билан, эҳтимол, тоғни кесиш ҳам мумкиндир.

Мақолада байтлар аро жуда ажойиб таҳлил давом этади. Лекин сўнгги байт таҳлилига келганда, устоз Н.Комилов ҳам ғазал тадқиқи тарихига, бизнинг назаримизда, матнда бўлмаган ва назарда тутилмаган иккита образни олиб кирадилар. Булар – *"ўткир тиғли камон*

ўқи” ва *“киприк”*: *“**Бошоғлиқ ўқ** – ўткир учли, ўткир тиғли камон ўқи. Ўқ учининг бошоққа ўхшашлиги ҳам эътиборга олинган. Шундай кўринишда у чиройли киприк ва ёниб турган шамга шаклан монанддир. Воқеан, “бошоғлиқ ўқ” деганда, Навоий ёр кипригини айтмоқчи. Чунки киприк – муҳаббат ўқи, қайсиким, тўғри юракка бориб қадалади. Байтнинг мазмуни: “Эй Навоий, агар жон ичра шавқ-ҳаяжонли рағбат мажлисини тузмоқчи бўлсанг, ёр киприги – ўқини шу мажлиснинг шамъи қил”.* Кейинги таҳлилларда айрим муаллифлар мазкур образларни дастак қилиб олган ҳолатлар борки, тадқиқот давомида уларга ҳам тўхталамиз. Устоз Н.Комилов таҳлили ғазал тадқиқи тарихида бошловчи мақолалардан бири сифатида муҳрланиб қолади.

ШОИРОНА ШУУР ВА ИЛМИЙ ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Шарқ мумтоз адабиётига яқин муҳитда ўсиб-улғайган, миллий мумтоз адабиётга муҳаббат руҳида тарбияланган, умрбод мумтоз адабиёт руҳияти, кайфияти билан яшаб ижод этган, асарлари мумтоз тафаккур дурдоналари билан йўғирилган мутафаккир шоир эди. Мумтоз адабиёт билан ана шундай доимий ҳаётий ҳамнафаслик шоирнинг мумтоз ғазалларни адабий шарҳлашига, бу билангина қаноатланмасдан, тахмислар ёзиб бадиий шарҳлашига асос бўлган.

Шоир руҳият ва кайфият одами. У ҳамиша мумтоз асарлар ёди билан яшайди. Шоирнинг ёди – хотираси ҳам ҳамма вақт мумтоз асарлар ёди билан банд. Шоир бирор иш билан машғул ё номашғул бўлсин, у ҳаракатда ё ҳаракатсиз бўлсин, бундан қатъи назар, онг остида мумтоз ғазаллар жаранглаб туради. Айниқса, куй басталаниб, моҳирона ижро этилган ғазаллар – мумтоз ашулалар шоир хаёлини бирор лаҳза тарк этмайди, диққат марказидан тушиб қолмайди. Ана шу мунгли ва янгроқ наволар узлуксиз такрорланиши шоир туйғуларини туғёнга келтиради ва қўлига қалам олиб шарҳлашига туртки бўлади. Шунда кўнгли хиёл таскин-тасалли топади, бўшайди. Ана шунинг учун шоир мунгли, дардли, навобахш, нолакор ғазал-ашулаларни танлаб шарҳлаган.

Шоир шарҳларининг композицияси уларнинг бир зарб, бир нафас билан ёзиб тугалланганлигидан ҳам далолат беради. Бу эса, айни пайтда, шарҳларнинг жуда ихчам, лўнда, нафис, тафаккур билан туйғуларнинг уйғун мужассамлигида юзага келишини ҳам таъминлаган. Булар ҳам Э.Воҳидов талқинларининг ўзига хос хусусиятларидандир. Аммо бу талқинларнинг ўзига хослиги яна шундаки, улар олимларимиз томонидан яратилган илмий талқинлардан фарқ қилади. Э.Воҳидовнинг ғазал талқинлари илмий шарҳлар эмас, балки адабий бадиалардир. Тўғри, улар илмий мушоҳада юритиш, таҳлил этиш, хулосалар баён қилиш жиҳати билан илмийликдан ҳам холи эмас. Лекин уларда шоирона бадиий мушоҳада етакчилик қилади. Э.Воҳидов талқинлари шоирона шуур ва илмий тафаккур уйғунлиги маҳсулидир.

Э.Воҳидов расмий илмий даража ва унвонларга эга бўлмаса-да, у шоирлар олими эди. Аллома, мутафаккир эди. Унинг ғазал талқинлари савия эътибори билан айрим энг олий илмий даража соҳибларинидан ҳам баланд туради. Ғазал талқинларида билим ва илм билан биргаликда асар руҳияти, мазмуни, сўз-ибораларини тўғри тушуниш ҳамда тўғри шарҳлаш асосий ўринда туради.

Эркин Воҳидовнинг талқинларида илмий шарҳлар билан муштараклик, айни вақтда, тафовутлар ҳам мавжуд. Буни икки Навоийшунос олимнинг шарҳлари билан таққослаб кўришимиз мумкин. Келинг, академик А.Рустамов, профессор Н.Комилов ва шоир Э.Воҳидовнинг Навоий "Қаро кўзум..." ғазали матла байтига берган талқинларини таққослаб кўрайлик.

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Академик А.Рустамов талқини: *"Байт "қаро кўзум" деган мурожаат билан бошланади. Бу сўзнинг байтдаги "мардум", "мардумлиғ" ва "кўзум қароси" сўзларига нисбати бор. Шунинг учун Навоий ўз манзурига, масалан, "дило", "э жон" ёки бошқа бирор сўз билан мурожаат қилмасдан, "қаро кўзум" деб мурожаат этган. "Мардум" деб айтиладиган иккита сўз бор, бири "халқ" ва "киши" маъносида, иккинчиси кўз қорачиғи маъносида. Навоий мазкур байтда шу икки сўзнинг шаклдошлигидан фойдаланиб, бирлаштириб ишлатган. Бу санъат ҳисобланади ва "ийҳом" деб аталади. "Фан қилмоқ" байтда "одат қилмоқ" маъносида ишлатилган. "Фан" сўзининг ҳунар, касб маъноси бор, ҳунар доимий машғулот бўлгани учун бу сўзнинг "одат" сўзи билан маънодошлиги бор. "Ватан қилмоқ" ўрнашиб олмоқ маъносида ишлатилган.*

Демак, Навоий байтда эй менинг қора кўзлигим, кел энди мардумликни, яъни кўз қорачиғи бўлишни ва кишиликни одат қил ва менинг кўзимнинг қорасида мардум, яъни кўз қорачиғи каби ва кишилар сингари ўрнашиб ол, деган фикрни баён қилган. Кишиликни одат қил, киши каби дейишдан мурод пари ёки фариштага ўхшаб кўздан ғойиб бўлма дейишдир. Бунда манзурнинг нодирлигига ҳам ишора бор.

Кўзимнинг қорачиғи бўл дейишдан мақсад кўз ўнгимдан кетма дейишдир. Кишининг кўз ўнгидан гўзал сувратнинг кетмаслиги унинг маънавий камолига сабаб бўлади"[1].

Энди профессор Н.Комилов талқинига диққат қилинг: *"Дарҳақиқат, ушбу ғазалда ошиқнинг етуклик ва камолот тимсоли – Комил инсонга муҳаббати ифодаланади. Тасаввуф луғатларида кўз – Комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зуҳурот рамзи бўлса, кўз шу зуҳуротни тўплаган манба – мазҳари комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади. Навоий қаҳрамони ана шу Инсонни ўз кўзининг гавҳарига айлантирмоқчи – қалб чироғи этмоқчи бўлади. Шоир ишлатган сўз ўйинлари ҳам шунга йўналтирилган: "мардум" – кўз қорачиғи ва инсонийлик маъносида келади, "фан" – одат, ўрганиш ва тадбир.*

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: "Қора кўзлигим (гўзал ёрим), кел энди, одамийлик мурувватини расм қилгин (ўрганиб ол); кўзимнинг қорачиғига (гавҳарига) гавҳар (қорачиғ) каби ўрнашгин (маскан тут)". Алҳосил: "қора кўзлигим, келгинда, лутф-шафқат, вафо расмини туз (вафоли бўл), мен учун сен кўз қорачиғидай азизсан, жойинг кўзим ичида".

Демак, Комил инсон, Пири комил Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади.

Бундай байтлар классик танқидчиликда шоирлик маҳоратининг баланд намунаси – ҳусни матла (шоҳбайт) деб баҳоланган"[2].

---

[1] Алийбек Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. "Маънавият", Т., 2003, 104-105-бетлар.
[2] Нажмиддин Комилов. Маънолар оламига сафар. "Тамаддун", Т., 2012, 175-176-бетлар.

Энди эътиборингизни Э.Воҳидов талқинига қаратинг: *“Бу сўзларда қанчалик вафодорлик, фидойилик бор, баркамол муҳаббат бор, шеърий ифода эса нақадар теран, жозибали, сержило. “Мардум” сўзининг икки маъноси бор. Мардум – одам, мардум – кўз гавҳари. “Қаро кўзум” дея мурожаат этади шоир севикли ёрга, келу мардумлиғ, яъни одамлик, одамгарчилик фанини кўрсат, кўзум қаросида мардум киби, яъни гавҳар каби ватан қилғил, макон қилғил. Биргина байтда неча маъно товланишлари – ҳам мардумнинг икки маъноси, ҳам “қаро кўзум”га муқобил “кўзум қароси” ифодаси – нақадар теранлик, нафосат, мукаммаллик бор. Ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғига жо қилмоқни истайди ва қаён боқмасин, ойгами, гулгами, шабнамгами – барига ёр жамоли орқали боқишни орзу қилади, барида унинг тимсолини кўришни тилайди”*[1].

Англашиладики, икки олим ва бир шоир ўзаро бир-бирларидан бехабар ҳолатда “Қаро кўзум” ғазалининг ҳар бири ўзига хос талқинларини ижод этганлар. Шунга қарамай, улардаги фикрий нуқтаи назар ва мазмун бир-бирига яқин, деярли бир хил. Асосий тафовут услубда. Илмий услуб билан шоирона услуб яққол ажралиб турибди. А. Рустамов ғазални мураккаб илмий услубда шарҳлаган. Шарҳнинг тили олимлар учун тушунарли, лекин оддий одамлар учун анчагина оғир. А. Рустамов ғазал мазмун-моҳиятини, асосан, матндаги сўз-ибораларнинг мағзини чақиш йўли билан юзага чиқарган. Э. Воҳидов шарҳи хосу авомга бирдай тушунарли. Н. Комилов шарҳида ҳам бирмунча илмий мураккаблик бор. У ғазал мазмун-моҳиятини очишга тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашган. Унда дунёвий талқин билан тасаввуфий талқин уйғун. Лекин шу уйғунликда бир иштибоҳ яққол сезилиб турибди. Унда лирик қаҳрамон *қароқўзга “лутф-шафқат, вафо расмини туз (вафоли бўл)”*- дейилади ва айни пайтда у *комил инсон, пири муршид* сифатида ҳам тавсиф этилади. Савол туғиладики, агар у комил инсон бўлса, унда лутф-шафқат, вафо расми мукаммал шаклланган бўлмайдими? Бу иштибоҳ ғазалда комил инсон ёки пир эмас, балки анъанавий севикли ёр образи назарда тутилганлигини тасдиқлайди. Э.Воҳидов талқинларида ҳеч қандай иштибоҳ сезилмайди.

Дарвоқе, кейинги пайтда эълон қилинаётган ғазал шарҳларида тасаввуфий талқинга шу қадар ружу қўйилмоқдаки, асар матнида бунга ҳатто бирор ишора бўлмаса ҳам, шориҳларимиз ўзлари тасаввуфий муносабат ёки образларни тўқиб чиқармоқдалар. Ҳатто, таҳлилни яхши уддалаб қўйганларидан кейин ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, бир орада *“бу ғазалда ишқи ҳақиқий ёки илоҳий ишқ куйланган”* деган гапни қистириб ўтадилар. Гўёки шундай демасалар, бир камчилик ё хатога йўл қўйгандай сезадилар ўзларини. Хўш, Э. Воҳидов нега ғазал шарҳларига тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашмаган? Ё у тасаввуфни билмаган, тушунмаган ва тасаввуф тўғрисидаги мақола-китобларни ўқимаганми? “Шоиру шеъру шуур” билан “Сўз латофати” китоби ўртасидаги 20 йиллик даврда тасаввуфни ўрганиш ва ёритиш авжига чиқди. Бу соҳада юзлаб мақолаю китоблар чоп этилди. Бизнингча, Э. Воҳидов онгли бир зиёли сифатида буларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган. Биз “Шоиру шеъру шуур” билан “Сўз латофати” китобидаги талқинларни қиёсий ўрганиб чиқдик. Ғазал талқинларида шоир томонидан киритилган айрим таҳрирлар бор. Лекин тасаввуф нуқтаи назаридан ёндашиб киритилган таҳрирлар йўқ. Назаримизда, бунинг сабаби шуки, шоир таҳлил йўналишини сунъий равишда, зўрма-зўракилик билан тасаввуф томонга буришни, йўқ жойдан тасаввуфий маънолар тўқиб чиқаришни истамаган. Минбаъд ғазал таҳлилларида бундан ибрат олсак арзийди.

[1] Эркин Воҳидов. Сўз латофати. “Ўзбекистон”, – Т., 2014, 120-121-бетлар.

Хуллас, Э. Воҳидовнинг талқинлар тажрибаси илм ва ижод аҳли учун ўрнакдир. Мумтоз асарларимизнинг халқимиз учун жуда зарур илмий-оммабоп шарҳларини яратиш ноёб истеъдод мевасидир.

“ҚАРО КЎЗУМ...” – ТАЛАБ МАҚОМИ ТАВСИФИМИ?

Профессорлар Суйима Ғаниева ва Ҳамид Неъматовларнинг “Қаро кўзум...” ғазали таҳлилига алоҳида тўхталишлари[1] биз учун нодир бир топилма бўлди. Бу икки олимнинг бош қовуштириб тасаввуф фалсафаси ва ғазаллардаги тасаввуфий талқинлар тўғрисида махсус мақола ёзишлари ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Чунки Ҳ.Неъматовни атоқли тилшунос олим сифатида танирдик. Улкан тилшуноснинг адабиётни ҳам чуқур билиши ва ҳис қилишини англасак-да, унинг ушбу мақоласи биз учун катта янгилик бўлди. С.Ғаниева – Навоийшунос олима. Лекин у умрбод, асосан, Навоийнинг насрий асарлари устида илмий тадқиқот олиб борган. Бу олима билан 15 йил бир хонада ўтириб ишлаганмиз ва суҳбатларидан баҳраманд бўлганмиз, кўп анжуманларда, муҳокамаларда бирга иштирок этганмиз. Олиманинг бирор ерда тасаввуф ҳақида гапиргани ёки бирор ғазални таҳлил қилиб берганини кўрмаган эдик. Улар балки ўз тадқиқот объектларидан узоқроқ ва нозик соҳалар бўлгани учун, бу мавзуларга аралашмагандирлар. Ҳар ҳолда, бу икки олимнинг кексалик чоғида ёзилган мазкур мақолаларини улар умрий ижодий тафаккурларининг шу соҳадаги хулосаси сифатида қабул қилиш мумкин, деган фикрдамиз.

Олимлар якдиллик билан “Қаро кўзум...” ғазалини тасаввуфдаги “талаб мақоми тавсифига бағишланган” деб ҳисоблашади. Тўғри, Навоийнинг тасаввуф таърифларига бағишлаб ёзилган махсус ғазали ҳам бор. Бироқ, бизнинг назаримизда, “Қаро кўзум...” ғазали тасаввуфнинг маълум мақомига махсус бағишлаб ёзилган ғазал эмас. Олимлар ғазални таҳлил доирасига тортганлар, бироқ нимагадир жуда қисқа тўхталиб, йўл-йўлакай муносабат билдириб ўтганлар. Байтма-байт, мисрама-мисра, сўзма-сўз таҳлил этмаганлар.

Бу олимларнинг таҳлиллари жуда ўзига хос, бошқа олимларникига монанд эмас. Улар ҳар байтнинг фалсафий мазмунини деярли бир жумлада баён этиб кетганлар. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг шарҳларининг ўзи яна илмий шарҳни тақозо этади. Улар ҳар байт ҳақида фикр юритганда, аввал байтнинг ўз тасаввурларидаги умумий маъносини айтиб, сўнг қавс ичида бу маънони изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Баъзи ҳолларда байт маъноси баёни билан изоҳ ўзаро мувофиқ келмайди. Ушбу маъно ва изоҳларнинг кўпчилиги ишонарли эмас. Наинки ишонарли, тушунарли ҳам эмас. Айрим фикрлар таваккалига айтилгандек таассурот қолдиради. Ушбу шарҳни фақатгина хосларга, яъни илм аҳлига мўлжалланган дейиш мумкин. Зотан, муаллифлар ғазалга тўлиқ илмий-оммабоп шарҳ яратишни мақсад ҳам қилмаганлар.

Биринчи байтнинг умумий маъноси “ёрга интилиш, унга сингиш” дея талқин этилади. Жуда қисқа айтилган бўлса-да, лекин у асосий катта олимларимиз томонидан баён этилган талқинларга мазмунан мувофиқ келади. Лекин ушбу байт маъносига берилган изоҳ баён этилган маънога тўғри келмайди. Биринчи байтда кўз ва қорачиқ муносабатлари ҳақида

[1]Суйима Ғаниева, Ҳамид Неъматов. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. “Фан” нашриёти, Т., 1993, 171–184-бетлар.

гап кетмайди. Шунингдек, байтда қорачиқсиз кўзнинг ҳеч нарсага арзимаслиги ҳақидаги фикр ҳам ўз ифодасини топмаган. Ҳар қалай, булар Навоий байтидаги фикрлар эмас.

Таҳлилда ҳамма байтларга тўхталинмаган. Баъзи байтлар очиқ қолган.

Учинчи байт мазмунига ёрга етишиш йўлида ҳеч бир машаққатдан ҳайиқмаслик маъноси нисбат берилади. Аммо байтда, машҳур таҳлиллардан биласизки, бундай маъно йўқ. Бошқачароқ маъно бор. Изоҳда ҳам учинчи байт мазмунини тасаввуфдаги талаб мақоми моҳиятига мувофиқлаштиришга (подгонка қилишга) уринилган. "Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла" илтижосини ошиқнинг маъшуқа "оти туёқлари остида топталиши" дея талқин этиш асл бадиий ҳақиқатдан йироқ, назаримизда. Шунингдек, "Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил" илтижосини ҳам ошиқнинг "озиб-тўзиб, сулайиб арқонга ўхшаб қолиши ва моддиятни йўқотиб, фақат руҳни, жонни сақлаб қолиш" тарзида талқин этиш ҳам бадиий маънони тасаввуф ғояларига сунъий равишда бўйсундиришдек таассурот уйғотади.

Тўртинчи байт маъносининг талқини ва изоҳи бадиий аслиятга тўғри келади. Бироқ байтнинг умумий маъносини "ўз аҳдидан қайтмаслик" эмас, балки "ўз аҳдига садоқат" дея ифодаланса, янада тўғрироқ бўларди.

Еттинчи байтнинг умумий маъноси "ёр васлига эришиб, ошиқнинг бахтиёрларча фаноси" шаклида ўзгача, оригинал ифодаланган бўлса-да, бошқа тўғри талқинларга мазмунан ҳамоҳанг келади. Фикр равшан баён этилгани учун, бунга ортиқча изоҳ ҳам берилиши лозим топилмаган.

Саккизинчи байт талқинида яна матн мазмун аслиятидан узоқлашиб, таъбир жоиз бўлса, эркин фикр баён этилган. Бу муаллифлар ҳам матндаги "бошоғлиқ ўқ"ни "темир бошли ўқ" деб тушунганлар ва шундай талқин этганлар. Бизнингча, бу – янглиш тушунча. Ғазалда шоир Навоий ҳеч қандай жисмоний ўқ ҳақида фикр юритмаган. "Бошоғлиқ ўқ" бу ўринда истиоравий бирикма – образ. У, биз ўз таҳлилларимизда ифодалаганимиздек, "жон" сўзи таркибидаги "алиф" ҳарфига монанд ёр қадду қоматини англатади, холос. Ўз-ўзидан, асарда "темир" – металл тушунчаси ҳам йўқ. Булар сингари, бошқа кўп олимларимиз ҳам матнда номавжуд нарсани ўйлаб чиқариш, бўрттириш, шиширш ва ҳаддан ортиқ ошириб юборишга ружу қилганлар.

Хуллас, С.Ғаниева ҳамда Ҳ.Неъматовларнинг талқинларини ҳам "Қаро кўзум..." ғазали тадқиқи тарихидаги ўзига хос ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Альтернатив талқин сифатида у ҳам чинакам бадиий ва илмий ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради.

АТОҚЛИ МУНАҚҚИД ЭЪТИБОРИДАГИ "ҚАРО КЎЗУМ..."

Академик Матёқуб Қўшжоновнинг "Қаро кўзум..." тўғрисидаги мақоласи[1] бевосита ғазал таҳлилига бағишланмаган. Бироқ бу мақола бошқа кўп жиҳатлардан илмий ва бадиий қимматга эга. Ушбу жиҳатлар қуйидагилардан иборат: 1. Навоий истеъдодининг баҳоси ва "Қаро кўзум..." ғазалининг бадиий қиммати. 2. "Қаро кўзум..." ашуласининг санъат асари сифатидаги баҳоси ва қиймати. 3. Юнус Ражабий шахсияти ва истеъдодининг тавсифи. 4. Абдулла Қаҳҳор истеъдоди нозик қирраларининг тавсифи.

[1] М. Қўшжонов. Қаро кўзум. "Дийдор" китобида. Улуғлар билан ўтган онларим... "Шарқ". Т., 2004, 121–127-бетлар.

М. Қўшжонов Абдулла Қаҳҳор ва Юнус Ражабийнинг “Қаро кўзум...” ашуласи ижросидан кейинги суҳбатларидан Алишер Навоий истеъдодига хос хислатнинг ифодасини заковат билан пайқайди: *“шоир ижодига хос ақл бовар қилиши қийин бўлган нафис ва маънодор образлилик”.* Бу улуғ мунаққиднинг Навоий даҳосига берган юксак баҳосидир. Олим тўғри таъкидлайдики, мақом ашулаларида назм ва наво уйғунлашиб кетганидек: *“Юнус Ражабийнинг сўзлари, адабиёт ва санъат ҳақидаги фикрлари Абдулла Қаҳҳорнинг фикр-мулоҳазаларига уйғун тушарди”.*

“Қаро кўзум...” ашуласининг санъат асари сифатида инсон руҳиятига таъсири мана бу сатрларда ўзининг самимий ифодасини топган: *“Кечаги йўл чарчоғи ҳам кучини кўрсатар, сезмаган ҳолда кўзим уйқуга кетар ва бир зумлик муддат орасида ҳофизнинг салмоқдор овози қулоқ пардаларига келиб уриларди-да, уйғониб кетардим. Бирор сониядан кейин яна уйқу устун келарди. Ҳофизнинг бора-бора авжига чиқаётган салобатли овози яна қулоғим пардаларига урилиб, ҳушёр тортгандай бўлардим. Ашула шу даражада майин ва ёқимли сезилардики, яна кўзим илинганини сезмай қолардим. Хонанданинг овози оналарнинг бешик тебратиб айтадиган алласидек таъсир қиларди менга”.*

Мақом куйлари билан айтиладиган мумтоз ғазалларнинг мазмунини кўп шинавандалар тушунмайдилар. Лекин куй билан ғазал, назм ва наво чунон ҳам пайваста бўлиб кетадики, ғазал мазмунини тушунмасалар ҳам, қаттиқ таъсирланиб тинглайдилар. Гўёки мақом куйи ғазал мазмунини таржима қилиб, ўз тилида шинаванданинг онгига қуяётгандек бўлади. Шинаванда ашуланинг мунгли мазмунини ғазалнинг мағзини чақмасдан ҳам туяди. Ҳали ғазал таҳлилигача етиб бормаган М.Қўшжонов ҳам ана шундай шинавандалардан бири эди. Унинг ашулани тинглаб туйиш руҳий жараёни қуйидаги тасвирда ўзининг яққол аксини топган: *“Тўғри, уйқу аралаш бўлганиданми, Навоийни етарли даражада мутолаа қилиб улгурмаганимданми, баъзи сўзларни англамай қолардим. Бироқ ҳофизнинг овози майин чалинаётган дутор торларининг титрашлари билан жўр бўлиб, айтилаётган шеър маъносини умум йўсинда қулоққа қуйиб қўяётгандек бўларди”.*

Яхши санъат асари ўзи мафтун этган шинавандани ашулага асос бўлган бадиий асарни топиб мутолаа этиш, мағзини чақиб, мазмунини ўзлаштиришга мажбур этади. Бу – табиий қонуният. Мана шу қонуният М.Қўшжоновни ҳам Навоий девонларини варақлашга ва “Қаро кўзум...” ғазали мазмун-моҳиятини ўзлаштиришга мажбур этади: *“Пахта сафарбарлигини битказиб, Тошкентга қайтиб келгач, Навоийнинг девонларини варақлашга тушдим. Шу муносабат билан шоир асарларини бир қатор мутолаа қилгандек бўлдим. Девондан “Қаро кўзум...”ни топиб, қайта-қайта ўқидим. Зарур ўринларда луғатлардан фойдаландим. Шеърни ўзлаштириб олиб, фақат Навоий маҳоратигагина эмас, шу шеърни танлаб, ашула қилиб, зўр маҳорат билан ижро этган Юнус Ражабийга ҳам тасаннолар айтдим”.*

Биз, кейинги авлодлар, Юнус Ражабийнинг ашулаларини мириқиб тинглаб, таъсирланамиз, маънавий-руҳий лаззат оламиз. Лекин ҳофизнинг жисмоний қиёфаси, истеъдод салоҳияти, порлоқ шахсияти ҳақида жуда кам билимга эгамиз. М.Қўшжонов мақоласи Ю.Ражабийнинг тирик қиёфасини кўз олдимизда гавдалантиради. Биз ҳофизнинг портретини тасвирий санъат асарларида кўп кўрганмиз. Матёқуб Қўшжонов ҳофиз портретини сўзлар воситасида бундай акс эттиради: *“Юнус ака кенг елкадор, йирик гавдали одам эди. У келиб, стол атрофига ўтирганида, столнинг бутун бир томонини тўлдиргандек кўринарди. Унинг қўллари ва юзлари ҳам шунга монанд, халқ ибораси билан айтганда, йирик суякли одам эди”.*

Мақолада М.Қўшжонов томонидан Ю.Ражабий шахсиятига берилган таърифлар ҳам диққатга сазовор: *“ХХ асрнинг йирик бастакори ва улуғ ҳофизи”.* Олим “Қаро кўзум...” ашуласининг ижроси ҳақида ҳам алоҳида бир таъриф бериб ўтади: *“Қаро кўзум...”нинг ижроси оддийгина ижро эмас, балки Юнус Ражабий маҳорати билан яратилган бир мўъжиза”.*

Биз Юнус Ражабийнинг ашулаларини тингларканмиз, уни ўта жиддий, оғир-вазмин, ғам-ғуссага тўлиб юрадиган одам деб тасаввур қиламиз. М.Қўшжонов твсвирлашича эса, у жуда ҳам хушчақчақ, суҳбати ҳузури жон, латифагўй одам бўлиб чиқади: *“Юнус ака кўпгина латифаларни чиройли баён қилишни ҳам яхши биларди. Шундай суҳбатларда у ўрнини топиб, албатта, бешта-ўнта латифани қалаб ташларди... Менинг баёнимда бу латифа жўнгина бир гапдек туюлади. Бироқ Юнус Ражабий бу тарздаги латифаларни моҳир артистлардек шу даражада чиройли сўзлаб берардики, унинг маҳоратига маҳлиё бўлмайдиган одамни тасаввур қилиш қийин эди”.* Ушбу тавсифдан шу фикр ҳам англашиладики, Юнус Ражабийнинг ўғилларидан бири Обид Юнусов бежиз ***“моҳир артист”*** бўлиб етишмаган экан. Артистлик унинг қонида бўлган экан. Ирсий генлар орқали артистлик унинг салоҳиятига кўчган кўринади. М.Қўшжоновнинг кузатишлари шундай хулосага асос беради.

Мақола Юнус Ражабийнинг тарихий хизматини баҳоловчи якуний умумлашма билан тугайдики, бу ҳам эътиборга сазовордир: *“Юнус Ражабий ҳаётлигидаёқ ўз меҳнати – мусиқашуносликдаги изланишлари, яратган қатор асарлари туфайли халқимиз эъзозида бўлди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди. Унинг катта хизмати ўзбекнинг ҳали илмий жиҳатдан умумлаштирилмаган, чуқур тадқиқ қилинмаган улкан миллий бойлиги ҳисобланмиш “Шашмақом”нинг илмий таҳлилини яратиб берганлигидадир. Бундан ташқари, академик Юнус Ражабий тасмалардан-тасмаларга кўчирилиб, оғиздан-оғизга ўтиб куйланиб, халқ орасида кенг тарқалган “Қаро кўзум...” сингари ашулаларни мерос қилиб қолдирди. Шунингдек, у мусиқашунос ва ижрочи Ражабийлар сулоласига бош бўлди. Ҳофизни кўрган ва билганлар ёхуд эшитганлар унинг ўғли Ҳасан Ражабийнинг катта ва кичик йиғинлардаги ижросини тинглаб, Юнус Ражабий фақат руҳан эмас, балки жисман ҳам бизнинг сафимизда эканлигига ишонч ҳосил қилади”.* Дарҳақиқат, Юнус Ражабий ўзининг ўлмас илмий-ижодий мероси, ўлмас қўшиқлари билан ўз шуҳратини абадиятга муҳрлаб кетди. Бироқ бошқа кўп ижодкорлардан фарқи шундаки, унинг ижодий ишларини сулоласи давом эттирмоқда. Биз ўғли Ҳасан Ражабийни ва бошқа Ражабийларни шашмақом ижролари чоғида кўрганимизда, Юнус Ражабий тирилиб келгандек, у рўпарамизда тургандек таъсирланамиз.

Адиб, мунаққид, санъаткор ўртасидаги дўстона, беғараз, хайрихоҳ, яқин муносабат нодир, айни пайтда, ижод муҳити, равнақи учун зарур ҳодисадир. Бу яқин соҳа кишиларини ақлан, маънан, руҳан бойитади, юксалтиради. А.Қаҳҳор, М.Қўшжонов, Ю.Ражабий шундай бахтга муяссар бўлганлар. Шундай улфатлари бўлишини ҳар бир ижодкор истаса керак. Лекин, бахтга қарши, ҳар бир ижодкорнинг шундай яқин дўстлари йўқ. Табиийки, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермас экан. М.Қўшжонов хотирасидаги мана бу тасвир ана шундай илиқ ва қулай муҳитни акс эттиради: *“1950-60 йилларда менга тенгдош адабиётшунос ва ижодкорлар ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан яқин мулоқотда бўлгувчи эдилар. Аксарият ҳолларда адиб ҳузурига худди ўз уйимизга кириб боргандек, бораверардик. Биз ўша даврнинг энг фаол ёзувчисини зиёрат қилишдан чарчамасдик, Абдулла Қаҳҳор эса бизни қабул қилиб, суҳбат қуришдан чарчамасди. Назаримда, бундай суҳбатлар бизга қай даражада ҳузур бағишласа, устоз адибга ҳам шу даражада ҳузур бағишларди”.*

Ушбу тасвир А.Қаҳҳорнинг нақадар бағрикенг инсон бўлганлигини, унинг эшиги ижодкорлар учун ҳамиша очиқ эканлигини кўрсатади. Адибнинг шундай бағрикенглигига ҳадди сиққан мунаққид ва санъаткорлар унинг хонадонига бемалол ташриф буюраверганлар.

А.Қаҳҳорнинг хонадан дутор олиб чиқиши ёзувчининг санъатга ишқибозлигини, дуторда бемалол куйлар чала олишини, хонадонида ҳамиша дутор сақланишини билдирадиган чизгидир. Унинг *“Қаро кўзум...”ни бир эшитайлик”* деган таклифи эса мазкур ғазал ва ашулани яхши кўришини англатади.

М.Қўшжонов мақоласидан А.Қаҳҳорнинг йирик прозаик, ўткир танқидчилиги билан бирга, мумтоз адабиётнинг комил билимдони эканлиги қирраси ҳам очилади. Бу борада А.Қаҳҳорнинг Ю.Ражабийга айтган қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: *“Биласиз, адабий асар яратиш, хусусан, шеър битиш – мўъжиза. Бу шеърдаги образларнинг одам томонидан яратилишига ишониш қийин. Улар шу даражада нафис ва инсон қалбидаги мураккаб туйғуларни шу даражада очиб берадики, бу иш Навоийдан бошқа бирор кимсанинг қўлидан келади, деб ўйламайсиз ҳам”.* Қизиғи шундаки, А.Қаҳҳор Навоий истеъдоди, маҳорати ҳақида сўзларкан, беихтиёр, ҳозирги шеъриятнинг аҳволи кўз олдига келади. Шунда у Навоий шеърияти билан ҳозирги шеъриятнинг қиёсий-танқидий баҳосини беради: *“Бугунги шеъриятимизда фикр баён қилиш шу даражада жўн, шу даражада сийқа бўлиб кетдики, кейинги авлодларимиз бу шеърларни ўқиб, устимиздан кулишса керак”.* Бу фикр – аччиқ, шафқатсиз ҳақиқат ва у XXI аср шеъриятига ҳам дахлдор.

Мақолада М.Қўшжонов А.Қаҳҳорнинг ижодий шахсиятига йўл-йўлакай қойилмақом таърифлар бериб ўтган: *“... бадиий ижоднинг энг сеҳрли нуқталарини ҳис қиладиган адиб”.* Бу – айнан “Қаро кўзум...” ғазалининг сеҳрли нуқталарига тегишли гап. *“... йўталса ҳам образли йўталишга ҳаракат қиладиган, ҳар бир жумласига олам-олам маъно бағишлай оладиган Абдулла Қаҳҳор...”.* А.Қаҳҳор характерининг нозик қирраси ойдинлашган бу гапларда.

М.Қўшжоновнинг санъат шинавандаси сифатидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унинг санъат шинавандаси сифатидаги диди қуйидаги сўзларида кўринади: *“Одатдагидек, у “Қаро кўзум...”ни майин овозда бошлади. Бора-бора овоз баландлашиб, юқори пардага кўтарилди”.* Бу – мунаққиднинг ҳофиз ижро услуби ҳақидаги қарашлари. Ашулани қайта-қайта севиб тинглайвериб, унинг оҳанг суръати таниш ва қадрли бўлиб қолган шинавандагина шундай фикрни баён эта олади. Мунаққиднинг санъатга эстетик муносабати, санъаткор маҳоратига баҳоси кейинги жумлада янада равшан намоён бўлади: *“Юнус Ражабийнинг бир хислати шундан иборат эдики, ашула сўзларини дутор оҳангига кўмиб юбормасди. У дуторга эмас, балки дутор унга жўр эди”.* Эътибор беринг, бу сўзларни санъатшунос олим эмас, адабиётшунос олим, неча-неча улкан адибларнинг бадиий маҳоратини илмий тадқиқ этган мунаққид ёзган. Нега санъатшуносларимиз шундай таҳлил эта олишмайди? Ахир, ҳозирги санъаткорларимизнинг кўпчилигида Ю.Ражабийдаги мана шу маҳорат етишмайди-ку! Улар ашула сўзларини чолғу асбобларининг куй оҳангига кўмиб юборишади. Оқибатда, ашула сўзларини аниқ эшитиш, маъно-мазмунидан завқ олишга имконият қолмайди. Шинавандалар ашула ўрнига қуруқ шовқин эшитиб, ҳузур қилолмай, энсалари қотиб ўтиришади. Ашула эмас, куй тинглаган бўлишади. Бу эса, оқибатда, халқни “санъат”дан бездиради.

Олимнинг ашула авжи ҳақидаги фикри ҳам диққатга сазовор: *“Ашула авжига чиқиб, бутун хонага таралганда, у ердаги жиҳозларни титратиб юбораётгандек туюларди”.* Дарвоқе, кейинги давр қўшиқчилигимизда авж деган хислат ноёб (дефицит) ҳодиса бўлиб қолди. Зўр авжли ашулаларга кучи, овози етмайдиган хонандалар қўл уриб, уларни авжсиз ашулага ай-

лантириб қўймоқдалар. “Ашулани авжсиз айтса ҳам бўлаверади-ку!” деб ўйласалар керак. Ҳа, ашулани авжсиз, бошдан-оёқ бир хил маромда айтса ҳам бўлади. Лекин авжсиз ашула дардсиз, фарёду фиғонсиз, завқ-шавқсиз, шинавандани сармаст бўлиб ёқаларини чок этадиган даражада таъсирчан чиқмайди-да! Ҳайдар Хоразмийнинг *“Сўзда керак маънию, маънида завқ, Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ”* сатрларидаги ҳикмат муҳтарам ҳофизларимизга ҳам тегишли. Қани, ўйлаб кўрингчи, ким Машрабнинг “Ўртар” ғазалини Муроджон Аҳмедовдай, Ҳамзанинг “Ўхшайдику” ғазалини Таваккал Қодировдай авжига чиқариб ижро эта олди? Ўнлаб ашулачилар бу ашулаларни Республика телевидениеси орқали ижро этиб, уриниб кўрдилар, аммо эплай олмадилар, авжга овозлари, дардлари, маҳоратлари етмади.

А.Қаҳҳор билан Ю.Ражабийнинг “Қаро кўзум...” ҳақидаги суҳбатларидан М.Қўшжонов жуда таъсирланади. Ушбу суҳбат мазкур асар тўғрисида олимга махсус мақола ёзиш учун жуда қулай имконият вужудга келтиради. У бунга ўзини маънан, руҳан, ақлан тайёр сезади. Қўшимча материаллар излаб кўради. Аммо, барибир, ўзини ғазални шарҳлашга лаёқатли (компетентли) деб топмайди. Шундан сўнг шоир Эркин Воҳидов шарҳидан ғазалнинг икки байтига оид қисмларини келтириш билан чекланади. Ҳақиқий мард олим шундай бўлади. Хоҳиш билан лаёқат, имконият мувофиқ келмагач, хоҳишдан воз кечади. М.Қўшжоновнинг “Қаро кўзум...” ғазалига бағишланган мақоласи шу ҳолича ҳам ғазал тадқиқи тарихида аҳамиятга эгалиги билан муҳим ўрин тутади.

МУРАККАБ ТАҲЛИЛ

Академик Алибек Рустамов қаламига мансуб “Қаро кўзум...” ғазалининг таҳлили ғазал тадқиқи тарихида алоҳида ажралиб турадиган таҳлиллардан биридир. Маълумки, А.Рустамов улуғ шарқшунос, тилшунос, адабиётшунос, матншунос олим эдилар. Навоийшунослик А.Рустамовнинг илмий тадқиқот доирасида алоҳида йўналиш бўлган. Бу олим Навоийнинг илмий-адабий мероси, Навоий асарларининг имлоси, бадийяти тўғрисида мустақил фикр ва дунёқарашга эгалиги билан алоҳида ажралиб турарди. Унинг бу хусусиятлари “Қаро кўзум...” ғазали таҳлилида ҳам кўзга яққол ташланган.

Олим мақоласини “Қоракўз ким?” деб атаган ва бу билан мақсад Навоий ўз ғазалида объект, яъни манзур сифатида кимни назарда тутганини аниқлашга қаратилганига урғу берган. Дарҳақиқат, мақоланинг бошидан охиригача мазкур муаммони ойдинлаштириш сари борилади. Мақолада, айтиш мумкинки, бошқа кўпчилик шориҳлардан фарқли ўлароқ, ғазал соф дунёвий ишқ тасвирига бағишланганлиги эътироф этилган. Бу таҳлил мазмунидан англашилиб туради.

Аввало, олим матншунос сифатида ғазал матнини баён этишда бир неча матний ўзгаришларга йўл қўйганки, у беихтиёр содир бўлмаган. Олим уларни ўзининг илмий принципларидан келиб чиқиб амалга оширган. Муаллиф ўз қарашларидан келиб чиқиб, матнга, Навоий матншунослиги тажрибаларидан қатъи назар, эркин ёндашади. Масалан, Навоий матнидаги ва матн нашрларидаги ***“қаро кўз”*** иборасини мақоласи сарлавҳасида ҳамда ғазал бошланишидаги биринчи ўринда ***“қоракўз”*** шаклида қўллайди. Бунда асл ва анъанавий матнга нисбатан иккита ўзгариш бор. Биринчиси Навоий тилидаги ***“қаро”*** сўзини ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ***“қора”***га айлантириш. Бунда ***“а”*** товуши ***“о”***га ўзгарган. Иккинчиси

– ***“қаро”*** ва ***“кўз”*** сўзларини қўшиб ёзиш. Биринчи ўзгартиш матншунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан тўғри эмас. Чунки халқ шеваларида ***“қора”*** сўзининг ***“қаро”*** шакли сақланган ва жонли мулоқотда қўлланиб келаётган бўлса-да, адабий тилга ***“қора”*** шакли қабул қилинган. Имло ва изоҳли луғатларимизда ҳам шундай ёзилади. Биз, Навоий асарларини ёзганимизда, Навоий тили аслиятидан чекинмаслигимиз ва ***“қаро”*** сўзини аслиятдагидек ёзишимиз лозим. Иккинчи ўзгартиш ҳам Навоий матншунослиги анъанасига зид бўлса-да, у – нотўғри эмас. Чунки, эски ўзбек ёзуви қоидасига кўра, ***“алиф”*** ҳарфи ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмаслиги қоидаси бор. Шундан келиб чиқиб, матншунослар ***“қаро”*** ва ***“кўз”*** сўзларини ажратиб ёзиб келмоқдалар. Лекин ҳозирги кирилл ва лотин алифбосидаги имло қоидаларида “а” ҳарфининг кейинги ҳарфларга қўшилмаслиги қоидаси йўқ. ***“Қоракўз”***ни халқ яхлит тушунча сифатида билади ва қўллайди. Шунга биноан, ***“қоракўз”***нинг А.Рустамов талқинида қўшиб ёзилиши хато эмас.

Аммо, яна бир жиҳатни ҳисобга олганда, ғазал матнидаги ***“қаро кўзум”***ни ***“қоракўзум”*** шаклида ёзиш – хато. Чунки ғазал вазнидаги биринчи рукн ***“мафоилун”*** ва унинг биринчи ҳижоси ***“ма”*** – қисқа ҳижо. Бинобарин, у ***“қо”***га эмас, ***“қа”***га тўғри келади. Демак, иборанинг ғазал матнида ***“қаро кўзум”*** ёзилиши тўғри.

Ғазал матнига А.Рустамов томонидан киритилган иккинчи ўзгартиш анъанавий ***“киби”*** сўзининг ***“кеби”*** шаклида ёзилишидир. Муаллиф биргина бу ғазалда эмас, Навоий Мукаммал асарлар тўпламининг ўзи тақризчилик қилган 3, 4, 5, 6- жилдларида таъсирини ўтказиб матнлардаги барча ***“киби”*** сўзларини ***“кеби”***лаштирган. Унинг нуфузи, мавқеи, фикри илмий доирага шу қадар таъсирли эди. Олим қайси асосга биноан бундай ўзгартишни маъқул кўргани илмга маълум эмас. Биз Навоий Мукаммал асарлар тўпламининг 3-жилдига ёзган ва “Ўз АС”да чоп эттирган “Ғаройиб чечаклар” сарлавҳали тақризимизда шоир асарларига бу тариқа киритилаётган ўзгартишлар Навоий тилини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш ҳақида огоҳлантирган эдик. Ҳартугул, 6-жилддан кейин тақризчилар янгиланди ва ***“киби”***лар кейинги жилдларда аслидагидек ёзилди. Навоий Тўла асарлар тўпламида ҳам бу хато тузатилди. Демак, Алибек Рустамовнинг хусусий бу қараши Навоий матншунослигининг умумий қараши томонидан амалда рад этилди.

Ғазал матнига А.Рустамов киритган учинчи ўзгартиш шундан иборатки, 6-байт 1-мисраси охиридаги ***“монеъ”*** сўзи ***“мониъ”*** шаклида ёзилган. Олим нима сабабдан ва қайси асосга кўра бундай ўзгартиш киритгани илмга қоронғу. Чунки бошқа бирор нашрда сўз бу шаклда ёзилмаган. Сўзнинг мумтоз матнлардаги ***“монеъ”*** шакли тўғри, ҳозирги ўзбек адабий тилига асосланган имло ва изоҳли луғатларимизда эса айириш белгисисиз ***“моне”*** шаклида ёзилиши саҳиҳдир. Чунки бунда сўз шаклининг ёзилиши осонлашади ва хато содир бўлиши эҳтимоли камаяди.

Ҳозирги адабий тилимиздаги ***“бошоқ”*** сўзи ғазал матнида ***“бошоғ”*** шаклида ёзилган. Ғазалдаги ***“бошоғлиғ”*** сўзини А.Рустамов ***“башағлиғ”*** шаклида ёзиб, 2-бўғиндаги **“о”** товушини ***“а”***лаштириб юборган. Ушбу ўзгартиш ҳам илмий жиҳатдан асослантирилмаган. Назаримизда, мумтоз асарлар матнига киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш илмий жиҳатдан асослантирилиши шарт. Илмий исбот лозим деб топилмаган ўринда, лоақал, матн остида изоҳ берилиши лозим.

А.Рустамов шарҳи услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири, фикрларнинг ўта қатъий, ҳукм оҳангида баён этилишидир. Аммо бундай фикрларнинг ҳаммаси тўғри бўлса, ўзини оқлайди, агар баҳсли ёки нотўғри бўлса, ҳукм оҳангини оқлаёлмайди.

“Мана шу ғазалга оммавий ахборот воситаларида турлича шарҳлар берилди. Буларда маъқул фикрлар билан бирга номаъқуллари ҳам баён этилди. Шулардан бири Навоийнинг манзурини йигит эмас, қиз деб тушунтириш, иккинчиси, энг номаъқули – инсон эмас, худо деб талқин қилиш бўлди”.

Ушбу парчадаги биринчи фикр баҳсли. А.Рустамовгача ҳеч ким ***“Навоийнинг манзури йигит”*** деган фикрни илгари сурмаган. Ундан кейин яна бошқа баъзи олимлар, эҳтимолки А.Рустамовга тақлидан, шу фикрни давом эттиришди. Бироқ бу фикр ҳамон баҳслилигича турибди. Чунки у фикр исботланмаган, исботлаш учун эса ғазал матнида асос йўқ. А.Рустамовнинг ғазалдаги ***Навоийнинг манзури инсон эмас, худо*** деб талқин қилинишини номаъқул деб топиши тўғри фикрдек туюлади назаримизда. Бироқ ***“инсон эмас, худо”*** деган қатъий нуқтаи назар талқинларда яққол кўзга ташланмайди. Талқинлардаги ***умумий қараш – ғазалдаги Навоий манзури инсон*** деган ғоядан иборатдир. Кўпчилик олимлар ғазал маъноларини шарҳлашга ***икки жиҳатдан – ҳам дунёвийлик, ҳам илоҳийлик нуқтаи назари***дан ёндашганлар. Ишқи мажозий, яъни инсон ишқи зимнида ишқи ҳақиқий, яъни Оллоҳ ишқи ифодаланганини шарҳлашга уринганлар. Айниқса, тасаввуф таълимотини ўрганиш ва ёритишга кенг йўл очилган бир пайтда ғазалнинг ботиний маъноларини четлаб ўтмасликка ҳамма ҳаракат қилган десак, муболаға бўлмас. Аммо бу ҳаракатни кимдир ёрқин ифодалай олган, кимдир эса ифодалай олмаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Биргина И.Абдуллаев тасаввуфий маъно ва образларни ёритишни мақсад қилмаган. Бу – аниқ. Чунки унинг шарҳи яратилган 1975 йилларда тасаввуф батамом қатағонда, даҳрийлик дунёқараши авжида эди.

А.Рустамов талқинида ғазалнинг вазни қандайлиги белгиланиши, таърифланиши, ғазални ўз оҳангида ифодали ўқиш нақадар аҳамиятли эканлиги баён этилиши таҳсинга сазовор. Ғазал мазмуни, образлари, маъноларининг очиб берилиши ҳам жуда гўзал ва ишонарли. Айтиш мумкинки, А.Рустамовнинг фикрлари Н.Комилов ва Э.Воҳидов талқинларига ҳамоҳангдир. Бироқ ушбу улуғ алломанинг талқинларида ҳам иштибоҳлар йўқ эмас.

Аллома А.Рустамов “Навоийнинг бадиий маҳорати” тўғрисида махсус илмий монография ёзган, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг бадиият илми ҳақидаги “Бадое ус-саное” асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган зукко ва маҳоратли тадқиқотчи. Бироқ, назаримизда, у ғазалнинг 1-байтидаги тажнис санъатини иҳом санъати дея тақдим этган: ***“Мардум”*** *деб айтиладиган иккита сўз бор, бири* ***“халқ”*** *ва* ***“киши”*** *маъносида, иккинчиси* ***“кўз қорачиғи”*** *маъносида. Навоий мазкур байтда шу икки сўзнинг шаклдошлигидан фойдаланиб, бирлаштириб ишлатган. Бу санъат ҳисобланади ва* ***“иҳом”***[1] *деб аталади”.* Ҳолбуки, бадииятда шаклдош (омоним) сўзларнинг маъноларини бирлаштириб ишлатиш ***“иҳом”*** эмас, балки ***“тажнис”*** ҳисобланади. ***“Иҳом”***нинг ***“тажнис”***дан бир нозиккина фарқи бор. Ана шу фарқни илғамаслик ёки уни била-кўра жиддий деб қабул қилмаслик одамни адаштиради. “Иҳом”нинг бу нозик ўзига хослигини бадииятшунос олим Ёқубжон Исҳоқов қуйидагича тушунтиради: *“Шоир икки маъноли сўзни шеърда (насрда ҳам бўлиши мумкин) шундай маҳорат билан ишлатадики, натижада, ўша сўзни ҳар икки маъносида ҳам тушуниш мумкин.* (Санъатнинг бу ҳолати ҳали иҳом эмас – тажнис. Иҳомнинг хос, сеҳрли хосияти кейинги жумлаларда баён этилади – Н.Ж.) *Бироқ маънонинг бири ошкора ва иккинчиси яширин ифо-*

[1] Санъатнинг ўзбек адабий тилида “ийҳом” эмас, “иҳом” деб ёзилиши тўғри, шунинг учун биз китобда шу шаклни қўллаймиз. Бадиияшунос Ё.Исҳоқовнинг “Сўз санъати сўзлиги” китобида ҳам шундай қўлланган.

даланади. Шоирнинг мақсади эса одатда ана шу иккинчи яширин маънони изҳор қилишдан иборат бўлади"[1]. "Иҳом" санъатига Ё.Исҳоқов келтирган намуналар орасида энг ёрқин мисол Бобурнинг қуйидаги байтидадир:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нечун ҳолим ямон қилди – мен ондин бир сўрорим бор.

Байтдаги санъатни Ё.Исҳоқов қуйидагича изоҳлайди: *"Байтнинг 2-мисрасида иҳом санъати мавжуд. Ўқувчи дастлаб мисранинг мазмунини "Нега ҳолим ёмон қилди, Мен ундан бир сўрамоқчиман" тарзида тушунади. Агарда гап маъшуқанинг лаби устида бораётганлигини эътиборга олсак, шоирнинг мақсади бошқача бўлганлиги ва мисранинг мазмуни ҳам чуқурроқ эканлиги маълум бўлади: "Сўрорим бор" юзаки қараганда "Сўрамоқчиман" тарзида тушунилса-да, шоирнинг мақсади унинг иккинчи маъноси билан, яъни "сўрмоқ" (бўса маъносида) билан боғланган"*[2]. Мана бу – ҳақиқий иҳом. Ана шундай яширин, нозик маъно ифодаламаган тажнис иҳом бўла олмайди.

А.Рустамовнинг ўзи таржима қилган "Бадое ус-саное" асарида ҳам иҳомнинг ўзига хослиги мана бундай изоҳланади: *"**Иҳом** луғатта гумонға қўймоқтур ва аташ важҳи улдурким, каломда муроди бўлатуруб, англама яқин маънолиғ лафзни келтирмак эшиткучини яқин маъно мурод бўлса керак, деган гумонға солмоқтур.*

***Таврия** луғатта бир нимани беркитиб, ўзгасин кўрсатмактур ва аташ важҳи зоҳирдур"*[3].

Алишер Навоий байтидаги "мардум" сўзининг икки маъноси аён кўриниб турибди. Шоир бу маънолардан бирортасини яшириб ифодаламоқчи бўлмаган. Шунинг учун уни тажнислигича баҳолаш етарлидир.

Умуман, шундай андозадаги тажнисларни иҳом деб кўрсатиш кейинги 25-30 йилда, А.Рустамовдан ташқари ҳам, адабиётшуносликда урчиб кетди. Айниқса, дарслик, ўқув қўлланма, тест матнлари, мақолаю китобларда тажнислар ёппасига иҳом деб кетилаверди. Бунга ҳеч ким эътибор бермади. Бунда санъатнинг санъатдан фарқи, иҳомнинг ноёблиги, энг юксак бадиий маҳорат намунаси эканлиги қаёқда қолади?!

А.Рустамов 1-байтнинг мазмунини Н.Комилов, Э.Воҳидов каби бошқа тадқиқотчиларга ҳам монанд баён этган. Фақат у ***"одам"*** ва ***"одамгарчилик"*** сўзлари ўрнига ***"киши"***, ***"кишилик"*** сўзларини қўллаган. Тилшунос бўлмаган одамлар ҳам биладиларки, ***"киши"*** ва ***"одам"***, ***"кишилик"*** ва ***"одамгарчилик"*** сўзлари ўртасида катта маъно тафовутлари бор. Олимнинг ушбу ифодалари таҳлилнинг сифатини пасайтирган. Бундан ташқари, ***"кўз қорачиғида ўрнашмоқ"*** билан ***"кўз қорачиғи бўлмоқ"*** тушунчалари ўртасида ҳам фарқ бор. Навоий байтида ***"кўзимнинг қорачиғи бўл"*** деган маъно йўқ. Олим шундай ифодани ишлатиб асл маънодан узоқлашган. ***"Кишининг кўз ўнгидан гўзал сувратнинг кетмаслиги унинг маънавий камолига сабаб бўлади"***, деган гап ҳам илмий, ишонарли фикр эмас. Агар гўзал суратга тикилиш билан иш битганида эди, маънавий камолотга эришиш жуда осон бўларди.

Ғазалнинг 2, 3-байтлари мазмуни, асосан, тўғри шарҳланган. Фақат 3-байт таҳлили охиридаги мана бу гапларнинг байтнинг мазмунига мантиқан алоқаси йўқ: *"Бу халқимизда-*

[1] Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. "O'zbekiston", T., 2014, 61-бет.
[2] Ўша китоб, 59-60-бетлар.
[3] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.,125-бет.

*ги **“эгасини сийлаган итига суяк ташлар”** деган мақолга мос келади. Дўст ўз дўстининг фақат ўзини эмас, унга тегишли нарсаларни ҳам дўст тутиши керак. Албатта, яхшининг ҳамма нарсаси яхши бўлиши ҳам бор. **“Мол эгасига ўхшар”** ёки **“мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлар”**, деган мақол ҳам бор”.* Бу гаплар ортиқчаликдан ташқари, ўқувчини чалғитиши ҳам мумкин.

Тўртинчи байтнинг мағзи ниҳоятда содда, тушунарли ва ишонарли чақиб берилган. У мазмунан бошқа шарҳларни такрорлайди, лекин ифода жуда ўзига хос.

5-байт анча содда шарҳланган. Ғазал шинавандаси ундан қаноат ҳосил қилиши мумкин. Лекин бу байт таҳлилининг охирида яна асл мазмундан чекиниш сезилади. Сочнинг жингалаклиги ҳақида зиддиятли фикрлар баён этилган: *“жингалакка илиниш, осилиш имконияти кўп” “жингалаклик чигаллик ва қийинчиликни англатади”.* Қайси тўғри ва ўқувчи қайсига ишонсин? *“Йўл азоби қанча ортиқ бўлса, мақсадга эришиш роҳати шунча лаззатлироқ бўлади. Меҳнатсиз муяссар бўлган нарса кишига лаззат бағишламайди”.* Ушбу фалсафий фикрларнинг байт мазмунига нечоғлик алоқаси бор?

6-байт шарҳида ҳам чалкашликлар йўқ эмас. Масалан, мана бу жумла ажаблантиради: *“Том” сўзининг биринчи маъноси девордир”.* Бу гап қаердан олинган? Байт мазмунига қиёсан гапдаги фикрнинг тўғрилигига шубҳаланасиз. Луғат титкилайсиз. Бир томлик “Навоий асарлари луғати”да ҳам, 4 томлик “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да ҳам ***“том”*** сўзининг маънолари бир хил берилган: ***“Том – II Уй томи, девор”***[1]. Демак, *“Том” сўзининг биринчи маъноси девор”* эмас экан. “Том” сўзи II маъносининг 2-маъноси девор экан.

7-байт таҳлили тўғрисидаги фикримизни муаллифнинг “Ҳакамлик мақоласи”нинг тадқиқида баён этганмиз. Ушбу таҳлилда ҳам олимнинг ўша фикри қайтарилган.

Ғазалнинг мақта байтида шоирнинг тахаллуси қўлланган. Шоир тахаллусининг имлоси ҳақида “Ўз АС”да баҳс кетганида, А.Рустамов: ***“Навоий”*** *тахаллуси ўзаги **“Наво”**га нисбат қўшимчаси **“-ий”** эмас, **“-йий”** шаклида қўшилади ва тахаллус **“Навойий”** ёзилади”*, деган фикрни илгари сурган эди. Ўшанга биноан, бу ўринда шоир тахаллусини ***“Навойий”*** шаклида қўллаган. Бизнингча, охирги ***“й”*** ортиқча. Олимнинг ***“бошоғлиқ ўқ”*** образини нотўғри талқин этгани ҳақида ҳакамлик мақоласига муносабат билдирганимизда ёзганмиз.

А.Рустамовнинг *“Навоийнинг бу ғазалдаги манзури инсонми ёки худоми”* деган муаммо юзасидан баён этган хулосаси, умуман, ғазалларни таҳлил ва тадқиқ этиш соҳасида концептуал аҳамиятга эга: *“Энди Навоийнинг бу ғазалдаги манзури инсонми ёки худоми, деган масъалани ҳал қилайлик. “Қоракўзум”ни худо деб тушуниш, биринчидан, илмий маълумотнинг етишмаслиги натижасида вужудга келган таассуб, иккинчидан, фазлфурушликка бўлган интилиш натижасидир. Ҳеч ким, жумладан Навоий шаклсиз олий вужудга “қоракўзум” деб мурожаат қилмайди, ундан инсон қиёфасига киришни талаб қилмайди ва унинг “юзидаги тер”ни кўриб ўлмайди.*

Навоийнинг ҳамдиялари, яъни Ҳақ таолога бағишланган шеърлари бор, лекин уларнинг ўз ўрни ва ўзига хос шакл билдирмайдиган сўз ва иборалари мавжуд. Масалан, шоир

Зиҳе ҳуснунг зуҳуридин тушуп ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо, –

[1] Навоий асарлари луғати, “Адабиёт ва санъат”нашриёти, 1972 йил,612-бет. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-том, “Фан”, Т., 1984. 242-бет.

дейди. Мана бу ердаги ҳусн Ҳақ таолонинг ҳуснидир. Агар бу ҳусн кўз ёки қош сингари шаклий тус олса, унинг эгаси Ҳақ таоло эмас, жисм бўлади, махлуқот ҳусни Ҳақ таоло ҳуснининг зуҳуридан иборат. Мавжудот, хусусан, инсон юзи Ҳақ таоло жамолининг мазҳари ҳисобланади. Аммо бу "қоракўз"ни Худо дейишга асос бўлолмайди. Мазҳар бўлмиш инсонни зоҳир, яъни Ҳақ таоло деб тушуниш кўзгуни киши деб билиш ҳукмидадир". Демак, ҳар қандай ғазалдан Худони ахтариш ўринсиз. Ҳар қандай ғазалдан ишқи ҳақиқийни, тасаввуфий талқинларни излаш ҳам тўғри эмас экан. Айниқса, тавсифида, тасвирида моддийлик, жисмонийлик, шакл мужассам бўлган образларни худога нисбат бериш тадқиқотчини янглиш тушунчаларга олиб боради.

Олимнинг Навоий бу ғазалидаги манзури йигитми, қизми эканлиги масаласидаги фикри баҳслидир. Бу ҳақда у шундай ёзади: *"Энди Навоийнинг бу ғазалидаги манзури йигитми, қизми деган саволга йигит деб жавоб беришимиз керак бўлади. Чунки ит билан ўқдан унинг овчилиги маълум. Унинг йигитлигини тан олмасликка ҳаракат қилиш Навоийнинг ишқи маънавий ишқ эканлигини ҳисобга олмаслик натижасидир".* Маълумки, ғазал Навоийнинг йигитлик йилларида ёзилган. Бундай дейишимизга сабаб шуки, ғазал Навоийнинг 24 ёшларида тузилган "Илк девон"идан ўрин олган. Демак, асар Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсули. Мантиқан, йигит киши қизга ошиқ бўлиб, қизга бағишлаб ғазал ёзади-да. Нега энди йигит кишига ғазал ёзиши керак? Навоийнинг, ҳамдия ғазаллари сингари, махсус йигитларга бағишлаб ёзган ғазаллари бор ва уларда ***"йигит"*** радифи қўлланган. Агар "Қаро кўзум..."ни ҳам йигитга бағишлаб ёзса, шоирнинг ўзи шунга бирор ишора бермасмиди?

"Ит" билан ***"ўқ"*** масаласига келадиган бўлсак, ит фақат йигит ва овчида бўлмайди, қизларда ҳам бўлиши мумкин. Ислом муҳитида ўраниб-чирманган қизни кўчада ити қўриқлаб юриши мумкин-ку. А.Рустамов назарда тутган ***"ўқ"*** образи эса ғазалда йўқ нарса. ***"Ўқ"*** образини ғазалда бор деб ҳисоблаш ***"анинг"*** олмошини ***"ёр"*** деб тушунишдан келиб чиққан. ***"Анинг"*** шеърда ***"ёр"***ни ифодаламаган. Шоир ***"жон" ( )*** *ичра шавқ анжуманини тузсанг"* деганидан кейин ***"анинг"*** сўзи келади. Бу ерда ***"ёр"*** тилга олинаётгани ёхуд назарда тутилаётгани йўқ. Лирик қаҳрамоннинг жисмоний жони ва эски ўзбек ёзувидаги ***"жон" ( )*** бор. Шоир ***"анинг"*** деганда мана шу ҳар икки маънодаги ***"жон" ( )***ни назарда тутган. Турган гапки, ***"бошоғлиғ ўқ"*** ана шу ***"жон" ( )*** марказида турган ***"алиф"*** ҳарфидир. Маъшуқанинг ишқидан шавққа тўлган жон анжуманини ёритувчи шам керак. Навоий ўша ***"жон" ( )*** марказидаги ***"алиф"***ни шавқ анжуманининг шамига айлантир, токи жонга ҳаёт, завқ, лаззат бағишлаб, порлаб турсин демоқчи. Тўғри, ***"бошоғлиғ ўқ"*** таркибида ***"ўқ"*** бор. Лекин у ҳеч қандай камон ўқини ҳам, найзани ҳам, темирни ҳам билдирмайди. Хаттотлар ёзганларида, ***"алиф"*** ҳарфи юқорига қараб йўғонлашиб бориб, камон ўқи ёки найзанинг учи сингари қиррадор бўлиб якунланади. ***"Алиф"***нинг мана шу учи ***буғдой бошоғи***га ўхшайди. Аммо Навоий уни бошоққа ўхшайди дея ташбеҳ ишлатмайди. Истиора санъатини қўллаб, ***"алиф"***-ни тўғридан-тўғри ***"бошоғлиғ ўқ"*** дея истиоравий бирикма ишлатиб қўя қолади, вассалом. Тадқиқотчилар эса шу аниқ кўриниб турган бадиий санъатга қаноатланмасдан, албатта, янада тагдор маъно қидириб ***"бошоғлиғ ўқ"***ни камон ўқига, найзага ва яна аллақандай нарсаларга йўяверишади, оқибатда, аслиятдан узоқлашиб кетишади. Бизнингча, асарнинг ўзида бор образдан келиб чиқиш керак, йўқ нарсаларни тўқиб чиқариш керак эмас.

Юқоридаги фикрини давом эттириб бундай ёзади А.Рустамов: *"**Маънавий ишқ**да жинс ва ёшнинг аҳамияти бўлмайди. Ёш ошиқнинг маъшуқи бир нуроний чол ёки кампир, қари нозирнинг манзури ёш ўғлон ёки қиз бўлиши мумкин".* Аввало, ишқни ***маънавий*** ва ***жисмоний***

турларга бўлиш тўғримикин? Бир жинс вакиллари ўртасидаги муносабатни ишқ-муҳаббат деб атаб бўлармикин? Бир жинс вакиллари ўртасидаги муносабатни ифодалашга дўстлик, меҳр-оқибат, ихлос, садоқат, устоду шогирдлик, пир ва муридлик каби тушунчалар бор-ку? Ҳамонки ишқ-муҳаббат экан, у бизнинг Шарқда турли жинслар ўртасидагина бўлиши мумкин, деб тушунилади. Жинслар ўртасидаги ишқ-муҳаббат эса ё маънавиятдан, ё жисмониятдан холи бўлмайди. Бундай ишқ-муҳаббатда жисмоният ва маънавият пайваста, қўшқанот бўлади. Маънавиятсиз жисмоний ишқ инсонда эмас, фақат ҳайвонда бўлиши мумкин. Жисмониятсиз маънавий ишқ ҳам инсонда эмас, балки фаришталарда бўлса бордир.

Бу тушунча ҳаётий эмас, балки ғайритабиийдир. Ёш йигит ё қизнинг кекса чол ё кампирни севганини ёки кекса чол ё кампир ёш йигит ё қизни севганини ҳаётда ким кўрган? Қандай қилиб ёш йигит кекса чол ё кампирга ишқ боғлаши ёки қанақасига кекса чол ё кампир ёш йигит-қизни севиши мумкин? Агар шундай ҳолатлар учраган тақдирда ҳам, у ғайриахлоқий ишқ ва бундай ишқ-муҳаббат эгалари маънавий-руҳий жиҳатдан носоғлом кишилар бўлган бўларди. Дўстлик, пир ва муридлик, устоз ва шогирдлик муносабатлари ишқ эмас, балки батамом бошқача тушунча. Уларни инсоний меҳр, ихлос, ҳавас, садоқат боғлаб туради, зинҳор ишқ-муҳаббат эмас. Ҳар бир туйғуни ўз номи билан ифодалаган маъқул, токи Навоийнинг пок ва порлоқ шахсиятига ҳам, тасаввуфий ишқ намояндаларига ҳам маънавий зарар етмасин. Европада эркакнинг эркакка ишқ-муҳаббати ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилаётгани миллий менталитетимиз нуқтаи назаридан қораланаётган ҳозирги замонда биз Навоийнинг манзури эркак киши бўлган деган қарашни, айниқса, дарсликларимизда баён этишдан сақланганимиз маъқул. Бундай талқинлар ёшларимизга маънавий-ахлоқий таҳдидгина бўлиб қолмай, балки европаликларнинг тегирмонига ҳам сув қуяди.

Хуллас, академик А.Рустамов таҳлилининг, баъзи баҳсли томонлари бўлишидан қатъи назар, фойдали, ибратли томонлари кўпроқ.

ИЛМИЙ АСОСЛАНМАГАН ТАЛҚИНЛАР[1]

Ҳозирги ўзбек Навоийшунослигидаги энг долзарб муаммолардан бири Навоий ижодиётидаги ёр образидир. Навоий ижодида ёр образи деганда, шоирнинг муҳаббати бағишланган лирик қаҳрамон англашилади. Филология фанлари номзоди Муҳаммаджон Маҳмуд “Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси”[2] номли рисоласида айнан шу мавзуни ёритишни мақсад қилган. Унда бевосита “Қаро кўзум...” ғазалидаги ёр муаммоси ҳам тадқиқот доирасига тортилган.

Муаллиф тадқиқотнинг биринчи бобини “Энг қийин, жуда мураккаб масала” деб номлаган. Ҳақиқатан, масаланинг мураккаблигига жиддий асослар бор. Чунки Навоийшуносликда ёр муаммосига муносабат шу қадар мураккабки, уни илмий ўрганиш ва унга илмий баҳо беришда беш хил тамойил кузатилади: 1. Навоий ижодиётидаги ёрни дунёвий инсон – маҳбуба (аёл) деб тушуниш ва талқин этиш. 2. Навоий ижодиётидаги ёрни илоҳий хилқат

[1] Ушбу мақоламиз “Шарқ юлдузи” журналининг 2012 йилги 4-сони 167-170-бетларида таҳририят қўйган “Илмий тўқима” масъулияти” номи билан чоп этилган.

[2] Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2011. 119 бет.

– Оллоҳ деб тушуниш ва талқин этиш. 3. Навоий ижодиётидаги ёрни ҳам дунёвий инсон, ҳам илоҳий хилқат деб тушуниш ва талқин этиш. 4. Навоий ижодиётидаги ёрни дунёвий инсон – маҳбуб (эркак) деб тушуниш ва талқин этиш. 5. Навоий ижодиётидаги ёр образида маҳбуба ҳам, маҳбуб ҳам, Оллоҳ ҳам назарда тутилади деб тушуниш, талқинда эса уларни қориштириб юбориш тамойили.

Илмий жамоатчилик ушбу муаммо ечимига аниқлик киритиб, муайян бир тўхтамга келгани йўқ. Ўзбек адабиётида ижоди энг кўп ўрганилган адабий сиймо Навоий бўлиши, бугунда Навоий ҳақида юзлаб китоблар чоп этилгани ва, тахминан, шу миқдорда диссертациялар ёзилганига қарамай, Навоийшуносликнинг энг марказий масаласи – лирик қаҳрамон муаммоси ана шундай мураккаб вазиятда. Хуллас, муаммо ечими махсус ва мукаммал тадқиқотларни тақозо этади. Мазкур тадқиқот муаммонинг ечимини топишга бир уриниш сифатида майдонга келган. Муаллиф Навоийшуносликдаги қарашларга муносабат билдиради ва дастлабки хулосасини баён этади: *“Демак, шоир ёр деганида, аввало Оллоҳ, сўнгра тариқат аҳлини, унинг муршиди ва халифаю мусоҳибларини тушунади”* (11-бет). Бир қарашда, ушбу хулосадан қаноат ҳосил қилиш мумкин. Бироқ, унинг замирида севимли аёл – маҳбуба назарда тутилмаганини англаш қийин эмас.

Китобнинг “Улуғ раҳнамо, муқаддас давлат ва жамият” деб номланган иккинчи бобидан бошлаб, Навоий ижодидаги ёр образига муносабат ошкора бирёқлама тус олади. Навоийнинг муҳаббат руҳида битилган лирик шеърлари Мирзобек, Мир Иброҳим, Мирдарвеш ва Ҳожи Муҳаммадга бағишланган, деган ғоя изчил ёритилади. Мирзобек шоирнинг дўсти ва шогирди, Мир Иброҳим, Мирдарвеш ва Ҳожи Муҳаммад эса фарзандлари, ўғиллари сифатида талқин этилади. Гўёки, Навоийнинг *“Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади”* ғазали ёзилишига *“Мирдарвеш ҳар хил фитналар таъсирида нафақат кундузги, балки кечки машғулотларга ҳам қатнамай қўйиши”* сабаб бўлган эмиш (18-бет). Муаллиф иқрорича, *“Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним”* ғазали ҳам кечки машғулотга келмаган *Мирдарвешга бағишланган”* (19-бет). Биз Навоийшуносликка оид мавжуд илмий ишларда Навоийнинг махсус мактаби бўлганлиги, унда кундузги ва кечки машғулотлар олиб борилганлиги, шоир мударрис сифатида мазкур ёшларга дарс ўтганлиги ҳақида ўқимаган эканмиз. Агар шу маълумот илмий асосланганида, хўб илмий янгилик бўларди, назаримизда.

“Қаро кўзум...” ғазали ҳам Мирдарвешга бағишлаб ёзилган, деган фикр муаллиф томонидан дадил, аммо далиллар билан илмий асослантирилмаган равишда баён этилади: *“Машғулотларга мунтазам қатнашмаган Мирдарвеш сайру саёҳатга тез-тез чиқадиган ва сафарда узоқ қолиб кетадиган одат чиқаради. Сўнгра сафар жуда узоқ давом этади. Шоир унинг қаердалигини аниқлагач, орқага қайтишини сўраб, унга нома ва “Қаро кўзум...” ғазалини йўллайди”* (19-бет). Навоий асарларидаги “ёр” тимсолида назарда тутилган шахслардан Мирзобек Навоийнинг дўсти ва дилбар бир инсонлиги, шоир унинг истеъдоди ва инсоний қиёфасига юксак баҳо берганлиги, унинг *“Кўзунг не бало қаро бўлубдур, Ким, жонға қаро бало бўлубдур”* матлаини давом эттириб, ғазал ёзганлиги Навоийшунослик илмида эътироф этилган. Мир Иброҳим ҳам Навоийнинг асраб олган, аммо унга вафо қилмаган ноқобил фарзанди эканлиги тадқиқотларда етарлича баён этилган. Ҳатто, Навоийшунос олим Қодиржон Эргашев “Ўзбек насрида иншо” номли тадқиқотида ушбу “ноқобил фарзанд” Мир Иброҳим эмас, балки Шоҳқули исмли ғижжакчи бўлганини исботлаб берди. Шу боисдан, китобхон улар ҳақида Муҳаммаджон Маҳмуддан ортиқча изоҳ кутмаслиги мумкин. Бироқ, Мирдарвешнинг тарихий шахс эканлиги ва Навоийга нечоғлик яқинлиги тўғриси-

да Навоийшунослик асарларида батафсил маълумот учрамайди. Муаллиф эса уни китобнинг барча ўринларида ҳеч бир изоҳсиз Навоийнинг катта фарзанди сифатида талқин этади. Унингча, Навоийнинг икки фарзанди бўлган: каттаси – Мирдарвеш, кичиги эса – Мир Иброҳим. Бундан ташқари, Мирдарвеш қачон, қаёққа, қандай сафарга чиқади, нима сабабдан узоқ қолиб кетади – ноаён. Муаллиф талқинича, Навоий *"сафарда қолиб кетган катта фарзандига"* "Қаро кўзум..." ғазалида, *"Қарокўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил"*, яъни *"азиз фарзандим, келу энди одамийликни ўргангин, қилган хизматларимга яраша сен ҳам хизмат қилгин ва инсоний бурчингни бажар. Ахир, сен менинг мусоҳибимсан, ҳар доим кўз олдимда, ҳузуримда бўлишинг керак-ку"* (48-бет), дейди. Шу туфайли, бу "Қаро кўзум..." ғазалининг ўнлаб талқинлари орасида ишончсизларидан бирига айланиб қолган. Китоб муаллифи Навоийнинг иккита фарзанди бўлган, дейиш билан ҳам чекланмайди. Учинчи бир фарзанди ҳақида бундай маълумот беради: *"Ҳожи Муҳаммад Навоий хонадонида шоирнинг энг севимли фарзанди ва билимдон мусоҳиби сифатида ғоят қадрланган. Меҳрибон ота ва ғамхўр пиру устоз уни бир кун кўрмаса, жуда соғиниб, бетоқат бўлган. Севимли фарзанд ҳарбий хизматда бўлганида, шоир шаҳарни тарк этиб, у билан саҳрода яшайди"* (53-бет). Ушбу фикрларига қатор-қатор шеърий парчаларни мисол келтирадики, улардаги ёр образи Ҳожи Муҳаммад эканлиги англашилмайди. Ҳарқалай, Навоийнинг ўзи асарларида уларни *"фарзандимдек эди"* ёки *"фарзандим қатори эди"* дея лутф этгани, уларни шоирнинг ҳақиқий фазанди эди, деб илмий талқин этишга асос бермаса керак.

Шоирнинг таҳлилга тортилган барча асарлари бир хилда – асослантирилмаган ҳолатда мазкур шахсларга бағишланганлиги қайд этилаверади: *"Навоий Мирзобекнинг вафот этганини, Мирдарвешнинг эса қора кучлар домига тушганини эшитиб, қаттиқ дард-алам чекади:*

Ёшунғон эмиш қаро булутға моҳим,
Гардунни совурмоғлиғ эрур дилхоҳим.
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим.

Шоир шоҳим деганида комил шоҳ, комил давлатни, моҳим деганида, комил инсон, комил жамиятни ҳам назарда тутади. Шоир Мирзобек, Мирдарвеш вафотидан сўнг, Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳимни ҳам шоҳиму моҳим деб атайди" (25-бет). Илмий асосларсиз бу гапларга қандай ишониш мумкин? Қайси асосларга кўра, бу шеър таҳлилини давлат ва жамият масалаларига йўналтириш мумкин?

Навоий шеърларидаги рашк туйғусини ҳам муаллиф Мирзобекка тегишли талқин этади ва : "Бизнингча, Абу Сайид Мирзо Навоийга Равосийдан кўра Мирзобекни кўпроқ рашк қилган" (29-бет), деб ёзади. Бу фикрига шоирнинг:

Ёрдин эл рашкидин бўлдум жудо, бўлғай эди,
Илтифотин ғайр ила кўрмакка тоқат кошки,

- байтини асос қилиб келтиради.

"Ёр – меҳрибон Оллоҳ ва тариқат аҳли" бобининг мақсад-моҳияти Навоий асарларидаги ёр образи замирида Оллоҳ назарда тутилганини ёритишга қаратилган. Бироқ, бу ғоя

муваффақиятли амалга ошмаган. *“Навоий Оллоҳни кўрганми - кўрмаганми”,* деган савол Навоийшуносликда мутлақо кўтарилмаган. Ушбу бобда эса дабдурустдан шундай фикрлар баён этилади: *“Навоий меросининг зукко тадқиқотчиси Алибек Рустамий ҳам “Қаро кўзум ким?” номли мақоласида Тангри ўзини яқин дўстларига бу дунёда ҳам турли қиёфада кўрсатади, деган қадимий ақиданинг тўғрилигини тасдиқлайди. “Қаро кўзум”ни от миниб, камон ва ит билан овга чиққан йигит тарзида талқин этади. Афсуски, айрим адабиётшунослар Навоийнинг Оллоҳ висолига мушарраф бўлганини инкор қиладилар”* (47-бет). Бундан англашиладики, кўпчилик адабиётшунослар Навоий Оллоҳни кўрганлигини эътироф этганлар. Қачон, қаерда? Асос келтирилмайди. А. Рустамов мақоласи ҳам қачон, қайси манбада чоп этилгани кўрсатилмайди. Ҳолбуки, “*Тангри ўзини яқин дўстларига бу дунёда ҳам турли қиёфада кўрсатади, деган қадимий ақиданинг тўғрилигини тасдиқлайди”,* деган фикрга А.Рустамов мақоласи асос бермайди. Мақолада бундай фикр йўқ. Бу тарзда далил, исботсиз айтилган гап ҳақиқатга яқин келмайди ва у илмий фикр ҳисобланмайди. Аввало, агар Навоий Оллоҳ висолига мушарраф бўлиб, У қайсидир қиёфада кўринган бўлса, шоирнинг ўзи буни ифтихор билан иқрор этган бўларди, назаримизда.

Навоий асарлари мазмуни билан уларнинг талқини мувофиқ эмаслиги яққол кўзга ташланиб боради. Мана бу байт ва унинг талқинига эътибор беринг:

“Янги ой хуршид аро бўлмоқ аён маъхуд эмас,
Вах, недур айлаб ғазаб солмоқ жабининг ичра чин.

Бу ерда мазкур ғазалдаги хуршид (қуёш) ва зулф қўйган мўйлабли йигитнинг маъшуқа эмас, маъшуқ эканлиги аён бўлади” (54-бет). Байтда *“зулф қўйган мўйлабли йигит”* тасвири йўқ-ку? Муаллиф бу маънони қаердан олди? Агар у *“жабининг узра чин”*ни назарда тутган бўлса, буткул адашган, шеърни тушунмаган. *“Жабин узра чин”* – манглайдаги ажинни англатади. Бинобарин, у асардаги ёр “маъшуқа эмас, маъшуқ” эканлигини асослаёлмайди.

Шеърлардаги ёр образи ҳақида: *“... жуда чаққон, яъни уйдан тез ғойиб бўлувчи маслакдош маъшуқи – дўсти бўлган. У пиру устознинг рухсатисиз уйдан кетиб қолади. Ҳозир эса бир ойдан бери зиёфатларда товусдай товланиб, наҳс босган бойқушлар (“буми манхус”), одам қиёфасидаги девлар ва ноасл (“бадмеҳр”) кишилар билан улфатчилик қилиб юрмоқда... Ғамхўр ота ва пиру устоз мусоҳиб фарзандининг ичкиликка тобора берилаётганига ачинади. Шоир севимли фарзанди фироқида қон йиғлайди, дарду алам чекади... Хуллас, Навоий мазкур шеърий парчада маъшуқа эмас, балки ёрнинг яқин маънодоши – маъшуқ, аниқроғи, икки фарзандидан бири ҳақида фикр юритади. ... мазкур фарзандини маъшуқ, маҳбуб, деб аташи ҳам бу борадаги яна бир мўътабар далилдир”* (55, 56, 57-бетлар) каби фикрлар ҳам илмий асосга эга эмас. Муаллиф талқинидаги ичкиликка берилган, халқнинг доимий фитнасига дучор бўладиган, дам-бадам аллақаёқларга дайдиб кетадиган, тутуриқсиз ва беқарор кимсаларни Навоий ўзига фарзанддек яқин тутгани ва ёр тимсолида уларни куйлаганига ақл бовар қилмайди. Агар Навоийдай улуғвор шахсият бундай майда кимсалар билан илакишиб юрганида, ўз обрўйини йўқотган ва умри мобайнида бажарган улкан вазифаларини амалга ошира олмаган бўларди.

“Шоир “йиғлармен” радифли ғазалида ёзишича, фарзанди фироқида муттасил йиғлаш, дард-алам чекиш натижасида ўз-ўзи билан гаплашадиган бўлиб қолади” (65-бет). Бундан

қандай маъно чиқади? Шоир савдойи бўлиб қолган дейилмоқчими? Бу – Навоийдай улуғ мутафаккир шаънига туҳмат эмасми?

Илмий асосланмаган ва Навоийнинг шаънига тўғри келмайдиган хулосалардан яна бири қуйидагича: *"Навоийнинг душманлари уни уйланмай, ахлоқсизлик қилиш ва фаҳш шеърлар ёзишда айблаб, фитналар тарқатадилар. Шоир эса мухолифларига – Мен ҳам Исодек уйланмасдан замондошларимни ҳақ йўлга бошлаб, хайрли ишлар қилдим. Бинобарин, Тангри менинг ҳам хизматларимни тақдирлаб, осмон сирларидан воқиф этди. Менинг йигитларни мадҳ этишдан мақсадим, улар орқали илоҳий ишқни тараннум этишдир, деб жавоб беради"* (67-бет).

Муаллиф Навоийдаги "йигитлар ишқи" заминида илоҳий ишқ ётибди, демоқчи бўлади, аммо талқин ниҳоятда жўн ва мантиқсиз чиқади. Мана бу жумлаларга диққат қилинг: *"Мусоҳиблари висолига етиш орқали Оллоҳ жамолига мушарраф бўлиш ҳақида ўйлар экан, яна ўшалар воситасида Тангрининг сочи, зулфу юзи, қаду қомати (?), фавқулотда гўзаллиги каби хилма-хил сифатларига ишора қилади..."* (70-бет). *"У ўз орзуси ушалганида, қўлини Тангри бўйнига (?) қўйиб, қулоғига (?) дил розини, Ҳақ йўлда чеккан азиятларини изҳор қилмоқчи бўлади... Шоир Тангри юзини гулга, унинг ўзини гул хирмонига ўхшатади ва уни бир тун қучоқлаб, ҳидига маст бўлиб ётишни (?) улуғ бахт деб билади"* (103-бет). Мана, ишқи ҳақиқий тўғрисидаги муаллифнинг тасаввури. Қизиғи шундаки, Навоийнинг сўфиёна ғазаллари қолиб, Навоийшуносликда дунёвий муҳаббатнинг гўзал талқини сифатида тадқиқ этилган:

Не хуш бўлғай икавлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаву оғзим қулоғинда,-

матлали ғазал таҳлилга тортилган. Ахир, муаллиф суянган А.Рустамовнинг ўзи талқинида ҳар қандай жисмоният ва шакл тавсифланган ғазалда Оллоҳ образи бўлмайди, чунки у моддиятдан эмас, балки руҳиятдан иборат, дея уқтирган эди- ку?!

Китобнинг Навоий ижодидаги ёр ҳақида узил-кесил хулосаси бундай: *"Биз ёр борасидаги баҳсни ҳар қанча давом эттирмайлик, битта ҳақиқат аён бўлади. Навоий "Хазойин ул-маоний"да ёрнинг маъшуқ, маҳбуб, дўст, йигит, қуёш. ой, маҳваш, маҳжабин, гул, гулъузор, гулбарги хандон, сарвиноз, сарви гулрў, сарвқомат, пари, малаксиймо, шоҳим, моҳим, чобуксувор, чобук, шаҳсувор каби хилма-хил маънодошлари ҳақида бот-бот фикр юритса-да, маъшуқа, маҳбубани умуман тилга олмайди ва назарда ҳам тутмайди"* (97-98-бетлар). Бугунги Навоийшуносликдаги умумий нуқтаи назарга бу хулоса батамом тескари ва ўта баҳсли. Муаллиф услубидаги асослантирилмаган мушоҳадаларни қандай баҳолашга ақл ҳайрон.

Адабиётшуносликда "бадиий тўқима" термини мавжуд, лекин "илмий тўқима" тушунчаси йўқ. Илм мавжуд манба ва маълумотлар асосида иш юритади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китоб қўлёзмасидаги камчиликлар жамоатчилик ёрдами билан нашргача бартараф этилганида маъқул бўларди. Умуман, бундай савиядаги китобнинг қандай нашр этилганлиги ажабланарли ҳол. Китоб донгдор нашриётлардан бирида чоп этилган. Бозор иқтисодиёти қозонида қайнаётган нашриётлар арзимаган пул учун буюк мутафаккир шаънини бу қадар ерга урмаслиги лозим. Қандай маҳсулот чиқараётганини қайта-қайта ўқиб, ўйлаб кўриши лозим. Айрим масъулиятсиз мутахассисларнинг ёлғон тақризларига

осонгина алданмаслиги керак. Нашрга адабиётшуносликнинг таниқли намояндалари оқ фотиҳа берганлар. Китобга филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий масъул муҳаррир, филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов ва филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов тақризчи этиб белгиланганлар. Султонмурод Олимов "Иштиёқи ёр" сарлавҳали кириш мақола ҳам ёзган. Ундаги айрим жумлалар эътиборимизни тортади: *"Муаллиф ёр деганида, аввало, муршид Навоийни, сўнгра унинг фарзанд мақомидаги халифаю мусоҳибларини назарда тутади".* Қандай қилиб муаллиф Навоийда ёр деганда, Навоийнинг ўзини назарда тутиши мумкин? Китобдаги асосий нуқсонлардан биттаси, асарлардан ҳеч бир заруратсиз қулоч-қулоч мисол келтирилишидир. Мисра, байт кифоя бўлган ўринларда ҳам ғазалларнинг тўлиқ матни қалаштириб ташланган. Китоб ҳажмининг катта қисмини асар матнлари ташкил этган. Муаллиф умуман илмий аппарат қўлламайди, асарлар олинган манбани кўрсатмайди, иштибоҳли матнларни манба билан қиёслаш имконияти йўқ. *"Бундан ҳам аҳамиятли томони эса, бу мисолларнинг таҳлил этилгани, уларнинг тадқиқотчи олдига қўйган мақсадларга бўйсундирилгани",-* дея китобни мақтайди С.Олимов. Ахир, мисолларни ўз мақсадига бўйсундириш тадқиқотчиликдаги нотўғри йўл-ку! Таассуфки, таҳлиллар жуда саёз, мисолларнинг муаллиф мақсадига бўйсундирилгани эса хато. Дунёвий мазмундаги ғазални асоссиз равишда тасаввуфий талқин этишга уриниш ана шу усул оқибатида вужудга келган. Матнлардаги Навоий нуқтаи назари муаллиф мақсадига эмас, балки муаллиф матн мантиқига бўйсуниши лозим. *"Баҳонада рисолада Навоийнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ кўп янги ва қизиқарли маълумотлар илгари сурилган",* – дея тавсифни давом эттиради С.Олимов. Афсуски, муаллифнинг шахсий тахмин, фараз ва тўқималари *"қизиқарли маълумот"* сифатида тавсия этилган бўлиб чиққан. Муҳтарам мутахассисларни бу қадар бўш китобни кўтар-кўтар қилишларига нима, қандай манфаат мажбур этган, тушуниш қийин. Ахир, бу олимларимиз бундан чорак аср муқаддам юксак савияли, энг ишонган мутахассисларимиз эмасмидилар?! Савияни юксалтириш осон эмас. Юқори савияни умрбод сақлаш ҳам осон эмас. Бу натижага юқори савияли бадиий, илмий асарлар яратиб, уларнинг моҳиятини таълим-тарбияга сингдириш, илмий жараёнда муттасил фаолиятда бўлиш билангина эришиш мумкин.

ИЛМИЙ-ПУБЛИЦИСТИК-БАДИИЙ ТАЛҚИН

Физика-математика фанлари доктори, академик Абдулла Аъзамовнинг "Назмнинг еттинчи осмони" сарлавҳали мақоласи илмий-оммабоп-бадиий услубда ёзилган. Таҳлилда, албатта, илмий услуб етакчилик қилса-да, учала услуб унсурлари қоришиб кетган. Мақолада бошдан-оёқ шундай услуб сақланган. Олим илмий-мантиқий мушоҳада юритади, мақоланинг кириш ва якуний қисмларида бадиий тасвирдан фойдаланади, ўрни келганда, ҳис-ҳаяжон ва ҳайратларини, завқ-шавқини баралла изҳор этади. Бу эса талқиннинг ўқишли, таъсирчан, самимий услубини таъминлаган.

Олим таҳлил аввалида ғазалнинг вазни, қофия ва радифи масалаларига жуда батафсил тўхталади. Таҳсинга сазовор ери шундаки, ғазал бадииятининг ушбу хусусиятларини А.Аъзамов ушбу ғазални таҳлил этган адабиётшунос олимлардан кўра чуқурроқ ёритиб беради.

Бироқ вазн таҳлили А.Аъзамов талқинида айрим камчиликлардан холи эмас. Буни қуйидаги жадвалларни таққослаганда кўриш мумкин. А.Аъзамовнинг “Жаҳон адабиёти” журналидан айнан кўчириб олинган жадвали:

1-рукн				2-рукн				3-рукн				4-рукн	
Ма-фо-и-лун				фа-и-ло-тун				ма-фо-и-лун				фаъ-лун	
ҳижолар: – (чўзиқ), v (қисқа)													
v	–	v	–	v	v	–	–	v	–	v	–	–	–
Қа-	ро	кў-	зум	ке-	лу	мар-	дум-	ли-	ғ эм-	ди	фан	қил-	ғил,
Кў-	зум	қа-	ро-	си-	да	мар-	дум	ки	би	ва-	тан	қил-	ғил.
Ю-	зунг	гу-	ли-	га	кў-	нгул	рав-	за-	син	я-	са	гул-	шан,
Қа-	динг	ни-	ҳо-	ли-	ға	жон	гул-	ша-	нин	ча-	ман	қил-	ғил.
Та-	ко-	ва-	ринг-	га	ба-	ғир	қо-	ни-	дин	хи-	но	боғ-	ла
И-	тинг-	га	ғам-	за-	да	жон	риш-	та-	син	ра-	сан	қил-	ғил
Фи-	ро-	қ	то-	ғи-	да	то-	пил-	са	туф-	ро-	ғим,	эй	чарх
Ха-	мир	э-	тиб	я-	на	ул	тоғ-	да	кў-	ҳ-	кан	қил-	ғил
Ю-	зунг	ви-	со-	ли-	ға	ет-	сун,	де-	санг	кў-	нгул-	лар-	ни
Со-	чинг-	ни	бош-	тин	а-	ёғ	чин	и-	ла	ши-	кан	қил-	ғил.
Ха-	зон	си-	по-	ғи-	га,	эй	бо-	ғ-	бон	э-	мас	мо-	неъ
Бу	бо-	ғ	то-	ми-	да	гар	иг-	на-	дин	ти-	кан	қил-	ғил.
Ю-	зи-	да	тер-	ни	кў-	руб	ўл-	сам,	эй	ра-	фиқ,	ме-	ни
Гу-	лоб	и-	ла	ю-	ву	гул	бар-	ги-	дин	ка-	фан	қил-	ғил
На-	во-	ий,	ан-	жу-	ма-	ни	шав-	қ	жон	а-	ро	туз-	санг
А-	нинг	бо-	шоғ-	лиғ	ў-	қин	шам-	ъи	ан-	жу-	ман	қил-	ғил

Қайта кўриб чиқилган жадвал:

Qa-ro ko‘-zum,	ke-l+u mar-dum	lu-g‘+em di fan	qil-g‘il,
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Ko‘-zum qa-ro	si-da mar-dum	ki-bi va-tan	qil-g‘il,
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Yu-zung gu-li	ga ko‘-ngul rav	za-sin ya-sa	gul-shan,
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Qa-ding ni-ho	li-g‘a jon gul	sha-nin cha-man	qil-g‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Ta-ko-va-ring-	g‘a ba-g‘ir qo-	ni-din hi-no	bog‘-la,
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
I-ting-g‘a g‘am	za-da jon rish-	ta-sin ra-san	qil-g‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Fi-roq(i) to-	g‘i-da to’-pil-	sa tuf-ro-g‘im,	ey charx,
V – V –	V V – –	V – V –	.– ~
Xa-mir e-tib	ya-na ul tog‘-	da ko‘-h(i)-kan	qilg‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
1-misra: Mujtassi musammani maxbuni maqtu’yi musabbag‘			
2-misra: Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Yu-zung vi-so	li-g‘a yet-sun	de-sang ko‘-ngul	lar-ni,
V – V –	V V – –	V – V –	– –
So-ching-ni bosh-	ti-n+a-yog‘ chin	i-la shi-kan	qil-g‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Xa-zon si-po-	hi-ga, ey bo-	g‘(i)-bo-n+e-mas	mo-ne’
V – V –	V V – –	V – V –	– –
Bu bog‘(i) to	mi-da gar ig-	na-din ti-kan	qil-g‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Yu-zi-da ter	ni ko‘-rub o‘l-	sa-m+ey ra-fi-	q(i), me-ni
V – V –	V V – –	V – V –	.V V –
Gu-lo-b+i-la	yu-vu gul bar-	gi-din ka-fan	qil-g‘il.
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
1-misra: Mujtassi musammani maxbuni mahzuf			
2-misra: Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			
Na-vo-i-y*+an	ju-ma-ni shav-	q(i) jo-n+a-ro	tuz-sang,
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
A-ning bo-shog‘-	li-g‘+o‘-qin sha-	m’i an-ju-man	qil-g‘il
V – V –	V V – –	V – V –	.– –
Mujtassi musammani maxbuni maqtu’			

* Navoyi manbada “Navoiy” deb yozilgani uchun shu holatda olindi.

1-жадвалда ғазал вазнидаги “васл” ҳодисаси умуман акс эттирилмаган. Бундан ташқари, барча мисраларда вазн бир хил эмас. Бу хусусиятлар иккинчи жадвалда ўз аксини топди.

А.Аъзамов ўз таҳлилини 7 банддан иборат қилиб тузган. Яъни, унинг таҳлили ўзига хос композицияга, таркибий тузилишга эга.

А.Аъзамов таҳлилнинг “Сўз” қисмида ғазалда ишлатилган 19 та сўз-иборага батафсил изоҳ бериб чиқади. Бу – жуда яхши. Лекин бу олим ҳам “бошоқ” сўзига ғазал матнига алоқаси йўқ изоҳни беради. У маънони айнан ғазалда шундай деган шаклда изоҳлайди: *“**бошоқ** – бу ерда: камон ўқи (найза)нинг металдан ясалган учи”.* У камон ўқини қавсда *“найза”* деб ҳам беради. Лекин бу иккаласи бир нарса эмас. Изоҳ яна бир жиҳатдан ўзини оқламайди. Металдан ясалган бу совуқ қуроллар олимнинг: *“Ғазалда нозик инсоний туйғулар ифода этилгани учун унинг сўз таркиби ҳам шунга яраша”* деган тавсифига тўғри келмайди. У А.Рустамовнинг овчи ва унинг қуроли камон деган фикридан келиб чиққан. Олимнинг ўз тавсифи тўғри. Аввало, бу ғазал лирик асар, унинг мазмун-моҳияти – лирика, инсоннинг ўта нозик, нафис ҳис-туйғулари, қалб кечинмалари ифодаси эканлигини унутмайлик.

Олим 4-бандда шоирнинг ғазалдаги санъаткорлигини таҳлил этади. Ғазалнинг мақта байтида 10 та бадиий санъат қўлланганлиги ҳақида Ваҳоб Раҳмоновдан иқтибос келтиради. Сўнгра шу 10 санъат мавжудлиги мисоллар билан асослаб кўрсатилади. Бу ҳам таҳсинга сазовор. Чунки бошқа ҳеч бир таҳлилда байтлардаги бадиий санъатлар бунчалик батафсил ва батартиб таҳлил этилмаган эди. Бироқ фақат матла байтгина шундай таҳлил этилган. Қолган байтлар ҳам шундай батафсил таҳлил этилса, хўб иш бўларди. Олим негадир барча байтларни таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Аммо биргина байт таҳлили шу ҳолича ҳам тадқиқотчиликда ўрнакдир. Демак, ҳар байтдаги санъаткорликни ана шундай таҳлил этиш мумкин экан. Лекин В.Раҳмоновдан олинган иқтибос манбаси кўрсатилмаган. 10 та санъат таҳлили ҳам А.Аъзамовникими ёки В.Раҳмоновдан олиб баён этилганми? Ана шу масалалар номаълум қолади. Бу иштибоҳимизга сабаб, биламизки, В.Раҳмонов Ўзбекистонда биринчи бўлиб бадиий санъатлар тўғрисида қўлланма яратган. Санъатлар тавсифи ана шу қўлланмадан олинмадимикин, деган савол туғилди. Чунки В.Раҳмонов иқтибосидан кейин санъатлар тавсифи уланиб кетган.

Биз юқорида асл иҳом санъати тўғрисида мунозара юритган эдик. А.Аъзамов таҳлилидаги иҳом ҳам баҳсли. Бу ўринда ҳам иҳом дейилган нарса, бизнинг назаримизда, иҳом эмас. Бундан олдин байтдаги тажнис ҳодисаси таҳлил этилган. Шунинг ўзи кифоя эди. Шунинг ўзи бу ўринда иҳом йўқлигини кўрсатиб турибди. Шоирнинг маҳоратини кўрсатаман деб, албатта, йўқ ердан иҳом топиб чиқаришимиз шарт эмас. Иҳомга таъриф берилар экан, *“яъни тажниснинг нозик ва нафис шакли”* дея изоҳ берилади. Бу – иҳомни етарли қадрламаслик. Иҳом тажниснинг тури ё шакли эмас. Бадиият илмида ҳар бир санъатнинг ўз ўрни бор. Бадииятда иҳом тажнисдан баланд туради. У жуда ноёб ҳодиса. Тажнис қўллашда устаси фаранг бўлиб кетган ҳар қандай шоир ҳам иҳом қўллаёлмаслиги мумкин.

“Талқин” деб номланган 5-бандда А.Аъзамов ғазалнинг мақта байти мазмуни ва образлари ҳақида муҳокама юритади. Муҳокама ниҳоясида А.Рустамовнинг қуйидаги талқинини келтиради ва шу билан кифояланади: *“Навоий... шамнинг тунги анжумандаги вазифасини, яъни ёритиш ва шу билан анжуманни қизитиш хизматини кишининг жонидаги шавқ анжуманида маъшуқнинг ўқи ўтайди, дейди. Ўқдан мурод маъшуқ туфайли ошиққа етадиган жабру жафолардир”.* Лекин А.Рустамов талқинининг ўзи тушунарли эмас. Олим ғазалдаги рамзий образларни моддий, жисмоний буюмлар деб тушунган. Мақта байтда ***“тун”*** деган

сўз ҳам, ***“тун”*** тушунчаси ҳам йўқ. Домла шам, албатта, тунда ёқилади деб ўйлаб, таҳлилга ***“тун”*** тушунчасини киритган. Аслида, Навоий тасвиридаги ***“шам”*** моддий ашё эмас, рамзий образдир. Ошиқнинг ***“жонидаги шавқ анжумани”*** – бу руҳият ҳодисаси. Яъни лирик қаҳрамоннинг руҳияти туғёнда. А.Рустамов талқинидаги ***“бошоғлиғ ўқ”*** эса ***“учига темир қадалган ўқ”***, яъни жисмоний қурол бўлса, қанақа қилиб жисмоний қурол билан руҳий шавқ анжуманини қизитиш мумкин? Руҳият билан жисмоният ўзаро қовушмайди-ку? Тағин давомида *“ўқдан мурод маъшуқ туфайли ошиққа етадиган жабру жафолардир”* дейилади. Буни қандай тушуниш керак? Нима, жисмоний қурол руҳий шавқ анжуманини жароҳатлайди-ю, ошиқ бундан жабру жафо тортадими? Талқин – жуда чиройли, ҳатто, ишонтирарли, лекин реал эмас.

Таҳлилнинг “Мақсад” деб номланган бандида *“Ғазалнинг кимга қаратилганлиги”* масаласи муҳокама қилинади. Бу борада ҳам олим А.Рустамовнинг фикрларини келтиради ва қўллаб-қувватлайди. У шоир мурожаат қилган лирик қаҳрамоннинг адресати ҳақида турлича тахминларни илгари суради. Сўнг хулосага ўтади: *“Лекин ғазал объектининг жинси Навоий учун муҳим бўлмаса керакки, шоир уни конкретлаштиришни лозим топмаган”.* Бизни кечирсинлар-у, бундай ифодадаги гап Навоийдай нозиктаб одам учун дағалдек, оғир ботадигандек туюлади. Биз бундай гаплар билан Навоийнинг руҳиятига озор бериб қўймаяпмизмикин? Мана бу гаплар эса ғазал жанрининг спецификасини тушунмасликдан келиб чиққан: *“... ғазалда бирор марта бўлсин “ишқ”, “муҳаббат” сўзлари, ҳатто, уларга маънодош ва ўзакдош сўзлар қўлланмаган”.* Аслида, ғазалда бундай сўзлар қўлланган бўлиши шарт ҳам эмас. Чунки ғазалнинг асл мавзуси ишқ-муҳаббат-да. Тўғри, адабиёт тарихида айнан кимгадир бағишланган, адресатли ғазаллар ҳам бўлган. Лекин улар жуда кам. Ғазал ўз специфик хусусиятига кўра ишқ-муҳаббатга бағишланган, эркаклар эмас, аёллар гўзаллигини, ҳусну латофатини, назокатини таърифлаш, тавсифлаш, тасвирлаш, ҳижрондан шикоят, висолга ташналик туйғуларини тараннум этишга, ошиқ-маъшуқларнинг қалб кечинмаларини сирли, сеҳрли образлар орқали изҳор этишга қаратилган жанрдир. Ғазалнинг асил табиати – шу. Шарқ адабиётидан бундай адресатсиз, тасвир объекти мавҳум ғазалларни истаганча топиш мумкин. Олим шундай хулосани баён этади: ***“Ғазалнинг мақсади – конкрет жинсли ва ёшли маъшуқ эмас, умумлаштирувчи (абстракт) манзур сиймосига мурожаатдан иборат”.*** Бу – аввалдан, минг йиллар аввалдан ғазал учун мавжуд бўлган хулоса, қоида эди. Ушбу таъриф-тавсифни биргина “Қаро кўзум...” эмас, балки минглаб ғазаллар тўғрисида айтиш мумкин. Агар ҳар бир ғазалдан адресат қидирсак ёхуд унда конкрет объект ифодаланган бўлса, унинг ғазаллиги қоладими? Фақат ғазалнинг ҳам эмас, умуман, лирик шеъриятнинг табиати шундай. Айтайлик, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим” ёки “Мактуб” шеърларининг аниқ қаратилган шахси борми, ифодаланганми? Йўқ. Агар у бўлса-ю, аниқланса, шубҳасиз, лирик шеърнинг таъсир кучи пасаяди, сеҳр-синоати йўқолади. Шунинг учун ҳам, аксарият лирик шеърларнинг тасвир объекти умумлашма образдир. “Қаро кўзум...” ғазалининг сеҳру синоати, гала олимларни ўзига мафтун этиб, ранг-баранг шарҳлар яратишларига мажбур қилган кучи ҳам мана шунда.

Таҳлилнинг еттинчи – руҳият бандида ғазал замонавий ошиқ руҳияти орқали бир сидра (сидирғасига) тавсифлаб ўтилади. Замонавий оддий шинаванда нигоҳи билан инкишоф этилади. Дарвоқе, замонавий шинаванда, чуқур таҳлил қиламан деб адашмасдан, мана шундай байтлар аро сайр этиб, енгил кезиниб, маънавий-руҳий лаззат топиши ҳам мумкин.

А.Аъзамов таҳлилининг ибтидо ва интиҳоси жуда мароқли. У бадиий лавҳа билан бошланган эди ва яна бадиий лавҳа билан тугалланади. Дарвоқе, ғазалнинг тадқиқотчилари, мухлислари бу қадар кўплигига сабаб унинг ашула сифатидаги таъсирчанлигидир. А.Аъзамов ҳам ана шу соҳир ашулани қайта-қайта тинглаши таъсирида таҳлилга тутинган бўлса, ажаб эмас.

“ҚАРО КЎЗУМ...” ФОРС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МУТАХАССИСИ НИГОҲИДА

Шарқшунос олим, филология фанлари номзоди Исмоил Бекжоновнинг “Муҳаббат фалсафаси” сарлавҳали мақоласи[1] ҳам мазмунан ўзигача яратилган бошқа шарҳларни такрорласа ҳам, у олимнинг ўзига хос нигоҳи билан ёндашганлиги, бошқалардан фарқли билим заҳираси, сўзшунослик салоҳияти воситасида ифода ва тушунчаларни янгилаши билан қимматлидир.

У “Қаро кўзум...” ғазали 1-байтидаги сўз-ибораларнинг форсий муқобилларини ҳам келтиради. Маъшуқанинг ошиқ кўзида ватан тутиши тасвири қўлланган Лутфийнинг гўзал байтини келтириб таҳлил этади. Бу эса мазкур бадиий ифода Навоийгача бошқа шоирлар ижодида ҳам сайқал топганидан далолат беради.

Бадиий асарни ҳар ким ҳар хил тушунар экан. Шеърий ифодаларнинг кўпмаънолилиги ҳам шунда бўлса керак. Мана бу жумла И.Бекжонов ғазал объектини батамом бошқача кўзқараш билан кўрганлигини кўрсатади: *“Ошиқ – Навоий “Қаро кўзум...”нинг биринчи байтида ёрга кибру ҳаво билан ўзингни баланд тутма, инсонларга ярашувчи хислат, одатларга риоя қилиб, сал пастга туш мазмунидаги киноялар орқали суюклигини кўриш жавҳари ҳисобланган кўз қорачиғи ўнгида намоён бўлишга ундаяпти”.* Бизнинг назаримизда эса, ғазалда лирик қаҳрамон манзурининг кибру ҳавога эгалиги ва унинг кибридан воз кечиб пастга тушишига даъват ўз аксини топмагандек. Олим ўз фикрига асос сифатида шоир Ҳилолийдан Навоий матласи мазмунига монанд форсий байт келтирадики, бу жуда қизиқарли ва ғазал тадқиқи мазмунини бойитувчи топилма далилдир.

Бошқа барча таҳлилларда ғазалнинг 3-байтидаги “таковар” сўзи араб тилидан олинган ва у умумий маънодаги отни билдиришига асосланилган. И.Бекжонов эса сўзнинг асоси форсча – “так (таг) овардан – ҳамла қилмоқ” қўшма феъли эканлигини янгилик сифатида келтиради. Бунда “таковар” сўзидан “жанговар от” тушунчаси англашилади. Ҳозирги форс ҳарбий терминологиясида “таковар” – ҳамла қилувчи аскар маъносида ишлатилиши ҳам ғоят қизиқарли маълумот. Ушбу маълумотга ишонмаслик жуда қийин. Чунки Навоий форсийзабонлар муҳитида туғилиб ўсган ва шу муҳитда қўлланадиган сўз-тушунчалар унинг бадиий тил заҳирасига сингиб кетган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Олим 3-байт мазмунини қуйидагича шарҳлайди ва бу ҳам ишонарли талқиндир: *“Буюк шоир бу ғазалида от минган ёрига ниёзини янада кучлироқ ва ҳаётийроқ ифода этиш учун ўша даврдаги бой оила қизлари ёлғиз чиққанда миниши оддий ҳол бўлган таковар устидаги гўзалга мурожаат қилади. Кўз олдимизда беихтиёр Лайли ва у минган таковар гавдаланади. Таковарлар махсус ўргатилган жанговар отлар бўлиб, уруш майдонига кирганда олд оёқлари билан рақибнинг юзи, кўкрагига тепиб ва уни йиқитиб, оёғи остида эзғилаб, туёқларини қонга ботирмагунча*

[1] И. Бекжонов. Муҳаббат фалсафаси. “ЎзАС”, 2006. 15 декабрь.

жанггоҳдан чиқмаган. Лайли кабилар эса, тинч даврда ўзларини ғаним қабила одамлари ёки ўғри ва шу каби касларнинг туйқус ҳамласидан сақлаш учун бундай таковарлар минишган. Лирик қаҳрамон ёрга мурожаат этаркан, агар сен бу нозинг орқали юрагим қонини истаётган бўлсанг, таковаринг олдига чиқай, туёқлари билан тепиб, кўксимни ёрсин ва уларни юрак-бағрим қонидан қўлга қўйилган ҳино каби қип-қизил қилиб, ўз вазифасини адо этсин, менинг ўлимим иккалангиз учун ҳам байрам бўлсин; жононсиз жонни нима ҳам қиламан, ол, ғам остида эзилиб, жул-жул титилган жоним ипи торларидан ясалган арқонни атрофингда сени қўриқлаб келаётган итингга бўйинбоғ қилиб боғла".

Кейинги байтлар таҳлили ҳам янгича ифодаси билан диққатга сазовор. Айниқса, бошқа байтлардан ажралиб турувчи, мустақил ва фалсафий мазмунли деб ҳисобланиб келаётган боғбонга мурожаат тарзида битилган байтдан бундай қизиқ маъно чиқарилади: *"Маъшуқанинг ошиқни куйдирадиган нозларидан бири – унинг ўз ҳуснига бино қўйиши, гўзаллик фаслининг ҳам интиҳоси борлигини англамаслиги ёки англаса-да, қўлида бор пайти ошиқни қийнаб қолишга уринишидир. Шунча азоб чеккан ошиқ бунга ҳам чидаши мумкин. Лекин у бу ҳақиқатни суюклиги эсига солиб қўйиш баҳонасида дардини тўкиб солмоқчи..."*. Бундан келиб чиқадики, демак, мазкур байт олдинги байтлардан, маъшуқага мурожаатдан мантиқан узилмаган.

Ғазалдаги энг мураккаб байтлардан бири "Юзида терни кўруб ўлсам..." деб бошланади. Буни энг кучли шориҳларимиз ҳам инонарли, асосли шарҳлашга қийналганлар. Албатта, И.Бекжонов ҳам байтни осонликча шарҳлаёлмайди. Бир байт шарҳи учун Навоийнинг ўзидан яна беш байт ва яна Ҳайдар Сабуҳий, Низомий Ганжавий, Фирдавсийдан мазмунга жуда мутаносиб мисоллар келтириб, маҳорат билан шарҳлайди. Олим "Қаро кўзум..." ғазалидаги образлар, бадиий усуллар географиясини кенгайтириб юборади. Уларнинг ижодий эволюциясига чизгилар пайдо бўлади. Ғазалнинг мақта байти мазмуни, И.Бекжонов талқинида бутунлай ўзгача ёритилган. И.Бекжонов талқинларидан Навоий асарларини чуқур тушуниш, тўғри таҳлил этиш учун фақат ўзбек мумтоз адабиётини, ҳатто, араб ва форс тилларини ҳам назарий жиҳатдан билиш етарли эмаслигини яна бир бор англаш мумкин. И.Бекжонов ТошДУ Шарқшунослик факультети Эрон-афғон бўлимини битиргач, кўп йиллар Эронда хизматда бўлган. Ўша даврда у мамлакатдаги миллий адабиёт, урф-удумлар, халқ турмуши, дунёқарашини яхши ўрганган бўлиши керакки, бу ғазал шарҳига жуда муҳим манба сифатида ёрдам берган. Зотан, Навоийнинг ўзи ҳам ўша манзил-маконларда кўз очиб, ўша диёр адабий муҳитидан умрбод озиқланиб ижод этган. Демак, форс-тожик адабиётини чуқур билмасдан Навоий асарларини қаноатланарли шарҳлаш, таҳлил, тадқиқ этиш имконсиз.

И.Бекжоновнинг "Навоийдан улгу олган Бедил" сарлавҳали мақоласи[1] ҳам "Қаро кўзум..." ғазали таҳлилига тааллуқлидир. Унда Навоий ғазали ва умуман, Навоий ижодининг Эрон адиби Мирзо Бедил асарларига таъсири муносиб мисоллар орқали ёритилган.

И.Бекжоновнинг "Бошоқ – камон ўқи" сарлавҳали мақоласи[2] ҳам "Қаро кўзум..." ғазали тадқиқига алоқадор. Унда олим ғазалнинг сўнгги мисрасидаги "бошоғлиғ ўқ" образининг маъно-моҳиятини ёритишга ҳаракат қилган. Афсуски, олим бу ишда байтнинг умумий мазмунидан келиб чиқмайди. "Бошоғлиғ" сўзини алоҳида ажратиб олиб, унинг маъноси камон ўқига тўғри келишини турли далиллар билан муваффақиятли исботлайди. Фикрини исботлашга Навоий ижодидан бошқа бир неча байтларда қўлланган "бошоқ" образининг

[1] И. Бекжонов. Навоийдан улгу олган Бедил. "ЎзАС", 2007, 6 июль.
[2] И. Бекжонов. Бошоқ – камон ўқи. "ЎзАС", 2012, 3 август.

маъноларини шарҳлаб сафарбар этади. Алоҳида олинганда, бошоқ – камон ўқи эканлиги исботини топади. Лекин бу исбот “Қаро кўзум...” ғазалининг сўнгги мисрасидаги “бошоғлиғ ўқ” – камон ўқи эканлигини асослай олмайди. Мана, “бошоғлиғ ўқ” ибораси ўрнига “камон ўқи”ни қўйиб, мушоҳада қилиб кўрайлик-а: “Анинг камон ўқин шамъи анжуман қилғил”. “Ниманинг камон ўқин?” деган савол туғилади. Бу саволга байтнинг ичидан “жоннинг” деган жавобдан бошқа жавоб топилмайди. Бинобарин, Навоий “анинг” деганда “жон”ни назарда тутган, бошқа бирор нарсани эмас. Байт матни ва мазмунига кўра, “Жон”нинг “бошоғлиғ ўқ”и эски ўзбек ёзувидаги “жон” сўзи ўртасидаги “алиф” ( ) гина бўла олиши мумкин. Назаримизда, шунда “бошоғлиғ ўқ” образи байтдан узиб олинмаган, байтда йўқ нарса тўқиб чиқарилмаган ва аслидагидай тўғри талқин этилган бўлади.

Умуман олганда, И.Бекжоновнинг “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи тарихида бир эмас, уч мақола билан иштирок этиши ғазал таҳлили баҳонасида кўп мубҳам маъноларни ойдинлаштириши муҳим илмий аҳамият касб этади. Шуниси ҳам аҳамиятлики, И.Бекжонов ғазал таҳлилига тасаввуфийлик нуқтаи назаридан ёндашмаган. Унинг талқинларидан ғазалда дунёвий муҳаббат тараннум этилганлиги англашилиб туради.

“ҚАРО КЎЗУМ...” – ЎЛИМ ФАЛСАФАСИМИ ЁКИ ҲАЁТСЕВАРЛИКМИ

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос олим Бойбўта Дўстқораевнинг “Алишер Навоийнинг “Қаро кўз”и ким бўлган?” сарлавҳали мақоласи[1] ғазал тадқиқи тарихида кутилмаган нуқтаи назардаги қараш маҳсули сифатида ажралиб туради. Мақола мазмунидан олимнинг мазкур ғазал Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсули эканлиги ва шоирнинг “Илк девон”идан ўрин олганлигини билиш-билмаслиги англашилмайди. Лекин у, ғазалдаги маҳзун кайфиятдан келиб чиқиб, асар шоирнинг ёлғизликда эзилган, энг изтиробли кунларида ёзилганлигини белгилайди.

Сарлавҳаданоқ маълумки, мақола мақсади ғазалдаги мурожаат объекти ким эканлигини равшанлаштиришга қаратилган. Муаллиф, ғазалнинг байтма-байт таҳлилига киришмасданоқ, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолади. Унингча, шоир ғазалда *“Азроилни манзура, маҳбуба тарзида ифода этади”. Аммо “Қаро кўзум...”да фақат Азроилни чорлаш акс этмаган”. “Қаро кўзум...” – маҳбуба, маъшуқа. Айни пайтда, у фаришта, малоика ҳам”.* Демак, Б.Дўстқораев *“буюк Навоийнинг назмида сермаънолилик мавжуд”* лигидан келиб чиқиб, ғазалнинг тасвир объектини икки қатламли деб ҳисоблайди: 1. Дунёвий гўзал – маҳбуба, маъшуқа. 2. Илоҳий хилқат – Азроил исмли фариштa, малоика.

Олимнинг 1-байт мазмуни ҳақидаги хулосаси анъанавий, машҳур шарҳлардаги билан деярли бир хил. Лекин, ажабланарли ери шундаки, Азроил – ўлим элчиси, даракчиси, ҳатто, ижрочиси. Буни Навоий ҳам яхши билган, Б. Дўстқораев ҳам аъло даражада англайди. Шуни била туриб, қандай асос, қайси мақсадга кўра шоир ўлим фариштасини чорлаши, кўз қорачиғига жойлашишини илтижо қилиши мумкин? Шарҳловчида бундай мантиқий мулоҳаза туғилмайди ва у илдам 2-байт таҳлилига ўтади.

Иккинчи байт мазмуни анъанавий шарҳлардагидек баён этилади. Мухлисни: “Нега олим ғазалдаги тасвир объектини айнан азроил деб белгилади? Бунга қандай асос бор?” каби

[1] Б. Дўстқораев. Алишер Навоийнинг “Қора кўзум”и ким бўлган? “Ҳуррият”, 2009, 22 июль.

саволлар ўйлантиради. Таҳлил муаллифи ҳам шу муаммо ҳақида ўйлайди ва ўз фикрини қуйидагича асослантиради: *“Даъват этилган манзурага “жон”дан ўрин ол, дейиш унга “жоним фидо бўлсин” дегани ҳамдир. Бу манзуранинг “жон олғувчи” эканига ишора бўлса керак. “Жон олғувчи” эса ўлим фариштасидир”.* Аён бўлдики, муаллиф келтирган мантиқий мушоҳадалар илмий асосга эга эмас, шунчаки *“бўлса керак”* деган бир тахмин экан. Муаллиф, кўриниб турганидек, *“жон олғувчи”* тушунчасини йўқ ердан йўниб чиқарди. Ҳолбуки, шоир манзурга *“жонимни ол”* дегани йўқ, *“қадинг ниҳолига жонимнинг гулшанини чаман қилгин”* деган. Бу, содда қилиб айтганда, *“қадду қоматинг билан менинг жонимга – бағримга ўрнашгин”* дегани-ку. Бунда ҳеч қандай бадбинлик, тушкунлик, ўлимсираш кайфияти йўқ. Аксинча, ҳаётсеварлик, оптимизм, висол иштиёқи кайфияти бор.

Таҳлил давомида муаллифда илмий профессионаллик етишмаслиги яққол сезилиб боради. Тахминий, тусмолий фикрлар қалаштириб ташланади. Буюк бир шоирнинг буюк бир асари ҳақида гап кетаётганлиги, асардаги нукталарга камоли эҳтиром ва эҳтиёт билан ёндашиш лозимлиги хаёлга келмайди чамаси.

“Иккинчи мисрадаги “жон”сўзи бадииятдаги ***иҳом*** *санъатини ёдга туширади. Бу санъат талабига кўра, бундан кейинги мисрада “жон” сўзи келиб, даъваткорнинг фикрини ойдинлаштириши керак. Дарвоқе, иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “кўнгил равзаси” ибораси ҳам* ***иҳом*** *санъатига мувофиқ тарзда киритилгандек... байтдаги “қон”, “жон”, “жаннат” сўзлари кейинги байтларда* ***иҳом*** *санъати талаби билан шарҳланиши керак”.* Ажабо, намунча иҳомга ўч, иҳомпараст бўлишмаса мутахассислар. Иҳом шу қадар содда санъатмидики, уни енгиллик билан мисрама-мисра ўйнатворилса? Ҳар қандай икки маъноли, кўп маъноли сўз қўллаш иҳом бўлаверадими? Дарвоқе, “жаннат” сўзи матнда йўқ-ку?

Хаёлот, фантазия бадиий адабиёт учун муҳим нарса. Бу нарса илмий-адабий таҳлил учун ҳам керак, албатта. Бироқ таҳлилни ялписига хаёлот асосига қуриб бўлмайди. Бадиий асар таҳлилида илмий-мантиқий мушоҳада биринчи ўринда туриши лозим.

Б.Дўстқораев хаёлан ғазалда назарда тутилмаган ***“ўлим фариштаси”*** образини келтириб чиқарди. Энди хаёлан шу образни ривожлантириб ***“жон қушини овловчи” “овчи”*** образини майдонга олиб чиқади. Ғазалда йўқ ***“овчи”*** образи юқорида кўриб ўтилган айрим таҳлилларда ҳам бор эди. Б.Дўстқораев ***“овчи”*** образини балки ўша таҳлиллардан олгандир, буни билмаймиз. Хуллас, бир думалаб овчига айланган ўлим фариштаси бундай талқин этилади: *“Демак, байтдаги “қон”, “жон”, “жаннат” сўзлари кейинги байтларда иҳом санъати талаби билан шарҳланиши керак.*

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Дафъатан бу ерда нега “таковар” билан “ит” сўзлари қўлланяпти, деган савол туғилади. Зотан, ғазалда истифода этилган ҳар бир атама унинг умумий моҳияти билан боғланган бўлиши шарт. Биз юқорида даъваткорнинг ўлим фариштасини чақириб, жонимни ол деб илтижо қилганини англаган эдик. Жон олиш Алишер Навоий ғазалларида “жон қуши”ни овлаш сифатида ифодаланган. (Ибн Синонинг “Тайр” (Қуш) асарида ҳам жон шу маънони англатади). Демак, ўлим фариштаси “жон қушини овловчи”, яъни овчи рамзида тасаввур этилади. Овчининг тимсоли эса шундай: чопқир, гижинглаган от устида, қўлида ўқ-ёй, отган қушларини олиб келувчи итлари ёнида. Сайёд қушларни овлар экан, ити ўқ еган қушларни тишлаб,

гижинглаган отнинг оёғи остига ташлайди. Отнинг туёқлари ярадор қушнинг қонига беланиб, ҳино боғлагандек қизаради. От туёқлари остида ҳаётдан кўз юмган жон қушининг илоҳий ишқ азобида ғамзада бўлган "жон ипи"ни суғуриб, итингнинг бўйнига арқон қилгин, дейди даъваткор". Талқинда овчи овлаган қушлар билан жон қуши қоришиб кетади. ***"Ҳино боғлаш"*** ҳам ажабтовур ғайритабиий тасвирланади. Овчи овлаган тирик қушлар овчи ити орқали овчи отининг туёқлари остига ташланади. От туёғида эзғиланиб, қонлари отнинг туёқларига ҳино бўлиб боғланган моддий қушлар бирданига руҳоний жон қушига айланади. Бундан ҳам ажойиброғи – *"От туёқлари остида ҳаётдан кўз юмган жон қушининг* (руҳий жон қуши жисмоний қушдек ҳаётдан кўз юмадими?) *илоҳий ишқ азобида* (ҳай-ҳай, илоҳий ишқ қаёқдан келиб қолди?) *ғамзада бўлган "жон ипи"ни* (мана сизга яна битта янги образ!) *суғуриб, итингнинг бўйнига арқон қилгин, дейди даъваткор".* Ушбу ғаройиб талқинда "калаванинг учи" йўқолиб қолмадими, ишқилиб? Бу хаёлий тасвирда ажал фариштаси ким-у, овчи ким-у, жон қуши ким-у, манзур ким-у, даъваткор ким? Буни "Ҳуррият" газетаси муҳаррири қандай тушунди-ю, газетхонлар қандай қабул қилдилар экан-а?

Тўртинчи байт талқини олдинги таҳлиллардаги фикрларни такрорласа-да, жуда ихчам ва тушунарли ифода этилган.

Бешинчи байт талқинида яна ошиққа нисбатан ўлимсеварлик руҳи мансуб этилади. ***Кўнгилнинг юз висолига етиши – ваҳдат*** дея тушунтирилади. Талқинчи назарида, *"ошиқ бу дунёдан фано бўлиш, яъни ўлим воситасидагина тавҳидлик мақомига етишиш мумкинлигини англайди".* ***"Соч"*** образи, ҳатто, ***"лаҳад"*** тушунчаси билан боғланади. Байт мазмунига шундай якун ясалади: *"Ҳар бир тола сочингдан "жон қуши"мни овлаш учун тузоқ ясагин".* Яна савол туғилади: Ошиқнинг ўзи ваҳдатга, илоҳий руҳга қовушишга талпинаётган бўлса, яна манзурни *"ҳар тола сочдан тузоқ ясаш"*дек машаққатли юмушга даъват этишга не ҳожат?

Муаллиф олтинчи байт мазмуни ҳақида фикр юритар экан, ***"ғазалнинг меҳвари бўлган фикр ҳам "ўлим фалсафаси"дир"***, дея эълон қилади. Тўғри, байтда ўлим фалсафаси ҳақида фикр бор. Лекин бутун бошли ғазалнинг меҳвари бўлган фикр (яъни ғоя) ўлим фалсафасидир дейиш, бизнингча, тўғри эмас.

Еттинчи байт таҳлилида айтилган мана бу гаплар яна одамни ўйга толдиради: *"**Энг тоза сув** эса манзура – гул юзли маҳбуба юзидан чиққан **тер**дир. Буюк Навоий маҳбубанинг гул юзидаги тер ҳақида сўз юритмоқда. У жисмонан фано бўлгач, мана шу **терга** – энг тоза сувга **ювилмоқ**ни истайди. Айни пайтда, гул юзлининг рухсоридан чиққан терга ювилиш, тимсолли айтганда, гулобга ювилишдир".*

Аввало, маҳбуба – инсоннинг юзидан чиққан терни ***"энг тоза сув"*** деб билиш қанчалик тўғри? Бу – табобат текширган, исботланган, тасдиқланган далилми? Ундан кейин, юздан чиқадиган тер шундай кўп ***миқдор***даги сувмики, у билан инсон ***жасад***и ювилса? Ер юзида бирор киши шундай ҳодисани кўрган ё эшитганми? Бу фақат ***хаёлда***ми ёки ҳаётда ҳам – ***таомилда*** бор ишми? Қандай қилиб жиддий равишда ***Навоий севиклисининг юзидан чиққан терга ювилишни истайди,*** дея ишонч билан айтиш мумкин? Бунга ишониш ёхуд кимнидир ишонтириш мумкинми? "Ҳуррият" газетасининг ***11261 ададда (!)*** чоп этилган, шу мақола босилиб чиққан сонини ўқиган газетхонлар ақл бармоқларини ҳайрат дандонлари билан тишлаб қолмадилармикин?

Талқиннинг давоми ҳам худди шундай ишонарсиз ва тушунарсиз. Якунловчи байт мазмуни ҳам ўлим ва ваҳдатга эришиш ғоясига бўйсундирилади. Таҳлилнинг хулосасида яна

бир бор ***Навоийнинг “Қаро кўз”и жон олғучи маъшуқа, ўлим фариштаси, ғазалнинг моҳияти эса ўлим фалсафаси*** эканлиги таъкидланади.

Биз бу хулосага қўшила олмаймиз. Эҳтимол, муаллиф Навоийни ушбу ғазални ёзаётганда кексайиб, ўлимга яқин ҳолатда тургандек тасаввур этгандир. Лекин биз бу ғазал Навоийнинг илк лирикаси маҳсули ва уни ёзган пайтида шоир навқирон йигит, руҳи ва вужуди ҳаётбахш туйғуларга тўла, бутун келажаги олдинда бир ҳолатда бўлганлигини инобатга олиб бундай тасаввурга берила олмаймиз. Нега аксарият талқинчиларимиз ғазал мазмунини бундай мусибатомуз мазмунга қўшиб қорадилар, деган савол бизни ўртайди. Ёки ғазалга басталанган куйнинг ўта ғамгинлиги бунга сабабмикин? Эҳтимол, ғазалга бу қадар мотамсаро куй басталанмаганида, шинавандалар уни бундай тушунмас ва талқин этмасмидилар?

ТАБИИЙ РУҲИЙ ЭҲТИЁЖ САМАРАСИ

Филология фанлари номзоди, доцент, фольклоршунос олим Омонулла Мадаевнинг “Ғазал завқи” сарлавҳали “Қаро кўзум...” ғазали шарҳига бағишлаб ёзилган мақоласи[1] биз учун кутилмаган янгилик бўлди. Чунки О.Мадаевнинг илмдаги тор соҳаси халқ оғзаки ижодиёти эди. Устоз ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг 1970-71-ўқув йилида бизга ҳам халқ оғзаки ижодиёти фанидан дарс берганлар. Ёшлари улғайган сари домла катта методист олим сифатида шаклландилар. Табиийки, дунёқарашлари, фаолият соҳалари ҳам кенгайиб борди. Айниқса, ҳаётларининг сўнгги йилларида О.Мадаев фольклоршунослик, адабиёт ўқитиш методикаси билан бирга, Навоийшунослик, тил, нутқ маданияти, нотиқлик санъати масалалари билан ҳам жиддий шуғулландилар, дарс бердилар, нутқ сўзладилар, мақолалар ёздилар, радио-телевидение орқали чиқишлар қилдилар. Кенг миқёсли миллий жонкуярга айландилар. Тошкент вилояти ўқитувчилари малакасини ошириш институтида бирга ишлаганимизда, дарс кузатишга кирганимда, “Қаро кўзум...” ғазали таҳлили тўғрисида гапирганларини ўзим кўрганман. Лекин ғазал таҳлилини махсус ёзиб эълон қилишларини кутмаган эдим. “Навоий суҳбатлари” номли китобларини олганимда, кўрдимки, ғазалнинг каттагина шарҳини беribдилар. Албатта, дарсларда оғзаки шарҳлайверганларидан кейин, бисотларида ғазал таҳлили мустақил бир мақоладай тугал ҳолга келиб қолган бўлса керак. Яна, табиийки, кексайган ижодкорларда бисотидаги нотугал асарларини тугаллаб, якунлаб, нашр этиб саранжом-саришта қилиб қўйиш кайфияти бўлади. О.Мадаев устоз ҳам мана шу руҳий эҳтиёж самараси сифатида “Қаро кўзум...” ғазали шарҳини яратиб, нашр этиб қолдирган бўлсалар керак.

Ўзидан олдинги шарҳларни кўрмаган, билмагандек беписанд иш тутган айрим ижодкорлардан фарқли ўлароқ, О.Мадаев мақола бошидаёқ: *“Аввало, фикр юритишга журъат қилиб танлаган ғазалимиз ҳақида деярли ҳамма олим-уламолар, устозлар мулоҳазаларидан баҳраманд бўлганимизни билдирмоқчимиз”* эътироф жумласини баён этадилар. Ана бу чинакам ҳалоллик, мардлик, тантилик, иқрор, олимлик маданияти намунасидир. Устоз нафақат “Қаро кўзум...” ғазали ҳақида махсус мақола ёзган олимлар, балки суҳбатларда оғзаки гапирган олимларнинг исми шарифларини ҳам зикр этадилар. Бу қадимдан келаётган илм-маърифат одоби. Мана бу зайлдаги ишдан илмий одобни ўргансак арзийди.

[1] О. Мадаев. Ғазал завқи. “Навоий суҳбатлари” китобида. “Ўзбекистон” нашриёти, Т., 2018, 134–143-бетлар.

Шарҳларнинг ҳар бири илм ва омма учун қадрли эканлиги шундаки, гарчи уларда деярли бир хил фикр такрорланса-да, барибир, қандайдир мустақил ёндашув, нимадир янги талқинни олиб кириш хусусияти бўлади. О.Мадаевнинг ғазал 1-байти ҳақидаги мана бу гаплари фикримизнинг далилидир: *“Халқимизда энг қадрли, қимматли, яқин одамни “қароқўзум” деб аташ одати бор. Кўпинча, ота-она ўз фарзандини “қаро кўзум” деб атайди. Икки биродар узоқ вақт кўришмаган бўлса-ю, бирдан улар кўришиб қолишса, “қора кўзлар” нечта бўлганини, яъни фарзандлар сонини сўраб-суриштиришади. Шунингдек, ошиқ маъшуқасига ҳам “қора кўзим” деб мурожаат қилиши мумкин”.*Ушбу жумлаларда халқ мулоқот маданиятини мукаммал ўрганган фольклоршунос нуқтаи назари яққол сезилиб турибди. Дарҳақиқат, нега энди Навоийнинг мурожаатида шу маънолар бўлмаслиги керак?

О.Мадаевнинг кучли методист олим бўлганлиги, адабиёт, адабий асарни ўқитиш усулларини яхши билганлиги унинг талқинларида яққол намоён бўлган. Байтлар мазмунининг баёни машҳур таҳлиллардагидан моҳиятан деярли фарқ қилмайди. Лекин ифода жуда содда ва тушунарли. Китобийликдан мутлақо холи. Мактаб дарсликларига мана шундай услубда битилган таҳлилларни киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса, энг мураккаб байтлардан бири – учинчи байтнинг шарҳи шу қадар содда, майин қайта баён этилганки, уни ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, оддий китобхон ҳам осонгина идрок эта олади. Байтдаги отнинг туёғига ҳино боғламоқ, жон ипини маъшуқа итига боғламоқ тушунчалари ифодасида бошқа талқинлардаги бутун мураккабликлардан сақланилган.

Тўртинчи байт мазмуни ҳам мана шундай равшанбаёнлик билан мукаммал қайта яратилган. Фақат бу олим ҳам ***“тоғ қазувчи”*** тушунчасини ***“тоғ кесувчи”*** деб нотўғри баён этган. Олтинчи байт мазмунининг моҳияти ҳам жуда батафсил ва ҳаётий тарзда шарҳланган. Ушбу байт шарҳининг яна бир қимматли хусусияти шундаки, олим ушбу байтнинг “бегона байт” сифатида тасниф этилишини нотўғри деб топади. Ҳозиргача биргина шу олим мазкур масалага эътибор қаратди ва биз билан ҳамфикр, якдил эканлиги маълум бўлди. Мана унинг қимматли хулосаси: *“Маълум бўладики, айрим мутахассислар қайд қилганидек, ғазал мақтаси бир, икки, баъзан уч байт олдин келган мисралардаги фалсафий, ҳаётий фикрларни ҳамиша ҳам бегона байт атамаси билан белгилаш тўғри бўлавермас экан”.*

О.Мадаев таҳлилининг, айниқса, еттинчи байт ҳақидаги қисми диққатга сазовор. Олим байт талқини тўғрисидаги турли мутахассисларнинг қарашларини камоли ҳурмат, адолат ва холислик билан баҳолайди: *“Шеърият мухлисларининг энг кўп тортишувларига сабаб бўладиган бу байтда ҳам шоирнинг ўз аҳдига садоқати, ҳам ўз қадр-қимматига адолати акс этган. Байтдаги “тер” сўзини баъзан шабнам, баъзан кўз ёши маъноларини ифодалаши ҳақида ҳам мулоҳазалар бўлган. Қизиғи шундаки, ҳар бир шарҳловчи ўз тасаввуридаги ифодани исботлашга уринган, исботлаган ва суҳбатга ажойиб файз ато этган”.* Шундан сўнг мавжуд таҳлиллар асосида байт мазмунига оид тўрт турдаги шарҳни ўз талқинида баён этадики, мазкур байт бошқа барча байтлардан кўра мукаммал, батафсил шарҳланишига муваффақ бўлади.

Саккизинчи – мақта байт мазмуни ҳам содда ва қаноатланарли баён этилган. Фақат, негадир, О.Мадаев ҳам айрим бошқа шарҳлардаги ғазалда мавжуд бўлмаган “киприк” образини таҳлилда қайта баён этади: *“... бутан вужудинг билан орзу-ҳавас йиғинини тузмоқчи бўлсанг, қора кўзнинг киприги – бошоғлиғ ўқи – ана шу анжуман шамъи бўлиб ёруғлик берсин, демоқчи”.*

Умуман, О.Мадаев таҳлилини ўзигача бўлган ғазал шарҳларининг синтези дейиш мумкин.

ТАҲЛИЛНИ ТАҲЛИЛ

Баъзан таҳлиллар устида олиб бориладиган тадқиқот таҳлилни таҳлил этиш тусини олади. Китобни ўқиш давомида бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Хусусан, “Қаро кўзум...” ғазалининг ашаддий мухлиси ва таҳлилчиларидан бири Оқилжон Мавлонов мақолалари тўғрисидаги тадқиқот шундай руҳга эга. Кутилмаганда, унинг таҳлиллари устида мунозара келиб чиқди. Биз ушбу мунозара материалларини “Қаро кўзум...” ғазали номли китобимиз[1]нинг тўртинчи бобида “Мунозара этади давом” сарлавҳаси билан алоҳида жойлаштирдик. Аслида, ўша бобдаги тадқиқий мушоҳадалар билан кифояланса ҳам бўларди. Бироқ мунозарада айтилмаган айрим мулоҳазалар ҳам борки, уларни шу ўринда баён этиш лозим топилди.

Бир она тили ва адабиёт ўқитувчисининг Навоий ғазалиёти тадқиқига бу қадар астойдил киришиши ва ўттиз йиллаб бир ғазал тадқиқини диққат марказида тутиши таҳсинга сазовор. Бундай муаллимлар камдан-кам топилади. Биз унинг “Қаро кўзум...” ғазали таҳлили юзасидан олиб борган изланишларининг якунланиши ва тўлиқ юзага чиқиши тарафдоримиз. Бироқ у йўналишни бир оз ўзгартириши, янгилаши керак, назаримизда. Негаки, ўтган асрнинг 90-йилларида ғазал таҳлилларини ёппасига тасаввуфийлаштиришга умум адабиётшунослик йўналишида ружу қилиндики, О.Мавлонов таҳлилларига ушбу хусусиятнинг нуқси урган. Ўзимиз ҳам ўша йиллардаги уринишларимизда бу нуқсондан қуруқ қолмаганмиз. Ўша йиллари тасаввуфга берилиш “мода” бўлиб кетди. Бадиий асарларни ҳуда-беҳудага тасаввуфийлаштиришга ружу қўйиш авж олди ва бу қатор салбий оқибатларга олиб келди. Лекин замон ўтиб, ҳозир қарашлар хийла ўзгарди, тозалана бошлади. Олимлар адашиб-улоқиб қаёққа кетиб қолаётганларини билиб қолдилар. Албатта, ҳаммалари эмас. Ҳамон адашиб юрганлар бор.О.Мавлонов менга ёзган мактубида кўрсатишича, олимларимиздан бири мақоласини пойтахтга олиб келган бу муаллимга “Алишер Навоий лирикасини мактабда тасаввуфий талқин билан ўқитиш” мавзусида илмий иш қилишни тавсия этган. Аслида, мана шу тавсиянинг ўзи нотўғри бўлган. Ушбу тавсияни берган олимнинг ўзи 8-синф “Адабиёт” дарсликларида Навоий ғазалларини тасаввуфий талқинлар билан ўқитишга хўб уриниб кўрди ва кўп хатою чалкашликларга йўл қўйди. Унинг талқинлари қатор мақолаларда танқидий таҳлил этилди. Охир-оқибатда, бу йўналиши инқирозга учради. Дарсликнинг 4-нашрида Навоий ғазаллари таҳлилидан бутунлай воз кечди. 8-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасида Навоийнинг бирорта ғазали таҳлили йўқ. Бу ҳам – нотўғри йўл. Чунки бу ўринда ғазал айбдор эмас эди. Уни тўғри таҳлил этиш лозим эди, холос.

Мақоласида О.Мавлонов устоз Нажмиддин Комилов унинг бир мақоласини ўз қўллари билан “Тил ва адабиёт таълими” журналига олиб бориб берганларини ёзибди ва мени у кишига қарши қўйишга ҳаракат қилибди. У бизнинг орамиздаги дўстона муносабатлардан бехабар бўлган, албатта. Ахир, раҳматли Н.Комилов менинг устозим, яқин дўстим, маслакдошим, маслаҳатгўйим, илмий курашлардаги паноҳим эдилар-ку! Нажмиддин аканинг вафотлари жамият, айниқса, мен фақир учун катта йўқотиш бўлди. Мен домла ўлим тўшагида ётганларида ҳам умр йўлдошим билан бирга кўргани борганимда, ётоқларига чорлаганлар, ётган жойларида узундан-узоқ дуо қилиб қолганлар. Жанозаларида қон йиғладим.

---

[1] Н. Жумахўжа. “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи. “Муҳаррир” нашриёти, Т., 2021, 307-бет.

Устоз Н.Комиловнинг О.Мавлонов мақоласига берган тавсияларига келсак, домла жуда бағрикенг одам эдилар. Айниқса, тасаввуф эндигина оммалашаётган бир пайтда, азбаройи бағрикенглик ва ҳожатбарорлик юзасидан тавсия берган бўлсалар керак. Ўша даврда, сифат ва савиясидан қатъи назар, тасаввуф тўғрисида ёзилган ҳар қандай мақола фойдадан холи эмас деган қараш бор эди. Ҳозир эса вазият бошқача.

О.Мавлонов бир ўқувчиси орқали менга йўллаган мақоласи жавобсиз қолганидан куюниб ёзади. Мен бирор ўқувчи менга О.Мавлонов мақоласини олиб келганини эслай олмайман. Эҳтимол, унинг мақоласи менга етиб келмай, бирор ора йўлда қолиб кетгандир. Ҳар қалай. Биров орқали юборилган нарса кўзланган манзилга етиб борганига бу қадар ишонч билдириш ва гина-кудуратлар ёғдириш ҳам тўғри бўлмаса керак.

Биз О.Мавлоновнинг “Қаро кўзум...” ғазали тўғрисидаги иккинчи мақоласи таҳлилига тутинмадик. Уни кутубхонадан қидириб топиб, тўлиғича китобхонлар эътиборига ҳавола этдик. Ўзлари ўқиб, мулоҳаза қилишар, хулоса чиқаришар. Зеро, у ҳам дунёвийликдан буткул узилган, тасаввуфийлаштириш ғояси билан суғорилган бир талқиндир. Умуман олганда, О.Мавлонов таҳлиллари ҳам “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи тарихида ўзига хос ўрин тутувчи асарлар ва уларни ўрганиш Навоийшунослик илми учун фойдадан холи эмас.

ҒАЗАЛНИНГ АДАБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ТАҲЛИЛЛАРИ ТАДҚИҚИ

“Қаро кўзум...” ғазали 8-синф “Ўзбек адабиёти” дарслик-мажмуасида биринчи марта адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмонов томонидан табдил қилинган[1]. Уни насрий баён ҳам, табдил ҳам дейиш мумкин. Табдилда содда баён услуби қўлланган. Албатта, ёш ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун шундай йўл тутилган. “Қаро кўзум...”дек мураккаб ғазални бу қадар содда қилиб шарҳлаш жуда қийин, албатта. Лекин муаллиф буни имкони даражасида уддалаган. Мазкур шарҳ ҳам бир қатор ютуқ ва камчиликларга эга. Масалан биринчи байт мазмуни шарҳнинг биринчи жумласида тўғри баён этилган. Лекин шу жумладан сўнг ёзилган: “Кўзим тириклигида одамлардай уй-ватан эгаси бўл”, деган мазмун ғазал матласида йўқ. Лирик асардан бу ўринда кутилмаган ижтимоий мазмун чиқарилган. Мақта байт талқинига, бошқа айрим шарҳлардагидек, ғазал матнида йўқ “киприк” образи олиб кирилган.

Табдил содда, равон жумлалардан таркиб топган. Бироқ уларда ғазалнинг мазмуни, моҳияти, образлари, бадиий санъат хусусиятлари очилмаган. Оқибатда, у умумий, юзаки, жўн бир насрий баён тусини олган. Умуман, бундай мураккаб ғазал шарҳининг 8-синф дарслик-мажмуасига олиб кирилишининг ўзи ўринсиз иш бўлган. Чунки худди шу биринчи авлод “Ўзбек адабиёти” дарсликлари сирасидаги 10-синф дарслигида “Қаро кўзум...” ғазали таҳлили режалаштирилган эди. На чора, ушбу ғазал табдили ҳам “Қаро кўзум...” ғазали тадқиқи тарихида ўзига хос бир тажриба бўлиб қолди.

Ғазал таҳлили жуда нозик соҳа. Навоийшунослигимиз бисотида “Қаро кўзум...” ғазалининг шоир ва олимларимиз томонидан яратилган ўнлаб таҳлиллари мавжуд. Лекин ҳамма ғазаллар ҳам “Қаро кўзум...”дек ҳар томонлама ёндашув ва турли-туман талқинларга

[1] А. Каттабеков, В. Раҳмонов. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Тўлдирилган ва тузатилган 3-нашри. “Ўқитувчи”, Т., 1997. 38–39-бетлар.

асос беравермайди. Шунинг учун дарсликдаги “Жонға чун дермен...” ғазали таҳлили, янгича таҳлил яратиш мушкуллигидан, бизнинг 10-синф дарслигимиздан, “Ёрдин айру кўнгул...” ғазали таҳлили Н.Маллаев қўлланмасидан ўзлаштирилганлиги кўриниб турибди. “Қаро кўзум...” ғазали таҳлили 45 йил мобайнида изчил давом этган. Атоқли шарқшунос олим Исматулла Абдуллаев ғазалга 1975 йилда ёзган 1-шарҳида “ғамзада” сўзини “ғамза – ноз-карашма” маъносида талқин этган. Мазкур сатрлар муаллифининг 1987 йил, 27 февралда “Ўз АС”да чоп этилган “Ғазал ва таҳлил” мақоласида унинг шарҳи танқид қилинганидан кейин шу мақолага ёзган раддиясида: *“бизнинг таҳлилимизда “ғамзада – ғам чеккан, жабрланган” сўзи нотўғри талқин қилинган, бунинг учун газетхонлардан узр сўраймиз”,* дея айбини мардларча тан олган. (Аммо дарслик муаллифида тан олиш, эътироф этиш, узр сўраш йўқ). Орадан оз эмас – кўп эмас, нақд 20 йил ўтганидан кейин, 2006, 2010 йилларда чоп этилган ва 8 йил давомида амалда бўлиб, Республика умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқувчиларига мажбурий таълим жараёнида ўқитилган 8-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасида С.Олимов мазкур хатони яна такрорлаган. Яъни, дарслик-мажмуада “Қаро кўзум...” ғазали шарҳини баён этиш жараёнида: *“Ошиқ... итига ғамза пайти (!) жон риштасидан ип қилишни айтади”*[1], деб ёзган. И.Абдуллаев-ку форс тилини билмас, араб тили бўйича мутахассис эди. Наҳотки, амалда ўзи ўзбек-форс тиллари бўйича зуллисонайн бўлган С.Олимов ***“ғамзада”*** сўзининг маъносини билмаган? Наҳотки, Навоийшунос олим ғазал таҳлилининг тарихий такомилини кузатмаган ва тузатилган хатони кўрмаган? Ахир, бир ғазалга шарҳ ёзаётган олим ўзидан олдинги шориҳларнинг тажрибаларини кўриши керак эмасми? Бу савдога ҳайрон қоласан, киши. Бизнинг Республика Таълим маарказига ва матбуотга расмий-танқидий мурожаатимиздан кейингина С.Олимов ушбу хатони дарслик-мажмуанинг 3-нашрида тузатди, лекин “Қаро кўзум...” талқинида яна талай камчиликлар тузатилмай қолди. Уларнинг энг асосийси тасаввуфий талқиннинг ўта мураккаблиги. Алибек Рустамовнинг “Адиблар одобидан адаблар” (“Маънавият”, Т., 2003), Муҳаммаджон Маҳмуднинг (А.Рустамов тақризчи, С.Олимов сўзбоши ёзган) “Яна Навоийни ўқиб” (“Ғ.Ғулом” нашриёти, Т., 2011) китобларидаги сингари С.Олимов ҳам “Қаро кўзум...” ғазали бағишланган шахсни эркак киши жинсидан деб билади ва дарслик-мажмуада уни “комил инсон” атамаси билан ифодалайди. Навоий ғазалларида тасвирланган образларни “комил инсон”, “пири муршид” дер экан, бунда эркак кишини назарда тутади. А.Рустамов талқинида “маънавий ишқ” тушунчаси “дўстлик” тушунчаси билан чалкаштириб юборилган, С.Олимов эса ўша чалкаш ғояни давом эттирмоқда.

Дарсликда адабиёт назарияси нуқтаи назаридан ҳам нотўғри фикрлар илгари суриб келинмоқда. С. Олимов ғазалшунослик назариясида йўқ “бегона байт” тушунчаси ва терминини сунъий равишда дарсликнинг 1- ва 2- нашрларига олиб кирган. Унингча, ғазалда мақтадан олдин келадиган лирик чекиниш тарзидаги фалсафий байтлар, хусусан, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг “Толиби содиқ топилмас” деб бошланадиган байти “бегона байт” эмиш. Аввало, шуни англаш керакки, нафис адабиётнинг энг фаол ва энг нафис лирик жанри бўлмиш ғазалга нисбатан “бегона байт” тушунчасини қўллаш нафосатдан эмас. Нафис санъатга нафосат билан ёндашган маъқул. “Бегона байт” эса қўпол ва дағал атама.

[1] Султонмурод Олим, Суннат Аҳмедов, Раҳмон Қўчқоров. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2006, 124-бет. Иккинчи нашри “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда. Т., 2010, 90-бет.

Мумтоз шеъриятимизда “бегона байт” деган тушунча мавжуд”, деган маълумот асоссиз. Шу дарсликкача бирор илмий манбада бундай тушунча қўлланмаган.

Дарслик янги нашрининг назарий маълумот қисмида “бегона байт” тимсолида гўёки “Америка кашф этилган”. Гўёки ғазалдаги учта байтнинг алоҳида номи бор эмиш. Булар матла, мақта ва бегона байт эмиш. Ҳали илмий муҳокамага олиб чиқилмаган, эътироф этилмаган тушунчани умумэътироф этилган минг йиллик “матла” ва “мақта” терминлари қаторига қўйиш илмий этикага ҳам тўғри келмайди. Терминология илмида расмийлашганлик тушунчаси бор. Муайян атама соҳа олимлари томонидан тан олиниб, маъқулланса ва у умумэътироф этилиб, илмий жараёнда ҳамма мутахассислар томонидан фаол қўлланса, ўшандагина у махсус соҳага расмийлашган ҳисобланади ҳамда термин мақомини олади. Терминнинг атамадан асосий фарқи ва ўзига хос хусусияти ҳам мана шунда. Расмийлашмаган атама дарсликка олиб кирилмайди. Бу – қоида.

Мана, гўёки илмий асослашдек тасаввур уйғотишга уринилган ва дарслик услуби учун хос бўлмаган яна бир тушунтириш: *“Ғазалчилигимиз, хусусан, Навоий ғазалларидаги бу типик хусусиятни кўплаб навоийшунослар кузатган, таҳлил этган. А. Ҳайитметов буни умумий қилиб “лирик чекиниш”, Ё. Исҳоқов “бегона ёки қистирма байтлар”, Н.Комилов эса “гардиш”, “бозгашт” (“қайтиш”) деб номлайди. Аслида, Навоий ғазалларида асар мазмуни билан боғланмаган байт бўлмайди. “Бегоналик” – нисбий тушунча. У “лирик чекиниш” маъносини муайянлаштирган ҳолда ифодалаб келган. “Чекиниш” билан “бегоналик” – бир-бирига жуда яқин тушунчалар ҳисобланади”* (140-бет). Дарсликнинг аввалги икки нашрига билдирилган эътирозларимизга жавобан берилган “исбот” бу. Аввало, дарслик илмий исботнинг ўрни эмас. Дарсликка фақатгина исботланган ва тасдиқланган, умумэътироф этилган фикрлар киради. Қолаверса, иқтибосда асарларига ҳавола қилинган бирорта Навоийшунос “бегона байт” атамасини қўлламаган. Муаллиф С.Олимов Ё. Исҳоқовдан кўчирма келтира туриб, “Навоий поэтикаси” китобида йўқ “байтлар” сўзини қўштирноқ ичига киритиб, китобхонни очиқ-ойдин алдайди. Гўёки, Ё.Исҳоқов “бегона байт” атамасини қўллагандай кўрсатади. Мана, Ё.Исҳоқовнинг саҳиҳ жумласи: *“Тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг “бегона” ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради”*[1]. Қани бу гапда “бегона байт” термини? Ё.Исҳоқовнинг “бегона” сўзини қўштирноққа олгани ва “яққол сезилиб туради” дегани мақтадан олдинги байтнинг “бегона байт” деб аталишини билдирмайди. У профессор А.Ҳайитметовнинг “лирик чекиниш” атамасини қўллаб турибди. Қуйироқда бундай байтни у эпиграммага ҳам ўхшайди дейди. Бундан ташқари, Ё.Исҳоқовнинг китоби илмий монография. Илмий китобда баҳли масалаларни бемалол муҳокама қилавериш мумкин, лекин дарсликда мумкин эмас. Чунки ўқувчи олим ҳам эмас ва мактабда адабиётшунос ҳам тайёрланмайди. Қолаверса,“Бегона байт” ҳам – лирик чекинишнинг айнан ўзи экан, “бегона”лик – нисбий тушунча экан, ясама “бегона байт” тушунчаси ва атамасини умумтаълим мактаблари дарсликларига олиб киришга нима зарурият бор?

[1] Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. “Фан”, Тошкент, 1983, 62-бет.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ҲИКМАТИ

Қиёсий-тарихий таҳлил усули илмий тадқиқотнинг объектив ҳақиқатни кашф этиш йўлларидан биридир. Қиёсий-тарихий таҳлил усули талабига кўра, адабиёт ва санъатнинг бугунги ҳодисалари, ютуқлари ўрганилар экан, улар тарих билан чуқур муқояса қилиниб, текширилиб, кейин хулоса чиқарилиши керак. Чунки адабиёт ва санъат ҳодисалари, адабий жанрлар, мўайян турдаги анъанавий асарлар узоқ тарихий тараққиёт асосида вужудга келган бўлади. Масалан, ғазал жанрини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш учун XX асрда яратилган ғазалларни ёки XV асрдан буёнги ғазалларни ўрганиш кифоя эмас. Бу аҳволда ғазал жанри тадрижий такомилининг катта бир босқичи назардан четда қолиб кетади. Ҳолбуки, жанрнинг жуда кўп ўзак хусусиятлари ўша илк босқичларда шаклланган. Демак, қиёсий-тарихий таҳлил бугуннинг ўтмиш билан туташ нуқталарини кашф этиш, ҳақиқатни тарих тажрибалари орқали аниқлаш, муайян объектни унинг узоқ ижодий такомили заминида тадқиқ этиш йўлидир.

Чинакам илм, умуман, ўзбек адабиёти дурдоналарини ва, хусусан, ҳар бир адиб ижодини изчил қиёсий-тарихий йўналишда тадқиқ этишни тақозо этади. Навоий асарларини унгача яратилган бадиият намуналари ва, айни пайтда, улуғ шоир ижодиётининг илк босқичидаги нусхалар билан таққослаш яхши натижалар бериши шубҳасиз. Навоийнинг ўз асарларини унинг “Илк девон”идаги нусхалари билан қиёслаб ўрганиш қанчалик зарур бўлса, Навоийдан кейин яшаган ижодкорлар меросини Навоийнинг илк ижоди билан қиёсий-тарихий йўлда тадқиқ этиш ҳам шунчалик тўғри ва қонунийдир. Қиёсий-тарихий таҳлилсиз Навоий издошлари ижодининг ҳаққоний, холис, етук баҳосини бериш жуда қийин. Чунончи, бунинг ёрқин далили сифатида улуғ исёнкор шоир Аваз Ўтар ўғлининг машҳур: “Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ, Зулм тиғи бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ” бошланмали ғазалига берилган баҳоларни мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ушбу ғазал баъзи тадқиқотларда бошдан-оёқ – юз фоиз Авазнинг улкан кашфиёти янглиғ васф этилди. Лекин чуқур қиёсий таҳлил этилмади. Ваҳоланки, синчиклаб мутолаа қилинса, Навоийнинг “Илк девон”и 93-б саҳифасида “Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл, Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл” матлали ғазал бор ва ушбу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонида ҳам 391-рақам билан таҳрирсиз келадики, бундай далил чуқур қиёсий таҳлилга сазовордир. Аваз ғазалини Навоий ғазали таъсирисиз, умуман, тасаввур қилиб бўлмайди. Тугал тасаввур ҳосил бўлиши учун иккала ғазал матнини тўлиқ кўз олдимизга келтирайлик.

Навоий ғазали:

Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл,
Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл.
Ишқ селоби жафоси бирла ҳижрон тиғидин
Хотири вайрон жамоат, кўнгли юз минг пора эл.
Чиқсанг уйдин, телба бўлмоқ, олам аҳли, не ажаб
Кўрмамиш ҳаргиз чу сендек бир парирухсора эл.
Англаким, овора бўлғонлардур ул ой ишқидин

Ҳажр саҳросида кўрсанг тоғу водий ора эл.
Ўртаб, эй ҳижрон, мени дудумни қил кўйида миғ,
То ул ой ҳусниға айлай олмағай наззора эл.
Чун қазо тағйир топмас коми озлиғдин гила
Маҳз ноҳамворлиғдур айламак ҳамвора эл.
Эй Навоий, фитна ёғдурса ул ой ишқ аҳлиға,
Осмондин ҳарнеким келса, не қилғай чора эл?!

Аваз ғазали:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ.
Бир неча авбош бунда ҳукмронлиғ айласа,
Қолмағай оре не янглиғ меҳнату озора халқ?
Не аларда бордурур илму адолатдин асар,
Не ажабким, топмаса доғи[1] дилиға чора халқ.
Етган офатни бошиға доимо тақдир деб,
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора халқ.
Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,
Бўлди қурбон бу сабабдин доимо ағёра халқ.
Халқи оламни бари айлар тараққий кун-бакун,
Биз таназзул айлабон қолдик, эдик не кора халқ!
Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора халқ.

Авазшуносликдаги энг кейинги йирик тадқиқот – “Аваз ва унинг адабий муҳити” китобида ушбу ғазал таҳлилига алоҳида ўрин ажратилган[2]. Китобнинг “Аваз Ўтар ўғли” бобида муаллиф В. Мўминова Аваз ва Навоий ғазаллари ҳақида: “Навоийга ижодий эргашган Аваз бу ғазалга янги тарихий шароит руҳини олиб киради, унда реалистик манзаралар чизади. Навоий ғазалидаги “чорасизликда қолган эл”га ачиниш ҳисси Аваз талқинида халқ тақдирини ўйлаш, озодликка даъват сингари ижтимоий-сиёсий туйғулар шаклини олади”, тарзидаги умумий хулосалар билан чекланади. И. Ҳаққулов қаламига мансуб “Авазнинг шеърий маҳорати ҳақида” сарлавҳали бобда эса кўтаринки умумлашма фикрни ўқиймиз: *“Бадиий ижодда баъзан шундай шеърлар дунёга келадики, улар алоҳида шоирларнигина эмас, давр ва замон шеъриятининг ҳал қилувчи нафасини белгилашга хизмат қилади. Бундай шеърлар поэзиянинг кураш характери, ижтимоий ҳароратини намойиш этади, адабиётда ўлмас тарихий сўз бўлиб қолади. Бундай шеърлар ўқилганда, “Шоир ким ва маҳоратининг кучи нимада?”–деган саволга киши жавоб топгандай бўлади”.* Шубҳа йўқ! Аваз ғазали ҳар қандай юксак баҳони кўтара олади. У, айниқса, ҳозирги миллий ўз-ўзини таниш, инқироз тарихини тафтиш ва ошкор этиш, мустақиллик, эрк учун курашиш фаслида жуда-жуда қадрли асар. Лекин мазкур “ўлмас тарихий сўз” бунёдга келишида туртки, асос бўлган бадиий тажриба ва жараёнлар изчил қиёсий таҳлилга тортилганида, “шоир ким ва маҳоратининг кучи нимада”лиги камтарин ҳамда ҳаққонийроқ очилган бўларди.

[1] Бу сўз баъзи манбаларда “доди” ёзилган.
[2] Н.Қобулов, В.Мўминова,И.Ҳаққулов: Аваз ва унинг адабий муҳити. Тошкент, “Фан”, 1987 йил, 150-151, 169-172-бетлар.

Навоий ва Аваз ғазалларининг муштарак ва тафовутли томонларини муқояса этганимизда аён бўладики, Аваз ғазали, шаклий-бадиий хусусиятларига кўра$_т$ тўлиғича Навоий асари асосида бунёдга келган. Ҳар иккала ғазал ҳам бир хил – рамали мусаммани мақсур вазнида битилган. Оҳанг тасвирлари: фоилотўн фоилотўн фоилон. Иккала ғазал ҳам мураддаф. Радифлар маънодош сўзлардан таркиб топган. Навоийда радиф "эл", Аваз эса "халқ" радифини қўллаган. Навоий кенг маънодаги "ишқ эли"ни назарда тутган, Аваз "ожизу бечора халқ" номидан гапирган. Иккала ғазал бир навъ қофия таркибига эга. Навоий ғазалида қофия унсурлари "бечора", "овора", "пора", "рухсора", "ора", "наззора", "ҳамвора", "чора" сўзлари бўлса, Аваз ғазалида "бечора", "пора", "озора", "чора", "бора", "ағёра", "қора", "овора" калималаридир. Аваз Навоий қофияга олган саккиз сўзнинг тўрттасини айнан сақлаган. Иккала ғазал ҳам якпора композицион таркибга эга. Ғазаллар ҳажм эътибори билан ҳам бирдай – етти байтдан ташкил топган.

Бадиий ифода, сўз таркиби жиҳатидан ҳам ғазаллар бир-бирига ўхшайди. Ҳар иккала шеър бир хил – "йўқ" сўзи билан бошланган ва бу устоду шогирднинг муштарак дардини ифодалаган. Ижодий ҳамзабонлик, сўз соҳибқирони аслаҳахонасидан издошларча баҳрамандлик намуналарини яна бошқа ифодаларда кўриш мумкин. Масалан,

Навоийда:	*Авазда:*
оламда ҳижрон тиғи	*жаҳон мулкида зулм тиғи*
кўнгли юз минг пора	*бағри юз минг пора*
ҳарнеким келса, неқилғай чора эл?	*топмаса доғи дилиға чора халқ*

Қизиғи шундаки, "Авазнинг шеърий маҳорати ҳақида" ёзилар экан, Аваз ғазалининг айнан сўз ва иборалар таркиби муфассал таҳлилга тортилган. Аммо бу борада Навоий таъсири буткул четлаб ўтилган. Жумладан, "Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ" мисрасидаги бир сўз ҳақида ўқиймиз. *"Энди мисрадаги "биздек" сўзига зътибор қилинг. Унда умумнинг ҳас ратини ифодалаётган шоир шахсияти ҳам бор. Шу сўз – мисрадаги кучли оғриқ берадиган сўз".* Аслида, бу сўз Навоийнинг "Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл" мисрасидаги "аҳли ишқ" ибораси ўрнида қўлланган. Шунинг учун юқоридаги фикр Авазнинг ўзига хослигини кўрсатиб бера олмайди. Навоийга нисбатан ҳам шу фикрни қўллаш мумкин. Чунки Навоийдаги "аҳли ишқ"да ҳам "умумнинг ҳасратини ифодалаётган шоир шахсияти" бор. Чамаси, тадқиқотчи Навоий шеъридан бехабар бўлган.

Мазкур тадқиқотда бадиий тимсол ва ифодалар ўхшашлиги Навоийдан эмас, Машрабдан топилган: *"Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум", деган эди Бобораҳим Машраб. Аваз яшаган замонлардаги мазлумлар, жумладан, Хоразм ҳукмронларига қарашли меҳнаткашлар ҳам Машрабни титратган "тани дарду аламдан ёра", "дили тиғи ситамдан пора бўлган халқ"нинг аждодлари, дард, алам, азоб, ҳақорат меросхўрлари эди. Шу боис балки қуйидаги мисра ўша машрабона оҳангда янграйди: "Зулм тиғи бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ". "Зулм тиғи"– истиоравий поэтик образ. У Машрабнинг "тиғи ситам"ига ўхшаш. Машраб тасвиридаги "тиғ"дан халқ дили – пора. Азаз ингаган "зулм тиғи"дан эса халқ бағри "юз минг пора".* Демоқчимизки, образ фожиа руҳини беришда ўрнини топган". Бундай талқинга эътироз билдириш қийин. Тўғри, Аваз ўз ғазалини ёзишда Машрабдан ҳам таъсирланган бўлиши мумкин. Аваз ғазалида машрабона исёнкор руҳ ва оҳанг ҳам балқиб туради. Лекин матнга муайян ёндашадиган бўлсак, поэтик образларнинг бирламчи манбаи

Навоий ғазалидадир. Истиоравий поэтик образ –“зулм тиғи” ялписига Авазнинг кашфиёти эмас. Навоий ғазалининг иккинчи мисрасида “ҳажр зулми”, учинчи мисрасида эса “ҳижрон тиғи” сингари истиоравий поэтик образлар бор. “Зулм тиғи” образи ана шуларнинг биридан “зулм”, иккинчисидан “тиғ” сўзини олиб, уларни бириктириш натижасида ҳосил бўлган. Албатта, шоир жарроҳ эмас. У биз тасаввур қилганимиздек жарроҳлик қилмаган бўлса керак. Бу жараён шоир шуурида чақмоқ чаққандек бир лаҳзадаёқ кечган бўлса, ажабмас. “Юз минг пора” ифодаси ҳам Навоий ғазалидан кўчган.

Булар – улуғ Навоий маҳорат мактабидан таъсирланиш, ўрганиш, озиқланиш маҳсуллари. Демак, адабий таъсир ва бадиий маҳорат масалалари ниҳоятда аниқ, чуқур қиёсий таҳлилни талаб этаркан. Лекин бу маълумотлар Аваз Навоий ғазалини такрорлаганлиги ёки асарлар айнан бирхиллигини билдирмайди. Аваз ғазалида ўзига хос янгилик, ижодий мустақилликни кўрсатувчи бош омиллар бор. Булар адабий ниятнинг ўзгачалиги, адибнинг яиги ижтимоий нуқтаи назари, юксак замонавий исёнкор руҳидир.

Навоий ўз ғазалида ишқ аҳли, дард элининг нуқтаи назари, қайғуларини ифодалаган эди. Навоий шарҳи ҳолини ифодалаган “аҳли ишқ”–баъзида биз юзаки тушунадиган “феодал тузум зулмидан жабр тортаётган”лар ҳам, интим маънодаги ишқ аҳли ҳам эмас. Аслида, бу “эл” образининг маъно миқёслари Аваз назарда тутган “халқ”дан кўра кенгроқ. “Аҳли ишқ”ни макон, замон, миллат тушунчалари билан чегаралаш мушкул. “Аҳли ишқ” дарди – умуминсоний дард. Бу “эл”нинг ишқи ҳар қандай исёнкор ишқдан исёнкорроқ ва бепоён: ёрга ишқ, дўстга ишқ, эътиқодга садоқат, илоҳга муҳаббат, ватанга фидойилик, халққа жонкуярлик, илмга меҳр, санъатга ишқибозлик ва ҳ.к. Ишқсиз одам дардсиз ва лоқайд яшайди. Инсон зоти бирор нарсага ишқ боғладими, тамом, у жонсарак, дардманд, бесаранжом сиймога айланади. Унинг руҳини ором ва осудалик тарк этади. Қалбига юз минг балою ғам лашкари хуруж қилади, кўнгли юз минг порага бўлинади. Бечора, хонумонидин овора элга зврилади. Ишқ можароси барча замон, макон ва элатларда шундай кечади. Навоий ғазалидаги ишқ изтироблари ва аҳли ишқ йирик бадиий умумлашма.

Авазда эса бу муайянлашган. Аваз Навоийдаги анъанавий андоза ва бадиий либосни замонавий мазмуну руҳга кийгизган. Навоий ғазали ишқий-фалсафий мавзуда битилган бўлса, Аваз долзарб ижтимоий мавзуда қалам сурган. Аваз Навоий ғазалининг бадиий моҳияти ва шаклидан илҳомланиб, ўз давридаги бутун бошли халқ – миллатнинг инқирози-таназзулини назмийлаштирган.

Бу асарлар қиёси Навоийнинг барча асарлари, ҳаттоки, илк ижодиёти намуналари нақадар ҳаётбахш, таъсирчан кучга эга эканлигига бир кафолатдир. Аваз ғазалини Навоий ғазали билан киёслаш, холис баҳосини бериш Аваз истеъдодини асло камситмайди. Муайян асар заминида янги асар ижод этиш Шарқ бадииятида махсус усул, санъат саналган. Қиёсий таҳлил ҳикмати шундаки, у Аваз маҳоратининг анъанавий ҳамда новаторлик хусусиятларини ҳаққоний намойиш этади. Умуман, бадиий ёдгорликларни умумўзбек адабиёти миқёсидагина эмас, балки, агар умумжаҳон адабиёти кенглигида ўрганиш имкони бўлмаса, умумшарқ, умумтуркий адабиёт доирасида қиёсий-тарихий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

УЛ НА ГУМБАЗДУР...
(Образ ва замон талқини)

Инсон ўзининг барча эҳтиёжлари учун она табиатдан ҳамиша беминнат баҳраманд бўлиб келади. Табиатга маънавий-эстетик талаблар тақозоси билан ёндашмай, унга фақат моддий манфаатдорлик манбаи сифатида қаралганида, эҳтимол, у КОИНОТ ГУЛТОЖИ даражасига кутарила олмас эди. Инсоннинг ўзини онгли мавжудот қилиб яратган табиат асрлар мобайнида унинг маънавий мулкига хазина, насри ва назмига илҳомчи бўлди. Одамзод кундалик мушкулларига ҳам, асрий фожиаларига ҳам кушойиш бўлгулик ажиб ҳикматларни табиатнинг бир қарашда оддий, бир қарашда эса сеҳрли қонуниятлари, нарса-ҳодисаларида кўрди. Шу тариқа, инсон ўз табиати билан олам табиати ўртасида мўъжизакор диалектик боғлиқлик мавжудлигини кашф этиб борди. Назмда ўз фикр-мушоҳадаларини табиат кўринишлари ёки ҳодисалари орқали асослаш, далиллаш – тамсил, психологик мувозийлик, ташбеҳ, таносиб, ҳусни таълил каби бадиий санъатлар шундай диалектика заминида юзага келди. Борлиқдаги муайян ҳодиса ёки ашёни тасвирлаш жараёнида ўзининг ижтимоий дард ва кечинмаларини ифодалаш маҳорати ҳам табиатга муҳаббат, табиатдан ўрганиш маҳсулидир. Табиат поэтик образлар ва бадиий ашё манбаи сифатида ҳамиша инсон хизматида.

Соҳир табиат яратган мўъжизалардан бири анор бўлиб, жаҳон адабиёти тарихи унинг тасвирига бағишланган гўзал асарлар гувоҳи. Анорнинг ташқи ва ички тузилиши, ранги, мазаси, шифобахш хосиятининг ўзиёқ талай манзара шеърларга асос бўлган. Анорнинг санъаткорона тасвири ўзбек адабиётида дастлаб Алишер Навоий ижодиётида кўзга ташланди. "Луғз" (назмий топишмоқ) жанрида яратилган бу тасвир қуйидагича:

Не мижмардур, тўла ахгар, вале ул мижмар андоми
Эрур сунъ илгидин гоҳе мусаддас, гаҳ мусамман ҳам.
Чиқар равзандин ахгари дудию бу турфаким, онинг
Утиға дуд йўқтур, мижмариға балки равзан ҳам.
Уту мижмар дема, бор ул садафким, дурларин онинг
Эвурди қонға даврони мушаъбид, чархи пурфан ҳам.
Агар бу навъ эмас, бас не учун бармоқ кучи бирла
Бўшар жисми, оқар қони, анга мажруҳ ўлуб тан ҳам.
Нечаким табъи норидур, валекин меъда нориға
Берур таскин, мунунг нафъин топибмен воқеан ман ҳам.

Аввало, мутолаа жараёнида асар мағзини чақишда калит каби зарур сўзларнинг маъносини билиб олайлик: *мижмар – мушк-анбар каби турли хушбўй нарсаларни солиб тутатиладиган идиш (манқал); ахгар – қизариб ёниб турган олов, лахча чўғ; равзан – туйнук, тешик, дарча; мушаъбид – найрангбоз, кўзбоғловчи; пурфан – ҳийлагар, маккор; садаф – шундай жисмки, унинг ичидаги модда вақт ўтиши билан гавҳарга айланади.*

Асар анорнинг ички ва ташқи тузилиши тасвиридан бошланади. Шоирни анорнинг мўъжаз манқалсимон кўриниши, унинг ичида лахча чўғдек ёниб турган доналари ҳайратга солади. Бу ажойиб оташдоннинг гоҳ олти, гоҳ саккиз қиррали яратилиши унинг ҳайра-

тини янада оширади. Ҳайратланиш, таажжублар изҳор қилиш, тасвир объектини муайян жисмга ўхшата туриб, алҳол бу ўхшатишга шубҳа билдириш, уни инкор этиш ҳамда янги ташбеҳ ижод этиш луғз ва чистон жанрлари услубига хос хусусият. Шунинг учун ташбеҳ, тажоҳули орифона (билиб билмасликка олиш), ружу (инкорни инкор этишга монанд усул) каби поэтик санъатлар бу жанрлар бадиятини юзага чиқаришда қонуний равишда хизмат қилади. Бу асарда ҳам анорни ичида чўғ ёниб турган манқалга қиёслаган шоир гўзал муқоясасидан қайтади. Чунки манқалнинг тутун чиқадиган туйнуги бўлмоғи лозим. Анор эса шундай мўъжизаки, унинг жисмида на туйнук, ичидаги ўтида на тутун бор. Шу сабабдан шоир "ўту мижмар" ташбеҳидан узил-кесил воз кечади ва анорни садафга менгзайди. Балки, шоир анорни садаф, унинг доналарини эса дур ва гавҳар дея тавсиф этганида ҳам, биз ҳеч эътирозсиз ташбеҳнинг табиийлигига тан берган бўлардик. Бироқ агар шоир ташбеҳсозлик билан чекланганида, анор тасвири воситасида замин ва замонни қонга эвурган "даврони мушаъбид" қиёфасини яратолмаганида, бу шеър Навоийвор асарга айланмаган бўларди. Навоий "садаф" таркибидаги гавҳарларнинг қонга эвурилиши манзараси орқали ўз даври ва давр аҳлининг жафокорлиги ҳамда макрига ишора қилади. Асарнинг тўртинчи байти анор истеъмолига доир ҳаётий бир тафсилни хаёлимизда жонлантиради: одатда, анор "бармоқ кучи бирла" сиқилади. Шунда унинг танаси эзилади, сувлари қондек оқиб тушиб, жисми бўшайди. Суви шифобахш ичимлик сифатида тановул қилинади. "Бармоқ кучи бирла", "бўшар жисми", "оқар қони", "анга мажруҳ ўлуб тан ҳам" – бу ритмик бўлакларнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётга хос жабр-зулмни ва унинг фоже оқибатларини узвий кучайтириб ифодалайди.

Табобатда анордан меъда ва жигар касалликларини даволашда фойдаланилади. Навоий асарни анорнинг шифобахш хосияти васфи билан тугаллайди. Шоир бу борада шахсан ўзи ҳам ундан наф топганлигини қайд этади. Демак, бу асар анорнинг мумтоз тасвиридан ташқари, камида улуғ Навоийнинг ҳаётига оид биргина маълумотни етказгани билан ҳам бизга қимматлидир. Мазкур луғзнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девонига киритилгани у Навоийнинг ёшлик даврида яратилганидан далолат беради. Асарнинг бошдан оёқ ижтимоий дард, замон қайғулари билан йўғирилмагани ҳам, эҳтимол, шу билан боғлиқдир. Навоий анор образини замонда "басе иссиқ-совуқ кўргани", жаҳонда "басе аччиқ-чучук тотгани"дан кейин қаламга олганида, шубҳасиз, асарда ижтимоий мазмун янада салмоқдор талқин топган бўларди.

Форсигўй шоир Ирож Мирзо табиатнинг санъаткорлигига таҳсинлар ёғдириб, анорнинг оқилона қурилган ички оламини тасвирлаб, бундай шеър яратган эди:

Табиат-э лаълсоз
Лаъл тарошид боз.
Лаъли тарошиде ро
Паҳлу-йе ҳам чид боз.
Паҳлу-йе ҳам чиде ро
Бе нуқре пичид боз.
Нуқре-йе пичиде ро
Бе ҳуққе пушид боз.
Ҳуққе-йе пушиде ро
Ном беномид АНОР.

Мазмуни: Лаълсоз табиат яна бир лаъл яратди. Янги йўнган бу лаълини ҳам илгари яратган лаъллари ёнига тизиб қўйди. Ёнма-ён терилган лаъллар тизмасини бир кумуш пардага ўради. Лаъл билан тўлатилган пардани бир сандиқчага солди ва уни бекитди. Ва бу берк жавоҳирлар сандиғини АНОР деб номлади. Гарчи анор тасвири муносабати билан ижтимоий фикр айтилмаган бўлса ҳам, бу шеър услубан содда, оҳангдор, шаклан анор каби мўъжазлиги, таркибий (композицион) жиҳатдан анор ички тузилишининг силсилавий тугал тасвирига эришилгани билан санъат асари даражасидадир.

Ўзбек адабиёти тарихида анорнинг салмоқдор ижтимоий мазмун билан йўғирилган илк ҳайратомуз талқинини оташқалб шоира Увайсий ижодида кўрамиз. Увайсий ва унинг замондошлари қисмати шоира анор тўғрисида манзара шеър яратиш билан чекланишига имкон бермас эди. Увайсий қалбидан ҳар бир сатр табиий равишда дард, алам билан омухта қуйиларди. Шу боисдан унинг анор ҳақидаги машҳур чистони образли ва пурмаъно яратилган:

Ул на гумбаздур эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидан олсам хабар,
Юзларига парда тортиғлиқ, турарлар бағрн қон.

Оддий бир мева тимсолида бутун бошли замона, ижтимоий муҳит ва замондошлар дардини тасаввур қилиш ҳамда уни шундайин ихчам шеърда ифодалай олиш улкан салоҳият ва журъатдан далолат беради. У анорнинг шаклини гумбаз, анор доналарини гулгунпўш қизлар, анор доналари устидаги нозик пардани ўтмиш ўзбек хотин-қизлари юзига тутилган ёпинчиқ, анор доналари қонталашлигини хотин-қизлар юрак-бағри қонлиги каби образли ифодаларда рамзийлаштиради. Анор шоира нигоҳида хотин-қизларни асрий тенгсизлик ва тутқунлик исканжасида сақлаган мубҳам гумбазга айланади. Феодал муҳитнинг феъли тору, сатҳи кенг бу гумбазига сиғмаган шоира уни анорнинг ушоққина жуссасига сиғдиради. Анорнинг шаффоф доналари Увайсий хаёлида замоннинг гулгунпўш аёлларини гавдалантиради. Шоира шуни ҳам туядики, бу ночор қизларни ёруғ дунёга чиқариш, уларнинг дардларига малҳам қўйиш, ҳеч бўлмаса, ҳол-аҳволидан огоҳ бўлишнинг ҳеч бир имкони йўқ. Чунки бу гумбазнинг на эшиги, на туйнуги бор. “Юзларига парда тортиғлиқ”, бағри қон бу қизлар ҳолига чора топишнинг бирдан-бир йўли жаҳолат гумбазини синдиришдир. Гумбазга нисбатан “синдирмоқ” феълининг қўлланиши оддий ёки тасодифий ҳодиса эмас. Шоира бу билан ўзи ва замондошларининг норозилик ҳамда интиқом туйғуларини, феодал муҳит гумбази синдиришга, емирилишга маҳкум эканлигини ифодалашга эришган.

Анорнинг назмий силсиласидаги яна бир бебаҳо асар Увайсийнинг замондоши, шоира Дилшод қаламига мансуб. Манбаларнинг кафолат беришича, Увайсий XVIII асрнинг саксонинчи йилларида туғилиб, 65 йил умр кўрган. Дилшод эса 1800 йилда туғилган, тўлиқ бир аср можароларини бошидан кечириб, 1905–1906 йилларда вафот этган. Тақдир уларнинг бир даврдагина эмас, бир манзил-маконда ҳам умр кечиришларини тақозо этган. Увайсий Марғилонда туғилиб, умрининг асосий қисмини Қўқонда ўтказган. Дилшод Ўратепада туғилиб, ҳаётининг катта қисмини Қўқонда яшаган.

Бошқача айтганда, Увайсий билан Дилшод Амир Умархон ва Маъдалихон ҳукмронлигидаги Қўқон хонлиги деб аталмиш мудҳиш “гумбаз”нинг ичидаги ёндош бағри қон дурдоналар эдилар.

Дилшод гарчи Увайсий билан асрдош бўлса ҳам, ундан бирмунча кейин дунёга келди, зулм ва зўравонлик бениҳоя кучайган, мазлумларнинг сабр косаси тўлиб тошаётган, халқнинг ҳақ-ҳуқуқини тенгсизлик доирасида сақлаётган мутаассиб ҳалқа узилгудек таранглашган замонда яшади. Унинг анор ҳақидаги шеъри Увайсий чистонидан таъсирланиш ёки уни тожик тилида шунчаки такрорлашдангина иборат бўлмаслиги қонуний ҳол эди. Анор ҳақидаги шеъри шоиранинг шахсий қисмати ва ўзи яшаб турган муайян замон заҳматлари зарби билан яратилди. Яхшиси, аввал шеърнинг ўзи билан ошно бўлайлик-да, кейин унинг яратилиш тарихи ва бадиий моҳияти ҳақида фикр юритайлик.

Дар ин дун гумбази афлок дидам,
Дарунаш пур ҳама ғамнок дидам.
Ба рўшон аз ҳарире парда доранд,
Ба дил хун, дийдаҳо намнок дидам.
Зи тийғи золими ҳукми Умархон
Дили ҳар нозанинро чок дидам.

Мазмуни: *Бу пасткаш фалак гумбази ичи ҳамма ғамгин кишилар билан тўлганини кўрдим. Юзлари ҳарир парда билан тўсилган бу ғамдийдаларни юраги қонли, кўзлари намли кўрдим. Умархон ҳукмининг золим тиғидан ҳар нозанин кўксини чок кўрдим.*

Шеърнинг яратилиши тарихи баён этилган “Тарихи муҳожирон” асарида Дилшод “дийдалари намнок”, “гирибони чок” бир ҳолатда кўрган-кечирган саргузаштларини ёзганини қайд этади. Йилномадан маълум бўлишича, шижоатли шоира ушбу ғазални хон билан юзма-юз туриб айтган. Шоиранинг бу исёнкор ҳужумидан ларзага келган хон ожиз қолди, кўзлаган мақсади рўёбга чиқмаслигига кўзи етиб, ундан воз кечди. Ёвузлик билан ёнма-ён курашиб яшаган эзгулик туфайли хон буюрган жазодан омон қолган Дилшод бу даҳшатли тўқнашувни нафрат билан эслаб юрди. Ўкинчини “Тарихи муҳожирон”да изҳор этиб ҳам юраги ёзилмади, кейинчалик маснавийларидан бирида кўнглини баралла бўшатди:

Бу ҳусним бўлди бошимға ситамкор,
Мани чорлатти қошиға у жаббор.
Деди: “Шоира дейдилар отингни,
Манга билдур басе асли зотингни”.
Дедим: “Юртумда Дилшод эрди отим,
Амир тиғидин яксон бўлди зотим”.
Деди: “Ушбу анорға не деюрсан?”
Дедим: “– Қизлар хунидин тўлдирибсан”.

Дилшод ғазали Умархонни маънан маҳв этишининг боиси нима? Бу ғазал Увайсийнинг “Анор” чистонидан қай жиҳати билан ўзига хос? Ҳар иккала шеърнинг илк мисрасида *“гумбаз”* образи кашф этилган. Дилшод анорни тубан фалакнинг гумбазига ўхшатади. У Увайсий каби бир хонлик ҳокимиятини эмас, балки Қўқон хонлиги туридаги неча салтанатдан таркиб топган бутун феодал жамиятни назарда тутганди. Зотан, у таниган ва англаб етган дунё ҳам шундан иборат эди. Бироқ Увайсийдан фарқли ўлароқ, Дилшод *“гумбаз”*га нисбатан кескин қораловчи маъно урғусини *“дун”* сўзи орқали ифодалаган. Иккинчи мисрада

Увайсий *“гумбаз”*да неча гулгунпўш қизлар манзил тутганлигини тасвирлайди. Дилшод эса *“гумбаз”* ичра ҳаммани ғамзада, мотамсаро кўради.

Дилшод шеъри ҳам тўрт мисра – Увайсий чистони мазмунининг янада умумлашган, янгича таъсирчанлик касб этган, ижтимоий руҳи юксалган ҳолати билан тугалланиши ва шунда ҳам яхши асар сифатида тарихда қолишга ҳақли эди. Лекин Дилшод табиатидаги фавқулодий жасорат кейинги икки мисранинг ҳам ёзилишини муқаррарлаштирган. Шеърнинг анор тасвири муносабати билан ёзилганини назардан қочирмасак, ижтимоий ҳаётда ҳам, анорнинг ўзида ҳам бу икки мисра мазмунига асос бўлгулик белги бўлиши зарур. Акс ҳолда, муаллиф тасвир нишонидан чекинган бўларди. “Умархон ҳукмининг золим тиғи” қилмишлари тасвирига ижтимоий ҳаёт берган ашё шуки, Амир Умархон қўшини 1816 йили Ўратепани ишғол қилиш учун олти кун қонли жанг қилди. Тенгсиз бу қирғин оқибатида Ўратепа халқининг хонумони барбод берилди. Бу хазон фаслида 1213 кишининг умри Умархон дорида хазон бўлди. Қўқонга ҳайдаб кетилган 13400 бахти қаро орасида асира Дилшод ҳам бор эди. Амир Умархон “Тўфони ибрат” деб номлаган бу манфур ҳодиса мазлум халқ хотирасида унутилмас сабоқ бўлиб қолди.

Умархон қўлидаги анор тимсолида замон аҳли кўкси чок ҳолда тасвирланишига табиий ашё шуки, Умархон қўлидаги анор пишиб ёрилган бўлиши керак. Чунки ёриқ анор дили чок инсонга жуда мутаносиб. Анорнинг чок бағридан якқол кўриниб турган ҳарир парда ва дилхун доналар ҳам бадиий-тимсолий тасвирга қулайлик яратган.

Шеърни эшитиб, Умархоннинг ғазабланиши, маҳрамига имо қилиб шоирани ўлимдан ҳам оғир жазога буюришига сабаб шуки, хон авжи ўн етти ёшдаги гўзал қиз сиймосида ҳарам канизагини эмас, шуурида инқилобий руҳ гупуриб турган қўрқмас шоирани кўрди. Унинг шеъри хонлик тузумига шунчаки эътирозни эмас, балки уни фош этиш, инкор қилиш, адолатли янги жамиятга талпиниш ғоясини ифодалар эди.

Анор ҳақидаги бундай бадиий баркамол асарлар даражасида ёки ундан ўтказиб шеър айтиш имкондан ташқари, деган тасаввур кўплаб шеърият мухлислари хаёлидан кечган, албатта. Бироқ гап улар даражасида ёки улардан ўтказиб шеър айтишда эмас. Гап шундаки, ноэтик ашё ёки образнинг бадиий имконияти бир неча асар яратиш билан чекланиб қолмайди. Бу ижод аҳлининг истеъдоди ва маҳоратига боғлиқ. Ҳайратланарлиси шуки, йигирма масалани бир хил усулда ечишдан кўра, бир масалани йигирма усулда ечиш афзал бўлгани сингари, бир ашё тасвирини турли даврда яшаган шоирлар ўзига хос тарзда ёритишлари, уни ўз замонлари дарди билан йўғириб талқин этишлари мумкин экан. 1986 йилги ўзбек назми муҳокамасида йилнинг энг етук асарлари сирасида баҳоланган Шавкат Раҳмоннииг “Анорга қасида” шеъри ҳам ана шундай замонавий талқин намунасидир.

Тутилган ой, қадимги
фанорсан, анор.
Ёқут тўла қип-қизил
қанорсан, анор.
Гоҳо қорол, гоҳида
пуштисан, анор.
Ернинг қонга бўялган
муштисан, анор.

Адабиётда монументал талқинлари мавжуд образ устида ишлаш мушкуллиги шеър матнида кўриниб турибди. Шоир анорнинг бўғиқ қиёфасини тутилган ойга қиёслайди, нимтатир қизғиш нур таратиб турувчи қадимги фонарга нисбат беради. Ташбеҳлар табиий, образлардан қадимият руҳи, мумтоз лирика нафаси уфуриб турибди. Устод ижодкорлар анор сийратида гумбаз ичидаги тирик ижтимоий оламни кўрганлар. Ш. Раҳмон эса нурафшон сийратли ойни кўради. Бу образга сингдирилган дард шундаки, ой ўз нурини бутун борлиғича намоён эта олмаяпти. Чунки у тутилган. Нур сочиш ойнинг ҳаёт кечириш тарзи, демак, ойнинг яшаш имкониятлари чекланган. Анорнинг тутилган ойга, айниқса, хира нур сочишга маҳкум фонарга қиёсланишида чуқур ижтимоий мазмун, фуқаролик туйғуси мавжуд. Анор, ой, фонар образлари инсонийлаштирилган. Шоир анорни *“ёқут тўла қип-қизил қанор”*га ўхшатади. Бунда энди ташбеҳ табиий монандликдан узоқлашган. Анор билан қанор ўртасида чинакам ботиний ўхшашлик йўқ. Улар ўртасидаги зоҳирий ўхшашлик чуқур бадиий фикр ифодалашга ожизлик қилади. Шоир анорнинг ташқи белгиси – тўқ қизил ва пушти ранглари мавжудлигига ишора қилади. Бундан ҳам шеърхон қаноат ҳосил қилмайди. Шеърнинг асосий ядроси, шоир шууридаги янги бадиий фикр юзага чиқмаётганини сезади. Ниҳоят, кутилмаганда, шоирни қийнаб келган жуда ўзига хос ва салмоқли бадиий хулоса *“Ернинг қонга бўялган муштисан, анор”* тарзида отилиб чиқади. Энди шеърнинг бутун борлиғи, моҳияти шу биргина мисрадан иборатдек туюлади. Аслида, жоннинг ўзини танасиз тасаввур килиб бўлмаганидек, бу умумлашма ҳам дастлабки сатрларсиз тасаввурга сиғмас эди.

Шундай қилиб, анорга бағишланган шеърлардан яралган назмий саватга Шавкат Раҳмоннинг “Анорга қасида”си келиб тушди ва ундаги ижтимоий мазмундорлик залворини чандон оширди. Хўш, бу залворни юзага чиқарган омил нимадан иборат? Ш. Раҳмон фан ва техника, атом асри деб донг таратмиш XX асрда, темирга сиғинган буюк одамзод ўзининг она табиатга нисбатан қилган гуноҳлари фожиасини англаб етган ғаройиб замонда яшаб ижод қилган шоир. XX аср фарзандлари она табиат бошига тарихда мисли кўрилмаган жабр-зулм ёғдирдилар. Бўлиб ўтган турли урушларда қўлланган атом аслаҳалари ва кимёвий қуроллар ер бағрини ўйиб, заҳарлаб ташлади. Тинимсиз қирғин-қабоҳатлар туфайли оққан қонлардан она ернинг муқаддас хоки поки қонга қоришди. Булар ҳан етмаганидай, Инсоният она ерни парваришлаш, жароҳатларига малҳам бўлиш ўрнига хаёлига келган ва ўзига жилла маъқул кўринган кимёвий дориларни ернинг беғубор бағрига юқори ҳосил кўтариш манфаати учун сингдирди. Лекин, охир-оқибатда, бу уринишлар тескари натижа бера бошлади. Ернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди, заифлашди, мўртлашди. Ш. Раҳмон айтмоқчи, Ернинг ўз фарзандларига уруш эълон қилиб, қонга бўялган муштини ўқталгани шу бўлса керак. Инсоният ўзининг туғилган, униб-ўсган ватани ва боражак абадий маскани – Ергагина эмас, асосий ҳаёт кечириш манбалари - Сув ва Ҳавога ҳам муттасил зарар келтирди. Ўсимликлар ва жонзотлар дунёсини қириб юборди. Оқибат, интиқомга киришган она табиат дардларига яна инсоннинг ўзи чора излай бошлади. Табиатни муҳофаза қилиш асрнинг долзарб муаммосига айланди. Асрнинг мана шу муаммоси ҳам Ш. Раҳмоннинг ердан ўсиб чиққан дарахт танасидаги бағри қон анор тимсолида *“Ернинг қонга бўялган мушти”*ни инкишоф этишига сабаб бўлди. Ш. Раҳмоннинг “Анорга қасида”си тинчликни, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган энг гўзал асарлар сафида тарихга кирди.

Биз биргина анор образи мисолида назм бадииятидаги замонавийлик муаммосини кўриб чиқдик. Алишер Навоий бошлаб берган анорга қасида анъанаси маҳсулларини таҳлил назаридан ўтказдик, сарҳисоб этдик. Минг йиллик адабий меросимиз хазинасида бунга ўхшаш минглаб образлар бор. Афсуски, уларга бугунги маънавий талабларимиз жиҳатидан ёндашадиган, изланувчан шоирлар кам. Яшовчан бу образларнинг ҳозирги замон билан туташ нуқталарини топиш, янгича маъно ифодалаш имкониятларини кашф этиш, шеърият мулкига тутилмаган образлар олиб кириш бугунги ҳар бир шоирнинг муқаддас бурчи.

II ФАСЛ

САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

Шеърдаги бадиият салмоғи – мазмун, ғоя ва руҳий таъсир кучини теран тушуниш учун асарнинг шаклий тузилиши, сўзлар, сатрлараро маънан, суратан боғланиш сеҳрини илғаб олиш муҳим. Шундай таркибий тузилиш бадииятини илмда "композиция" истилоҳи ифодалайди. Барча рубобий (лирик) асарлар сингари ғазалда ҳам композиция табиий хусусият. Санъаткор атай композиция яратмайди, муайян композиция танлаб, сўнгра шу асосда асар ёзмайди. Қомпозиция – шакл масаласи. Ғазал бадиияти – мазмун ва шакл бирлиги, мутаносиблиги маҳсулидир. Шундай экан, ғазалнинг бўлғуси мазмуни ўзига хос композиция билан бирга бунёдга келади.

Ғазал композициясига кўра тўрт мустақил турга ажралади: *1. Мустақил байтлардан тузилган ғазаллар. 2 Якпора ғазаллар. 3. Воқеабанд ғазаллар. 4. Мусалсал ғазаллар.* Ғазал фақат шаклий сайқалдорликкагина эмас, балки бадиий етуклик, ғоявий юксаклик ва мазмун салмоқдорлигига омил бўлувчи композицион белгиларга асосан шундай турларга бўлинади. Булар – ғазалнинг ўзига хос композицион турлари. Ҳар бир турга мансуб ғазаллар ўзига хос композицион хусусиятлари билан ўзаро фарқланиб туради.

Ўзбек ғазалчилиги тарихий тажрибаларининг энг юксак натижалари Алишер Навоий ғазалиётида мужассамлашган. Унинг девонларида ғазалнинг мазкур тўрт турига оид ажойиб намуналар мавжуд. Қайд этилган турдаги ғазалларнинг энг олий нави мусалсал (силсилали) ғазалдир. Навоийнинг шундай асарларини таҳлил этишдан аввал мусалсал ғазалнинг хос фазилатлари ҳақида фикр юритайлик.

Таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатрлар силсиласида даражама-даража ривожланиш хусусиятига эга бўлган ғазал мусалсал ғазалдир. Муттоз поэтикадаги тадриж усулининг бутун ғазал доирасида фаол қўлланиши ўша ғазалнинг ўзига хос композицион тур – мусалсал ғазал сифатида шаклланишига хизмат қилади. Мусалсал ғазал ички тадрижий такомилга эга бўлган якпора ва воқеабанд ғазалга ўхшаб ҳам кўриниши мумкин. Аммо мусалсал ғазал билан воқеабанд ёки якпора ғазаллар орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Яъни, улар айнан бир турдаги газаллар эмас. Мусалсал, воқеабанд, якпора ғазаллар орасида қуйидагича тафовут мавжуд. *"Тадриж ўз моҳиятига кўра баъзи ғазалларнинг воқеабанд бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ҳолат воқеабанд ғазалларда ҳам ўзига хос бадиий тасвирнинг муайян тадрижийликка асосланганлигида намоён бўлади... Тадриж воқеабандликни таъминлашда маълум даражада роль ўйнаса-да, лекин бу усул асосида ёзилган асарларнинг барчасини ҳам воқеабанд ғазал деб аташ ноўриндир. Чунки муайян мавзу, ашё ёки образнинг тадрижий характеристикасидан ташкил топган ғазалда маълум бир воқеа-ҳодиса изчил тасвир этилмаслиги мумкин. Яъни, муайян сюжет йўналишига эга бўлмаган тадрижли ғазаллар ҳам кўплаб учрайди"*[1]. Албатта, ҳар қандай воқеабанд ғазал замирида муайян сюжет ётади. Бу сюжет *"маълум бир фабула ва ҳикоя маъносида эмас, балки фикр ва туйғуларнинг бир-бирига мантиқий равишда боғланиб келиши"* (М. Шайхзода таъбири) тарзида тажассум топган тақдирда ҳам, у ибтидо, ривожланиш ва интиҳо босқичла-

[1] Шарафиддин Шарипов. Навоийнинг воқеабанд ғазаллари. Адабий мерос. 10-сон. Тошкент, 1978.

ридан иборат бўлади. Агар мана шу босқичлар изчил силсилалардан ташкил топса, ғазал воқеабандлик билан бирга мусалсаллик ҳам касб этадики, бу юксак санъат намунасига айланади. Демак, барча воқеабанд ғазаллар мусалсал бўлавермайди, айни пайтда, ҳар қандай мусалсал ғазаллар ҳам воқеабанд бўла олмайди. Якпора ғазаллар ҳам шундай. Қўйилган масала матладан мақтага қадар тадрижий усулда, мисралар силсиласида ривожлантирилса, поэтик фикр ва кечинмаларнинг бундай ривожланишига поэтик образ ҳамда бошқа бадиий воситалар ҳам ҳамоҳанг бўлсагина, ғазал айни пайтда якпоралик (яхлитлик) ва мусалсаллик фазилатига эга бўлади. Мусалсаллик – ғазалнинг бутун композициясига тегишли хусусият. Шунинг учун айрим байтларда тадрижий такомил мавжудлигига қарамай, мустақил байтли ғазаллар мусалсал бўла олмайдилар.

Алишер Навоийниинг *“Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ, Мулкким, султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ”* ёки *“Жонға чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?” Дерки: “Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати”* матласи билан бошланувчи асарлари мусалсал ғазалнинг мумтоз намуналаридир.

СИР САҚЛАШ САБОҒИ

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизға юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.
Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз,
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.
Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зийнҳор
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.
Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.
Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоқким, элга андин нукта имло қилмангиз.
Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.
Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.
Менда ҳижрон дардию, йўқ васл, боре дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жому саҳбо қилмангиз.
Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли тумморинда иншо қилмангиз.
(“Бадоеъ ул-васат”, 216- ғазал)

Ушбу мусалсал ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, панд-насиҳат мавзусида яратилган. Тўққиз байтдан иборат бу ғазал сир сақлаш маданиятидаи сабоқ беради. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган: *Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн*. У мавзу, ғоя, мазмун жиҳатидан “Наводир уш-шабоб” девонидаги *“Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим”* сатри билан бошланувчи ғазалга жуда яқин. Қизиғи шундаки,

бу ғазалларнинг бошқа хусусиятлари ҳам бир-бирига мутаносиб: яратилиш даври, ҳажми, вазни, лирик қаҳрамони бир хил. Аммо улар бир ғазалнинг турли муқобил (вариант)лари эмас. Қиёсий таҳлил этилганда, уларнинг ҳар бири мустақил ва оригинал ғазал эканлигини тасдиқловчи қатор фазилатлар юзага чиқади.

"Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим" ғазали услубан ғазалнинг шарҳи ҳол турига мансуб. Унда лирик қаҳрамоннинг ўз замондошларидан бирига сирини изҳор этгани ва бунинг оқибатида бошидан кечирган изтироблари шарҳланади. Бу ғазалда эса лирик қаҳрамоннинг ҳаётий саргузашти, унинг оқибатлари эмас, балки сир ва сирдош сақлаш маданиятига оид ҳаётий тажрибадан келиб чиққан тугал, қатъий умумлашма, хулосалар панднома услубида ифодаланади.

Биринчи ғазал, композициясига кўра, радд ул-матла санъати асосига қурилган, якпора ғазал. (Бу ғазал ҳақида тўлиқ тасаввур учун қаранг: Ё. Исҳоқов. Навоий поэтикаси. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1983, 140–141- бетлар). Биз таҳлил этаётганимиз ғазал эса композицион хусусиятларига кўра мусалсал ғазалдир.

Бу икки ғазални бир шоир шуурида кечган кечинмаларнинг тадрижий такомили натижаси сифатида баҳолаш, уларга бир-бирининг мантиқий давоми сифатида қараш мумкин. Чунки шоирнинг ҳаётий саргузаштлар ниҳоясида етилган хулосалари *"Эй Навоий, дема сирринг кимсага..."* дебон биринчи ғазал мақтасида бошланган ва иккинчи ғазалда тўлиқ акс этган. Бу ҳолат "икки ғазал бир йўла ёзилган экан", деган фикрни уйғотмаслиги лозим. Улар шоир ҳаётининг бир даври -- қарилик босқичида, лекин турли фурсатларда, турли воқеалар турткиси билан ёзилган бўлиши эҳтимол. Ғазалларнинг бири "Наводир уш-шабоб"дан, иккинчиси "Бадоеъ ул-васат" девонидан ўрин олиши ҳам балки шу билан изоҳланар.

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизға юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Бу бир маҳаллар *"кимсани дард аҳли деб сиррига маҳрам айлаган"* ва бундай очиқ кўнгиллиги туфайли *"ўз-ўзини куч била расвойи олам айлаган"* лирик қаҳрамоннинг ўз шахсий фожиасидан жамиятга бераётган сабоғи. Аввалги ғазалнинг *"кимсани дард аҳли деб", "дема сирринг кимсага"* иборалари шоирнинг муайян кишиларга нисбатангина ишончи яраланганидан гувоҳлик қилса, бу ғазал матласидаги *"элга роз ифшо қилмангиз"* сўзлари шоирнинг кишиларга ишонавериб кўп панд егани ва, умуман, элга ишончи йўқолганидан далолат беради.

Иккинчи байт матладаги фикрни янада кучайтиради:

Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз,
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Энди шоир инсон табиатидаги умуминсоний заифликдан огоҳлантиради. Инсоннинг ўз сирини асрашга ўз иродаси ожизлик қилса, ўзининг оғзига кучи етмаса, сиррини пинҳон тутишни бошқалардан умид қилиши ақлга сиғмайди. Чунки бошқалар ҳам унингдек бир бандаи ожиз-да. Шунинг учун одам, аввало, ўзига ўзи пишиқ бўлиши лозим. Шу тариқа шоир умумдан хусусга кўчади:

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зийнҳор
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Ғазал ҳажвий, киноявий руҳда давом этади: *“кимса”, “эл”, “ўзгалар”*ни қўя турайлигу, авал, ўз аъзоларимизни назорат қилайлик. Маълум бўладики, *“расвойи олам”, “юз бало”*га мубтало бўлишимизнинг биринчи боиси тил экан. Чунки сиримизни илк ошкор этувчи – у. Демак, сир-асрорни зинҳор-базинҳор *“кўнгулдин тилга”* кўчирмаслик керак. Аммо, кўнгулга ишониб бўлармикин?

Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Афсуски, кўнгул ҳам маҳрами асрор бўлолмайди. Чунки уни *“қалб”* деб атайдилар. Навоий бу ўринда *“қалб”* сўзининг ўз (кўнгул) ва кўчма (қаллоб, фирибгар, нопок) маъноларидан маҳорат билан фойдаланган. Бу эса кўнгулдан қаллоблик ва фирибгарлик зоҳир бўлиши хавфидан далолат. Шундай қилиб, кўнгул – хиёнаткор, тил – сотқин (“тил” сўзининг ҳарбдаги маъносини ҳамда *“ғаммоз”* сўзининг сир очувчи, чақимчи маъноларини эсланг) экан, махфий сирни жондан бу икки аъзога кўчирмаслик, уни фақат жонда асрамоқ маъқул. Акс ҳолда, *“махфий сир”* жондан кўнгулга, кўнгулдан тилга, тилдан *“кимса”*га, *“кимса”*дан “ўзгалар”га, “ўзгалар”дан “эл”га ўтиб фош бўлади. Қарабсизки, соҳиби асрор яна – расвойи олам.

Ғазалдаги силсилавий тасвир тил ва кўнгул тафтиши билан тугамайди. Чунки инсоннинг ички имкониятида сирни фош этувчи бошқа воситалар ҳам бор:

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоқким, элга андин нукта имло қилмангиз.

Шоир тилни сўзлашдан, кўнгулни тилдан, жонни кўнгулдан тийгандан кейин, сирни ошкор этувчи яна бир омил – имлодан (сирни ёзув орқали фош этишдан) тийилишни огоҳлантиради.

Шунчалик зҳтиёткорликка қарамай, бордию сир элга аён бўлиб қолса, шоир *“Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмай”* – шармандаликка равнақ бағишламай, хоинларни жазолашни маслаҳат кўради:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Бу байт сир сақлаш санъати ҳақидаги мусалсал мушоҳадаларнинг – *“Сир сақлаёлмайдиган вужуд – ҳалокатга маҳкум”* маъносидаги изчил мантиқий якунидир.

Албатта, сирни бу қадар пинҳон сақлаш камдан-кам иродали кишиларнинг қўлидан келади. Айниқса, Навоий сингари сухан аҳлига собит совуққонлик билан сир сақлаш душвор. Чунки шеър аҳли таъсирчан, эҳтиросли, очиққўнгил бўлишади. Лирик қаҳрамон ўз саргузаштидаги саҳву хатони назарда тутиб: *“Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз”,* дея ўзгаларга сабоқ беради.

Бу ва ғазалнинг сўнгги икки байти: *“Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма!”* қабилидаги ўгитни эслатади. Негаки, шоир ўзидаги *“ҳижрон дарди”*ни баралла изҳор этиб, *“дўстлар”*дан чора – *“жому саҳбо”* тилаб турибди. Ғазал лирик қаҳрамоннинг ўз айби -- *“ишқ розини асрай олмагани”*га иқрор бўлиб, уни “роз аҳли” – сир сақлай олувчилар тоифасига киритмасликлари илтижоси билан тугалланади.

Демак, ғазал мундарижаси пишиқ ишланган. Ғазал сир сақлашнинг мукаммал сабоғи, унга асос бўлган шахсий кечинма ҳамда оқибат-натижадан тузилган.

Ғазалнинг ғоявий моҳияти ҳаёт сабоқлари юзасидан панд-насиҳат қилишгина эмас. Киноявий тасвирдан мақсад иғвогар, бадхоҳ, замон ва аҳли замон устидан заҳарханда кулиш, уларни фош этиш, уларга нафрат изҳор этиш ҳамдир. Асар замондошларимиз маънавий камолоти учун катта тарбиявий, маърифий аҳамиятга эга.

ЎН САККИЗ ЁШ ҲАЙРАТЛАРИ

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.
Ун сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.
Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки, бор
Барчаси эзид таоло сунъи нақққошиндадур.
Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.
Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ.
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур-
То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси аниг ёшиндадур.
(“Бадое ул-васат”, 156- ғазал)

Машҳур ва манзур бу ғазал Алишер Навоий қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, унда шоир ишқий-фалсафий мавзуда баҳс этади. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган: *Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн.*

Ғазал услубан таъриф-тавсиф турида яратилган. Асарнинг мақсад-моҳияти ўн саккиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) малоҳатини васф этишга қаратилган. Лекин бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда ҳусну жамол ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўғирилган. Ҳатто, баъзи байтларда тавсиф иккинчи ўринга ўтиб қолиб, таъриф, фалсафий умумлашма ифодаси биринчи даражага кўтарилади. Ёхуд таъриф-тавсиф баравар меъёрда, уйғун акс эттирилган бўлса ҳам, фалсафий моҳият эътиборимизни кўпроқ тортади. Чунончи, матлада ўн саккиз ёшли дилбарнинг сарвинозлигидан кўра, унинг шу ёшдаги маънавий-руҳий аҳволи тасвирига кучли урғу берилган. *“Ўн саккиз минг олам”* – бадииятда тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги қадимий тасаввурлардан келиб чиққан. Шоир *“Сарвинозимнинг бошида ўн саккиз минг олам ғавғоси бор, аммо*

бунга ажабланмаслик керак, чунки у ўн саккиз ёшдадур”, дер экан, биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман, инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, назаримизда, ўн саккиз яшар сарвиноз ҳам умумлашма образ.

Асарда ўн саккиз ёшли муайян инсон тасвирланган бўлиши эҳтимол, унинг ҳаётий сиймоси бизга маълум эмас. Балки, матладаги таърифу тавсифга ўн саккиз яшар гўзал қиз эмас, баркамол бир ўспирин талъати асос бўлгандир.

Муҳтарам мухлис, Навоий йигит кишини васф этгани ҳақидаги тахминимизга дарҳол эътироз билдириш ёхуд буни нотўғри талқин этишдан сақланишингизни сўраймиз. Бу – ҳали илмда узил-кесил ўрганилмаган муаммо. Навоийнинг йигитлар васфида битилган ўнлаб лирик асарлари борки, улар турли андишалар билан “Хазойин ул-маоний”нинг 1959–60- йилларда чоп этилган Ҳамид Сулаймон нашрига киритилмаган ва халқка етиб бормаган. Бу ғазал ҳамда қитъалар Навоий мукаммал ва тўла асарлари тўпламида босилди, энди илмий баҳоланиши керак. Назаримизда, бу ҳодиса Навоий дунёқараши билан боғлиқ. Навоий инсонда илоҳий етукликни, илоҳда инсоний гўзалликни кўрган. Мутафаккир ўзи сиғинган илоҳий қудрат, навқиронлик, баркамоллик, ҳайротомуз сеҳру синоатни, жисмоний ва ақлий тенгсизликни йигитлар сиймосида тажассум эттирган бўлса, ажаб эмас. Ҳарқалай, асарга ўн саккиз минг оламни мушоҳада этишга қодир, ўн саккиз минг оламнинг дарди билан яшайдиган, аклу заковати ўн саккиз минг олам тилсимларини еча оладиган, ҳусни ўн саккиз минг оламни лол қолдирадиган, ҳаяжон ва эҳтирослари ўн саккиз минг оламни ўртайдиган ўн саккиз ёшли инсон сиймоси сабаб бўлган. Эҳтимол, бу Навоий орзусидаги комил инсондур. Дарвоқе, ўн саккиз минг олам ташвишлари билан яшайдиган ёш замондошларимиз ҳам йўқ эмас. Эсли-ҳушли, заковатли, ғайрат-шижоатли йигит-қизларимиз олдида шундай улкан муаммолар, вазифалар, орзулар турадики, уларнинг кўлами ва салмоғи ўн саккиз минг олам ошубидан кам эмас. Чинакам инсон учун ўн саккиз ёш – шундай масъулиятли давр аслида.

Кейинги байтларда матладаги ғоявий мазмун тадрижий такомиллаштирилади. 2–3-байтлар матлада васф этилган даражадаги камолотга эришган инсон етуклигининг яшовчанлиги ҳақида баҳс этади:

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ун сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.
Ун сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.

Мазкур байтлардан бошлаб ғазалдаги лирик қаҳрамон умумлашма образликдан бир оз чекланади. Яъни, умуман ўн саккиз ёшли инсон эмас, гўё ўн саккиз ёшдаги манзур васфи давом этади. Бундай фикримизга боис ғазалнинг матладан кейинги қисмида кўпроқ аёл зотигагина хос фазилатлар қаламга олинганидир. Албатта, Навоийнинг бундай ғазаллари тагзаминида илоҳий ҳусн тимсоли ҳам туришини эсда сақлашимиз керак. Учинчи байтдаги *“ҳусн шоҳи”* ибораси айнан шундан далолат беради.

Ғоявий мазмуннинг байтларда тадрижий ривожланишига тадриж усули билан бирга ружу санъати ҳам кўмаклашган. Шоир иккинчи байтда *“Сарвиноз ўн саккиз ёшиндаки ўн саккиз минг оламга татийдиган ҳусну жамолни зоҳир этган экан, ўн саккиз минг олам можароларини бошига сиғдиролган экан, ундаги бу қобилият яна ўн саккиз йил бемалол сақланади”,*

дер экан, учинчи байтда бу фикридан қайтади. Ўз-ўзини *“Ўн саккиз йил дема”* сўзлари билан инкор этиб, *“Яна юз саксон йил ўтса ҳам, кўзу қошида турфа балолар жилва қилар экан, ул сарвиноз ҳусн шоҳи сифатида гўзаллик салтанатида ҳукмфармолик қилаверади”,* деган хулосага келади. Ружу моҳияти мана шу ўз-ўзини инкор этиб, фикрни кучайтиришдадир. Сарвинознинг *“кўзу қошида”*ги ул балолар сеҳрига келсак, бунда Шарқ ғазалиётида кўз ва қош мадҳида айтилган (масалан, кўзнинғ хунхорлиги, жаллодлиги, фитнагарлиги; қошнинг шамшир каби қаттоллиги, бирининг имо қилиб, бирининг жон олиши ва ҳ.к.) ҳамма сифатлар назарда тутилади.

Шоир ақл бовар қилмайдиган даражадаги ҳусн соҳибини тасвирлаётган бўлса-да, унинг қонуний ва табиий ҳол эканлигини иқрор этади:

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Чунки Навоийнинг дунёқарашича, ҳар қандай ҳайратомуз гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори *“сунъ наққоши”*, яъни худодир. Ҳар бир модда, жисм, жонзот, шу жумладан, инсон ҳам бу илоҳий мавжудотнинг зарраси, бўлаги, акси янглиғ намоён. Ҳар бир чиройда Тангри таоло жамоли жилваланиб туради.

Навбатдаги байт сарвинознинг ниҳоятда гўзал, аммо беқиёс бағритошлигига киноя тарзида яратилган:

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.

Сарвинознинг танаси (ташқи чиройи) кумушдай товланиб, ўзига мафтун этади. Аммо бу кумуш вужуд шундай сирга эгаки, унинг ичи кўнгул яширинган тошдан иборат. Бу синоатга инсон ақли юз карра ҳайрону лол қоладики, манзурнинг сийрати суратида ҳам намоён. Бу инсон табиати, қалб ва қиёфаси орасидаги мутаносиблик ҳамда зиддиятнинг Навоийвор фалсафий ифодасидир.

Бу ғазалда ҳам, анъанадагидек, мақтадан олдинги байтда майфурушга мурожаат қилинади:

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

Соқийга мурожаат тарзида битилган анъанавий байтлар ғазалнинг бошқа байтларидан алоҳида, мустақил маънога эга бўларди. Бу байт эса ғазалнинг олдинги қисми мазмуни билан чамбарчас боғлиқ битилган. Олдинги байтларда лирик қаҳрамон ўзининг ҳайратларини изҳор этган эди. Бунда эса Масиҳ *“юз ҳайрат аро”* қолганлиги ҳақида гап боради. Яъни, бу кўҳна майхона (дунё) ажойиботларига лирик қаҳрамон (Навоий) юз ҳайрат изҳор қилганидан Масиҳ ҳам юз чандон ҳайрат ичида қолади. Бу ерда *“хуффош”* – кўршапалак образи атайин танлаб киритилган. Кўршапалак, яъни лирик қаҳрамон кўҳна майхона (дунё) ажойиботларини кўргунча майхонага кириб, ваҳдат майидан қонмагунча, ғофил эди. *“Эски дайр”* ажойиботларини идрок этгач, кўзлари ярқ этиб очилди ва юз ҳайратга тушди. Бундай

мўъжизадан жонбахш Масиҳ ҳам юз ҳайратга тушади, чунки у ўликни тирилтириши билан машҳур, кўр кўнгил кўзига нур ато этишга у қодир эмас.

Мақтага келиб, таъриф-тавсиф ойга, қуёшга қадар кўтарилади:

То Навоий тўкти ўл ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Навоий ул ой, яъни ҳусн шоҳи фироқига дучор бўлганидан (бу фоний дунёга меҳмон бўлганидан) буён йиғлайди ва кўз ёшларида ул қуёш – илоҳий талъатнинг акси мудом жилоланиб, шуълаланиб туради. Кўринадики: дастлабки байтлар тагзаминидагина туйиш мумкин бўлган сўфиёна образ ва маънолар мақтагача ошкора балқиб юзага чиқди.

Матлада бошланган тасвир мақтагача изчил ривожланди. Ғазалдаги сўз, образ, ифодалар ҳам шундай ривожга мувофиқ ҳаракатлантирилди. *“Ўн саккиз минг олам”, “ўн саккиз йил”, яна “ўн саккиз ёш”, яна “ўн саккиз йил”, “юз саксон йил”, “ҳайрат”, “ақлга юз ҳайрат”, “юз ҳайрат”* сўз бирикмалари ғазалдаги мазмун ва ғоянинг силсилавий тадрижини таъминлади. Натижада, асар композицияси мусалсал даражасида такомиллашди.

Ғазал юксак бадийяти туфайли шуҳрат тутди, халққа севилиб, тилдан тилга, дилдан дилга кўчди. Ўзбекистон Халқ ҳофизи Берта Давидова томонидан мумтоз қўшиқ сифатида, мақомшуносларимиз томонидан мақом куйларига солиб куйланиб, нашъу намо топди.

БУКУН АҲЛИ ЖАҲОНДИН ХАСТАХОТИРМЕН...

Букун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.
Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким малул эткай
Ватан ё мулкдин худким, десун бал хонумондин ҳам.
Кўнгулдин жонға еттим, эй ажал, кеткай халос этсанг
Мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам.
Не айрилмоқдурурким, ёр то айрилди, айрилмиш
Кўнгул мендин, фиғон кўнглумдину ўтлар фиғондин ҳам.
Манга жононсиз ўлмоқ яхшироқ, эй Хизр, юз қатла,
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.
Нафас қатъ ўлди ул юз фурқатидин, кўзгу келтурманг
Ки, мен эмди қутулдим ибтилосиз имтиҳондин ҳам.
Ёмон яхшиға кўп зулм этмагилким, гар будур даврон,
Қутулғунг, кимки ондин яхшироқ йўқ, мен ёмондин ҳам.
Итига туъма, дарбониға бўлсун муттако ўлсам,
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул остондин ҳам.
Фақиҳу – Каъба, ринду майкада хушдур, Навоийким,
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду ондин ҳам.
(“Наводир уш-шабоб”, 398-ғазал).

Навоийнинг йигитлик лирикасига мансуб бу ғазал ҳижрон мавзусида битилган. Ғазалдаги тўққиз байтнинг бари шоирнинг шарҳи ҳоли изҳорига қаратилган.

Ғазал шоирнинг энг ижтимоий салмоқдор асарлари сингари жаҳон ва аҳли жаҳондан шикоят билан бошланади. Биринчи мисрада изҳор этилган аҳли жаҳон ва жаҳондаги хастахотирлик кайфияти ружу санъати воситасида иккинчи мисрадаёқ умумийликдан хусусийликка томон ривожлана бошлайди:

Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.

Ҳажр бедодлиги лирик қаҳрамоннинг аҳли жаҳон, жаҳон ва жондан чеккан қайғуси билан ҳам чекланмайди. Ҳажр шоирнинг Ватан, мамлакат ва барча тирикчилик воситаларидан ҳам ғам, алам кўришига боис бўлади:

Мени жону жаҳондин ҳажр вақтеким малул эткай,
Ватан ё мулкдин худким, десун бал хонумондин ҳам.

Тасвир шу тариқа кучайиб бораверади. Лирик қаҳрамон ўзининг руҳий ҳалокати ва унинг сабабчисини – *“Кўнгулдин жонға етгани”*ни англайди. Аҳли жаҳон, жаҳон, жон, Ватан, мулк, хонумон сингари бошига ишқ ва ҳижрон савдосини солган энг яқин, ишонган маҳрами – кўнгулдан ҳам қутулиш илинжида ажалга илтижо қилади: *“неткай халос этсанг мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам”.* Таассуфки, *“Кўнгул мендин, фиғон кўнглумдину унлар фиғондин ҳам”* айрилиб бўлган. Тасвирнинг ҳаётийлиги, бадиий мантиқ силсиласининг гўзаллигини қарангки, ёридан айрилган ошиқда кўнгил бўлмайди, агар кўнгил бўлган тақдирда ҳам, у фиғонсиз бўларди, бордию кўнгил ва унинг фиғони ҳам бўлса, ишқсиз кўнгул унсиз фиғон чека оларди, холос.

Ғазалда байтлар ва сатрларгина эмас, балки сўзлар, тимсоллар, кечинмалар ҳам бир-бирига занжирдай маҳкам боғланиб, мазмун изчиллигини таъминлаган. Бу фазилат асар таркибий (композицион) жиҳатдан мусалсал ғазал сифатида шаклланишига сабаб бўлган.

Пандомуз мазмундаги мана бу байт ҳам алоҳида эътиборга лойиқ:

Ёмон яхшиға кўп зулм этмагилким, гар будур даврон,
Қутулғунг, кимки ондин яхшироқ йўқ, мен ёмондин ҳам.

Ёмонга ҳам, яхшига ҳам ҳаддан ташқари кўп зулм қилмаслик ҳақидаги насиҳат кимга қаратилганлиги байтдан аён эмас. Умуман, унинг муайян шахсга қарата айтилмагани ҳам дуруст. Акс ҳолда, унинг таъсир доираси чекланган бўларди. Шу ҳолича бу инсонпарвар ғоя ғазални ўқиган ва ўқийдиган барча кишиларга баробар наф келтиради. Лекин ғазалнинг мантиқ йўналиши бу фикр кўпроқ Навоий замондошларига, янада аниқроғи, унинг ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқарога тегишли эканлигидан далолат беради. Давронга ишора ҳам, Навоийнинг иккинчи сатрдаги фахрияси ҳам шоир яқин кишисига мурожаат қилаётганини кўрсатади.

Шоирнинг қайси бир кун аҳли жаҳон ва жаҳондан хастахотир бўлиб қўлига қалам олиши, ғазал бошлаши мазкур ғазалнинг бирор воқеа – ишқ можароси, салтанатдаги ноҳақлик ёки муайян ижтимоий фожиа муносабати билан ёзилганидан далолат беради.

Ғазал ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани солим* вазнида яратилган. Тақтеъи қуйидагича:

Мафоилўн мафоилўн мафоилўн мафоилўн
V - - - V - - - V - - - V - - -

Ғазал оташин ва дардчил руҳи, эзгуликка, инсонийликка хайрихоҳ ғоялари билан бизнинг замондошларимизга қадрлидир.

ИШҚ ЎТИ – АЗАЛ ҚИСМАТИ

Жонға чун дермен: "Не эрди ўлмаким кайфияти?"
Дерки: "Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати"
Жисмдин сўрсамки: "Бу вазъингға не эрди сабаб?"
Дер: "Анга бўлди сабаб ўтлуғ бағирнинг ҳирқати".
Чун бағирдин сўрдум, айтур: "Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати".
Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки: "Кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг туҳмати".
Кўзга чун дерменки: "Эй, тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!"
Йиғлаб айтур кўзки: "Иўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ким, кўрунди ногаҳон ул шўх маҳваш талъати".
Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй
Ким, санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.
("Фавойид ул-кибар", 597- ғазал)

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг йигитлик лирикаси маҳсули бўлиб, уни муаллиф аввал "Бадое ул-бидоя" девонига киритиб, "Хазойин ул-маоний"ни тартиб бериш чоғида "Фавойид ул-кибар" девонига жойлаштирган. Ҳар иккала девонда ғазал ҳажми етти байтлигича сақланган бўлса-да, асарда таркибий ўзгаришлар бор. Ғазал ишқий-фалсафий мавзуда бўлиб, мунозара йўсинидаги шарҳи ҳол, изҳор услубида яратилган. Лирик қаҳрамоннинг ишқий қисмати, кечинмалари ҳажвий руҳда юзага чиқарилган. Ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган.

Ғазал ишқ оловида ўртанган лирик қаҳрамон ўз ҳалокатининг сабабини излаб, вужуди ва аъзоларини тафтиш этишидан бошланади:

Жонға чун дермен: "Не эрди ўлмаким кайфияти?"
Дерки: "Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати".

Маълумки, жон танани тарк этмасидан вужуд ўлимга юз тутмайди. Шунинг учун ўлмакнинг сабаби, аввало, жондан сўроқланаётир. Жон эса соғлом вужудда ватан тутади. Жон

танани тарк этган экан, демак, вужудда унинг яйраб яшаш имкони қолмаган. Дарвоқе, жоннинг жавобидан ҳам шу маъно англашилади. Унинг сабаб кўрсатишича, ошиқ жисми – жасади ичра мараз, яъни касаллик хуружи авж олгани ўлимга боис бўлган. Демак, калаванинг учи жисмга бориб тақалаётир. Жисм – жону вужуд хаётининг қўрғони. У ўзига ҳеч қандай хасталикни йўлиқтирмаслиги лозим. Заррача хасталик ҳамма фалокатни етаклаб келиши мумкин. Шундай андишалар билан лирик қаҳрамон энди жисмни сўрокқа тутади. Жисм хастаҳол вазиятга қандай тушиб қолдийкин? Аммо бу ўйчан саволига лирик қаҳрамон жуда тез ва кутилмаган жавоб олади:

Жисмдин сўрсамки: "Бу вазъингға не эрди сабаб?"
Дер: "Анга бўлди сабаб ўтлуғ бағирнинг ҳирқати".

Жисм вазиятдан осонгина қутулиб чиқиб кетади. Айбни бағирга, аниқроғи юракка осонгина ағдариб қўя қолади. Гўёки, бағирнинг ўртаниб ёнишидан жисм – вужудга ўт тушиб, у ҳароратланиб (иситмалаб), хасталик хуруж этган эмиш.

Лирик қаҳрамон ўз ҳалокати сабабкорини топиш осон бўлмаслигини сезади ва фоже қисмати тарихини тафтиш этишда сабр-тоқат билан давом этади. Жисмнинг сўзига инониб, бағирдан ҳол сўрайди:

Чун бағирдин сўрдум, айтур: "Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати".

Маълум бўладики, бағир ҳам ўзини гуноҳкор деб ҳисобламайди. Гуноҳни хотиржамлик билан ўзидан соқит этади. Унинг сабаб кўрсатишича, ишқ деб аталган бир чақмоқ (барқ) бор, унинг чақилиши – одат. Ногаҳонда ана шу ишқ чақмоғи чақилгану, кўнгулга шуъла солган. Яъни, кўнгулга шуълавор ёлқин – ишқ офати оралаган. Ана шу ёлқиндан бағирга ўт тушган...

Қарабсизки, жон ҳам, жисм ҳам, бағир ҳам бегуноҳ. Бари гуноҳ кўнгулда. Чунки у ишқ чақмоғининг шуъласига ўрин берган. Лирик қаҳрамон ҳалокати сабабчисини энди топгандай бўлади. Ҳодисалар силсиласи (занжири) келиб кўнгулга боғланди. Ҳаммаси тўғри, қонуний. Агар ишқ чақмоғининг шуъласига кўнгул йўл бермаганида, бағирга ўт тушмас ва бағир ҳароратланиб ёнмас, "ўтлуғ бағир"нинг ловуллашидан жисм дардга чалинмас, жон танани тарк этмас, оқибатда, лирик қаҳрамон ҳалокатга учрамас эди.

Энди лирик қаҳрамон кайфияти, тасвир табиати кескин ўзгаради. Лирик қаҳрамон ҳақиқатни аниқлашга қийналаётгани, жон, жисм, бағирнинг саркашлиги, гуноҳни ўзидан соқит қилиб, ҳамсоясига тўнкаётганидан тутақиб, сабр косаси тўлади. Унинг тафтиши тергов тусини олади. У кўнгулни чинакам айбдор деб билади ва унинг ҳам саркашлик этишидан хавотирланиб, унга ғазаб билан мурожаат этади:

Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки: "Кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тўҳмати".

Воажаб, кўнгул ҳам каҳру газабдан ҳеч бир ҳайиқмай, ўзига қўйилган гуноҳни туҳмат деб, ундан бош тортаётир-ку! Кўнгул гуноҳнн осонгина кўзга кўчиришини айтмайсизми?

Ҳарқалай, кўнгул кўзни айблашида бир асос борга ўхшайди. Бу кўзнинг кўриш хусусиятидир. Кўнгул кўз маҳбубани кўрмаса, ишқ чақмоғи шуъласи бизга тушмас эди, деб ўзини оқламоқчи. Кўнгул қийналмай чап берган ғазабдан кўзнинг аҳволи не кечаркин?

Кўзга чун дерменки: "Эй, тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!"

Сўроқнинг сиёсати кўзга келганда янада кучаяди. Энди у ғазабдан ҳам ошиб тушади. Дўқ-пўписа, дашном тусини олади. Бу муомаладан лирик қаҳрамоннинг ўз ҳалокатига жуда ҳам аниқ сабабкорни топганлигига ишонч руҳини сезиш мумкин. Чунки у кўзга айб қўйишдан бурунроқ уни "тардомани юзи қаро" дея уруш ва ҳақорат исканжасига олади. "Сўнг: "Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!" дея уни қатъий айблайди. Бу – байтнинг изчил бадиий мазмуни.

Шу ўринда сўзлар замирига яширинган сифатлашларни ҳам шарҳлаб ўтайлик. *"Тардоман"* ва *"юзи қаро"* сифатлари ҳаёсиз, ахлоқсиз, ор-номуссиз маъноларида қўлланган. Тортинмай ибосиз боқадиган кўзга нисбатан шундай мазмундаги сифатлашлар, дарҳақиқат, ҳозир ҳам қўлланади ва бу хусусиятнинг турфа маънодош ифодалари халқ тилида мужассам. Қизиғи шундаки, бу ўринда мазкур сифатлашларнинг луғавий маънолари ҳам бадиий мазмунни юзага чиқаришга сафарбар қилинган. Тожикча *"тардоман" "тар"* – *"ҳўл"* ва *"доман"* – *"этак"* (бу сўз жорий матбуотимиз ва жонли тилимизда *"домон"* шаклида нотўғри қўлланаётир) сўзларидан тузилган қўшма сўз бўлиб, ундан *"этаги ҳўл"* деган маъно англашилади. Бу сўз Алишер Навоий ва бошқа мумтоз адабиёт намояндалари ижодида ҳаёсиз, уятсиз, ибосиз, бузуқ, фоҳиша, ахлоқсиз, орсиз, номуссиз маъноларида фаол қўлланган. Айни ўринда у кўзнинг табиий хусусиятини ҳам акс эттирган. Яъни, кўз ахлоқий маънодан ташқари ҳам *"тардоман"*, унинг *"этаги"* ҳамма вақт ҳўл, у ҳамиша намланиб туриш хусусиятига эга. *"Юзи қаро"* ҳам худди шундай – ҳам табиий, ҳам бадиий хусусиятни қамраб олган. Бу ифодада лирик қаҳрамон кўзларининг қаро тусда эканлиги ҳам тажассум топган.

Кейинги байт ҳам кўзнинг табиий вазифаси ифодасидан бошланади:

Йиғлаб айтур кўзки: "Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ким, кўрунди ногаҳон ул шўх маҳваш талъати".

Кўзнинг асосий вазифаси – кўриш. Асли, шу вазифасини бажаргани учун ҳам таънаю дашномга дучор бўлиб турибди. Энди ўз вазифасини бажарган кишига таънаю дашном ёғдириш зулмдир. Бу зулмга жавобан кўз йиғлаш (яна бир табиий хусусият)дан ўзга қандай ҳам чора топа оларди? Воқеан, бегуноҳ кўз йиғлаб-сиқтаб айтадики: *"Ногаҳонда бир шўх маҳваш талъати намоён бўлсаю, у бутун борлиқни маҳлиё, гўзаллигига ром этса, унга қарамасликка ёхуд уни кўрмасликка менда ихтиёр қоладими?"* Кўз гуноҳни ўзидан шундай соқит қиладики, ошиқ ўз қисматига бошқа бировни сабабчи деб топиш ё тахмин қилишига ўрин қолмайди. Кўзнинг жавоби тафтиш ва терговга тортилган барча гумондорларни жавобгарликдан озод этади. Ушбу жавобдан ошиқ қисматида унинг вужуди аъзолари мутлақо дахлсиз эканлиги тўғрисидаги ғаройиб мантиқ келиб чиқади: *"Эй ошиқ, ногаҳон ошиқлар аҳлини ошуфта этган ўшал ойжамолнинг гўзал сиймоси гавдаланди. Бу баркамол ҳусну жамолнинг жилваланиши бутун борлиқни сеҳрлади, қўлдан ихтиёр кетди. Мен, яъни кўзнинг*

унга термулишдан ўзга чорам йўқ эди. Шу замон ишқ деган илоҳий бир чақмоқ чақилди. Унинг нуридан кўнгулга шуъла тушди: "Балову ваҳшат" янглиғ муҳаббат момақалдироғи гумбурлади, кўнгул телбаланди. Вужудингда муҳаббат ўтининг ёлқинлари оловланди. Бағирга ўт тушди. "Ўтлуғ бағир"нинг ёнғини жисмга туташди. Жисмда ҳарорат (ишқ иситмаси даражаси) кўтарилди. Жисмнинг вазияти касалликка томон юз бурди. Заифлик зўридан вужуд ўлимга маҳкум бўлди. Жон жисмни тарк этди. Натижада, сен ўлим ҳалокатига учрадинг". Мана, ошиқ ўз вужуди аъзоларини тафтиш этганида келиб чиққан мароқли силсилавий фожиа тарихи.

Хўш, бу ажойиб тафтиш қандай якун топади? Ҳар бир гумондор гуноҳга мункир келиб турганида, жабрдийда лирик қаҳрамон ўз саволига ҳаққоний жавобни, ҳалокатининг чинакам сабабкорини қандай аниқлагай? Ҳа, бунга қойим жавоб топиш мушкул. Лекин улуғ шоир бизнинг ҳайрат ва таҳсинимизга сазовор, фавқулодда гўзал жавобни ғазалнинг мақта байтида жуда ўнғай ифодалаган:

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй
Ким, санга ишқ ўти – ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

Дарвоқе, барча бирин-кетин ўзининг узрини айтиб, гуноҳдан, жавобгарлик мажбуриятидан-ю жазодан халос бўлди. Энди тақдирга тан бериб, ишқ ўтида ўлгунча куйиш, қовурилишдан ўзга илож йўқ. Чунки ишқ ўти Оллоҳ ато этган азал қисмати камонидан ошиққа қарата отилган ўқ экан. Оллоҳнинг иродаси, ишқ офатидан саркашлик – беҳуда.

Зукко китобхонда нозик бир савол туғилиши табиий: Ғазал *"Не эрди ўлмаким кайфияти?"* сўроғи билан бошланган эди-ку. Нега энди *"ўлгунча куй"* ҳукми билан тугалланяпти? *"Ўлмак"* ва *"куймак"* маъно-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, бошланма билан тугалланма ўртасида шундай номутаносиблик бўлиши тўғрими? Дарҳақиқат, *"...бўлди сабаб ўтлуғ бағирнинг ҳирқати"*, *"...кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати"* каби далиллар ҳам ўлмак эмас, муҳаббат ўтида куймакдан баҳс бўлаётганини англатади. Гарчи куймакнинг оқибати барибир ўлмак эканлигини эътироф этсак-да, яна баъзи бир далиллардан кўз юма олмаймиз.

Филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров "Навоий ижодида сатира" китобида (Тошкент, 1972, 171–172-бетлар) ғазални Навоий ҳажвиёти таҳлили муносабати билан ўрганар экан, ушбу муаммога махсус муносабат билдиради. Унинг фикрича, биринчи мисрадаги *"ўлмак"* сўзи ўрнига айрим манбаларда, масалан, Ҳозиқнинг мухаммасида *"куймак"* сўзи келадики, мантиқан *"куймак"* ўринлидир... Мақтадаги ... *"куй"* сўзи ҳам матланинг биринчи мисрасидаги *"ўлмак"* сўзи аслида *"куймак"* бўлганлигидан дарак беради. Ошиқ *"куйиш"* ("ўлиш" эмас!) сабабларини қидирди, асосий айбдорни топди, унга қарши чорасиз эканлигига қаноат ҳосил қилди ва энди зарда билан *"ўлгунча куй!"* демоқда. Бу фикр шунчаки тахмин эмас. У муайян далил –Ҳозиқ мухаммасидан ташқари, мантиққа ҳам суянади. Ғазалнинг *"куймак"* билан бошланиб, *"куймак"* билан тугалланиши тўғри бўлишини Навоий поэтикасидаги лирик композиция яратиш қонуниятлари ҳам тасдиқлайди.

Ҳарқалай, биринчи мисранинг иштибоҳли ёки турли вариантлардан иборат эканлигини "Бадоеъ ул-бидоя" девони нашри (Тошкент, "Фан", 1987) янада ойдинлаштирди. Мисра "Бадоеъ ул-бидоя", демакки, илк нусхада *"Жонға чун дермен: "Не эрди чиқмоғинг кайфияти?"* тарзида битилган экан. Эҳтимол, келажакда бирор асл манба топилиб қоларки, унда

мисранинг *“Жонға чун дермен: “Не эрди куймаким кайфияти?”* шаклидаги матнини ҳам кўришга муяссар бўлармиз.

Ғазалнинг бадиий салмоғи, аввало, шундаки, у яхлит бир ишқий драмани ихчам шаклда мужассам этган. Навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов “Навоий поэтикаси” китобида (Тошкент, 1983, 104-бет) таъкидлаганидек, ғазалда тасвирланган мунозара *“баёнининг мантиқий ривожи жараёнида бирорта ҳам ортиқча деталь учрамайди”.*

Асардаги барча фазилатлар, шубҳасиз, бадиият ва маҳорат маҳсулидир. Бунда бадиий тил ва услубнинг соддалиги, таркибий қурилманинг мумтозлиги асосий омил бўлган. Матн мураккаб тимсоллар, бошқотирма жумла ва иборалардан холи. Ғазалнинг руҳи мусаффо, енгил кулги, майин табассум қўзғотувчи ҳузурбахш ҳажв билан йўғирилган.

Бу бадиий мўъжизани барпо этишда муҳим вазифа бажарган қатор санъатларни қайд этиш мумкин. Улардан бири саволу жавоб санъати. Бадиий мазмун лирик қаҳрамон, яъни шоир ҳамда жон, жисм, бағир, кўнгул, кўз орасидаги саволу жавоб асосида юзага келган. Санъатлардан яна бири ташхис, соддалаштириб айтганда, шахслантириш, жонлантириш усулидир. Ғазалда жон, жисм, бағир, кўнгул, кўз тирик инсондек жонлантириб тасвирланган ва мубоҳасага киритилган. Тадриж санъати ҳам лирик мазмуннинг даражама-даража такомиллашувини, силсилавий сайқал топишини таъминлаган. Бу мусалсаллик лирик қаҳрамон тафтиши ва мунозараси жон, жисм, бағир, кўнгул, кўз иштирокида изчил давом этишида кўринади. Шунингдек, мунозара жараёнида руҳий таҳлил, лирик қаҳрамон кайфияти ҳам силсилавий, тадрижий равишда ўзгариб боради. Сокин ва осойишта руҳда бошланган суҳбат тергов, дўқ-пўписага айланиб кетади. Ҳаттоки, суҳбатдошлардан бири – кўз йиғлаб ҳам юборади. Бу лирик қаҳрамон изтиробларининг лаҳза сайин кучайиб бориши, лирик муносабатларнинг тадрижий равишда кескинлашуви натижасидир. Хуллас, ушбу асар ҳазрат Навоий сатрлар силсиласига сеҳр жойлаган пурсайқал ғазаллардан биридир.

III ФАСЛ

“БОШТИН ОЁҚ БИР ҲИКОЯТ”

Воқеабанд ғазаллар ўзбек ғазалиёти хазинасига XV асрдан янги нав сифатида қўшила бошлади. Ғазалшунос олим О. Носиров таъкидлаганидек, *“ўзбек классик адабиётида воқеабанд ғазаллар ёзиш Лутфий ижодидан бошланиб, Навоийда ўз камолотига эришди”*[1]. Бу ғазалнинг алоҳида тур сифатида шаклланишида Лутфий ва Навоийларнинг буюк бадиий кашфиётларини эътироф этган ҳолда, воқеабанд ғазал яратишга интилиш анча илгари замонлардаёқ кучли бўлганлигини таъкидламоқ лозим. Масалан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сида бу фикрни тасдиқлайдиган ажойиб бир ғазал бор. У шундай матла билан бошланади:

Эрурсан сарвқадду гул баногўш,
Юзинг базми аро бўлгил кадаҳнўш.

Матладаноқ маълумки, ғазал маъшуқа жамоли васфига бағишланган. Бу – ўн байтнинг бари ягона мавзу ва муддаога сафарбар қилинган якпора ғазалдир. Асарнинг дастлабки тўрт ва сўнгги тўрт, демак, саккиз байти тавсифий руҳга эга. Ўртадаги икки (5–6) байт эса воқеабанддир:

Умр бўйи кеча бир бор бўлдим
Сенга тиззама-тизза, дўш-бардўш,
Бу давлатга яна етмоқ қийиндир
Ки, ўнгим эрдиму ёки эди туш.

Воқеабанд ғазал кашфиётчилари Хоразмийнинг бу такрорланмас обидасидан таъсирландилар, ўргандилар, уни ривожлантирдилар. Бу фикрни адабиётимиз тарихидаги воқеабанд ғазалларнинг кўпчилиги, ана шу икки байтдагидек, висол онларини теран тасвирлашининг ўзиёқ тасдиқлайди. Демак, воқеабанд ғазал такомилининг ибтидоси Хоразмий ғазалиётидадир. Унда воқеабанд ғазал тетапоя шаклда намоён бўлади.

Якпора ғазалларнинг тараққиёти маҳсули ўлароқ мустақил ва мукаммал тур сифатида такомиллашган воқебанд ғазаллар Навоийнинг ижодий мўъжизаси эди. Аммо шоирнинг яратган бу мўъжизаси ҳақида бирор ерда ўзи фикр айтгани маълум эмас. Навоийнинг *“Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди”, “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб”* каби асарлари воқеабанд ғазалнинг яққол намуналаридир. Жанр имкониятлари доирасида воқеабанд ғазал яратиш мушкул. Шунинг учун “Хазойин ул-маоний”да ҳам саноқли миқдордаги воқеабанд ғазаллар мавжуд.

Ўзбек ғазалиётида Алишер Навоийдан сўнг воқеабанд ғазалнинг кенг томир ёйишида Бобур алоҳида ўрин тутади. Унинг бу соҳадаги тарихий хизмати шуки, аввало, Бобур Алишер Навоий ғазалиётидаги воқеабандликни биринчи бўлиб олимона баҳолади ва аруз

[1] Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1972, 16-бет.

ҳақидаги рисоласида ёзди. Бу – Навоий ғазалиёти, шу билан бирга, воқеабанд ғазал ҳам тадқиқ ва тарғиб этилди, деган сўз. Иккинчидан, Бобурнинг ўзи ҳам воқеабанд ғазалларнинг ажойиб намуналарини яратди. У "Рисолайи аруз" асарида ўз воқеабанд ғазалларидан бирини келтириб, фахрланган эди: "Мир Алишер Навоий ғазали тарзида бу ғазалда доғи бештин оёқ бир ҳикоят манзум бўлубтур".

Кейинчалик, Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби мумтоз санъаткорлар бу турда маҳорат билан ижод этиб, ўзбек ғазалиёти хазинасини мазмундор воқеабанд ғазаллар билан бойитдилар.

М. Шайхзода ва О. Носировлар воқеабанд ғазални якпора ҳам деб айтадиларки, бу буткул тасодифий эмас. Бунинг муайян сабаби бор. Воқеабанд ғазал якпора ғазалнинг мазмундорлик жиҳатидан такомиллашиб, алоҳида тур даражасида шаклланиши натижасида вужудга келган. Аммо келиб чиқиши бир бўлишидан қатъи назар, бу иккаловини бир хил ғазал дея олмаймиз. Негаки, якпора ғазалларнинг ҳаммаси воқеабанд бўлмайди. Якпора ғазал умуман воқелик – табиат манзаралари, ижтимоий ҳаётнинг айрим лавҳаларини гавдалантириши мумкин. Лекин муайян сюжетдаги воқеани назмий акс эттириши шарт эмас. Воқеабанд ғазалнинг асосий шарти ва белгиси шуки, унда воқеликнинг тугал бир бўлаги (сюжетли) ифодаланади. Воқеабанд ғазалларнинг ҳаммаси якпора бўлади. Чунки воқеабанд ғазаллардаги байтларнинг барчаси бир мавзуни ёритишга, бир ғоявий мазмунни илгари суришга, воқеликнинг бир бўлагини акс эттиришга қаратилган бўлади.

Сюжетли ғазалга нисбатан *"воқеабанд"* атамаси билан бирга *"лирик ҳикоя", "лирик новелла"* истилоҳлари ҳам қўлланади. Воқеабанд ғазаллар икки хил: бирор воқеа муносабати билан ёзилган ёки аниқ тарихий воқеага асосланмай, оддий лирик сюжет заминига қурилган бўлиши мумкин.

Адабиётшунослар воқеабанд ғазалдаги сюжетни турлича талқин этадилар. Жумладан, О. Носиров воқеабанд ғазалнинг сюжетини экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечим каби компонентлардаи иборат, дея ҳукм чиқаради. Аммо бундай сюжетдаги композицияни ғазал жанрига татбиқ этиб бўлмайди. Бундай муфассал композиция лирикадан кўра драма ва проза асарларига хосдир. Зеро, ғазал О. Носировнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, лирик тургa мансуб. *"Лирик асар оний бир сезгидан туғилгани учун узун бўлолмайди ва бўлмаслиги керак, акс ҳолда, у совуқ ва сунъий бўлиб, китобхонга роҳат бериш ўрнига уни бездиради"* (В. Г. Белинский). Демак, воқеабанд ғазаллар билан йирик ҳажмдаги асарлар сюжети орасида катта тафовут мавжуд. Воқеабанд ғазалларда лирик қаҳрамон кечинмалари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ихчам шаклда, лирик манзарада эҳтиросли ифодаланади.

ЛЎЛИВАШ САНЪАТИ ТАСВИРИ

Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар,
Қиё боқмоқлари поки, итик мужгонлари ништар.
Юзидинким хижилдур гул - паришон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.
Югурмакликда ҳар гумбазки, секрир ул маҳи гулхад,
Гули меҳр олдорар беҳад, уёлур гунбази ахзар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,
Қамардек ҳола кўргузди узори давридин чамбар.
Либоси нози часпондур, гаҳе туз қадди чавгондур,
Замоне гўйи ғалтондур, зиҳе чобук, зиҳе дилбар.
Бошиға сийм ўлуб паррон, тушуб гирдиға анжумсон,
Тулуъ эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.
Тўкуб қон неши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,
Олиб таблу алам бирла кўнгуллар кишварин яксар.
Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,
Паридек бўлғали парранда ул шўхи парипайкар.
Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хаш,
Қани бир жоми лўликашки, лўли тутса бир соғар.
Тама қилма фалакдин комким, ханжар қилур ошом
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар.
("Наводир уш-шабоб", 194-ғазал).

Навоийнинг йигитлик лирикасига мансуб бу ғазал ишқий мавзуда битилган. Унда ошиқнинг маъшуқага эмас, балки санъат шайдосининг гўзал санъаткорга ишқивозлиги тасвирланган. Ғазал аниқ бир воқеа таъсирида ёзилган. Навоий яшаган даврда лўлиларнинг эл орасида томоша кўрсатиши халқ театрларининг илк кўриниши эди. Мазкур ғазалда ёш Навоийнинг ана шундай томошалардан бирида ўйинчи лўлининг кўрсатган найранглари, санъаткорлиги ва сеҳргарлигидан олган завқ-шавқи, ҳайрат ва таассуротлари изчил ифодаланган. Ўн байтдан иборат бу асар услубида воқеа тасвири билан лўливаш таърифи уйғунлашиб кетган. Композициясига кўра, у воқеабанд ғазалдир. *Ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - - V - - - V - - - V - - -

Шоирни лўлининг ўйинларигина эмас, балки гўзал сиймоси ҳам мафтун этади. Шунинг учун ғазалда икки нарса кузатилади: бири–лўли санъаткорнинг эҳтирос билан тасвирланган назмий портрети, иккинчиси у кўрсатган томошаларнинг тафсилоти. Шоир лўлининг ранги ва қиёфасига хос ифодалар танлайди. Лўлининг олмосдай ялт этиб кетувчи ўткир нигоҳини *"Қиё боқмоқлари поки, итик мужгонлари ништар"*, дея тасвирлайди. Шундай нигоҳ фақат лўлиларга хос, шунинг учун бошқа гўзаллар нигоҳи тасвирида бундай ифодани учратмаймиз. Мана бу байтда ҳам лўлининг хос тасвири берилган:

Юзидинким хижилдир гул – паришон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.

Шоир талқинича, лўливаш юзи олдида гул шунинг учун уятлики, унинг кокуллари ҳар тарафга силкиниб, гулбарг сингари юзи узра сунбул – хушбўй, қора рангли ўсимлик сочади, кофурваш, яъни оқ тусли бадани узра анбар – хуш исли нарсалар аралашмасидан тай-

ёрланадиган хушбўй қора модда тўкади ва ҳуснига жозиба бахш этади. Қора танли инсон кўркини бу қадар маҳорат билан мадҳ этиш жаҳон адабиёти санъатхонасида ҳам кам топиладиган ҳодиса.

Шоир лўливаш санъатидан шу қадар руҳланганки, санъат тасвирига бахшида байтлар қўш қофия касб этган, уларда эҳтирос ва мусиқийлик янада кучайган. Еру кўкни ларзага солиб, чир айланиб, рақсга тушаётган лўли "кўнгуллар кишварини яксар" забт этади, боши узра ойдек ҳалқани айлантириб, турли ўйин ва усуллар намойиш этади. Навоий томошани шунчаки акс эттириб қўя қолмай, лўли кўрсатган ўйинлардан фалакдан шикоят мотивларини ифодалашда ҳам фойдаланади:

Тамаъ қилма фалакдин комким, ханжар қилур ошом
Янги ой шаклида ҳар шом ул лўлийи бозигар.

Демак, *"лўлийи бозигар"* ҳар куни кечки пайт томоша кўрсатади. Унинг асосий томошаларидан бири ханжар ютишдек қалтис ўйин. Байтнинг замирида *"Агар фалак инсон мақсадига мувофиқ, адолат ҳукми билан айланганида, шўрлик "лўлийи бозигар"нинг куни ҳар шом ханжар ютишга қолармиди",* деган хулоса ётади.

Истиоравий тарзда, *"лўлийи бозигар"* образи замоннинг маккор ва ситамкорлигини ифодалашга ҳам хизмат қилган. Шоир фалакнинг ўзини *"лўлийи бозигар"* дея киноя қилишида икки асос бор. Ҳар кеч фалак лўли каби тийра тусга киради. Маълумки, осмонда янги ой ханжар шаклида пайдо бўлади. Фалак ҳар кеч ханжарсимон янги ойни ютиб юборади. Навоий иқрор этганидек, бундай фалакдан марҳамат кутиб бўлмайди.

Навоий мутаассир халқ лўли санъатини олқишлаб, уни мамнуният билан рағбатлантириши манзарасини ҳам алоҳида байтда чиройли чизиб берган:

Бошига сийм ўлуб паррон, тушуб гирдиға анжумсон,
Тулуъ эткан киби ҳарён қамар атрофида ахтар.

Истироҳат эвазига халқ лўли бошидан кумуш тангалар сочади ва пуллар гўё ой теварагида ҳисобсиз юлдузлар пайдо бўлгани сингари санъаткор атрофига тўшалади.

Ушбу асар Навоий давридаги санъат ва унга шоирнинг эстетик муносабати ҳақида яхлит маълумот бериш билан бизнинг замонамиз учун қимматлидир.

ТУН ОҚШОМ КЕЛДИ КУЛБАМ СОРИ...

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.
Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.
Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Манга титратма туштн зарра янглиғ изтироб айлаб.
Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,

Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.
Ки: "Эй, зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?"
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.
Чиқорди шишайи май, доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.
Ки: "Эй мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг?
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб".
Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға, бориб ўздин,
Мени, йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.
Ониким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

("Фавойид ул-кибар", 59-ғазал).

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу ғазал ўзининг бадиий баркамоллиги билан муаллифнинг авжи ижодий балоғатидан дарак беради. Ишқий мавзуда яратилган бу асар тўққиз байт ҳажмида бутун бир лирик мундарижани қамраб олган воқеабанд ғазалдир. Услубан, шарҳи ҳол типидаги ғазал. *Ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - - V - - - V - - -V- - -

Ушбу ғазалнинг ўзига хослиги ва бадийяти, аввало, композицион таркибида кўринади. Асар маъшуқанинг лирик қаҳрамон масканига кириб келиши, унинг ташқи қиёфаси тасвири, маъшуқа ва лирик қаҳрамон мулоқоти, мусоҳабаси ҳамда лирик хотима қисмларидан ташкил топган. Ғазалнинг воқеабандлиги унда муайян воқеа лирик новелла тарзида ифодаланганидагина эмас, балки асар бирор-бир ҳодиса (масалан, висол оқшоми турткиси) таъсирида яратилганида ҳамдир.

Биринчи байт маъшуқа лирик қаҳрамон манзилига ташриф буюриши ҳақида хабар беribгина қолмайди, унда маъшуқанинг маънавий қиёфасига чизгилар бор. Унинг *"шитоб айлаб", "Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб"* келишидан соғинч, меҳр-муҳаббат, ҳаё, эҳтирос туйғуларини туйиш мумкин.

Иккинчи байтда маъшуқанинг ташқи қиёфасига чизгилар мароқли акс этган:

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Маъшуқанинг шабравваш мужгони (киприклар) ошиқ жони қасдига хезланган ханжарга қиёсланади. Мужгоннинг бундай тасвири олий даражадаги маҳорат маҳсулидир. Чунки унда мужгон бир йўла шабрав (тункезар қароқчи)га ва унинг қўлидаги қаттол қуроли – ханжарга ўхшатилган. Бугина эмас, мужгоннинг шабравга қиёси заминида маъшуқанинг тундек тим қора кўзлари тасвири ҳам зимдан мужассамлашган. Тим қора кўз манзарида киприкнинг қароқчига монандлиги табиийроқ. Шабрав мавжуд экан, унинг фаолият майдони ҳам мавжуд бўлишини бадиий мантиқ тақозо этади. Байтнинг иккинчи сатри тасви-

ридан энди маъшуқанинг ўзи ҳам жон қасдига камарбаста шабрав қиёфасига киргандек бўлади. Аслида эса, ўз муддаосига эришиш учун белини маҳкам бойлаган сиймо тасвиридан мақсад маъшуқанинг *“зулфи анбарбори”* мадҳидир.

Ғазалнинг тўртинчи байтидан бошлаб лирик сюжет ўзининг ҳадди аълосига кўтарилади ва 4–8-байтларда асарда баён этилган бутун бошли лирик ҳикоятнинг мағзи-моҳияти тажассум топади:

Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.
Ки: “Эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?”
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.
Чиқорди шишайи май, доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб
Ки: “Эй Мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг,
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб”.
Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға, бориб ўздин,
Мени, йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Бу тасвирни муайян ҳаётий воқеанинг айнан кўчирмаси тарзида қабул қилиш қийин, албатта. Унда муболағали, рамзий, хаёлий, романтик бўёқлар балқиб турибди.

Ҳатто, тугалланма байт ғазалда акс этган воқелик лирик қаҳрамон орзулаган ва хаёлида яратган висол оқшомидек таассурот қолдиради:

Аниким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Бундан, ёр висолига, ишрат туни васл уйқусига муяссар бўлган киши Навоий сингари маҳшар тонгигача уйқуни тарк этишига ҳеч бир ҳожат йўқ, деган маъно чиқади. Англашиладики, тасвирланган висол оқшомининг Навоийга насиб этгани даргумон. У висол онларини тасвирлай туриб, айни пайтда, ўзи абадий ҳижрондалигини яширмаётир. Демак, мазкур ғазалдаги лирик қаҳрамонни шоир шахсияти, лирик кечинмани муаллиф саргузашти деб қарамаган маъқул.

Машҳур бу ғазал Навоий ижодиётидагина эмас, бутун ўзбек адабиётида айрича ўрин тутади. Бу ғазалга эргашиб, назира ва мухаммас битмаган ўзбек мумтоз шоири кам топилади. Навоий издошлари ғазалдаги образ, ифодалар, лирик воқеабандликни янада такомиллаштирганлар.

МУҒБАЧА ВАСФИДА

Ваҳки, ул муғбача ҳар дамки чекар бодайи ноб,
Қўзғалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.

Ёқа чоку ўзи бебоку белида зуннор,
Бир иликида пичоқ, бир қўлида жоми шароб.
Кўзи ислом элининг жонин олурға қотил,
Зулфи тақво элининг бўғзидин осмоққа таноб.
Юзида куфр ўтининг шуъласидин юз минг нур,
Сочида дин халалидин тушубон юз минг тоб.
Ўлтуруб дайр эшики оллида туфроғ узра,
Дурди жомики томиб, руҳ топиб аҳли туроб.
Жонларидин юб илик барча харобот аҳли,
Ўзни қутқарғали ҳар қайсиға бир сори шитоб.
Бўйла ҳолатда кўзи тушти мангаву кулибон
Юз туман лутфу карам бирла бу навъ этти хитоб.
Ким: "Аё, ринди вафопешаву меҳрандеша,
Келиб ич бир қадаҳу чекма хумор ичра азоб".
Югуриб туштум аёғиғаву туфроғ ўптум,
Берди май илгима – ҳайвон суви оллида сароб.
Чектиму ҳуш юзин кўрмадим, андин сўнгра-
Тушмишам кўйи харобот ичида масти хароб.
Эй Навоий, ангаким бор эса бу роҳ насиб,
Руҳуллоҳу таоло валаҳу ҳусни маоб.
("Бадое ул-васат", 42-ғазал)

Ушбу ғазал Навоий лирикасининг қарилик даври маҳсулидир. *Рамали мусаммани махбуни мақсур* вазнида битилган:

Фоилотўн фаилотўн фаилотўн фаилон
- V - - V V - - V V - - V V -

Ғазал сўфиёна ишқ мавзусида ёзилган. Шоир ўн бир байт давомида маънавий майхона, муғбача, харобот аҳли ва лирик қаҳрамоннинг муғбача билан мулоқотини мароқли тасвирлайди. Ғазал услубан тавсиф турига мансуб. Унда, асосан, муғбача ва майхона васф этилади.

Асарда муғбача қиёфаси тасвири алоҳида ўрин тутади.

Ёқа чоку ўзи бебоку белида зуннор,
Бир иликида пичоқ, бир қўлида жоми шароб.
Кўзи ислом элининг жонин олурға қотил,
Зулфи тақво элининг бўғзидин осмоққа таноб.
Юзида куфр ўтининг шуъласидин юз минг нур,
Сочида дин халалидин тушубон юз минг тоб.

Сатрларда шу шўх, шаддод, мафтункор муғбачага меҳр, ихлос, илҳақлик руҳи уфуриб туради. Ниҳоят, лирик қаҳрамоннинг майхонада у билан мулоқоти, мунозараси акс эттирилади-ки, бундан ғазал воқеабанд композиция касб этган:

Бўйла ҳолатда кўзи тушти мангаву кулибон,
Юз туман лутфу карам бирла бу навъ этти хитоб
Ким: "Аё, ринди вафопешаву меҳрандеша,
Келиб ич бир қадаҳу чекма хумор ичра азоб".
Югуруб туштум аёғиғаву туфроғ ўптум,
Берди май илгима – ҳайвон суви оллида сароб.

Ғазал Навоийнинг дунёқарашини ўзида акс эттирувчи фалсафий-ишқий асар сифатида қимматлидир.

IV ФАСЛ

МУСТАҚИЛ БАЙТЛАРДАН ТУЗИЛГАН ҒАЗАЛЛАР

Ўзбек ғазалиёти тарихий тараққиётининг биринчи боскичларидаёқ мустақил байтлардан тузилган ғазаллар жанрнинг энг маҳсулдор тури сифатида мавжуд эди. Мустақил байтлардан тузилган ғазалдаги умумий бадиий мазмун ёхуд композиция пароканда – тарқоқ ҳолда бўлади. Мустақил байтлардан тузилган ғазалларга нисбатан бир маҳаллар *"пароканда"* сўзи адабий термин сифатида қўлланган. Бироқ ҳозирги тилимизда *"пароканда"* сўзи салбий маъно касб этди. Бу сўзнинг луғавий мазмунига оид *"тўзғиган", "тартибсиз"* маънолари мустақил байтлардан тузилган ғазал хусусиятларига ётдир. Чунки ҳар байтдаги алоҳида-алоҳида мазмун яхлит ҳолда мустақил байтлардан тузилган ғазалнинг ғоявий мундарижасини ташкил этади.

Мустақил байтлардан тузилган ғазал бир мавзули эмас, кўп мавзули бўлади. Баъзан бир ғазалнинг ўзида икки, уч, ҳаттоки, беш хил мавзу кўтарилади. Бу мавзулар мантиқан бир-бирига изчил боғланмаган байтларда ёритилади. Ғазалнинг мустақил байтлардан тузилганлиги хусусияти ҳам мана шунда. Аммо бу байтлар бутунлай тарқоқ эмас. Акс ҳолда, композиция ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Композициясиз эса бутун бир асар пайдо бўлмайди. Хўш, бундай ғазал сатрларини ягона композицияга нима жипслаштиради? "Бундай ғазаллардаги бирликни вазн, қофия, радиф сингари бадиий унсурлар ва лирик қаҳрамоннинг ички дунёси тасвири келтириб чиқаради" (Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1972, 17-бет). Бундан ташқари, муаллифнинг ҳаётга, муҳаббатга, замон ва аҳли замонга муносабати ҳам асардаги композицион яхлитликни таъминлаб туради. Мустақил байтлардан тузилган ғазаллар яратиш Шарқ ғазалиётида анъанавий ҳол бўлса-да, ҳар бир шоир унга ижодий ёндашади ва у яратган барча мустақил байтлардан тузилган ғазаллар ўзига хос мустақил композицион таркибга эга бўлади.

Бу турга нисбатан якпора, воқеабанд ғазаллар композицион жиҳатдан ўзига хос афзалликларга эга бўлса-да, кўпгина истеъдодли ғазалнавислар мустақил байтлардан тузилган ғазаллардан воз кечмаганлар. Чунки мустақил байтлардан тузилган ғазалнинг ҳам ижодкор учун асқотадиган муҳим фазилати бор. Буни М. Шайхзода шундай изоҳлайди: *"Бироқ Навоий ва бошқа буюк шоирлар ҳам ҳамма ғазалларини якпора қилиб ишлашга уринмаганлар. Шунда ғалати бир вазият туғилиб қолган: ғазалларнинг мутлақо якпора бўлиши шарт эмаслиги, қаландарона ғазалларда ишқий ва фалсафий бирон фикрни ёхуд орифона бир ғазалнинг истаган байтида шоир ўзи истаган ижтимоий-сиёсий репликасини бермоқ имкониятига эга бўлади. Чунки ғазалнинг якпора бўлмаслиги унинг ички имкониятларини анча кенгайтирган".*

ТАВОФИ ОЛАМИ ДИЛ ҚИЛ

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.
Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.
Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.
Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлагай.
Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.
Шайхдин зуҳду риёйи касб ўлур, ё раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.
Одам авлодида камдур одамийлиқ шеваси,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.
Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.
("Бадоеъ ул-васат", 621- ғазал).

Ҳикматомуз байт билан бошланган бу ғазал Навоий ижодиётининг камолот босқичи – қарилик лирикаси маҳсули. У – ижтимоий мавзуда битилган ғоявий теран асар. Тўққиз байтдан иборат. Услубан таъриф, шарҳи ҳол, изҳор уйғунлашган аралаш турдаги ғазал. Таркибий жиҳатдан мустақил байтли ғазаллар туркумига мансуб. Мураддаф, рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V- - - V - - V - - - - V -

Ушбу ғазал биргина матланинг ўзи биланоқ адабиёт тарихига киришга ва абадий эъзозланишга сазовор. Матланинг қиммати, аввало, юксак инсонпарварлик ғояси билан йўғрилганидадир. Руҳи чўккан, дили вайрон, дардманд кишининг дардини олиш, кўнглини кўтариш, кайфиятини чоғлаш, унга таскин-тасалли бериш ҳаётнинг ҳар бир дамида, ҳар кимнинг қўлидан келадиган энг оддий инсоний эзгулик. Аммо суръатли ва шафқатсиз ҳаёт чорраҳаларида аксарият кишилар бундай савоб ишни унутадилар, ёхуд уддалай олмайдилар. Ҳатто, баъзилар инсон дилини оғритиш – дилозорлик билан шуғулланадилар. Шундай кишилар қиёфаси ва ҳаётнинг бадиий инъикоси тарзида XX аср шоири, Навоий гуманизмининг давомчиси Абдулла Ориповнинг "Ранжком" асари майдонга келди. Навоий бу оддий инсоний бурчни адо этишни Каъбадай муқаддас обида бузилган тақдирда, уни қайтадан тиклаш, тирилтириш, ободонлаштиришдай яхшилик тарзида улуғлайди.

Навоийнинг бу байти шу қадар сеҳрловчи, ҳайратомуз ҳикмат сифатида машҳур бўлдики, улуғ донишманднинг издошлари асрлар мобайнида бу ҳикматни турли шаклларда шарҳлаш, такомиллаштиришга интилдилар. Масалан, Бобораҳим Машрабнинг оташин ғазалларидан биридаги мана бу байт Навоийнинг шоҳбайтига ҳамоҳанг жаранглайди:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?

Машраб инсон дилини тавоф этиш савоби қадр-қимматини янада юксакка кўтаради. Бир инсон дилини оғритиш юзлаб Каъбаларни вайрон этиш қадар гуноҳи азимлигини уқтиради.

Навоий шоҳбайтига файласўф шоир Ҳувайдо бундай акс-садо беради:

Ғарибни кунглини бузмак гуноҳи беадад эрмиш,
Кафорат бўлмағай юз Каъбани қайтиб бино қилсанг.

Ҳувайдо наздида, бузилган юз Каъбани қайта қуриш мумкин, бироқ вайрон этилган кўнгил каъбасини обод этишнинг – бундай гуноҳни ювишнинг асло иложи йўқ.

Навоийнинг аҳилликка, бирodарликка чорловчи бу матласи жуда чуқур тарихий асосга таянган. Каъбанинг вайрон бўлиши ва сўнг қайта қурилишига ишора қилиш оддийгина бадиий тўқима эмас, балки олис тарих ҳақиқатини ғазалхонга эслатувчи талмеҳ санъатидир. Тарихдан маълумки, бузилган Каъба ибодатхонасини турли жамоа вакиллари ҳамкорлик, бирлик, аҳилликда қайта қурганлар. Каъбани қайта қуришдаги энг масъулиятли вазифа – муқаддас Қора тошни ўз анъанавий жойига ўрнатиш муаммосини Муҳаммад бажарган ва бу иш унинг пайғамбарлик салоҳиятини далилловчи муҳим белгилардан бўлиб қолган. Шоҳбайт ва тарих қиёсидан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, *“кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айласа”,* бузилган Каъбани қайта қуришга, яъни Муҳаммад пайғамбар даражасидаги қудрат ва кароматга муяссар бўлади.

Ушбу байт бадийяти фақат фалсафий-ахлоқий моҳияти билан эмас, содда ва тушунарли услуби билан ҳам қимматлидир.

Ғазалда висолга ташналик, ёрга эътиқод туйғулари сингдирилган байтлар муҳим ўрин тутган:

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Лирик қаҳрамонда маҳбуба ёдига меҳр-муҳаббат, интилиш шу қадар баркамолки, у ёр хаёлидан узилиб қолишни, у ҳақидаги муждалар мухтасар бўлишини истамайди. Маҳбуба ҳақида сўз бошлаган киши ҳикоятини тугаллаб қўйишидан хавотирга тушиб, суҳбатдоши ёр васфини қайтадан бошлашини истайди. Бу – соғинч, ҳижрон ҳисларининг Навоийвор майин лиризм, ҳажв воситасида ифодалангани.

Бундайин маҳорат билан битилган ишқий байтлари мавжудлигидан қатъи назар, ҳар бири мустақил мундарижали байтлардан тузилган бу ғазалда ижтимоий салмоқдор мазмун, одамийлик фалсафаси барқ уриб турган байтлар етакчилик қилади.

Одам авлодида камдур одамийлиқ шеваси,
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.

Одамийлик фалсафаси фақат одамдаги олижаноб фазилатларни таърифлашдангина иборат эмас. Навоий назмида бу инсоният табиатидаги (айниқса, давр билан боғлиқ) камчиликларни очиб беришда ҳам кўринади. Навоий ўз замонасидаги "одам авлодида" одамгарчиликни жуда кам учратган. Зотан, Навоий эстетик идеалидаги одамийлик талаби мавжуд ҳаётдагидан анчайин юқори бўлган. Шоир замон аҳлига майл билдириб, панд еб, ҳафсаласи пир бўлгач, *"одамзодга майл билдиришнинг ўзи одамгарчиликдан эмас"*, деган хулосага келган.

Ғазалнинг тугалланма байти Навоийнинг Астробод сургунида кечирган машаққатли ҳаётини эслатувчи биографик хусусиятга эга:

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Бу Навоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўлдирувчи, қувватловчи муҳим далилдир.

Ғазал Навоий ижодиётида ва, умуман, ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутувчи умрбоқий бадиий обидадир.

ИШҚИ КОМИЛ – КАМОЛОТГА КАФОЛАТ

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғоли топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.
Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногоҳ ғазаб.
Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.
Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.
Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилиб,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.
Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.
Шоҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.
("Наводир уш-шабоб", 45- ғазал).

Ушбу ғазал ғоя ва мавзу хусусиятларига кўра Навоийнинг ишқий ғазаллари туркумига киради. Унда чинакам инсоний муҳаббат кечинмалари тасвирланади. Ғазалда лирик ошиқнинг нутқи орқали севимлининг гўзал сиймоси яратилади. Ғазалдаги лирик пафос, интим туйғу ва самимиятни сақлаб турувчи хусусият шуки, унда лирик қаҳрамон ва унинг кечинмалари орқали маъшуқа руҳияти, лирик кайфияти руҳий таҳлил таносибига тортилади.

Яратилиш даврига кўра, бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичига мансуб бўлиб, дастлаб шоирнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонидан ўрин олган. Ғазал бадииятидаги бадиий маҳорат белгилари, айниқса, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро салтанатида тутган ижтимоий мавқеи ва дунёқарашини ифодаловчи еттинчи байти асар ижодкорнинг ўрта ёшларида ёзилганини тасдиқлайди.

Таркибий хусусиятларига кўра, ушбу ғазал мустақил байтлардан тузилган ғазаллар турига мансуб. Чунки ғазалнинг умумий мавзуси, руҳи, мазмуни муҳаббат ҳақида бўлса ҳам, унда бошдан оёқ шу мавзу изчил таҳлил этилмайди. Байтлар силсиласида Навоий ишқ мавзусини такомиллаштира бориб, сўзаро асосий мавзудан чекиниб, фалсафий, ахлоқий фикр-мулоҳазаларини ҳам ифодалайди. Услубан, тавсифий ғазал турига мансуб.

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган. Оҳанг тасвири қуйидагича:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
-V - - - V - - - V - - - V -

Ғазал ҳажвий кайфият билан бошланади. Шоир ёрнинг камгаплигидан кулгили манзара яратишда фойдаланади.

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғоли топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Севикли маъшуқанинг ошиқ аҳволидан бехабарлиги ҳақидаги дардчил сатрлар бутун мумтоз лирика ва Навоий ғазалиётидан ҳам кенг ўрин олган. Маъшуқа лабининг ширинлиги ҳақидаги тавсиф ҳам беҳад, беҳисоб. Навоий уларни такрорлаб ўтирмайди, балки қочиримлар воситаси билан шунга монанд бадиий фикрни ифодалайди. Фикрни бадиий асослаш йўлидан боради ва маъшуқа ошиқдан дарду ҳол сўрамаслигига сабаб қилиб лаблар ширанинг зўридан бир-бирига ёпишиб қолган нарсалар сингари ўзаро жипслашиб қолганлигини келтиради. Бу тасвир лабга нисбатан хийла муболағали, албатта.

Шоир тўлақонли тасвир яратиш учун лирик қаҳрамон ҳаётидаги турли руҳий ҳолатларни қаламга олади. Маъшуқанинг табассуми, кулгиси, нигоҳи, ҳаяжони, қаҳру ғазаби – бари ҳаракатлари ғазалнавис учун бадиий ашё сифатида хизмат қилади. Аслида, гўзал бир дилбарнинг ғазабланиши ёқимли ҳолат эмас, унинг бундай қиёфасидан илҳом олиб шеър ёзиш шоир учун ҳам, шеърхон учун ҳам лаззатланарли эмас. Лекин санъаткор иккинчи байтда унинг ғазабнок кайфиятидан ҳам гўзаллик кашф эта олган.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногоҳ ғазаб.

Унинг талқинида маъшуқанинг чимирилган чеҳраси ногаҳон тўлқинланиб кетган зилол сувга ўхшайди. Бу тасвир севимли ўзининг изтироблари билан ҳам зилол сув каби тиниқ ва ҳаётбахш деган фикрни илгари суради. Учинчи байтда маъшуқа сиймоси талмеҳ санъати воситасида улуғлаштирилади:

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним, эрур Ширин лақаб.

Талмеҳ Навоий ғазалиётида энг кўп қўлланган ва нисбатан содда бадиий усуллардандир. Бу санъат таомилига кўра, шоир тарихий, бадиий ёхуд афсонавий образларни тилга олади ва уларнинг сифатларини эслаш орқали ғазал қаҳрамонлари фазилатларини ойдинлаштиради. Фарҳод фироқ тоғини қазиш билан машҳур. Муҳаббатининг тоғдай дарди борлиги учун лирик қаҳрамонни Фарҳодга менгзайди. Ўзининг бутун вужуди ва меҳру муҳаббати билан лазиз бўлгани учун маъшуқани Ширинга қиёслайди.

Тўртинчи байт ошиқ кўнгли тасвирига қаратилган. Ўтли кўнгулнинг афтода, пажмурда аҳволини тасвирлаш учун ғазалга анъанавий маъшуқа ити образи олиб кирилади.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочирур,
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.

Ошиқ севиклиси васлига етиш учун ўз бағрини унинг итига суғуриб беради. Чунки, шоирнинг тажоҳули орифона санъати воситасида айтишича, ё юракнинг ёниқлиги, оташ, алангаси итнинг оғзини куйдиради, ёки ит ҳижрон изтиробидан ҳаётни тарк этган кўнгулнинг ҳидланганидан сесканиб оғиз тортади.

Бешинчи байтда ишқнинг қудратига фалсафий баҳо берилади:

Ишқи комил элни ё Фарҳод ё Мажнун қилиб,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Шоир талқинича, комил ишқ шундай қудратлики, у ҳар қандай ақл-идрок ва донишдан устун туради. У сарҳад билмайди, ҳеч қандай элат ва миллатни тан олмайди. Комил ишқ ошиқ ҳар қанча баркамол инсон бўлса ҳам, маъшуқаси армани ёхуд араб бўлишидан қатъи назар, уни ё Фарҳод, ё Мажнунга айлантиради.

Олтинчи байт тагзаминли чуқур фалсафий маънога эга.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд эмас талаб.

Уни *“фақр”, “талаб водийси”, “толиб”* каби сўз ва ибораларни шарҳламай туриб, таҳлил қилиб бўлмайди. *“Фақр”* сўзининг луғавий маъноси камбағаллик, йўқсиллик бўлиб, мазкур байтда у тасаввуфдаги *“фақру фано”* истилоҳи ўрнида келган. Унинг маъноси шуки, ҳақпараст сўфи дунёнинг барча бойликларидан воз кечган. *“Талаб водийси”* – сўфилик маслагидаги етти водий, яъни етти даражанинг биринчиси. *“Толиб”* – талаб водийсида ҳақиқатни изловчи сўфи. Хуллас, юқоридаги истилоҳлар воситасида ифодаланаётган мазмун қуйидагича. Шоир ғазалнинг бош мавзусидан чекиниб, ўз-ўзига мурожаат қилади: *“Эй толиб, дунё бойликларидан буткул воз кечиб, Ҳақни ахтариб, талаб водийсини ҳар қанча кезсанг ҳам, сен излаётган ҳақнинг ўзи сенга мойил бўлмаса, тафтишларинг беҳуда”.*

Сўнгги байт Навоийнинг ўз-ўзига шунчаки ўгитидек туюлса ҳам, унда улуғ шоир ва давлат арбобининг шоҳга муносабати акс этган.

Шоҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

Байт шоир замондошлари ва, умуман, ҳаммани шоҳ ёки бошқа бирор амалдор салтанатида эҳтиёт бўлиб иш тутишдан огоҳлантиради. Байтнинг мазмун-моҳияти Навоийнинг шоҳлар ҳақидаги *"Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо"* бошланмали машҳур қитъасига ҳамоҳанг келади.

Ғазал замонамиз учун ишқни улуғлаш, ҳақиқатни англаб етиш борасида катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

СУРАТИ ШОҲ, СИЙРАТИ ДАРВЕШ

Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож,
Аҳли тож оллида андоқким гадоға эҳтиёж.
Ким гадойингдур бош индурмас доғи тортар оёқ,
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.
Лаъли серобинг беribтур оташин ранги била
Офати жоним учун ўт бирла сувға имтизож.
Дарди ҳажримға буюрди, сабр дарди йўқ табиб,
Заҳри қотил бирла муҳлик ранжима айлар илож.
Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.
Эйки, бердинг ишқ султониға кўнглунг кишварин,
Англағилким, жону ақлу дин эрур аввал хирож.
Хўблар ўргансалар тонг йўқ Навоий назмини
Ким, аларнинг ҳусни онинг ишқидин топмиш ривож.
("Наводир уш-шабоб", 93- ғазал).

Бошланма сатрдан аёнки, ғазалда ишқ тасвири фонида ҳиммат масаласи қўйилади, шоҳ ва гадо, тожу тахт ва фақру фано муносабатлари ёритилади. Навоий ижодий такомилини изчил ўрганган олим Ё. Исҳоқов тадқиқотларига кўра, шоирнинг бундай турдаги ғазаллар яратиш маҳорати унинг илк лирикасидаёқ кузатилади: *"Навоий ўзининг дастлабки ғазалларидан бирида шоҳлик билан дарвешлик – фақирликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш орқали ҳиммати баланд дарвешни ҳашаматли шоҳдан баланд қўяди ва сурати шоҳу сийрати дарвешнамо бўлган ҳукмрон орзуманди эканлигини очиқ изҳор этади. Навоийнинг бу шеъри (унинг қандай фалсафий заминга асосланишидан қатъи назар) тожу тахт учун кураш ниҳоятда авжига чиққан бир шароитда катта ижтимоий аҳамият касб этади" (Ё. Исҳоқов, Навоий поэтикаси, "Фан", 1983. 49-бет).*

Таҳлилига киришаётганимиз ғазал билан ғоявий-бадиий узвийлигини назарда тутиш учун Навоий "Илк девон"идаги ғазалнинг характерли икки байтини келтириб ўтамиз:

Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анго!
Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур,
Кўр не ҳиммatдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго...

Илк лирикада шаклланган бу йўналиш Навоийнинг ўрта ёшлар лирикасида ҳам ривожланишда давом этган. Бунга таҳлил қилаётган ғазалимиз ёрқин мисол бўла олади. У Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида яратилган бўлиб, "Наводир ун-ниҳоя" девонига киритилган. Кейинчалик "Хазойин ул-маоний"нинг "Наводир уш-шабоб" девонига жойлаштирилган.

Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож,
Аҳли тож оллида андоқким гадоға эҳтиёж.

Ғазалда шоҳ ва гадо қарама-қарши қўйилади, улар ўртасидаги маънавий тафовут муқояса қилинади. Хўш, тахту тож аҳли гадо олдида қандай муҳтожлик сезади? Албатта, моддий муҳтожлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Тахту тож аҳли моддий жиҳатдан беқиёс даражада таъминланган бўлса-да, гадога хос ишқ, эътиқод, ҳиммат, қаноат каби маънавий бойликлардан маҳрум бўлиши мумкин. Шоир шоҳ ва гадо ўртасидаги тафовутни шундай белгилаган ҳамда гадодаги маънавий устуворлик фазилатини қўллаб-қувватлаган. Зиддият ва муқояса руҳини кучайтириш учун байтни тарди акс усулида яратган.

Кейинги байтда шоир чинакам гадо сийратини янада аён тасвирлайди:

Ким гадойингдур, бош индурмас, доғи тортар аёқ
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони суратда гадо-ю, сийратда эса шоҳлардан ҳам улуғвор, мағрур шахс. У осмон қадар юксак тахтни оёқ остидаги қора ерчалик назар-писанд қилмайди, порлоқ қуёш сингари тожга бош тутмайди, бўйин сунмайди. Тожу тахт ҳаваси унинг маслагига бегона. Навоий бу ғазалида Ҳаққа яқин турган сўфийсийрат гадо образини гавдалантирган.

Шоир шоҳ ва гадо муносабатларини ёритишни бу ғазалда икки байт билан чеклайди. Ғазалнинг қолган қисмида, асосан, маъшуқа жамоли тасвири муҳим ўрин эгаллайди.

Лаъли лабнинг "жонбахш", жон олувчи сифатлари машҳур. Навбатдаги байтда унинг ўзгача талқинига гувоҳ бўламиз:

Лаъли серобинг берибтур оташин ранги била
Офати жоним учун ўт бирла сувға имтизож.

Шоир маъшуқа лаълининг жон офати эканлигини унинг икки хоссасини бадиий тасвирлаш орқали кўрсатади: 1. Сероблиги. 2. Оташин ранги. Халқда "Ўт ва сув балосидан асрасин", деган нақл бор. Шоир шунга мантиқан ишора қилиб, байтда *"Маъшуқа менинг жонимга ўт ва сув балоларини баравар ёғдирди",* деган киноявий маънони мужассамлаштирган. Асли, бу маънодан муддао лаъли лаб чашма сувидек ҳаётбахш, оташ – чўғ сингари қизил ва тафтли эканлигини тасвирлашдир.

Чеҳра тасвири ҳақидаги байт ҳам жуда гўзал ва ўзига хосдир:

Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.

Навоий қиёсий тасвир устаси. Унинг назмида "бу нарса фалон нарсага ўхшайди" қабилидаги жўн ва асосланмаган ташбеҳ мутлақо учрамайди. У тасвир объекти хусусиятларини, кўпинча, табиий гўзаллик билан муқояса қилиш асосида очади. Баъзан ташбеҳ унсурларини баҳслаштириб, талаштириб ҳам қўяди. Мазкур байтда юз, ой ва қуёш ҳусн талашади: Маъшуқа юзи шу қадар тўлин ва нурафшонки, у ҳусн осмонида ойни доғда қолдиради. Аламзада ой ҳусн авжида юз билан ўрин талашади. Юз гўзаллигини ўзига тенг кўрган офтоб ойнинг такаббурлигидан ғазабланиб, унинг юзига бир тарсаки уради. Оқибатда, ойнинг юзи кўкариб қолади. Шоирнинг хаёлий тасвирига ой юзининг кўкимтирлиги ва доғдорлиги табиий асос бўлиб хизмат қилган.

Ушбу ғазал таркибий тузилишига кўра мустақил байтлардан тузилган ғазаллар туркумига мансуб. Бу байтлар мавзу эътибори билан тарқоқ, кўп мавзули ғазалдир. Ғазалнинг дастлабки икки байти шоҳ ва гадо муносабатларига, учинчи, бешинчи байтлари ҳусну жамол тасвирига, тўртинчи байти "дарди йўқ табиб" танқидига, олтинчи байти лирик қаҳрамоннинг иқрорига, еттинчи байти Навоийнинг ўз фахриясига бағишланган. Ғазалнинг бундай бадиий қурилмаси шоирга кенгроқ ижодий имконият яратган. Тожу тахт аҳли ва гадо сийрати қиёсланган байтлар ғазалнинг ижтимоий мазмундорлигини таъминлаган бўлиб, бу ғоявий мазмун бизнинг замондошларимиз маънавий камолоти учун ҳам муҳим роль ўйнайди.

КАМОЛ ИСТАР ЭСАНГ...

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.
Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом, доғи субҳдин кулгу.
Камол истар эсанг, сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.
Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.
Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб, огоҳлар нақлин
Ки, ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.
Бақо нақди ҳаётингға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.
Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса, тасаввур айлагай шер оллида тулку.
Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.
Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,

Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур, ушбу.
Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам, қолмағай боқий
Фанодин, бал бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.
Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ андин
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.
("Наводир уш-шабоб", 506- ғазал).

Фалсафий-ахлоқий мавзуда ёзилган бу ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, унда улкан ҳаётий тажриба умумлашмалари мужассам. Ғазал ўн бир байт ҳажмида мукаммал лирик мазмун ва мундарижани қамраб олган. Композицион таркибига кўра, мустақил байтли ғазаллар туркумига мансуб. Ғазал услубининг таъриф, тавсиф турига мансуб. *Ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - - V - - - V - - -V- - -

Асарда фалсафий мушоҳадалар шоир "мен"и томонидан изҳор этилган. Дарҳақиқат, улар Навоий ўз ҳаётий кечмишлари жараёнида англаган, кашф этган қонуниятлар бўлиши мумкин. Лекин бугунда улар турфа ҳаёт чорраҳаларида ўзининг тасдиқ ва исботини топиб, холис ҳақиқатга айланган. Масалан, матлада ифодаланган хулосанинг нақадар ҳаётий, умуминсоний ва умрбоқийлиги таҳсинга сазовор. Чиндан ҳам, ҳаётда ғам ва ташвиш қанчалар кўп бўлмасин, ҳар бири хурсандчилик билан тугаса ёхуд ундан кейин хурсандчилик келадиган бўлса, уни ғам деб ҳисобламаслик, унинг учун қайғурмаслик маъқул. Бундай ғоянинг инсонпарварлиги шундаки, у ҳаёт заҳматлари билан курашиб яшаётган инсонга тасалли беради, сабот бағишлайди, келажакка умидлантиради.

Инсон маънавий камолотига молик бундай ғоялар баъзан панд-насиҳат оҳангида ифодаланади:

Камол истар эсанг, сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Баркамол инсон бўлишни орзулаган киши, унинг юзига бор ҳақиқатни ошкора айтувчилардан, гарчи уларнинг сўзлари аччиқ бўлса ҳам, хафа бўлмаслиги, ўзининг ҳам айбини тўғриёна кўрсатган кишининг табъини хира қилмаслиги керак. Чунки улар тонг нафаси сингари киши руҳини поклаб турувчи инсонлардир. Шоир фикрини қуёшнинг хулқ-атворидан далил келтириб, ҳусни таълил санъати воситасида чиройли асослаган.

Шоир инсон табиатидаги бойликка ҳирс қўйиш, дунёпарастлик хасталигини ҳам ўзининг ҳаётбахш ўгитлари билан шифолашга ҳаракат қилган:

Бақо нақди ҳаётингга чу эрмас бир замон маълум
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

Тирикчилик инсонга абадий берилмаган экан, умрни мол-дунё тўплашга сарфлаш ҳайф. Аксинча, умрни боқий қоладиган ишларга сарфлаш инсоннинг боқий умрини таъминлаши мумкин.

Шарқ тафаккур хазинасида чинакам ишқ, эътиқод, муҳаббат кўнгилда бўлиши лозим, деган собит ақида мавжуд. Лекин одамзод, кўпинча, бу ақидани унутиб, ўзини қийноқларга солади. Қуйидаги байт шундан огоҳ этади:

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.

Байтдан англашилишича, кўнгил кўзгусида ёр акси тажалли топган бўлса бас, биз ёрсиз эмасмиз, ортиқча бетоқатланишга асос йўқ. Албатта, бу ўринда Навоий "ёр" деганда, худони назарда тутган. Аммо илоҳий маънода ҳам, дунёвий маънода ҳам, кўнглида ёри ва унга эътиқоди, муҳаббати бор одам ёрсизликданториқмаса, ёридан хотиржам яшаса бўлади. Навоийнинг бу фалсафий мушоҳадаси нақшбандийлик тариқатидаги *"Дил ба ёру даст ба кор" (Кўнгул ёрда, қўл эса ишда)* ақидаси асосида, уни шарҳлаш, ривожлантириш мақсадида юзага келган.

Ғазалнинг кўпгина байтлари сўфиёна руҳда битилган. Масалан, фано васфи ҳадди аълосига кўтарилган байтлардан бирида шоир ёзадики: *"Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким, Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур, ушбу".* Аёнки, бундай байтларда шоир фанони ёр, яъни оллоҳнинг васлига етказгувчи йўл сифатида куйлайди.

Умуман, бу асар Навоий дунёқарашининг нозик қирраларини ифодаловчи, инсониятни маънавият нурлари билан маърифатлантирувчи орифона ғазал сифатида қимматлидир.

V ФАСЛ

БАЙТЛАРНИ МАЪНАН, ФИКРАН ВА СУРАТАН БОҒЛАШ САНЪАТИ

Якпора ғазаллар – мустақил байтлардан тузилган (пароканда) ғазалларнинг зид туридир. Буни “якпора” ва “пароканда” истилоҳларининг луғавий маъноси ҳам айтиб турибди. Якпора сўзи яхлит деган маънони билдиради. Якпора ғазалларда ҳар байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланган бўлади. Якпора ғазалнинг мазмуни матлада кўтарилган бир мавзуни изчил ёритиш жараёнида вужудга келади.

Бизгача етиб келган ўзбекча ғазаллар асосида ҳукм чиқарадиган бўлсак, якпора ғазалнинг ибтидоси Рабғузий ва Хоразмийлар ижодиётидадир. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида якпора ғазалларнинг типик ва гўзал намунасини кўрамиз:

Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти баҳман, замҳарир қиш, қолмади қори, бузи...

Ушбу асар баҳор тасвирига бағишланган бўлиб, мавзу эътибори билан манзара ғазалдир. Ғазал матласида табиатдаги фасл алмашиниши, қиш ўрнини баҳор эгаллаши тасвирланади. Кейинги мисраларда эса матладаги мавзу ва мазмун изчил ривожлантирилади. Сўнгги барча байтлар бир-бирига мантиқан маҳкам боғланиб, баҳор кунларида жаҳон кўрки тобора ортиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламида жонланиш, ўсиш-ўзгариш юз бериши, умуман ҳаёт қизғин тус олиши ҳақида сўзлайди.

Шунингдек, XV асргача яшаб ижод этган ғазалнавислар Атойи ва Саккокийлар ижодидан ҳам якпора ғазалга ажойиб мисоллар келтириш мумкин.

Якпора ғазал равнақида Алишер Навоий ижодиёти алоҳида аҳамиятга эга. Навоий ўзигача бўлган ғазалиётнинг композицион хусусиятларини қуйидагича характерлайди: *“Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва гар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқеъ бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдур”.* Англашиладики, Навоий ўзидан олдинги ғазалнавислар услубидаги айрим хусусиятларни танқид қилади. Ғазалларнинг композицион жиҳатдан пароканда *(“бир байт мазмуни висол баҳорида”, “яна бири фироқ хазонида”)* шаклда яратилиши улуғ санъаткорни қаноатлантирмайди: *“...Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулоямат дин қироқ кўрунди”.* Шу боисдан у композицион жиҳатдан якпора ғазал шаклини маъқул кўради: *“...Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай”*[1]. Албатта, Навоий пароканда ва якпора истилоҳларини ишлатмаган. Лекин уни қаноатлантирмаган хусусиятлар пароканда ғазалга, унга маъқул тушган фазилатлар якпора ғазал композициясига айнан мос келади.

[1] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 1 жилд, “Фан” нашриёти. Тошкент, 1959, 769- 770-бетлар.

Айрим тадқиқотчилар Алишер Навоийнинг бу фикрларини воқеабанд ғазалларга татбиқ этадилар[1]. Назаримизда, бу унчалик тўғри эмас. Чунки келтирилган кўчирмада Навоий ғазал жанрининг воқеабандлик хусусияти ҳақида мутлақо фикр юритмайди.

Демак, Навоий талаби нуқтаи назаридан ёндашсак, якпора ғазалнинг матласида қайси масала кўтарилса, кейинги байтларда ҳам шу мавзу изчил ёритилмоғи, байтлар мазмунан бир-бирини қўллаб-қувватламоғи, тўлдирмоғи, давом эттирмоғи шарт. Бугина эмас, ғазалнавис *"сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолиға оройиш бермоғи"*, яъни ғазалда сўзларни кўркам, бир-бирига мувофиқ шаклда жойлаштирмоғи, газалнинг қофия унсурлари, радиф каби шаклий-бадиий хусусиятларини ҳам шу тартибга бўйсундирмоғи лозим. М. Шайхзода Навоийнинг ўз ғазалларидаги бу фазилатни *"байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш"* санъати сифатида баҳолайди.

Чиндан ҳам, Алишер Навоий ўзи илгари сурган эстетик талабни шараф билан уддалаб, ҳамкасбларига ижодий ибрат кўрсатди, анъанавий якпора ғазалнинг мисли кўрилмаган жозибали намуналарини яратди, якпора ғазалларни композицион жиҳатдан янада ривожлантириб, энг олий босқичга кўтарди. "Хазойин ул-маоний"даги ғазалларнинг кўпчилиги якпора ғазаллар тоифасига мансуб. Мисол учун Навоийнинг *"Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил", "Кеча келгумдур дебон, ул саври гулрў келмади", "Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо", "Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар", "Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз", "Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз"* каби сатрлар билан бошланувчи юзлаб машҳур ғазалларини кўрсатиш мумкин.

Якпора ғазал имкониятлари ўзбек ғазалиётида ижтимоий мазмундорлик кучайишига сабаб бўлди. Навоий бошчилигидаги илғор шоирларимиз ўз замоналари билан боғлиқ долзарб ижтимоий масалаларни ғазал жанри доирасида маҳорат билан ёритдилар.

АЛИШЕР НАВОИЙ "...УЛ САРВИ ГУЛРЎ КЕЛМАДИ" ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ

Алишер Навоийнинг олимларимиз томонидан энг кўп тадқиқ этилган ғазалларидан бири "...Ул сарви гулрў келмади" ғазалидир. У кўп ўрганилгани жиҳатидан "Қаро кўзум..." ғазалидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўрганилиш тарихининг чуқурлиги жиҳатидан эса биринчи ўринда туради. Агар "Қаро кўзум..." ғазалининг тадқиқ этилиши 45 йиллик тарихга эга бўлса, "...Ул сарви гулрў келмади" ғазалининг ўрганилиши 50 йиллик тарихга эга. Биз бу ўринда ғазалларнинг алоҳида, махсус тадқиқ этилишини назарда тутмоқдамиз.

Ғазал матнини илмий таҳлил ва талқин этишда улуғ устоз адабиётшунослар, айниқса, Натан Муродович Маллаевнинг ижодий тажрибаси катта аҳамиятга эгадир. Навоий лирикасини ўрганиш юзасидан Н.Маллаев 1968 йилда тузиб нашр эттирган ихчамгина қўлланма-мажмуа[2], мана 50 йилдирки, ҳамон мутахассисларга амалий хизмат қилиб келмоқда. Китобда биринчи марта ғазалнинг махсус таҳлили намуналари берилган. Китобдаги ***"...Ул сарви гулрў келмади"*** ғазали таҳлили бугунги айрим таҳлилларга нисбатан афзалдир. Буни муқояса жараёнида кўриш мумкин. Н.М. Маллаев ушбу мақоласини илмий таҳлил сифатида эмас,

[2] Қаранг: Шарипов Ш. Навоийнинг воқеабанд ғазаллари. Адабий мерос. 10-сон. 1978.
[1] Алишер Навоий. Лирика. Тузувчи Н.М.Маллаев. "Ўқитувчи" нашриёти, Т., 1968. 104 бет.

балки *“ўқувчиларга ёрдам мақсадида”*, *“текст устида ишлаш бўйича бир намуна сифатида”* тақдим этган. Унда ғазал таҳлили қуйидаги тадрижий изчилликда амалга оширилган: ғазал матни, вазни, луғат ва изоҳлар, байтларнинг насрий баёни, ғазалнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, ғазалдаги образлар, ғазалнинг бадиий хусусиятлари. Етти моддадан иборат режа асосида муфассал ёритилган ғазал таҳлили асарни ўрганувчи талабалар учун ҳам, ғазални ўргатувчи ўқитувчилар учун ҳам ва оддий мухлислару кенг китобхонлар оммаси учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир. Орадан ярим аср вақт ўтса ҳамки, ғазал таҳлилининг ушбу тартиби илмий-оммабоп таҳлилнинг намунаси бўлиб қолди. Профессор Н.Комиловнинг “Маънолар оламига сафар” китобидаги ва филология фанлари доктори, доцент Д. Юсупованинг “Жаҳон адабиёти” журналида изчил эълон этилаётган таҳлиллари шундан далолат беради. Янги таҳлиллардаги таркибий тузилиш анча соддалашган. Улар ғазал матни, луғат, байтларнинг насрий баёни ва ғазалнинг мазмун-моҳияти баёнидан иборат.

1986 йил 22 сентябрь куни филология фанлари доктори (у пайтларда фан номзоди) Исматулла Абдуллаевнинг “Ул сарви гулрў келмади” сарлавҳали таҳлилий мақоласи “Тошкент оқшоми” газетасида *“Машҳур ғазаллар таҳлили”* рукни остида босилиб чиқди. Холисона айтганда, Н. Маллаев талқини И. Абдуллаевнинг 18 йилдан кейинги талқинидан яхшироқ. Келинг, иккинчи байт баёнини қиёслаб кўрайлик:

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Н. Маллаев талқини: *“Дам-бадам чиқиб йўлида интизорлик чекдим, лекин жон оғзимга келди-ю, у ёмон одатли шўх (ёрим) келмади”.* И. Абдуллаев талқини: *“Секин-аста кўчага чиқиб, унинг йўлида пойлаб ўтирдим, жоним оғзимга етиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх гўзал келмади”.* Гарчи биринчи талқин бадиий ҳақиқатга яқинроқ бўлса-да, иккала олимнинг ҳам ***“шўхи бадхў”*** иборасини айнан ҳозирги тилимиздагидек ***“ёмон одатли”***, ***“феъли ёмон”*** деб тушунтиришлари тўғри эмас. И. Абдуллаев талқинида ошиқнинг маъшуқа интизорлигидаги изтироблари, эҳтирос, ҳаяжонлари ифодаси буткул акс этмаган. Шундай қилиб, ғазал таҳлилининг савияси бир қадар пасайди.

Яна чорак аср – нақд 25 йилдан кейин ғазал таҳлили ва талқинининг савияси бундан ҳам пасайиб кетишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. 2011 йили филология фанлари номзоди Муҳаммаджон Маҳмуднинг “Яна Навоийни ўқиб” номли китоби босилиб чиқди. Унда “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали йигит кишига бағишланган дея талқин этилди[1]. Гўёки ғазал Навоийнинг Мирдарвеш исмли шогирди ҳажрида ёзилган. Муаллиф Навоий байтларини умуман нотўғри тушунган ва тескари талқин этган.

Кейинги пайтларда ғазал талқинларига диний муносабат пайдо бўлди. Бундан бир неча йиллар аввал Тошкентдаги муҳташам тўйхоналардан биридаги маъракада машҳур ва марҳум имом-хатиб Анвар қори Турсунов “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали лирик қаҳрамони прототипининг антиқа талқинини халққа тақдим этди. Унинг талқинига кўра, *кунлардан бир куни ҳазрат Алишер Навоийнинг тушларига Муҳаммад пайғамбар кирган эканлар. Туш ниҳоясида ул зоти шариф “Мен яна келаман” дея ваъдалашиб хайрлашган эмишлар.*

[1] Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2011 йил, 18-19-бетлар.

Шундан сўнг Навоий Уларни ҳар кеча кутавериб, бетоқатланиб "Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади" ғазалини ёзган эмишлар. Бундай ғаройиб талқинни зиёли аҳли юрак ютиб, чурқ этмай тинглади. Лекин ошхўрлар даврасида битта-яримта китоб ўқимайдиган, адабиётдан бехабар авом кишилар ўзаро: *"Қойил, Навоийни ҳам жуда содда қилиб тушунтирдилар-а қори акам"*, дея муҳокама юритганлари қулоғимизга чалинди. Бундай талқинга ҳам бирор асос, манба борлиги илмга қоронғу. Ундай талқинни халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида қабул қилиш ҳам қийин.

Яқинда яна бир имом хатиб Раҳмонберди Раҳмонов ижтимоий тармоқлардан бири "You Tube"да ақл бовар қилмайдиган ғалати бир талқинни тақдим этди. Талқин *"А. Навоий ҳақларида таърифот"* деб номланган эди. Унда шундай фикрлар баён этилган: *"Алишер Навоийнинг тушларига Муҳаммад пайғамбар (с.в.с.) кирганлар ва суҳбат охирида "мен яна келаман" деб хайрлашиб кетганлар. Навоий ҳазратлари яна шундай туш кўришни қўмсаб узоқ кутганлар. Лекин Пайғамбар тушларига бошқа кирмаган. Шундан кейин Навоий "Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади..." ғазалини ёзганлар. Бу ғазалда куйланган киши – Муҳаммад пайғамбар. Улар эса (навоийшуносларни назарда тутяпти – Н.Ж.) Навоий аллақандай Гули исмли қизни куйлаган деб талқин қилиб келишди. Бу ғазалда ҳеч қандай қиз ё аёл куйланмаган. Ғазал Муҳаммад пайғамбар ҳақида ёзилган. Навоий Гули исмли қизни куйлаган дея талқин этиш – хиёнат, Навоийга хиёнат, миллатга хиёнат... Навоий асарларида ҳеч қандай хотин-қизни куйламаган, фақат Оллоҳ ва Пайғамбарни куйлаган"* ва ҳоказо.

Аввало, ғазалнинг мавжуд таҳлилларида ҳеч ким Навоий Гули исмли қизни куйлаган деган фикрни илгари сурмаган. Англашиладики, имом хатиб адабиётшунослик, Навоийшунослик маҳсулларидан буткул бехабар. Гули – халқ томонидан тўқилган образ. Ушбу образ Навоий ҳақида ёзилган бадиий асарларда қўлланган. Халқ оғзаки ижодиёти намуналарида ҳам мавжуд. Академик ёзувчи Ойбек ҳам ўз асарларида Гули образини яратган. Агар Навоий Гули исмли қизни севган деб ёзиш имом хатибнинг фикрича хиёнат бўлса, демак, улкан адиб Ойбек ҳам Навоийга, миллатга хиёнат қилган бўлиб чиқадими?! Ачинарлиса шундаки, бу имом хатиб Навоий ғазалини нотўғри талқин қилишдан ташқари, шоирнинг бирорта байтини тўлиқ ва тўғри айтиб бера олмади. Биз унга телефон орқали боғланиб, шу талқинининг бирор асоси ё манбаси бор-йўқлигини сўраганимизда, у биз юқорида келтирган бошқа имом хатиб Анвар қорининг гапига асосланганлигини, ўзи ҳам шундай ўйлашини, бирор тайинли манбани билмаслигини тан олди ва узр сўради. Эртаси куни ижтимоий тармоқларни қарасам, имом-хатиб айтган гапларини ўчириб ташлабди. Бизнингча, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиб халқнинг онгига бундай таги йўқ талқинларни сингдиришга уринишнинг ўзи – Навоийга, миллатга, халққа, ҳақиқатга хиёнатдир. Ахир, кенг халқ оммаси имом хатибларнинг гапини тўғри деб қабул қилиши, адашиши мумкин-ку. Бундан эҳтиёт бўлишимиз шарт.

"Жаҳон адабиёти" журналининг 2012 йилги декабрь сонида мазкур сатрлар муаллифининг "Ул сарви гулрў келмади" сарлавҳали таҳлилий мақоласи чоп этилди[1]. Унда ғазал таҳлилларининг мазмуни мумкин қадар умумлаштиришга ҳаракат қилинди. "Адабиёт" дарслиги таҳлилларидаги камчиликлар бирор жумлада қисман айтиб ўтилди. Аммо журнал илмий минбар бўлмагани ва ҳажм имконияти чекланганлиги туфайли ғазал таҳлилларини тўлиқ ва муфассал умумлаштиришнинг иложи бўлмади.

[1] Н.А. Жумахўжа. Ул сарви гулрў келмади. "Жаҳон адабиёти" журнали, 2012 йил, декабрь сони, 3-6-бетлар.

2014 йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфлари учун “Адабиёт” дарслик-мажмуасининг 3-нашри босилиб чиқди ҳамда таълим жараёнига татбиқ этилди. Ғазал таҳлили бўйича 8-синф “Адабиёт” дарслигининг янги нашрида айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Масалан, дарсликнинг 1- ва 2-нашрларида Алишер Навоий “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг яратилиш даври ҳақида жиддий фактик хато бор эди. Муаллиф ғазалда йўқ, ўзи ўйлаб топган пир ва мурид образлари ҳақидаги фикрларини асослаш мақсадида ғазал яратилган сана тўғрисида иштибоҳли тахминини баён этади: *“Навоий ғазалларининг ёзилган йиллари маълум эмас, – дейди у. Тахмин қилиш мумкинки, бу ғазални шоир устози ва пири Абдураҳмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин битган”*[1]. Ҳолбуки, Алишер Навоий мукаммал лирик куллиёти – “Хазойин ул-маоний”га асарларини умр фасларига мувофиқ тақсимлаб киритганида, “... Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Бадоеъ ул-васат”, яъни “Ўрта ёш гўзалликлари” девонидан ўрин олган бўлса ҳам, аслида, у шоирнинг ёшлик лирикаси маҳсулидир. Ахир, 1492 йилда Навоий 51 ёшда бўлган. Бу шоирнинг қарилик даврига тўғри келади. Ваҳоланки, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали Навоийнинг “Илк девон”и ҳамда иккинчи расмий девони “Наводир ун-ниҳоя”да ҳам мавжуд[2]. Ғазал шоирнинг илк лирикаси маҳсули эканлиги шундан далолат берадики, у йигитлик ишқининг нозик саргузаштлари, дунёвий муҳаббатнинг оташин эҳтирос ва туйғулари билан ёзилган. Мазкур далил эса ғазал мазмунини сунъий равишда *“ишқи ҳақиқий”*га боғлаб талқин этишга асос бермайди.

Бундай хатолар икки нашр мобайнида, саккиз йил давомида ўқувчи ва ўқитувчилар онгига сингдирилган. Дарслик муаллифи *“Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимғаю, ул шўхи бадхў келмади”* байтидаги ***“бадхў”*** сўзини ***“бадхоҳ”***, яъни ***“ёмонлик истовчи”*** маъносида янглиш тушунган ва тушунтирган. Янги нашрда мана шу хато ҳам тузатилди. Бироқ, янги нашрда бошқа кўп камчиликлар тузатилмаган.

Дарслик муаллифи ғазал матнини ўз хусусий талқини мақсадига бўйсундирмоқчи, яъни истаган шахсий фикрига мослаштирмоқчи бўлади.

Байтдаги ҳеч бир нашрда қўшиб ёзилмаган ***“аввал”*** ва ***“қадам”*** сўзларини ***“аввалқадам”*** шаклида қўшиб ёзади:

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлғаким, аввалқадам маъшуқе ўтру келмади (111-бет)

Бу билан матнда йўқ ***“пешқадам пир”*** тушунчасини ҳосил қилмоқчи бўлади. Дарсликдаги талқинга эътибор беринг: *“Байтнинг сўзларидан келиб чиқадиган маъно-мазмуни қуйидагича: Содиқ толиб топилмайди, шундай бўлмаса эди, кимки йўлга қадам қўйса, “аввалқадам”, яъни ундан олдинроқда юрадиган бир маъшуқ рўбарў келмайдими”*[3]. Бу ерда муаллиф ўзининг асоссиз тасаввуридаги олдинда юриб бораётган ***“аввалқадам”***, яъни ***пешқадам***

---

[1] С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. 1-нашри. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2006. 120-бет. 2-нашрига “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам қўшилган. Тошкент, 2010. 86-бет.

[2] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори, проф. Ҳамид Сулаймон. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1968, 129-б-130-а варақ.
Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 2-том.Наводир ун-ниҳоя. Тошкент, 1987, 566-567-бетлар.

[3] С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. Биринчи қисм. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Қайта ишланган учинчи нашри. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2014. 113-бет.

пир Жомий ва унга эргашган мурид Навоийни назарда тутган. Бу талқин – мантиқсиз. Ахир, ошиқдан олдинроқда кетаётган маъшуқ олдинга қараб кетаверади-да, қандай қилиб ***"ўтру" – рўбарў, юзма-юз*** келади? Бундан ташқари, ***ғазал матнида пир образи, умуман, йўқ***. Ғазалда йўқ образни тўқиб чиқариш ва айниқса, дарсликка тиқиштириш ғайриилмий йўл. Ғазалда дунёвий муҳаббат тасвирланган. Байт мазмуни Н.Маллаев талқинида жуда тушунарли ва лўнда баён этилган эди: *"Садоқатли талабгор топилмас экан, бўлмаса йўлга аввал қадам қўйганнинг қаршисидан ёр келмасмиди?"* Дарсликда эса аслиятдан жуда узоқлашиб кетилган. Дарслик муаллифи мурид Навоийнинг пир Жомийга ишқи тасвирланган, деган даъвони илгари суради. Ҳолбуки, ғазалда пир ва мурид муносабатларига, ҳатто, ишора ҳам йўқ. Икки эркак – пир ва мурид ўртасидаги муносабатни ишқ-муҳаббат деб талқин этиш миллий ахлоққа мувофиқ эмас. Буни ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ихлос ва садоқат дея баҳолаш мумкин.

Талқин давомида гап тасаввуф фалсафасига боғланадики, муаллиф матн мазмунидан буткул ташқарига чиқиб кетади. *"Бу ерда нозик фалсафий-тасаввуфий масала кўтарилган,* - дея давом этади у. -*"Йўл" байтда тасаввуфни, Аллоҳ ишқини билдиради. Бу йўлда эса садоқатли талабгор (ошиқ) топилмаяпти. Айни гап билан шоир пирга ишора қилган. Чунки пир ҳамиша бу йўлни муриддан аввалроқ босиб ўтган, яъни у* ***"аввалқадам"*** *бўлади. Аввалқадам ошиқ эса Аллоҳ васлига етиб, маъшуққа айланади. Мурид ана шу шайхнинг этагидан тутиб, унга эргашмоқчи. Чунки Аллоҳни* севиш *учун мурид аввал пирни севиши керак. Бошқача айтганда, Аллоҳга муҳаббат йўли бевосита пир қалби орқали ўтади. Чунки тасаввуфда пирга комиллик тимсоли сифатида қаралади"* (ўша бет). Муаллиф наинки ғазал матнидан четлашиб кетди, ҳатто, ғазал матни ва мазмунида бўлмаган тасаввуфий образ ва тушунчаларни ўйлаб чиқариб, талқинга сунъий равишда татбиқ этди. Хўш, ғазал матнига ёпишмайдиган бу мавҳум талқинни қандай қилиб адабиётни тушунишни энди ўрганаётган 8-синф ўқувчисига тушунтириш мумкин? Тасаввуфий бўлмаган ғазални тасаввуфий деб зўрма-зўраки талқин этиш – бадиий асарни сохталаштириш, наинки сохталаштириш, балки ўқувчи онгига, тафаккури – мафкурасига маънавий-ахлоқий таҳдиддир.

Мустақиллик даври биринчи авлод дарсликларида тасаввуф ҳақида махсус мавзу бор эди. Ўша мавзуни дарс жараёнида ёритиш орқали ўқитувчи ва ўқувчилар бир оз йўлланма олишар ва тасаввуфий асарларни тушунишар, дея қаноат ҳосил қилиш мумкин эди. У даврда биз муҳокама қилаётган асарлар 8-эмас, 9-10-синфларда ўқитиларди. Ўсмирлик даврида бир йилда ҳам ўқувчилар руҳияти, онгу идрокида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳозирги дарсликлардаги *"...Ул сарви гулрў келмади"* сингари асарлар 8-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига ҳам мос эмас.

Аслида, байтнинг мазмун-моҳияти анчайин содда ва ҳаётий. Байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилган. Муаммонинг фалсафий ечими баён этилган. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ҳижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолакор бир вазиятда турганди. Байтда шоир ошиқнинг бундай вазиятига танқидий муносабат билдиради. ***"Толиби содиқ",*** *яъни садоқатли талабгор топилмас экан,*- дея фикр юритади шоир, - *ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас.* ***"Йўқса",*** *яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким "аввал", яъни биринчи бўлиб журъатли, дадил қадам қўйдиким, унинг маъшуқи рўпарасига пешвоз чиқмади?!"* Риторик сўроқ бор бу ерда. Ҳеч қанақа пир ва мурид муносабатлари йўқ!

Тўртинчи байт мазмунини Н. Маллаев: *“Ул гўзал ҳажрида девоналарча йиғладим, (менинг бу ҳолатимни) кўрганда кулгиси келмаган кимса бормикин”*, дея тўғри талқин этган. Дарслик-мажмуа муаллифи эса бу ҳолатни ошиқнинг *“устидан куладиган борми-йўқлиги”* деб шарҳлаган. Бу эса шоир кўзда тутган мазмунни анча хиралаштирган.

Дарслик-мажмуада адабиёт назарияси жиҳатидан ҳам баҳсли фикрлар илгари суриб келинмоқда. С. Олимов ғазалшунослик назариясида йўқ ***“бегона байт”*** тушунчаси ва терминини сунъий равишда дарсликка олиб кирган. Унингча, ғазалда мақтадан олдин келадиган лирик чекиниш тарзидаги фалсафий байтлар, хусусан, *“...Ул сарви гулрў келмади”* ғазалининг *“Толиби содиқ топилмас”* деб бошланадиган байти ***“бегона байт”***. Аввало шуни англаш керакки, нафис адабиётнинг энг фаол ва энг нафис лирик жанри бўлмиш ғазалга нисбатан ***“бегона байт”*** тушунчасини қўллаш нафосатдан эмас. Нафис санъатга нафосат билан ёндашган маъқул. ***“Бегона байт”*** эса қўпол ва дағал атама. Мумтоз шеъриятимизда “бегона байт” деган тушунча мавжуд”, деган маълумот асоссиз. Адабиётшуносликда ҳам, хусусан, ғазалшуносликда ҳам, ***“бегона байт”*** деган тушунча мавжуд эмас. Шу дарслик-мажмуагача бирор илмий манбада бундай тушунча қўлланмаган.

Дарслик учинчи нашрининг назарий маълумот қисмида ***“бегона байт”*** тимсолида гўёки *“Америка кашф этилган”*. Гўёки ғазалдаги учта байтнинг алоҳида номи бор. Булар матла, мақта ва бегона байт. Ҳали илмий муҳокамага олиб чиқилмаган, эътироф этилмаган тушунчани умумэътироф этилган минг йиллик ***“матла”*** ва ***“мақта”*** терминлари қаторига қўйиш илмий этикага ҳам тўғри келмайди. Терминология илмида расмийлашганлик тушунчаси бор. Муайян атама соҳа олимлари томонидан тан олиниб, маъқулланса ва у умумэътироф этилиб, илмий жараёнда ҳамма мутахассислар томонидан фаол қўлланса, ўшандагина у махсус соҳага расмийлашган ҳисобланади ҳамда термин мақомини олади. Расмийлашмаган атама дарсликка олиб кирилмайди. Бу – аксиома, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Мана, гўёки илмий асослашдек тасаввур уйғотишга уринилган ва дарслик услуби учун хос бўлмаган яна бир тушунтириш: *“Ғазалчилигимиз, хусусан, Навоий ғазалларидаги бу типик хусусиятни кўплаб Навоийшунослар кузатган, таҳлил этган. А. Ҳайитметов буни умумий қилиб “лирик чекиниш”, Ё. Исҳоқов “бегона ёки қистирма байтлар”, Н.Комилов эса “гардиш”, “бозгашт” (“қайтиш”) деб номлайди”* (140-бет). Аввало, дарслик илмий исботнинг ўрни эмас. Дарсликка фақатгина исботланган ва тасдиқланган, умумэътироф этилган фикрлар киради. Қолаверса, иқтибосда асарларига ҳавола қилинган бирорта Навоийшунос ***“бегона байт”*** атамасини қўлламаган. Муаллиф Ё. Исҳоқовдан кўчирма келтира туриб, “Навоий поэтикаси” китобида йўқ ***“байтлар”*** сўзини қўштирноқ ичига киритади. Гўёки, Ё.Исҳоқов ***“бегона байт”*** атамасини қўллагандай кўрсатади. Мана, Ё.Исҳоқовнинг саҳиҳ жумласи: *“Тавсифий ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг “бегона” ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради”*[1]. Қани бу гапда ***“бегона байт”*** термини? Ё. Исҳоқовнинг ***“бегона”*** сўзини қўштирноққа олгани ва ***“яққол сезилиб туради”*** дегани мақтадан олдинги байтнинг *“бегона байт”* деб аталишини билдирмайди. Биз Ё. Исҳоқов билан юзма-юз кўришиб фикр алмашганимизда, у ҳам илмий ишида ундай демоқчи бўлмаганини айтди ва дарслик-мажмуадаги нуқтаи назарни рад этди. У иқтибосда профессор А.Ҳайитметовнинг ***“лирик чекиниш”*** атамасини қўллаб турибди. Монографиядан олинган иқтибосдан қуйи-

[1] Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. “Фан”, Тошкент, 1983, 62-бет.

роқда бундай байтни у эпиграммага ҳам ўхшайди дейди. Бундан ташқари, Ё.Исҳоқовнинг китоби илмий монография. Илмий китобда баҳсли масалаларни бемалол муҳокама қилавериш мумкин, лекин дарсликда мумкин эмас. Чунки ўқувчи олим ҳам эмас ва мактабда адабиётшунос ҳам тайёрланмайди.

Хуллас, ғазал таҳлилларининг тарихий тадрижидан англашиладики, ғазал мазмун-моҳиятини, бадиий хусусиятларини очиб бериш дастлаб содда ва тушунарли услубда кечган. Талқин тарихининг бу босқичида ғазалда дунёвий муҳаббат, яъни инсоннинг инсонга муҳаббати акс этганлиги ёритилган. Кейинчалик таҳлил услуби мураккаблашиб борган. Айниқса, ғазал бадииятини тасаввуф таълимоти билан боғлаб талқин этишга уриниш асар мазмун-моҳиятини сохталаштирган. Таълим жараёнидаги талқинларга илмий жамоатчиликнинг эътиборсизлиги, муҳокамалардан четда қолиши сунъий талқинларнинг ривожланишига ва узоқ муддат таълим-тарбияга салбий таъсир кўрсатишига асос берган. Ҳар бир ғазалдан, албатта, тасаввуфий талқин қидириб топишга ружу қўйиш ўринсиздир. Шунингдек, дунёвий муҳаббат ёхуд "ишқи мажозий" ифодаланган ғазални тўғри таҳлил эта туриб, уни тасаввуфий талқин ёки "ишқи ҳақиқий" билан боғламасам, камчиликка йўл қўяман, деган андиша билан сунъий равишда тасаввуф билан боғлаш ҳам ноўриндир. ***"Дунёвийлик – даҳрийлик эмас"***, деган тушунча ғазал моҳиятига ҳам тегишли.

Ғазалнинг янги талқинини яратганда асарни аввал тадқиқ этган олимларнинг ижодий тажрибаларидан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо улардан бехабар ҳолда ишга киришилса ёхуд улардан кўз юмилса, улар унутилса, талқинда адашиш, матнни тўғри тушунмаслик ҳолатлари юз беради. Ғазал таҳлилида матн аслиятидан узоқлашмаслик, матн мазмунидан ташқари тушунчаларни сунъий равишда талқинга сингдиришдан сақланган маъқул. Ғазал таҳлилига илмда эътироф этилмаган назарий фикрларни тиқиштириш юқоридаги сингари салбий оқибатларга олиб бориши тайин. Албатта, ғазал таҳлили индивидуал ижодий ҳодиса. Ғазал матни кўпмаънолилик хусусиятига эга ва уни ҳар ким ҳар хил тушуниши, талқин этиши мумкин. Бироқ, дарслик услуби учун хусусий ёндашув хатарли. Чунки дарсликдан кўпминглаб одамлар таълим олади ва хато хусусий талқинлар уларда нотўғри тушунчаларни шакллантириши хавфи бор. Дарслик давлат стандарти мақомидаги ўқув қуроли сифатида тасдиқланади ва илмий хатолари бўлишига қарамасдан, яна янги дарслик яратилиб чоп этилгунча ундан фойдаланишга мажбур бўлинади. Бундай узоқ муддат мобайнида дарсликдаги нуқсонлар бир неча авлод таълимида сезиларли салбий из қолдиради. Шунинг учун, дарсликда умумэътироф этилган, илм-фанда ўз ечимини топган, баҳсли бўлмаган маълумотлар ёритилиши талаб этилади.

ЛУТФИЙНИНГ ЛУТФИГА САЗОВОР

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.
Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.
Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами, андоққи, айлар меҳр фош.

“Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг”,
Десам, оғзи ичра айтур, “Лаъл ҳам бор навъи тош”.
Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.
Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизридур
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.
Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 249- ғазал).

Энг машҳур ғазаллардан бўлмиш бу асар Навоийнинг йигитлик даври лирикасига мансуб. Навоийшуносликда эътироф этилишича, ғазал шоирнинг ўн беш-ўн олти ёшлардаги ижоди маҳсули. Навоийнинг замондоши, муаррих Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида ёзишича, бу ғазал улуғ туркигўй шоир Лутфийнинг самимий эътирофи ва беназир баҳосига муяссар бўлган. Бу тарихий ҳодисани Хондамир шундай ҳикоя қилади: *“...бир кун (Алишер) Лутфий хизматига борди. Лутфий “ўз нозик фикрларингиз натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз”, деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқиди”.* Навоий юқоридаги матла билан бошланган ғазални ўқигач, мавлоно Лутфий қуйидагича муболағали таҳсин айтадилар: *“...агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим”.* Албатта, бу таҳсин кекса алломанинг ёш ижодкорга меҳри, хайрихоҳлиги, рағбати туйғулари билан йўғирилган. Шундай бўлса-да, у ғазалнинг, муболағадан ташқари, фавқулодда гўзал бадииятидан далолат беради. Ушбу асар етти байтдан иборат, ишқ мавзусида битилган, таркибий (композицион) тузилишига кўра якпора ғазалдир. Рамали мусаммани мақсур вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилон

Ғазалнинг матла байти мустақил бир лирик асар жавобини берадиган даражада шаклланган бўлиб, шу байтнинг ўзиёқ юқоридаги сингари таҳсинларга сазовор. Чунки унда тугал лирик манзара, ҳолат, кайфият, мазмун мужассам. Байтнинг гўзал ва ҳайратомузлиги, сеҳри шундаки, унда инсон табиатидаги кечинмалар манзараси ва табиат ўзгаришларидаги кечинмалар манзараси монандлиги, уйғунлиги доҳиёна топқирлик билан ифодаланган: лирик маъшуқа юзини беркитгач, лирик қаҳрамон кўзларидан ҳар лаҳза ёш сочилади, гўёки, қуёш пинҳон бўлиши, яъни кун ботиб, кеч кириши билан самода юлдузлар пайдо бўлади. Кўздан ёшлар сочилишини кўкда юлдузлар пайдо бўлишига қиёслашдан кўра руҳбоб (лирик) манзара яратиш қийиндир. Манзара рубобийлиги яна шундаки, осмонда юлдуз пайдо бўлиши билан қоронғу тун рўшнолашади, кўздан ёшлар сочилиши натижасида кўз ва кўнгил равшан тортади, демак, ҳижрон тийралигидаги лирик қаҳрамон таскин топади. Байтнинг *“Оразин ёпқач”* ибораси билан бошланиб, *“ниҳон бўлғоч қуёш”* ибораси билан тугалланиши дастлабки ва сўнгги сўзларнинг *“ораз”* (чеҳра, жамол) ва *“қуёш”*дан иборат бўлиши тасодифий эмас. Бу –замирида бадиият қонунияти ётган санъат. Бундан манзур билан она табиатнинг энг юксак ва ўтли аъзоси - офтоб орасидаги илоҳий бир уйғунликни илғаб олиш мумкин.

Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Ушбу байтдан сужуд ва тақвога берилган бир ўспириннинг баногоҳ ишқ домига дучор бўлиши манзарасини тасаввур қилиш мумкин. Биринчи мисрани сўзма-сўз ўгирадиган бўлсак, *"меҳробнинг бир четида маскан тутиб, бодомхўрлик билан машғул эдим"*, деган мазмун чиқади. Бундан нимани тушуниш мумкин? Тимсол ва рамзлар – *"меҳроб"*у *"бодом"*-нинг мағзини чақмасак, байтдан баҳра тополмаймиз. *"Бодом"* ҳамда *"меҳроб"* юзаки ва ички маъноларни ўзида яшириб турибди. Зоҳиран *"бодом"* маъшуқанинг кўзу қоши орасидаги бодомсимон қобоғини, *"меҳроб"* эса унинг қошини ифодалайди. Ботинан, *"бодом"* – имон, эътиқод, динни, *"меҳроб"* эса масжид, саждагоҳни англатади. Англаш мумкинки, ёш лирик қаҳрамон масжидда гўшанишин ҳолда тақвою ибодатга берилган эди. У танҳо диндан озиқланарди. Ногоҳ маъшуқанинг ошиққа бир назар солиши билан *"бир балолиғ кўзу қош"* бирлашиб, унинг имон-эътиқодини остин-устин қилиб юборди. Яъни у дину имонга раҳна солувчи ишқ балосига мубтало бўлди. Қизиғи шундаки, тасвирда нигоҳнинг ташқи манзараси ҳисобга олинган. Нигоҳ чоғида кўзу қош бирлашади, бодом қобоқлар эса ғорат этилади, кўмилиб кўринмай кетади.

Байтдаги *"ғорати дин этмоқ"* ибораси тўғри тушунишни талаб қиладиган нуқталардандир. Чунки у кўп ҳолларда Навоий нуқтаи назарига зид равишда талқин этиб келинган. Бундай ибора Навоийнинг бошқа асарларида ҳам айнан учрайди. Ҳаттоки, бир ғазалда ҳозиргидан кўра қатъий ва баркамол шаклда келади:

Қўрқунгиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,
Ғорати дин этгали номусулмоним чиқар!

Навоийшунослигимизда бунингдек байтларнинг динга қарши даҳриёна талқинлари бор. Бундай талқинлар Навоий дунёқарашига ғоятда тескари. Ушбу байтларда заррача даҳриёна кайфият йўқ, ҳажв, ҳазил бор, холос.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар у ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами, андоқки, айлар меҳр фош.

Лирик қаҳрамон маҳбуби ишқини пинҳон тутишга интилади. Аммо юрак ўртанади, ошиқ дам-бадам оҳ тортишдан ўзини тиёлмайди. Мана шу оҳлар лирик қаҳрамон муҳаббатини, маҳбубасини ошкор этади. Бу ҳолат шунга ўхшайдики, тонгда тез-тез елиб турган еллар *"меҳр"* изҳор этади. *"Меҳр"* – кўп маъноли ифода. Биринчидан, тез-тез эсиб турган тонг шамоли ошиқ оҳларига таскин беради, яъни меҳрибонлик қилади. Иккинчидан, тонг шамоли кўкдаги булут ва туманни тарқатади, Меҳр – Қуёшнинг юзини очади.

Кейинги байтлар, асосан, таъриф-тавсиф услубида яратилган. Аммо Навоий қуруқ таъриф-тавсифлаш йулидан бормайди.

"Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг",
Десам, оғзи ичра айтур: "Лаъл ҳам бир навъи тош".

Шоирнинг муддаоси манзур лабини васф этиш. Бунинг учун у ошиқ ва маъшуқни мунозарага кириштиради, маъшуқ лабининг лаълийлигини унинг ўз тилидан айттиради.

Албатта, маъшуқанинг у ё бу аъзосини васф этиш бир "баҳона". Бунинг билан муаллиф маъшуқ жамолини тасвирлашдан ташқари, лирик қаҳрамон аҳволу руҳиятини изҳор этиш, инсон ҳаётининг нозик лаҳзалари, оний кайфият товланишларини ифодаловчи ҳазил-мутойиба, қочирим, сўз ўйинлари яратишга бир йўла эришади. Мана, маъшуқ киприги васфига эътибор беринг:

Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Гўёки, маъшуқа киприклари ошиқ бағри томон ўқ узади ва уни яралайди. Бу ёғи – анъанавий тасвир. Аммо ундан кейинги ҳолат – ғаройиб. Ярадор лирик қаҳрамон жон талашур ҳолатга тушади. Яна қандай жон талашиш? Ҳаёт билан видолашув, хайрбод маъносидаги жон талашув эмас, гўё, аксинча! Маъшуқа киприги найзасини лирик қаҳрамоннинг кўнгли ва жони ўзаро талашиб-тортишади. Демак, ошиқ қалб қасдида отилган *"новак"* – қаттол ва айни пайтда, жонбахш. Бу – бадиий кулги имконияти ва маҳорат маҳсули.

Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизридур
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Лирик чекиниш тарзида айтилган бу байт фалсафийлиги билан ажралиб туради. Байтда *"ўлмас ва абадий умр истасанг, танҳо яша"*, деган фикр илгари сурилган. Бу – Навоийнинг шахсий ҳаётий эътиқоди ифодаси. Шоир ушбу фикрга далил сифатида, тамсил усулида табиатдан, сарвдан ибрат олишга чорлайди: *"Сарв танҳо яшайди, ҳосил бермайди, шунинг учун ҳам у бўстоннинг умрибоқий хизридур".* Шугина сўзлар билан кифоялансак, муҳтарам ғазал мухлислари улуғ шоирнинг танҳоликка даъвати моҳиятини тўғри ва тўлиқ тушунолмай қолишлари мумкин. Шу боисдан Навоий шахсияти ва дунёқарашидаги бу ҳолни кенгроқ шарҳлашни жоиз топамиз.

Адабиётшунослигимизда ҳазрат Навоийнинг Бобур таъбиридаги *"оламни тавре фард ва жарида ўткарганлиги"* (ҳаётни фавқулодда ёлғиз ва бўйдоқ кечирганлиги) сабаби жисмоний асосга боғланган номуносиб, таассуфланарли талқинлари мавжуд. Навоий биз таҳлил этаётган илк ижодига оид ғазалдан тортиб умрининг охирида ёзган асарларигача қалб дафтарининг кўп саҳифаларида ўзининг фардлик – танҳолик фалсафаси ва ҳасби ҳолини шарҳлаб кетган. Қарилик даври ижодининг ифодаси – "Фавойид ул-кибар" девонидаги 8-қитъани тўлиғича шу муаммога бағишлаган. Фардлик моҳияти изоҳи қитъанинг муайян қисмини ташкил этувчи сарлавҳаданоқ бошланади: *"Фардлиғ бобидаким, "фард"нинг агарчи ҳарфи завждур, аммо бориси фарддуру бу маънини билган аҳли дард"*. Бунинг маъноси шуки, гарчи *"фард"* сўзи тўрт ҳарф, яъни жуфтликдан иборат бўлса ҳам, аммо моҳияти буткул танҳоликдирки, буни фақат дард аҳлигина англай олади.

Қитъанинг ўзи Навоий танҳо яшаб ўтгани жисмоний асосга эмас, руҳий асосга эга эканлигини тўла исбот этади:

Эй Навоий, англаким, хуш оламедур фардлиғ,
Гар қуёш васлин тиларсен, фард бўл зарротдин.
Ул эмастур фардлиғким, жуфтдин фард ўлғасен,
Фард улдурким, мужаррад бўлғай ул ҳар зотдин.

Англашиладики, Навоий маслагидаги инсон учун *"фардлиғ"* – *"хуш олам"* эди. Навоий эътиқоди чинакам танҳоликни тақозо этар эди. Шунинг учун у, ҳаттоки, жуфти ҳалол билан биргаликдаги танҳоликни чинакам танҳолик деб ҳисобламасди. Унинг орзусидаги висолга – ваҳдати вужудга эришиш, илоҳий танҳолик билан бирлашиб, сингишиб кетиш учун борлиқнинг бутун зарралари, манфаатларидан озод, холи бўлиш қонуний эди. Қош васфида адо этилган мақта ҳам диққатга сазовор:

Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

Шоир қошни тўғридан-тўғри, бевосита меҳробга ўхшатишдан сақланган. Зеро, бу Навоийнинг тасвирлаш услубига ҳам, ғазалнинг бошланма байти савиясига ҳам мувофиқ тушмас эди. Шунинг учун шоир чиройли асослаш йўлидан боради ва инсон қоши билан масжид меҳроби шаклидаги ўхшашликдан фойдаланади. *"Меҳробга сажда қилиш чоғида барча бир-бир бош қўйганидек, мен ҳам қошинг меҳроби олдида бош эгиб, жон фидо этаман"*, деган бадиий мантиққа асосланган васф яратади.

Бундан ағёрга қаратилган мана бундай киноя ҳам англашилади: *"Навоийни айблашга шошилманг, маъшуқанинг қошики шундай гўзал меҳроб экан, барчангиз бир-бир бош қўясиз ҳали. Илоҳий гўзалликка тан берасиз ва Навоийнинг аҳволига тушасиз!"*

Ғазал Навоий бадиий маҳоратининг нодир маҳсули сифатида ҳамиша қадрлидир.

СЕГОҲ СЕҲРИ

Алишер Навоийнинг "Ушшоқ" куйи билан айтиладиган "Қаро кўзум...", "Муножот" куйи билан айтиладиган *"ул сарви гулрў келмади"* каби машҳур ғазалларидан бири "Сегоҳ" ҳамда "Сарахбори дугоҳ" куйлари билан айтиладиган *"Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулъузор"* ғазалидир. Биз бу ғазални шарҳлашни 50 йилдан бери орзу қилардик. Бу орзуни қалбимизга эндигина олий ўқув юртига кирганимизда, ётоқхонада бирга яшайдиган, мазкур ашулани машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов йўлида айрича бир дард ва маҳорат билан ижро этадиган марҳум ҳофиз Равшан акамиз Аҳроров хонишлари солган эди. Лекин ўзимизда шунга етарли тайёргарлик ва журъат сезмасдик. Бунга сабаб шуки, ғазалнинг мусиқий ижролари жуда баланд, авжли пардаларда куйланган. Шашмақом куйларининг ҳазин нолалари, маҳоратли ҳофизларимизнинг инсонларни ларзага солиб, юракларни ўртовчи фарёду фиғонлари ғазал сатрларига сеҳрли қўшимча маънолар юклаганки, асарни улардан ажратиб, фақат ғазал сифатида шарҳланса, гўёки жўн бир мазмун чиқадигандек туюларди. Шунинг учун ушбу ғазални ашула – санъат асари сифатида мукаммал шарҳлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо биз мақола имкониятини инобатга олиб, биринчи босқичда ғазалнинг ўзини алоҳида таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Сўзаро ғазалларни шарҳлашнинг ўзига хос назарий хусусиятига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу ҳақда устоз аллома Нажмиддин Комилов айтган эдиларки: *“Шарҳ ... том маънодаги адабий танқид ёхуд тадқиқот ҳам эмас, гарчи унда тадқиқотий ва интерпретацион хусусиятлар бўлса ҳам. Шарҳнинг бош мақсади ... асарнинг (жумладан, ғазалнинг) қийин иборалари, кўп маъноли мураккаб ўринларини соддароқ қилиб тушунтиришдир”*[1]. Ушбу фикрни қувватлаб ва мантиқан давом эттириб, биз таъкидламоқчимизки, ғазал шарҳи том маънодаги илмий тадқиқот бўлмаса-да, илмийликдан холи ҳам эмас. У ғазал мазмуни ва бадиий хусусиятларини илмий асосларда имкон қадар мукаммал ёритиб беришга хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, шарҳ мумтоз ғазалларни ўрганишнинг ўзига хос илмий-бадиий йўлидир.

Энди бевосита шарҳга ўтадиган бўлсак, мазкур асар Навоийнинг ишқий ғазаллари туркумига мансуб бўлиб, “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 171-ғазалидир. У Навоийнинг биринчи расмий девони “Бадое ул-бидоя”дан ҳам (161) ўрин олган бўлиб, ҳар икки девонда ҳам ғазал 7 байтдан иборатдир. Ғазалнинг тўлиқ матни қуйидагича:

Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гаҳи кўзумга хол тушуптур, гоҳи ғубор.
Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.
Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.
Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпикинг тиканларин айлабсан устувор?
Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмағин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.
Машшотайи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрлиқда манга борму ихтиёр?
Мискин Навоий холи лабинг кўрса, жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор?!

Нашрлардаги матнларда маъно-мазмунни ўзгартирувчи жиддий фарқлар йўқ. Шоир – ошиқнинг мурожаатлари *“эй сарви гулъузор”* ундалмасида мужассамлашган ёрга қаратилган. Бу – умумлашма бадиий образ бўлиб, биз уни бевосита шоирнинг ҳаётдаги севиклиси ёхуд мажоз тариқида тавсифланган илоҳий маъшуқ дея муайянлаштиришдан ҳозирча сақланамиз. Бу муаммо таҳлил жараёнида аниқлашиб боради. Ғазалнинг яратилишига холу хатти гўзал бир ҳаётий сиймо сабаб, асос бўлганлиги аниқ. Чунки ғазал бошдан-оёқ холу хат(т) тавсифига бағишланган.

Ғазалнинг ҳар байтида хол билан хат(т) тасвири уйғун ифодаланган. Гўзал хотин-қизларнинг лаблари узра ёйилган, кўзга жуда ҳам ташланиб турмайдиган майин, нафис туклар *хат(т)* дейилади. Ушбу сўз луғатларда иккита “т” ҳарфи билан ёзилган. Йигитларнинг лаблари узра пайдо бўлган тукларга “*мўйлови сабза урган*” дея таъриф берилади, *хат(т)* дейилмайди. Ҳамма хотин-қизларнинг лаблари ҳам *хат(т)* билан музайян эмас. Демак, *хат(т)* ҳам илоҳий бир зийнатдир. Шунинг учун ҳам Навоий бир ҳуснда бир-бирига жуда

[1] Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. –Т.: “Тамаддун”, Тошкент, 2012. 3-бет.

мувофиқ тушган *хол* билан *хат(т)ни* тасвир объектига танлаган. Лабдаги *хат(т)* нафис, бир текис ёзилган ёзувга ҳам ўхшайди. Лабдаги тукларни *хат(т)* дейиш ана шу монандликдан келиб чиққан бўлса ҳам ажаб эмас.

Матла байтнинг мазмуни қуйидагича:

Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гаҳи кўзумга хол тушубтур, гоҳи ғубор.

Лирик қаҳрамон маҳбубага мурожаат қилиб, унинг кўркам холу хатти ошиқни не кўйларга солганини изҳор этмоқда: *Эй сарв қоматли, гул юзли дилбар, сенинг чеҳрангдаги хол билан хаттинг мени ўзига мафтун этиб, хаёлимни шу қадар банд этганки, гўёки гоҳо холинг кўчиб кўзимга ўрнашгандек, яъни кўзимга хол тушгандек. Хаттинг ғуборга ўхшагани учун, гўё гоҳи кўзимга ғубор оралагандек.* Бу тасвирни яратиш учун шоир нозик ҳаётий тафсиллардан фойдаланган.

Инсоннинг кўзига хол тушиши ҳаётда бор ҳодиса. Баъзан одамнинг кўзида нима сабабдандир турли тусдаги доғ, нуқта пайдо бўлиб қолади. Баъзан бу нарса ранг-баранг гулга ўхшаб ҳам тушади. Буни халқ фалончанинг *"кўзига хол тушибди"* ёки *"кўзига гул тушибди"* ибораси билан ифодалайди. Бу ҳодисанинг тиббий асослари бизга қоронғу. Айнан Навоийнинг кўзига хол тушганми ёки тушмаганми, биз буни ҳам билмаймиз. Бу ҳақда маълумот йўқ. Бироқ Навоий гўзал холнинг унинг вужудига таъсирини ана шу ҳаётий тафсил билан бадиий асослайди. Маъшуқа лабидаги *хат(т)* нимранг тусдаги ғуборга ўхшайди. Ана шундан қиёс олиб Навоий: *"Сенинг хаттингнинг ишқидан менинг кўзимга ғубор инди, яъни чиройли хаттинг кўз нуримни ўзига тортганидан, кўзим хиралашиб қолди"*, дея киноя қилади.

Иккинчи байтда Навоий тиниқ, оппоқ юзга ярашиб тушган холнинг силсилавий тасвирини яратади:

Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.

"Юзингдаги хол қандай чиройга эга эканлигини ўзинг биласанми, - дейди шоир. – Юзингдаги хол гўёки оппоқ қоғоз саҳифасига бир томчи қора рангли сиёҳ томган каби манзарага эга. Ёки агар буни тескари тасвир билан англатадиган бўлсак, холингнинг гўзаллиги шундайки, у бир қора манзара устида ўрин тутган оппоқ тузга ўхшайди". Тасвир жуда содда, лекин топилмас муқояса орқали яратилган. Айниқса, иккинчи мисрадаги образлар шу қадар сирли даражада соддаки, ундаги *"туз"* нима, *"қаро"* нима экан дея анча бош қотиришимизга тўғри келади. "*Туз*" сўзи биз билган оддий ош тузи эмас, *"қаро"* ҳам оддийгина қора тусли нарса эмасдек туюлади. Биз бу сўзлардан қандайдир сирли маънолар излаб кўрамиз. Луғатларни титкилаймиз. Аммо Навоий асарлари луғатларидан биз излаган маънолар топилмайди. Сўзларнинг бирламчи оддий маънолари билан кифояланишдан ўзга чора қолмайди. Шоир тазод усулидан фойдаланиб биринчи ва иккинчи мисрадаги тасвирни ўзаро қарама-қарши қўйган.

Шоир юз узра зебанда жойлашган хол тасвирида бу билан ҳам чекланмайди. Ружу санъатининг ўзига хос кўринишини қўллайди ва тасвирнинг таъсирчанлигини янада кучайтиради:

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида англа гумон бир ўчук шарор.

"Жонимга ўт ёққан юз билан холингнинг сифатини, суратини билмасанг, ловиллаб ёниб турган олов шуъласи сатҳида куйиб тошкўмирга айланган бир оташ, учқунни тасаввур қилгин". Ушбу тасвир олдинги байтдагидан чандон таъсирчан. Унда маҳбубанинг ўт шуъласидек порлаб турган нурли, тафтли, ҳароратли юзини ва бу юзда куйиб ўртанган учқун донасидек холни аниқ тасаввур этиш мумкин. Байтда нафақат ушбу бадиий тасвир аён англашилиб турибди, балки унда кўз илғамас параллелизм усули яширинган. Биринчи мисрада тасвирланган ошиқнинг ўртанган жони ва маҳбубанинг юзу холи иккинчи мисрада *"ўт шуъласи"* ва *"бир ўчук шарор"* образларида тескари тартибда жойлаштирилган. *"Ўт шуъласи"* ва *"бир ўчук шарор"* – истиоравий иборалар. *"Ўт шуъласи"* – маъшуқа юзини, *"бир ўчук шарор"* эса юз саҳифасидаги холни ифода этади. Демак, бу ерда *истиора санъати* қўлланган. Шу билан бирга, образларнинг ўрни алмаштирилиб, *тарди акс санъати* қўлланган. Образларнинг мисраларда остин-устун, ўзаро мутаносиб жойлаштирилиши *таносуб санъати*ни ташкил этган.

Кейинги байтда тасвир ана шундай санъатпардозлик билан давом этади:

Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпикинг тиканларин айлабсен устувор?

Байтда шундай мазмун ифода этилган: *"Билмайманки, холларингнинг хаёли кўнглимни асир этганми ё кипригингнинг тиканлари билан кўнглимни асир этганмисан?"* Мазкур мазмун *"тажоҳули орифона"*, яъни орифларча (донишмандларча) *билиб-билмасликка олиш санъати* асосига қурилган. Бугина эмас, байтда *иҳом санъати* ҳам мавжуд. Иҳомдек нодир бадиий санъатнинг вазифаси *"Ё"* юкламасига юклатилган. Биринчи қарашда *"Ё"* юкламаси *"ё ундаймикин ё бундаймикин"* маъносидаги айириш юкламаси вазифасини бажариб турибди. Бу *иҳом санъати*нинг яққол кўриниб турган юзаки маъносидир. Иҳомнинг шоир назарда тутган ва яширин ифодаланган иккинчи асосий, нозик маъноси шуки, у ёр киприкларини *ёй – отиш қуроли* ўқларига истиоравий равишда ўхшатади. Гўёки ёр киприги тиканлари, яъни ёр камонидан отилган ўқлар ошиқ кўнглини – юрагини қамал қилган. Бу ўқларнинг айлана шаклдаги қамали маъшуқа холига монанддир.

Аммо ошиқ – шоирнинг бу аҳволини ҳар ким билавермайди. Фақат *"шўху холдор"* ёри бор ошиқларгина билишлари мумкин:

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмағин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Тасвир объектидаги *хол* ва *хат(т)* ошиқ кўнгли ва кўзининг кушандаси. Бу ўринда *ҳалок* сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *"ўлмоқ"* маъносидан ташқари, форс-тожик

тилидаги *“чарчамоқ”, “ҳолдан тоймоқ”* маъноси ҳам бор. Навоий ҳар иккала тилдаги сўз маъноларини мукаммал билган ва асарларида улардан ҳадди аълосига етказиб фойдаланган. Маъшуқанинг *хатти* эса ошиқ кўзига дам-бадам *ғубор* – тийралик солиб турган. Ушбу жабру ситамларни эса, Навоий таъкидлаганидек, шўх-шаддод ёри бор ошиқларгина билишади.

Мақтадан олдинги байтда Навоий ҳар доимгидек лирик чекиниш қилади. Ошиқ дарду ҳолининг сабабига ва ечимига оид фалсафий хулоса чиқаради:

Машшотайи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда борму манга ихтиёр?

Лирик қаҳрамон олдинги байтларда ёри хатту холининг жабру ситамларидан оҳ-воҳ, фарёду фиғон билан изҳори шикоят қилиб келди. Навбатдаги байтда ушбу феъл-атвордан кескин равишда чекинади. Юз бераётган ишқий изтироблар сабабкори ҳақида узил-кесил хулосага келади. *“Маъшуқанинг холу хаттини машшотайи қазо безаган экан”,* – дейди у. “Машшота” – биламизки, пардозчи. *“Қазо”* эса – азал, яратувчи, Тангри-таолодир. *“Машшотайи қазо”* илоҳий пардозчидир. Демак, маъшуқа ҳусни малоҳатини мафтункор холу хат(т) билан азал пардозчиси, яъни Оллоҳнинг ўзи безаган экан. Унинг илоҳий ишқига, мафтункор ҳусну жамолига, ситамкор холу хаттига дучор бўлиш азал котиби томонидан ошиқнинг пешонасига ёзилган экан. Қисматидаги бу ишқни ихтиёр этиш ёки ихтиёр этмаслик ошиқнинг измида эмас. У шу қисматни тан олишга маҳкум. Буни шоир *“Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?”* дея азал ҳукмига итоат сифатида жуда чиройли иқрор этади.

Бу ғазал дастлабки беш байтининг мантиқий-бадиий якуни бўлди. Ғазални шу ерда тугаллаш ҳам мумкин эди. Бироқ лирик қаҳрамон ёрнинг висолидан умидвор. Ана шу умидворлик ғазалнинг сўнгги – еттинчи байтини қуйидаги мазмунда вужудга келтиради:

Мискин Навоий холи лабинг кўрса, жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор?!

Лирик қаҳрамон маъшуқанинг холи лаби тимсолидаги висолига муштоқ. Унинг висолига муяссар бўлса, жонини қурбон қилишга тайёр. Қани энди Нигор – маъшуқи азал унинг сурати ҳолига бир қиё боқса-ю, ошиқ унинг нигоҳига ғарқ бўлса. Ғазалда шоир атиги икки марта ундалма қўллади. Биринчи мисра ва охирги мисранинг сўнгида. *“Нигор”* илоҳий маъшуқ образидир. *“Нигор”* сўзи *“нигоҳ”* сўзи билан маънодошдир. *“Нигоҳ”* сўзи *“қараш”, “боқиш”, “кўз ташлаш”* маъноларини англатса, *“нигор”* – *“қаровчи”, “боқувчи”, “кўз қорачиғида асровчи”* маъноларини билдиради. *“Оллоҳ – нигоҳбон, Оллоҳ – меҳрибон”* тушунчалари шундан. Дарвоқе, Яратувчи жамики бандаларига боқувчи, уларнинг ҳол-аҳволидан боҳабар, паноҳбон ва нажоткордир.

Хулоса қилиб айтганда, ғазалнинг дастлабки байтларида мажозий ишқ, яъни инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати тасвирланган. Лекин охирги байтлар ҳақиқий ишқ тўғрисидаги фалсафий хулосалар билан якунланган. Бу Алишер Навоийнинг, профессор Н.Комилов таъбири билан айтганда, *“мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш”*[1] услубидир.

[1] Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. “Тамаддун”, Тошкент, 2012. 171-бет.

...ЁР УЗАР БЎЛСА МУҲАББАТ РИШТАСИН...

Алишер Навоий ғазалиётида бугунги инсоний, оилавий муносабатларда ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма, мулоҳазалар мужассам асарлар кўп. Мана, шундай ғазаллардан бири:

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор.
Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.
Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,
Пардин ўқ жисмиға сончилғон ададсиз хори бор.
Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.
Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.
Айлаб ўзни масту бехуд, чиқмасун майхонадин
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.
Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.
(Наводир уш-шабоб, 181- ғазал).

Бу асар Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичида яратилган ва дастлаб "Наводир ун-ниҳоя" девонига жойлаштирилган бўлиб, унда етарли ҳаётий тажриба, хаёлий эмас, мавжуд турмуш кузатишлари заминида юзага келган ижтимоий хулосалар мужассамлашган. Якпора тузилишга эга бу ғазал *рамали мусаммани мақсур* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилон
- V - --V - -- V - -- V ~

Ғазалнинг биринчи байтиёқ вафо, садоқат, фидойилик каби олижаноб инсоний туйғулар билан йўғирилган. Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, ўз севгилисига садоқат Навоий замонида қанчалар долзарб ижтимоий муаммо бўлса, бизнинг давримизда ундан ҳам муҳимроқ ижтимоий-ахлоқий муаммодир. Ўз умр йўлдошларига содиқ яшайдиган, ҳаттоки, *"Пари бирла малак"*ка қайрилиб боқишдан орланадиган чин севги соҳиблари Навоийнинг юксак орзусидир. Навоий шундай ошиқона орият – одамийликнинг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради. Бу Навоийнинг шоҳбайтларидан бўлиб, унда шоир мазмун салмоқдорлиги ва таъсирчанлигини *тарди акс* (терс такрор) санъатини *"малаксиймо париваш"* ва *"пари бирла малак"* шаклида маҳорат билан қўллаган. Шоир вафо асосига қурилган ҳаётнинг инсон фароғати ва камолоти учун нақадар ижобий аҳамиятга эга эканлигини иккинчи байтдаёқ кўрсатади:

Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.

У оилавий фаровонликдан баҳраманд кишини тонгла гул-гул очилиб, чор атрофга чирой улашаётган, муаттар ҳидлар таратаётган ғунчага қиёслайди.

Ғазалнинг Навоийвор тузилишига кўра, кўпгина асарлар мавзу ҳамда ғояни баён этиш, уни бадиий шарҳлаш ва умумлашма хулоса чиқариш каби қисмлардан иборат бўлади. Юқорида биринчи қисмнинг ифодасини кўрдик. Учинчи байтдан мавзу ва ғояни бадиий шарҳлаш бошланади.

Шоир юқорида севикли ёр васли ғаниматлиги ҳақида фикр юритган эди. Энди ўша фикрни қувватлаш мақсадида гул ва булбул тимсолида айрилиқ изтироби манзараларини ҳам чизади.

Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,
Пардин ўқ жисмиға сончилғон ададсиз хори бор.

Мумтоз шеъриятимиз саҳифаларида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларни кўздан кечириш мумкин. Уларнинг аксариятида булбулнинг гулга муносабати тавсифий характерда, ахборот тарзида баён этилган. Навоий эса мазкур байтда бадиий фикрни ҳаётий тафсиллар билан асослаш йўлидан борган. Шоирнинг талқинича, булбулнинг гулга бўлган муҳаббатига унинг шайдолигигина эмас, балки ҳамдардлиги ҳам боисдир. Гулга булбулнинг ҳамдардлиги боиси шундаки, булбулнинг жисмига пардан ясалган ўқлар каби тиканлар санчилган. Худди шунингдек, гулнинг бадани ҳам тиканлар билан ўралган. Гулнинг мана шу озурдажонлигига куюниш булбулнинг гулга меҳрини янада кучайтирган. Бадиий фикрнинг бу қадар топқирлик ва нафосат билан асосланиши Шарқ бадийяти илмида *“ҳусни таълил”* деб юритилган. Рамзий образлар орасидаги бундай мутаносиблик асосида реал инсоний муносабатлар ётади. Инсоннинг инсонга муҳаббати замирида ҳам маҳбубанинг фақат ташқи чиройидан баҳрамандлик эмас, балки унинг маънавий оламига яқинлик, у билан ҳаммаслаклик, ҳамдардлик мужассам бўлади.

Кейинги байтдан маҳбуба гўзаллигининг муайян қирралари ва гўзал шавқидаги муҳиб кечинмалари аёнлашади:

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.

Тасвир доирасига маҳбубага доир бел ва лаб, муҳибга доир кўнгул образлари тортилган. Уларнинг тасвири анкабут, жон риштаси ва тор образлари орқали юзага чиқарилган. Бадиий маҳорат ҳар қандай дағал жисм ёки ёқимсиз жониворни нафислаштириш қувватига эга бўлади. Навоий ғазалиётида моҳирона қўлланган бундай образлардан бири *“анкабут”* – оддий ҳашарот ўргимчакдир. Бир қарашда, ҳеч бир ижобий хусусияти сезилмайдиган, хусусан, нафис адабиётдан йироқ бу жонивордан шоир лирик тасвирга хос қандай имконият топдийкин? Ўзи тўқиган торларда ўрмалаб юриш анкабутнинг ҳаёт кечириш тарзи. Унинг ҳаётини ўша торларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳолати билан анкабут торлари орасида монандлик кўради. *“Бел”* ва *“лаъл”* образ-

ларига *“жон риштаси”* мутаносиб келади ва шу усул билан шоир белнинг ингичкалиги, лабнинг нафис-юпқалигига ишора қилади. Байтдаги образлар муносабатидан *“бел ва лаъл – кўнгулнинг жон ришталари”*, деган фикр англашилади. Шу йўсинда ошиқ қалбининг муддаоси назокатли тарзда англатилади.

Навбатдаги байт ғазални яратиш чоғидаги Навоий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуқтасидан далолат беради:

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.

Шоир зулф ва кўз тасвирини яратмоқчи бўлади. Ҳайратомуз йўл тутиб, бу икки аъзонинг жонли тасвирини вужудга келтириш учун уларни бир-бирига поэтик восита сифатида хизмат қилдиради. Биринчи мисрада *“Сунбул”* ва *“ошуфта”* сўзлари биланоқ зулфнинг таърифу тасвирини бериб қўя қолади. Ғазалхон маъшуқа зулфини *“ошуфта сунбул”* сифатида тасаввур эта бошлайди. Лекин унга сунбулий зулфнинг паришон ва ғамгинлиги боиси ноаён. Бу ҳолнинг сабабини аён этиш, демакки, зулф тасвирини янада кучайтириш мақсадида шоир кўз образига мурожаат қилади. Гул чеҳранинг сузук ва мастона кўзларини *“икки нозанин бемор”*га менгзайди. Яна ҳусни таълил санъатининг нодир имкониятидан фойдаланиб, зулф ҳолатини кўзлар аҳволи манзараси билан асослайди. Бу иккала мисрадаги тасвир чунонам бир-бирига эш ва чамбарчас боғлиқки, уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир бунда сабаб ва оқибатнинг диалектик таносубига эришган. Биринчи мисра байт бадииятидаги оқибатни ифодаласа, иккинчи мисра сабабни англатади.

Навоий олтинчи байтда лирик мазмунни бадиий якунлашга ўтади:

Айлаб ўзни масту бехуд, чиқмасун майхонадин
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Шоир бадиий тугалланмани ғазалнинг дастлабки қисмлари билан мантиқий узвийликда яратади. Биринчи ва олтинчи байтлардаги *“кимки”* сўзлари муайян тоифадаги кишиларни англатади. Илк мисрадаги *“кимки”* – *“бир малаксиймо париваш ёри бор”*, яъни 1– 6- байт оралиғида тасвирланган гўзаллар ишқидан баҳраманд бахтиёр киши образи. Олтинчи байтдаги *“кимки”* эса – *“Бир малаксиймо париваш ёр”*дан ҳижрон чеккан (ўз замондошларидан озордан ўзга роҳат кўрмаган), 1–6- байт мобайнида ҳусну жамоли зуҳур этган гўзаллар васлидан бенасиб *“ушшоқи зор”* тимсоли. *“Мен”* сўзи қўлланмаганда ҳам, бу тимсол замиридаги Навоийнинг ҳаётий сиймосини таниб олар эдик. Чунки ғазалнинг Навоийвор тузилиши, тасвир табиати, бахтиёр ошиқ билан *“кўнглида озори бор”, “масту бехуд”* ринд қиёфасининг қиёси буни аниқ айтиб туради. Бу сатрлар ғазал мухлисларида Навоийнинг шахсий изтиробларига яна бир бор ҳамдардлик туйғуларини уйғотади.

Шоир ғазални нақадар зукко мушоҳада билан бошлаган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўгит билан якунлайди:

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

Бир-бирини тан олмаслик, худпарастлик, такаббурлик иллати ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Шоир айрилиқ хавфидан огоҳ этади ва ўзликдан кечиб, ёр васлига сазовор бўлиш, уни қадрлашни маслаҳат кўради.

Бу назмий хулоса асрлардан бери ўзининг ҳаётий қудратини сақлаб келмоқда. У Навоий замондошлари учун қанчалик қадрли бўлса, бизнинг даврimiz фарзандлари ва келажак насллар учун ундан ҳам кўпроқ сабоқ бўлгулик аҳамиятга эга.

ЙЎЛУНДА ТУФРОҒ ЎЛДУМ...

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримға.
Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.
Фироқи тийри боронинки чектим, қушға ўхшатқай
Ки, юлмишлар юнгин ёққан киби жисми фигоримға,
Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш, толеъ қорорғон рўзгоримға,
Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёримға.
Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин,
Анга етмон, не илдам сайр экан чобуксуворимға.
Сени, эй муғбача, махмурлиқтин асрасун тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.
Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним
Ки, май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.
Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.

(“Фавойид ул-кибар”, 540- ғазал).

Навоийнинг тонг елига мурожаат қилиб, қалб кечинмаларини изҳор этиш услубида яратилган ғазаллари орасида ушбу ғазал фалсафий теранлиги, бадиий мазмундорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Матла мазмунига эътибор беринг-а. Гўё лирик қаҳрамон маҳбуба ҳажрида ўртаниб тупроққа айланмиш ва тонг елидан илтижо қилмишки, унинг хоки теграсида қуюндай айланиб, сўнг кўкка кўтарилса ҳамда ошиқнинг ғубори – жисму жаҳонини элтиб маҳбубага садқа қилса. Сезилиб турибдики, бу – ошиқона ғазал бошланмаси. Аммо унда қандай ишқ васф этилган? Ҳаётдан кўра, хаёлотга яқинроқ матла мазмунидан маълумки, ғазалда сўфиёна, илоҳий ишқ изтироблари тасвирланган. Чунки дунёда тенгсиз, юксак, ягона гўзаллик васлига интилиб, ғуборга айланиш, илоҳий қудратнинг тажаллиси ва рамзи саналмиш табиатга қўшилиб-қорилиб кетиш, бу сўфиёна висол тимсолидир.

Ғазални дунёвий, инсоний ишққа мутлақо дахлсиз деб бўлмайди, албатта. Навоийнинг маҳорати шундаки, ғазалларда унинг сеҳрли қалами илоҳий ишқ билан инсоний ишқнинг туташ пардаларини чертиб ўтган. Шу боис ушбу ғазалдан ҳам инсоний ишққа хос муҳаббат, вафо, садоқат фидойилик руҳи баралла уфуриб туради. Ҳатто, сўфилик тушунчасидан

буткул бехабар шинавандалар ҳам ғазалнинг моҳир ҳофиз Фахриддин Умаров ижросидаги ашула вариантидан инсоний муҳаббат туйғуларини туйиб келганлар. Ғазалдаги тўққиз байтнинг бирортаси ҳам ана шундай кўп маънолиликдан холи эмас. Ягона мавзуни изчил бадиий талқин этишига кура, ғазал якпора таркиблидир.

Навоийнинг бадийяти анчайин мураккаб ва сеҳрли ғазалларидан бири шу. Унинг ҳар сатридаги маънони илғаш, мазмунини аниқ тасаввур қилиш, айниқса, шарҳлаб бериш қийин.

Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.

Ушбу байтдан *"Мабодо ул малаксиймо париваш висолига етолмай ўлсам, пари билан малак, азбаройи фидойи ва ҳалол ошиқлигимга тан берганидан, мазорим устида парвонадек гиргиттон бўлади"*, деган мазмунни тушуниш мумкин. Аммо бу тушунишимиздан ўзимиз қаноатланмаймиз. Бадиий матн замирида биз англаб етмаган яна қандайдир сеҳрли маънолар ётганини сезамиз. Бу мураккабликнинг сабаби, назаримизда шуки, шоир мавҳум ички руҳий туйғуларни моддий сувратларда ифодалашга ҳаракат қилган. Юқоридаги байтларда кечинмаларгина эмас, улар билан боғлиқ лирик воқеликни ифодалаёттан *"пари", "малак"* образлари ҳам мавҳум. Кечинмалар моддий ҳаётдан олинган образ ва бадиий ашёлар билан ифодаланган байтлар моҳияти эса анча реал англашилади.

Фироқи тийри боронинки чектим, қушға ўхшатқай
Ки, юлмишлар юнгин ёққан киби жисми фигоримға.

Тинимсиз ҳажр чеккан лирик қаҳрамон аҳволи қуйидагича моддий манзара яратиш воситасида ифодаланади. Гўё лирик қаҳрамон жисмига ҳижрон ўқлари шунчалар ёмғир каби ёғилганки, буни билиш учун парканд қилинаётган (пати юлинаётган) қушнинг ҳолатини тасаввур қилиш керак. Қуш парканд қилинганда, унинг баданидан қанча пар суғурилиб чиқса, лирик қаҳрамон жисмига шунча ҳажр найзаси санчилган.

Ҳижрондан чорасизлик, толедан шикоят мана бу байтда ўзгача санъаткорлик билан ифодаланган:

Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш, толеъ қоронғон рўзгоримға.

Байтдаги қаршилантиришни кўрингки, маҳбубанинг қуёшдек мунаввар юзига ҳар қанча талпинса ҳам, лирик қаҳрамон ҳажр қоронғулигидан ёруғликка чиқа олмайди. Чунки унинг иқболини ёритишга, бир эмас, юз қуёш муҳайё бўлса ҳам, асли толеъи қоронғу. Назаримизда, *"юз"* сўзи орқали шоир *тажнис* усулини ҳам қўллаган. *"Юз"*нинг фақат рақам эмас, чеҳра маъносини ҳам назарда тутиб талқин этсак, юқоридаги мазмунга ҳамоҳанг яна бир маъно чиқади: *"Қуёшдек нурафшон юзинг ҳажрида менинг юзим ёришиши (яъни жамолинг нуридан баҳраманд бўлишим) даргумон, бордию, "қуёш янглиғ юзинг" акси билан менинг юзим ҳам қуёшдай ёришганда ҳам, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, толеим азал-азалдан қорайган".*

Ғазалда илоҳий ишқ билан инсоний ишқ уйғунлашганини тасдиқловчи, шунингдек, шоирнинг муайян умр босқичида ишққа муносабатини ифодаловчи байт алоҳида эътиборга лойиқ:

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёримға.

Ғазал Навоийнинг қарилик даврида ёзилган. Байтда эса *"йигитлар ишқи"* ва *"йигитлик"* ҳақида гап кетяпти. *"Йигитлар ишқи"* ва *"йигитлик"* – инсоний ишқнинг, *"ошиқ шевалик"* – сўфиёна ишқнинг тимсоли. Шундан хулоса чиқарсак, қарилик чоғларида Навоий қалбида инсоний *"йигитлик ишқи"* билан *"ишқи ҳақиқий"* уйғун мужассам бўлган.

Мазкур ғазалда муғбача ва майфуруш мадҳига бир эмас, икки байт бағишланади:

Сени, эй муғбача, махмурлуқтин асрасун тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.
Фано майхонасинииг майфурушиға фидо жоним
Ки, май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.

Бу байтлардаги майхона, май, муғбача, майфуруш рамзий маънога эга. Бунда маънавият майи хусусида баҳс кетади. Муғбача лирик қаҳрамоннинг маънавий ташналигини қондиради. Шоир бошқа бир асарида васф этганидек, муғбача, *"бир журъа била"* унинг жонига наво, кўнглига хуруш солади. Шунинг учун шоир тангридан муғбачанинг ўзини махмурликдан асрашни илтижо қилмоқда. *"Фано майхонасининг майфуруши"* эса маънавий ҳомий, маънавий маслак раҳнамоси. Лирик қаҳрамон унга жон фидо қилишининг боиси шундаки, у беҳад саховатпеша, у инсоннинг йўқу борига боқмай – манфаатпарастлик қилмай, шоҳу гадога баробар маънавий ризқ улашади.

Ғазалнинг хулосаловчи мақта байти лирик қаҳрамоннинг висолга интилиб чеккан изтироблари оқибатини ифодалайди:

Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат ришгаси боққан киши ҳар бир шароримға.

"Вафо ўтиға мен куйдум" жумласида анъанавий вафосизликдан шикоят, нолиниш кайфиятлари йўқ. Аксинча, унда вафога эришиш, висол излай-излай, ўтга айланишдан ифтихор туйғулари мужассам. Лирик қаҳрамон жисми олов бўлиб ўртанишидан нега фахрланиши мумкин? Чунки олов ҳам лирик қаҳрамон висолига интилган илоҳий қудратнинг ўзига хос бир тажаллиси, акси. Демак, у ўртаниш воситасида ваҳдати вужудга, висолга, вафога муяссар бўлди. Ифтихорнинг яна бир ҳикмати шундаки, лирик қаҳрамон ўртанган оловга назар солган ҳар бир киши унинг ҳар учқунидан муҳаббат ришталарини топади. Бу фикрдан мурод шуки, вафо ўтидан таралган муҳаббат ришталари бошқа инсонларни ҳам муҳаббатга мубтало қилиши, охир-оқибатда висолга, вафога етаклаши муқаррар. Бу, албатта, бизга анчайин хаёлий туюлса-да, ғазалдаги сўфиёна мазмун талқини.

Ғазал *ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - -V - - -V - - -V - - -

Назаримизда, ушбу ғазал асосида яратилган ашула ана шу вазнга таянгани, унинг оҳангига янада сайқал бергани учун ҳам муваффақиятли чиққан.

МЕҲР УМИДИ ТУТМАНГИЗ

Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,
Меҳри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз.
Гар шаҳ ўлсин, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,
Ёдини балким кўнгулга ҳар тараф ёвутмангиз.
Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,
Буткарурбиз десалар ул захмларни, бутмангиз.
Эл жафосининг малоли қилса ҳар дам қасди жон,
Кўнглунгизни ғайри бекаслик билан овутмангиз.
Ўксуди эл майли мендин бир йўли, эй дарду ғам,
Гаҳ-гаҳи сиз боре бошимдин қадам ўксутмангиз.
Ҳажр ўтин жонимға ёқтим, кўрсангиз усрук мени,
Энди, эй панд аҳли, дўзах ўтидин қўрқутмангиз.
Чун Навоий дашт тутти, эмди зинҳор, эй вуҳуш
Ким, башар жинсини ул мажнун сори ёвутмангиз.

(“Наводир уш-шабоб”, 212- ғазал).

Ушбу ғазални Навоий ўрта ёшларида ёзган. Асар шоир яшаган замона ва замон аҳлидан шикоятни ифодаловчи ижтимоий мавзуда ёзилган. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал услубан шарҳи ҳол типига мансуб бўлиб, шоир ўз замонаси ва замондошлари туфайли чеккан изтиробларини изчил изҳор эта бошлайди. Асарнинг ғоявий моҳияти лирик қаҳрамоннинг замондошларидаги меҳрсизлик, адолатсизлик, бошқа ноинсоний муносабатлардан аламзада кечинмалари тасвири орқали очила боради. Бу ғазал Навоийнинг замон ҳамда замон аҳли билан мулоқотлари, тўқнашувлари, ҳаётий муносабатларидан келиб чиқиб ғазалхонга бераётган сабоқ ва пандини ҳам ифодалайди.

Шоир биринчи мисрадаёқ *“аҳли замондин меҳр умиди тутмаслик”* лозим эканлигидан огоҳ этади. Байтнинг ҳар икки мисрасида *“меҳр”* сўзини турли маъноларда қўллаш орқали аҳли замон қиёфасидаги қарама-қарши қутбларни ёритишга муваффақ бўлади. *“Меҳр”* биринчи мисрада – *меҳрибонлик, мурувват, шафқат,* иккинчи мисрада эса – *офтоб, қуёш* маъносида тутилгани шундай ғоявий мазмунни юзага чиқарган: *аҳли замондан меҳр кутиш бе-*

фойда, чунки улар меҳрсиз, мурувватсиз, шафқатсиз. Гарчи замон аҳли "меҳри гардун", яъни олам офтобидек баландпарвоз, кўзни қамаштирар даражада порлоқ бўлсалар ҳам, уларга қиё боқманг. "Меҳри гардун" ибораси шоир юксак доира ва мартабалардаги замондошларига ишора қилаётганидан далолат беради. Навоий шундай ишоралар воситасида англатишича, улар офтоб қадар юксак мавқеда турсалар-да, инсонийлик жиҳатидан меҳрсиз ва тубан. Уларнинг суратлари қуёш каби нурафшон бўлса-да, сийратларида меҳр нуридан асар ҳам йўқ.

Лирик қаҳрамонни аҳли замон шу қадар бездирганки, кейинги байтларда уларга қарши янада кучлироқ раддия, эътироз ифодаланади:

Гар шаҳ ўлсин, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,
Ёдини балким кўнгулға ҳар тараф ёвутмангиз.
Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,
Буткарурбиз десалар ул захмларни, бутмангиз.

Замон аҳлидан юз ўгириш, уни инкор этиш даъвати *тадриж* усулида амалга оширилган. Бир мисрада шоир ноқобил замон аҳлининг юзига ҳам қарамасликни таъкидласа, иккинчи сатрда юзига кўз солиш тугул, балки унинг ёдига кўнгулдан ўрин ҳам бермаслик лозимлигини, бундай инсоний эътиборга аҳли замон арзимаслигини кучайтириб уқтиради. Чунки улар буқаламунлардир. Ўзлари тану жонни *"зулм ила юз чок қиладилар"* ва яна ўзлари *"ул захмларни марҳам ёқиб буткарурбиз"* деб сохта меҳрибонлик қиладилар. Бундай номеҳрибон *"эл жафосининг малоли"* Навоийга *"қасди жон"* қилганлиги, гина-кудурат ва нафратлар изҳорининг теран ҳаётий асослари бўлгани ғазалнинг руҳи, образлари, поэтик усул ҳамда ишораларидан яққол сезилиб туради. Ғазалдаги лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига жуда мутаносиб. Асар композицион жиҳатдан якпора ғазалдир. Унда аҳли замонга муносабат масаласи изчил ёритилган.

Ғазал мавзу ва ғояси, шоирнинг тутган концепцияси жиҳатидан оригиналдир. У бирор воқеа муносабати билан – шоирнинг Низомулмулк, Мажидиддин каби аҳли замон билан тўқнашуви, ёки замон аҳлидан жабр чекиши, панд ейиши, шунингдек, замон аҳлининг халққа кўрсатган навбатдаги зулмига гувоҳ бўлиши таъсирида ёзилган бўлиши мумкин.

Бу ғазал Навоий ижодиётида жуда муҳим ўрин тутади. Унда кўтарилган мавзу, ғоя шоирнинг бошқа лирик асарларида ривожлантирилган. Масалан, "Наводир уш-шабоб"даги *"Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз"* сатри билан бошланувчи ғазал мазкур ғазалнинг давомидек янграйди.

Ғазал бизнинг замонамизда ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади. У бизни замондошларимизга ҳушёр боқишга, айни пайтда, одамларга меҳр-шафқат билан муносабатда бўлишга ўргатади.

ДЎСТЛАР, ОЛАМ ЭЛИГА ЁРУ ҲАМДАМ БЎЛМАНГИЗ

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.
Ошнолиғ айлабон, ўз жонингизга ҳар замон
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз.
Еб паривашлар фирибин, сўнгра топмай илтифот,
Мен киби девонаву расвойи олам бўлмангиз.
Васлу айш обод қилсун халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.
Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мени
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.
Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.
Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.
("Наводир уш-шабоб", 213- ғазал)

Навоийнинг ўз замонаси ва замон аҳлига муносабатини ифодаловчи бу ғазал ижтимоий мавзуда битилган бўлиб, у ўрта ёш лирикаси маҳсулидир. Ғазал етти байтдан ташкил топган бўлиб, уни дастлаб шоир иккинчи расмий девони "Наводир ун-ниҳоя"га киритган. Ғазалнинг биргина – иккинчи байтдаги *"жафо"* сўзи "Хазойин ул-маоний" нусхасига *"бало"* тарзида ўзгаришга учраб кўчган.

Шоир ушбу ғазални шарҳи ҳол услубида яратган. Ғазалнинг ғоявий мазмуни лирик қаҳрамоннинг аҳволи руҳиясини, *"олам эли"*, яъни даврон аҳли билан боғлиқ кайфиятларини шарҳ этиш жараёнида юзага келган. Асар шоирнинг дўстларига чуқур ички дард ва илтижо билан мурожаатидан бошланади:

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Мазкур матлада шоирнинг *"олам эли"* билан турли инсоний муомала-муносабатлар оқибатида чиқарган аччиқ ҳаётий ҳукм-хулосалари мужассамлашган. Лирик қаҳрамоннинг ҳазин ва шикаста кайфияти ифодасини жуда табиий қўлланган *ружу* санъати янада кучайтирган. Шоир биринчи мисрада *"олам эли"* билан *"ёру ҳамдам"* бўлмасликни маслаҳат беради, аммо тезда фикридан қайтиб, *"олам элига" "ёру ҳамдам"* тугул, ҳатто, ошно ҳам бўлиш хавфли эканлигини уқтиради.

Матлада илгари сурилган ҳаётий фикр кейинги байтларда изчил шарҳланади. Фикр асосланиб, кучайиб боради. Шундай композицияга кўра, бу асар якпора ғазал типига мансубдир. Матлада *"олам элига" "ёру ҳамдам"* ва ошно бўлиш нораволиги уқтирилса, сўнгги байтлар бу ҳолнинг сабаби ҳамда оқибатларини изоҳлашга қаратилган.

Ошнолиғ айлабон, ўз жонингизга ҳар замон
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз.

“Ошнолиғ” – мураккаб савдо. Ошносиз яшаш – ёлғизлик, алам, изтироб, мазмунсиз ҳаёт. Ошно орттириш-чи? Ҳар ким билан ошна тутиниш мустаҳкам дўстлик ва тотув турмушни таъминлайдими? Афсуски, ошнагарчилик осон эмас, ҳаётда ошнагарчиликнинг турли кўринишлари ва оқибатларини бошдан кечириш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, Махтумқули *“Биров билан ошна бўлай десангиз...”* дея ошнагарчилик таомили ва оғир шартларидан дарс беради. Мунис *“Кимниким дўст дедим, душмани жон топдим они”* дея фарёд чекади. Халқда *“Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон”* деган нақл бор. Албатта, *“ошнолиғ”* бахтга, саодатга муяссар этиши ҳақидаги ҳикматлар ҳам кўп. Ким ва қандай одам билан ошналикка киришиш, муҳаббат боғлаш, ошна-оғайнигарчилик расмини қай йўсинда бажо келтириш, айниқса, маънавий қаҳатчилик замонларида, фавқулодда нозик инсоншунослик дидини тақозо этади. Аммо инсон борки, бу борада адашмай, панд емай яшаши даргумон. Навоийдек улкан инсоншунос ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, юқоридаги байтда изоҳлашича, адолатсиз ва меҳрсиз олам аҳлига *“ошнолиғ”* қилиш киши *“жонига ҳар замон” “боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлиши”* муқаррар. Назаримизда, бундан шундай хулоса англашиладики, бирор инсон билан хоҳ дўстлашинг, хоҳ унга муҳаббат қўйинг, *“ошнолиғ”*нинг юз минг жафову машаққату ғами синовлари бардошини бўйинга олиш фарздир. Навоий шундан огоҳлантиради.

Бу олам паривашларига ҳам ихлос қўйиб бўлмайди:

Еб паривашлар фирибин, сўнгра топмай илтифот,
Мен киби девонаву расвойи олам бўлмангиз.

Чунки паривашларнинг фирибига учраш, домига дучор бўлиш, ишқ ўтида девонавор ўртаниб, оламга афсона бўлиш ошиқлик шеваси ва қисматида бор. Бу аслида фараҳли, фахрли, ҳавасли ҳам. Навоийнинг ўзи бир рубоийсида *“Ё ошиқи зори нотавон бўлса киши, Девонайи расвойи жаҳон бўлса киши”*, дея орзулаган. Хўш, нега энди Навоий бу ғазалда... Бунда Навоий фақат ишқ офатларидан сақланишга чорлаётгани йўқ. Байтда: *“Ишқ йўлига кириб, паривашлардан фириб еб, илтифот кўрмай, сўнг пушаймон қилиб, девонайи расвойи жаҳон бўлиб юрмай қўя қолинг. Бундай қисмат ҳар кимга раво эмас ва ҳар ким бундай “бахт”-га сазовор бўлолмас. Ишқ йўлидаги кўргуликларни бизга қўйиб беринг”,* мазмунидаги киноя яширинган. *“Дарду ғам”*га мурожаат тарзида айтилган кейинги байт шу фикрнинг мантиқий давомидек янграйди:

Васлу айш обод қилсун халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Лирик қаҳрамон висол шодликлари, роҳат-фароғати халққа бахшида бўлишини, ҳижрон ғами ва ишқ дарди ўзининг вайрона кўнглига насиб этишини илтижо қилади. Чунки илоҳий муҳаббат, висол, олий саодат ғамдийда, дардманд кўнгулларгагина маҳрам бўлади.

Эй висол аҳли, ул ойнинг дарду ҳажридин мени
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.

Шоир ўзгаларга висол, айшу ободонлик истайди. Шу билан бирга, висол аҳлидан ҳаддан ташқари мағрурланиб кетмасликлари, маҳбуби ҳажри дардидан, ғамнок ошиқ қайғусидан хурсанд бўлмасликларини тилайди.

Вафо ҳақида қайғуга чўмган шоир лирик чекиниш қилиб, харобот аҳли, яъни маънавий-руҳий маслакдошларига мурожаат қилади:

Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Бунда инсонда вафодорлик имкони йўқ экан, у билан ҳамжинс, ҳамжамият бўлиш ноқулайлиги муболағали ифодаланган.

Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

Ушбу мақтада висол аҳли билан бўлиб ўтган мусоҳаба, мунозарага якун ясалади. Навоий уларни чинакам ишқ йўлига чорлайди: *"Навоий манзурнинг висоли йўлида хокисорлик билан фидо бўлди, тупроққа айланди. Эй висол талабгорлари, кўп мағрурланманг, кибрланманг, пастроққа тушинг, Ҳақ васлига эришмоқчи бўлсангиз, Навоийдан ибрат олинг, ғурурдан, ўзликдан кечинг, фидо бўлинг"*. Ғазалда Навоийнинг инсонпарварлик, эзгуликка хайрихоҳлик нуқтаи назари яққол кўриниб туради. Бу нуқтаи назар шоир ўз замонасидаги *"олам эли"*-дан келадиган жабру жафо, озор, нохуш ҳодисаларни қоралаши, улардан батамом воз кечиши, *"васлу айш обод қилсун халқни"* дея эзгуликка, халқпарварликка тилак билдиришида аниқ акс этади. Ғазалда инсон маънавий қиёфасидаги нотугалликдан таассуф, илоҳий бир етуклик, баркамолликка ташналик, талпиниш орзу-армонлари ҳам яққол намоён бўлади.

Лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига жуда яқин. Лирик қаҳрамон кечинмалари, фикр-ўйлари, ғам-андуҳлари бевосита Навоийнинг ўзи *"олам эли"*дан чеккан *"юз минг балову меҳнату ғам"* эвазига пайдо бўлгани шубҳасиз. Ҳаётга ва Навоий яшаган аср ҳақиқатига мослиги билан бу ғазал реалистик хосиятга эга.

Анъанавий образлари ва бошқа бадиий хусусиятлари борлигидан қатъи назар, ғазал ниҳоятда оригинал. Ҳатто, у Навоий руҳиятига қаттиқ таъсир этган бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан ёзилган бўлиши эҳтимол.

Ғазалнинг *"Дўстлар"* ундалмаси билан бошланиши ва ҳар сатрнинг *"бўлмангиз"* радифи билан якунланиши одамий меҳр, куюнчаклик, ўтиниш маъносини муттасил таъкидлаб туради. Рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилгани ҳам ғазалнинг таъсирчан руҳи ҳамда мавзуси оҳангдорлигини таъминлаган. Оҳанг тасвири қуйидагича:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Мазкур ғазал Навоий ижодиётида ижтимоий мазмундорлиги ва бадиий салмоғи билан алоҳида ажралиб туради. У шоирнинг *"Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз"* бошланмали ғазали билан ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра жуда ҳамоҳанг. Ҳатто, у ғазалдаги фикр-умумлашмалар бу ғазалда янада муфассал шарҳланган, шоирнинг нуқтаи назари

яна ҳам қатъийлашган. Навоийнинг бу ғазаллари шоирнинг ўз ижодида ва умуман, ўзбек адабиётида кўплаб шу руҳдаги рубобий асарлар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Масалан, XIX аср шоири Шермуҳаммад Мунисниng *"Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз"* сатри билан бошланувчи ғазали шу ғазаллар таъсирида яратилган.

Ғазал бизнинг замонамизда ва яна асрлар оша Навоийнинг руҳий олами, шоир шахсияти, шунингдек, мураккаб инсоний муносабатларни ўрганишда ибратли қийматини сақлаб қолади.

...ЙУҚМУ УЁТ, ЭЙ ВОИЗ?!

Неча ёлғон сўзу музҳик ҳарокот, эй воиз,
Мажлис аҳли юзидин йўқму уёт, эй воиз?!
Дедилар: "Панд ила тавсанлиғин элнинг ўксут",
Ким деди: "Тепкилу минбарни ушот", эй воиз?!
Ҳуру жаннатни кўп ўкдунг, магар ул ён элни
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз?!
Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз.
Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг ани,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз!
Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз!
Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,
Бори бор ўз ичида анга сабот, эй воиз!
Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг,
Тортғил тафриқаға эмди салот, эй воиз!
("Наводир уш-шабоб", 286- ғазал).

Матладаноқ англашилиб турибдики, мазкур ғазал ижтимоий-ахлоқий мавзуда яратилган. Ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, унда шоирнинг маънавий-ахлоқий хулосалари мужассамлашган. Саккиз байт ҳажмида воизга танқидий муносабат изчил, тадрижий акс этган якпора ғазал. *Рамали мусаммани махбуни мақтуъ* вазнида битилган:

Фоилотўн фаилотўн фаилотўн фаилўн
- V - - V V - - V V - - V V -

Ғазал услубида хитоб ва изҳор оҳанги етакчилик қилади. Ғазалнинг ғоявий мазмуни, унда яратилган умумлашма образнинг ҳаётий, ҳаққоний қиёфаси жуда катта замонавий тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир сатрини мутолаа қилар экансиз, Навоий ҳажвий ғазалига асос бўлмиш воизга монанд замондошларимиз қиёфаси кўз олдингизда гавдаланаверади. Масалан, матлада ваъзхон нотиқнинг халқни ҳақиқатдан чалғитишга, ёлғонни зўракилик билан ўтказишга қаратилган масхараомуз хатти-ҳаракатлари кескин танқид қилинади ва унга танбеҳ берилади. Бу танқид бугунда минбарлардан мураккаб ҳаёт ҳаққо-

ниятларини хаспўшлаш учун фойдаланадиган, ижтимоий ёлғонни санъат даражасига кўтарадиган нотиқларга ҳам тегишли. Умуман, Навоий назмидаги воизни қандайдир китобий, анъанавий ва фақат Навоий замонасигагина мансуб сиймо сифатида қарамаслик керак. У ҳаётий образ бўлиб, Навоий воизга ҳам, воизнинг эл орасида панд-насиҳат ўқиши, ваъз айтишига ҳам қарши бўлмаган. Ижтимоий ёлғон ва сохтагарчиликни касб этган, ўзи маънавий-ахлоқий жиҳатдаи етук бўлмай туриб, маънавий-ахлоқий мавзуларда ваъз айтадиган воизларни қоралаган.

Воизни ғайриахлоқий фаолиятдан огоҳ этиш, танбеҳ билан бошланган ғазалнинг кейинги байтларида унинг қилмишлари талабга номувофиқлиги асосли равишда, кескин ҳажвий руҳда тасвирланади:

Дедилар: "Панд ила тавсанлиғин элнинг ўксут",
Ким деди, тепкилу минбарни ушот, эй воиз!
Ҳуру жаннатни кўп ўкдунг, магар ул ён элни
Юборурга қиласен қатъи ҳаёт, эй воиз.

Воиздан халқни ибодатга, итоатга, инсофу диёнатга, одобу маърифатга чорлаш талаб этилган. У бу вазифани маданий-маърифий тариқада, ишонтириш, тушунтириш йўли билан амалга ошириши лозим бўлган. Аммо у ислом ва шариат талабларига номувофиқ тарзда, зўравонлик ва маданиятсизлик йўсинида иш тутган. Навоийнинг муболағасича, жазавага тушиб, *"минбарни тепиб ушотган".* Воизнинг маслаги фуқарони дунёга ҳирс қўймасликка, охиратни ўйлашга ўргатишдан ҳам иборат бўлмоғи лозим эди. У бу вазифасини ҳам суиистеъмол қилади, жаннатни, халқ тирикчилигини зудлик билан тўхтатиб, ёппасига жаннатга қувғин қилгудек важоҳат билан таъриф-тавсиф этади. Халқни таркидунёчиликка, тушкунликка, умидсизликка мубтало этувчи бундай воиз ва насиҳлар ҳақли равишда халқпарвар шоирнинг қаҳру ғазабига сабаб бўлади.

Воизнинг мискин, йиғлоқи ваъзидан содда халқ билан бирга Навоийнинг ҳам чеҳрасида ғаму ғусса, кўзларида ёш шашқатор. Содда халқ-ку таъсирчан ва жуда ишонувчан. Аммо Навоий дарди, кўз ёшлари боиси ҳам ваъзнинг таъсирими?

Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз!

Навоий халқнинг авомлигидан, воизнинг ҳийлагарлигидан дард чекади. Демак, унинг юзидаги кўзёш қатралари воиз нутқининг таъсиридан эмас, балки кўнглида яширин инсоний дардидандир. Шоирнинг сохта воизга нафрати, асардаги сатирик руҳ байтма-байт кучайиб боради. Мана бу байтларда воизнинг шахс сифатидаги ижтимоий қиёфаси фош этилади:

Кеча ичмак маю кундуз демак, ичманг ани,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз.
Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз.

Бу сатрлар воситасида Навоий ўз замонасида сохта воизларнинг иккиюзламачилиги ва буқаламунлигини ошкор этиб, эл аро шармандасини чиқарган. Навоий маънавий қиёфа собитлиги борасида воизга майхона пирини ибрат қилиб кўрсатади:

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,
Бори бор ўз ичида анга сабот, эй воиз!

Кўринадики, иккиюзламачилик, тутуриқсизликка қарши ички маънавий сабот, тутуриқ тарғиб этилган. Аммо афсуски, *"кеча ичмак маю кундуз демак, ичманг ани", "ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ"* иллатлари бизнинг давримиздаги айрим зиёли ва раҳбарлар табиатида ҳам сақланган. Навоийнинг мазкур ғазалидан чиқадиган сабоқлар кексаю ёш ҳар бир замондошимиз маънавиятини камол топтиришда асқотади. Зотан, Навоий ғазалнинг хулоса байтида *"Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг, Тортғил тафриқаға эмди салот, эй воиз"*, дея воизни номатлуб йўлдан қайтишга, асл инсоний маслакка киришга чорлаган.

ЗУЛФУНГ ОЧИЛИБ, ОРАЗИ ДИЛЖЎ БИЛА ЎЙНАР

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,
Ҳиндубачае шўхдурур, сув била ўйнар.
Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.
Уйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.
Тонг йўққи, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойиб,
Мажнунға ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.
Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.
Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.
Муғ дайрида маст ўлса, Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбази мену била ўйнар.
("Бадое ул-васат", 166- ғазал).

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу ғазал шоирнинг ўрта ёшдаги бадиий камолотини, ўрта ёш гўзалликларига мафтунлигини, ўрта ёш эҳтирослари инъикосини ифодалаб турибди. Асарнинг мазмун-мундарижаси маъшуқа жамолини васф этишдан иборат. Аммо ундаги васф анъанавий тавсифий ғазаллардан кескин ажралиб туради. Ҳар бир хусусият васфи муайян қиёсий тасвир асосига қурилган. Зулфнинг эшилиб, силкина-силкина юз теграсида ўйноқланиши шунчаки айтиб ўтиб кетилмайди. Акс ҳолда, зулф васфи қуруққина таърифланган бўлиб қоларди. Шоир шу ҳолатга мос ҳаётий тамсил топади. Тамсил усулида сув билан ўйнаб турган ҳиндубачани зулфга муқояса этади. Бу қиёсга ҳиндубача ва зулфнинг икки монанд белгиси – қоралиги ва шўхлиги асос бўлади. Шунингдек, бу қиёсдан маъшуқа юзининг сувдай тиниқ, мусаффо ва ҳаётбахшлиги аён англашилади. Шоир ғазалнинг

мазмунига мутаносиб, шўх ва ўйноқи оҳанг танлаган. Бу *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* вазнидир:

Мафъувлў мафоийлў мафоийлў фаувлўн
- - V V - - VV - - VV - -

Ғазалнинг мумтоз қўшиққа айланиши ва халққа севимли, машҳур бўлишида ҳам мана шу шакл ҳамда мазмуннинг бадиий мутаносиблиги боисдир. Ғазал мураддафлиги, радифга *"ўйнамоқ"* феъл танлангани тасодифий эмас. Бу ҳам – бадиий мутаносиблик тақозоси. Ғазалда мазмун ва бадиий тасвир мутаносиблиги бошдан-оёқ изчил давом этади. Бу эса ғазалнинг композицион жиҳатдан якпора шаклда вужудга келишини таъминлайди.

Зулфнинг болаларга хос ўйинқароқлиги тасвири кейинги байтларда ҳам ўша маромда сақланган:

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.
Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Ҳаётий лавҳалар билан қиёслаб тасвирлаш, тамсил усули бу ғазалда услубий воситага айланган. Чунки у бутун ғазал доирасида амал қилади. Маъшуқанинг кўзи тасвирланган байтга эътибор беринг:

Тонг йўққи, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойиб,
Мажнунға ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир қарашда, байтда кўз тасвири асосий мақсад эмасдай туюлади. Аслида эса, асосий мақсад кўз тасвири. Буни шоир бевосита эмас, билвосита амалга оширади. У шундай мазмунни ифодалайди: *"Сенинг кўзинг менинг кўнглим билан ўйнашгани тааҳжубланарли эмас, чунки мажнуннинг оҳу билан ўйнаши табиий".* Бундан англашиладики, шоир маъшуқа кўзи оҳу сингари гўзал, ҳуркак, ўйноқи эканлигини, шунингдек, лирик қаҳрамон кўнглининг мажнунҳоллигини ҳам сўзаро тасвирлаб ўтган.

Ҳаётий асосларда акс этган хол тасвири ҳам диққатга сазовор:

Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.

Шоир талқинича, тебраниб турган маъшуқа ҳалқаси теграсидаги хол чамбарак ичида ўйин кўрсатаётган лўливаш гўзалга монанд. Демак, васф этилаётган хол шунчалар дилнишин ва жозибадор.

Одатда, мустақиллиги билан ажралиб турадиган матладан олдинги байтда шоир зоҳидга танқидий муносабатини тамсилий усулда, образли тарзда қистириб ўтади:

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.

Бунда ов чоғида итнинг тулки билан ўйини лавҳаси зоҳиднинг нафсга муносабатини очиб беришга хизмат қилган. Байт заминига нафснинг тулкидек ҳийлагарлиги ҳам сингдирилган.

Ғазал ихлосмандларини жуда қизиқтириб келган тилсимлардан бири еттинчи, яъни тугалланма байтнинг мазмунидир.

Муғ дайрида маст ўлса, Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбази мену била ўйнар.

Шарҳлашга уринсак, дастлаб байтнинг мазмуни жуда соддадек туюлади. Яъни гўёки, *“Майхонада маст бўлган чоғида Навоийни кўрарсиз, у олам гумбазини қўлида бир олма каби ўйнатиш қудратига эга бўлади”.* Аммо байтнинг замирида бундан кўра салмоқли ва сеҳрли маъно яширингандек, шарҳдан кўнглимиз тўлмайди. Балки, байтнинг ботинида сўфиёна мазмун ётгандир. Фараз қилайлик, *“муғ”* – маънавий майхона, унда маст бўлиш – Ҳаққа эришиш тимсоли бўлсин. Бунда маънан Ҳақ даражасига кўтарилган лирик қаҳрамоннинг олам гумбазини бир олма каби ўйнаши (борлиқни маънавий жиҳатдан тугал англаб етиш) ни аниқроқ тасаввур этиш мумкин. Тугалланманинг фалсафий тус олиши Навоий ғазалиёти учун умумий хусусиятдир.

КЎК БИНАФШАЗОРИНИ АНЖУМ ЧУ НАРГИСЗОР ЭТАР

Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.
Чун Зуҳал толиъ бўлур холинг хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.
Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.
Чун чиқар Баҳроми қотил, кўзларинг андишаси
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.
Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кузума ёруғ жаҳонни тор этар.
Зуҳра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.
Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.
Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.
Тийра айлаб бениҳоят кеча умрум шамъини,
Васл субҳи ҳасрати ранжим юз ул миқдор этар.
Ростлиғ улдурки, еткач ул қуёш, раҳм айлагай,
Улча аҳволимға ҳар тун чархи кажрафтор этар.

Эй Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,
Жонинга жавру жафосин ҳар нечаким, бор этар.
(“Наводир уш-шабоб”, 164- ғазал)

Мавзу хусусиятига кўра, бу Алишер Навоийнинг ишқий ғазаллари тоифасига киради. У шоир ижодий такомилининг учинчи босқичи маҳсули бўлиб, Навоий уни илк бор “Наводир ун-ниҳоя” девонига жойлаштирган. Кейинчалик бу ғазал “Хазойин ул-маоний”нинг “Наводир уш-шабоб” девонига кўчган. Ғазалнинг ўзига хос ва мураккаб образлар тизими мавжудлиги, ҳажмининг катталиги (у 11 байтдан иборат), тили ва бадиий тасвир услубининг ўзга ишқий ғазалларга нисбатан оғирлиги ҳам уни Навоий айни ижодий кучга тўлган ўрта ёшларида яратганлигини тасдиқлайди. Бу – Навоийнинг кўпмаънолилик хусусиятига эга асарларидан. Унда васф этилган ишқ *“мажозий ишқ”,* яъни одамнинг одамга бўлган муҳаббатидан кўра кенгроқ маъноларга эга. Ғазал руҳий мундарижасининг нисбатан мураккаблашувига сабаб шуки, унда шоир инсоний ишқ билан тасаввуфий дунёқарашдаги *“ҳақиқий ишқ”* хусусиятларини бир нуқтада мужассамлаштиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазалда Навоий лирик қаҳрамон кечинмалари ҳамда тахайюлини тасвирлашда оригинал йўл тутади.

Кўк бинафшазорини амжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.

Бир қарашда, бу – анъанавий руҳдаги байт. Унда Мавлоно Лутфий таҳсинига сазовор бўлган *“Оразин ёпқач, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Йўлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш”* матласига ҳамоҳанглик бор. Мазкур байтларни инсон ва табиат муносабатлари, инсон руҳияти ҳамда табиат манзараларининг қиёсий талқини туташтиради. Бирида аввал инсон руҳияти лавҳаси ёритилиб, сўнг унга мутаносиб табиат тасвири яратилади. Таҳлилга тортилган ғазал матласида эса бўлакча. Аввал илк мисрада табиат, аниқроғи, осмоннинг ҳижрон шомидаги қиёфаси яратилади. Кун билан туннинг алмашиниши гўзал бадиий ифодаланади. Яъни, шоир наздида осмон кундузи бинафшазор эди. Бинафшаранг кўм-кўк самони тасаввур қилинг-а! Кўк қадаҳига шом бодаси қуйилиши билан наргисдек сочилган юлдузлар кўк бинафшазорини наргизорга айлантирди.

Иккинчи мисрада табиатдаги ҳолатдан келиб чиқиб, инсон руҳи таҳлил этилади. *“Кўк бинафшазори”*га лирик қаҳрамон кўнгли, *“анжум”* ва *“наргис”* образларига маъшуқанинг *наргисмонанд кўзлар*и ва *бинафшаранг хатт*и, *бинафшашакл зулф*и *поэтик параллелизм* усули билан таносиб қилинади. Бу тасвирдан лирик қаҳрамон кўнгли маъшуқа висолига зор-интизорлиги англашилади. Лекин биз мазкур байт матла эканлиги ва матланинг бадиий вазифаси лирик киришни ифодалашдан иборат эканлигини ҳам унутмайлик.

Матлада *“кўк бинафшазори”* ва *“анжум”* – юлдузлар ҳақида сўз очилдими, демак, ғазал давомида фалакка муносабат, осмоний жисмлар тасвири акс этиши муқаррар. Дарҳақиқат,

Навоий Зуҳал (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Баҳром (Марс), Меҳр (Қуёш, Венера), Уторид (Меркурий), Ой каби сайёраларни ғазалга олиб кириб, назмийлаштиради. Бу поэтик образларни ўз бадиий муддаосини ифодалашга хизмат қилдиради.

Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.

Байтда маъшуқа ёки ғазалнавис кўзда тутган бошқа бир эстетик идеал васлидан жудолик қуйидагича тасвирланган. Шоир бу машъум айрилиқ фожиасига сабабчи қилиб Муштарий сайёрасини кўрсатади. Форсий номи Биржис бўлмиш бу сайёра, Навоий даври мунажжимларининг тасаввурларича, олтинчи фалакда жойлашган еттинчи осмонга энг яқин юлдуз бўлгани учун мунажжимлар уни *"Фалак қозиси"* деб аташган. Гўё у илоҳий қудрат низомларига кўра, жамики мавжудот устидан ҳукм юритган. Навоий Муштарий сайёрасининг мана шу қозилик аъмолини назарда тутганлигини инобатга олсак, қуйидагича мазмун юзага чиқади: Муштарий, яъни фалак қозиси чеҳранг ёдини кўз хотирасидан ўчиргач, юзлаб бахт юлдузлари ҳар замон дур ёғилгандек, кўз ёш селини оқиздилар. Демак, фалак қозиси ҳукми билан лирик қаҳрамон бахтсизлик – мангу айрилиққа гирифтор бўлди.

Ғазалда изчил руҳий таҳлил кўзга ташланиб туради. Мана, юқоридаги воқеа лирик қаҳрамонни қандай кайфиятга олиб келди:

Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.

Байтнинг санъаткорона хосияти шундаки, Навоий *"меҳр"* сўзининг турли маъно товланишларидан усталик билан фойдаланган. Шоир *"меҳр"* сўзининг луғавий ва кўчма маъноларини ишга солиб, *"иҳом" санъати*ни вужудга келтиради. *"Иҳом"* асосида қатлам-қатлам маъно мағзига эга бўлган мисра яратади. Мисрани ўқирканмиз, дастлаб лирик қаҳрамон маъшуқадан меҳр-шафқат нишонасини топа олмаганини кўрамиз, сўнг маъшуқадагина эмас, балки умуман *"гардунда ҳам"* меҳр-вафо топмаганлигини англаймиз. Бу – "меҳр" нинг луғавий маъносигагина суяниб ифодаланган мазмун. "Меҳр" кўчма маънода қуёшни билдиради. Бундан айрилиқ азобидаги лирик қаҳрамон гардунда қуёш ҳам топа олмаганлиги англашилади. Демак, висолсиз одам –офтобсиз олам, деган мусибатли мазмун юзага чиқади. Бу мусибат эса ёруғ оламни лирик қаҳрамон кўзига қоронғу кўрсатади. Лирик қаҳрамон аҳволини халқ жонли тилидаги *"кўзига жаҳонни тор этмоқ"* ибораси билан ифодалаш байтнинг бадиий салмоғини яна чандон оширади.

Лирик қаҳрамон нақадар аянч аҳволда қолганлигини ўша муболағали манзара воситасида кўрсатишга ҳам Навоий сайёралар образини сафарбар қилади:

Зуҳра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.

Зуҳра – Чўлпон юлдузи азалдан Шарқ адабиётида осмон чолғувчиси, созандаси сифатида тасвирланиб келади. Зуҳра юлдузининг шу хосиятини назарда тутмай туриб, Навоий байтини тўла тушуниш қийин. Хуллас, байтда мужассам бадиий мазмун шундан иборатки,

чолғувчи сайёра лирик қаҳрамон аҳволини кўриб, чалиб турган куйини мунгли ва нолавор йиғига айлантириб юборади. Унинг қўлидаги чанг эса сочларини ёйиб, кўз ёш дурларини оҳанг либосида соча бошлайди. Кечинмалар фожиавийлигига асосланган лирик сюжет тобора авж нуқтасига кўтарила боради. Зуҳра юлдузининг чолғуси билан бирга сочларини ёйиб фарёд чекиши лирик қаҳрамон ҳалокатидан дарак берса, кейинги байтлар буни қонунийлаштиради:

Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.
Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.

Уторид – Меркурий сайёраси қадимий адабиётда афсоналарга суяниб фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси сифатида талқин этилган. Навоий ҳам шу талқинга таяниб, Уторидни шоир ва ҳомий янглиғ гавдалантиради. Гўё Уторид лирик қаҳрамон ўлимини англаб, марсиялар ёзади. Унинг дардлари шарҳидан назмий марсиялар яратади. Лирик қаҳрамон дарди шу қадар кўпки, уни шарҳлаб ёзилган марсиялардан ҳар лаҳзада юз тумор – буклаб ўралган номалар майдонга келади.

Шоир сайёраларнинг астрономик ҳолатидан ғазалда ўринли фойдаланади. Маълумки, Ой қора тун бағрида жойлашган бўлади. Шундан келиб чиқиб, Навоий уни қаро тўн кийган (йиғлаб фарёд чекаётган), мотамсаро азакашга ўхшатади.

Хуллас, таҳлил доирасига тортилган байтлар жонлантириш – ташхис санъатининг гўзал намуналаридан. Бу байтлар ғазалда ўзига хос лирик сюжет ташкил этган. Ғазал улкан бадиий маҳорат маҳсули сифатида Навоий ижодида, умуман, ўзбек ғазалиётида муҳим ўрин тутади ва ҳамиша маънавий-маърифий аҳамиятини сақлаб қолади.

...ТАБИБИМҒА ҲАБИБ ЎЛМИШ РАҚИБ

Қайси бир туҳматки, бизга қилмади нисбат рақиб,
Қайси бирниким эшиткач қилмади бовар ҳабиб?
Чун рақибимға рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, табибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.
Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда ғариб ўлмоғлиғим эрмас ғариб.
Жон фидо айлаб дедим, васлинг насиб ўлғой манго,
Бўлса жоним қасди қилғонлар насиби, ё насиб.
Гар менинг ишқимға ҳуснунгдин вафое етмади,
Йўқ сенинг ҳуснунг менинг ишқим нишони анқариб.
Гулда чун ранги вафодин рангу бўе йўқ эмиш,
Ўтмагай эрдинг бу гулшан сори кош, эй андалиб.
Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ, чархи мухолифдур адиб.
(“Наводир уш-шабоб”, 49- ғазал)

“Хазойин ул-маоний”да шундай ғазаллар борки, уларда лирик қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари орқали зиддиятли ва мураккаб инсоний муносабатлар тасвирланади. Бундай ғазалларда одатдагидай лирик қаҳрамон – ошиқ ва лирик маъшуқа образларигина иштирок этмайди. Бу образлар теварагига рақиб, ҳабиб, эл образлари ҳам уюшади. Ўзига хос зиддиятли ва мураккаб образлар таркиби ғазалнинг ижтимоий салмоқдор ҳаётий мазмунини юзага келтиради. Навоийнинг:

Қайси бир туҳматки, бизга қилмади нисбат рақиб,
Қайси бирником эшиткач қилмади бовар ҳабиб?

бошланмали ғазали шундай асарлардан. Ғазалдаги кечинмалар лирик қаҳрамон, рақиб ва ҳабиб (дўст) муносабатлари атрофида ривожланади. Навоий ғазалиётида рақиб лирик қаҳрамоннинг маслагига қарши иш тутувчи, ёв, душман кимсаларни ифодаловчи образдир. У ғазалиётда ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги интим муносабатларга раҳна солувчи образ ҳамдир.

Етти байтдан иборат бу якпора ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Мазкур ғазал Навоий лирик такомилининг тўртинчи даври маҳсулидир. Қарилик даврида яратилган бу асарнинг “Наводир уш-шабоб” девонига кириб қолиши шартли ҳол, албатта. Ғазалдаги катта ҳаётий тажрибадан далолат берувчи фалсафий-ижтимоий мушоҳадалар, кекса қалбнинг оташин оғриқлари тажассуми ҳам асарнинг тўртинчи давр лирикасига тегишли эканлигини кўрсатади.

Бу ғазал инсоннинг инсонга муносабатининг шоир яшаган муҳитдаги мураккаблигини тасаввур қилишга имкон беради.

Чун рақибимға рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, табибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.

Навоий яшаб ижод этган Ҳусайн Бойқаро салтанатида одамларнинг ўзаро меҳр-оқибатида шахсий манфаат катта роль ўйнаган. Шунга биноан, муайян манфаатдорлик эвазига ҳабиб – дўстнинг Навоийдан юз ўгириб, унинг рақиби тарафига ўтиб олиши ҳеч гап эмас эди. Навоийнинг зиддиятларга бой кечмиши воқеалари ҳам шундан далолат беради. Юқоридаги байтда шоир шундай ҳаётий бир вазиятни гавдалантирган. У чинакам интригани юзага чиқариш учун *тарди акс санъати*ни қўллайди (*рақиб – ҳабиб, ҳабиб - рақиб*), бир-бирига қарама-қарши вазиятларни *тазод усули*да тасвирлайди: *Рақибларга қарши дўстлар билан бирга курашиш қанчалар яхши. Дўстсиз яшаш қанчалар оғир. Дўстнинг аввал сиз билан бирга бўлиб, сўнг рақиб томонга ўтиб кетиши, яъни дўстдан тириклайин айрилиш ундан ҳам оғир – ўлим билан баробар ҳол.*

Хиёнаткор дўстдан жабр чеккан лирик қаҳрамон энди ғариблик ҳасби ҳолига ўтади:

Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда ғариб ўлмоғлиғим эрмас ғариб.

Инсон - сийланган жойида азиз. У ўз юртидами, ўзга юртлардами, қаерда бўлмасин, ҳамиша меҳрга муҳтож. Лекин ўзгалар юртида ғурбат чекиш, ранж-алам кўриш ўз юртида

жабр чеккан одам учун ғариблик эмас. Жуда катта ҳаётий хулоса, фалсафий умумлашмани ифодалаётган бу сатрлар Навоийнинг ҳикмат даражасига кўтарилган шоҳбайтларидандир. Бугина эмас, байт Навоий шахсий ҳаётининг ғамгин лавҳалари изҳоридир.

Мақтагача бўлган кейинги сатрлар анъанавий ишқий мазмунга эга. Мақтада Навоий бошидан кечирган қисмат сабоқларига ишора бор:

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ, чархи мухолифдур адиб.

Шоир ўзининг ситамдийдалигини қулоқларини босиш йўли билан садо берадиган чолғу асбоби – удга қиёслайди. Уддек мудом гўшмол, яъни қулоғидан зарб ейишдан озор чеккан-лигидан шикоят қилади. Турмуш турткилари шоирни адаб ўргатувчи тақдир йўлидаги ёш бола ҳолига солиб қўяди.

Умуман, Навоийнинг ушбу ғазали ўзининг ижтимоий мазмундорлиги билан ажралиб туради. Унда акс этган лирик қаҳрамон – шоирнинг мураккаб ва зиддиятли кечмиши лавҳалари бизнинг замондошимиз учун ҳам сабоқ бўларли аҳамиятга эга.

... БЎЛМАДИ БЕДОР ДЎСТ

Қилди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.
Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,
Баски, ҳар дам еткурур мен зорға озор дўст.
Душман ар жонимни афгор айласа, қилдим биҳил,
Жавр тийғидин чу кўнглум айламиш афгор дўст.
Кеча душманларғаким ноламдин уйқу келмади,
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.
Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.
Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо,
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.
Чархнинг меҳриға мағрур ўлмағил, ким ғадри бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.
Соқиё, қил дўстлуқ, тут бодаким, йўқтур ғами,
Бўлса олам душмани, ҳар кимга сендек бор дўст.
Итларинг ғавғо қилур гўё Навоий ўлдиким,
Боши узра жам ўлуб, афғон қилурлар ёру дўст.
("Наводир уш-шабоб", 87- ғазал)

Бу тўққиз байтдан иборат, бошдан оёқ дўст ва душман мавзусини изчил ёритувчи якпора ғазалдир. У Навоийнинг романтик руҳдаги ғазалларидан ўзининг ҳаётийлиги билан фарқланади. Асар руҳидан, унинг Навоий ижодий такомилининг тўртинчи даврида яратилганлигини тасдиқловчи кексалик кайфиятлари баралла уфуриб туради. Ғазалнинг ли-

рик қаҳрамони кечинмалари заминида юзага келган поэтик мазмун дўст деб аталмиш кимсаларнинг душманвор феълидан муттасил озор чеккан Навоий сиймоси ва аҳволи руҳиясини яққол гавдалантиради. Ғазал сарой муҳитида улуғ шоир дуч келган зиддиятлар ва мураккаб инсоний муносабатларнинг назмий акс-садоси сифатида яратилган. Бундай мазмун қонуний равишда асарнинг шаклини ҳам белгилаган. Ғазал бутунисича *тазод санъати* асосига қурилган. Тазод, яъни ҳаётий қарама-қаршиликни ифодаловчи бадиий усул шоирга сохта дўст билан душман ўртасидаги тавофут ва муштарак томонларни қиёслаш, сохта дўст душмандан кўра хавфлироқ, душман эса сохта дўстдан кўра афзалроқ эканлигини кўрсатиш имконини берган. Айниқса, ғазал марказидан ўрин олган қуйидаги байтлар диққатга сазовор:

Кеча душманларғаким ноламдин уйқу келмади,
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.
Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.
Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.

Лирик қаҳрамон руҳидаги тўфонлар руҳий таҳлил жараёнида очилиб боради. Лирик қаҳрамоннинг дарду андуҳлари душманларга ором бермайди. Чор-ночор улар рақибларининг аҳволидан хабардор. Душман бўлишидан қатъи назар, кимдир ҳолидан огоҳлиги лирик қаҳрамоннинг дардини енгиллатади. Дўст эса унинг қалб оғриқларидан бехабар, маънавий ғафлат оғушида қолгани лирик қаҳрамонни беҳад дардлантиради. Дўстим деганларинг ички кечинмаларингдан йироқ бўлгач, душман ҳам дўстваширок кўриниши табиий.

Навоийнинг бу ғазали жонфидолик билан дўст излаган, дўст орттирган самимий инсоннинг алам ва изтиробларини ҳаётий, таъсирчан ифодалаши билан гўзалдир. У ғоявий-бадиий салмоғи билан ўзбек ғазалиёти хазинасидаги ижтимоий мазмундор асарлар сирасига киради.

... КИРАР ЖОНИМКИ, ЖОНОНИМ ЧИҚАР

Чиқмаса жонон, ғаму андуҳдин жоним чиқар,
Завқдин ул дам кирар жонимки, жононim чиқар.
Мақдамидин боғ ўлур ҳам дашту ҳам кўй андаким,
Жилва айлаб боғдин сарви хиромоним чиқар.
Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,
Ғорати дин эткали ул номусулмоним чиқар.
Кўзда эрмас фурқатидин ашки гулгун қатраси,
Балки кўздин ҳам бағир захми киби қоним чиқар.
Захм аро қолғон бошоқ жонимға етмиш, эй рафиқ,
Раҳм этиб тенгри учун чек доғи, пайконим чиқар.

Чарх агар фарёду афғонимға етмас, айб эмас
Ким, анинг бедодидин фарёду афғоним чиқар.
Соқиё, ол бир қадаҳ бирла Навоий кўнглини
Ким, букун дерларки, сархуш кўнглум олғоним чиқар.
(“Наводир уш-шабоб”, 157-ғазал)

Бу ғазал Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида ёзилган бўлиб, дастлаб “Наводир ун-ниҳоя” девонига киритилган. Етти байтли, якпора, рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Матладаноқ маълумки, бу ғазал икки қарама-қарши ҳолат – висол қувончи ва ҳижрон изтироби тасвирига бағишланган. Ғазал ҳижрон ўтида ўртанган ошиқ руҳий ҳолатининг энг таранглашган онидаги лирик кайфиятни ифодалайди. Бу онда висол ошиқнинг ҳаёт-мамот илинжига айланган: жонон келмаса, жон чиқади, жонон келса, жон киради. Санъаткорона яратилган матладаги поэтик манзара, фикр сўнгги сатргача изчил ривожлантирилади.

Ғазалнинг алоҳида эътиборни талаб қиладиган шоҳбайтларидан бири шуки, унда Навоий лирик кайфиятдан лаҳзага чекиниб, маъшуқа қиёфасидан келиб чиқиб, мутаассиб доираларга ўз муносабатини билдиради:

Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,
Ғорати дин этгали ул номусулмоним чиқар.

Юзаки қараганда, байтда Навоий ислом динига қарши бонг уряпти, у васф этаётган маъшуқа динсиз, кофир экан, деган хулосага келиш мумкин. Аслида, байтнинг ғоявий мазмуни бошқачароқ. Шоир ислом эътиқодига шак келтираётгани йўқ. У ислом имтиёзларини суиистеъмол қилувчи, шариат шартларини инсонни эркидан айириш, ҳуқуқларини чеклашга сафарбар этувчи айрим дин арбобларига мурожаат қилаётир. *“Ғорати дин этмоқ”, “номусулмон”* каби сўз-иборалар ҳам асл луғавий маъносида эмас, балки кўчма маънода қўлланган. Маълумки, анъанавий Шарқ рубобиётида маъшуқа ошиқни ҳар кўйга сола оладиган, уни инон-ихтиёридан, эътиқодидан айирувчи, баъзан мусулмон аёлига хос ахлоқ-одобнинг маҳдуд чегараларини назар-писанд қилмайдиган сиймо янглиғ талқин этилади. Унинг бундай қиёфаси *“кофирваш”, “номусулмон”* сингари сифатлар орқали баён этилади. Навоий ҳам иккинчи мисрада маъшуқанинг худди шундай сиймосини яратган. Бундай қиёфали образ воситасида замонасидаги дин аҳлига “пўписа” қилган. Албатта, лирик асар ё образ орқали бирор ижтимоий доирага қарши курашиш, ҳужум, пўписа қилиш мақсади кўзланмаган. Бундан ҳеч бир маъни ҳам чиқмасди. Байтдаги “пўписа”да ҳазил бор. Навоий сўзаро “аҳли дин” устидан енгилгина кулиб ўтган. Шу билан бирга, чинакам ишқ ҳар қандай дин ва эътиқодни ғорат қилишга қодирлигини, ишқнинг ўзи бир чўнг эътиқод бўлиб, унинг қудрати олдида дин ва “аҳли дин” заифу нотавонлигини ҳам уқтирган.

Хуллас, ушбу ғазал анъанавий услубда ёзилганига қарамай, ундаги нозик қочиримли лиризм, поэтик санъатларнинг ўринли қўлланиши, кўриб ўтганимиз каби ижтимоий мазмундор байтлар уни Навоий ғазалиётининг нодир намуналари даражасига кўтарган.

ЖОНДА ҚУЙДИМ ЧИРМАҒОН МАКТУБИНИ...

Жонда қўйдим чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактубдур, ёхуд “алиф”дур “жон” аро,
Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзул амон
Ким, ғамим айш этти, еткач кулбайи аҳзон аро,
Риштайи олийки чирмаб эрди, очиб асрадим
Хунфишон кўз рагларидек дийдайи гирён аро.
Нотавон жисмим кўринди заъфдин ул риштадек,
Баски тўлғонди икки кўзимдин оққан қон аро.
Гарчи жонондин азиз эрмас, эрур жондин азиз
Ким, васила бўлди маҳзун жон била жонон аро.
Руқъайи эҳсондин, эй мунъим, гадо комини бер
Ким, бу янглиғ ганж топмас кимса бу вайрон аро.
Эй Навоий, номайи мақсуд етти, хушдил ўл
Ким, хати озодлиғ будир ғами ҳижрон аро.
(“Наводир уш-шабоб”, 20- ғазал)

Навоий ғазалиётида инсон руҳи минг турфа тўлғанишларининг нозик инъикосини кўриш мумкин. Инсон руҳияти иқлимидаги барча ботиний кечинмаларни ипидан игнасигача илғаб олиш, тирик инсон ҳаётидаги ташвиш ва қувонч, умидворлик ва тушкунлик, муҳаббат ва нафрат, инкор ва ифтихор, алам, изтироб, ўкинч, армон, илтижо, муножот онларини ҳассослик билан сезиш қобилияти Навоийга руҳият қомуси янглиғ ғазал хазинаси яратиш бахтини ато этган. Инсон табиатига хос бу туйғуларнинг жами ғазал лирик қаҳрамони ҳасби ҳоли орқали бизнинг қалбимизга йўл топади. Лирик қаҳрамон кечинмаларининг кўпчилиги бевосита шоирнинг ўз қалбидан кечганки, демак, биз ғазал орқали ҳазрат Навоий руҳий ҳаёти лаҳзалари ва ларзалари билан ҳам ошно бўламиз.

Етти байтдан иборат якпора, *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган бу ғазал шоирнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бўлиб, даставвал “Наводир ун-ниҳоя” девонидан ўрин олган. Ғазал ёридан ҳижрон чеккан ошиқнинг севиклидан мактуб олиш воқеасига бағишланган. Бу ногаҳоний воқеа шодиёнаси лирик қаҳрамон юрагини ларзага солади. Айрилиқ дарди билан висол қувончи қоришиб кетади. Ғазалда мактуб олган ошиқнинг кўтаринки кайфияти эмас, вазмин, ғамолуд шукрона, ҳазин қувонч кечинмалари акс эта бошлайди:

Жонда қўйдим чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактубдур, ёхуд “алиф”дур “жон” аро.

Бу табиий ҳол. Чунки ҳижрон изтиробини бирдан унутиб юбориш қийин. Ундан сўнг мактуб ҳали дилдаги муроднинг ушалгани эмас, у – висол элчиси, холос. Ҳижронзада ошиқ мактубни жони-бағрига босади, гўё жоннинг тириклигига шу етмай тургандай, жони шу билан ором топадигандай. Иккинчи мисрада жоннинг бутунлиги, омонлиги учун висол муждаси не чоғли зарурлигини асослаш мақсадида жон ва мактуб ўртасидаги шаклий та-

носибни ҳам инкишоф этади. Мактубнинг чирмалган шаклини “жон” ( ) сўзи ўртасидаги “алиф” (|) ҳарфига қиёслайди.

Ошиқ мактубни “ҳирз ул-амон” –дарду балони қайтарувчи, жонни ғамдин фориғ этувчи дуо сифатида қабул қилади, муқаддас туморга сиғингандек, унга сиғинади:

Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзул амон
Ким, ғамим айш этти, еткач кулбайи аҳзон аро.

Халқда “ихлос–халос” дейилгани сингари, мактуб лирик қаҳрамоннинг руҳини янгилайди, дардларини енгиллатади. Лекин бу дардлар лирик қаҳрамон вужуди ва руҳида унутилмас излар қолдирган. Шу боисдан мактубни васф этиш муносабати билан лирик қаҳрамон дарди ёзилади, ғамга тўлиб турган кўнгли бўшатилади, жисму жонидин кечиб ўтган оғриқлар шарҳланади:

Риштайи олийки чирмаб эрди, очиб асрадим
Хунфишон кўз рагларидек дийдайи гирён аро.

Мактубнинг ўраб юборилган алифмонанд шаклидан шоир бадиий ашё сифатида фойдаланганини биринчи байтда кўрган эдик. Одатда, мактуб ўрами очилиб кетмаслиги, ихчам ҳолда туриши учун у ип билан чирмаб бойланган. Шоир энди мактубга чирмалган ришта ни ҳам поэтик ашё сифатида ишлатмоқда. Унинг эстетик хизмати икки мақсадга сафарбар қилинади. Биринчидан, уни *“риштайи олий”* деб баҳолаш, унга алоҳида эътибор бериш, уни азиз нарсадек кўз бағрида асраш мактуб муаллифига нисбатан юксак эҳтиромни ифодалайди. Иккинчидан, ришта образи лирик қаҳрамоннинг бир ҳолатини аёнлаштиришга кўмаклашади.

Лирик қаҳрамоннинг бошқа бир ғазалда акс этган ҳижрон тунидаги аҳволини эсланг:

Кўзларингдин неча сув келгай, деб ўлтурманг мени
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Бу иккала ғазалнинг лирик қаҳрамони бир. Улардаги ҳолатлар бошқа, холос. Аммо бу ҳолатлар ўзаро бегона эмас. Улар ўртасида узвийлик бор. Қон ёши тўккан кўзлар хунталаш. Йиғлаган, қонталаш кўзларда, кузатган бўлсангиз, ришта шаклидаги томирлар яққол кўриниб туради. Алҳосил, ошиқнинг гирён кўзларини тасвирлаш мақсадида шоир: *“мактубга чирмалган ипни кўзларим томирларидек асрадим”*, деб ёзади. Ўзига хос бир ташбеҳ ижод этади.

Навоий учун мактуб риштасининг бадиий вазифаси шу билан тугамайди. Шоир мактуб риштаси лирик қаҳрамон қиёфасининг яна қайси қиррасини ёритишда қўл келиши ҳақида ўйлайди ва кутилмаганда, ажойиб монандлик топади:

Нотавон жисмим кўринди заъфдин ул риштадек
Баски, тўлғонди ики кўзумдин оққан қон аро.

Шоирнинг муболағали талқинича, ҳижронзада, ситамкаш ошиқнинг жисми шу қадар заифлашиб, ингичка тортганки, у икки кўзидан оққан қон дарёлари орасида ришта каби тўлғанади.

Қолган уч байт анъанавий услубда давом этади ва ўзига хос интиҳосига эришади. Ғазалнинг оригиналлиги юқоридаги тўрт байтда. Гарчи 3–4-байтлардаги муболағали тасвирда шоир матлада қўйилган мавзудан шаклан узоқлашгандек туюлса-да, моҳиятда изчиллик сақланган. Мактубга ўралган ип ошиқнинг нотавон жисмига, кўз рагларига ўхшатилиши, мактуб ўрамининг *"жон"* ўртасидаги *"алиф"*га қиёсланиши – бари бир поэтик фикрни – ёр мактуби ошиқ дардига малҳам бўлганлигини тасдиқлашга қаратилган. Бу асар Навоий ғазалиётида шундай образли изчиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

ФИДО

Кўзунгга тани нотавоним фидо,
Равонбахш лаълингга жоним фидо.
Лабинг ранги оллида қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо.
Белу оғзинг олди тану жонниким,
Анго ошкору ниҳоним фидо.
Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф
Демайким, санга баҳру коним фидо.
Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси
Ки, оллингда яхши, ёмоним фидо.
Фано даштида қони оворалиқ
Ким, ул сайрға хонумоним фидо.
("Наводир уш-шабоб", 31-ғазал)

Халқимизнинг севимли қўшиғига айланиб кетган бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичида яратилган бўлиб, дастлаб "Наводир ун-ниҳоя" девонига жойлаштирилган. *Мутақориби мусаммани мақсур* вазнида яратилган:

Фаъувлўн фаъувлўн фаъувлўн фаувл
V – –V - -V - -V ~

Якпора, мураддаф ғазал. Ғазал ишқий мавзуда, тавсиф услубида яратилган. Шоир куйланаётган сиймонинг ҳусну жамолини муфассал тасвирлаш йўлидан бормайди, балки уни мақташ, таърифлаш йўсинини қўллайди. Бироқ, шу васф этишнинг ўзидаёқ гўзал ботиний тасвир мужассам. Ғазалнинг сеҳри ҳам шунда.

Навоий ўнлаб ғазалларида ошиқнинг фидойи қиёфасини яратган. Лекин бу асарлар ўзининг ифода усуллари билан бир-бирини такрорламайди. Чунки шоир кутилмаганда янги бадиий усулларни ишга солади. Хўш, бу ғазалда ошиқнинг суюклисига фидойилиги изҳори қандай амалга оширилган? Нега биринчи сатрдаёқ шоир кўз бадалига нотавон танни фидо этади? Агар сатр заминидаги ишораларга эътибор бермасак, бу оддийгина бир гапдек ту-

юлмайдими? Шарқ адабиёти анъанасига кўра, кўзга нисбатан *“жаллод”* атамаси қўлланади. Жаллоднинг вазифаси эса қатл, яъни инсонни жисман ҳалок этиш. Биринчи мисрадаги мазмунда ҳам маъшуқа кўзларининг қаттол жаллод сингари жон олғувчилигига ишора бор.

Равонбахш – жон бағишловчи, тирилтирувчи демакдир. Анъанавий тасвир моҳиятига биноан, маъшуқанинг лаъл лаблари ўликка ҳам жон бахш этади. Шунинг учун унга жон бағишласа арзийди. Шу тариқа, шоир маъшуқа образидаги зидликни акс эттирган: *кўзи қатл этади, лаъли эса тирилтиради.* Одатда, матла ғазалнинг мазмунини ўзида умумий йўсинда акс эттиради. Кейинги сатрлар эса матла моҳиятини изоҳлашга хизмат қилади. Бу ғазалда ҳам шундай. Шоир матладаёқ маъшуқага тан ва жонни бағишлади. Кейинги байтларда эса бу мазмунни кенгайтиради.

Лабинг ранги оллида қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо.

Шоир маъшуқа лабини қизил дея тасвирлайди. Бу маънони унинг лабига қонини фидо қилиш орқали англатади. Маъшуқа қомати ҳаракатларини ҳаёт жилваси, дея васф этмайди, унга ўз ҳаётини бағишлаш воситасида бундай ифодага эришади.

Мумтоз ғазалларда маъшуқанинг бели ва оғзи шу қадар нозиклаштириб тасвирланадики, оғизнинг бу қадар кичкина ва белнинг бу қадар ингичка бўлишига ақл бовар қилмайди. Ҳатто, байтнинг биринчи мисрасида бу аъзолар таърифини келтириб, иккинчи мисрада уларга *“бир бор эрди-ю, бир йўқ эрди”* иборасини мутаносиб келтириш ҳоллари ҳам бор. Ғазалнинг:

Белу оғзинг олди тану жонниким,
Анго ошкору ниҳоним фидо

байтидаги *“ошкору ниҳон”* сўзлари ҳам шу маънони билдиради.

Юқоридаги байтларда, асосан, маъшуқа тасвири ўрин олган. Кейинги байтларда эса иккинчи лирик қаҳрамон – ошиқ образига кўпроқ эътибор берилади. Лирик қаҳрамон севиклисига йўқ нарсаларни бағишлаб, лоф урмайди.

Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф
Демайким, санга баҳру коним фидо.

Лирик қаҳрамон улкан денгиз ва кон ҳадя этмайди. Балки қалби ва меҳрини фидо қилади.

Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси
Ки, оллингда яхши, ёмоним фидо.

Ошиқ – руҳий олами мураккаб сиймо. Унинг вужудида ақлга нисбатан доим исён ва ихтилоф уйғотувчи жунун ҳам мавжуд. Ақл ва жунун унинг вужудида ҳамиша курашиб, туйғуларини туғёнга келтиради. Кўпинча, жунун ақлдан устунлик қилади ва уни маҳв этади.

Лирик қаҳрамон ўзининг ана шундай мураккаб ва зиддиятли руҳий олами билан маъшуқа фидойиси бўлмоқчи. Шоир лирик қаҳрамон руҳий оламидаги бундай мураккабликни тасвирлаш мақсадида *таносиб санъати* имкониятларини ишга солган. Биринчи мисрадаги жунун ва ақл образларига *“яхши”* ва *“ёмон”* сифатлашлари мутаносиб келтирилган.

Мақтадан олдинги байтда, одатда, фалсафий-ахлоқий мазмун ифодаланади. Мазкур ғазалнинг олтинчи байти моҳиятида ҳам сўфиёна кайфият балқиб турибди:

Фано даштида қони ооралиқ
Ким, ул сайрға хонумоним фидо.

Маълумки, сўфий ошиқнинг маслак муддаоси маъшуқ билан висол тузиш. Бунга эса мавжуд дунёни тарк этиб, фоний дунё сари сайр этиш йўлида эришиш мумкин. Шунинг учун *“фано даштида ооралиқ”* – ошиқнинг висол орзуси. Шу орзу ижобат бўлиши учун у хонумонини фидо этаётир.

Сўнгги байт оралиқ байтларни мазмунан якунлаб, илк байт билан ҳамоҳанглик яратади:

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам
Санга айлай, эй дилситоним, фидо.

Ошиқ шоир сиймосида жон ва кўнгулни айру тасаввур этиб бўлмайди. Шоир маъшуқани “дилситон”– кўнгулни олувчи дея васф этади. Маъшуқа кўнгулни олган экан, демак, жон ҳам унга қурбон бўлмоғи тайин.

Навоийнинг *“фидо”* радифли бу ғазали ишқий лириканинг мумтоз намуналаридан бўлиб, уни мукаммал шарҳлаш учун ҳар қандай таҳлил ожизлик қилади. Бундай шарҳга ҳис қилиш, тушуниш омили билангина эришиш мумкин. Ғазални мукаммал тушуниш учун, аслида, бу ҳам оз. Унинг мусиқий талқини эътибордан четда қолмаслиги керак. Унинг ҳам бадиий, ҳам мусиқий асар сифатидаги омухта таҳлилини яратиш галдаги вазифа, албатта.

ШЎХ ИККИ ҒИЗОЛИНГНИ НОЗ УЙҚУСИДИН УЙҒОТ

Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғот,
То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнот.
Тишлабки сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил,
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрот.
Кулбамға хайафшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,
Анжум сипаҳин синдур, офоқ улусин қўзғот.
Ораз қуёшин очиб, ашки қуруғон кўзни
Кўп ҳажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлот.
Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунға ошиқлар ишин ўргот.
Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнот.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи дору жомиға онинг чайқот.
(“Наводир уш-шабоб”, 75-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикаси маҳсули бўлмиш бу ғазал маъшуқа тавсифида яратилган. Асар етти байтдан иборат. Дастлабки беш байт маъшуқа гўзаллигини мадҳ этиш, лирик қаҳрамон шарҳи ҳолини изҳор қилиш, олтинчи байт ҳаёт ҳақида фалсафий хулоса чиқариш, еттинчи байт эса соқийга мурожаат мазмунида битилган. Демак, ғазал услубан аралаш типга мансуб. Ғазалда мадҳ ва шарҳи ҳол изчил давом этади, фалсафий ва соқийнома байт ҳам ягона мавзуга эш ҳолатда яратилади. Композициясидан кўринадики, бу якпора ғазалдир. *Ҳазажи мусаммани ахраб* вазнида яратилган:

Мафъувлў мафоийлўн мафъувлў мафоийлўн
- - VV - - -- - VV - - -

Ғазалнинг ғоявий мазмуни – висолни соғиниш, ҳаётга муҳаббат, умрни қадрлаш. Ҳаётий бу ғоя романтик тасвир орқали амалга оширилган.

Тишлабки сочинг ўрдунг, очқонда паришон қил,
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрот.
Кулбамға хайафшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,
Анжум сипаҳин синдур, офоқ улусин қўзғот.

Шоир биринчи сатрдан тортиб кейинги сатрларгача маъшуқани уйқудан уйғониш, ҳаётда яйраш, табиат ва умр неъматларидан баҳраманд бўлиш, айни пайтда, у *“кўп ҳажрда йиғлатган”, “бир оҳ ила кул бўлган”* ошиқни ўз висоли билан қувонтиришга чорлайди. Сочини тишлаб ўриши тасвиридан маъшуқанинг ҳаётий, инсоний сиймоси хаёлга келади. Лекин унинг дунё юзига жон ҳидини таратишга, юлдузлар лашкарини синдириб, яъни тонг оттириб, олам элини қўзғатишга даъват қилиниши фақат муболаға санъатигина эмас. Бундай тасвирдан илоҳий маъшуқага мурожаатни англаш мумкин.

Навоий ғазалларида, кўпинча, ҳаётга муҳаббат ғояси айни шу ҳаётга ҳаддан ташқари эътимод қилмаслик, умрнинг ниҳоятда қисқалигини уқтириш билан бирга келади.

Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнот.

Шунингдек, ғазалнинг фалсафий хулосаси тарзида берилган ушбу байтда ҳою ҳавасга, баландпарвозликка кўп ишқ қўймаслик лозимлиги, қанча кўкка кўтарилмасин, инсон охир-оқибатда хокисор тупроққа айланажаги таъкидланади.

Ғазал анъанавий характерга эга. Ғазал романтик тасвири, лирик қаҳрамонининг дардчил кечинмалари, ҳаётсеварлик ғояси билан замондошларимизга мароқлидир.

ТОНГ ЕЛИДАН ТИЛАКЛАР

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.
Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам, доғи
Яхши фурсат топсанг, ул бадъаҳду паймонимға айт.
Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.
Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.
Буки, юз жон садқаси қилсам, пушаймон бўлмоғум,
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.
Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.
Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок нодонимға айт.
Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.
Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.
("Наводир уш-шабоб", 85-ғазал)

Бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг туртинчи - қарилик даври маҳсули бўлиб, у шоирнинг энг машҳур лирик асарларидандир. Тўққиз байтли, якпора, мураддаф, ишқий ғазал. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган. Унинг машҳур бўлиб кетишига сабаб қалбларга жуда яқинлиги, содда ва равон услубда ёзилганлигидир. Барчага баробар дарддошлиги боисидан ҳам у куйга солиниб, қўшиқ қилиб айтиб келинаётир. Ушбу ғазал шуниси билан ҳам ўзига хоски, шоир унда бошқа кўп ғазаллардаги сингари сўзаро чекиниб, ижтимоий масалаларга тўхталмайди. У лирик қаҳрамон кечинмаларини ифодалайдиган соф рубобий асар. Навоий рубобийётида тонг елига мурожаат қилиб, ўз туйғуларини севгилисига у орқали изҳор этиш йўли-да ёзилган бундай ғазал ягона эмас. Масалан, унинг *"Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт"* мисраси билан бошланадиган ғазали ҳам машҳур. Бу ғазаллар бир-бирини узвий давом эттириш, тўлдириш хусусиятига эга.

Қизиғи шундаки, нега шоир *"сабо", "насими субҳ", "боди сабо"* тимсолларига мурожаат қилади? Бу, аввало, инсоннинг табиат фарзанди эканлигидан келиб чиқади. Шу боис инсон энг оғир дамларда она табиатга суянади, табиатдан шафқат кутади, табиатдан мадад сўрайди, қалбининг туб-тубида пинҳон асраган дарду аламларини ҳам табиат билангина ўртоқлашади. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳам шундай. Ҳижрон тунида тўлғаниб чиққан лирик қаҳрамон кўксига тонгнинг майин, ёқимли шамоли тегади. Одатда, тонг маҳали кун билан бирга одамнинг кўнгли, шуури ҳам ярқ этиб ёришади. Қалби ғуборлардан тозаланади, руҳан янгиланади. Шу ҳаётий ҳолатдан фойдаланиб, Навоий чуқур руҳий таҳлилга киришади. Тўлиб турган лирик қаҳрамон биринчи дуч келган тонг елига илтижо қилиб, кўнглини бўшатади:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Илк мисрада шоир лирик қаҳрамон аҳволини севиклисига маълум қилишни ўтиниб сўраркан, иккинчи мисрада унинг аҳволини *тазод усули* воситасида маъшуқа аҳволи билан қиёсан аниқ ифодалайди: *ошиқ – гирён, маъшуқа эса шод, хуррам.* Бу қарама-қарши ҳолатнинг боиси кейинги байтда аён бўлади.

Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам, доғи
Яхши фурсат топсанг, ул бадъаҳду паймонимға айт.

Лирик қаҳрамоннинг афтода ҳолига сабаб ёрининг аҳдига вафо қилмаслигидир. Ваъда бериб, ваъданинг устидан чиқмасликни Навоий *"бадъаҳду паймон"* (бад– ёмон) деб атайди ва бу иборани бир мисранинг ўзида *"яхши"* сўзига муқобил келтириб, матладаги тазодни кучайтиради, ривожлантиради.

Бўғзига тиқилган алам изтироблари изҳоридан сўнг, лирик қаҳрамоннинг кўнгли хиёл ёришиб, унда ёр васлига яна умид пайдо бўлади ва тонг елига эндиги шикоятлари маъшуқага меҳр-муҳаббат изҳори, уни васф этиш билан омухта ҳолда зуҳур эта бошлайди:

Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.

Байтнинг юзаки мазмунига эътибор берадиган бўлсак, у чиндан ҳам шикоятни ифодалаётир. *Зуннор* – мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир. Демак, *"зулфи зуннор"* маҳбубанинг шундай чилвирга монанд сочига ишора. Гўё кофирваш бу зуннор ошиқни дини ва эътиқодидан айиради. Аслида-чи? Шоир шу йўл билан ошиқнинг ақлу ҳушини олиб маъшуқанинг сочлари белни ўраб олгувчи арқон каби узунлигини тасвирлаяпти. Навоий ғазалиётида сочнинг узунлиги фақат ҳусн тимсоли эмас. У узоқ айрилиқни ҳам ифодалашга хизмат қилади.

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон севиклисининг ошкора тавсифига ўтади:

Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.
Буки, юз жон садқаси қилсам, пушаймон бўлмоғум,
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.

Лирик қаҳрамон уни юз жону жаҳондан яхшироқ кўради, шунинг учун жону жаҳонини унга фидо қилган. У бир эмас, юз жону жаҳон бўлса, барини бағишларди. Маъшуқа эса ошиғининг бу қадар фидойилигидан бехабарми, унга висол ваъда қилганидан пушаймон. Шояд, шу фидойилик хабарини сабо етказса-ю, у гўзал инсофга келса. Эътибор берсангиз, лирик қаҳрамонлар муносабатларидаги қарама-қаршилик ҳамон сақланиб келяпти. Бу руҳий таҳлилдаги зиддиятни таъминлаб турибди.

Ошиқ хаёлидан *“балки, маҳбубим менинг садоқатимга ишонмас”,* деган гумон ўтади ва уни ишонтириш учун қуйидаги муболағали муждани етказишни тонг шамолидан сўрайди:

Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмоғум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.

Шоир манзурнинг кўзи мафтункор ва жозибали эканлигини таъкидлар экан, айни пайтда, ҳар қандай мафтункор кўзларга наззора қилавермаслигини, юз минг фитнагар фитна қилиб турса ҳам, ўз севгилисидан тонмаслигини уқтиради. Бу сатрлар ошиқнинг қасамёдидек жаранглайди. Илгариги байтда *“юз жон”* ва *“бир ваъда”* ўртасида сўз ўйини бўлганидек, бу байтда ўзакдош *“фитна”* ва *“фаттон”* сўзлари муносабатида санъат яширинган.

Кейинги байтларда шоир лирик маъшуқани ошиқни қадрлаш, ҳаётни ғанимат билиш лозимлигидан огоҳ этади:

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок нодонимға айт.
Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Чиндан ҳам, чинакам ошиққа ёр васли ҳамма вақт ҳам насиб этавермайди. Кўп ҳолларда маҳбубалар ҳаққоний фидойи ошиқларни танимай, *“эл”*га (мазкур байтда *“эл”* – ўзгалар, рақиб маъносида келган) меҳру рағбат кўрсатишлари ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидир. Шоирнинг *“даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эркани”* ҳақидаги куйиниши ҳам умрнинг қисқа ва ўткинчи эканлигидан огоҳ этади.

Эй, Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

Ғазал мақтасида бадиий изчиллик тақозосига кўра, вафосиз гулга зид ўлароқ, *“хушнаво булбул”* образи васф этилиши билан бирга, анъанага кўра, шоирнинг ўз ғазалнавислик салоҳиятига доир фахрияси ҳам тажассум топган.

Ғазалда дунёвий ва сўфиёна кайфиятлар уйғун ифодаланган. Тимсоллар ичида тимсоллар мужассам. Асардаги маъшуқа тимсолини Худо деб тушуниш ва мурожаату илтижоларни Худога тааллуқли тарзда талқин этиш мумкин.

Умуман, кўриб ўтганимиз асар ғазалхоннинг лирик туйғуларига ҳамдард бўладиган, унинг қалбини нафосат нурлари билан ёритадиган ғазалдир.

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул ҳур,
“Чиқмағон жондан умид” – ушбу масалдур машҳур.
Ой юзунг айлади бурқаъ қасабин юз пора,
Солди ҳар порасидан ерга юзунг партави нур.
Нафасинг ҳашр куни нашр бўлур олам аро,
Бир нафасда нега йўқса тирилур аҳли қубур.
Ишқнинг қуввати бирла чекарам ҳижронни,
Йўқса бир мўрға йўқ тоғни чекмак мақдур.
Чун азал қисматин эл коми била қилмадилар,
Ишқдин тутса бўлур бизни халойиқ маъзур.
Туз кўнгулга басару нутқи пароканда не бок,
Тилу кўз ғайбатидин ғойиб эмас аҳли ҳузур.
Бир нафас умрға бўлмас мутааҳҳид бўлмоқ,
Эй Навоий, не бало ғофил эрур аҳли ғурур.
(“Наводир уш-шабоб”, 142-ғазал).

Ушбу ғазал Навоий лирик фаолиятининг тўртинчи даври маҳсули бўлиб, уни шоир “Хазойин ул-маоний”нинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритган. Ғазал ишқ мавзусида битилган. Шундай бўлса-да, шоир айрим байтларда, мақтада умр тўғрисида фалсафий мушоҳада юритади. Асарнинг ғоявий мазмуни ишқни улуғлашдан иборат. Якпора ғазал. Услубан шарҳи ҳол турига мансуб. *Рамали мусаммани махбуни махтуъи мусаббағ* вазнида яратилган.

Фаилотўн фаилотўн фаилотўн фаилон
V V - -V V - -V V - -V V ~

Етти байтдан иборат ғазалнинг матласи ғоявий-бадиий баркамоллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул ҳур,
“Чиқмағон жондан умид” – ушбу масалдур машҳур.

Байтда ҳижронзада лирик қаҳрамои руҳий ҳолати ўзига хос тарзда тажассум топган. Байтнинг мазмуни ошиқнинг беҳад ҳижрон чекканлиги, висол орзусида тоқатлари тоқ бўлганлиги изҳоридан иборат. Бироқ, байтнинг ўзига хослиги фақат бунда эмас. Унинг сеҳри – бадииятида. Ундаги бадиият поэтик фикр халқона мантиқ асосига қурилгани, халқчил иборалар ёрдамида ифодалангани билан гўзалдир. Халқ *“қаттиқ азоб тортиш”* маъносини кўп ҳолларда *“жони оғзига келмоқ”, “жони оғзига етмоқ”* иборалари орқали тафсилотларсиз ихчам ифодалайди. Навоий ҳам бу иборадан лирик қаҳрамон қалб изтиробларини авж нуқтага кўтарилган даврдаги руҳий ҳолат инъикоси учун ўринли фойдаланган. Ғазалнинг шу ибора билан бошланиши, аслида, лирик кайфият, лирик драматизм, лирик

манзара анча олдин бошланганлигини кўрсатади. Чунки биз бошланмани ўқишимиз биланоқ, лирик қаҳрамон жони оғзига етгунга қадар яна бир ғазалга мазмун бўлгулик узоқ айрилиқ изтиробларини кечинганини ҳис қиламиз. Шу бошланмагача бўлган лирик воқеаларни Навоийнинг бошқа бир қанча асарлари, жумладан, *"Ул сарви гулрў келмади"* каби ғазаллари мазмуни шарҳлай олиши мумкин.

Драматик ҳаётий лавҳа бадиий ифодада ҳам зиддиятни юзага чиқарган. Ошиқ жон чиқар ҳолатга келган, маъшуқа эса уйидан чиқмайди. Бу *тазод* шаклгагина эмас, моҳиятга ҳам дахлдор. У лирик характерлар ўртасидаги қарама-қаршиликни (*бири изтироб ва эҳтирос алангасида ўртанади – бошқа бири эса лоқайд, бепарво*) ҳам ифодалайди.

Жон оғзига етса-да, лирик қаҳрамон умидсизлик ҳисларига берилмайди. Ғазалдаги лирик қиёфа шарқона умидворлик билан йўғирилган. *"Чиқмаган жондан умид"* мақоли халқона умидворлик заминида вужудга келган. Ушбу халқ мақоли шоирга кўламли маънони таъсирчан ифодалаш имконини берган. *"Чиқмағон жон"* ошиқ олдига келмаган маъшуқани ҳам англатади. Шу билан бирга, висол илинжидаги сабр-тоқат ҳадди поёнига етгани, аммо умид-ишонч ришталари узилмаганини ҳам, ошиқнинг жони чиқмагани, у ўлмагани, руҳан мағлуб бўлмаганини ҳам ифодалайди. Шарқдаги фалсафий-ахлоқий ақидага кўра, сабр, сабот маънавий камолот йўлидаги асосий шартлардан ҳисобланади. Демак, шоир ғазалда маънавий-руҳий баркамол инсоннинг лирик қиёфасини яратишга мушарраф бўлган.

Ғазалдаги ҳамма байтлар ҳам матла сингари пурмаъно ва пурсайқал битилган. Улар матла ғоявий-бадиий мазмунини изчил давом эттириш, тўлдириш, бадиий шарҳлаш ва такомиллаштириш вазифасини бажаради. Шунинг учун биз матла таҳлили билан чекландик, холос.

ЮЗ ЁПТИЮ ЖОН ОЛДИ ...

Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур,
Найлаб туз урай дамким, бағримда тиканлардур.
Тирноғ ила хатларким, рухсорим уза чектим,
Юз боғида гуллардин ҳар сори чаманлардур.
Юз ёптию жон олди, очқонда равон олди,
Ўлтургали ошиқни, билмон, бу не фанлардур.
Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда ғубор эрмас,
Афтода кўнгуллардур, фарсуда баданлардур.
Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб, эмди
Қатл айладилар, асру бадъаҳд эканлардур.
Майхонада ҳар сори бир мастки, бош қўймиш,
Кирпичлари, гўёким, жонларға ватанлардур.
Жисмида Навоийнинг ҳар момуқ ила марҳам,
Бир неча ўқунг захми, бир неча туганлардур.
("Наводир уш-шабоб", 165-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси намунасидир. У илк маротаба "Бадое ул-бидоя" девонига киритилган, кейинчалик эса "Хазойин ул-маоний"нинг "Наводир уш-шабоб" дево-

нига жойлаштирилган. Ишқ мавзусида яратилган бу ғазал етти байтдан иборат. Ишқ ва инсонни улуғлаш ғазалнинг ғоявий моҳиятини ташкил этади.

Ғазал шарқона фалсафий фикрлар билан йўғирилган.
Майхонада ҳар сори бир мастки бош қўймиш,
Кирпичлари, гўёким, жонларға ватанлардур.

Ушбу байт заминида *"Инсон – тупроқдан яралган ва у бир кун яна тупроққа, яъни Ватанга айланади"*, деган фалсафий ақида ётади. Шу фалсафий асосга таяниб, Навоий майхонанинг (маънавий майхона) ҳар бир ғишти бир ошиқ жонига маскан эканлигини, ҳар кирпич қачонлардир яшаб ўтган *"майхораву бебок"* ошиқ жонидан яралганини тасвирлашга эришган.

Ғазал яратилиш услубига кўра, изҳор турига мансуб. Таркибий хусусиятлари жиҳатидан у якпора ғазалдир. Ғазалнинг мавзу ва ғояси анъанавий бўлса-да, услуб, ифода ва лексик хусусиятларига кўра ўзига хосдир. Ҳазажи мусаммани ахраб вазнида битилган:

Мафъувлў мафоийлўн мафъувлў мафоийлўн
- - VV - - -- - VV - - -

Лирик қаҳрамоннинг букилган қадди, жисмидаги синиқликни *"дол"* ҳарфи шаклидан фойдаланиб тасвирлаш анъана бўлиб қолган. Навоийнинг ўзи ҳам бу усулни кўп асарларида маҳорат билан қўллаган эди. Бироқ, бу ғазалда шоир анъанавий усулдан воз кечиб, ошиқ қиёфасини *"Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур"* сатри орқали оригинал акс эттиради. Қадимтуркий *"кирпич"* сўзининг Навоий шеърий сўз хазинасида мавжудлиги ва мазкур ғазалда қойим қўлланиши ҳам ҳозирги замон ғазал ихлосманди учун мароқлидир.

Ғазал бадиияти бир неча поэтик усуллар маҳорат билан қўлланиши маҳсулидир. Айниқса, қуйидаги байтда ўзига хос тасвир мужассам:

Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда ғубор эрмас,
Афтода кўнгуллардур, фарсуда баданлардур.

Шоир истиора санъати орқали *"ошиқ"* сўзини тилга олмай, унинг аҳволи руҳиясини васф этмай, маъшуқага фидолигини тасвирлашга муяссар бўлади. Гўё маъшуқа сочидаги тугунлар ошиқларнинг висол сари интилган *"афтода кўнгул"*лари, кўчасидаги тупроқ эса уларнинг жонсиз, ғуборга айланган жасадлари.

Ғазал замондошларимизнинг маънавий камолоти учун катта аҳамиятга эга.

ЮЗУНГДЕК ҚАМАР ЙЎҚТУР...

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур
Шажар бўлса ҳам, анда лабингдек самар йўқтур.
Кўзум ашкининг рўди оқар тезу тунд андоқ
Ки, гар уйқу кўз сори келур ҳам, гузар йўқтур.
Отин тутсалар ногоҳ, кетар уйла ҳушумким,
Бадан ичра руҳумдин, дегайсен, асар йўқтур.
Кўнгул сўрғали келди, табибо, муни билким,
Ул оворадин сендек манга ҳам хабар йўқтур.
Йўлунгға нисор ашким, агар оз эрур, гар кўп,
Итингға ғизо кўнглум, агар бор, агар йўқтур.
Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,
Вафо нахли экканга баҳри ғусса бар йўқтур.
Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди
Ки, ўрнида эл боқса, дегайлар: "Магар, йўқтур?"
("Наводир уш-шабоб", 166-ғазал)

Ғазалда ишққа фидойилик руҳидаги покиза инсоний туйғулар тараннум этилган. Хажман етти байтдан иборат бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг ўрта ёш даврига мансуб бўлиб, шоир уни дастлаб "Наводир ун-ниҳоя" девонига жойлаштирган. Тавсифий услубда, *тавили мусаммани солим* вазнида яратилган:

Фаувлўн мафоийлўн фаувлўн мафоийлўн
V - -V - - -V - -V - - -

Ҳижрон изтиробларининг турфа тасвирларини яратиш ғазал жанрининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади ва ҳар бир шоир бу ижодий вазифани ўз бадиий маҳорати даражасида амалга оширади. Навоийнинг бу борадаги ютуқларини мазкур ғазал тимсолида ҳам яққол кўриш мумкин:

Кўзум ашкининг рўди оқар тезу тунд андоқ
Ки, гар уйқу кўз сори келур ҳам гузар йўқтур.

Кўриниб турибдики, шоир ҳижрон ҳақида мутлақо сўз юритмайди. Маъшуқа ситамларидан шикоят ҳам қилмайди. Энг машҳур ғазалларидан биридагидек: *"Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади, Кўзларимға кеча тонг отқунча уйқу келмади"* деб висол иштиёқи азобларини ошкора ёзмайди ҳам. У ҳар бир ғазалда янгича йўл тутади. Масалан, келтирилган байтда лирик қаҳрамоннинг аҳволини, дарди дилини назмий манзара яратиш орқали ифодалайди. Бунда *муболаға* ва *ташхис (бирор ашё ёки тушунчани жонлантириш) санъатлари* шоирга ёрдамга келади: *лирик қаҳрамон кўз ёшлари анҳор сингари шошқин ва тошқин тарзда оқадики, уйқу деб аталмиш зобит "кўз сори" келади ва лекин уни забт этолмайди,*

ашк анҳоридан ўтолмайди. Бу манзара ғазал мухлисларига ошиқнинг ҳижрон изтиробларини ҳам, висолга интиқ қалб қийноқларини ҳам ўзига хос ва таъсирчан етказа олади.

Изланган ва йўлида интизорлик чекилган орзуланган сиймога садоқат ҳамда фидойиликнинг гўзал тасвирига Навоий ғазалиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ мана бу байт уларнинг ҳаммасидан ўзгача санъат маҳсули:

Йўлунгға нисор ашким агар оз эрур, гар кўп,
Итингға ғизо кўнглум, агар бор, агар йўқтур.

Байтда *тарсе* – байтдаги яхлит оҳангдошлик, ҳар иккала мисра сўзларининг ўзаро қофияланиб келиши *санъати*дан ташқари, содда ва халқона *"агар оз эрур, гар кўп", "агар бор, агар йўқтур"* усулининг топқирлик билан қўлланиши бадиий маҳоратнинг нодир ҳадясидир.

Навоий рубобиётининг учинчи даври маҳсули бўлмиш бу ғазалда ҳаётий кузатишлар асосида юзага келган вафо ҳақидаги хулоса ифодаси ҳам қизиқарли:

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,
Вафо наҳли экканга баҳри ғусса бар йўқтур.

Байтнинг моҳияти лирик қаҳрамон билан шоир шахсиятидаги руҳий муштараклик, дарддошликни намоён қилади. У кишида ҳаёт гулшанида вафо кўчатини ўтқазиб, ундан вафо кутган, алалоқибат ранжу ғусса ҳосилини кўтарган инсоннинг таассуфномасидек таассурот қолдиради. Қизиғи шундаки, Навоийнинг вафо ҳақидаги бу фикри унинг бошқа рубобий асарлари, достонлари, насрий асарларидаги мулоҳазаларга мувофиқ келади.

Демак, бу ғазал ўзининг ошиқона табиати, кўркам бадиий либоси билангина эмас, балки ижтимоий-ахлоқий мазмундорлиги билан ҳам Навоий ғазалиётининг мумтоз намуналаридан саналади.

ҲИММАТ ВА ҲАЛОЛЛИК

Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур?
Ё қуёш узра ёзилган ояти раҳматмудур?
Буки, сенсиз куйдурур жонимни, билмон яхшиким,
Юз томуғнинг ўтиму ё шуълайи фурқатмудур?
Эйки, дерсен: "Лабларимдин ҳожатинг недур, дегил!"
Мен – сусиз, ул – чашмайи ҳайвон, демак ҳожатмудур?"
Демаким: "Не эркин ул ойнинг қуёшқа нисбати?"
Бир-бирига иккисин ўхшатқуча нисбатмудур?
Қаддини кўргач, ҳам ўлдум, ҳам тирилдим оллида,
Рост гар дерсен, қиёмат де ани, қоматмудур?
Даъвийи ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин, ҳиммматмудур?
Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди, айб эмас,

Юз туман муҳлик бало дегил они, меҳнатмудур?
(“Наводир уш-шабоб”, 167-ғазал)

Ғазал Алишер Навоий лирикасининг тўртинчи – қарилик даврида ёзилган бўлиб, шоир лирик куллиётини тўрт фаслга тақсимлаганда, бу асарни “Наводир уш-шабоб” девонига жойлаштирган. Асарни ташкил этган етти байтда *“тажоҳули орифона” санъати*га изчил амал қилинган. Ғазалнинг ғоявий моҳияти маъшуқа жамолини васф этиш ва ишқни улуғлашга қаратилган. Услубан ғазал таъриф-тавсиф турига мансуб.

Композицион таркибига кўра, якпора ғазал. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган:

Фоилотўнфоилотўн фоилотўн фоилўн
– у- -- у - –- у- -– у–

Матланинг ҳар иккала мисраси, қолган байтларнинг иккинчи мисралари *“жаннатмудур”, “раҳматмудур”, “фурқатмудур”, “ҳожатмудур”, “нисбатмудур”* каби хитобий сўроқлар билан тугалланади. Деярли ҳар байтда айириш боғловчиси *“ё”* қиёсловчи бадиий восита вазифасида келади. Булар *“тажоҳули орифона”* деб аталмиш бадиий санъатнинг белгиларидир. Навоий *“Ул саводи хатмудур ё сабзайи жаннатмудур, Ё қуёш узра ёзилғон ояти раҳматмудур”, “Юз томуғнинг ўтиму ё шуълайи фурқатмудур”* тарзида маҳбуба жамолини турли нарсаларга қиёслайди, баъзан қиёсларидан қайтади, мавжуд ташбеҳларни инкор этади, баъзан муқоясада иккиланади, ўзини билиб-билмасликка солади ва шу йўл билан жамики мавжудотдан устун ҳам тенгсиз гўзал лирик субъект сиймосини яратади. *“Тажоҳули орифона”* санъатининг қонуний моҳияти ҳам шундан иборат. Демак, мазкур ғазал бадийяти бутунлигича *“тажоҳули орифона”* усули асосига қурилган.

Ғазалда *“тажоҳули орифона”* санъатидан холи ва ишқ мавзусидан чекинган биргина байт бор:

Даъвийи ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин, ҳиммматмудур?

Ғазалнавислик тажрибасида мақтадан олдинги байтда, асосий мавзудан чекиниб, фалсафий-ижтимоий мазмун баён этиш анъанаси мавжуд. Мазкур байт ҳам ана шу маънавий хусусият нишонасидир. Ушбу фалсафий байтда шоирнинг инсон маънавий камолотида асосий шартлардан ҳисобланмиш – *“ҳиммат”* фазилатига эстетик муносабати ифодаланган. Шоир талқинича, ҳиммат билан дунёпарастлик, амалпарастлик батамом бир-бирига қарама-қарши хусусиятлар. Ҳиммат – сахийлик, меҳрибонлик, мададкорлик, инсонпарварлик билан бирга камтарлик, фидойилик, хокисорликни ҳам қамраб олади. Олийҳимматликни даъво қила туриб, айни пайтда, мол-дунёга ҳирс қўйиш, мансаб-мартабага интилиш камолот толиби учун мутлақо номуносиб ҳол. Чунки бойлик ва амалга ружу қилган киши ўз манфаатини ҳаммадан устун қўяди, оқибатда, худпараст кимсага айланади. Олийҳимматлик ва худпарастлик бир-бири билан келиша олмайдиган хусусиятлардир. Шунинг учун Навоий ҳиммат даъво қилиб, амалга интилганларни ўзлигини ифлос ва чиркин нарсалар билан булғаган, эзгулиги ёвузлик билан қоришган маънан аянч кишиларга ўхшатади. Бу билан шоир шахсан ўзи гувоҳ бўлган бир қанча замондошлари фожиасини кўрсатган ва бошқа-

ларга уларнинг қилмишларидан сабоқ бермоқчи бўлган. Байтда шундай салбий нусхаларга шоирнинг ғазаб ва нафрати ошкор сезилади. Айни пайтда, унда инсон қисматига ўкиниш, куюниш туйғулари ҳам мужассам.

Навоийнинг бу ҳаётий сабоғи бизнинг замонамиз учун ҳам долзарблиги билан муҳимдир. Яқин ўтмишдагина олийҳимматлик муддаоси билан қатор эзгу ишларни амалга оширган ва шунинг баробарида, молу мансаб кетидан қувиб, халққа, жамиятга катта зарар етказган талай замондошларимиз фожиасига гувоҳ бўлдик. Навоийнинг бундай ғазаллари ўзининг теран фалсафий-ахлоқий мушоҳадалари билан маслаги олийҳимматлик ва инсонпарварлик бўлмиш замондошларимиз, хусусан, келажак насллар учун ҳаётий дастуриламал сифатида қимматлидир.

ГАДО МАҲРУМУ ИТ МАҲРАМ ТУШУПТУР

Кўзунг сарфитнайи олам тушуптур,
Қошингдек бир янги ой кам тушуптур.
Сепибсенму гулоб ул юзга, ёхуд
Гули сурий уза шабнам тушуптур.
Кўнгуллар захмидин солиб чекарга,
Магар, қошинг учиға хам тушуптур.
Лабинг ҳажринда бағримдин борур қон,
Магар ул захмдин марҳам тушуптур.
Эмас елдинки, сайри боғ этарда
Аёғингға суман гул ҳам тушуптур.
Итинг синғон сафолида май ичсам,
Нетонг, илгимга Жоми Жам тушуптур.
Навоийни қовуб, истар рақибин,
Гадо маҳруму ит маҳрам тушуптир.
(“Наводир уш-шабоб”, 168- ғазал)

“Наводир ун-ниҳоя” девонидан ўрин олган бу ғазал Навоий лирик тараққийсининг учинчи даври маҳсулидир. Ҳажми етти байт. Ишқ мавзусида яратилган. Инсоний гўзалликни улуғлаш ғояси билан суғорилган. Бошдан-оёқ бир мавзуни изчил ёритишига кўра, композицион жиҳатдан якпора ғазалдир. *Ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазнида ёзилган:

Мафоийлўн мафоийлўн фаувлўн
V - - - V - - - V - -

Ғазалнинг дастлабки беш байти тавсифий услубда битилган. Уларда севимли сиймонинг сифат ва фазилатлари анъанавий йўлда кўтаринки руҳда васф этилган.

Олтинчи байт алоҳида таҳлилга эҳтиёжманд, мураккаб байтдир:

Итинг синғон сафолида май ичсам,
Нетонг, илгимга Жоми Жам тушуптур.

Байтнинг мураккаблигига сабаб – унда *“ит”, “синғон сафол”, “май”, “Жоми Жам”* каби фалсафий тимсоллар мавжуд. Шу тимсолларнинг фалсафий-бадиий маъносини аёнлаштириш орқалигина байтнинг мазмунини тўлиқ англаш мумкин. Маъшуқанинг *“ит”*и ошиқ ва маъшуқа орасида турувчи, гоҳо уларнинг висол топишига сабаб, восита бўлувчи анъанавий тимсолдир. Бу байтда у ошиқни маъшуқа васфига ноил этувчи образ. *“Синғон сафол”* дардманд, шикаста қалб рамзидир. Май эса – ишқ тимсоли. Жоми Жам афсонавий Жамшиднинг ўзида жаҳонни акс эттирувчи сеҳрли қадаҳидир. Бу образлар воситасида ифодаланган мазмун эса қуйидагича: *Лирик қаҳрамон маъшуқа итининг “синғон сафоли”дан май ичишни Жамшид жомини қўлга киритишдек бахт ҳисоблайди. Чунки итнинг “синғон сафол”и, яъни синиқ кўнглига ҳамдард, ҳамроз бўлиш, унинг “синғон сафоли”да ишқ майидан сипқориш маъшуқа васлига яқинлашиш билан баробар. Демак, ошиқ учун “синғон сафол” – “Жоми Жам”, “Жоми Жам” эса маъшуқа жамолини акс эттирувчи кўзгудир.*

ФУРҚАТ ИЧРА ШАРБАТИ ЛАЪЛИНГ...

Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,
Гарчи дерлар: “Талх дарёда чучук сув ҳам бўлур”.
Зулфу рухсоринг ғами нетонг бузуғ кўнглум аро:
“Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур”.
Кўксума отсанг бир ўқ, от ёна бир ёниндаким,
Ул дағи кўнглумни шод айлар, бу ҳам маҳкам бўлур.
Ул пари ишқин малойикдин ёшурсам, не ажаб,
Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур?
Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким:
“Дуд равзандин кирар, уйнинг биноси нам бўлур!”
Гар эгилса қоматим ишқинг юкидин, қилма айб
Ким, сипеҳр узра бу оғир юкни қўйсанг, хам бўлур.
Олам аҳлидинким ул ойни Навоий танлади,
Билмадиким, ишқидин оворайи олам бўлур.
(“Наводир уш-шабоб”, 170-ғазал)

Навоий ғазалиётининг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини таъминлаган омиллардан бири услубнинг халқчиллигидир. Бу ўринда ғазаллардаги халқчиллик ғоясигина назарда тутилмаётир. Балки Навоий ғазалиёти бадиий тасвир усул ва воситаларининг ҳам халқоналиги эътиборга олинаётир. Навоийнинг мавлоно Лутфийдаги сингари халқ мақоллари, маталлари, ҳаётий тафсиллар билан музайян ғазаллари кўп. Улардан бири қуйидаги матла билан бошланади:

Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,
Гарчи дерлар: “Талх дарёда чучук сув ҳам бўлур”.

Бу ғазал Навоий халқчил шоир сифатида етилган пайтда, яъни ижодий такомилининг учинчи даврида яратилган бўлиб, аввал “Наводир ун-ниҳоя” девонидан ўрин олган эди. Анъанавий ишқий мавзуда яратилган. Ҳажми етти байт. Услубан ғазал таъриф ва шарҳи ҳол уйғунлашган аралаш турга мансуб. Композициясига кўра, якпора ғазал. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Матладаги назмий фикр, яъни лирик қаҳрамоннинг ҳижрондан шикояти ва висол орзусини икки хил бадиий санъат юзага чиқарган. Биринчиси, *“ирсол ул-масал”* – мақол, матал ва бошқа халқ тили унсурларини шеър таркибига сингдириб юбориш санъати. Мазкур байтда Навоий халқ тилидаги эзгуликка умидлантирувчи *“Талх дарёда чучук сув ҳам бўлур”* иборасини поэтик фикрни асослаш мақсадида жуда ўринли қўллаган. Бундан ташқари, байтда таносиб санъатига ҳам риоя қилинган. Таносиб воситасида *“фурқат”* – айрилиқ образи *“талх дарё”*га, *“шарбати лаъл”* эса *“чучук сув”*га қиёсланган. Шу усул билан висол ва ҳижрон ўртасидаги зиддият ҳаётийлаштириб тасвирланган.

Одатда, матла ғазалда бадиатан энг мукаммал, баъзан *“шоҳбайт”* даражасида бўлади. Ушбу ғазалнинг ўзига хослиги шундаки, юқорида қайд этилган фазилат матладан кейинги байтларда ҳам сақланган.

Зулфу рухсоринг ғами нетонг бузуғ кўнглум аро:
“Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур”.

Мазкур байт бадийяти заминида русча истилоҳ билан айтганда, *психологик параллелизм*, шарқона айтганда, *тамсил санъати* ётибди. Лирик қаҳрамоннинг ҳижрон дардларидан ғамзада ва хаста қалбида зулфу рухсор соғинчи мавж уради. Унинг вайрона қалбини ёритиб турган машъал ҳам, аслида, шу зулфу рухсор муҳаббати. Лирик қаҳрамоннинг шундайин руҳий ҳолатига шоир гўзал бадиий асос ахтаради ва уни халқ тили маъхазларидан топади. *“Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, махзан ҳам бўлур”* – халқ қарашлари, тушунчасига маҳкам ўрнашган ақида. Биринчи мисрадаги мазмун ва ушбу матал ўртасидаги моҳият муштараклиги билан бирга, улардаги образлар мутаносиблиги ҳам юксак бадииятни таъминлаган. Навоийнинг санъаткорлиги ҳам – шундай тамсилни ярата олганида. *“Аждаҳо”* – *“зулф”*га, *“махзан”* – *“рухсор”*га, *“вайрона”* – *“бузуғ кўнгул”*га таносиб келтирилган. Бу мутаносиблик шундай мазмунни аёнлаштирганки, вайронада хазина ва аждаҳо бўлганидек, лирик қаҳрамон кўнглини ўртаган дард ҳам шундакн, унинг *“бузуғ кўнгли”*да ҳам ганжинага татигулик жамол ва уни аждаҳо сингари қўриқлаб, тўсиб тургувчи қаро ҳижрон тимсоли *“зулф”* мужассам.

Ҳаёт сабоқлари, мавжуд турмушга оид воқеа, ҳодиса, ҳолатлар Навоий ғазалларининг оригиналлигини таъминлаб турган бадиий омиллардандир. Қуйидаги байтнинг иккала мисрасидаги тафовутга зътибор беринг:

Ул пари ишқин малойикдин ёшурсам, не ажаб,
Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур?

*“Ул пари ишқи”*ни тавсифловчи биринчи мисра анъанавий хусусиятга эга. Агар дарманд эл руҳиятини дардсизлар ҳеч қачон тушуниб етмаслиги ҳақидаги ҳаётий сабоқ асос қилиб келтирилмаганида, бутун байт янгиланмай, анъанавийлигича қолиб кетар, Навоийвор таъсирга эга бўлолмасди.

Навбатдаги байт бадийяти ғазалнавис илҳомининг яна бир янги мавжидан яралган:

Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким:
“Дуд равзандин кирар, уйнинг биноси нам бўлур”.

Ҳижрон изтиробларидан азобланган ошиқнинг ашку оҳ-нолалари мумтоз адабиётда турли шаклларда муболағали тасвирланган. Мазкур ғазалда Навоий шу мунозарани муболаға эмас, тамсил усули воситасида яратади. Ҳамсоя-қўшниларнинг бир-бири устидан шикоят қилиб юриши ўрта асрларда ҳам, ҳозир ҳам бўлиб турган ҳодиса. Шоир шу ҳаётий тафсилдан фойдаланиб, лирик қаҳрамон руҳиятидаги тўфонларни бўрттириб тасвирлашга эришган. Гуё лирик қаҳраман шундай ўтли оҳ тортадики, унинг тутунлари ҳамсоя уйининг туйнукларидан кириб, уни безовта қилади. Шундай фарёд чекиб йиғлайдики, оқибатда, кўзёш нами зўридан ҳамсоя уйининг деворига зах кўтарилади.

Хуллас, бу ғазал Навоий даҳосининг ҳаётбахш руҳини ўзида мужассамлаштирган етук бадиий асарлардандир. Ғазалнинг таҳлил доирасига тортилган тўрт байтиёқ унинг нафосатини тасаввуримизда муайян даражада гавдалантира олади.

ОҲУ АШКИМДИН ХАБАРСИЗ БЎЛМАНГ...

Қосидеким, еткурур кўнглумга жонондин хабар,
Ўйладурким, бергай ўлган жисмға жондин хабар.
Дема, ҳажримдин хабарсизму экансенким, менга
Бор эди ўлмактин, аммо йўқ эди ондин хабар.
Не ажаб очилса кўр ўлғон кўзум Яъқубдек
Ким, насими субҳ берди моҳи Канъондин хабар.
Шодмен, гўё фироқ айёми бўлди муртафиъ
Ким, ҳабибим келмагига етти ҳар ёндин хабар.
Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли
Ким, берурлар ул бири сарсар, бу туфондин хабар.
Соқиё, қўй давр аёғин, ўйлаким, нўш айласам,
То қиёмат топмағаймен аҳли давронднн хабар.
Эй Навоий, тонг йўқ ўлсамким, ўтуптур неча кун
Ким, менга йўқ не кўнгул, не кўнглум олғондин хабар.
(“Наводир уш-шабоб”, 175-ғазал)

Навоийнинг қарилик лирикасига мансуб бу ғазал катта бадиий маҳорат намунасидир. Ғазал ишқ мавзусида битилган, аммо унинг мундарижаси фақат шу мавзу билан чегараланиб қолмаган. Етти байт доирасида шоирнинг қосид, ҳабиб, олам эли, аҳли даврон, соқийга мурожаати ва улар ҳақидаги таассуроти, фикр-ўйлари акс этган. Бироқ, буларнинг бари

ягона мавзуни ёритишга қаратилган. Қофия унсурлари, *“хабар”* радифи ҳам мазмун изчиллиги ва ғазал яхлитлигини мунтазам сақлаб туришга сафарбар қилинган. Шу каби композицион хусусиятларига кўра, бу якпора ғазалдир.

Услубига кўра, ғазал шарҳи ҳол турига тааллуқли. Матлада мадҳ билан шарҳ аралаш келади. Шоир лирик қаҳрамон аҳволини қосидни мадҳ этиш воситасида шарҳлайди. Яъни, лирик қаҳрамон кўнглига *“жонондин хабар”* етказган элчи афсонавий Масиҳдек жонбахш инсон – *“Ўйладурким, бергай ўлғон жисмға жондин хабар”*. Бу қадар мадҳу мамнуниятга сабаб лирик қаҳрамон шундай маҳжур ҳолатда қолганки, *“Бор эди ўлмакдин, аммо йўқ эди ондин хабар”.* Шу кўйи, қолган сатрлар шарҳи ҳол услубида давом этади.

Ғазал висолни энтикиб орзулаш, ишқни улуғлаш ғоялари билан суғорилган. Бироқ асар мазмуни шоирнинг даврга доир дардлари билан йўғирилгани унииг ғоявий салмоғини чандон орттирган.

Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли
Ким, берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.

Фавқулодда гўзал муболаға! Сарсар шамолини елдирувчи, оҳ ва тўфон қўзғатувчи кўз ёшлар фақат висол илинжи ёки ишқ изтироблари боисидан эмас, албатта. *“Олам эли”*ни таҳликали огоҳлантиришдан мақсад лирик қаҳрамон, яъни Навоий замонасидаги инсон руҳий жароҳатлари, қалб оғриқларидан бехабар, лоқайд замона аҳлини маънавий бедорликка чақиради.

Навоийнинг бошқа жуда кўп ғазалларидаги давр ва давр аҳлидан тўйинганлик, имкон қадар улардан чекиниш, қочиш истаги бу ғазалда ҳам давом этади:

Соқиё, қуй давр аёғин, ўйлаким, нўш айласам,
То қиёмат топмағайман аҳли давриндин хабар.

Соқийга мурожаат анъанавий ҳол бўлса-да, бу байтда шоир бода, май, шароб қуйишни илтижо қилмаган, балки бир йўла давр дардларидан ҳам, *“аҳли даврон”*дан ҳам фориғ бўлиш илинжи ифодаланган. Соқийга “қуй давр аёғин”, дея мурожаат қилиш ҳам Навоийга хос янгиликдир.

Байтларда лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига монанд гавдаланади. Ана шундай хусусиятларига кўра, бу Навоийнинг оригинал ғазаллари сирасига киради.

Ғазалда *ташбеҳ, истиора, талмеҳ, тарди акс санъатлари* маҳорат билан қўлланган. Рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* вазни ғазал оҳангининг равонлигини таъминлаган. Оҳанг тасвири шундай:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал замондошларимизни ишқни улуғлаш, висолни қадрлаш, инсонни тушунишга ўргатади.

ТЎРТ РАНГ РАМЗИ

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр
Тўрт унсур кисватидур, гўйиёким, жон кияр.
Ўзбаки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур
Лемуйи терлик анинг остидаким, жонон кияр.
Икки ёнимни шигоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шигофин боғламай қаптон кияр.
Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсани каттон кияр.
Ораз узра шўхлуқдинму ёпар санжобини,
Йўқса, санжоби булутдурким, маҳи тобон кияр.
Ҳар чубулғон торидур сарриштайи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.
Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр.
("Наводир уш-шабоб", 180-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёшларида яратилган. У ишқий мавзуда. Ҳажми етти байт. Услубан ғазалнинг тавсиф турига мансуб. Унда, асосан, маъшуқанинг ташқи гўзаллиги – кийиниши, зеб-зийнатлари васф этилади. Васф объекти тасвири сўнгги байтгача изчил давом этишига кўра, бу ғазал композицияси якпорадир. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал сатрларидан инсоний гўзалликка муҳаббат ғоялари уфуриб туради. Тасвир маъшуқанинг тўрт қарама-қарши рангдаги либос кийиши манзараси билан уйғун равишда боради. Ғазалда мадҳ этилган ранглар, албатта, рамзий маънога эга. Шоир ранглар воситасида маъшуқа гўзаллигидан ташқари, лирик қаҳрамон кечинмалари, унинг маъшуқага муҳаббати изҳорини ифодалайди.

Рангни рамзийлаштириш матладаноқ бошланади. Шоир қарама-қарши тўрт рангдаги либосни инсон жисми яралишига боис бўлган тўрт унсурга қиёслайди:

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур, гўйиёким, жон кияр.

Ранглар ва кийимлар тасвири асарни ўзига хос манзара – портрет ғазал даражасига етказган. Натижада, ўрта аср ўзбек кийиниш маданиятини мукаммал эгаллаган сиймо сурати шаклланган.

Ғазал бугунги китобхонга XV аср кишисининг қуйидаги кийим-кечаклари ҳақида аниқ тасаввур бериши билан ҳам мароқлидир: *ҳулла – безакли, нозик, нафис кийим; ўзбаки гулнори тўн – ўзбеклар кийган анор гул қизил тўн; лемуйи терлик – сариқ ичкўйлак; шигоф –*

ипакдан калаваланган арқон, белбоғ; катон – канопдан тўқилган, ёруғликка чидамсиз, нозик кийимлик; қаптон – устдан кийиладиган ҳашаматли тўн; санжоб – силовсин ва олмахон терисидан ишланган тўн ва ёпинчиқ.

Бунингдек “тўрт ранги мухталиф” тасвири воситасида ғазал яратиш форс-тожик мумтоз адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам ноёб ҳодиса бўлиб, у Навоий услубигагина хосдир. Ҳатто, Навоийнинг ўз ғазалиётида ҳам бундай мураккаб ғазални бошқа учратиш қийин. У рангни қўллаш усулига кўра, Ё. Исҳоқов уч гуруҳга бўлган (Навоий поэтикаси. Тошкент, “Фан”, 1983, 124–125-бетлар) ғазалларнинг бирор турига ҳам мос келмайдиган, алоҳида турдаги ғазалдир.

МАЙХОНА – АЖАБ КОРХОНА

То дайр ичинда муғбачалардин нишонадур,
Эй пири дайр, бошиму бу остонадур.
Ўздин бориб фиғоним, эмас тонгки, дайр аро
Ҳар сори боқса, замзамайи бехудонадур.
Гаҳ пири дайр боис эрур, гоҳ муғбача,
Йўқ-йўққи, бода комиму ул-бу баҳонадур.
Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,
Шоҳу гадо тенг ўлди – ажаб корхонадур.
Асрори ваҳдат иста харобот пиридин
Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.
Гар кўнглум ичра соқию май ўт солмамиш,
Ҳар лаҳза оҳидин бу не ўтлуқ забонадур?
Ул умр бир замонлиғ эрур, истама вафо,
Афғонки, ул ҳам ўйлаки аҳли замонадур.
Кўздин сочилди ашку кўнгул ўти берди бар,
Ул навъ ўт чиқарди, ажаб тавр донадур.
Оташгаҳ этти куфр эли кўнглум уйини магар
Ким, умр ўтти ўчмай ул ўт анда ёнадур.
Истар Навоий ўзни маю ишқдин халос,
Моне валек соқию жоми муғонадур.
(“Наводир уш-шабоб”, 186-ғазал)

Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлмиш бу асар мавзусига кўра риндона ғазалдир. Бу якпора ғазалда бошдан-оёқ май тўғрисида фикр юритилади. Ғазал ўн байтдан иборат, шарҳи ҳол услубида битилган. *Музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* вазнида ёзилган:

Мафъувлў фоилоту мафоийлў фоилўн
V - -- V - -V - - -- V -

Шоир ғазалда май ва майхонани таърифлаш воситасида замонаси учун илғор ғояларни илгари суришга ҳаракат қилган. Дайр – майхона, яъни риндлар дунёси Навоий ва унинг маслакдошлари учун тенгсизлик, феодал урушлар, адолатсизлик авж олган жамиятдан чекиниш, хилват қилиш, ваҳдатга интилиш масканига айланган. Шоирнинг риндона руҳдаги махсус ғазаллар ёзиши ҳам шундан. Майхона таърифида у ёзади:

Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,
Шоҳу гадо тенг ўлди - ажаб корхонадур.

Дайр – майхона илоҳий ишқ-муҳаббат майдонидир. Демак, дайрнинг афзаллиги шундаки, унда энг муҳим ижтимоий омил – тенглик муҳайё. *"Дайр ичра", "сафол ила олтун қадаҳда"* май ичишдан қатъи назар, *"шоҳу гадо тенг"*. Тенглик бор жойда осойишталик ва адолат барқарор. Ғазалдаги *"май"* тушунчаси рамзий бўлиб, у ваҳдат – бирлик майи, маслак майи маъноларига эга. Майхонадаги шоҳ-у гадони ягона эътиқод, маслак бирлаштиради ва тенглаштиради. Яъни, шоҳ *"олтун қадаҳда"*, гадо эса *сопол идишда* бир хил май истеъмол қилади. Бу ғазал ўзига хос фалсафий асар ҳам бўлиб, унинг ғоявий мазмуни нақшбандийлик эътиқодига асосланган. Лирик қаҳрамоннинг ваҳдатга интилиши, майхонага чекиниши маъносиз хилватнишинлик эмас, балки нақшбандийликнинг *"хилват дар анжуман"* ақидасига биноан, маслакдошларнинг бирлашиши, *анжуман ичра хилват қилиши* рамзидир. *"Дайр ичра" "олтун қадаҳда"* май ичувчи шоҳ Навоий орзусидаги *"сурати шоҳу, сийрати дарвеш"*, сопол идишда май ичувчи гадо эса *"сурати дарвешу, сийрати шоҳ"* риндлар образидир. Майхона шунинг учун *"ажаб корхона"* дея таърифланади.

"Ажаб корхона" пири қарама-қарши тимсол сифатида гавдаланади:

Асрори ваҳдат иста харобот пиридин
Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.

Чунки риндларнинг улуғ ҳикмати – ваҳдат сирларини майхона соҳиби билади. Харобот пири висол кўшкига йўл бошловчи ошиқлар сардоридир. Ғазалнинг ҳажми катталигидан бўлса керак, анъанавий лирик чекиниш мазмунидаги байт мақтадан анча олдин келган:

Ул умр бир замонлиғ эрур, истама вафо,
Афғонки, ул ҳам ўйлаки аҳли замонадур.

Замонасининг ижтимоий қиёфаси ҳамиша диққат марказида бўлган Навоий шу ғазалда ҳам аҳли замоннинг оқибатсизлигини умрнинг қисқалигидан афсусланиш орқали танқид қилиб ўтган.

Ғазалнинг ўзига хослиги шундаки, шоир тасвир объекти ва у билан боғлиқ образларга жуда кўп мурожаат қилади. Ғазалнинг сўз таркибида қуйидаги тимсол ва иборалар муҳим ўрин эгаллайди: *Дайр (икки марта қўлланган), бода, сафол, олтун, қадаҳ, шоҳ, гадо, ажаб корхона, асрори ваҳдат, харобот пири, соқий (икки марта қўлланган), май (икки марта қўлланган), ўт (беш марта қўлланган), оташгоҳ, ишқ, жоми муғона.* Улар риндлар муҳитини яққол акс эттиришга, ҳар сатрдан риндона мазмун балқиб туришига хизмат қилган.

БЎРК ЎРНИДА БОШ ЭЛТУР

То туррaси торинда ҳар сори тугунлардур,
Заъф ичра сўнгаклардин ҳар сори бўғунлардур.
Дарёву булут эрмаским, оҳ ила ашкимдин
Ҳам ер юзида кўллар, ҳам кўкта тутунлардир.
Шак йўққи, ёруткайсен кулбамдағи зулматни,
Ҳажрингда манга, эй ой, билсангки, не тунлардур.
Овораву саргардон ишқ аҳлиға боқ ҳарён
Ким, водийи дард ичра не навъ қуюнлардур.
"Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрниға жон олур",
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур.
Жисмимда туганларни айб айлама, эй зоҳид
Ким, сабр илиги тиккан ҳирқамда юрунлардур.
Ичканда Навоий май, дайр аҳлиға сур ўлмиш,
Солғил қулоқ, эй носиҳ, ул ёнки, не унлардур.
("Наводир уш-шабоб", 187-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб. Етти байтдан иборат. Ишқ мавзусида ёзилган. Услубига кўра, ғазалнинг шарҳи ҳол турига мансуб. Композициясига кўра, якпора ғазал. *Ҳазажи мусаммани ахраб* вазнида яратилган:

Мафъувлў мафоийлўн мафъувлў мафоийлўн
V - -V - - -V - -V - - -

Ғазалнинг ғоявий мазмуни лирик қаҳрамоннинг ишқ изтиробларида кечирган кечинмалари тасвири асосига қурилган. Ғазал анъанавий руҳга эга. Унда кўпроқ муболаға, ташбеҳ, истиора санъатлари қўлланган. Маъшуқанинг *"туррaси"* – сочи торидаги тугунлар туганмас ҳижрон, очилмас бахт, ушалмас орзуни ифодалайди. Ана шу тугунлар ошиқ *"сўнгаклар (и) дин ҳар сори бўғунлар"* – тузалмас жароҳатлар ҳосил қилади. Бизга дарё ва булут бўлиб кўринган нарсалар асли лирик қаҳрамон оҳидан кўкка чирмашган тутунлар, кўз ёшларидан ер юзида ҳосил бўлган кўллардир. Шундайин ҳазин ва дардчил тасвир изчиллиги асар сўнгигача сақланади. Бироқ барча байтлардаги тасвир анъанавийлигича қолмайди. Баъзи байтлардаги тасвир ҳайратланарли даражада оригинал:

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зоҳид
Ким, сабр илиги тиккан ҳирқамда юрунлардур.

Байтдаги асосий ғоя лирик қаҳрамоннинг сабр-бардошли эканлигини васф этишдан иборат. Буни шоир тимсолий тарзда – баданимдаги доғлар тўнимга сабр қўллари билан тикилган ямоқлардандир, дея тасвирлайди.

Ирсоли масал усулида битилган *“Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрниға жон олур”* байти ҳам диққатга сазовор. Унда ҳозирги тилимиздаги *“Саллани олиб кел деса, каллани олиб келмоқ”* иборасининг Навоий давридаги маънодоши қўлланган.

Ғазал замондошларимизни гўзалликка муҳаббат, севгига садоқат руҳида тарбиялайди.

ЮЗУНГ ҚУЁШМУ – ҚУЁШ ЮЗУНГМУ

Деди: “Кўзум қичишур”, айтдимки: “Бода томуз”,
Деди: “Не ҳожат анга бода, маст эрур онсиз”.
Бутар гул ичра гаҳе ғунча, лек очилмас,
Юзунгда турфадурур кулгуси била ул оғиз.
Кўзум ёшин оритиб гар туганмаса, тонг эмас,
Ажабдурур сочибон суйини қуруса тенгиз.
Юзунг қуёшму экин ё қуёш юзунгму экин
Ки, қайси қайси экин, фарқ эмас, нечукки эгиз.
Итинг изига кўзум суртсам, ғариб эрмас
Ки, “айн” шакли била нақш ўлур аёғдин из.
Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,
Тобуқ қилиб, юкунуб тустиғон ичинда қимиз.
Ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлай
Ки, дайр пириға арзир бу навъ ўғил била қиз.
Чу даври чарх эрур боиси ғаму меҳнат,
Кўнгул фароғатини жом давридин олингиз.
Нечук йироқ бўлали пири дайру муғбачадин,
Навоийё, чу аларнинг муриду бандасибиз.
(“Наводир уш-шабоб”, 218-ғазал)

Навоийнинг қарилик лирикасига хос бу асар мавзусига кўра риндона ғазалдир. Тўққиз байт мобайнида май, пири дайр ва муғбача мадҳи ҳамда маъшуқа тасвири уйғунлашиб кетган. Демак, ғазал услубан аралаш турга мансуб. *Мужтаси мусаммани махбуни мақтуъ* вазнида битилган:

Мафоийлўн фаилотўн мафоийлўн фаълўн
V - - -VV - -V - - -V -

Ғазал марказида *“пири дайру муғбачанинг муриду бандаси”, “ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлиш”*ни орзулаган лирик қаҳрамон – ринд образи туради. Ғазалнинг бошдан-оёқ бутун мундарижаси шу ринд ҳис-туйғулари изҳоридан вужудга келади. Бу ғазалнинг якпора композиция касб этишига сабаб бўлган.

Мавзу ва унинг ёритилишига кўра, ғазал анъанавий характерга эга. Бироқ, у қатор оригинал фазилатлардан ҳам холи эмас. Ғазалнинг оригинал хусусиятларидан бири шуки, у шоирнинг қарилик даврида яратилганига қарамай, ифода услуби ниҳоятда содда:

Юзунг қуёшму экин ё қуёш юзунгму экин
Ки, қайси қайси экин, фарқ эмаски, нечукки эгиз.

Бу байтдаги бадиий соддаликнинг омили тажоҳули орифона санъатидир. Бошқа байтларда ҳам шоир мураккаб ифода усулларидан сақланган.

Итинг изига кўзум суртсам ғариб эмас
Ки, "айн" шакли била нақш ўлур аёғдин из.

Маъшуқа ити оёғининг изи, кўз ҳамда *"айн"* ҳарфи шаклларидаги ўхшашликдан шоир янги бадиий имконият очган.

Ғазалдаги майгина эмас, қимиз таърифи ҳам қизиқарлидир:

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,
Тобуқ қилиб, юкиниб тустиғон ичинда қимиз.

Бу байтда ўзбек халқининг қадимий қимизхўрлик одати, қимизнинг она сутидек ҳалоллиги таърифи ва ўзбекнинг қимиз тортиш маданияти тасвири мароқлидир. Ниҳоят, XV аср ўзбек ҳаётига оид яна бир нарса – қимиз қуйиладиган идиш – *тустиғон*нинг қадаҳ, жом, соғар образлари сингари ғазалга олиб кирилиши Навоийнинг бадиий кашфиётидир.

Мақтадан олдинги, лирик чекиниш тарзидаги байтда шоир даврон дардларига табиий равишда риндона кушойиш излайди:

Чу даври чарх эрур боиси ғаму меҳнат,
Кўнгул фароғатини жом давридин олингиз.

Замон етказган машаққатларга жом фароғати қарама-қарши қўйилади. Бу Навоийнинг замондошларига дўстона маслаҳати, тасаллиси эди. Ғазал ҳаётга муҳаббат майлларини ифодалаши билан замонамизга яқиндир.

ЙУҚТУР КИШИ АҲЛИ ВАФОДИН ХОКРОК

Кўкрагимдур субҳнинг пароҳанидин чокрок,
Киприким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.
Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.
Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.
Ўйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.
Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Одамийлиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.
Неча ўқлосанг, Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, теккан сойи бўлғай чокрок.
("Наводир уш-шабоб", 326-ғазал)

Навоийнинг йигитлик лирикасига мансуб бу ғазал шоир умри йигитлик мавсумининг дарду изтироблари билан йўғирилган. Инсоннинг дардманд табиатини бундан ҳам гўзал ва таъсирчан тасвирлаш қийиндир. Биринчи сатрнинг ўзидаёқ бир асарга татигулик мазмун мужассам. Унда инсоннигина эмас, балки у атиги бир заррасини ташкил этган бутун табиатнинг дарди ифодаланган. Субҳ пироҳани чоклиги шунчаки ташбеҳ учун осмондан қоғозга кўчирилган манзара эмас. Оламга мунавварлик, жон, жамол, ҳаракат бағишловчи Оллоҳ – Нур васли айрилиғи зулматида бўғилган тонг самовий кўйлагининг ёқасини йиртиб чок этади. Ҳижрон тунида тўлғанган лирик қаҳрамон аҳволи ундан ҳам оғир. Шунинг учун унинг кўкраги *"субҳнинг пироҳанидин чокрок"*.

Киприким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

"Шабнам тўкулган сабза" – нақадар хушманзара мавжудот. Кўзёш томчилари қўнган киприк унга нақадар мутаносиб манзара! Бироқ шоир мақсади манзаранинг чиройида эмас, моҳиятида. Киприкдаги томчилар манзарадан кўра кўпроқ ғам ташийди, армон ташийди. Шунинг учун намнокрок киприклар соҳиби – ғамнокрок.

Ғазал яхлитлигича лирик қаҳрамоннинг оғриқли кечинмалари тасвирига бағишланган. Етти байт мобайнида мазкур мавзу изчил изҳор услубида ёритилган. Шунга кўра, ғазал якпора композицияга мувофиқлашган.

Ҳар бир байт юқоридаги сингари ҳайратомуз бадиий тасвир лавҳалари билан музайян. Айниқса, сўнгги байтлар фалсафийлиги, лирик қаҳрамоннинг манзурга фидойилиги, вафодорлиги тасвири билан ажралиб туради.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Бунда лирик қаҳрамоннинг маҳбубага элдан айрича садоқати ўз ифодасини топган. Ғазалда инсондаги вафо фазилати бениҳоя улуғланади. Кейинги байт бундай улуғ хислат камдан-кам кишиларга хослигидан далолат беради:

Одамийлиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Байтнинг замирида ётган маъно шуки, агар фалакнинг гардиши инсониятнинг тупроғини (яъни, тупроққа айланган жасадини) илоҳиёт елларига бағишлайдиган бўлса, афсус-надоматлар бўлсинким, вафо аҳлидин кўра хокрок, яъни илоҳиёт елларига ҳамроҳ бўлишга сазовор, илоҳиётга қўшилиб-қорилиб, сингиб кета оладиганлар топилмайди. Бу сўфиёна дунёқараш ва мантиқ маҳсули, албатта. Сўфиёна бўлишидан қатъи назар, ғазалда умумин-

соний ва инсонпарвар, эзгуликка молик ғоя илгари сурилган. У илоҳиёт воситасида бўлса-да, инсонларни вафодор бўлишга, вафосизлик офатидан таассуф тортишга чорлайди.

Ғазал *рамали мусаммани мақсур* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилон
- V - -- V - -- V - - - ***V ~***

ЖОНИМА ВАҲШАТ КЕЛУРНИ БИЛМАДИМ

Кўнглума ёр истабон, меҳнат келурни билмадим,
Жонға етмай ул ҳануз, офат келурни билмадим.
Сувратин кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,
Оллима юз минг ажаб суврат келурни билмадим.
Мен юзин кўрмай ҳануз, эл васл этар эрмиш тамаъ,
Кўнглума мундоқ қотиқ ҳолат келурни билмадим.
Кўрмай, охир таркин эттим, ваҳки, мунглуғ жонима
Васл етмай жовидон фурқат келурни билмадим.
Ишқ кўйида бало кўп кўрмаган билдим, валек
Ёр таркин тутқуча ғайрат келурни билмадим.
Реш этиб кўнглумни улким, деди: "Марҳам келтурай",
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.
Ул рафиқеким, анга дедимки: "Жон айлай туфайл",
Мунча андин жонима ваҳшат келурни билмадим.
Кўнглума асҳоб зулми жанбида, во ҳасрато,
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим.
Ишқ шаҳроҳиға кирмакни хаёл этмак била
Оллима юз водийи ҳайрат келурни билмадим.
Эй Навоий, қилмағунча мосиваллоҳ таркини,
Комим ичра журъайи ваҳдат келурни билмадим.
("Наводир уш-шабоб", 402-ғазал)

Ошиқ қалбининг ишқий саргузаштлари можаросидан баҳс этувчи ушбу ғазал Навоийнинг йигитлик лирикаси маҳсулидир. Бахтга қарши келган тоҳдан шикоят ва куюниш кайфиятлари ғазалнинг ўнала байти мобайнида изчил изҳор этилган. Бу байтларнинг яхлит, якпора композицияга бирлашишига боис бўлади. Ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
– у – – – у –- у – –– у –

Ғазалнинг лирик қаҳрамони омадсиз, иши юришмаган, у нимаики истаб интилган бўлса, тақдири азал уни тескарисига дучор қилган ҳолда намоён бўлади.

Бунда шоирнинг ишққа оид шахсий қисмат, изтироблари ҳам, замон ва замон аҳлига муносабати ҳам тажассум топган.

Сувратин кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,
Оллима юз минг ажаб суврат келурни билмадим.

Лирик қаҳрамон Ҳақнинг, ёрнинг жамолини соғиниб энтикади. Аммо унинг қасдига юз минг ғаройиб можаро манзари юзланади. Шоир буни "сурат" сўзи билан, орзу ва кўргулик орасидаги зидликни кучайтириб тасвирлаш учун, атай сўз ўйини тарзида ифодалайди.

Реш этиб жонимни улким, деди: "Марҳам келтурай",
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.
Ул рафиқеким, анга дедимки: "Жон айлай туфайл",
Мунча ондин жонима ваҳшат келурни билмадим.

Бу сатрлар бир қарашда мавҳум, мағзини чақиш қийиндай туюлиши мумкин. Аммо мавжуд воқелик билан қиёсан мутолаа этганда, уларнинг нақадар ҳаётийлигини англаб оламиз. Жонажон, жонга малҳам бўлувчи вафодор дўст танқислиги умуминсоний, азалий ва абадий ҳаётий муаммо. Инсоният ҳар замон ва ҳар қадамда бу муаммога мубтало бўлиб келган. Шундан Навоийнинг мазкур ғазали замондошларимиз маънавияти учун зарур. Шунинг учун ғазални ўқиганда лирик қаҳрамон билан дарддошлик туямиз.

НОДОНЛИКНИ АНГЛАМОҚ – ДОНОЛИК

Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим,
Ваҳки, зоҳир бўлди расволиқ уза расволиғим.
Ул паридин айру, бас, девоналиғдин девмен,
Заъфу қовмоғлиғ эмас кўйида нопайдолиғим.
Туфроғ ўлдум ул қуёш ҳажриндаву суд этмади,
Чархи сойирдек ани истай жаҳонпаймолиғим.
Гарчи тушти шамъдек бошимға ўт, бўйнумға тийғ,
Бўлмади кам шоми ҳижронингда побаржолиғим.
Ҳуснаро чун ўйла фард ўлдунгки, йўқ ҳамто сангa,
Ишқинг ичра хуш келур даҳр аҳлидин яктолиғим.
Соқиё, май берки, бу дайри куҳан авзойида
Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим.
Эй Навоий, кўп ниҳон тутқум, валекин оқибат,
Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим.
("Наводир уш-шабоб", 432- ғазал).

Навоийнинг ўрта ёшларида яратилган бу ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Етти байт доирасида ишқ мавзуси ёритилган. Ғазал услубан изҳор турига мансуб. Мавзунинг бошдан-оёқ изчил ёритилиши ғазалнинг композицион жиҳатдан якпора шаклланишига сабаб бўлган.

Лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари тасвири мобайнида шундай донишмандона фикр изҳор этиладики, у ғазалнинг шоҳ сатрини ташкил этади:

Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим.

Нақадар ҳаётий ва умрбоқий фалсафа! Ҳақиқатан, чинакам билимдон одам ўзини доно ҳисобламайди. Чунки у ўқигани, идрок этгани, билгани сари, яна нималарни билмагани, тушунмаётгани, нималарни билиши, англаши кераклиги унинг ўзига аёнлашиб боради. Яъни, у ҳали кўп нарсани билмаслигига иқрор бўлиб боради. Олам тилсимларини ечгани сайин унинг олдида янги, сеҳрли оламлар пайдо бўла бошлайди. У эса тобора донишманд, улуғвор, айни пайтда, камтарин сиймога айланади. Мазкур мисрадаги ҳикмат замирида ҳам улуғ Навоийнинг худди шундай мўътабар шахсияти акс этган.

Ғазалнинг бадиатан яхлит ва тугаллиги нодир композицион-услубий санъатлардан *радд ул-матла* асосида юзага келган. Биргина *“Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим”* сатри лирик мазмун, руҳий ҳолат тасвири ибтидосини ифодалайди ва уни мантиқий интиҳосига етказади.

ЖАМОЛ ВАСФИ

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?
Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?
Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,
Бирининг қайди, яна бирнинг адосинму дейин?
Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму дейин?
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эп,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?
(“Наводир уш-шабоб”, 483-ғазал)

Ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули. Ишқий мавзуда битилган. Ғоявий моҳияти – ишқни улуғлаш. Тавсиф ва изҳор уйғунлашган, аралаш турда яратилган. Композицион

жиҳатдан якпора ғазал. Яхлитлигича *тажоҳули орифона санъати* асосига қурилган. Мураддаф. *Рамали мусаммани махбуни маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фаилотўн фаилўн
- V - -- V - - V V - -VV -

Олтинчи байт шоҳбайт даражасида гўзал. Унда руҳ ва мазмун бошқа байтларга нисбатан бир поғона юксалади:

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин.

Ишқ изтиробларидан шикоят қилаётган лирик қаҳрамон дардлари ижтимоий тус олади. Ғазалнинг мазмун мундарижаси кенгаяди, ғоявий салмоғи ортади.

Ғазал энг ажойиб қўшиқлардан бири сифатида машҳур.

ДАРДИ БЕДАВОНИ НАЙЛАЙИН

Кўргузур ағёр юз туҳмат ниҳони, найлайин,
Ёрким, сўрмай инонур, бу балони найлайин?
Юз жафо элдин чекиб, буким, жафогарлиққа от
Эл аро пайдо қилибмен, бу жафони найлайин?
Кимки, дарди бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз
Дард аро ўлдум, бу дарди бедавони найлайин?
Дам-бадам қонимға тонуғлуқ берур кўз, эй кўнгул,
Билмон, ул тардомани юзи қарони найлайин?
Юз вафо айлаб халойиққа, кўрибмен минг жафо,
Айламай холиққа эмди илтижони, найлайин?
Эй Навоий, чун ватанда бир даме ҳуш урмоғим
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?
(“Наводир уш-шабоб”, 490-ғазал)

Ағёрнинг-ку мунофиқ ва туҳматчилиги аниқ. У зимдан лирик қаҳрамонга қилич қайрайди. Аммо ёру дўстнинг ҳам лирик қаҳрамон тарафда турмай, ағёр фитнасига ишониши – дард устига кўндаланг. Шу мазмундаги матладаноқ маълумки, ғазал ёр садоқатсизлиги ҳамда ёрдан ўзгалар – ағёр, эл жафоси тасвиридан баҳс этади. Бу мавзу матладан мақтага қадар изчил шарҳланади ва ғазал якпора композиция касб этади. Ғазал услубан шарқи ҳол турига мансуб. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган.

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Асар ҳажми Навоий ғазалиётида кам учрайдиган ҳажм – олти байтдан иборат. Навоийнинг ёрсизликдан ошкора шикояти камдан-кам ғазалларда акс этган. Шундай қайғу изҳори мазкур ғазалнинг марказий байтларидан бирида келади:

Кимки дарди бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз
Дард аро ўлдум, бу дарди бедавони найлайин?

Бундаги ёр образи севикли маъшуқани ҳам ва ундан кўра кенгроқ – дўст маъносини ҳам қамраган. Шунга кўра, бу байт улуғ шоирнинг қарилик чоғида дилга яқин дардкаш тополмай қийналганининг тарихий гувоҳидир. Чунки ғазал Навоийнинг қарилик лирикасига мансуб.

Ҳар бир ғазалда Навоийнинг кўз образига лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолатига мутаносиб равишдаги тасвир яратганини кўрамиз:

Дам-бадам қонимға тонуғлуқ берур кўз, эй кўнгул,
Билмон, ул тардомани юзи қарони найлайин?

Маълум бўладики, аламнок лирик қаҳрамон кўзлари дам-бадам қон рангини олади. Аммо шоир бу қонталаш кўзларини *“қонимга гувоҳлик берувчи ҳаёсиз”*, дея атайди, *“ул тардомани юзи қарони найлайин?”* дея мутойиба қилади. Қочиримли *“тардомани юзи қаро”* ифодаси Навоийнинг *“Жонға чун дерман: “Не эрди ўлмаким кайфияти?”* сатри билан бошланувчи ғазалида ҳам кўзга нисбатан айнан мутойибали усулда қўлланган.

Мана бу байтлар Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари воқеалари билан боғлиқ кайфиятларни ифодалайди:

Юз вафо айлаб халойиққа, кўрубмен минг жафо,
Айламай холиққа эмди илтижони, найлайин?
Эй Навоий, чун Ватанда бир даме ҳуш урмоғим
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?

Дастлабки байт Навоийнинг халққа, халқнинг Навоийга муносабатидаги сарҳисобдек туюлади. Улуғ шоир, илм ва маданият ҳомийси, халқпарвар давлат арбобининг ўз умри мобайнида халойиққа қанчалик наф келтиргани маълум. Бунинг эвазига минг жафо кўрганини ғазалдан англаб турибмиз. Байт муаллифдаги художўйликни ҳам маълум даражада асослаб турибди. Бандаларига ишонч, эътиқод қолмагач, Оллоҳнинг ўзидан нажот кутмай илож қанча? *“Халойиқ”* ва *“холиқ”* сўзлари ўртасидаги маънавий-лафзий яқинлик асосига қурилган сўз ўйини ҳам шу мазмунни таъкидлаб турибди. *“Найлайин”* радифи бутун ғазал доирасида лирик қаҳрамоннинг чорасиз ҳолатини эслатиб туради.

Сўнгги байт Навоий умрининг охирги йилларида тазйиқ ва таъқиблар туфайли она шаҳридан бесаранжом бўлганлигидан далолат беради.

Умуман, ағёру ёр жафосидан шикоят билан бошланган лирик асар тобора ижтимоий мазмун касб этиб, шоирнинг ҳасби ҳоли ҳақида маълумот берувчи биографик ғазал сифатида якунланган.

ФИҒОНИМДИН ФАЛАК ҒАМГИН

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.
Не андуҳу малолимға балият даштидек ғоят,
Не савдою жунунумға маломат баҳридек поён.
Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон.
Заифи дарди ғампеша, наҳифи меҳнатандеша,
Залили бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон.
Фиғонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,
На дардим ўтиға таскин, на ҳажрим дардиға дармон.
Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора,
Кўнгул бу ёраға чора топарға топмайин имкон.
Кўзум намлиқ, бўюм хамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ,
Не ҳамдамлар, не марҳамлар топиб бу меҳнати пинҳон.
Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон.
Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам оҳи умркоҳимдин,
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбайи аҳзон.
Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.
Навоий, бўлса меҳнат кўп, ичакўр жоми ишрат кўп,
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон.
("Наводир уш-шабоб", 491-ғазал)

Навоийнинг қарилик йиллари яратган ғазалларидан. *Ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - -V - - -V - - -V - - -

Ғазал ишқий мавзуда ёзилган. Ҳажми ўн бир байт. Ошиқнинг ишқий кечинмалари шарҳи ҳол услубида ифодаланган. Таркибий тузилишига кўра, бошдан-оёқ лирик қаҳрамоннинг ҳижрон изтироблари изҳорига қаратилган якпора ғазал.

Асарда ишқ изтиробларида ўртанган лирик қаҳрамоннинг жисмоний ва руҳий аҳволи муфассал тасвирланган. Бу тасвир сатрдан сатрга силсилали тарзда кучайиб, мукаммаллашиб боради:

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон.

Дастлабки сатрларда лирик қаҳрамоннинг ички изтироблари, ўз ёғига ўзи қовурилиши тасвирланса, кейинги байтларда унинг ҳолатига табиат, жамият ва борлиқнинг лоқайд, нажотсиз муносабати акс эттирилган:

Фиғонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,
На дардим ўтиға таскин, на ҳажрим дардиға дармон.
Кўзум намлиқ, бўюм хамлиқ, ичим андуҳу мотамлиқ,
Не ҳамдамлар, не марҳамлар топиб бу меҳнати пинҳон.
Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон.

Ишқий кечинмалар тасвиридаги лирик қаҳрамон ҳар қанча умумлашма образ бўлса-да, бу ғазалда у кекса ва хастаҳол Навоийнинг қалб оғриқларини, руҳияти манзараларини, ижтимоий мавқе ва аҳволини муайян даражада акс эттириб турибди.

Сатрлар бошдан-оёқ оҳангдош сўзлар билан қофияланади ва ғазал яхлит оҳангдорлик касб этиб, назмий сажъ санъати юзага келади. Бу инсон руҳияти манзаралари ҳаётий, таъсирчан, дардли ифодаланган мусажжаъ ғазалдир.

АЙЛАМАНГ БЕКАСЛИГИМНИ ТАЪН

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.
Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.
Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдиға йўқ эътибор, эй дўстлар.
Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.
Ёрсиз вайронда қон йиғлармен, охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.
Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.
Дўстлуқ айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.
Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.
Ёрингиз васлин ғанимат англабон, шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.
("Бадоеъ ул-васат", 140-ғазал)

Навоий ушбу ғазални қарилик даврида яратган. Ишқ мавзусида ёзилган бу ғазал тўққиз байтдан иборат. Асар ишқ ва висолни улуғлаш, инсоний дўстлик, ҳаётни қадрлаш ғоялари

билан йўғирилган. Услубан изҳор турига мансуб. Таркибий хусусиятларига кўра якпора ғазал. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазалнинг лирик қаҳрамони Навоийнинг ўзи. Туйғу, кечинмаларнинг бари унинг "мен"и орқали зоҳир бўлади. Ғазал Навоийнинг шахсий ҳаётига доир айрим мавҳум қирраларни ойдинлаштириши билан биографик хусусият касб этади. *"Ҳаётда Навоийнинг чинакам севиклиси бўлганми, Навоий оила қурганми?"* деган савол шоир мухлисларини ҳамиша ўйлантириб келади. Мазкур ғазалда шоир гўё ўз авлодларига атай жавоб бергандек ёзган:

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин, чобуксувор, эй дўстлар.

Шоир *"Эй дўстлар, бир кун менинг кимсасиз, ёлғиз яшаганимни таъна-маломат қилманглар. Менинг ҳам гўзал севикли ёрим бор эди",* дея ҳаётда севган кишиси бўлганини аниқ эътироф этган.

Қалби инсонларга меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, эҳтиросли, улуғ шоирнинг умрбод ёлғиз яшаб ўтиши осон бўлмаганини биз тасаввур қиламиз. Лекин шоирнинг ўз кўнгил изҳори унинг дарди, изтиробларини теранроқ англашимизга кўмак беради:

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен, охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Шоирнинг *"Ёрсиз вайронда қон йиғлаши",* дўстларнинг эса *"Ёр бирла гашти боғу лолазор"* қилиши тенгсиз ва зиддиятли бир ҳолат. Аммо дўстона меҳр ва ғамгусорлик ёр васлини ғанимат билишга чорлаётган ахийсийрат шоирнинг хаёлига бундай қарама-қарши ҳолат зоҳир бўлиши келмайди. Навоийнинг ўзи бенасиб бўлган бахт элга насиб бўлишини тилаган улуғ халқпарвар сиймо эканлиги лирикада ана шундай дардчил ва камтарона тажассум топган. Ғазалнинг инсонпарварлик моҳияти шундаки, Навоий ўзининг шахсий қисмати, ишқий кечинмаларини ҳасрат оҳангида баён қилиш билан чекланмайди. Балки ўз кечмишидан умуминсоний хулосалар чиқаради. Ғазалнинг якунловчи *"Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар"* сатрлари ана шундай жонкуярлик маҳсулидир.

Бу асар Навоийнинг шахсий дарду изтироблари, улуғ муҳаббат тарихининг таъсирчан лавҳаларини ёритгани билан оригинал ғазалдир. У муаллифнинг ҳаётий сиймосини тасаввуримизда жонлантиради.

"Эй дўстлар" радифи ҳам шоирнинг инсоний дўстлик ақидасини, ўз ҳасби ҳолини дўстларга изҳор этиш, ўз қайғусини дўстлар билан баҳам кўриш, ҳаёт сабоқларидан келиб чиқиб дўстларга дўстона маслаҳат, панд-насиҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш майлларини ифодалайди.

Мазмун, руҳ ва оҳанги халқ қалбига яқинлиги учун ҳам ғазал машҳур мумтоз қўшиқ сифатида куйланиб келинаётир.

Ғазал замондошларимизда ҳаётсеварлик, инсонга меҳр-муҳаббат фазилатларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

ЎЛТУРГУСИ

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.
Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға еткач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.
Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон ҳижрони зор ўлтургуси.
Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.
Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.
Лаълинг закоти май тутиб тиргузмасанг, эй муғбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.
Дерлар Навоий қатлиға гул-гул очибтур оразин,
Кўргунча они, войким, бу хор-хор ўлтургуси.
("Бадое ул-васат", 615-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсулидир. *Ражази мусаммани солим* вазнида битилган:

Мустафъилўн мустафъилўн мустафъилўн мустафъилўн
-V– - - V–– – V – -- -V –

Ғазал ишқий мавзуда яратилган. Етти байтдан иборат. Услубига кўра, ғазал шарҳи ҳол турига мансуб. Таркибий изчиллиги жиҳатидан якпора ғазалдир.

Ғоявий мазмун-мундарижаси билан ғазал анъанавий руҳга эга. У лирик қаҳрамоннинг маъшуқа шафқатсизлигидан шикояти, айни пайтда, ҳижрон қийноғи ва висол иштиёқи изҳори билан бошланади..

Муҳаббат дардига чалинган ошиқ турфа мураккаб, зиддиятли ҳолатларга тушади. Мазкур ғазал лирик қаҳрамони ҳам лаҳзалик висол шукронаси ва *"ҳижрони зор"* қатли аро ўртанади:

Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ғазалда тасвирланишича, ошиқлик инсон учун шундай қисматки, у мудом ишқнинг изтиробли лаззатлари ва лаззатли изтироблари оғушида яшашга маҳкум. Бу ҳажвий руҳда шундай ифодаланади:

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.

Иккинчи лирик қаҳрамон – маъшуқа *“ожиз”, “дилхаста”, “нотавони хаста”* ошиққа қарама-қарши ўлароқ, шўх, шаддод қиёфада гавдаланади. Бу *“мажнуншиор”, “девонавор”, “кофири чобуксувор”* ифодаларида ҳам яққол кўринади.

Тасвир жозибадорлиги, мусиқий оҳангдорлик боис, ғазал халқнинг машҳур ва севимли қўшиғига айланган.

ОШУФТАҲОЛ ЭТМИШ МЕНИ

Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.
Мея ҳавойини, нетонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қошинг фикри, андоқким, ҳилол этмиш мени,
Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўткан кеча
Бода зўр айлаб, йиғи беэътидол этмиш мени.
Ёр кўйи ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.
То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,
Фурқатинг то заъфдин, андоқки, нол этмиш мени.
Ўт солурмен оҳ ила оламға, мен ким, зуҳд ким,
Зоҳиди афсурда оё не хаёл этмиш мени.
Дашти ваҳшиға анис ўлсам Навоийдек, нетонг,
Ул пари савдоси чун мажнунмисол этмиш мени.
(“Бадое ул-бидоя”, 619- ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал муҳаббат кечинмаларидан баҳс этади. Етти байт давомида шу мавзу изчил ёритилганига қараганда, ғазал таркиби якпорадир. Ғазалнинг ғоявий мазмуни лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари изҳори асосига қурилган.

Шоир муҳаббат дардига чалинган ошиқ аҳволини тасвирлашда анъанавий йўлдан боради. Шунинг учун ғазалнинг матни содда, машҳур, тушунарли, ортиқча шарҳлашга эҳтиёж йўқдек туюлади. Айниқса, матладаноқ бир муҳаббат тарихи акс этган яхлит лирик асар мазмунини осон англаб олиш мумкин.

Ғазалнинг ҳар байти Навоийвор маҳорат маҳсули ҳамдир.

Мен ҳавойини, не тонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қошинг фикри, андоқким, ҳилол этмиш мени.

Бир қарашда, фақат ошиқ аҳволи тасвирланаётгандек кўринади. Лекин, аслида, маъшуқа тасвири ҳам зимдан мужассамлаштирилган. Шоир ҳаётий лавҳа – янги ой, яъни ҳилол пайдо бўлиши билан одамлар бир-бирларига уни кўрсатиб, шукроналар қилишлари манзарасидан фойдаланиб, ишқ савдоси унинг қоматини ҳилолдек нозик ҳолатга олиб келганини ифодалайди. Аммо ҳилол тимсолига мурожаатидан муддао фақат ошиқ аҳволи тасвири эмас. Балки бунинг воситасида ошиқнинг ишқ туфайли ой сингари ҳаволаниб кетгани, маъшуқанинг ҳилол каби эгмақошлиги тасвири ҳам аёнлашгандир.

Лирик қаҳрамон аҳволи руҳиясининг тасвири байтма-байт тадрижий кучайиб боради:

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,
Фурқатинг то заъфдин, андоққи, нол этмиш мени.

Ойдек ҳаволаниш қаёқдаю, чақиндек чақнаш қаёқда? Ҳилолдек нозикланиш қаёқдаю, нол (қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтириқ) дек ҳолатга тушиш қаёқда? Ғазал инсон руҳиятининг шундайин нафис манзаралари тасвири билан қимматлидир.

НАВРЎЗ ВА МАНЗУР МАЛОҲАТИ

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.
Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.
Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ хам.
Бу боғ ичра май, эй соқийкн, бормен асру муштоқи,
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.
("Фавойид ул-кибар", 420-ғазал)

Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб, табиатнинг янгиланиш байрами – Наврўз мадҳига, баҳорий либос кийган маъшуқа тасвирига бағишланган бу асар табиат ва инсон гўзаллигини улуғлаш, ҳаётсеварлик ғоялари билан суғорилган. Қиёсий тавсифий услубда яратилган. Бошдан-оёқ табиат ва инсоннинг қиёсий тавсифидан иборат бўлгани учун у композицион жиҳатдан якпора ғазалдир. Ғазал *ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган.

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - - V - - - V - - - V - - -

Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Навоийгача бўлган даврда Наврўз мадҳига махсус бағишланган ғазал кам. Шу жиҳатдан, бу ғазал оригиналдир. У наврўзнома ғазаллар яратиш анъанаси шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ғазалнинг бадиий қиммати шундаки, шоир севикли сиймосини табиат билан уйғун равишда тасвирлашга муваффақ бўлади. Уни сарвга ўхшатади, барча ҳаракатлари ҳамда фазилатларини сарв билан қиёслаш жараёнида очади. Шоир муқояса жараёнида чаман сарвидан сарвқад дилбарнинг гўзаллигини ошириб тасвирлашга мойиллик билдиради. Сарвнинг кўриниши ҳайрон қараб турган кишини эслатади. Буни шоир сарв наврўз айёмида жавлон ураётган маъшуқага ҳайрону лол қолди, дея талқин этади:

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Навоий яшнаб яшараётган табиат билан гўзал табиат қўйнида камол топаётган инсон малоҳатини бир-биридан камситмай тасвирлашга муяссар бўлган. Мана бу байтни ўқиб, сарв ва сарвиноз сувратини тасаввурингизда тиклаб кўринг-а:

Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Байтдаги яна бир нодир фазилат эътиборингизни тортади. Бу *“булбул”, “ғулғул”, “очилиб гул”* сўзлари воситасида вужудга келган *саж санъати*дир. Ушбу нозик санъат – шеърдаги оҳангдорлик, маъно урғуси ҳамда эҳтиролар силсиласини кучайтирувчи муҳим бадиий восита. Ғазалнинг кейинги байтлари ҳам мана шундай мусажжа услубда яратилган.

Сўнгги байтлардан тириклик ҳам, баҳор ҳам ўткинчилиги, *“сарв ҳам боқий эмас”, “гул аҳди ҳам маҳкам эмас”*лиги, умрнинг қисқалигидан ўкиниш кайфиятлари баралла сезилиб турадики, бунинг замирида яшашга чанқоқлик ва ҳаётсеварлик ғояси ётади. Тугалланма байт ғазал ихлосмандларини севикли инсонни ғанимат билиш ва қадрлашга чорлайди. Наврўзнома ғазал яратиш муносабати билан бу қадар ҳаётий кечинма ва хулосалар ифодалашга эришиш Навоийвор маҳорат намунасидир.

РЎМОЛЧА РАМЗИ

Ёғлиғинг илгимда, ашкимни равона айларам,
Кўзга суртуб, ашк аритмоғни баҳона айларам.
Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёнлиғи
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам.
Ёна еткоч, кўзга ашким турса, олурмен они,
Ёна борса, чорасин бу навъ ёна айларам.
Кўзда кирпикларни тиллар айлабон, ҳар тариға
Заъфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам.
Балки, ҳар тариға жоним риштасин чирмаштуруб

Жонима касби ҳаёти жовидона айларам.
Бир қадаҳ берсангки, тутса муғбача, эй пири дайр,
Нақди дин сармояйи жоми муғона айларам.
Эй Навоий, токи бўлмишмен фано дайрида маст,
Ақлу дин ташвишидин фориғ тарона айларам.
(“Фавойид ул-кибар”, 429-ғазал)

Навоий ғазалиётида инсон ҳаётининг минг бир лаҳзаси, минг бир ҳолати манзараларини кузатиш мумкин. Моҳир шоир қаламида ҳар бир оддий нарса бадиий тасвир ашёсига айланиши ва инсон руҳиятини ёритишга хизмат қилиши мумкин. Ушбу ғазалда ошиққа маҳбубаси ҳадя этган рўмолча лирик ҳикоя яратиш учун бадиий восита вазифасини бажарган.

Ғазал Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб. Ғазалда акс этган лирик воқелик инсон ҳаётининг ёшлик мавсумига мос келади. Шунинг учун асарда шоирнинг шахсий кечинмалари ифодаланган бўлса, ажаб эмас.

Етти байт силсиласида лирик қаҳрамон кечинмалари изчил изҳор этилгани туфайли ғазал якпора композиция касб этган. Ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Мана бу сатрларда ҳазин ва дардчил лирик қаҳрамоннинг кўзлари, киприклари, ашкининг рўмолча билан муносабатдаги нозик ва гўзал манзараси тасвирланган:

Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёнлиғи,
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам.
Ёна еткоч, кўзга ашким турса, олурмен они,
Ёна борса, чорасин бу навъ ёна айларам.
Кўзда кирпикларни тиллар айлабон, ҳар тариға
Заъфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам.

Нега оддий бир рўмолча ошиқнинг аҳволи руҳияти, ҳаётида бунчалик муҳим ўрин тутади? Гап шундаки, бу оддий рўмолча эмас. У – рамзий образ. Рўмолча – оила, бахт, висол, ёрнинг элчиси тимсоли. Лирик қаҳрамон рўмолча ила ёр билан дийдорлашгандай дийдорлашади, ёр билан дардлашгандай дардлашади. Рўмолча билан диллашиш учун ошиқнинг киприклари кўз тилларига айланади. Кўз кўнгилнинг изтиробларини, шикоятларини, розларини киприк тили орқали рўмолчанинг ҳар торига изҳор этади. Чунки рўмолча ёрнинг энг яқин йўлдоши, ҳамдами, маҳрамидир. Рўмолча лирик қаҳрамоннинг ҳам дарду ҳолини – пайғомини маъшуқага етказувчи ҳамрози, марҳами, элчисидир.

Умуман, маъшуқанинг рўмолчаси тимсоли ва унинг бадиий талқини халқ оғзаки ижодиёти намуналарида, Навоийдан кейинги давр ўзбек назмида кенг ўрин тутади. Бобурнинг:

Ёғлиғингким, жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга

матлали ажойиб ғазали борки, у Навоийнинг мазкур ғазали таъсирида яратилган.

МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ОРОМ ИШТИЁҚИ

Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ,
Чунки бу икки муяссар бўлди, нуқлу бода топ.
Иктифо қилма буларға, истар эрсанг лаҳзае
Нукта сурмак, бир ҳарифи фонийи озода топ.
Ким кўнгул сайд этса, лўли бўлсаким, тут муғтанам,
Ойтмон арлот ё барлосдин мирзода топ.
Эй парирух, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,
Истасанг ошиқ, менингдек бедили афтода топ.
Неча ишқ аҳлини айлаб имтиҳон, рад қилғасен,
Ҳар жафо айларга кўнглум иставу омода топ.
Эй кўнгул, гар шайх ишқинг манъ қилди, қилма айб,
Олам ичра боре аввал бир анингдек лода топ.
Эй Навоий, умрунг ўтти, неча бут зикрин демак,
Гўшае тут эмди, бир тасбеҳ ила сажжода топ.
("Наводир уш-шабоб", 68-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасидан намуна. *Рамали мусаммани мақсур* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилон
- V - - V - -- V - -- V ~

Ижтимоий мавзуда битилган. Ғазал услубида хитоб, ўгит-маслаҳат оҳанги сезилиб туради. Таркибий тузилишига кўра якпора ғазал.

Ғазалнинг ғоявий мазмуни ишқ фитналаридан, ҳаёт машаққатларидан толиққан лирик қаҳрамоннинг хоҳиш, кечинмалари асосига қурилган. Долғали замона ва мураккаб табиатли замондошлардан чарчаган шоир бир нафас осойишта макон, содда, самимий дўст топиб дардлашмоқчи, улфатлашмоқчи бўлади. Бир қарашда, жуда оддий туюлган бу улфатчилик асбобини Навоий ширин орзу-хаёл билан ўз-ўзига хитоб тарзида тилайди: *"Чунки бу икки муяссар бўлди, нуқлу бода топ".* Афтидан, улуғ шоирга шу имконият ҳам камдан-кам насиб этган.

Улфатчиликнинг тўрт асбоби – тинч оромгоҳ, дилкаш шерик, газак ва шароб муҳайё. Бироқ лирик қаҳрамон бу билан кифояланишни истамайди. У моддий маишатга эмас, маънавий оромга ташна. У лаҳзагина *"нукта сурмак"* учун *"ҳарифи фонийи озода"* – донишманд, ақлли ҳамсуҳбат истайди.

Лирик қаҳрамон қавми, элатидан қатъи назар, инсон дардини тушунадиган, кўнгил овловчи ҳамдамга илҳақ:

Ким кўнгул сайд этса, лўли бўлсаким, тут муғтанам,
Ойтмон арлот ё барлосдин мирзода топ.

Бу байт Навоий маслаги марказида инсонпарварлик, умуминсоний меҳр-муҳаббат, байналмилаллик фазилати турганлигини тасдиқлайдиган ажойиб далилдир.

Ғазалнинг ғоявий-бадиий мазмуни ҳадди аълосига кўтарилган байтида шоир ишқнинг мансубияти ҳақидаги фалсафий фикрини изҳор этади:

Эй парирух, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,
Истасанг ошиқ, манингдек бедили афтода топ.

Ушбу байтдан *"тахт ила тож аҳли"* умуман ишққа қодир эмаслар, деган маъно чиқармаслик керак, албатта. Назаримизда, Навоий, *"тахт ила тож аҳли"*нинг маҳбубаларига буткул фидойи, содиқ бўлишларига уларнинг *"тахт ила тож"*лари монелик қилишини назарда тутган. *"Бедили афтода"* лирик қаҳрамоннинг эса йўқотадиган, йўлини тўсадиган, ишқ йўлида батамом бахшида бўлишидан сақлайдиган ҳеч нарсаси йўқ.

Шундай қилиб, маънавий-руҳий ором иштиёқи билан бошланган ғазал беором туйғулар, мутафаккир шоирнинг мафкуравий нуқтаи назарини ифодаловчи ўткир мушоҳадалар билан якунланади.

ҲАЖР ЎЛУМДИН ТАЛХ ЭМИШ

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.
Ул қуёш ҳажринда, қўрқармен, фалакни ўртагай
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.
Дема: "Ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп",
Жисм айларму фиғон, бўлғон нафас жондин жудо.
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.
Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.
Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ёрабки, ҳаргиз банда султондин жудо.
("Ғаройиб ус-сиғар", 38-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсули бўлиб, ишқ мавзусида битилган. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Асарнинг ғоявий моҳияти – ишқ ва висолни улуғлаш. Изҳор услубида яратилган. Таркибий хусусиятларига кўра якпора ғазалдир. Мураддаф. Ғазалнинг лирик қаҳрамони

ошиқ инсон. Ифодаланган барча изтироб, кечинмалар унинг туйғулари орқали юзага чиқади. Лирик қаҳрамон тилидан изҳор этилган ҳажр ва висол ҳақидаги фикр, умумлашмалар шоирнинг шахсий кечинмалари хулосасидир.

Гарчи анъанавий ишқ мавзусида битилган бўлса-да, ғазал мазмун ва ифода эътибори билан оригиналдир.

Асар таркибидаги барча байтлар бадиий баркамолликда ўзаро беллаша олади. Шунинг учун улар орасидан бирини шоҳбайт сифатида ажратиб кўрсатиш қийин. Ўзига хос тимсолий тасвири билан иккинчи байт ажралиб туради:

Ул қуёш ҳажрида, қўрқармен, фалакни ўртагай
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Байтда кутилмаган, ўзига хос муболаға яратилган. Бу муболаға ақлга сиғмас даражада хаёлий: ул қуёш, яъни манзур ҳажрида ошиқ шу қадар ўртаниб фиғон чекадики, унинг алангасидан сачраган ҳар учқун фалакни ёндирар даражада ўтли.

Ушбу ғазал ишқ фалсафасини теран ифодалаши билан ҳам мумтоз.

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, зй гардун, мени
Айлағил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Навоий бу байтда ишқ табиатидаги қонуниятни кашф айлаган, бутун ишқ аҳли қалбидаги дардни изҳор этган. Ғазалдаги ишқ нуқтаи назари қиёслар орқали ифодаланган қуйидаги хулосаларда тажассум топган: *гулистондан жудо булбул – навосиз қуш, шакаристондан жудо тўти – гунг мавжудот, ҳижрондаги ошиқ аҳволи – оҳу фиғон, ҳижрондаги ошиқ вужуди – фиғонсиз жисм, чунки ундаги жон – нафасдан айрилган, демак, жонондан жудолик – жондан жудолик, висолсиз ошиқ – шамъи шабистондан жудо парвона, ёрсиз инсон – султонсиз банда ва эгасиз ит.*

Ғазалдаги “жудо” радифи айрилиқ руҳини байтма-байт изчил таъкидлаб, кучайтириб боришга хизмат қилади.

Умуминсоний фикр-туйғулар билан йўғирилган бу ғазал халқнинг севимли мумтоз ашуласига айланган.

МЕН НОТАВОНҒА ТУШТИ ЎТ

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт.
Дедилар: “Эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти”,
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонға тушти ўт.
Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,
Барқи офат чоқилиб, ул корвонға тушти ўт.
Ўқларинг кўнглумга тушкач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, “Куяр ўлу қуруғ, чун найситонға тушти ўт”.

Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонға туштиўт.
Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг, вале мен нотавонға туштиўт.
Эй Навоий, билки, оҳе чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешайи Мозандаронға туштиўт.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 86-ғазал)

Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал ишқий мавзуда битилган. Услубан шарҳи ҳол турига мансуб. Композицион таркибига кўра якпора ғазал.

Ғазалда ишқ ўтида ўртанган лирик қаҳрамоннинг ҳижрондаги кечинмалари тасвирланган. Шу кечинмалар манзарасида лирик қаҳрамоннинг маҳбубага оташин муҳаббати, садоқати, фидойилиги ифодаланган. Лирик қаҳрамон изтироблари, аҳволи руҳияси юқори услуб ва романтик тасвирда юзага чиқади: гўё баҳорда ер юзини алвондек қоплаган – лолазор эмас, балки ошиқ фарёдидан жаҳонга туташган аланга, осмонда шафақ бўлиб кўринган нарса ҳам, аслида, ошиқнинг кўкка ўрлаган оҳидир. Бу услубий меъёр асарнинг сўнгги сатригача сақланган.

Моҳиятан ишқий бу ғазал халқпарварлик ғояси билан йўғирилган. Ишқ офатидан эл хонумонининг ўртаниши лирик қаҳрамонни элдан кўра кўпроқ ўртантиради:

Дедилар: “Эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти”,
Бу сўз эшиткач, мени бехонумонга туштиўт.
Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг, вале мен нотавонға туштиўт.

Ғазал мазмунангина эмас, шаклан – тил хусусиятлари жиҳатидан ҳам халқчил яратилган. Ғазал тилининг соддалиги, халқона ифодалар билан зийнатлангани диққатга сазовор. Мана бу байтда *“Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади”* ибораси моҳирона қўлланган:

Ўқларинг кўнглумга тушгач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, “Куяр, ўлу қуруғ, чун найситонға туштиўт”.

Ибора, албатта, фақат зийнат учун эмас, балки лирик қаҳрамоннинг биринчи мисрада акс этган руҳий ҳолатини бадиий асослаш, янада аёнлаштириш мақсадида қўлланган.

БЎЛ АҲЛИ ДУНЁ БИРЛА ДЎСТ

Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зори расво бирла дўст
Ким, пари гоҳе бўлур мажнуни шайдо бирла дўст.
Лаълини севдум, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,
Не ғам ўлмактин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст.
Бодапаймо зоҳид ўлса душман, эрмастур ғамим,
Менки, бўлдум бир ҳарифи бодапаймо бирла дўст.
Зулфи савдоси бу савдойи бошинда кўптурур,
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст.
Ҳажридин олам қоронғудур, вале ғам йўқ, гаҳе
Жилва қилса ул жамоли оламоро бирла дўст.
Хизр юз меҳр ила тутқон Жоми Жамдин яхшироқ,
Тутса май дурдини юз торожу яғмо бира дўст.
Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.
Эй Навоий неча душман бўлса, ёнма дўстдин,
Чун санга бўлмиштур ул юз минг таманно бирла дўст.
("Бадое ул-васат", 83-ғазал)

Ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсули бўлиб, *рамали мусаммани мақсур* вазнида яратилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилон
- V - --V - -- V - -- V ~

Ишқий-ижтимоий мавзуда битилган бу ғазал тўққиз байтдан иборат. Мураддаф ғазал. Ундаги *"дўст"* радифи ошиқнинг маъшуқага муносабатини байтма-байт аёнлаштириб борувчи, ғазалнинг якпора композициясини таъминлаб турувчи, ҳам ишқий, ҳам умуминсоний маънодаги дўстлик ғоясини изчил илгари сурувчи бадиий воситадир.

Ғазал анъанавий руҳда ёзилган. Услубан шарҳи ҳол турига мансуб. Асардаги фикр-ғоялар лирик қаҳрамоннинг кечинмалари изҳори билан йўғирилган.

Насиҳат оҳангида ифодаланган саккизинчи байт ғазалнинг шоҳбайтидир:

Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.

Мазкур байт жуда катта маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга. Ундаги биринчи мисра дунёпарастлик дардидан сақланишга чорласа, иккинчи мисра инсондўстликка даъват этади.

Ғазалда санъаткорона маҳорат билан бунёд этилган байтлар кўп.

Зулфи савдоси бу савдойи бошинда кўптурур,
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст

байти шулардан биридир. Бу – нозик сўз ўйинлари қилиш, қочиримли маъно ифодалаш, фикрни ҳаётий тафсиллар воситасида тамсиллашнинг гўзал намунаси.

ПАРКАНД-ПАРКАНД АЙЛАНГИЗ

Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,
Банди бандим зулфи занжириға пайванд айлангиз.
Халқ тарки ишқи айларга, мени дилхастани
Ўлтуруб, олам элига мужиби панд айлангиз.
Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Туш-тушидин тишлабон парканд-парканд айлангиз.
Бодайи ишқ асру маст этмиш мени, эй дўстлар,
Жомима афюн эзиб, бир дам хирадманд айлангиз.
Йиғласам аччиғ, малул ўлмоқ недур, эй хўблар,
Ҳазл учун гоҳе боқиб, сиз ҳам шакарханд айлангиз.
Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,
Кўнглунгиз ул нақди ёди бирла хурсанд айлангиз.
Қилсангиз тасвир Лайли ҳуснин, ул ойдек сизинг,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 221-ғазал)

Матла мазмуниданоқ кўриниб турибдики, ушбу ғазал ишқ дардидан, ҳижрон қийноғидан баҳс этади. Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси маҳсулидир. У шарҳи ҳол услубида яратилган, матлада кўтарилган мавзу етти байт мобайнида изчил ёритилган якпора ғазал. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазал лирик қаҳрамоннинг висолга соғинчи ва умидворлиги изҳори билан бошланган. Ҳижронзада ошиқ ўзини ёр кўйида банд айлашларини, вужудини ёрнинг зулфи занжирига пайванд этишларини илтижо қилади. Лекин маҳбуба васли умидидаги бу илтижолари ижобат бўлиши даргумон. Маҳбубанинг дийдорига, назарига мушарраф бўлиш шунчалик мушкул экан, ошиқ энди лоақал *“ёр кўйи итлари”*га манзур бўлиш илинжида илтижо қилади:

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Туш-тушидин тишлабон, парканд-парканд айлангиз.

Бундан ошиқнинг маъшуқага, қандай йўсинда бўлмасин, фидо бўлиш истагини тушуниш мумкин. Лекин лирик қаҳрамон тилидан зоҳир бўлган сўзларнинг ҳаётий амалиётини тасаввур қилиш қийин. Чунки ғазалдаги тимсолий тасвирлар унинг дунёвий ишқдан кўра

кўпроқ илоҳий ишқ тавсифида битилганини кўрсатади. Унда висолнинг инсонга муяссар бўлмас даражада тасвирланиши ҳам шундан далолат беради:

Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,
Кўнглунгиз ул нақди ёди бирла хурсанд айлангиз.

Лирик қаҳрамон дард аҳлидан нақд висолга умидвор бўлмасликни, балки унинг хаёли, ёди, васфи билан таскин-тасалли топишини сўрайди. Навоий ғазалиётида айрилиқ шунчалик чексиз, висол шунчалик етиб бўлмаски, у бизнинг бугунги ёр висоли ҳақидаги тасаввуримизга мувофиқ эмас. Бир қарашда, эҳтиросли муҳаббат ҳақида ёзилгандек туюладиган бундай ғазалларни Навоий дунёқарашини, сўфилик фалсафасини, илоҳиёт илмини ўзлаштирибгина мукаммал тушуниш даражасига кўтарилиш мумкин.

ФОНИЙ ЎЛ ВАСЛ ИСТАР ЎЛСАНГ...

Утға солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса.
Сарсари оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тоғиға,
Яхшидур тонг отқуча бу тоғ ҳомун бўлмаса.
Телбаликдин, ваҳки, ҳар дам дардим афзундур, агар
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.
Гар кўнгул қатл истабон, сен ваъда қилдинг тонгла деб,
Ушбу дам ўлтур, бу эҳсон бирла мамнун бўлмаса.
Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса.
Фоний ўл васл истар ўлсанг, бенаволиғдин не ғам,
Бўлмасун ҳаргиз матойи дунёйи дун, бўлмаса.
Эй Навоий, тонма, гар дер ул пари мажнун сени,
Ошиқ ўлғайму париға, улки мажнун бўлмаса?!
("Бадое ул-васат", 24-ғазал)

Алишер Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб бу ғазал ошиқона мавзуда ёзилган. Услубан ғазалнинг изҳор турига оид. Асарнинг еттала байти мобайнида шоирнинг сўфиёна ишққа доир туйғулари изчил тажассум топган, шунга кўра унинг композицион таркиби якпора ғазал сифатида шаклланган. Мураддаф. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - - - V - - - V - - - V -

Ғазал лирик қаҳрамоннинг ўзи севган, сиғинган маҳбубанинг васлини соғиниш, ундан бўлак барча мавжудотни рад этиш кайфиятлари ифодаси билан бошланади. Унинг наздида, ул тенгсиз хушқомат санам бўлмаса, гузаллик тимсоли – сарвни ўтга ёққан маъқул; ул

гулчеҳранинг дийдори насиб бўлмас экан, муҳаббат ва висол рамзи – гулни елга совурмоқ лозим. Зотан, гўзаллик ва унинг бутун сеҳри, моҳияти лирик қаҳрамон орзулаган, унинг армонига айланган маҳбубада, аслиятда мужассам. Қолган жамики ашё у олий мавжудотнинг акси, нусхалари, зарраларидир, холос. Унингсиз сарву гулнинг малоҳати асло татимайди.

Сўфийсийрат лирик қаҳрамон маслагига биноан, асл моҳият билан бирлашиш, ваҳдати вужуд ҳосил қилиш учун ўзлик юкидан (худбинлик, такаббурлик, ҳирсу ҳавас, молпарастликдан) воз кечиш, покланиш керак. Бунинг учун (маънавий) майхонага кириб, ваҳдат майидан тановул қилиш жоиз. Майхонада эса:

Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса.

Майхона соҳиби май учун жанда, яъни матоҳни гаровга олмайди. Ваҳдат майига фақатгина *“ўзлук жинси”*ни гаровга қўйиш, ундан воз кечиш йўли билангина муяссар бўлиш мумкин. Ошиқ *“матойи дунёйи дун”*ни тарк этиб, ваҳдат майидан симириб, ундан сўнг орзуланган маҳбуба васлига етишиши мумкин:

Фоний ўл васл истар ўлсанг, бенаволиғдин не ғам,
Бўлмасун ҳаргиз матойи дунёйи дун, бўлмаса.

Ўзликдан батамом кечган ошиқ (сўфи) фоний бўлади ва фано мақомига (даражасига) кўтарилади, илоҳий руҳ билан тамоман қўшилиб кетади. Маъшуқи манзурнинг висолига эришади.

Ғазалда лирик қаҳрамоннинг изтиробли кечинмаларини батафсил шарҳлайдиган байтлар ҳам бор. Улар ҳам таҳлил этилган байтлардаги асосий ғоявий моҳиятни юзага келтиришга қаратилган.

ЎЛТУРУР МАҲРАМНИ СУЛТОН...

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.
Юзни гуллардин безабму, бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар, бизни қурбон айлагач?
Тийғ ила пайконларинг етти, кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.
Қон эмаским, ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.
Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.
Жонға қўйғоч нақди ишқинг, қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганжи пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!
(“Ғаройиб ус-сиғар”, 98-ғазал)

Навоий ижодий камолотининг ўрта ёш босқичига мансуб бу ғазал ишқ мавзусида яратилган. Етти байт мобайнида мавзу изчил ёритилиб, ғазал якпора таркиб касб этган. Услубан ғазал таъриф-тавсиф ва изҳор уйғунлашган аралаш турда вужудга келган. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Машҳур мумтоз қўшиқ ёки шеър сифатида тинглаганимизда, жозиб шаклу шамойили ва мафтункор оҳангининг ўзиёқ бизни маҳлиё этиб қўяқоладиган ушбу ғазалнинг сеҳри шундаки, унда инсон гўзаллиги, ишқ синоатлари, воқе ҳаёт ҳамда табиат манзаралари билан муқояса этиш усулида акс эттирилган. Шоирнинг маҳоратига қойилки, у мавҳум, сирли нарса ва хусусиятларни энг оддий ҳаётий ҳодисалар билан қиёслаш воситасида аёнлаштириб, ҳайратомуз тарзда тасвирлаб беради. Масалан, матланинг иккинчи мисрасида кундалик турмушда учрайдиган оддийгина ҳодиса шоир қаламида бадиий ашёга айланган:

Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Маълумки, шам каттароқ шуъла таратиши ва атрофни кенгроқ ёритиши учун унинг учи қирқилади. Сўнг ришталари ёйилади, яъни тори паришон бўлади. Натижада, шам равшанроқ ёна бошлайди. Мана шу ҳаётий тафсилни шоир шундай бадиий фикрни асослаш ва шарҳлашга хизмат қилдирадики, гўё маъшуқа сочларини ёйиши ва атрофга муаттар ҳидлар таратиши, натижада, ҳусну жамол яна ҳам кўркамлашуви мазкур ҳодисани эслатади.

Иккинчи байтда *тажоҳули ориф санъати* ҳам қиёсий тасвирга қўшилиб, адабий муддао изҳорига хизмат қилади:

Юзни гуллардин безабму, бизни қурбон айладинг?
Ё юзунгга тегди қонлар, бизни қурбон айлагач?

Изҳори ишқ зимнидаги шу маъно аниқки, лирик қаҳрамонни қурбон айлаган нарса маъшуқанинг гулгун қизил юзлари-ю ол ёноқлари. Аммо буни тўғридан-тўғри иқрор этиш, умуман, ғазал услубига ва, хусусан, мазкур ғазалнинг ўзига хос услубига мувофиқ тушмас эди. Шунинг учун шоир *“Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг”* ёки *“бизни қурбон (қатл) қилган чоғингда, қонидан юзларинг қизармишми, билмадим?”* тарзида ҳайратли сўроқ орқали фикрини англатади.

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.

Мазкур байтда маъшуқанинг гўзаллиги ва, айни пайтда, айёрлиги тасвирланган. Шоир тавсифича, у асли кўнгул олмоқ қасдида эди, бунинг учун аввал жамолини жилваланти-риб, кўнгулни олиб қўйди. Гарчи бу ҳаётий ҳол бўлса ҳам, байтнинг бадиий моҳияти шу билан чегараланмайди. Маъшуқа, юз, кўз, кўнгулнинг рамзий маънолари ҳам бор, албатта. Байтлардаги *“бизни қурбон айладинг”, “бизни қурбон айлагач”, “кўзумни ҳайрон айлади”, “кўзумни ҳайрон айлагач”* қайтариқлари бадиий мантиқ тақозосига кўра қўлланган такрор санъати нишонасидир.

Ғазал таркибида иккита шоҳбайт бор. Бири матла бўлса, бири мақтадан олдинги байт. Бу байт ҳам матла сингари ғоявий-бадиий етуклиги, фалсафий теранлиги билан ажралиб туради.

Жонға қўйғоч нақди ишқинг, қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганжи пинҳон айлагач.

Олдинги байтларда кўнглини олдиргани, кўнгли ҳайронликда қолганидан бўзлаётган лирик қаҳрамон энди маъшуқи азал кўнглини ҳалок этганини изҳор этмоқда.

Ажабки, маъшуқа, ишқ нақдини жон бағрига яширгач, ошиқ кўнглини ҳалок этади. Негаки, бу сирли ҳодисага кўнгил гувоҳ, бир куни уни ошкор этиб қўйиши мумкин. Шунинг учун кўнгил ҳалокатга маҳкум этилади. Биринчи мисра замиридаги шу мавзунинг ўзиёқ яхлит бир асар мундарижасига татирди. Аммо Навоий *тамсил санъати* воситасида биринчи мисрага шундай мутаносиб далилли жуфт яратадики, бадиий қиммати бебаҳо даражадаги байт юзага келади. Ғазалга бадиий ашё бўлиб қўшилган ҳаётий тафсил шундан иборатки, султон ўз хазинаси яширилгач, хазинани яширган ва хазина яширилган жойдан воқиф бўлган ягона гувоҳ– маҳрамни ўлдирар экан. Бунда хазина – ишқ нақдига, маҳрам – кўнгилга таносуб қилинган. Маҳрамнинг қатлига боис шуки, у ҳам кўнгил сингари бир кунмас, бир кун хазина яширилган жойни ошкор қилиб қўйиши, натижада, хазина ва унинг соҳиби бесаранжом бўлиши хавфи бор. Бу байт ижтимоий ҳаёт ва ҳукмдорлик сиёсатидаги умумий бир қоида, фоже найрангни мудом эслатиб туради. Тарихда бутун умрини салтанат хизматига фидо этган, салтанат манфаатигагина эмас, балки сиёсий макрнинг фош этилишига ҳам ишлаб қо-лиши хавфу хавотири туғилган не-не заковатли зотлар ҳалокатга маҳкум этилмаган? Албатта, тақдирлар турлича кечган бўлиши мумкин, аммо султонлар қўллаган тадбир моҳияти бир хил қонуниятга эга. Бу байт қадим тарихнигина эмас, яқин йиллар кечмишини ҳам хотирга солиб, кишини ҳушёрликка ундайди. Қирғинбарот, қатағон йилларида миллионлаб халқ фарзандлари ижтимоий ҳақиқатни билганлари, сталинчилик салтанати сирларидан огоҳ бўлганликлари туфайли шафқатсиз қатл этилганлари ҳам шу байт ҳикматини ёдга солади. Чунки улар ҳам халқнинг виждони, бағри эдилар ва бир куни катта сиёсатдаги ҳийлаларни фош этиб, чинакам адолатни тиклашлари муқаррар эди.

Хуллас, мазкур ғазал ана шундай чуқур ижтимоий салмоқдор маъноларни қамраб олгани, кишини фақат ишқий кечинмалар хаёлотига чорламай, ижтимоий, фалсафий мушоҳадаларга толдириши ҳам замонавий ва умрибоқий аҳамиятга эгадир.

ТАҚДИРНИНГ ТЕРСЛИГИ ТАЛҚИНИ

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен, баҳраманд этмас.
Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.
Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.
Кўнгул ўз чархи золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.
("Бадое ул-васат", 238-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу ғазал ишқ мавзусида яратилган. Етти байтдан иборат. Услубига кўра ғазалнинг изҳор турига мансуб. Композиция жиҳатидан якпора ғазалдир. Ҳазажи мусаммани солим вазнида яратилган:

Мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн мафоийлўн
V - - -V - - -V - - -V - - -

Маълумки, Навоий ғазалиёти инсон руҳий ҳаётини бутун мураккаблиги ва муфассаллиги билан қамраб акс эттирган. Мазкур ғазалда ҳам жуда ҳаётий, аммо зиддиятли ҳолат, армонли дард куйланади. Ғазал ўз эстетик идеалига мос инсонни (дўст ёки ёр) топа олмаётган лирик қаҳрамон қалб изҳори билан бошланади:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Навоий ҳаётий бу ҳолатни шундай топқирлик ва самимият билан тасвирлаганки, бу савдо ҳар бир аҳли дил бошидан ўтган ёки ўтиши мумкин. Эркин Воҳидовнинг бир матласи айнан шундай ҳолатни ифодалаши билан Навоий матласига ҳамоҳангдир:

Мен севармен жондан ортиқ, севганим суймас, нетай,
Ҳам севиб, мен севмаган ўз ҳолима қўймас, нетай?

Бу далил шуни кўрсатадики, Навоий қаламга олган туйғу замон ва макондан қатъи назар, одамзод руҳида ҳамиша яшовчи умуминсоний туйғудир.

Бу туйғунинг ҳаётийлиги, умуминсонийлиги яна шундаки, уни фақат ошиқ-маъшуқлар муносабатига боғлаб қўйиб бўлмайди. Ғазал мазмунига кенгроқ назар билан ёндашиш ва унда оддий одамлар орасида кечадиган муомала жараёнини ҳам кузатиш мумкин:

Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен, баҳраманд этмас.

Ҳаётнинг оддий фалсафаси мужассамлашган бу сатрларда. Байт *тарди акс - терс такрор санъати* асосига қурилгани бежиз эмас. Унинг мазмунигина эмас, шакли ҳам ҳаётда, кўпинча, бахтга қарши, терс ҳолатлар ҳукм суришини кўрсатишга қаратилган: Сен кимгадир интиласан, у эса сенга бепарво, бошқа бировга талпинади; кимдир сенга интилади, сен эса унга лоқайд, бошқа кишига илҳақ яшайсан; кимдир сендан баҳраманд бўлишни истайди, аммо сен уни баҳраманд этолмайсан; сен кимнидир баҳраманд этишни истайсан, бироқ у сендан бебаҳра яшайди ва ҳ.к.

Лирик қаҳрамон *“нетай ҳуру пари базмин”, “керакмас ой ила кун шакли”* дея одамий меҳр-оқибатдан маҳрум мавжудотни инкор этади ва *“Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким, Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас”* сўзлари билан ўз диди, эътиқодига мос инсонни ихтиёр этади.

Улуғ шоирнинг маҳорати шунда ҳам намоёнки, у реалистик мазмунга ҳаётий ифода излаб топган:

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Халқнинг исириқ тутатиш одатидан бадиий ашё сифатида фойдаланиш байтнинг ниҳоятда оригинал чиқишига сабаб бўлган.

Ғазал халқимизнинг севимли мумтоз қўшиқлари хазинасидан муносиб ўрин олган. Огаҳий мазкур ғазалга *“Фалакким, яхшилар базмида қадримни баланд этмас”* сатри билан бошланувчи ажойиб мухаммас боғлаган.

ҲАҚ, МАГАРКИМ, КОМ УЧУН БОШТИН ЁРОТҚАЙ ОЛАМЕ

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсок ғаме.
Кимки, даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ, ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.
Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга
Қатл учун остида қолғон заҳр пинҳон хотаме.
Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуруб ашкин тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.
Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ, магарким, ком учун боштин ёротқай оламе.

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл новмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.
Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.
Дарди захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,
Соқиё, кўксума лойидин доғи ёқ марҳаме.
Давр аро суҳбат бу янглиғдур Навоий, тонг эмас,
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.
("Наводир уш-шабоб", 576-ғазал)

Ушбу ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси намунаси бўлиб, у замон ва аҳли замондан шикоят мавзусида яратилган. Ғазал таркибидаги тўққиз байтнинг бари мазкур мавзуни изчил ёритишга сафарбар этилган. Шунга кўра ғазал якпора композиция касб этган. Услубига кўра ғазал шарҳи ҳол турига мансуб. Лирик қаҳрамоннинг замондаги жаҳолат, адолатсизлик, ғам-андуҳлардан шикоятларини Навоийнинг бошқа шу турдаги ғазалларида ҳам учратганмиз. Бу ғазал лирик қаҳрамони улардаги ижтимоий масалалар билан бирга, замон дардларини енгиллатувчи – ҳамдардга муҳтожлик муаммосидан ҳам баҳс этади. Навоий яшаган замон ва муҳитда ҳамфикр, ҳаммаслак дўст шундай катта ижтимоий танқисликка айланганки, лирик қаҳрамон *"Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме",* дея армон қилади.

Ғазал ғоявий-бадиий моҳиятининг юксаклиги сабаби шундаки, унинг деярли ҳар байти (айниқса, иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи байтлар) шоҳбайт даражасида, етук ва қатъий таъриф-хулосалар тарзида битилган.

Матладаги *"аҳли замон ичра"* бир сирдош дўст тополмаганлик изҳоридан сўнг шундай ҳамдам дўстнинг инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиши ҳақидаги теран таъриф-хулоса баён этилади:

Кимки, даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ, ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Бу таъриф – хулоса Навоий замонасигагина доир эмас. У бизнинг замонамизда ва ундан кейин ҳам абадул-абад ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Чархга берилган қуйидаги истиоравий таърифга эътибор беринг:

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга
Қатл учун остида қолғон заҳри пинҳон хотаме.

Гўё борлиқнинг ўзи узукнинг шундай ҳалқасики, фалакдаги ҳар юлдуз узукнинг замирида заҳри қотил яширилган кўзларидир. Демак, шоир наздида борлиқнинг ўзи оғули яратилган, чархнинг рафторидан ҳар сония заҳарланиш мумкин.

Чархки шундай қурилган экан, унинг хатти-ҳаракатига тобе инсондан нимани кутиш мумкин:

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл новмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Шоир наздида аҳли замондан вафо, ҳамдардлик умид қилиш чархи кажрафторни тўғри йўлдан юргизиш билан баробар.

Бу ғазалнинг Навоий ғазалиётида, нафақат ғазалиёти, балки бутун ижодиётида тутган ўзига хос ижтимоий салмоқдорлиги шундаки, унда шоир замондан норозилик, аҳли замондан шикоят билан чекланмайди. Оламни ўзгартириш ҳақидаги инқилобий хулосага келади:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ, магарким, ком учун бошдин ёротқай оламе.

Олам, замона шу экан ва унда инсон ўз мақсадига, орзу-умидларига эришолмас экан, бундай оламнинг мавжудлиги маъносиз. Шоир уни инкор этади. Чунки у инсон манфаатлари учун мутлақо янгидан яратилишга маҳкум. Навоийнинг бу хулосаси бизнинг замонамиздаги ўзликни англаш ва инсон омили ғояларига жуда ҳамоҳанг.

Таҳлил қилинаётган бу асар Навоийнинг энг оригинал ғазалларидан бўлиб, у бадиий тилнинг тиниқлиги, поэтик тасвирнинг аниқлиги билан мухлисларни ҳайратга солади.

Ғазал рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган. Тақтеъи қуйидагича:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

ИШҚ АРО ШОҲУ ГАДО ТЕНГДУР...

Бир паривашким, кўнгул девонадур савдосидин,
Гар эрур бандангки, озод ўлманг истиғносидин.
Ошиқ ўлса шоҳу маъшуқи гадо, билким, чекар
Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин.
Ошиқ ўлғон аждаҳо бўлса, забун ўлмоқ керак
Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг ийзосидин.
Не ҳавоедур ҳавойи ишқким, ҳар пашшаси
Туъма айлар ақлу тақво Қофининг анқосидин.
Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балким фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.
Кимки раънолиқ била ошиқ бўлуб истар висол,
Тортингиз отиға хат ишқ аҳлининг тамғосидин.
Ишқ атвори Навоийга мусалламдурким, ул
Юз бало чекти, доғи ўлди анинг ихфосидин.
("Наводир уш-шабоб", 468-ғазал)

Алишер Навоийнинг ижодий балоғат палласи – ўрта ёш лирикаси маҳсули бўлмиш бу ғазал ишқ қудрати, ишқ аҳли мартабаси ҳақида баҳс этади. Ишқий-фалсафий мавзуда ёзилган. Мазкур мавзу изчил ёритилган етти байт якпора таркибга бирлашган. Ғазал услубан таъриф ва тавсиф уйғунлашган аралаш турга мансуб. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган:

Фоилотўн фоилотўн фоилотўн фоилўн
- V - -- V - -- V - -- V -

Ғазалда ишқнинг сеҳри, қуввати муқобилида шоҳу гадо, аждаҳо ва мўр (чумоли) муносабатлари фалсафий ахлоқий жиҳатдан талқин этилади.

Ошиқ ўлса шоҳу маъшуқи гадо, билким, чекар
Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин.

Аёнки, аввало, ишқ ичра тенглик фалсафаси илгари сурилаётир. Навоий наздида, ошиқ шоҳу унинг маъшуқи гадо бўлиши мумкин. Инсонпарвар шоир бунда ҳеч бир номувофиқлик, тенгсизлик, айб кўрмайди. Зотан, Навоий назмидаги гадо образи бизнинг бугунги тасаввуримиздаги тиланчи эмас, балки софдил, ҳалол, хокисор, мағрур, адолатпеша, олийҳиммат оддий инсон. Шунинг учун подшоҳнинг шундай инсонга муҳаббат қўйиши, Навоий назарида, фақатгина инсоний тенглик эмас, ҳаттоки, катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Байтда ифодаланганидек, *“ишқ ғавғоси”,* яъни ошиқ шоҳнинг гадо маъшуқ меҳру шафқатига муяссар бўлиш борасидаги интилишлари уни лашкар тортиб урушиш, истилочилик ҳаракатларидан чеклайди. Байтда шоҳнинг гадо билан тенглик ғоясидан ҳам кўра, ишқнинг улуғвор қувватига сиғиниш туйғуси устувор мавқеда турибди.

Олдинги байтда ишқ инсонга ўзлигини енгиш, ўз ахлоқи, дунёқараши, маслагини ўзгартиришга лойиқ ирода бағишлаши васф этилган бўлса, эндиги байтда ишқ савдоси олдида ошиқнинг нақадар ожизлиги кўрсатилади:

Ошиқ ўлғон аждаҳо бўлса, забун ўлмоқ керак,
Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг ийзосидин.

Байтдан англашилишича, ошиқ мавжудот аждаҳосифат одам ёхуд қудратли, қаҳрли, ёвуз аждаҳо бўлса ҳам, бошига ишқ савдоси тушгач, шу қадар нотавон ва бечораҳолга айланар эканки, ишқ кўчаси, яъни маъшуқа яшайдиган маскан чумолиси озори ёки уялтиришидан ҳам азият чекиб, енгилар экан. Ишқ каромати рўпарасида чумоли заифлиги-ю аждаҳо зўравонлиги қаёқда қолди? Албатта, бу зиддиятли, муболағали ҳамда шартли тасвир. Шарҳланган байтлардан чиқадиган ибратомуз ҳикмат шуки, ишқ шундай эзгу хислатга эга эканки, у босқинчи шоҳни тинчликпарвар ҳукмдорга, ёвуз аждаҳони беозор жонзотга айлантириши мумкин.

Мана бу сатрларда ғазалда куйланаётган ғоя ҳадди аълосига кўтарилади ва шоҳбайт яралади:

Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балким фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Буни шоҳбайт дейишимизга боис шуки, унда олдинги сатрлардаги фикрлар тадрижи олий нуқтага кўтарилган. Шоҳбайт ғазалнинг бутун ғоявий-бадиий моҳиятини ўзида таъриф ва умумлашма тарзида мужассамлаштириб турибди. Мазкур байтнинг бадиий қимматини шу ғазалда тутган ўрни билангина чеклаш ҳам ғайриилмий хулоса бўларди. У, умуман, Навоий ижодиёти ва дунёқарашида муҳим ўрин тутади. Унда Навоий ижодиётидаги ишқ фалсафаси, шоҳ ва гадо муносабатлари баҳсининг якуни, хулосаси яққол акс этган. Навоий кўп асарларида мазкур масалалар бўйича қайноқ баҳсу мунозаралар юритган, лекин ҳеч бирида бу байтдагичалик нуқтаи назарини "Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур" дея узил-кесил, дангал, тушунарли, лўнда ифодаламаган эди. Шунга қўшимча, улуғ мутафаккир *"агар ишқ торожига учраб, ишқ ва маъшуққа фидойилик туфайли гадолик қиладиган бўлса, бундай гадо шоҳ билан тенггина эмас, ҳатто, шоҳдан устун ҳам"* деган ғояни илгари сурадики, бу Навоийнинг ишққа, шоҳу гадога муносабати мавқеининг энг мутараққий нуқтасидир.

VI ФАСЛ

ШИНГИЛ ШАРҲЛАР

Бир мисра мазмуни

Навоийни тушуниш учун жуда чуқур мутолаа зарур. Лекин ҳозирги, ўрта ва олий таълим тайёргарлиги билан самарали мутолаага киришиш қийин. Навоийни англаш замонавий табиий, ижтимоий фанлар билан бир қаторда илоҳиёт илми, дин тарихи, тасаввуф таълимотини, албатта, ўзлаштиришни тақозо этади. Шубҳа йўққи, дунёвий дунёқараш воситасида ёндашганимизда ҳам Навоий меросини муайян даражада идрок этишимиз мумкин. Аммо бундай мутолаадан юзаки ва кам натижа чиқадики, у – асл моҳиятнинг "мингдан бирича бўлмағай". Акс ҳолда, Навоий асарларини қадимият обидалари билан қиёсий мутолаа этган сари, билмаганимизни билиб, ҳақиқатга яқинлашиб борамиз.

Бир мисра мағзини чақиб кўрайлик-а. Байт:

Соқол оқи ўлимга пешравдур,
Тириклик сабзаси узра қиравдур.

Гарчи ўлим шарпасидан, қарилик қайғусидан дарак бераётган бўлса-да, ушбу байт соддалиги, самимийлиги, ҳаётийлиги, хос бадийияти билан бизни мафтун этади. Бир боқишдаёқ, соқолга оқ оралаши инсоннинг фоний дунёга сафари қариётгани, соқол оқи ўлим яқинлигидан огоҳ этаётганини илғаб олиш қийин эмас. Бу – қанчалар ҳаққоний, айни пайтда, шафқатсиз иқрор! Илк мисрага зебанда иккинчи мисра таъсиротни янада кучайтиради. Ям-яшил майса узра қўнган оппоқ қиравни кўрмаган киши бўлмаса керак. Навоий табиатнинг мана шу нодир лавҳасидан илк мисрадаги фикрни чиройли асослаш учун фойдаланган. Бу бадиият илмидаги *"ҳусни таълил"* – фикрнинг гўзал асосланиши санъатидир. Шоир бир йўла *"тириклик сабзаси"* иборасини ижод этадики, бу ҳам санъат.

Бадиий фикр бизни завқлантиради, ҳаяжонлантиради ва ўйлантиради: наҳотки, соқол оқи қартайиш даракчиси бўлса? Ахир, баъзи кишиларнинг соқоли эрта оқара бошлайди-ку? Мутолаа мана шу нуқтасига етганида Навоий фикрларининг илдизларини акс эттирувчи манбаларга муҳтожлик сезилади. (Албатта, асрлар мобайнида турли офатлар оқибатида инсон жисми, табиатида юз берган салбий ўзгаришларни назардан соқит этмаслик керак).

Мисра мутолааси тафаккур тарихининг қадимги босқичларига бошлайди. Инсоният, дин, пайғамбарлар тарихидан сабоқ берувчи Носириддин Бурҳониддин Рабғузий қаламига мансуб XIV аср ёдгорлиги "Қисаси Рабғузий"нинг Иброҳим пайғамбар вафоти ҳақидаги фасли эътиборимизни тортади. Юз йигирма тўққиз йил яшаган Иброҳим пайғамбарнинг вафоти тарихи ҳақида шундай ўқиймиз: *"Иброҳим мавло азза ва жалладин қўлмиш эрди (оллоҳдан илтимос этганди): "Манинг ажалимдин бир йил бурун манга хабар бергил, ман ўлум яроғин қилайин", теб. Мавло таоло ижобат қилмиш эрди. Қачон Азроил жон олғали келди эрса, Иброҳим айди: "Тақи вақт бўлмиши йўқ". Азроил айди, "Вақт бўлмаса эрди, манга ёрлиғ келмагай эрди". Хитоб келди: "Эй Иброҳим, сақолингға урунг (оқ) қачон кирди?" Айди:*

“Илоҳий, бир йил бўлди”, “Эй Иброҳим, ул соқол урунглуги ўлум элчиси турур”. Иброҳимдин бурун кимарсанинг сақолинга урунг кирмиш йўқ эрди”.

Англашиладики, Навоий мисраси мазмуни кўпроқ мазкур тарихга асосланган. Бинобарин, соқоли ёшлайин оқарган замондошларимиз қайғурмасалар ҳам бўлади. Негаки, Иброҳим пайғамбарнинг ўзи ажалидан бир йил бурун ўлим яқинлиги ҳақида бирор белги беришни Оллоҳдан сўраган экан. Қуръони каримда “ҳар кимнинг ниятига яраша бўлади”, дейилганидек, мавло таоло унинг тилагини ижобат қилмиш, яъни юз йигирма саккиз ёшида соқолига оқ тушириш йўли билан белги бермишдир. Иброҳим ўз илтимосини унутганида, илоҳий хитоб соқол оқи ўлим элчиси эканлигини эслатади. Бу белги эса инсониятга Иброҳимдан мерос қолади. Назаримизда, бу белги ниҳоятда шартли бўлиб, Навоий мисрасидаги мазмун келтирилган аниқ тарихга тегишли. Тарихидан қатъи назар, Навоий мисраси кекса-ю ёш ҳар бир оқсоқолни *“соқол оқи ўлимга пешрав”*лигидан огоҳ этади, ҳаётни ғанимат билишга абадий чорлайди.

Тимсоллар ичра тимсоллар

Ушбу рубоий Навоийнинг йигитлик лирикаси намунасидир. Ишқий мавзуда яратилган бу рубоий ўзига хос асардир. Шоир унда *“жон”* сўзининг арабча ёзуви шаклидан фойдаланиб, кўп маъноли мазмунни мужассамлаштирган. Шунинг учун эски ўзбек ёзувини билмай туриб, бу рубоийни тўла тушуниш ва тушунтириш мумкин эмас. Агар унинг мутолаасига “жон” сўзининг арабча ёзувдаги кўринишини *“жим”, “дол”, “алиф”, “нун”* ҳарфларининг шаклини, ниҳол ва ҳилол тимсолларининг моҳиятини билмай ёндашилса, рубоийнинг фақат юзаки маъносидангина баҳраманд бўлиш мумкин, холос.

“Жон”имдағи “жим” икки “дол”ингға фидо,
Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингға фидо,
“Нун”и доғи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолғон икки нуқта икки холингға фидо.

Бир қарашда, рубоийдан *“Жоним сенга фидо”* деган умумий мазмунни уқиб олиш мумкин. Лекин шу мазмунни шоир қандай, қайси бадиий усуллар воситасида ифодалаган? Мана шу саволга жавоб бериш жараёнида рубоийнинг мукаммал мазмуни юзага чиқади.

“Жон” сўзи *“жим”, “алиф”, “нун”* ҳарфларидан ташкил топади. Навоий асарларида араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф, шу жумладан, *“жим”, “алиф”, “нун”* ҳам бадиий вазифа бажаради. *“Жим”* ҳарфи маъшуқанинг зулфига ўхшайди. Шунинг учун шоир уни маъшуқа *“дол”*ига фидо этади. *“Дол”* нимани ифодалайди? *“Дол”* ҳам *“жим”* сингари шаклан зулфга монанд ҳарф. Демак, илк мисрадаги *“дол”*нинг ўзи истиора, чунки маъшуқа зулфи *“дол”*га ўхшатилган ва шоир уни *“дол”*га ўхшайди, деб тасвирлаб ўтирмай, тўғридан-тўғри *“дол”* деб атаб қўя қолган. *“Жим”*ни *“дол”*га ўхшатиш орқали маъшуқа зулфига ишора қилиш эса санъат устига санъат қўллаш маҳорати маҳсули. Хуллас, биринчи мисрада шоир *“жон”*имдаги *“жим”* – икки зулфингга фидо дейиш билан, жонининг бир парчасини маъшуқа гўзаллигининг бир қиррасига фидо этади.

“Жон” сўзида *“жим”*дан сўнг *“алиф”* ҳарфи келади. *“Алиф”* ҳарфи шеъриятда қадду қомат тасвири учун хизмат қилади. Чунки *“алиф”* инсон қоматига монанд узунчоқ шаклга эга. Иккинчи мисрада шоир *“жон”*даги *“алиф”*ни маъшуқанинг тоза ниҳолига фидо этади. Хўш, ниҳол образини қандай тушуниш лозим? Ниҳол ҳам, биринчи мисрадаги *“дол”* сингари, истиора. Чунки маъшуқанинг нозик қомати – назмда навниҳолга нисбат берилади, шоир шуни истиоравий йўсинда ифодалаган. Демак, бу сатрда ҳам мазмун устма-уст санъат қўллаш, яъни қоматни ниҳолга ва айни пайтда, *“алиф”*га ўхшатиш йўли билан изҳор этилган. Шундай қилиб, лирик қаҳрамон жонининг яна бир қисмини маҳбубасининг навниҳол қоматига бағишлади.

“Жон” сўзи таркибидаги учинчи ҳарф *“нун”*дир. *“Нун”* – шаклига кўра инсон қошларига ўхшайди ва уни тасвирлашда бадиий вазифа бажаради. Учинчи мисрада шоир *“жон”*даги *“нун”*ни маъшуқанинг *“анбарин ҳилол”*ига бағишлайди. Ҳилол нима? Ҳилол – янги кўринган ой бўлиб, одамнинг қошлари *“нун”*дан ҳам кўра кўпроқ ўшанга ўхшайди. Шунинг учун уни бадииятда, хусусан, мазкур сатрда ҳам истиоравий тарзда тўғридан-тўғри *“ҳилол”* деб аталган ва бунинг ўзи бир санъат. Қошнинг шунчаки *“ҳилол”* эмас, *“анбарин ҳилол”* деб сифатланиши яна бир санъат. *“Нун”*ни қошни ифодалаётган ҳилолга ўхшатиш эса уч карра санъаткорликдир. Англашиладики, шоир жонининг яна бир парчасини севиклининг *“анбарин ҳилол”*ига қурбон қилди.

Хўш, ошиқ ўз жонини бутун борлиғича маъшуқага бағишлай олдими? Йўқ, *“жон”* сўзи ёзувининг усти ва остидаги икки нуқта ҳануз тасарруф этилмай қолди. Рубоийнинг сўнгги сатрида қолган икки нуқта маъшуқасининг икки холига фидо қилинади.

Мана, шоир *“жон”* сўзининг бирор нуқтасигача қолдирмай, барча қисмини маъшуқага фидо қилди. Бу – ошиқ ёрига жону жаҳонини бутун борлиғи билан бағишлаши лозим, деган ғоянинг гўзал ифодаси. Аммо Навоийнинг бадиий муддаоси фақат шу фикрни ифодалашдангина иборатмиди, рубоий яратиш жараёнида шоир шунгагина эришди, холосми? Навоий бу тўрт сатрда истиора, ташбеҳ, таносиб санъатлари воситасида инсон чеҳрасини ўзига хос йўсинда тасвирлади. Тасвирладигина эмас, ҳарфий чизгилардан фойдаланиб, бир рассом сингари чизиб ҳам кўрсатди. *“Жон”* сўзининг ҳусни хатда ёзилган шаклига рубоийдаги тасвирдан келиб чиқиб разм солсак, унда инсон чеҳрасидаги асосий қирралар мужассамлигига ҳайрон қоламиз. *“Жим”* ва *“нун”* ҳарфларининг думалоқ шакли юз ва ёноқларга, уларнинг ўртасидаги *“алиф”* бурунга, *“қолғон икки нуқта”* эса лаб усти ва остидаги холларга айнан ўхшайди. Бу ҳаётий мутаносибликнинг бадиий инкишофи таносиб санъатининг ажойиб намунасини вужудга келтирган.

Асар, айни пайтда, Навоий ижодига ҳуруфийлик – Ёр, яъни Оллоҳ жамолини ҳарфларда кўриш, ҳарфлар воситасида манзур ҳуснини тасвирлаш, унга соғинч, муҳаббат изҳор этиш – фалсафасининг таъсирини ҳам ёркин акс эттирган.

Рубоий ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи ажабб* вазнида ёзилган. Оҳанг тасвири қуйидагича:

Мафъувлў мафоийлў мафоийлў фаўвл
- - VV - - VV - - V V -

Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур

Ушбу рубоийни Навоий қарилик даврида яратган. Ишқий мавзудаги бу рубоий мазмуни ва оҳангидаги шиддат унинг ўтли дард ва изтиробининг кучли бир зарби билан битилганидан далолат беради:

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолайи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Рубоий мазмунига унинг қарилик лирикасига мансублигини назарда тутиб ёндашсак, у улуғ шоирнинг ёрсизлик заҳматидан умрбод *"нолайи зор"* чекиб ўтганлиги гувоҳидир. Рубоийда *"қуюн"* образи бор. Қуюн деб аталмиш катта уюрмали шамол *"дашт узра"* еру кўкка даҳшат солиб изғийди. Бу довул ўзини ҳам сархуш этади. Ундан бирор-бир мақсад, муддао излаш бефойда. Чунки у – саргашта ва беқарор. Умри ҳижронда ўтган Навоий аҳволини мана шу қуюнга ўхшатиб тасвирлайди.

Бу рубоий Навоий рубобиётидаги жуда кўп асарларга ҳамоҳангдир. Навоий ғазалиётидан *"Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз, Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо"* ёки *"Беихтиёрлиқда борму манга ихтиёр"* каби сатрларни эслаш кифоя.

Рубоий ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби мақбўзи солими азалл* вазнида яратилган:

Мафъулў мафоилўн мафоилўн фоъ

Асар Навоийдан кейинги давр адабиётига ҳам таъсир этган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мана бу рубоийси у қолдирган изнинг ёрқин далилидир:

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Навоий рубоийсидаги ёрдан айрилиқ туйғулари Бобур рубоийсида шоир кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда диёрдан айрилиқ алами билан уйғунлашган. Бобур ўз рубоийсини олис Афғонистон ё Ҳиндистонга бориб қолганида она-Ватанни қўмсаб, Навоий рубоийсини эслаб, унинг турткиси билан ёзган бўлса, ажаб эмас.

Имкондан ортиқ муҳаббат мадҳи

Ҳаётга, инсонга муҳаббат умрни ғанимат билиб қадрлаш ғоялари уфуриб турган бу рубоий Навоийнинг қарилик рубобиётига мансуб. У юксак санъаткорлик билан яратилган асардир:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Рубоийнинг бу қадар гўзал ва таъсирчан чиқишига *радиф, қофия, тарсе, тадриж каби бадиий санъатлар* омил бўлганки, уларнинг шарҳи орқалигина рубоий мазмунини тўғри изоҳлаш мумкин. Навоий рубоийдек мўъжаз лирик асарда олти сўзли – *"сени кўп севармен, эй умри азиз"* радифини қўллаган. Жами етти сўздан иборат мисранинг олти сўзини радифга олиш бадииятда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Интонацион бутунлик, мусиқий оҳангдорликни таъминловчи радифнинг тенг ярим қисми *"эй умри азиз"* ундалмасидан иборат бўлиши эса тавсиф объекти – умрга, инсонга нисбатан эҳтиросли, умидвор мурожаат ҳамда илинж, эътиқод мотивларини кучайтирган. Санъаткорлик шунда ҳам кўринадики, шоир қофияланувчи мисралар бошидаги биргина сўзни ўзгартиради, холос. Қолган сўзлар радифлигича сақланади. Аммо бадиий мазмун ривожланаверади. Бунинг устига, мисралар аввалидаги ўзгарувчи сўзлар ҳам жўн эмас, *"жондин", "сондин", "ондин"* сингари ўзаро қофияланувчи сўзлардан иборат бўлиб, бунинг ўзи бир санъат. Тўртликдаги уч мисра биринчи сўзларининг ўзаро қофияланиши ва сатрларнинг сўнгги қисмлари ҳам оҳангдош сўзлар тизмасидан тузилганлиги *тарсе санъати*ни юзага чиқарган.

Мисралардаги асосий сўзларнинг мазмун силсилавий суратда ривожланишига имкон берадиган тарзда жойлаштирилиши *тадриж санъати*ни ҳам вужудга келтирган. Натижада, ҳаётга, инсонга муҳаббатнинг сатрма-сатр, даражама-даража кучайиб борувчи тасвири пайдо бўлган. Илк сатрда шоир азиз умрни, севикли ёрни жондан-да кўпроқ севажагини изҳор этган. Лекин биргина жон фидо этиш билан қаноатланмаган, чунки *"жон"* тушунчаси ҳаётга, маъшуқага муҳаббатини ифодалашга ожиз. Шундан сўнг миқдор тушунчасига мурожаат қилинади. Шоир дунёда миқдорни ифодаловчи қанчаки сон бўлса, ҳаётга, ёрга бўлган муҳаббати ўшандан ҳам ортиқлигини айтади. Лекин бундай миқдор ҳам ҳаётга, бир умр азиз ҳисобланган инсонга муҳаббат салмоғини ифодалай олмайди. Ниҳоят, шоир умрга бўлган муҳаббат чексиз ва ўлчовсиз эканлигини англайди ва ажойиб тарзда баён этади: *"Эй умри азиз, энг олий даражада севиш мумкин бўлган бирор нарса бўлсаки, бошқа бир нарсани ундан ортиқ даражада севиш мумкин бўлмаса, мен сени ўшандан ҳам ортиқ, яъни имкондан ортиқ даражада севаман".*

Рубоий ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби мақбўзи мақфуфи аҳтам* вазнида битилган:

Мафъувлў мафоийлўн мафоийлў фаўл
у– у – у– уу у~

Хуллас, бу рубоий инсонни ҳаётсеварлик руҳида тарбияловчи нодир асардир.

Шоҳлар огоҳи, огоҳлар шоҳи

Ўз-ўзини англаш, ўзлигини таниш фасли халқнинг шиорларга муносабатини ҳам тубдан янгилади. Шўро ва фирқа мафкурасини илгари сурувчи, босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаб турувчи сохта, баландпарвоз шиорларни ҳаёт янги истиқлолий замон саҳифаларидан бешафқат ўчириб ташлади. Газеталаримиз саҳифаларидан “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир...”, “Кишан кийма, бўйин эгма Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсен!” сингари ҳурфикр шиорлар ўрин олди. Янгиланиш тўлқинларида таваллуд топган “Хабар” газетаси ҳам ўзига хос йўсинда иш тутди, ўзбек халқининг даҳо мутафаккири Алишер Навоийнинг “Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен, сен, Агар огоҳсен, сен – шоҳсен, сен!” шоҳбайтини ўз фаолиятига шиор қилиб олди. Ушбу шиорлар замоннинг ҳурфикр руҳини, долғали даврнинг етакчи тамойилларини ифодалаши билан гўзал ва долзарбдир. Улар миллий мустақиллик пўртаналарида жамол кўрсатиб, халқнинг назарига тушди, зеҳну идрокига ўрнашди, дилу жонига ватан қурди. Мана, “Хабар”, йиллар ўтаётирки, шиор унинг нуқтаи назари, мақсад-муддаосини, заррада қуёш акс этгани сингари нурафшон этиб бормоқда. Эндиликда шиор учун танланган шоҳбайтнинг моҳияти, Навоий асарлари таркибида тутган ўрни, ундан кўзда тутилган маънолар миқёси билан муҳтарам муштарийлар ва Навоийхонларни муфассал ошно этиш фурсати келди.

Алишер Навоийнинг шоҳбайтлари шу қадар оммага манзур бўлиб, ёдига ўрнашиб қоладики, кўпчилик уларни мустақил бир асар ёки кичик ҳажмдаги бирор фалсафий-лирик шеърдан олинган парча сифатида тасаввур қилиб юради. *“Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен, сен, Агар огоҳсен, сен – шоҳсен, сен!”* байти ҳам ана шундай ўзи ҳақида фавқулодда юксак таассурот уйғотувчи шоҳбайтлардан. Ушбу шоҳбайт Навоийнинг буюк “Хамса” асари таркибидаги “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган. “Фарҳод ва Ширин” достони эллик тўрт бобдан иборат бўлиб, бу шоҳбайт эллик учинчи боб таркибида учрайди. Мазкур шоҳбайт “Фарҳод ва Ширин” достонининг 5586-байтидир. Навоий мазкур бобни “султонзодайи олам” Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодирга бағишлайди ва унинг мазмун моҳиятини “насиҳатомуз нукталар” дея белгилайди. Улуғ донишманд ушбу насиҳатомуз нукталарни битаркан, уларни ўқиган кишиларга: умид улким, бу шоҳвор дурларни туфроғдин олғай ва адосида қулоқ солғай, балки ул гаронмоя гавҳарларни қулоққа солгай” деб тилак билдиради. Шоирнинг пандомуз ҳикматлардин мақсад-муддаоси илм-маърифатга тарғиб этиш, шоҳликда маънавий комил, маънавий комилликда шоҳ бўлиш ғоясини илгари суришдир. Бобнинг аксар байтлари “шоҳвор дурлар” тизмасидан иборат.

...Бировким, қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Олимлик мартабасини қанчалар улуғлайди шоир! Бу, айниқса, олимларни энг заҳматкаш ва қадрсиз тоифа даражасига тушириб қўйган замон учун ибрат ва сабоқ бўларли нуқтадир. Бундай байт биз шарҳламоқчи шоҳбайт зикрига замин яратиш учун битилган. Олимлар пайғамбарсифат улуғланишининг сабаби шуки, Навоий наздида олимлар огоҳларнинг огоҳидирлар.

Юқоридаги фикрни асослаш ва қувватлаш учун шоир пайғамбар ҳадисларидан далил келтиради:

Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис
Ки, олим келди пайғамбарға ворис.

Яъни, пайғамбардан шундай ҳадис, васият қолганким, унда эътироф этилишича, олимлар пайғамбарнинг ворисларидирлар. Пайғамбар эътиқоди, таълимотининг давомчиларидирлар. Кейинги байтда юқоридаги фикр янада кучайтирилади:

Кишиким, бўлса олам подшоҳи,
Анинг уммaтлиғидиндур мубоҳи.

Ушбу байтдан англашиладики, биров олам подшоси мартабасига етгани тақдирда ҳам, пайғамбар ва унинг ворислари ҳисобланадиган олимларга маънавий-руҳий жиҳатдан итоатда, ихлосманд бўлиши билан фахрланса арзийди. Ўрта асрларда, хусусан, Навоий даврида шундай эътиқод ҳукмрон эди. Амир Темурнинг Хожа Аҳрори Валига муносабатида ҳам, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни пир сифатида тан олиб, халойиқ ўртасида ўз отига миндириб, этагини ўпиб, жиловдорлик қилиб, мурид тутинганида ҳам, Муҳаммад Раҳимхони соний Феруз *“Огаҳий – устодим менинг”* дея фахрланганида ҳам маликлик маданиятидаги шу фазилатни кўришимиз мумкин. Оқил, одил подшоҳлар ўз атрофларига мамлакатнинг етук олиму уламоларини жипслаштириб, ҳар бир муаммони улар билан бамаслаҳат ҳал этишга ҳаракат қилганлар.

Бировким, илм ила бўлди баруманд,
Анга ким ворис ўлди, бўлди фарзанд.

Мазкур байт ҳам олимнинг мавқе ва қадр-қимматини улуғлашга қаратилган. Унда таъкидланишича, кимда-ким илмдан баҳра топса, илм ҳосил этса ва кимки шу алломага илм йўлида ворис бўлса, унга маънавий фарзанд ҳисобланади.

Шоир юқоридаги байтларни тадрижий мантиқий изчилликда битар экан, илмдан огоҳлик, билимдонлик ҳақидаги фикрлари ҳадди аълосига кўтарилади. Унинг *“қани энди олим одам шоҳ бўлса-ю, шоҳ олим одам бўлса”* деган орзу-армони жўш уради. Ўзидан олдинги байтларни якунловчи, кейинги сатрларга замин ҳозирловчи шоҳбайт вужудга келади:

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен, сен,
Агар огоҳсен, сен – шоҳсен, сен!

Шундан сўнг шоир шоҳларнинг огоҳи, огоҳларнинг шоҳи бўлмиш тарихий шахслар фаолиятидан ўрнак учун мисоллар келтиради. Жумладан, Искандарнинг жаҳонгирлик салоҳияти сеҳри илм туфайли эканлигини бундай ифодалайди:

Шаҳеким, илм нурин топти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.

Сикандар топти чун илму ҳунарни,
Не янглиғ олди, кўргил, баҳру барни.
Анингдек салтанат аҳли кўп эрди,
Қаю бирга бу навъ иш даст берди?!
Ики минг йил ўтуб юз минг хирадманд,
Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд.

Навоий қадим тарихдан Искандаршоҳни олган бўлса, яқин тарихдан Улуғбек сиймосини ибрат қилиб кўрсатади:

Темурхон наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек...

Навоий илм ҳар бир кишига, айниқса, шоҳларга ўзгача зийнат эканлигини, шоҳ баъзи илмларгагина қаноат қилмай, барча илмларни эгаллаши зарурлигини таъкидлайди. Шоир босқичма-босқич барча илм хазиналарини ўзлаштириб, дин илми масканида муқим тўхталишни, диний таълимот билан доимий, муттасил шуғулланишни маслаҳат беради. Зероки, дин адолат, камтарлик, одоб-ахлоқ, мурувват, меҳр-оқибат, одамийлик таълимоти. Дин илмини забт этиш чинакам шоҳлик мартабасига кўтарилишнинг асосий мезонларидан бири сифатида талқин этилади:

Шаҳ улдурким, шиори илми диндур,
Нединким илми дин, илмул яқиндур.
Улум ичра ўқусанг юз туман фасл,
Тамоми фарзу дин илми эрур асл.

Шоир дин илмини асл моҳият, ҳақиқат фани сифатида қадрлайди. Унинг наздида дин илми муайян дарахтнинг асосий танаси бўлиб, бошқа барча илмлар ушбу дарахтнинг шох-шаббаларидир.

Дин илми ҳам поёнсиз ва тубсиз уммон бўлиб, унинг фиқҳ, ҳадис, тафсир, тавҳид, тажвид сингари ўзига хос фан тармоқлари мавжуд. Ҳазрат Навоий шулардан асосий учтасини шоҳу гадо, яхши ва ёмон инсонлар ўрганиши фарз деб билади.

Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир,
Эрур фиқҳу ҳадису сўнгра тафсир,
Чу такмил ўлди бу уч илм, сен бил
Яна ҳар илм майлин қилма ё қил.

Демак, ҳақиқат тилсимларидан огоҳлик истаган инсон фиқҳ, ҳадис, тафсир илмларини, албатта, ўзлаштириши зарур. Бу уч илмда камолотга эришган киши яна бошқа илмларга интиладими, йўқми, ўзи билади. Шоирнинг бундай нуқтаи назарига сабаб, уч илмнинг ўзи бошқа илмлар тилсимига калит бўлиб, улар идрокига йўл очади. Аммо Навоий бу уч маънавий илмни мукаммал ўзлаштириш ва унга амал қилиш учун бир жисмоний илмни ҳам ўрганиш зарурлигидан сабоқ беради. Бу табобат илмидир.

Валекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб
Ки, сиҳҳатдур киши жисмида матлуб...
Ул уч дин илмию бу бир баландур,
Булар муҳтожи яхши, гар ёмондур.

Уч дин илми эътиқод ва руҳият комиллигини таъминласа, тиб илми бадан саломатлиги гаровидир. Тиб илмининг зарурати шундаки, ақлий-руҳий соғломлик жисмоний бақувватликни тақозо этади. У уч илм тангри амрини бажаришга бағишланган. Тани сиҳат бўлмаган кишининг Тангри амрини бажаришга қуввати йўқ. Ички аъзолари заиф, иштаҳасиз инсон рўза тута олмайди, тўшакдан бош кўтара олмайдиган бемор саждага қодир эмас. Халқнинг "Соғлом танда соғ ақл" нақлидагидек, Навоий наздида ҳам комил инсонда маънавий-руҳий етуклик билан жисмоний соғломлик уйғун бўлиши керак.

Мана, бошқа байтлар марказида турган шоҳбайт қандай ҳикматлардан огоҳ бўлишга чорлаб турибди. Дарвоқе, нима учун уни шоҳбайт дея тайин этамиз ва тан оламиз. Шоҳбайт деб замирида сермазмун нуктани мужассамлаштирадиган, тевараги дагы бир қанча байтларни моҳиятан умумлаштирадиган, шаклий-бадиий хусусиятларига кўра энг гўзал байтга айтилади. Шарҳимизга нишон бўлган байт шу таърифга тўла мувофиқ келади.

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен, сен,
Агар огоҳсен, сен – шоҳсен, сен!

Унинг шоҳбайтлиги шуларда кўринадики, у ўзида олдинги ва кейинги байтларни моҳиятан бир нуқтада бирлаштиради. Яъни, у байтлар моҳиятидан хабардор инсон шоҳдир, шоҳлик мартабасига талабгор инсон албатта ўша байтлар моҳиятидан огоҳ бўлмоғи лозим. Кўпмаънолилик шоҳбайтнинг асосий хосиятларидан. У Машраб таъбири билан айтганда, *"минг маънини бир нукта била мухтасар этган"* шоҳбайт. Шоҳбайт умум-инсоний моҳиятга эга бўлади. У муайян шахсларга қаратилганлиги билан чегараланмайди. Миллати, ирқи, жинси, тоифаси, мартабасидан қатъи назар, шоҳбайт ҳар бир инсонга маънавий озиқ бағишлайди. Шоҳбайт учун макон ва замон сарҳад бўлолмайди. У бани-башар хизматида тоабад ўз ғоявий-бадиий қимматини сақлаб қола олади. Шоҳбайт мустақиллик хусусиятига эга. У тевараги дагы байтлардан айру ҳолда олинганида ҳам мазмун-моҳият тугаллигини йўқотмайди. Шоҳбайт таркибидаги сўз-иборалар иштирокида, шу мазмунни сақлаган ҳолда бошқа байт тузилганда, бундай гўзалликни қайта бунёд этиш қийин. Шоҳбайт – бетакрор мўъжиза. Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида мазкур шоҳбайтга маънавий-лафзий уйқаш байт бор. Бироқ у шоҳбайт даражасида битилган эмас. Шоҳбайтнинг гўзалликларидан яна бири шуки, унинг тил хусусиятлари, сўзлари ниҳоятда содда ва тушунарли. Шоҳбайт *такрор ва тарди акс (терс такрор) санъатлари* билан яратилган. Ундаги баъзи сўз-иборалар такрори шунчаки қайтариқ эмас, маъно юкини ташийдиган, таъкидлайдиган, кучайтирадиган бадиий усул.

Шоҳбайтнинг нашрлардаги имлосига жузъий ислоҳ киритган маъқул. Ҳозирги ҳолатида шоҳбайт таркибидаги луғавий бирликларнинг мазмун залвори, нидо салмоғи синганга ўхшаб турибди. Чунки лафзий жиҳатдан майда бўлакларга бўлиниш маънавий бутунликка ҳам зарар етказади. *"Эрурсен шоҳ"* жумласидан кейин узун чизиқча (тире) қўйилгани маъқул. У огоҳлик шоҳлик билан баробарлигини таъкидлайди. Такрорланган *"сен"* сўзлари-

ни ҳам жуфтлаштириб ёзиш ўринли эмас. Негаки, матндаги ҳамма *“сен”* бир хил вазифани бажармайди. *“Эрурсен”, “огоҳсен”, “шоҳсен”* сўзларидаги *“сен”* қўшма сўз таркибида келиб, одатдаги олмош бажарадиган хизматда, шунинг учун қўшиб ёзилади. Мисралар охирида келадиган *“сен”*лар эса шоирнинг нидоси қаратилган шахсни англатувчи ундалма вазифасини бажаради. Қоидага биноан, ундалма алоҳида ёзилиб, вергул билан ажратилади. Иккинчи мисрадаги *“Агар огоҳсен”* гап бўлаги бажариладиган ҳаракат ёки эга бўлинадиган сифат, мартабанинг шартини билдириб турибди. Бинобарин, ундан кейин вергул қўйилиши ўринли. Шу мисрадаги *“сен – шоҳсен”* тугал содда йиғиқ гап бўлиб, у фақат бош бўлаклар – эга ва кесимдангина иборат. Бундай ҳолларда эга ва кесим муносабатларидаги тенглик мувозанатини ифодалаш учун улар орасига узун чизиқча (тире) қўйилади. Шоҳбайтда ҳис-ҳаяжон, эҳтирос, ундов, нидо устувор. Шунинг учун унинг интиҳосида ундов белгиси қўйганимиз дуруст.

Алишер Навоий шоҳбайтга огоҳликда шоҳ, шоҳликда огоҳ бўлиш учун дунё воқеалари, шиддатли ҳаёт ҳодисаларидан, халқ, эл-юрт аҳволидан, илму дониш ҳикматларидан хабардор бўлишга чорлашдек ғоявий мазмунни юклаган. “Хабар” рўзномаси замонавий долзарб бу ғоялар хизматига сафарбар этилган. Ҳазрат Навоий руҳи мададкор бўлиб, иншоолло, шоҳбайт замондошлар хизматини беминнат адо этиб келмоқда.

АЛИМУЛЛА ҲАБИБУЛЛАЕВ

НАВОИЙ ПАНДНОМАСИ

МУҚАДДИМА

Ҳозирги даврда жамиятнинг маънавий ривожланишига ижтимоий-руҳий муҳитнинг ўзгаришига кенг имкониятлар очилди. Ҳаёт умуминсоний қадриятларнинг маълум бир гуруҳ миллат ёки синфлар раъйидан юқори туражагини кўрсатди ва бу қадриятлар юзага чиқа бошлади. Маънавий эҳтиёжимизни инсоният тафаккурининг шу кунгача саралаб қолдирган мероси, умуминсоний қадриятлари билан қондириш жамиятимизнинг покланишт ва янгиланиш жараёнига ижобий таъсир ўтказиши аниқ. Бу соҳада адабиёт ва санъатнинг роли беқиёсдир. Адабиёт ва санъатнинг халқ онгига ва қалбига таъсирчанлик ролини оширишда ўтмиш тараққийпарвар мутафаккир адибларининг улкан тажрибаларини ўрганиш, уларни ҳорзирги замон ижодкорларининг эътиборига ҳавола қилиш фойдадан ҳоли эмас. Навоий “Бадое ул бидоя” дебочасида тарбиявий аҳамияти бўлмаган ижодни беҳуда чекилган заҳмат деб баҳолайди. Беш аср олдин айтилган гапнинг бугунги кунда ҳам акс садо бериб туриши масаланинг доимий аҳамиятидан нишонадир. Ўтмиш адабий меросимизнинг асрлар оша ўз қадр-қимматини бир хилда сақлаб келаётганлари талайгина. Улар орасида Алишер Навоийнинг қолдирган мероси, шубҳасиз, шаклан ранг-баранглиги ва мазмунан теранлиги билан беш асрдан ортиқроқ вақт давомида ҳамон кўпчиликни лол қолдириб келмоқда. Бунинг сирларидан бири Навоий ижодининг ғоявий асосини умуминсоний қадриятлар ташкил қилишидадир.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини илмий тадқиқ этиш тарихи жуда узоқ ва тўғридан тўғри ўз замонасига бориб тақалади. Бу ишлар салмоғи, айниқса, Октябрь инқилобидан кейинги даврда тез суръатлар билан оша борди. Буюк мутафаккирнинг улкан ижодини ҳар тарафлама ўрганиш ҳозирги кунда ўз самараларини бермоқда. Унинг каҳрамонлари тобора кўпчиликка ўрнак, айтган гаплари халққа ибрат бўлиб бормоқда. Айниқса, инсоннинг ахлоқий жиҳатларига эътибор ҳар қачонгидан кучайган ҳозирги шароитда «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани» 1501) га ўхшаган ижтимоий-ахлоқий мавзуда яратилган асарларни тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳим. Бу масаланинг ижтимоий томони. Илмий жиҳатдан эса бундай тадқиқот ёрдамида туркий ва форсий адабий меросда салмоқли ўрин тутган ва инсонни ахлоқий камолоти юзасидан бевосита баҳс юритадиган бир адабий ҳодисанинг анъанавий томонлари ҳамда тадрижини маълум даражада кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Алишер Навоий ижодининг кўпгина томонлари ҳамда унинг бир қанча асарлари бўйича чуқур фундаментал тадқиқотлар анчагина. «Маҳбуб ул-қулуб» асари турли муносабатлар билан ўрганиш объекти бўлиб келган бўлса-да, жанр хусусиятларидан келиб чиқиб атрофлича тадқиқ этилмаган.

Алишер Навоий ижоди адабий жараёнда чуқур ўзгаришлар бўлаётган даврга тўғри келади М. Хайруллаев бу даврни Ўрта Осиёда IX асрда бошланган умумий Ренессанс даврининг давоми деб атайди[1].

Бу давр адабиётининг турли жанрларида муваффақият билан қалам тебратган бу улкан адиб туркий адабиётда жанрлар ранг-баранглигига катта эътибор бергани маълум. «Маҳбуб ул-қулуб» ҳам, бир томондан, шу эътиборнинг натижасида дунёга келди (Муаллифнинг бу асарни ёзишдан асосий мақсади масаласига ҳали яна тўхталамиз). Асарнинг жанри юзасидан юритган мулоҳазаларимиз унинг тасодифий ҳодиса эмаслигини, бундай асарлар араб,

форс-тожик ва туркий адабиётлар тарихида кўплаб яратилганини кўрсатади. Мадомики ҳодиса бор экан, унинг номи ҳам бўлиши керак. Бундай асарларни гоҳо «панднома» номи билан аташ ҳоллари учраб қолади. Бу ҳодисанинг шундай аталишини маъқуллаган ҳолда ишимизнинг дастлабки бобида пандномаларнинг пайдо бўлиши тарихи ва ривожланиши жараёнига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу жараён ўзбек адабиётида бошқа турли-туман жанрлар эволюциясида бўлгани каби форс-тожик адабиёти билан яқин алоқада ривожланиб борди.

Форс тилида бевосита ахлоқий тарбияга бағишланган жуда кўплаб асарлар яратилган. Улардан Носир Хусравнинг «Рўшноинома»си, Кайковуснинг «Қобуснома»си, Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола»си, Фаридиддин Атторнинг «Панднома»си, Насириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий, Саъдий Шерозийнинг «Бўстон», «Гулистон» асарлари, Носириддин Хусрав Исфаҳонийнинг «Саодатнома»си, Убайд Зоконийнинг «Ахлоқул-ашроф» ва «Даҳ фасл» асарлари, Жалолиддин Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» каби ўнлаб ҳаёт дастурлари ислом минтақа маданияти ҳудудида қадимдан кенг тарқалган ва севиб ўқилган. Бу асарларнинг ҳар бири ўз даврининг маънавий муҳитига озми-кўпми таъсир этиши билан бирга бу мавзуда яратилган кейинги асарларга йўл очиб келган. «Маҳбуб ул-қулуб» бу мавзуда туркий тилда яратилган асарларнинг дастлабки насрий намуналаридандир. Шунга асосан, айтишимиз мумкинки, ўзидан олдин форсийда яратилган асарларнинг адабий таъсиридан холи эмас. Бас, шундай экан, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг таҳлили, албатта, қиёсий йўналишда бўлиши лозим. Тадқиқотимизнинг иккинчи боби тўлалигича шу масалага бағишланган.

Айрим олимлар бу асар устидаги изланишларни қиёсий йўналишда олиб борилиши зарурлигини уқтириб, ўз тахминларини айтиб ўтишган. Жумладан, француз шарқшуноси М. Белин Алишер Навоийнинг бу асари Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Анис ул-қулуб» асарига жавобан ёзилган деб айтади.

Худди шунга ўхшаш бир фикр навоийшунос олим Мақсуд Шайхзоданинг «Устоднинг санъатхонасида» ишида ҳам бор. У Муҳаммад Авфий ижодининг Алишер Навоий замонасида номаълумлигича қолиб келганини таъкидлаб туриб, унинг «Жавомеул ҳикоёт ва лавомеур-ривоёт» («Ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар жилоси») номли асари билан «Маҳбубул қулуб» мундарижаси ўртасидаги ҳамоҳангликка тадқиқотчилар диққатини жалб қилади. «Бу асарнинг Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» китобига таъсири масаласи алоҳида тадқиқий текширишга муҳтож бўлгани учун биз бу муаммони ушбу мақоламизда ечмай ўтамиз» дейди у[4]. Бу руҳдаги асарларни синчиклаб ўрганишимиз жараёнида мазкур фикрни тасдиқловчи бирор далил учратмадик. Аввало, Авфий ижоди Навоий замонаси учун ҳамон қоронғилигича қолиб келмоқда. Иккинчидан, Навоий даврида ахлоқий-таълимий характердаги асарларнинг маълум ва машҳурларининг ўзи талайгина эди. Қолаверса, Алишер Навоий бевосита бирор китоб таъсирида ёзган асарларида ижод услубига кўра олдинги асар муаллифи ижодига чуқур эҳтиром билдириб, ўз асарининг ундан нималар билан фарқланиб туришини айтиб ўтиш одати бор. Буни биз «Хамса» достонларида, «Насойимул-муҳаббат» асарида, «Лисонут-тайр» достони мисолида кўришимиз мумкин. Бироқ «Маҳбуб ул-қулуб»да бунга заррача бўлса-да ишора сезмаймиз.

Ҳар қандай асарни қиёсий йўналишда ўрганиш тадқиқотчини анъана ва новаторлик масалаларига чорлайди. Пандномаларнинг анъанавий руҳи уларнинг шаклидагина эмас,

мазмунида ҳам акс этади. Шаклни адиблар ўзларининг адабий-эстетик қарашларига, ижод усулларига кўра танлайдилар. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома»сида муаллиф сабоқлари далилловчи ҳикоятлар билан алмашиниб турса, Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» асарида аввал сабоқ берилиб, кейин кетма-кет ҳаётий лавҳалар келади. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»ида далилловчи ҳикоятлар асарнинг иккинчи қисмидагина учрайди. Биринчи ва учинчи қисмда ҳаёт сабоқларининг ўзи бадиий сайқал топган кўринишга эга. Энди мазмун масаласига келсак, у пандномалар учун анъанавий мавзу (ахлоқ-одоб ва ҳаёт сабоқлари мавзуси) ҳамда муаллиф дунёқарашининг уйғунлашувидан иборат. Шунинг учун қаламга олинган мавзу қанчалик бир-бирини эслатмасин, уларнинг ғояси ўзаро фарқланиб туради. Ўзининг жамиятда тутган ўрни билан (давлат арбоби сифатида) кенг мулоҳаза ва қатъий фикр эгаси бўлган Навоий ўз қарашларини бу анъанавий мавзуга дадил сингдира олган. Шундай қилиб, «Маҳбуб ул-қулуб» бадиий шакли ва ғоявий мазмунига кўра барча панднома ва насиҳатномалардан ажралиб туради.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, адабий меросимизда мавжуд бўлган жуда кўп сонли диний-насиҳат китоблари, ҳадислар ҳам биз ўрганаётган пандномалар билан ғоявий ҳамоҳангликка эга. Улар, кўпинча, шакл жиҳатдан тезислар ҳолида берилган. Юқорида айтилганларга қарамай, «Маҳбуб ул-қулуб»ни давр адабий анъаналарига кўра юзага келди десак, масалага фақат бир томонлама ёндашган бўламиз. «Маҳбуб ул-қулуб», асосан, муаллиф ҳаётининг сўнгида, унинг маънавий эҳтиёжи юзасидан, яъни умр бўйи қалбида ардоқлаб келаётган гапларини йиғиб, китобхонга етказиш заруратига кўра юзага келгани унинг ҳар бир сатрида кўзга ташланади. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг ўз услуби ва ўз овозини яққол намойиш этиш учун кенг имконият яратди. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг бадиий стилистик хусусиятлари бобидаги кузатишларимиз шуни кўрсатади.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг тарқалиш даражасига келсак, асарнинг турли даврларга мансуб қўлёзма нусхалари Тошкент, Ленинград, Париж, Истамбул кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарнинг ҳар хил пайтларда нашр этилган Истамбул (1872 – 73), Қозон (1901), Бухоро (1916) босма нусхалари бор.

Совет даврида Навоий асарларини нашр этиш жараёнида «Маҳбуб ул-қулуб» бир неча бор китоб бўлиб чиққан. Уларнинг дастлабкиларидан бўлиб бу асарнинг 1939 йили Ҳоди Зариф таҳрири остида, лотин алифбосида Тошкентда бирмунча қисқартмалар билан чиққан (82 бетдан иборат) нашри пайдо бўлди

1948 йил А. Н. Кононов тайёрлаган йиғма матн шу кунларгача тадқиқотлар учун қимматли манба бўлиб келмоқда. Бу матнни тайёрлаш учун турли йилларда ёзилган саккизта қўлёзмадан фойдаланилган. 1966 йили Навоийнинг ўн беш томлик асарлари жумласида ушбу асар нашр қилинди (13-том). 1983 йили «Маҳбуб ул-қулуб» ҳозирги замон ўзбек тилида Иноят Махсумов табдилида босилиб чиқди. Афғон олимлари Кононов нашрини 1986 йили жузъий тузатишлар билан Кобулда қайта чоп эттирдилар. Бу асарни нашр этиш Алишер Навоийнинг 1987 йилдан буён чиқа бошлаган йигирма томлик мукаммал асарлари тўпламида ҳам режалаштирилган.

Илмий тадқиқот ишларига келганда, «Маҳбуб ул-қулуб»ни ўрганиш бобида бирмунча ишлар амалга оширилган. Бу асар жанр нуқтаи назаридан махсус текширилмаган бўлса-да, бир қанча илмий тадқиқотларда унинг айрим томонлари таҳлил этилган. Улар жумласида, аввало, юқорида зикр этилган босма нашрларнинг айримларига ёзилган сўзбошилар бор. Бу сўз бошиларда асарнинг ғоявий йўналиши ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни, бадиий

қиммати тўғрисидаги мулоҳазалар ўртага ташланади[1], бу асар буюк мутафаккирнинг олтмиш йиллик ҳаётий тажрибасининг якуни экани қайд этилади ҳамда унинг қўлёзма нусхалари матни юзасидан мулоҳазалар юритилади[2]. С Ғаниеванинг 1983 йилда босилиб чиққан «Маҳбуб ул-қулуб»нинг соддалаштирилган матнига сўзбошиси[3] ва ундан олдинроқ «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлигининг II томига[4] кирган тадқиқоти бу асарнинг мавзу хусусиятлари ва ижтимоий аҳамиятини кенг ёритиши билан ажралиб туради. Унда асарда тилга олинган жуда кўп тоифа кишилар ва ахлоқий тасаввурларга муносабат билдирилган. Худди шундай бирмунча кенг таҳлилни проф. Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи»[5] китобида ҳам учратамиз. «Маҳбуб ул-қулуб» асарига у ёки бу муносабат билан мурожаат қилиб ўтилган тадқиқотларда унинг бирор муайян жанрга мансублиги аниқ тилга олинмай, ахлоқий-таълимий асар деб қўя қолинади. Бироқ бу мавзуда турли жанрларда асарлар яратиш имконияти бу баҳонинг нақадар умумий эканини кўрсатиб турибди. Проф. Н Маллаевнинг юқорида зикр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида бу асар ҳақида «ўзига хос бир насиҳатнома» деб ёзилган (589-бет) ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Хусравнинг «Саодатнома», «Рўшноинома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асарлари билан бир турдаги асар сифатида санаб ўтилган (581-бет). Бу турдаги асарларни панднома деб аталиши гарчанд уларнинг жанр хусусиятларига тўхталиб ўтмаса-да, И. Ҳусанхўжаевнинг ишида[6] учрайди. Бу асарда Моваройуннаҳр ва Хуросон ижтимоий фикрида таълим-тарбия масалаларидан баҳс юритилиши билан бирга, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг тарбиявий аҳамияти юзасидан ҳам қимматли мулоҳазалар билдирилган.

Булардан ташқари олимлар Навоий ижоди бўйича турли йўналишларда олиб борган тадқиқотларида «Маҳбуб ул-қулуб»нинг ғоявий-бадиий аҳамияти хусусида ҳам кўпгина қимматли ва муҳим мулоҳазалар билдиришган[7]. Шулар жумласидан А. Абдуғафуровнинг Навоий сатирасига бағишланган монографиясида «Маҳбуб ул-қулуб»нинг ҳам фош этувчилик сирларини кашф этишга кенг ўрин берилган. Шунингдек, бир қанча тўплам[8] ҳамда газета ва журналларда босилган мақолалар[9] ҳам борки, уларнинг барчаси биз тадқиқ этаётган масалани ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шулар билан бир қаторда тилшунослик соҳасида ҳам «Маҳбуб ул-қулуб»га бағишланган ёки унга алоқадор бўлган илмий ишлар мавжуд. Уларда Навоий бадиий насрининг лексик ва стилистик хусусиятлари тадқиқ этилган. Бироқ тадқиқотлар миқёси кенгайгани ва чуқурлашгани сайин бу мавзу ўзини бошқа бир аспектда – «Маҳбуб ул-қулуб» руҳидаги асарларни моҳиятига кўра пандномалар сифатида олиб, уларни жанр хусусиятлари жиҳатидан тарихий-қиёсий йўналишда махсус текширишга чорлайди. Бу асарни атрофлича текшириш Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг эволюциясини, бадиий маҳоратининг ўзига хос томонларини ва ниҳоят адабиётга ахлоқий мавзуни сингдиришдаги улкан хизматларини кўрсатиш учун ёрдам беради. Бу тадқиқотнинг асосий мақсади Алишер Навоийнинг мана шу анъанавий мавзуда, шу билан бирга мутлақо ўзига хос тарзда яратган «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг ўз салафлари пандномалари билан ғоявий-бадиий хусусиятлари ва услуби жиҳатидан муқояса қилиб, унинг ўзига хослик томонларини очишдан иборат.

ҲАЁТ ДАСТУРЛАРИ ВА “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”

Ўрта асрларда ислом минтақа маданияти тарқалган ҳудудда яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги талай ўхшашликлар, улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар, маълум бир тарихий даврлардаги ҳудудий бирлик уларнинг адабиётидаги адабий анъаналарнинг биридан иккинчисига ўтиб, муваффақият билан давом этиши, ривожланиши ва сайқал топиб боришига сабаб бўлди Бу халқлар маданиятининг қадимдан ўзаро бир-бирини бойитиб борганини тасдиқловчи тадқиқотлар талайгина[1]. Бу ҳодиса фақат Шарқ маданияти учунгина хос бўлиб қолмай, кўпгина ғарб мамлакатлари адабиётида ҳам кузатилади[2]. Ислом минтақа маданияти тарқалган ўлкалардаги адабий жараён бир бутун ҳолатда олиб кузатилса, бу халқлар адабиёти тарихидаги кўпгина умумий адабий ҳодисалар ва хусусиятларни тўғри англаш ва тасаввур қилишга катта имкониятлар очилади. Чунончи, туркий сўз санъатида дидактик адабиёт жумласидан бўлган панднома жанри тараққиётини, бу жанр поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини форсий адабиётнинг бу турдаги намуналаридан ажралган ҳолда тўла очиб бериб бўлмайди.

Адаб мавзуси халқ оғзаки ижодида турли жанрларнинг бағрида дунёга келди ва ривожланди. Эртак ва эпик достонларда ижобий қаҳрамонлар таъриф ва тавсифидан кейинги лирик чекинишлар, қиссадан ҳисса чиқаришлар, уларнинг таркибида ибратли ҳикоялар келтирилиши шулар жумласидандир. Ғоявий йўналиши бўйича халқ орзу-умидларига суянмаган асарларнинг умри қисқа бўлади. Бу орзу-умидлар энг кўп акс этган ижод соҳаси – халқ оғзаки ижоди дурдоналаридир. Улар орасида халқ қаҳрамонлари ҳаёти, шунингдек, халқ мақоллари дидактика учун энг бой материал берувчи соҳадир. Форсий тилдаги ёзма адабиётда «дидактик қисмларни биз Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам учратишимиз мумкин. Бу асарда берилган қадимги Эрон ҳукмдорларининг нутқларини ўқиб, уларни шунчаки шеърга солинган панднома дейсан», – деб ёзади Е. Э. Бертельс[3]. Туркий адабиётда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин.

Адабий жараённинг бирмунча жонланган пайтларидаёқ бадиий асарларнинг дидактик характерга эга ўринлари ўзларининг мустақил ривожланишга мойиллигини кўрсатди. Кейинчалик мустақил дидактик адабиёт пайдо бўлди. Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”лари, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзанул-асрор”, Навоий ижоди мисолида эса бундай мустақил кўринишдаги дидактик асарлар жумласидан “Ҳайратул-аброр” дидактик достони, “Назмул-жавоҳир”, “Арбаин” шеърий тўпламлари ва “Маҳбуб ул-қулуб”ни кўрсатиш мумкин. Бундай мустақилликка эришган дидактик мавзу кейинчалик ҳам дидактик руҳда бўлмаган турли асарлар таркибидан фахрли ўрин олиб қолаверди. Чунончи, Алишер Навоийнинг ишқий-саргузашт достони “Сабъаи сайёр”да, қаҳрамонлик достони “Садди Искандарий”да ва ҳатто лирикасида ҳам[1] дидактик ўринлар кўп учрайди.

Панднома жанри эса дидактик адабиётда алоҳида ўрин тутади. Е. Э. Бертельснинг “Шоҳнома”даги баъзи ўринларни шеърга солинган панднома деб баҳолашидан пандномалар, асосан, насрда ёзила бошлагани англашилади. Улар алоҳида жанр сифатида шу пайтгача мутлақо ўрганилмаган, балки бошқа этологик жанрлар билан аралаш ҳолда тадқиқ қилинади, холос. Шу билан бирга улар ҳар сафар таълимий-тарбиявий, ахлоқий-

таълимий, ахлоқий-тарбиявий, дидактик-бадиий, ахлоқий-бадиий каби ҳар хил атамалар билан юритиб келинмоқда Ўтмиш адабиётшунослигида насиҳатнома, мавъизатнома, васиятнома, панднома, насиҳат ёки ахлоқ китоблари деб аталиб келган бундай асарлар кўп бўлган. Юқорида зикр этилган фактларнинг барчаси уларни умумлаштириб пандномалар деб аташимизга ҳуқуқ беради.

Ўтмиш дидактик адабиётида жанр эътиборига кўра Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб"и билан ҳамоҳанг бўлган кўплаб пандномаларни учратамиз. Панднома – поэтикаси деярли ўрганилмаган жанрлардан бири. Хўш, пандноманинг ўзи нима? Бу жанрнинг хусусиятлари, унга қўйиладиган талаблар ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин уларнинг ўтмишига бир назар солайлик. Е. Э. Бертельс Низомий Ганжавийнинг "Махзанул-асрор" достонини тадқиқ эта туриб, шундай деган эди: "Махзанул-асрор" достонининг асосий жанри ваъзга, яъни характерига кўра X асрда кўплаб яратилган, асосан, кишиларнинг турли ижтимоий аҳволига кўра ахлоқи ва одоби масалаларидан баҳс юритувчи адабиётга (яъни, пандномаларга – А. Ҳ.) бориб тақалади. Адабиётнинг кўп жиҳатдан, эҳтимол, сосонийларнинг айрим анъаналари билан боғлиқ бўлган бу соҳаси ҳали ўрганилмаган. Бу масала шарқшунослар олдида навбатдаги вазифалардан бўлиб турибди[2]. Мана шу даъватга амал қилиб олиб борилган изланишларнинг аксарияти фалсафий характерда бўлиб, филология соҳасида бундай тадқиқотлар камроқ учрайди. Дарҳақиқат, Е. Э. Бертельс бундай хулосага келиб, масаланинг моҳиятини тўғри пайқагани маълум бўлди. Эронда сосонийлар ҳукмронлиги нисбатан узоқ давр (226 – 651 йиллар)ни ўз ичига олади. Бу даврда фан, маданият ўзига хос ривожланиш босқичини ўтаб борарди[3]. Бу мамлакатда кўпгина юнон файласуфлари асарларининг паҳлавий тилига таржима қилиниши ва ўқимишли кишилар орасида тарқалиши ҳам сосонийлар даврига тўғри келади.

Бу асарларнинг ахлоқ ва одобга доир жиҳатлари сосонийларнинг ижтимоий онгида жуда тез акс-садо бериб, давр ахлоқий қарашлари билан қўшилган ҳолда жамиятнинг маънавий эҳтиёжини қондира борди. Бунинг устига халқ орзу-умидларининг ифодаси сифатида фольклордаги эзгу ғоялар қайта ишланиб, паҳлавий тили ёзма адабиётига сараланиб кириб борди. Тарихда Хусрав I номи билан машҳур бўлган Ануширвон Сосоний бинни Қубод ҳукмронлиги пайтида (531 – 578 йиллар) бу ишлар катта аҳамият касб этди.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида – "Содиқ (ҳаким), Нуширвони одил замонида эрди ва Нуширвонға насиҳатнома битибдур, – дейди[7]. Шунингдек, Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам" ида эса "Ва анинг (Нуширвоннинг – А. Ҳ.) сойир султонлар учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилғайларким, бу мухтасарда ул кунжойиш йўқтурким, борчасин битилгай, икки-уч калима била ихтисор қилинди", – деган сатрларни ўқиймиз[2]. "Ануширвони одил замонида ҳеч нарса ҳикматдин азиз бўлмаган ва бу аср ҳакимлари ҳаммадан диёнатли ва парҳезкор шахслар бўлишган", – дейди бу даврда панд-насиҳатга эътиборнинг юксаклиги ҳақида Ибн Сино ўз "Зафарнома"сининг дастлабки сатрларида[3]. Ануширвоннинг хоҳишига кўра ёзилган, Бузургмеҳр[4] қаламига мансуб бу пандномани ("Зафарнома"ни) Ибн Сино паҳлавий тилидан дарий тилига ўгирган[5].

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, кейинги асрларда яратилган пандномалар ва дидактик характердаги бошқа асарларнинг кўпчилиги, ўша давр адабий анъаналарига кўра, тезислар шаклидаги насиҳатлардан тузилган "Сад панди судманди Луқмон" ("Луқмоннинг юзта фойдали насиҳати") ёки "Ануширвон панд-наоиҳатлари"га мурожаат қилмай ёки улар ҳақида ривоят келтирмай ўтиб кетиша олмаган[6].

Ислом дини ёйилиши муносабати билан ахлоқий тасаввурлар нотиқлик санъати (ваъз) маърузаси таркибидан жой олди. Эронлик ал-Муқаффо (721 – 757 йиллар) қаламига мансуб, араб тилида ёзилган «Иршодул-кабир» («Катталарга йўлланма») ва «Иршодус-сиғар» («Ёшларга йўлланма») дидактик трактатлари панднома жанрини ислом даврига олиб кирди дейишимиз мумкин. Сабаби – бу асарлар сосонийлар даврида форс тилида мавжуд пандномалар илгари сурган ғояларни ўзида мужассамлаштирган ва замонавий талабларга мослаб ривожлантирган «Ал-Муқаффо» пандномасида одобли кишиларнинг ахлоқ мезонлари ва ҳукмдорларнинг ўз фуқароси билан муносабати қоидаларидан баҳс юритилади[7]. Ушбу фактларнинг ўзи ҳам панднома илдизларининг сосонийлар даврига бориб тақалишидан далолат бериб турибди.

Пандномаларни таҳлил этар эканмиз уларнинг, аввало, ижтимоий ҳаёт тақозоси билан юзага келганини ҳисобга олишимиз керак бўлади. Кишиларнинг маънавий дунёсини қонунлар тазйиқи билан йўлга солиб бўлмайди. Кўпчиликка манзур бўладиган, таомилга айланган муносабат ва муомалалар бу асарларда биринчи ўринга чиқади. Бу таомилларга суянган ҳолда, пандномалар воситасида киши ақидасига таъсир этишнинг бир неча хил кўринишлари бор. Ғоявий мақсади ва муаллифнинг ижтимоий позициясига кўра пандномалар, асосан, уч хил кўринишда учрайди:

1. Маълум бир шахснинг номи билан боғлиқ пандномалар. Масалан, «Қобуснома» муаллифнинг ўғли Гилоншоҳга, «Ахлоқи Жалолий» Оққўюнли сулоласининг асосчиси Ҳасанбекнинг ўғли Султон Халилга, «Аҳлоқи Муҳсиний» Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, Марв ҳокими Муҳсин мирзога атаб ёзилган.

Маълум бир касб эгаларига мўлжалланган пандномалар. Масалан, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си (давлатни бошқариш қоидалари), Низомий Арузийнинг «Чор мақола»си (дабир, шоир, табиб, мунажжимлик қоидалари).

Умумжамият аъзоларининг маънавий дунёсига таъсир этиш мақсадида ёзилган пандномалар. Жумладан, «Рўшноинома», «Панднома», «Саодатнома», «Гулистон» ва ҳоказо.

Пандномалар тематик доирасига кўра қуйидаги икки хил мавзуга кўпроқ мойил бўлади:

Ахлоқий тасаввурлар – умуминсоний фазилатлар ва иллатларга асосланади. «Рўшноинома», «Панднома», «Саодатнома», «Ахлоқи Муҳсиний»да бу йўналишга мойиллик кўпроқ намоён бўлади.

Кишиларнинг ижтимоий аҳволига кўра одоби масаласи. Бунда ахлоқий тасаввурларнинг ёнига пандномаларнинг иккинчи таркибий мавзуси – ижтимоий қатламлар ва ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалар келиб қўшилади ва кўпроқ устунликка эришади. Ижтимоий табақаларга муносабат билдириш жараёнида муаллифнинг жамият тараққиёти ҳақидаги қарашлари юзага чиқади. Бундай тематик йўналиш

«Қобуснома», «Саодатнома» ва «Маҳбуб ул-қулуб»ларда учрайди. Бундан ташқари тезис шаклидаги панд-насиҳатлар ҳам учрайди. Бузургмеҳрнинг «Пирузнома»си, «Луқмони ҳакимнинг юз фойдали насиҳати», айниқса, Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин юзага кела бошлаган ҳадислар, Убайд Зоконийнинг «Сад панд» рисоласи шулар жумласидандир. Бундай панд-насиҳатларнинг тематик доираси деярли чекланмаган бўлади. Яъни этика ва ижтимоий ҳаётга оид мулоҳазалардан ташқари таълим-тарбияга оид карашлар ҳам қўшилиб, турли-туман мавзулардаги ўгитлар мажмуасига айланди. Уларда илгари сурилган ғоялар, кўпинча, халқ оғзаки ижодига асосланган мотивлардан, мақолларнинг кенгайтирилган шаклидан ёки афоризмлардан иборат бўлади.

Юқорида биз пандномаларни, асосан, насрда ёзила бошлаганини айтиб ўтган эдик. Бироқ ўрта аср адибларининг ижодида шеъриятнинг етакчилик мавқеи панднома жанри соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Хуллас, пандномаларнинг ҳам насрий, ҳам шеърий хиллари деярли бирдай тарқалган. Е. Э. Бертелъс форс-тожик адабиётида дидактик достончиликнинг умумий қирралари яхши ифодаланган дастлабки намуналари деб «Рўшноинома» ва «Саодатнома» асарларини билган[1]. Афғон олими Адуваҳоб Тарзий «Саодатнома»ни Фаридиддин Атторнинг «Панднома» асари таъсирида дунёга келган деб ҳисоблайди[2]. Форс-тожик адабиётида бу руҳда ёзилган асарларда дидактик достонлардан кўра пандномаларнинг конкрет белгилари яққолроқ намоён бўлган.

Туркий тилдаги адабиётда ҳам худди шундай манзара кузатилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк»ида келтирилган панд-насиҳат характеридаги тўртликлар туркий адабиётда дидактика илдизларининг жуда қадимийлигидан дарак берса, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билиг» достони ахлоқий тасаввурлар мавзуси, иккинчи шахсга мурожаат шакли каби пандномаларни эслатиб турувчи жиҳатларга жуда бойлиги билан характерланади. «Қутадгу билиг» достонида шунчалар бой материал орасида Ойтўлдининг Элигга «Панднома» («Қумару битиг») ёзиб бериши[1] туркий адабиётнинг ҳам бу жанрда ўзига яраша мероси бўлганини тасдиқловчи далилдир. Бу панднома ҳам бошқаларида бўлганидек, бевосита ўз ўқувчисининг маънавий дунёсига таъсир этиш, унга йўл-йўриқлар кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. «Қутадгу билиг»нинг 147 байтдан иборат бу қисми алоҳида асардай ўқилади. Бу панднома ҳам одатдагидай Аллоҳга ҳамд ва муаллифнинг ҳаётда кўп нарса кўрганини баён этиш билан бошланади. Ҳар бир мотивнинг талқини учун халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва панд айтувчининг ҳаётий хулосаларидан ибрат келтирилиб, Элигни ҳушёрликка чақириқ билан тугайди. Унда вақтнинг қадрига етиш, эзгуликка интилиш, саховат, адолат, мол-дунёга хирс қўймаслик билан бирга қон тўкиш, хусумат, зулмдан сақланиш, бола тарбияси каби мавзулар ҳақида ҳам гап боради. Бу асар баъзи ерларда бутунича «Пандномаи мулук» деб ном олганини муаллиф китоб муқаддимасида айтиб ўтган. Бу унинг дидактик характери билан боғлиқ гап. «Қутадғу билиг» тўлалигича олганда пандномаларга энг яқин турадиган жанр намунаси, яъни дидактик достондир. Пандномаларнинг тематик ранг-баранглигини бойитишда дидактик достонларнинг роли катта бўлган. Жумладан, Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзанул-асрор» асари Низомий Ганжавийнинг шу номли достони таъсирида ёзилган бўлса-да, янгидан янги мотивларнинг асарга киритилиши билан ахлоқий мавзулар ривожига янги ҳисса бўлиб қўшилди. Бир жанр элементларининг иккинчисида бўлиши доимо табиий ҳол. Фақат дидактик достонлардагина эмас, ҳатто Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ида ҳам шеърий пандномаларга хос ахлоқ-одоб мавзуси ва иккинчи шахсга мурожаат ва бошқа элементларни учратамиз. Аммо булар элементларгина, холос. Адиб Аҳмаднинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари эса туркий тилдаги адабиётда махсус панднома жанрида ёзилган асарларнинг бизгача сақланиб қолган илк намуналаридандир.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»да дастлабки тўрт боб – ҳамд, наът, Дод Сипоҳсолорбек мадҳи, китобнинг ёзилиш сабабидан кейин хотимагача (11 боб) ахлоқий тасаввурлар асосига қурилган. Унинг кўпчилик боблари сарлавҳаларда акс этганидек, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг турли муносабатлар билан берган ўгитларидан иборат. Ҳадислар заминига илдиз отган бу шеърият дурдоналарининг етакчи ғояси – диннинг ижтимоий вазифаси билан боғлиқ

ҳолда инсон, унинг манфаатини улуғловчи илғор фикрлардан иборатдир. Адиб Аҳмад кишиларнинг ижтимоий аҳволига кўра одобига тўхталиб ўтирмайди. У асосий эътиборни ахлоқий фазилатлар ва хислатларга қаратади. У ўз насиҳатларини ўқувчисини маърифатга чақиришдан бошлайди, жаҳолатни қоралайди. Китоб шу ўринда «Рўшноинома»нинг бошланишини жуда эслатади. Қолган ахлоқий тасаввурлар – сукут сақлаш, ўйлаб сўзлаш, сахийлик, тўғрилик, тавозе сингари фазилатлар ҳамда жоҳиллик, эзмалик, молпарастлик, бахиллик, такаббурлик каби иллатлар бир неча сатрларда қисқа-қисқа муҳокама қилинади. Асар барча пандномалар сингари иккинчи шахсга мурожаат усулида ёзилган. Туркий халқлар адабиётининг бу даврда[2] анча сийраклигини ҳисобга оланда, бу асар кўп йиллар донишмандлик манбаи бўлиб келгани, шубҳасиз. «Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳоким синфларни эмас, кўпчиликнинг кўзини очишни, уларга эзгу ахлоқий фазилатларни сингдиришни ният қилиб қўйгани билан диққатга сазовордир.

Асарнинг сўнгги бобида муаллифнинг ўзи «Адиб Аҳмад отим, адаб-панд сўзим», – деб китобнинг олдига қўйилган мақсадни панд-насиҳатдан иборатлигини аниқ қилиб айтиб қўйибди. Шу далилларга кўра биз уни тўлалигича шеърий панднома деймиз.

Хуллас, шеърий пандномалар ғоявий-тематик жиҳатдангина эмас, услуб жиҳатдан ҳам бир қатор умумийликларга эга. Юқорида тилга олиб ўтган шеърий пандномаларимизнинг ҳеч бирида бирорта ҳам ҳикоят учратмаймиз. Бироқ бу билан уларнинг бадиийлигига путур етган эмас. Уларнинг сермеҳнат бадиий ишлов натижасида бунёдга келгани кўриниб турибди: улардаги турли хил бадиий санъатлар жуда ўринли ташбиҳ, истиора, тамсил ва киноялар шундан далолат беради. Донишмандлар фикридан аноним далилларга, халқ мақолларига жуда бой. Бу асарлар беистисно равишда бошдан оёқ иккинчи шахсга, китобхонга мурожаат, даъват шаклида, кўпинча, буйруқ ва шарт майлларида ёзилган. Мутолаа давомида кўз ўнгимизда панд айтувчи адиб ва панд эшитувчи китобхон гавдаланиб туради. Адиб ўз ўқувчисига бевосита «эй биродар» «эй ёри муҳсин», «эй никбахт», «эй сен», «эй ўғил»каби сўзлар билан мурожаат қилади ва шоир ўгити шу хитоблар билан тез тез бўлиниб туради («Саодатнома» бундан мустасно). Шеърий пандномалар ҳажмининг дидактик достонлардан кичиклиги[1], ва юқорида зикр этилган хусусиятларига кўра ваъзга яқин туради. Дидактик достонлар эса ҳажман катталиги[2], ҳикоятлардан унумли фойдаланиши, кенг ҳамда эҳтиросли лирик чекинишларга бойлиги каби композициясини ташкил этувчи таркибий қисмларнинг ранг-баранглиги билан характерланади. Бироқ айни вақтда пандномалар билан дидактик достонлар ғоявий-бадиий жиҳатдан доимо бир-бирини тўлдириб борди.

Шеъриятнинг бир хусусияти – ҳаётий эҳтиёж ҳисобланган ҳар бир мавзуни жуда зудлик билан ўзлаштириб олади. Дидактика ҳам ижтимоий ҳаётда худди шундай ҳаётий эҳтиёжлардан биридир. Бирор поэтик жанрда пайдо бўлган анъаналар иккинчисига жуда осонлик билан ўтади. Шунга кўра дидактик мавзулар дидактик достонлардан пандномаларга, улардан ғазаллар ва бошқа шеърий жанрларга ёки аксинча, ўтиш ҳолларини кўплаб кузатишимиз мумкин.

Навоий ўз пандномасини шеърда ёзмаса ҳам, унинг поэтик оҳангдорлигига ниҳоятда зўр аҳамият берган. Асарнинг сажъда ёзилиши «Маҳбуб ул-қулуб»га кўтаринкилик руҳини берган. Бу ҳол муболағалардан, айниқса, мақоллардан унумли фойдаланишга, уларни матнга сезилмайдиган даражада силлиқ бўлиб сингиб кетишига имкон берди ёки

аксинча, асарнинг кўпгина жумлалари осонгина мақол ёки афоризмга айланиб кетган. Шеърий парчалар эса насрий матннинг бевосита мантиқий давоми бўлиб келган. Шеърий пандномалар таъсири кейинги даврларда насрда ёзилган шу жанрдаги асарларда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб»га бу таъсир тематик соҳадагина эмас, шеърий парчаларнинг аксарияти, ҳозир айтиб ўтганимиздек, иккинчи шахсга хитоб, чақириқ, буйруқ шаклида берилганида ҳам кўринади.

Демак, пандномалар, Е. Э. Бертельс айтганидек, қадим сосонийлар даврида насрда ёзилган бўлса, X-XIII асрларда шеъриятга ҳам дадил қадамлар билан кириб келди ва шу билан бирга насрда ижод қилинаётган пандномаларга ўзининг қайта таъсирини кўрсата борди.

Н а с р, умуман олганда, диний адабиётнинг ҳам тасвир воситаси сифатида қўлланилиши учун бўлса керак, насрий дидактикада диний руҳ кучлироқ намоён бўлди. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг Муножот ва мақолот», Ғаззолийнинг «Иҳёу улум»и бунга ёрқин мисол бўла олади. Бироқ давр ўтиши билан насрий дидактикада ҳам дунёвий руҳнинг устунлиги орта борди. Илк давр ва ўрта асрларда имон ва диёнатга даъват билан ёнма-ён одамзоднинг ер юзидаги ҳаётдан унинг роҳату лаззатларидан баҳраманд бўлишини ёқловчи дунёвий фикрлар кўпроқ қаламга олиниши кузатилади. Бироқ бу фикрлар ҳукмрон идеология исломнинг ўткир мантиқига асосланган ҳолда илгари сурилган.

Насрий пандномаларга шакл жиҳатдан, кўп ҳолларда наср билан назмнинг аралаш ҳолда келиши хосдир. Шунинг учун насрда битилган пандномаларни, кўпинча, шеърий парчаларсиз тасаввур қилиш қийин. Асарнинг бу хилдаги тузилиши муаллиф фикрини мустаҳкамлаш ва янада ишончлироқ ифодалаш учун хизмат қилади.

Насрий шаклда ёзилган пандномаларнинг бизга маълум энг қадимгилари буюк шахсларнинг ўз фарзандларига ёки шаҳзодаларга ёзиб қолдирган йўлланмаларидир. Ота-боболарнинг мўтабар сабоқларини илгари суриб унинг исботи учун ибратомуз ҳикоят ва ривоятлар келтирилиши Шарқ халқлари адабиётида узоқ йиллар давомида насрий пандномаларнинг анъанавий шакли бўлиб келди. Бу эса назария билан амалиётнинг ҳаётдаги ўзига хос уйғунлигини ташкил этади. Бу ҳол асарлардаги ғояларнинг ҳатто оддий ўқувчи онгига ҳам тушунарли тарзда етиб бориши учун муҳим аҳамиятга эга. Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асарлари шулар жумласидандир.

Пандномаларнинг тадрижий ривожида 1083 йилда яратилган «Қобуснома» номи билан машҳур бўлган «Насиҳатномаи Кайковус» нинг ўзига хос ўрни бор. Бу асар сосонийлар давридан араб ҳукмронлиги даврига ўтиш жараёнида оғзаки ўгитлар ваъзхонликка қўшилиб кетган бир жанрни қайта тиклади десак хато қилмаймиз. Асар муаллифнинг ўғли Гилоншоҳга атаб ёзилган бўлса-да, унинг шуҳрати тез орада ўз мамлакати доирасидан ташқари чиқиб бошқа ерларда ҳам адабиёт мухлислари диққатини ўзига жалб этади. Бу асарнинг Саноий Ғазнавийнинг «Ҳадиқатул-ҳақойиқ («Ҳақиқатлар боғи» – 1130) асарида Муҳаммад Авфийнинг фанга маълум энг қадимий тазкиралардан бўлмиш «Лубобул-албоб» («Мағзларнинг мағзи» 1222) китобида Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор» (‘Нурларнинг чиқиши, 1299) достонида, Абдураҳмон Жомийнинг «Силсилатуз заҳоб» (Олтин занжир», 1472) достонида тилга олиниши фикримизнинг далилидир.

«Кобуснома»нинг муаллифи яшаган давр ўтган аср форсий адабиётда бирмунча осойишталикдан сўнг илму маданият қайта жонланаётган, бир қанча олимлар етишиб

чиқаётгандаврэди.Адабиётсоҳасидаэсаэронолими Маликушшуаро Баҳортаъкидлаганидек, «бу даврда (XI асрнинг иккинчи ярмида) назм сезиларли жонланишга юз тутган бўлса-да, насрда равнақдан дарак йўқ эди»20. Баҳорнинг фикрича, бу давр наср учун ўзига хос бир давр эди. Яъни бу даврда яратилган бир неча китоб фақат шу даврга хос услубда ёзилган бўлиб, ўзидан олдинги асарларга ўхшамаган, шу билан бирга услуб тарихида ўзларига алоҳида саҳифа талаб қилишга лойиқ асарлар эди. Бундай асарлар жумласига у Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Байҳақий», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си ва Кайковуснинг «Қобуснома»сини киритганида мутлақо ҳақ эди. «Иттифоқо, бу асарлар услуби бешинчи аср ҳижрий (XI аср милодий) ўтиши билан оҳиста унутилиб кетади, -дейди у фикрида давом этиб, ва наср дарҳол ўз услубини ўзгартириб илмий наср юзага келди». Аммо бу ўринда уни мутлақо ҳақ деб бўлмайди. Чунки бу услуб ҳам, бу асарларнинг ўзи ҳам адабий жараёнга катта таъсир кўрсатиб кетди. Бундан кейинги пандномалар ўз жанри хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ривожлантирилиб, янада такомиллаштирилди. Буни биз кейинги асрларда Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» (1258), Убайд Зоконийнинг «Ахлоқул-ашроф» («Зодагонлар ахлоқи» – 1330), Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» (1487), Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» (1501) асарлари мисолида кўришимиз мумкин.

«Қобуснома» жуда кўп тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Шулар жумласидан Е. Э. Бертельс ушбу асарга юқори баҳо бериш билан бирга китоб муаллифини ўз даврининг ниқобсиз феодали деб атайди. Ана шу ниқобсизлик хусусияти Кайковус баён этган турли тоифалар ахлоқидан ҳар ким ўз манфаатига кўра хулоса чиқариб олишини бирмунча осонлаштиради ҳамда ўзидан кейинги бу соҳада қалам тебратган адиблар учун кенг манзара юзага келтиради.

Ўша даврда пандномаларга характери жиҳатидан яқин келадиган Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сидан фақат подшоҳлар одати, одоби, уларга насиҳатлар кўп ўрин олгану, бошқа тоифа одамлар эътибордан четда қолган. Асарга ҳукмдорларнинг юришлари, халқ ҳаракатлари (Муқанна қўзғолони)нинг киритилиши муаллифнинг панднома жанри доирасидан четга чиқиб кетганини кўрсатади.

Кайковуснинг «Қобуснома»си эса бундан фарқли равишда ўз китобхонини подшоҳликдан тортиб шоир, машшоқ, ҳунарманд ёки деҳқон бўлиши мумкинлиги ҳолатини ҳам ҳисобга олади. Аммо кўпгина масалалар асарда ҳоким синф нуқтаи назаридан туриб ҳал қилинади.

Шунинг учун ҳам «Қобуснома»дан кейин дунёга келган пандномаларда кўнгилхушлик ўйинлари, овга бориш, мол-дунё тўплаш, қул, уй-жой, мол сотиб олиш ҳолатлари каби мавзулар ўз-ўзидан тушиб колган. Бу асарда биринчи навбатда аҳамият берилган ота-онани ҳурматлаш, ҳунар ва билим орттириш, панд-насиҳатнинг қадри, нафсни тийиш каби мавзулар муаллифнинг жамиятда тутган ўрнини билдириб туради.

«Қобуснома»даги нафсни тийиш, дўстлик, насиҳат, шеърият, ҳунармандчилик ва деҳқончилик мотивлари кейин юзага келган пандномаларда ҳам акс-садо бериб, бу мавзуларнинг ривожланишига ё бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. «Қобуснома»ни тадқиқ этиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, панднома жанрининг кейинги равнақи учун бу асарнинг жуда муҳим ва йирик уч жиҳати бор экан:

Биринчидан, наср ҳали унчалик шуҳрат топмаган бир пайтда энг гўзал, тушунарли, мукаммал, равон форс-тожик насри намунаси бўлиб дунёга келди ва насрда ҳам намунали асарлар иншо қилиш мумкинлигини бир бор исботлади;

Иккинчидан, панднома жанрида яратилган асарларда муҳокамага қўйиш мумкин бўлган мавзулар миқёсини шу даражада кенгайтириб юбордики, натижада панднома мавзуси фақат мулкдорлар одоби бўлиб қолмай, халқнинг бошқа тоифалари ҳам мавзу муҳокамасига олиб кирилиши одат тусига айланди.

Учинчидан, насрий пандноманинг композицион тузилиши «Қобуснома»дан бошлаб анъанавий бурилишга юз тутди. Яъни муаллиф ўз ахлоқий қарашларини баён этганидан сўнг фикрининг тасдиқи учун ҳикоят, ривоят, қитъа ёки байтлар келтириш бир неча аср давомида пандномаларнинг анъанавий шакли бўлиб қолди.

Хуллас, «Қобуснома»нинг дунёга келиши панднома жанри ривожида янги бир босқич бўлди ва узоқ йиллар мобайнида бу жанр давомчилари ижодида мавзунинг у ёки бу томонларни ёритишда салмоқли йўлланмалар бериб турди. Хусусан, «Маҳбуб ул-қулуб»да ижтимоий тоифаларнинг таърифига кенг миқёсда ўрин берилиши уни ўқиган кишига дарҳол «Қобуснома»ни эслатади. Бироқ «Қобуснома»дан тоифалар йўлланма олсалар, «Маҳбуб ул-қулуб»да улар ўзларни кўзгуда кўрадилар. Яъни тасвирланган ҳар бир тоифанинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бу «кўзгу»да акс этган.

Энди фақат пандномаларгагина эмас, балки умумдидактик адабиёт учун ҳам маънавий замин бўлиб хизмат қилган бошқа айрим манбаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, XI асрда бир қанча Шарқ мамлакатларида тасаввуф маслаги кенг қулоч ёйган эди. Тасаввуф ақидаларининг исломий асосларига бағишланган, араб тилида ёзилган «Иҳёу улум ад-дин» («Дин илмининг жонланиши» – 1099) асари ҳам шундай манбалардан биридир[1]. Асар муаллифи Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ўз қарашларини сусайган исломий эътиқоднинг қайта жонланиши деб талқин қилади ҳамда сунна уламоси, сўфий ва файласуф сифатида ўз ахлоқий таълимотини илгари суради.

Китоб тўрт қисм (рукн)дан иборат насрий асар бўлиб, биринчи қисм тамомила диний қоидаларга бағишланган. Иккинчи қисм одат бўлиб қолган кундалик турмуш қоидаларидан иборат. Бу қисмда овқатланиш, никоҳ, эгалик ва тижорат, ҳалоллик шарти, халқ билан суҳбат, узлат, сафар, самоъ, яхшилик амри ва ёмонлик инкори, ҳукмронлик қилиш қоидалари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган. Учинчи қисм инсондаги зарарли хислатлар баёнидан иборат. Булар инсондаги нафс балоси, шаҳватпарастлик, тил балоси, адоват ва ҳасад, молпарастлик, амалпарастлик, кибру ҳаво ва мағрурлик каби қусурлар айбномасидир. Ғаззолийда бундай хислатлар киши руҳининг кушандаси сифатида талқин қилинади. Ушбу ҳалокатли ҳолат нажоти тўртинчи қисмдаги соф сўфиёна тасаввур ва тушунчалар ҳолида берилган. Бу нажотни у тавба, сабр ва шукр; ҳавф ва умид; фақр ва зуҳд; ният, сидқ ва ихлос; тавҳид ва таваккул; шавқ ва муҳаббат ҳамда қазони ёдда сақлашда деб билади. Зикр этилган қисмлар мундарижасидан кўриниб турибдики, пандномалардаги мавзулар муҳокамаси билан умумий томонлари жуда кўп.

Хуллас, дунёвий ахлоқ тарғиботчилари, Ғаззолийдан кейинги пандноманавислар бу таълимотнинг иккинчи ва учинчи қисмига кўпроқ мурожаат қилганликлари, ундан маънавий озуқа сифатида илҳомланганликлари кузатилади. Қалам аҳли ўтмишда Ғаззолийнинг шахсиятига катта эҳтиром билан қараган ва шу сабабли бу асар ўрта аср адибларидан бирортасининг ҳам назаридан четда қолмаган бўлса керак. Шу жумладан, Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида Муҳаммад Ғаззолий ҳақида шундай дейди: «... халқдин хилват ихтиёр қилди ва муфид китоблар тасниф қилди: «Иҳёъул-улум»дек ва

«Жавоҳирул-Куръон» ва «Ёқитут-тавил» тафсиридекки, барча машҳур кутублардир». Яна Ғаззолий ҳақида у «Садди Искандарий» достонида:

«Саодат зиёсин сочиб меҳр сон,
Юзинда шараф ҳулласи тайласон.
Топиб «Кимёйи саодат» қа йўл
Фалак хонақоҳида Ғаззолий ул»[2], -

деган.

Ижодиёти ичида «Иҳёу улум»га муаллифнинг ўзи ҳам катта аҳамият берган шекилли, унинг муҳим ўринларини форсийда қайта ёзиб чиққан ва номини «Кимёйи саодат» деб атаган. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий бу асарнинг ҳар иккала варианти билан ҳам таниш бўлган. Асарнинг форс тилидаги варианти ҳам араб тилидагидек содда, равон тилда. ёзилган. Илгари сурилган фикрларнинг далили сифатида Қуръондан кўплаб мисоллар ва уларнинг таржималари, атоқли шахсларнинг ўгитлари келтирилиб борилади.

Ғаззолийнинг масалаларга ёндашувида диний талқин устун турса-да, хулосалари ҳаётий мантиқ билан суғорилган. Ўша даврда мавжуд хулосаларга кўра, инсонинг ташқи қиёфасини ўзгартириб бўлмаганидек, ички маънавий қиёфасини ҳам ўзгартириб бўлмайди, дейилган. Яхши хулқ шаҳват ва ғазаб билан чиқиша олмайди. Бу сифатлар эса кишининг мижози ва табиатига боғлиқ. Уларни йўқотишга уриниш беҳуда иш деб ҳисобланган. Бу хулосаларни эслата туриб, Ғаззолий уларга қақшатқич зарба беради, уларнинг хатолигини ва ниҳоятда зарарли эканини айтиб, қатор далиллар билан атрофлича таҳлил қилиб беради[1]. У ахлоқий тарбияга мумкин, ҳатто зарур бўлган иш деб қараган. Ахлоқни алоҳида фан сифатида тадқиқ этиш Ғарб фалсафасида Аристотелдан бошланган бўлса, Шарқда Ғаззолийгача кузатилмаган ҳол эди.

Пандномаларда бадиийлик билан илмийликни кўп ҳолларда фарқлаш қийин бўлган. Бунинг асосий сабабини пандномалар тематикаси илдизининг ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия ва ахлоқ мезонларига оид тасаввурлар заминида равнақ топишида деб билмоқ лозим. Насириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий» асари ахлоқий тамойилларнинг узлуксиз баёни услубида ёзилган бўлиб, ҳеч бир ҳикоят ёки шеърий парчалар ишлатилмагани ва илмий баён тарзи билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам эрон адабиётшунос олими Маликушшуаро Баҳор бу асарни ҳақли равишда этикага оид илмий асарлар жумласига қўшади[2]. Шундай бўлса-да, Хондамир уни «Равзатус-сафо»да панднома деб атайди[3] Бироқ бу асарлар таъсирида Жалолиддин Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» номи билан машҳур бўлган «Лавомиул-ашроқ фи макоримул ахлоқ» («Яхши хулқларда нурлар зиёси» – 1477) ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарлари юзага келди (1495). Бу асарларда эса ҳикоят ва ривоятлардан кенг фойдаланилган, ахлоқий мулоҳазалар ҳам бадиий услубда ёзилган. Булар ҳам пандномалар тематикасини ривожлантиришда катта аҳамиятга молик асарлар бўлиб қолди. Яъни уларда ҳам инсон нафсини комил ва ноқис бўлиши, ахлоқий тарбия, адолат ва унинг ҳолатлари шарҳи, ҳасаднинг иложи, суҳбат одоби ҳақида («Ахлоқи Носирий»), ахлоқий тарбия ҳақида, оила тартиби ҳақида, шаҳар тартиби ва ҳукумат расм-русумлари ҳақида («Ахлоқи Жалолий»), ҳаё, иффат, одоб, ҳиммат, қаттият, сабот, адолат ва ҳоказолар («Ахлоқи Муҳсиний») ҳақида мулоҳазалар юритилади. Буларни кўпроқ

Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимёи саодат» (ёки «Иҳёу улум») асарининг иккинчи, учинчи ва қисман тўртинчи қисмларининг бирмунча дунёвий тусда ижодий ривожлантирилиши деб қараш мумкин.

Пандномалар орасида оғизга тушган, ҳар бир боби ишланишининг муфассаллиги билан ажралиб тургани Низомий Арузий Самарқандий (вафоти 1161) нинг «Чор мақола» номи билан машҳур бўлган «Мажмаун-наводир» асаридир. Асар муаллифи замонасининг билимдони сифатида кўпгина Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари зиёлилари орасида шуҳрат қозонган. Воҳид Абдуллаевнинг маълумот беришича[4], Алишер Навоий Самарканддалигида устод Фазлуллоҳ Абуллайсий маслаҳатига кўра «Чор мақола»ни меҳр билан мутолаа этган.

1156 йилда ёзилган бу асар муқаддима, тўрт боб ва хотимадан иборат бўлган насрий рисоладир. «Чор мақола»нинг бошқа пандномалардан яққол кўзга ташланиб турадиган фарқи шундаки, унда ахлоқий фазилатлар ёки иллатларга алоҳида тўхталиб ўтирилмайди. Муаллифнинг эътироф этишича, асар ҳукмдорларга давлатни идора этишнинг муҳим бир соҳаси – зарур хизматчиларни танлай билишдан сабоқ беришни – ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу фонда муаллиф давр ва салтанат учун ниҳоятда зарур ҳисобланган, ижтимоий жиҳатдан «пайғамбар, имом, подшоҳдан кейинги, тўртинчи тоифа кишилар» бўлмиш дабир (котиб), шоир, мунажжим, табиблар ҳамда уларнинг касб хусусиятлари устида атрофлича мулоҳаза юритади. Ҳар касб зикрига бир боб ажратилган бўлиб, бу боб ушбу касбнинг ижтимоий моҳиятини очиб беришдан бошланади. Уларнинг кетидан шу касбнинг таниқли вакиллари ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирилиб, яна ҳаётий хулосалар чиқарилган ва бу хулосалар ўз навбатида боб бошида келган ижтимоий мулоҳазаларни тасдиқлайди ҳамда тўлдиради. Бу лавҳалар ҳажм жиҳатдан китобнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, Низомий Арузий бу асарда диққатни, асосан, касблар одобига қаратган. Шунинг учун китоб ўз мақсадига кўра ҳукмдорларга қўлланма сифатида эмас, зикр этилган тўрт касбнинг эгаларига ўз малакаларининг нозик томонлари хусусида тасаввурларини бойитишда катта роль ўйнагани, шубҳасиз.

«Чор мақола» қамраб олган соҳасининг ниҳоятда маҳдудлиги билан кенг халқ оммасига мўлжалланган панднома сифатида эмас, кўпроқ қалам аҳли учун қизиқарли манба сифатида пандномалар ривожига ҳисса қўшди.

Панднома жанрининг тадрижий ривожланиш жарёни атоқли форс-тожик классикларидан Саъдий Шерозийнинг (1193 – 1292) ижоди билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Саъдий ижодининг адаб мавзусига мойиллиги унинг куллиётидаги айрим қасидалардан ҳам кўриниб турибди. Бироқ ислом Шарқи халқларига машҳур бўлиб кетган «Бўстон» (1252 й.) ва «Гулистон» (1258 й.) асарлари махсус панднома сифатида ёзилган ва мактабларда ахлоқ фанидан дарслик вазифасини ўтаган. Халқ орасида унинг шуҳратини ёйган нарса ғояларининг ниҳоятда халқчиллигидир.

1390 йиллардаёқ Сайфи Саройи томонидан «Гулистон»нинг туркий тилига таржима қилиниши бу китобга қизиқишнинг нақадар кучли бўлганидан далолат бериб турибди. Улуғ Навоийнинг «Лисонут-таир» достонида бу китобнинг шуҳратини ифодаловчи шундай сатрлар бор:

Ёдима мундоқ келур бу можаро –
Ким, туфулият чоғи мактаб аро ,

Насрдан баъзи ўқур ҳам достон
Бу «Гулистон» янглиғу ул «Бўстон»[1]

Булардан «Бўстон» назмда, «Гулистон» наср ва назм аралаш ҳикоятлар баёни усулида ёзилган. Саъдий бу асарларни, асосан, ахлоқий тушунчалар асосига қуради ва адолат, эҳсон, ишқ, тавозе, ризо, қаноат, тарбия, савоб, сукут каби фазилатлар ҳақида ҳикоятлар келтириб, тегишли хулосалар чиқаради. Ҳар бир ҳикоят гўё икки қисмдан иборатдек, биринчи бадиий қисм, кетидан ахлоқий чақириқ келади. Инсоний муносабатлар эса фақат «Гулистон»да «Суҳбат одоби» бобида берилади ва бошқа ҳолларда асарга бутунлигича сингиб кетган. Энди ижтимоий табақалар масаласида Саъдий кишиларни ҳукмдорлар ва дарвишларга ажратади. Халқ оммасининг бошқа тоифа одамлари хусусида махсус тўхталмаган.

Саъдий Шерозийнинг бу икки китобини ғоявий мақсадига кўра мутлақо бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тўрт мингдан ортиқ байтдан иборат (4046) ва шу жумладан, 159 ҳикоятни ўз ичига олган ўн бобли «Бўстон»ни ўзидан бир йил кейин назм ва насрнинг уйғун намунаси бўлмиш саккиз бобдан иборат «Гулистон» ҳам бадиий, ҳам тематик жиҳатдан бойитиб, тўлдириб келади. «Бўстон»нинг I, III, VI, VII боблари «Гулистон»нинг I, V, III, VII боблари билан қарийб ўзаро бир хил номланган бўлса-да, улар бир-бирини такрорламайди.

Саъдийда тактик нуқтаи назардан ўтмиш донишмандлар обрўларидан фойдаланиш (талмиҳ санъати), ўз илғор фикрларининг тўғрилигига одамларда янада мустаҳкамроқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида бу ғояларни аноним донишмандларга нисбат бериш, ўшалар номидан сўзлаш, шу донишмандлар ҳаётидан лавҳалар келтириш ҳоллари кўплаб учрайди.

«Гулистон» услубини Саъдий форс-тожик адабиётига араблардан олиб кирган[1]. У Бағдоддаги Низомия мактабида ўқиб юрган кезлари Жалолиддин Абул Фарож Абдураҳмон ибн ал-Жузий II (1186–1257)да таълим олган. Абул Фарож тил ва таълим билимдони бўлиш билан бирга 1231 йилдан бошлаб Бағдод шаҳри муҳтасиби, яъни шаҳарликларнинг ҳалоллиги назоратчиси мансабида ишлади. Мана шу мансаб тақозоси туфайли у ахлоқий мавзуларда ҳикоят ва латифалар ёзиб, ахлоқий фазилатларни шу тарзда китобхонларга сингдирмоқчи бўлди. Саъдийнинг «Гулистон»ни мутолааси давомида ғоявий жиҳатдан устоди Абул Фарож латифаларининг нафаси уфуриб турганини кўрамиз. Бироқ Саъдийда барча бадиий воситалар ахлоқий фазилатларни илгари суриш учун бўйсундирилган. «Гулистон»дан жой олган айрим ҳикоятлар бобнинг номланишига мутлақо алоқаси йўқдек туюлади. Улар, эҳтимол, асардаги фикрларнинг ранго-ранглигини назарда тутиб киритилгандир. Бу ўринда дарҳол адибнинг юқорида келтирган фикрини эслаш кифоя: «Насиҳатнинг аччиқ дориларини зариф сўзларга қўшиб.. «деганда Саъдий эҳтимол шуларни ҳам назарда тутган бўлса керак. «Бўстон» ҳақида эса академик Ян Рипка шундай дейди: «Ўзининг ҳаётий ва рационал йўналиши билан «Бўстон» XII аср дидактик асарларидан кескин фарқ қилади ва кўпроқ «Қобуснома»га ўхшаб кетади[2]. «Кобуснома»нинг панднома эканига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Ян Рипканинг фикрини 159 ҳикоятни ўз ичига олган «Бўстон»нинг ҳам пандномалигининг эътирофи деб тушунмоқ лозим.

Саъдий Шерозий ижоди, айниқса, унинг «Гулистон»и яратилгандан кейин панднома жанри ўзининг ёрқин намунасига эга бўлди. Бу асарларнинг дарсликлар жумласига кириши эса унда ёритилган ахлоқий мавзулар доим саводхонларнинг диққат марказида сақланишига сабаб бўлган. Саъдийга эргашиб бу мавзуда қайта-қайта асарлар яратилди.

Аммо уларнинг кўпчилигида ахлоқий тушунчалар миқёси ҳикоятларнинг камайиши ҳисобига кенгайди.

Абдураҳмон Жомийни ижоди тўлалигича ахлоқий мавзуга оид қалам соҳибларидан дейиш мумкин. Бу унинг қасидаларида, ижтимоий мавзудаги асарларида ва ҳатто лирикасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Проф. Ш. Шомуҳамедов айтганидек, у шеъриятнинг ижтимоий вазифасини халқни илғор ғоялар билан суғориш, инсонни турли-туман пасткашликлардан поклашда деб билади[3].

Унинг махсус панднома жанрида ёзган «Баҳористон» (1487) асари Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарига жавоб тарзида дунёга келди.

Гузоре кун дар ин Баҳористон,
То бубини дар у Гулистонҳо.
В-аз латоиф ба ҳар гулистоне
Раста гулҳо, дамида райҳонҳо[1].

Мазмуни:

Бу Баҳористондан бир ўтсанг,
Унда (бир нечта) Гулистонлар кўрасан.
Ҳар гулистоннинг латифликларидан
гуллар ўсган, райҳонлар унган.

«Баҳористон»нинг дебочасидаги бу сатрлар Саъдийнинг чақириғига жавобдек янграйди. «Баҳористон» ҳам «Гулистон» каби саккиз бобдан иборат бўлиб, ҳар боби «Равза» (боғ) деб номланган. Бу асар «Гулистон»га эргашиб ёзилган асарларнинг энг сараси десак, хато бўлмайди. Буни «Баҳористон»нинг ҳам бир қанча Шарқ мамлакатларида «Гулистон» каби дарсликка айланиб кетгани айтиб турибди.

Дастлабки икки равза ахлоқий мулоҳазалар манбаи асосида, яъни «машҳур шайхлар ва орифларнинг, буюк ҳаким ва донишмандларнинг хулқу одоб ҳақидаги панд-насиҳатлари»дан тузилган. Бу равзаларда ўзининг ибратомуз фикрлари билан шуҳрат қозонган донишмандларнинг ҳаётидан лавҳалар ва уларнинг фикрларидан намуналар келтирилган. Бу донишмандларнинг асосий қисмини Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Жунайд Бағдодий, Маъруф Кархий, Абуҳошим Сўфий, Абубакр Воситий, Рўям Абумуҳаммад, Ҳусайн ар-Розий, Абу Али Рудборий, Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф намояндалари ташкил этади. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Жомийнинг Ҳиротда сунний йўналишнинг пешвоси ва нақшбандия сулукининг пири ҳисобланиши унинг «Баҳористон» асарига таъсир этмай қолмаган. Унинг тарғиб қилган фикрлари дину тасаввуф ғояларининг халқчил томонлари бўлди. У бу ғояларга халқ манфаатларидан келиб чиқиб ёндашади:

«Нуширавон бо онки аз дин бегона буд, дар адлу рости ягона...
Адлу инсоф дон, на куфру на дин,
Онче дар ҳифзи мулук даркор аст.
Адли бедин низоми оламро
Беҳтар аз зулми шоҳи диндор аст»[2]

Мазмуни:

«Нуширавон диндан бегона бўлса ҳам, адолат ва тўғриликда ягона эди...
Ҳукмдорликда зарур нарса деб
Адлу инсофни бил, куфру динни эмас.
Олам тартиби учун динсиз (шоҳ) адолати Диндор шоҳ зулмидан кўра яхшироқ.»

Бу бир томондан ахлоқнинг дин билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини уқтириш бўлса, иккинчи томондан ахлоқий муносабатларнинг мақоми ҳаётда ибодатдан ҳам юқори туражагининг эътирофидир. Бу, албатта, пандномалар тарихида янгилик бўлмай, XI аср пандномаси «Қобуснома»да «Сен ота-онангнинг ҳақига дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл ва одамгарчилик нуқтаи назаридан риоя қил»[1], дейилган. Бу ҳам юқоридаги фикрларни қадимдан келаётганини билдиради.

Ахлоқий тасаввурлар «Баҳористон»нинг бу бобларида ана шу тарихий шахслар номидан бевосита ўртага ташланади ёки уларнинг ҳаётидан мўжаз лавҳалар келтириш билан ҳикоятлар баёни тарзида ифодаланади. Бу ерда ахлоқий фазилатлар ва иллатлар ҳеч бир туркумлаштирилмай, аралаш ҳолда келтирилади. Адолат, саховат, жавонмардлик, ишқ ҳақидаги тасаввурларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Кейинги боблар эса адибнинг бу фазилатларга махсус эътибор қилганини кўрсатади. Бу бобларда ахлоқий хулосалар ҳикоятлар кетидан келадиган шеърий парчаларга жаъмланган. Олтинчи, саккизинчи боблар шўх латифа ва мутойибалардан ҳамда масаллардан тузилган бўлса-да, асарнинг олдига қўйилган мақсад унитилмайди. Унда ниҳоятда нозик дид билан ҳаётнинг ибрат бўларли турли жиҳатлари очиб берилади.

«Баҳористон»нинг равзалари ичида еттинчи равза алоҳида диққатга сазовор. Шоирлар зикридаги бу бобда Жомий ўз замонасигача бўлган ўттиз тўққиз нафар шоир ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шоирлар ўз даврининг етук кишиларидан бири ҳисобланиб, уларни ахлоқ-одоб ўргатувчи шахслар сифатида талқин қилиниши натижасида айрим пандномаларда уларга алоҳида боблар ажратилгани («Рўшноинома», «Чор мақола», «Қобуснома», «Баҳористон». «Маҳбуб ул-қулуб») табиий кўринади.

Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»ида хоҳ ҳикоят, хоҳ ҳикмат, хоҳ мутойиба, хоҳ масал келтирилмасин муаллифнинг диққат марказида, асар муқаддимасида зикр этилганидек, асосий мақсад бўлиб одоб илми қоидалари туради.

Кўриб турибмизки, бу пандномалар тематик жиҳатдан бир-бирини эслатиб турса-да, давр ўтиши билан ҳам тематик ҳам бадиий-услубий жиҳатдан жиддий ўзгаришларга юз тутиб борди. Дастлабки пандномалардан табиият фанлари жумласига кирган борлиқ ҳақидаги тасаввурлар ҳам жой олгани кузатилади. Чунончи, «Рўшноинома»да ҳозирги тилимиз билан айтганда, умумий таълимга бағишланган бундай бобларда муаллиф ақл нима, нафс нима, коинот ва юлдузларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг сифати, тўрт унсур, жонзот, ер, жавоҳир каби космогонияга оид хулосаларга тўхталиб, китобхонни бу сирлардан огоҳ этади. Унинг борлиқ ҳақидаги фикрлари асарнинг ўнинчи бобигача давом этади. Бу характердаги маълумотлар «Қобуснома», «Чор мақола» дебочасида ҳамда «Панднома» бобларида ҳам учрайди. Эҳтимол, давр талаби, китобхон савияси шундай ёзишни тақазо этгандир. Бу одат кейинги асрлардаги пандномаларда, жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб»да учрамайди.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида пандномаларда тилга олинган жуда кўп мавзуларга муносабат билдирилган. Унда ижтимоий табақалар одобидан тортиб, ижтимоий муносабатларгача, шахсий фазилатлардан тортиб, ярамас иллатларгача ўз баҳосини олган. Фақат шуниси характерлики, «Кобуснома»да одоб, «Бўстон» ва «Гулистон»да адолат мавзуси биринчи планга чиқарилганидек, «Маҳбуб ул-қулуб»да инсон ва инсонийлик бошдан оёқ ёрқин чизиқ бўлиб туради.

Пандномаларнинг ёзилиш услубидаги кескин тафовутлар кўп ҳолларда уларнинг бир жанрга мансуб асарлар эканини пайқашга тўсқинлик қилиб келган. Баъзан Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари билан Саъдийнинг «Бўстон» ва Гулистон ёки Жомийнинг «Баҳористон» асарлари ўртасидаги умумийликни кўра олмаслик ҳоллари учраб туради. Бу яқинликни, аввало, улардаги ахлоқий мулоҳазаларнинг миқёс жиҳатдан кенглигида кўришимиз мумкин. Қолаверса, панднома жанрининг барча хусусиятлари уларда ўз ифодасини топган. Бу яқинлик ҳатто «Гулистон»нинг Сайфи Саройи таржимасида охирги бобдаги ҳар бир парчанинг «ҳикмат» деб аталиши[1], «Баҳористон»да «ҳикмат», «фойда» сарлавҳачалар қўйилгани билан Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»инининг охиридаги «танбеҳ»лар орасидаги анологик тасвиридан кўриниб турибди. Бундан ташқари бу асарларнинг тематик ҳамоҳанглиги ва мундарижасидаги умумийлик шундай дейишга асос қидириш хуқуқини беради. «Қобуснома»нинг дебочасини эслайлик. У ерда муаллиф ўзининг тўлиб тошган ҳаёт тажрибаларини эслаган ҳолда ўз пандномасини бошлайди. Ёки «Гулистон» дебочасини олайлик. Бу ерда Саъдий ўзининг турмуш тажрибалари, кўпни кўргани, бошига жуда кўп ишлар тушганидан гапириб, гўё ўзининг панднома ёзиш ҳуқуқини тасдиқлаб олаётгандек кўринади. «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам Навоий бундай гаплардан ўзини тия олмайди. У ҳам бошига тушган ҳар хил кунларни эслайди.

Гаҳи тобтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиқ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдим замонда
Басе аччиғ, чучук тотдим жаҳонда
(4 5 бетлар)

Пандномалар ёзишга адиблар ўзларининг етук ёшларидагина журъат қилишган. Юқоридаги мисоллар шу кунлардаги насиҳат қилмоқчи бўлган кишининг гапни ўзининг икки кўйлакни ортиқроқ йиртганини эслашдан бошлашига ўхшаб кетади.

Маълумки, ахлоқ-одоб мавзусида бошқа жанрларда ҳам асарлар яратилади. Бироқ ҳар бир жанр бу мавзуни ўз қонун-қоидалари доирасида қайта ишлаб, ўқувчисига етказади. Ёки аксинча, пандномаларда ҳикоят, латифа рубоий, қитъа каби жанрларни учратамиз. Улар муаллифнинг умумий мақсадини амалга ошириш учун бу асарларга ёрдамчи элементлар сифатида киритилган. Демак, пандномаларнинг ҳикоятлардан кенг фойдаланилган намуналарига умуминсоний фазилатлар мавзусида ёзилган ҳикоятларнинг кўнгилочар мажмуаси сифатида қарамай, шу фазилатларни ўргатувчи дастуриламал деб қараш тўғрироқ бўлади.

Шундай қилиб, узоқ сосонийлар давридан XV асргача бўлган пандномаларга қараб уларга шундай таъриф беришимиз мумкин: Пандномалар кишиларнинг маънавий дунёсига бевосита таъсир этиш мақсадини амалга ошириш жараёни бўлмиш панд-насиҳат ҳамда бу

жараёнда қўлланилувчи ҳикматнинг бадиий уйғунлашуви тарзида намоён бўладиган ёзма адабий ҳодисадир.

«Маҳбуб ул-қулуб»га қиёсий назар натижасида унинг биринчи қисмида берилган ижтимоий табақалар ахлоқи «Қобуснома», «Чор мақола», «Саодатнома»ни эслатиб туриши, иккинчи қисмидаги ахлоқий тасаввурлар «Рўшноинома», «Панднома», «Бўстон»га оҳангдошлигини кўрамиз. Учинчи қисмидаги танбеҳларни «Қобуснома»даги «Анушрвон панд-насиҳатлари» бобида, «Сад панди судманди Луқмон» рисоласида, «Гулистон»нинг «Суҳбат одоби ҳақида» бобида берилган ҳикматларига ўхшатамиз. Бироқ «Маҳбуб ул-қулуб» бу санаб ўтилган асарларнинг бирортасига боғлаб қўядиган ҳолдаги асар бўлмай, балки уларнинг кўпчилигининг олдига қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражадаги пандномадир. Бу асарда, аввало, муҳокамага жалб қилинган мавзулар кўлами кенгайди, ҳар бир мавзу ёки мотивнинг ёритилиш миқёси ошди. Қолаверса, бу мавзуларни туркумлаштириб, изчил баён этишда жуда пухта шаклга эришган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий пандномачилик анъанасини давом эттирган бўлсада, асосан, қалб амри билан кўнглидан туғён уриб чиққан бу гапларни айни шу тарзда ёзиб қолдириши табиий эди.

БАРҚАРОР МАЪНАВИЯТ ВА ИЖОДИЙ МАҲОРАТ

Адабий жанрларнинг асар тематикаси билан боғлиқлик даражаси ҳар хил. Достон, қисса, ғазал, рубоий каби турли туман мавзуларда ёзилиши мумкин бўлган жанрлар қаторида қасида, марсия, соқийнома сингари маълум бир тематик доирага мойил жанрлар мавжудки, пандномалар ҳам шулар жумласига мансубдир.

Шарқ адабий меросида кўплаб учрайдиган ва севиб ўқиладиган бу пандномаларнинг ғоявий-тематик жиҳатдан ўзаро яқинлиги, ўқиганда маълум даражада бир-бирини эслатиб туриши уларнинг асосий хусусиятларидан бири эканлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Бироқ пандномаларни улардаги ғоя ва мотивлар муштараклигини текшириш йўли билангина баҳоласак, кўпчиликларининг салмоғига путур етиб қоларди. Демак, гап қандай масаланинг кўтарилишидагина эмас, уларни қай тарзда айтилаётганида, қандай ҳаётий хулоса ва натижаларга олиб боришида ҳамдир. Лоақал пандномалар учун муаллифнинг танлаган шаклини олинг ёки ундаги ғоя ва мотивларнинг ишлаб чиқилиши, уларга бадиий жило беришларни олинг. Ҳар бир панднома ўртасидаги фарқлар ана шунда аниқ бўлади-қўяди. Буни ўрганиш эса пандномаларнинг жанр хусусиятларини яққолроқ тасаввур қилишда беқиёс имкониятлар очиб беради.

Дастлаб пандномалар тематикасига хос бўлган умумий жиҳатларга эътибор қилайлик. Бу умумийлик икки кўринишда намоён бўлади: бири – ахлоқий тасаввурлар, иккинчиси кишининг ижтимоий аҳволига кўра одоби масаласи. «Рўшноинома», «Панднома», «Ахлоқи Носирий», «Бўстон», «Гулистон», «Саодатнома», «Ахлоқи Жалолий», «Баҳористон», «Ахлоқи Муҳсиний» асарлари ана шундай ахлоқий тасаввурлар асосига қурилган бўлса, кишиларнинг ижтимоий аҳволига кўра одоби масаласи «Қобуснома», «Чор мақола» ва «Маҳбуб ул-қулуб»да биринчи планга кўтарилган. Бу ижтимоий-ахлоқий муносабатлар «Қобуснома»дан кейин бирданига эътибордан четда қолган ва аста-секин қайта жонлана бошлаган. «Яъни «Рўшноинома»да фақат шоирлар ва авом, «Панднома»да ҳамда «Гулистон»да дарвишлар

ва ҳукмдорлар, «Саодатнома»да дарвишлар, ҳунармандлар, художўйлар, деҳқонлар, авлиё-анбиё ҳукамо ҳукмдорлар, «Баҳористон»да шайхлар ва орифлар, ҳоким ва донишмандлар, ҳукмдор ва шоирлар ҳақида алоҳида бобларда зикр этилади. Кўриниб турибдики, ижтимоий табақалар пандномаларда борган сари кўпроқ муомалага кириб борган ва «Маҳбуб ул-қулуб»да ўзининг муфассал баёнига эга бўлган.

Пандномаларда ўртага ташланадиган инсон табиатидаги ахлоқий тасаввурлардан виждон, мурувват, саховат, одоб, тавозе, қаноат, сабр, вафо каби фазилатлар, асосан, ота-она ва мураббийлар ёрдамида кишилар онгига сингдирилади. Киши ўзининг ижтимоий мавқейига қараб бошқалар билан муносабатга киришганда унинг индивидуал хислатларидан ташқари ижтимоий муомаласи ҳам талаб этилади. Яъни одам шахс сифатида виждонли, мурувватли одобли, қаноатли, сабрли, вафодор бўлиши керак бўлса, у ижтимоий муомаласи юзасидан, айтайлик муаллим, котиб ёки машшоқ сифатида қандай фазилатлар эгаси бўлиши ҳам муҳим масала. Шу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ижтимоий табақаларнинг ахлоқи, яъни ижтимоий ахлоқий муносабатларни биринчи қисмга шахсий ахлоқий фазилатлар ва иллатларни иккинчи қисмга, турли ҳолларда фойдали бўлган ахлоқий танбеҳларни учинчи қисмга тўплаган. Бошқа пандномаларда буларнинг барчаси аралаш ҳолда кузатилади.

Турли ижтимоий қатламлар сийрати ёки жорий муомалаларга мунасабат «Маҳбуб ул-қулуб»да ўзининг замонавийлик руҳи билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан Навоийнинг ўзи асар муқаддимасида айтганидек, «Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга (китобхонларга – А. Ҳ.) ҳавас бўлгай, бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлғай». Чиндан ҳам асарни ўқиганда ўша замондаги инсоний муносабатларнинг бирор соҳаси четда қолиб кетмаганидек таассурот қолдиради. Кўп қаламга олинган бу мавзулар тасвирида «янги гап», янги ғоялар бўлмаса, замонавийлик руҳи, халқ дарди билан суғорилмаса, асарнинг бадиий қиммати ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан «Маҳбуб ул-қулуб»да тасвирланган тоифаларнинг фазилат ва камчиликлари ўз замонасининг конкрет белгилари билан мустаҳкамланган. Уни ўқиганимизда кўз ўнгимизда муайян тарихий давр ва шароит билан боғлиқ манзара гавдаланади. Навоийнинг салафлари пандномаларида қўйилган ахлоқий масалалар эса кўпинча, замон нуқтаи назаридан умумий характерга эга бўлиб келган.

Навоий панднома яратишга киришаркан, «ўз замонасигача бўлган Кайковуснинг «Қобуснома»си, Саъдийнинг «Гулистон»и ва Жомийнинг «Баҳористон»и каби асарларга нисбатан ҳам бошқача типда асар яратишга бел боғлаган»[1]. Агар бу масалага янада чуқурроқ назар солсак, асар композицияси ҳеч қайси пандномаларникига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатларга жуда бойлигининг шоҳиди бўламиз. Асарнинг шундай хусусий томонларидан бирини биз адибнинг ўзига хос шакл танлаб, уни тўлалигича мазмунга бўйсундиришида ҳамда мазмун ўз навбатида шаклни безаб турганида кўрамиз. Шакл ва мазмуннинг бундай яхлит бирлиги асарнинг ижтимоий ва тарбиявий таъсирини янада юксалтиришга яхши хизмат қилган. Жумладан, «Сойирунноснинг афъол ва аҳволининг кайфияти» деб номланган қирқ фаслдан иборат биринчи қисм баъзи томонлари билан «Қобуснома» ва «Чор мақола»ларни эслатади. Унда турли тоифа кишиларнинг ижтимоий аҳволига кўра одоби ўз ифодасини топган. Навоий салафлари ижодида бирор касб ёки касб эгаларини тавсифлаш жараёни муаллифнинг ахлоқий баркамоллик мезонига биноан кечади. «Маҳбуб ул-қулуб»да эса ижтимоий тоифанинг адиб хаёлидаги ифодаси билан бир қаторда унинг ўша даврдаги реал ҳаётдан олинган, типиклаштирилган қиёфаси давр билан боғлиқ ҳолатда ўзининг ижобий ва

салбий қирралари билан намоён бўлади. Ўз даври манзарасининг Навоий истагидан кескин фарқланиши муаллиф ғояларининг ўткир исёнкорлик руҳида ифодаланишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий улкан ижод йўли давомида турмушдаги иллатларга лоқайд қараб тура олмагани унинг «Маҳбуб ул-қулуб»ида яққол кўзга ташланади. Унда адиб ўзининг бутун эътиборини шу масалага қаратди ва бу асарини бевосита ўз замонасининг турмуш шароити билан боғлади. Худди шу маънода бу асар давр ижтимоий ҳаётининг кўзгусига айланди. Юқорида айтганимиздек, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг бу қисми билан ҳамоҳанг бўлган «Қобуснома» ва «Чор мақола»ларнинг бадиийлигига кўпроқ композицияларидаги ҳикоятлар орқали эришилган. «Маҳбуб ул-қулуб»да эса ҳар бир айтилган фикр, ҳар бир жумла қуюқ бадиий ифодаланган. Навоий кўпгина пандномалардаги сингари бирдан насиҳатга ўтиб кетмайди. Саъдий ундан қочиш учун асар хотимасида айтганидек, «насиҳатнинг аччиқ дориларини мутойиба боли билан қориштириб» берган бўлса, Навоий китобхонни аввал жамият аъзолари, улар хулқининг яхши-ёмон томонлари билан таништириб боради. Китобхон ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўриб юрган, бироқ эътибор бермаган қирралари ёки унинг учун мутлақо мавҳум томонларининг санъаткорона ифодаси билан танишади. Унинг дунёқараши кенгайиб, жамиятни таниш даражаси орта боради.

Пандномаларда, одатда, кишининг ижтимоий аҳволига кўра одоби масаласига биринчи навбатда у ёки бу тоифа одамларнинг манфаатидан келиб чиқиб ёндашилган, яъни сўз ким ҳақида кетаётган бўлса, асосий эътибор ўшанинг манфаатига қаратилган. «Маҳбуб ул-қулуб»да эса мутлақо бундай эмас. Алишер Навоий ҳар бир касб эгаси ва тоифанинг таҳлилига киришар экан, биринчи навбатда халқ манфаатидан келиб чиқади, халққа етказаётган фойда-зиёнига қараб уларга баҳо беради. Шу жиҳатдан «Маҳбуб ул-қулуб»нинг биринчи қисмида берилган тоифаларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

Ижобий характердаги тоифалар: исломпаноҳ беклар (2 фасл), шайхулислом (11-фасл), деҳқонлар (31-фасл), дарвишлар (40-фасл).

Салбий характердаги тоифалар: ноиблар (3-фасл), вазирлар (5 фасл), зиндон аҳли (30 фасл).

Хислатлари ижобий ёки салбий тарзда намоён бўлиши мумкин бўлган тоифалар: ҳукмдорлар (1 ва 4-фасллар), садрлар (6-фасл), ясовул (8-фасл), сарой аҳли (10-фасл), қозилар (12-фасл), муфтилар (13-фасл), мударрислар (14-фасл), табиблар (15-фасл), шоирлар (16-фасл), котиблар (17-фасл), мактабдорлар (18-фасл), машшоқлар (22-фасл), ваъзхонлар (24-фасл), тижорат аҳли (26-фасл), аёллар (37 фасл).

4. Ижтимоий фойдали меҳнатдан йироқ тоифалар: мақтанчоқ навкарлар (7-фасл), ёлланма аскарлар (9-фасл), қиссахонлар (23-фасл), мунажжимлар (25-фасл), чайқовчилар (27-фасл), олибсотар косиблар (28-фасл), безорилар (32-фасл), қушчи ва овчилар (35-фасл), риёкор шайхлар (38-фасл) ва бошқалар.

Муаллиф наздида ҳар бир касбнинг ўз одоби бор. Турмушдаги барча иллатларни мана шу одобнинг бузилишида, ахлоқсизликда деб билади. Бироқ улар қай тарзда ёритилган бўлмасин, асосида бир нарса – халққа хизмат, унинг тинч, осойишта ҳаёти учун ғамхўрлик каби инсоний фазилатлар ётади.

Асар тизимидаги мантиқий изчилликка кўра биринчи қисмда, дастлаб, сарой аҳли ва давлат хизматидаги кишилар, кейин саройдан ташқаридаги тоифалар ҳақида гап боради.

Алишер Навоий биринчи қисмни кўпгина пандномалардаги сингари подшоҳлар ҳақидаги мавзудан бошлаб, тасаввуридаги ўзи яшаган давр учун идеал бўлган, барча

ёвузликлар жиловланган осойишта ҳаёт манзарасини чизиб беради. Бу мавзуга Носир Хусравнинг ўз пандномаси «Рўшноинома»да чап бериб ўтганини ҳисобга олмаганда, барча пандномаанавислар мурожаат қилишган. Жумладан, Кайковус мамлакат ободлигини ўйласа ҳам, «Қобуснома»даги ҳикоятлардан келиб чиқадиган объектив ғоя «подшоҳликнинг роҳати» муҳофазасидан иборат. Аттор эса подшоҳ учун муллалар устидан кулиш, дуч келган фақир билан сўзлашавериш, аёллар билан кўп ҳилват қилиш ва зулм ўтказишнинг ярамас иллат эканини таъкидлайди ҳамда ҳайбат, беозорлик, адолат ва додхоҳлик, карамни зарур деб санаб ўтиш билан кифояланиб қўя қолган. Саъдий ва Жомийлар ўз ҳикоятлари ҳамда улардан чиқарган ахлоқий хулосалари билан шоҳларни адолатга, инсофга чақиришган. «Саодатнома»да эса уларга йўл-йўриқ кўрсатиб ҳам ўтирмай, тўғридан тўғри қораланади. «Маҳбуб ул-қулуб»да яхши ҳукмдордан халққа қандай манфаатлар етиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Унда адиб айрим салафлари сингари подшоҳ манфаати нуқтаи назаридан эмас, халқ манфаатларини ҳар тарафлама ҳисобга олган ҳолда ёндашади.

«...Раъфатидин ҳар мактабда атфол ғавғоси ва муҳофазатидин зуафо ҳаммомида аларнинг алолоси, ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ» (9-бет)[1]. Шу тарзда Навоий ўзи яшаб турган давр учун кўнгилдагидек бир замона манзарасини чиза боради ва унинг таърифини мадҳия даражасига кўтаради. Бундан уч боб кейин одил подшоҳларга зид бўлган золим, жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида, уларнинг кирдикорлари оқибатида халқ ҳаёти не кўйларга тушиши мумкинлигини тасвирлаган: «Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар тоқчалари бойқушға ошиёна. Бода сели чун базмида туғён қилиб, ул сел мулк маъмураларин вайрон қилиб. Сувчи хонасига фарш – масжид равоқи тўкулгонидин ва куплари бошига хишт – меҳроб тоқи емрулгонидин. Агар қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша» (12-бет) Подшоҳлар ҳақида тўғридан тўғри бундай қалтис фикрлар изҳор этишга ҳар ким ҳам ботина олмаган бўларди. Чунончи, «Қобуснома»даги ниҳоятда эҳтиёткорлик билан айтилган фикрларга диққат қилинг:

Ҳарчанд подшоҳ туро наздики хиш мумаккин дорад, ту бидон, наздикие вай ғурре машав ва гуризон бош. Аммо аз хедмат гуризон мабош ки аз наздикие малик дури хизад ва аз хедмати подшоҳ наздики. Ҳарчанд ки азиз боши аз хиштаншеноси ғофил мабош[2].

Мазмуни: «Подшоҳ сени ўзига қанчалик яқин тутса ҳам, бунга мағрур бўлма, ундан қочиброқ юр. Аммо унинг хизматидан қочма. Подшоҳга яқинликнинг охири узоқликдир, хизмати натижаси яқинлик. Агар подшоҳ сени ҳар канча яқин тутса ҳам, сен ўзингни сақлашдан ғофил бўлма».

Энди Алишер Навоий ижодида бу муносабат нақадар кескин ва ҳаётий тус олганига диққат қилайлик: «Салотин даргоҳидин йироқ ва хавоқин базмгоҳидин қироқ, балки теграсига ёвумаган яхшироқ. Булардан қочқилким, «ал-фирору мимма лоютоқ» -(тоқат қилиб бўлмайдиган нарсадан қоч – арабча). Салотин хизматига журъат кўргузмак ўз риштаи ҳаётин узмоқдур ва оғуни ичарга сўрмак ва аларға тақарруб тиламак ўз қатлига бало тийғин бийламакдур» (129-бет).

Бу мисолдан кўриниб турибдики, илгари сурилмиш ғоянинг фош этувчилик қудрати янада ошган.

Фаридиддин Аттор ҳам кишининг ҳукмдор билан муносабати масаласига йўл-йўлакай бўлса-да тўхталиб, шундай дейди.

Чаҳор чизаст эй биродар бо хатар
То тавони бош аз онҳо бар ҳазар.
Қурбати султону улфат бо бадон
Рағбати дунёву улфат бо занон.
Қурбати султон оташи сузон бўвад
Бо бадон улфат ҳалоки жон бўвад[3].

Мазмуни:

«Эй биродар, тўрт нарса хатарлидир, То имконинг бор экан булардан ҳазар қилгин. Султонга яқинлик ва ёмонга улфат бўлиш, Бойликка меҳр қўйиш, аёллар билан суҳбат қуриш Султонларга яқинлик куйдирувчи оташдир, Ёмон билан улфатлик жонингни ҳалок қилур.

Алишер Навоий «Ҳукамоким, солотин ҳоли кайфиятин билибдурлар аларни ўтқа ташбиҳ қилибдурлар» – деганда, «Панднома»даги шу сатрларни ёзган Фаридиддин Аттор фикрини ҳам назарда тутган бўлса эҳтимол. Бороқ Навоий бу ташбиҳ билангина чекланиб қолмаган. У султонларга яқинлик оқибатининг кенг санъаткорона манзарасини яратди. «Ўт нафъ еткурур йироқдин, андин мунтафеъ бўлмоқ авло қироқдин. Оташгоҳ ўти қироқдин нафъ еткурур, ичига тушганни филҳол куйдирур. Оқил анга ёвуғон номуносибдур ва андоқ балодин ҳазар вожиб» (130-бет).

Навоий ижодида бу фикрлар қиёмига етиб, бу ҳолнинг нақадар ҳавфли экани ажойиб ташбиҳлар билан очиқчасига баён этилган. Умуман, Алишер Навоийнинг подшоҳларга муносабати улардан донишмандлар билан бамаслаҳат иш тутишини талаб этишида ўзига хос ўрта аср демократиясига бўйсундиришга интилишида ўз ифодасини топади. Кўпчилик пандномаларда учраб турадиган жамиятнинг юқори табақалари билан муросасозлик «Маҳбуб ул-қулуб»да тўла эътироз бўлиб жаранглайди. Бу фикрни А. Абдуғафуров таъкидлаганидек, Навоий ҳукмдорлар фаолиятини баҳолашда биринчи навбатда мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги даражасига асослангани ҳам тасдиқлайди[1].

Адиб ижодида халқчил мотивларнинг кенг ишланиши унинг халқ ҳаёти, мамлакат тақдири билан чуқур қизиққани, истиқбол учун курашганини кўрсатади. Навоийнинг ижтимоий қарашлари ҳақида гап борганда, айрим тадқиқотларда, Навоий подшоҳларни адолатга чақирган, шу билан халқ ҳаётини яхшилаш мумкин деб ҳисоблаган, деган фикрларга дуч келамиз. Навоийгача панднома ёзган жуда кўп адиблар чиндан ҳам фақат худди шундай ғояни илгари суришган. Ижтимоий муаммоларни юксак талабчанлик билан кўтарган мутафаккир Алишер Навоий мамлакат ободлиги фақат подшоҳларгагина эмас, умуман ҳоким синф – сарой аҳлига, давлат хизматидаги бошқа амалдорларга ҳам жуда боғлиқ эканини айтади.

Вазирлар ва ноиблар Навоий таърифлаган тоифалар орасида жамиятда тутган ўринлари билан мутлақо салбий баҳо олган ва одамлик қиёфаларини йўқотган кишилар сифатида талқин қилинади. Улар ўз мансаб ва вазифаларини оқламаган, ёмон отлиқ бўлиб қолган тоифа кишилардир. Уларнинг танқиди пандномаларда тилга олинмаган мавзудир. Алишер Навоий уларнинг хизматини инкор этмаса-да, одамгарчиликларини йўқотган, ўз манфаатига муккадан кетган кишилар эканини уқтиради. «Шоҳ улуси ўзига мушобиҳ бўлур зикрида» деган фаслда шоҳ хизматидагиларнинг шоҳ билан биргаликда бир гуруҳни ташкил

этиши ва фуқаро учун ҳар иккисининг фойда-зиёни бир хилда экани таъкидланган. «Шоҳға ҳар кимки мулозим ва тобеъ бўлгай, иши ва таври шоҳ ишига мушобиҳ воқеъ бўлгай. Агар шоҳға адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар шоҳға зулм пеша, элида ҳам зулмидин андиша. Агар ул куфр хисол, элга доғи куфр тарийқи афъол. Ҳукамо шоҳни деб-дурлар дарёи заххор ва қавму хайлин дарё теграсидаги анҳор. Дарё суйига не кайфият ва не хосият анҳорға ҳам ул кайфият ва хосият. Ул аччиғ бу аччиғ, ул чучук бу чучук. Ул тийра бу тийра, ул сузук бу сузук» (20-бет).

Халқнинг қадимдан одил ва халқпарвар ҳукмдор орзу қилиб келгани ва бу орзусига камдан кам эришганини ҳисобга олганда, шоҳ атрофидаги унинг ҳукмини юритиб турувчиларнинг аксарияти Навоийнинг бу ерда илгари сурган ғоясидан кўриниб турганидек, ўз ҳукмдорларидан унча фарқ қилмаган. Ҳатто Юсуф Хос Ҳожиб замонидаёқ (XI аср) ҳар ҳолда ҳукмдор шахсиятига соя солмаган ҳолда бўлса-да, сарой хизматчиларини оч бўриларга ўхшатилиши фикримизни тасдиқлайди[1]. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб бориши натижасида Навоий ҳаётда рўй бераётган сифат ўзгаришларини, воқеликнинг кўп қиррали томонларини тўла тушуниб олиб, уни ёрқин акс эттиришга киришган ҳамда ижобийлик ва салбийликни ўзаро алоқадорликда олиб қараган. Салафлари ижодидаги ҳукмдорларни ижобийликка чақириб ва салбий томонларини қоралаш Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»ида сорой аҳли ва бошқа амалдорлар билан қўшиб олиб борилиши асарнинг ижтимоий-сиёсий характерини янада конкретлаштирган. Натижада, уларни алоҳида гуруҳ («шоҳ қавму хайли» – бизнингча, ҳоким синф) деб тушунган. Агар бу сўнгги фазилатнинг Навоийга қадар бўлган адиблар ижодида жуда кам учраганини эсласак, бу асар тамомила янгича қиммат касб этади.

Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, «Маҳбуб ул-қулуб»даги замонадан нолиш мотивлари, «замон аҳли»га айтилган таъналарнинг кўп қисми ҳоким синфга йўналтирилганини тушуниб олишимиз қийин бўлмайди. Масаланинг бу нозик томонини тўғри тушуниш яна шу жиҳатдан ҳам муҳимки, акс ҳолда, адибнинг бир ерда вафони васф қила туриб, («Вафо боби»да айтилган танбеҳ), бошқа бир ўринда «Ҳар вафога юз жафо тортмасанг гунаҳкорсен ва ҳар меҳру муҳаббатқа минг дарду меҳнат қабул қилмасанг, табаҳ рузгорсен» (109-бет) деган фикрлари кишининг вафо, меҳру муҳаббатдан бездиришдек туюлишини асардаги ички зиддиятлар жумласига қўшиб юбориш ҳавфи туғилади. Аслида эса бу кўпроқ шоҳ ва унинг «қавму хайли»га бўлган эътироз ва кесатишнинг ифодасидир. Жамиятнинг салбий унсурларини фош этишга қаратилган бундай эътироз ва кесатишлар бошқа пандномалар»да учрамайди ёки жуда заиф берилади. Бу ерда асосий мақсад ҳисобланган ижтимоий муҳит танқидининг элементлари Навоий лирикасида ҳам учрашига бир қанча олимларимиз эътиборимизни жалб қилиб ўтишган. Бу вазият Навоий ижодининг руҳини акс эттириши билан бирга айни пайтда «Маҳбуб ул-қулуб»ни ёзишдан муаллифнинг кўзда тутган мақсадини белгилайди.

Бу асар фақатгина анъанавий тасаввурларга, анъанавий мотивларга муносабат билдириш учунгина ёзилмай, Навоийнинг бундай гапларга тўлиб-тошиб кетганининг ифодаси эканини тасдиқлайди. Яъни муаллиф бу ерда панднома сифатида шаклни олгану, ўзининг тўлиб-тошган ижтимоий эътирозини барча тафсилотлари билан шу шаклга солган. Бу эътироз қуйидаги мисолда янада ёрқинроқ акс этган: «Аммо бу замон ва давронда ё даврони замон инқилоби қусуридин ё даврон ва замон аҳли хирад ва инсоният футуридин ҳоло бу варақ эврулубтур ва бу қазия бар акс бўлубтур, яхшилиқ

жазоси хушунатдин ўзга ва мулоямат подоши такаббур ва руунатдин ўзга нақш тутмас ва сурат боғламас. Ҳар кимгаки, бир хизмат қилдинг ўн шиддатға муҳайё турмоқ керак ва ҳар кишига юз мулоямат кўргуздунг, минг ғилзат ва кудуратга сало урмоқ керак» ва ҳоказо (108-бет). Бундай мисолларни «Маҳбуб ул-қулуб»да кўплаб учратиш мумкин. Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, бу асар ўзининг замонавий руҳи ва ижтимоий ҳаёт танқиди билан кўпгина тоифа одамларга найза бўлиб санчилгани аниқ.

Юқорида айтганимиздек, арбоблардан беклар, шайхулислом ва аҳоли орасидан деҳқоннинг меҳнат фаолияти ижобий планда таҳлил этилади (2, 11, 31-фасллар). Бу билан беклар ва шайхулисломни доимий ижобий шахслар экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Навоий бу мансабларга фақат қандай кишилар муносиблиги хусусида мулоҳаза юритади. Мана унинг бекларга бағишланган фаслда айтганлари: «Ёмонлар андин Харосон ва яхшилар душворлиги андин осон. Эл моли тамаи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд. Муроди раоё амнияти ва мақсуди бароё жамъияти. Ул мусулмонларға ризожўй ва мусулмонлар анга дуогўй» (11-бет).

Шайхулислом ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин «Мундоқ киши олиме керак исломпаноҳ ва орифе керак муқарриби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва фақрға хурсанд ва тариқатосор» (21-бет).

«Маҳбуб ул-қулуб» худди шу ўринларда кўзда тутган мақсадига кўра Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола»си билан ҳамоҳанглик касб этади. Яъни, адиб давлат ва салтанат учун қандай одамлар зарурлигига эътиборни жалб қилмоқчидек бўлади. «Чор мақола»да муаллиф фақат тўрт тоифа – дабир, шоир, мунажжим ва табиб ҳақида баҳс юритса, «Маҳбуб ул-қулуб» ўз даврининг жуда кўп тоифаларини эътиборда тутади. Низомий Арузий ахлоқий баркамол шахсини ҳукмдорга мувофиқлаштирмоқчи бўлса, Навоий халқ дидига мувофиқлаштиришни ўйлайди. У шу мансаб ёки касб эгасининг ўз тасаввуридаги баркамол тимсолини беради. Бундай ҳолатни анчагина тоифалар таърифида учратишимиз мумкин. Масалан, «Садр керак уламога дастёр бўлса «, «Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса «, «Воиз керакки, «қолаллоҳ» сўз айтса «, «Мундоқ киши керакки (деҳқон), бухлдин муарро бўлса « ва ҳоказо.

Бир қанча ижтимоий қатламлар фаолиятининг халқ учун ҳам фойдали, ҳам зарарли кўринишларда ифодалаб бериши, маълум тоифа кишилар ёки касб эгаларининг ҳам ижобий ва ҳам салбий қиёфасини китобхон мулоҳазасига тақдим этиши билан «Маҳбубул-кулуб» бошқа пандномалардан ажралиб туради. Бунга уларнинг салбий хислатларини одамларга овоза қилиб сазойи этиш, яккалаб қўйиш, бошқа бирларини ибрат қилиб кўрсатиш ҳисобига эришилган. Алишер Навоий бу тарзда тузган фаслларида фақатгина танқидий фикрлар билан чегараланиб қолмасдан ўз таклифлари билан чиқади: «Мундоқ ноибки, бир бўлмағай феълию қавли, шоҳ эшигидан гум бўлғони авли» (12-бет). Бу ерда Навоий номуносиб ноиблар ҳақида гапириб, уларни давлат ишларига аралаштирмасликни таклиф қиляпти.

Бирор тоифанинг ўз касбини ардоқлаб юрган қисми таърифида бўлганидек, унинг нолойиқ қисми танқиди ҳам асарда юксак маҳорат билан гўзал бадиий шаклда берилган. Масалан, табибни жаллодга ўхшатишни Навоийдан олдин Убайд Зоконийнинг «Даҳ фасл» асарида ҳам учратамиз. Бироқ Навоий ҳар қандай табибни эмас, саводсиз табибни, ўшанда ҳам жаллоднинг ўзига эмас, шогирдига ўхшатади, кейин бирдан бу табибдан жаллодни афзал кўради, фикрининг далили ниҳоятда таъсирчан – жаллод гуноҳкорни қатл этса,

чаласавод табиб бегуноҳ одамни қатл этади. Бу ерда мазмуннинг ривожланиб боришига ва хулосасига тан бермай иложимиз йўқ.

Навоий жамият учун зарур деб билган тоифалар орасида садрлар, ясовуллар (соқчилар), шоҳ улуси (сарой аҳли), қозилар, муфтилар, мударрислар ва бошқа кўпгина тоифаларнинг ибрат бўлиши лозим томонлари ва уларнинг қандай нуқсонлардан сақланиши кераклиги бадиий бўёқларда ихчам ва лўнда қилиб берилган.

Аҳолининг бу ерда зикр этилган у ёки бу тоифасининг фаолияти юзасидан мулоҳаза Навоийгача бўлган адиблар ижодида ҳам учраб турса-да, «Маҳбуб ул-қулуб» уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини мезон қилиб олиши, бошқача қилиб айтганда, этиканинг бурч категорияси нуқтаи назаридан ҳукм чиқарилиши билан характерлидир. Бу жиҳатдан «Маҳбуб ул-қулуб» ўзининг ижтимоийлиги ва фалсафийлиги билан барча пандномалар орасида кўзга ёрқин ташланади.

Навоийнинг, шу жумладан, машшоқлик ҳунари борасидаги фикрлари уларнинг тажрибаси, малакаси, меҳнатларининг халқ орасидаги таъсир кучи эътирофидан иборат. Бунда турли тоифа кишиларга уларнинг санъати қай хилда таъсир этиши алоҳида таъкидланади. Бу соҳа кишилари ҳақида «Қобуснома»да ҳам баён қилинган. Бу асарда ушбу боб машшоқлар ўз ҳунарига «андоза» олишлари учун йўналтирилган бўлса, «Маҳбуб ул-қулуб»ни ўқиган киши кўпроқ уларнинг ким экани, хизмати ва санъатининг аҳамияти билан танишади. Навоий уларни жуда кўкка кўтариб мақтаган. Бу фаслнинг танқидий қисми таъмагирлик билан ўз санъатини ерга уришдан тоймайдиганларга қаратилган: «То буюрувчида сийла ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор. То суҳбатда неъмат кўп, аларга барча амру наҳйинг жўб. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди» (37-бет). Шу муносабат билан С. Ғаниеванинг бу танқидлар ҳақида Навоий замонаси учун ҳам, ҳозирги кунимизнинг айрим ўткинчи санъаткорлари учун ҳам баробар тааллуқли эканини айтиб, асарнинг деярли барча даврлар билан ҳамнафаслигини таъкидлаши жуда ўринлидир[1].

Аҳолининг бозор билан алоқадор тоифалари ҳақидаги мулоҳазалар кетма-кет тўрт фаслда баён этилади (26 29). Улар шаҳарма-шаҳар юртма-юрт кезувчи савдогарлар, шаҳарнинг ўзидаги олибсотарлар, чайқовчи косиблар, айрим ҳунарманд усталар тоифасидир. Ўрта аср Шарқида шаҳар аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил қиладиган бу касб эгалари фаолиятининг ижтимоий моҳияти ҳақида Навоийнинг фикри ниҳоятда ҳаққонийдир. Чунончи, тижорат аҳлининг давр ижтимоий ҳаётидаги ўрни катта. У ҳалол ризқ топиш учун жонини хатарга қўйиб узоқ йўллар кезади. Ўша даврда давлатлараро ташқи савдони таъминлаб турган бундай кишилар юртма-юрт кезиб одамларга мол етказиб беради. Ҳар хил ажойиботлар гувоҳи бўлади, азизлар суҳбатига етишади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси тўғри. Бироқ бу тоифага характерли бўлган иллатларни эслаш билан замонанинг характерли иллатлари очила боради. Бундай одамлар-мутлақо фойданинг кетидан қувиб ўзларини ўтга-сувга урмасликлари, бойликни мартаба учун ёки бирор ҳодиса қўзгашга восита деб билмасликлари лозим. Бу ўринда Навоий нақшбандийликнинг шартларидан бири бўлган сафар фоидаларини кишининг маънавий юксалишига қаратади ва сафарни сайёҳ савдогарларнинг ахлоқий покланиши воситаси деб билади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бошқа бир туркум фасллар аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатдан йироқ қатламлари таърифига бағишланади ва улар мутлақо айбномага айланиб кетган. Уларнинг кўпчилиги хоҳ сарой доирасида бўлсин, хоҳ саройдан ташқари, барибир

жамият учун ёт унсурлар, фуқаро ва салтанат учун зарарли кишилар деб ҳисобланади ҳамда уларга қарши курашга чақирилади. Бу тоифа кишилар жумласида биз мунажжимлар, мақтанчоқ навкарлар, қиссахонлар, чайқовчилар безорилар ва ҳоказоларни учратамиз.

Бозорда бойлик орттиришдан бошқа муддаолари бўлмаган олибсотарларга ва айрим субутсиз ҳунармандларга нисбатан Навоийнинг ғазаби тўлиб-тошган. Шоир уларга тўғри йўл кўрсатиб ҳам ўтирмайди. Чунки улар орасида ўрнак бўлувчи кимса топилмайди. Улар халқ орасида айб саналган барча иллатларни шиор қилиб олган. Ҳатто «Ўғул атога бозий (фириб) бермак пешалари (ҳунарлари)». Навоийнинг бундай кишилар ҳақидаги фикрини тегишли фасллар ниҳоясида келтирган байтлари жуда яхши характерлаб турибди:

Бу хайл одам эмаслар яхши боқсанг
Эрур судинг алардин гар йироқсанг.

Ёки:

Булардин кимки дер ўзни валийдур,
Агар қилсанг яқин, бир доғулийдур.

Ёки:

Тонгдин оқшомға ишда санъатсоз,
Ҳунар атворида фусунпардоз.
(43 44 бетлар).

Навоий бу ўринда бундай кишиларга нисбатан халқ нафратини қўзғашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва улардаги иллатлардан бошқаларга ибрат келтириб чиқарган.

Ўрта аср шаҳри муҳитининг ажралмас қисми бўлган зиндондаги аҳволни тасвирлашда ундаги маҳбусларнинг аянчли қисматини ёдга олиш, уларнинг қилган жиноятини қоралаш йўли билангина эмас, у ерга қўйилган давлат хизматчиларининг хулқу атворини очиш орқали ҳам мукаммалликка эришилган: «Асаслар малоикаи азоб, шаҳна молики дузахдек ҳукмрон ва олижаноб. Гуноҳ аҳли тавқу занжирга гирифтор, бу занжиру тавқлари салосил ва ағлолдин намудор. Бири дебки: «Дорга чекарда яхши турди»ва бири дебки: «Бўйнин чопарда яхши ўлтурди. У ердаги даҳшатли манзарани чизар экан, Навоийнинг мақсади ойдинлашади. «Тангри барчани бу ерга келтирур афъолдин йироқ тутсун ва бу манзилга тушурур аҳволдин қироқ». Бу билан Навоий кишиларни жиноятдан тийилишга чақиради.

Жамиятнинг бачки тоифалари бўлмиш чапани ва безорилар масхарабоз дайдилар, шилқим гадойлар, қушчи ва овчилар ҳақидаги боблар уларни мутлақо текинхўрлар сифатида тасвирлашга қаратилган. Бунда Навоий жуда ишонарли далиллар келтирадики, ҳеч бир эътирозга ўрин қолмайди: «Ятимки пичоқ урмоқ анинг иши бўлгай, ўзи телба ит пичоқ анинг тиши бўлгай. Шаҳарнинг соир арзоли – хашоротул-арз, халойиқга алардин эҳтироз вожиб балки фарз»(48-бет). Уларнинг ҳалол меҳнатдан қочиб, енгил кун кечиришга одатланганларини фош этиш билан инсон соғлом ҳаёт кечириши учун эртинги куннинг ғамини ҳам ейиши зарурлигини уқтиради. «Кишиликдин секримоклар била қочиб яхшилигдин масхаралиглар била маломат эшигин юзларига очиб. Бу кун топқонни еб тонгла ғамин емай, тилаб нима бермагандин шикоят сўзин демай. Тонгла не егумиздур демак сўзин билмай» (49-бет).

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг «Мубрим гадолар зикрида»фаслининг ғояси ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Тиланчи ва гадо кўпраги беғайрат ва беҳаё» дейиш билан муҳтожлик

юзасидан гадойликка қўл урганлар қаторида разил, ишёқмас ва ўғриларни фош қилишга киришади. «Кундузи кезмаклари ибром била элдин нима олмоқ учун, кеча келиб ўғурларга эл жиҳотиға кўз солмоқ учун. Ҳар дирамки тугуб, ғассолдин ўзга киши очмоқ маҳол, ҳар сиймким кўмуб, туфроғдин ўзга биров ани емакка йўқ эҳтимол» (50-бет). Бу ерда беихтиёр асарнинг учинчи қисмидаги бир танбеҳ эсга тушади «Йигит гадоким бел ура олур ва ўтун ташимоғни билур, анга нима берган тенгри молин зое қилур» (145-бет).

Навоийнинг бу сатрлари кишиларда ҳалол меҳнатга даъват, текинхўрларга нисбатан нафрат руҳини уйғотишга қаратилган. Бунинг устига Навоий меҳнатга яроқли кишининг тиланчилик қилишига қарши чиқиб, улардан ижтимоий фойдали меҳнат талаб қилади. «Булар (тиланчилар) орасида ўзига қаландар от қўйған малъун, одамийлигдин мағбун ва деву шайтон олида матъун. Инсоният ва мусулмонликдин йироқ тўнгуз ва айиғ одамийлиғда алардин яхшироғ. Шакл тағйири била одамийлигдин карона, пўстин эвура киймаклари ҳайвонлиғ ва сабуиятдин нишона» (50-бет).

Юқоридаги гадойлар халтасини «риёий сўфийлар» кўнглига ўхшатиш ва дайди дарвеш – қаландарлар ҳақидаги бу фикрлари Навоийнинг сўфийларга бўлган муносабатининг ўзига хос эканлигини кўрсатади. Демак, қаландарлар ва риёкор сўфийлар таъмагирликлари туфайлигина шу йўлга кирган кишилар сифатида фош этилади. Бу ҳам бўлса, сўфийлар ҳаётидаги мураккабликнинг бир қирраси эди. Навоий мансуб бўлган нақшбандия сулуки талаблари шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ дарбадарликда юриб, Худо йўлига қилинган хайр-эҳсон ҳисобига қаландарона яшашни қоралар эди». Қаландарларнинг текинхўрлиги ҳақидаги танбеҳни Саъдийнинг «Гулистон»ида ҳам учратамиз:

Ҳакимон дир-дир хўранд ва обидон ним сир. Ва зоҳидон садди рамқ, жавонон то табақ баргиранд, Ва пирон то арақ бикунанд. Аммо қаландарон ченонки, дар меъда жойи нафас намонад ва бар суфре рузи кас[1].

Мазмуни: «Ҳакимлар овқатни кечиктириб ейдилар, руҳонийлар чала тўйгунча, зоҳидлар озгинагина, ёшлар идишни олдиларидан олишгунча, қарилар тер чиққунча, аммо қаландарлар қоринларига сиққунча ва дастурхон атрофида ҳеч ким қолмагунча».

Буларнинг барчаси ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, фуқаро ҳисобига кун кўриб юрган разил кишилар дейилади. Кўриниб турибдики, Алишер Навоий жамиятдаги ҳар бир тоифани синчковлик билан кузатиб, алоҳида-алоҳида характерлаб бераркан, халқнинг ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи қатлами манфаатларини ҳимоя қилади. Текинхўрларнинг жузий сирларигача фош этиб, ўқувчи наздида дарҳол уларга нисбатан нафрат ҳисси уйғотишга эришади.

Нафс ва таъмагирлик балосига гирифтор бўлган қуш билан ов қилувчилар ҳам биров учун нафи тегмайдиган, одамгарчиликдан узоқ кишилардир (35-фасл). Мана кетма-кет тўққиз фаслдан бери шу хилдаги тоифалар билан танишиб келяпмиз. Бу фасллар ўртасида деҳқончилик касбига бағишланган боб гўё атайин қўйилгандек, ёрқин ажралиб турибди. Ҳа, бу билан бир тоифа меҳнат қилиб тер тўкади, шунча одам ейди, деяётгандек бўлади адиб. Чайқовчилар бошқа ўлкалардан келтирилган молни олиб сотиш билан, бозор косиблари тайёр маҳсулотни олиб сотиш билан кун кечирадилар, безори ва разиллар зўравонлик билан, дайди масхарабозлар найранг билан, таъмагир қаландарлар тиланчилик билан халқни мутайдилар. Қолаверса, сарой ва аъёнлар тириклиги солиқ ҳисобига бўлса. Шунча тоифанинг тирикчилиги шу зайлда ўтса, ризқи рўз қаердан келаётир?! Деҳқончиликдан албатта. Ҳаётда барчани таъминлаб турган миришкор деҳқон таърифи асарда ҳам

ўз «боқувидагилар» орасида келтирилишида ҳам рамзий бир маъно борга ўхшайди. Деҳқонларнинг машаққатли меҳнати асрлар оша улуғланиб келса-да, пандномалардан фақат «Қобуснома», «Саодатнома» ва «Маҳбуб ул-қулуб»дагина унга эътибор берилган. «Қобуснома»да бу иш бўйича айрим маслаҳатлар бериш билан чекланиб қолинган бўлса, деҳқон меҳнатига алоҳида эътибор бериш «Саодатнома»дан бошланган:

Беҳ аз сунноъ олами деҳқон аст
Ки ваҳшу тайрро роҳатрасон аст.
Зи сонеъ ройгон нафъи нахизад
Зи деҳқон оқибат чизе биризад.
Жаҳонро хуррами аз деҳқонаст
Аз у гаҳ зараъ гоҳи бўстонаст.
Бероҳат розиқи ҳар мору муранд
Ҳамон гар одами ва гар сутуранд.
Агар деҳқон ченон бошад ки бояд
Сабки гуйо аз малойик дар рубояд.
Агар жуёйи қаҳат нон набошад
Касиро пояи деҳқон набошад.
Бекор андар ҳама мардони коранд
Арақ ризанду қути халқ коранд.
Калиде ризқу қисмат сахт дар мушт
Чероғи дилфурузи дар даҳ ангушт
Бе дунё оқилона тухм кештанд
Бе уқбо дар гули боғ беҳештанд.

Мазмуни:

Ҳунарманддан аълодир деҳқон олами,
чунки у парранданю дарранданларга роҳат етказувчидир
Ҳунарманддан бепул фойда унмайди,
Деҳқондан оқибат нимадир тўкилиб қолади.
Дунёнинг шодлиги деҳқон туфайли,
У гоҳ уруғ сепса, гоҳ бўстон бунёд қилади.
Илону қумурсқаларнинг ризқ берувчиси -
удир, хоҳ одам бўлсин, хоҳ (унинг) от-улови
Агар деҳқон (эл) кўнглидагидек бўлса,
сўзлаш тарзини фаришталардан олган бўлади.
Агар қаҳатчиликнинг қидирган нарсаси нон бўлмаганда,
ҳеч кимнинг деҳқон билан иш бўлмасди.
Барча ишда улар меҳнат кишисидир,
улар тер тўкиб, халқ қути (баракаси)ни экадилар.
Ризқу қисмат калитини қўлда маҳкам тутадилар,
Ҳар ўн бармоғида дилни чароғон қилувчи чироқлари бор
Бу дунёда оқилона уруғ сепадилар,
Охиратда жаннатнинг гулидирлар.

Бу сатрлар «Маҳбуб ул-қулуб»даги «Деҳқонлик зикрида» фаслини эслатиши табиий. Шунинг учун унинг муқоясасига кенгроқ тўхтадик. «Саодатнома»да муаллифнинг мақсади деҳқончиликни улуғлашдан иборат бўлса, Алишер Навоий бундан ташқари масаланинг ижтимоий моҳиятига янада кучлироқ урғу беради. У жамиятнинг ҳар бир аъзоси деҳқонлардан миннатдор бўлишлари лозимлигини уқтиради «Ўроқчию бошоқчи, барзагару пуштакаш, гадою кадхудо, мужовир, итмакчи (нонвой), аллоф, зоҳид, обид, сойил, шоҳ, ағниё, алам аҳли,» умуман фуқаро ризқи ва турмушини деҳқон меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини санъаткорона ифода этади. «Маҳбуб ул-қулуб»да деҳқоннинг хизмати шунчалар улуғланадики, бу фаслни деҳқончиликка чинакам мадҳия деса арзийди. Деҳқон меҳнатининг халқ учун аҳамиятини юқорида – «Одил салотин зикрида» фаслида фаровон ҳаётни тасвирлаганидек очилиб, сочилиб таърифлайди. «Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўйсунуб олида равон, иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам деҳқон аларни сураrда андоққи Одам. Олам маъмурлиғи алардин, алам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот» (46-бет). Табиат ва жамиятда деҳқончиликка кўз тутмаган жонзотнинг йўқлигини санаб ўтиш билан деҳқоннинг жамиятдаги ўрнини жуда юксак баҳолайди ва уни Одам ато билан тенглаштиради.

«Сочқон дона кўкаргунча ўруб хирмон қилиб маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод, гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлиғ тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлиғ». – Навоий уларни жонли табиатда нақадар муҳим вазифани адо этаётганлигини таъкидлайди.

«Ўроқчига андин рўзий, бошоқчининг ёриб андин кўзи. Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўқ кадхудо тўқлуғи ҳам андин-ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирға андин ком. Итмакчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи андин вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидға андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои. Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур».

Охирги жумласи билан Навоий деҳқон таърифини чексизликка тақаб қўяди. Бу хизмат ижобий баҳоланган бўлса ҳам, Навоий деҳқонларни шундай мадҳияларга лойиқ бўлиши учун фаслни айрим шартлар билан тугатади. «Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсокдин мубарро. Шоҳ молин берурдан ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то донаси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб анжуми улувви риффат тергай. Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халафидир, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами Сафийдур» (47-бет). Бу билан муаллиф деҳқонларнинг жамиятда тутган ўрнини тўла-тўкис ифодалаб беради.

Фасл деҳқончиликни улуғлашдан ташқари жамиятнинг ҳар бир аъзоси нонини ҳалоллаб ейишга чақириқ руҳи билан суғорилган.

Хотин-қизлар масаласида «Маҳбуб ул-қулуб» да Навоийнинг тутган позицияси унинг улкан ижодида эстетик идеал даражасига кўтарган ҳолатда тасвирланади. Хотин кишининг оилавий турмушда тутган ўрнини, уларни қайси фазилатидан қандай наф етишини бирма-бир санаб ўтиш билан Навоий кишининг бундай жуфтга эришишини бахт ҳисоблайди. Яъни, кишининг бири икки бўлади, одамлар орасида обрўси ортади ва ҳ к. Бошқа кўпгина тоифалар баёнида бўлгани сингари бу тоифанинг ҳам салбий қирралари назардан қочмаган. Навоий аёлларга хос бўлган барча жиддий камчиликларга тўхтаб ўтаркан, асосий эътиборни оилавий турмушдаги ҳамжиҳатликни оширишга қаратади.

Маълумки, Алишер Навоий ақидада исломнинг аҳли суннат валжамоа йўналишига мансуб бўлган. Буюк мутафаккир шариат ҳукмларининг ҳар бирини маҳкам туриб ҳимоя қилади ва ўз ижодида уларни дастуруламал деб билади. Ўзининг бутун ҳаёти давомида диний аҳкомларни кенг ёйиш йўлида масжид ва мадрасалар қурдирган. Ўз асарларида диний ақидалар ёрдамида мустаҳкамланган ахлоқий тамойилларни тарғиб қилиб, халқнинг маънавий юксалиши жараёнига беқиёс ҳисса қўшгандир.

«Маҳбуб ул-қулуб» асарида Алишер Навоийнинг динга, тасаввуфга муносабати ўзининг барча қирралари билан намоён бўлади. Раият фуқаро, улус фароғатига зид келадиган барча ишларни Навоий динга ҳам зид эканини уқтириш билан фуқаропарварликни имон-эътиқодли ҳар киши учун мажбурий қилиб қўяди. Навоий мусулмонлар деганда бутун халқни назарда тутади ва бу билан ўзи илгари сураётган ғояларнинг амалий томонларига бўлган талабчанликни оширади. «Халқ ризосидин ҳақ ризосиға толиб ва додхоҳ сўрарда сўруғ куни ваҳми кўнглига ғолиб». Одил салотин зикрида айтилган бу фикрда адиб ҳукмдорларни тартибга чақиришда дини исломнинг қудратли кучидан усталик билан фойдаланган, яъни, худо розилигига олиб борадиган йўл халқни рози қилиш орқали ўтишини эслатиш билан уларга халқ учун хизмат қилиш мажбуриятини юклайди Бундай мисолларни бошқа бобларда ҳам кўришимиз мумкин. «Ул мусулмонларга ризожуй ва мусулмонлар анга дуогўй» («Исломпаноҳ беклар зикрида», 11-бет) «Инсонлиқ била алар орасида мубоянат, мусулмонлиқ била алар ўртасида мунозаат» («Ясоғлиқ ва қора черик зикрида», 19-бет). Алишер Навоий динга кўр-кўрона эргашмасдан, уни яхши англаб қалбан идрок этилишини талаб қилади. Бу тамойиллардан чекиниш ҳолларига у муросасиздир. Шунинг учун талабчан мураббий бевосита диний вазифалар шайхул ислом, қози, муфтилар имомлар қорилар ҳофизлар-(Қуръон ёд олувчилар)га бағишланган фаслларда бу лавозимдагилар фаолиятининг намунали бўлиши учун курашади. Бу фаслларда у ўз даври дин аҳллари орасидаги сохтакорларнинг кирдикорларини очиб ташлайди. Айрим дин пешволари ўз манфаати йўлида сурбетларча ҳар қадамда бир «шаръий ҳийлалар» тузиб юрган бир даврда Навоийнинг бу хусусдаги мулоҳазалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. «Муфтиеки ҳийла била фатво тузар, қалами нўги била шариат юзин бузар. Музд учун сийм олибки, молига қотар – динини дунёга сотар Мундоқ муфти одамийкуш табибдур, бирига ислом қатли, бирига мусулмонлар қатли насибдур» (13-фасл).

Алишер Навоий ҳадисларнинг ўзгача талқин қилинишидан келиб чиқадиган баҳсларга ҳам қарши. Буни биз «Насиҳат аҳли ва воизлар зикри»даги бобдан кўришимиз мумкин. «Воиз керакки, «қолаллоҳ» сўз айтса ва «қола Расулуллоҳ» мухолафатидин қайтса, Худо ва Расул йўлиға қадам урса». Демак, одамларни инсоф, диёнат, тўғрилик ва умуман, эзгуликка чақирувчи шахс ўз насиҳатини Аллоҳнинг каломи (Қуръон) асосига қуриши, Расулуллоҳнинг айтганларини нотўғри талқин қилишдан сақланиши керак. Мазкур асарнинг «Мударрислар зикрида» айтилган фаслида ҳам шундай сатрлар бор «Олим керакким муттақий бўлса ва огоҳ, ва айтури «қолаллоҳ» ва «қола Расулуллоҳ».

Қитъа:

Ҳар неким айтур ўлса худо ва Расулдин, Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи
Андин киши неким эшитур ёки ўрганур, Бўлғай худо сўзи ва ё Мустафо сўзи» (25-бет)

Навоий барча адабий меросида бўлгани каби «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам бу манбалар (Қурон ва Ҳадис) ни етуклик мезони сифатида кенг қўллаган[1]. У «Муҳокаматул-луғатайн»да Абдураҳмон Жомийнинг асарларига баҳо берар экан, «Андин ҳар ғазал «кал-ваҳйил-мунзал» (нозил бўлган ваҳийдек) ва ҳар рисола «кал аҳодисин-мунзал» (Расул ҳадисларидек) деб езади.

Буюк мутафаккир «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шариат билан бир қаторда тариқат одобига ҳам мустаҳкам бир таянч сифатида қарайди. «Маҳбуб ул-қулуб» биринчи қисмининг охирги уч боби сўфийя тоифалари машойих, харобот аҳли ва дарвишларга бағишланган. Адиб сўфия маслагидан фуқаропарварлик руҳидаги ғояларни олади, таркидунёчилик ва ҳалқ учун амалий аҳамияти бўлмаган томонларини эса маъқулламайди. Шу билан бирга, мурид овлаб ўзини «шайх» ҳисоблаб юрган, риёкорларни танқид қилади.

Фақр исми бирла мунча зарқу шайду бу риё,
Салтанатдекдурки, қилғай подшоҳи бурё
Бу агар, дарвеш ўзини қилса гумон, ул подшо,
Йўқ ажаб, чунки иккисида йўқтурур ақлу ҳаё
(61-бет)

Асарда – биринчи қисмнинг қирқинчи фаслида чинакам дарвишлар қандай бўлиши лозимлигинии айтиб «Дарвиш керакким, сидқ ва фано тариқин тузгай, ўзин нечукки бор андоқ кўргузгай», дейди. Сидқ ва фано йўлин тутиш эса осон иш эмас. Буни Навоий шундай тасвирлайди: «Қазодин не келса, ўзларин ризоға ясобтурлар ва олам аҳлининг қотиғ ранж ва ирик маломатиға чидабдурлар, емак-ичмакдин кечибдурлар, ҳақ ризосин истарда ғам еб ва қон ичибдурлар. Ризо ва таслим зовияси мақомлари, фақру фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға киш душман ва дўстға нек андиш. Бу сифат ва ойин била бўлған эрур дарвиш» (63-бет).

Асарда сўфийларни халқ тоифаларининг энг охирида келтирилиши ҳам бежиз эмас. Чунки уларнинг оламида таомиллар ўзгача. Дарвишлар учун Навоий айтганидек, «вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд». Улар барча қабиҳликлардан покланган, ўз табиатларини фазилатлар билангина безаган кишилардир. Улардаги фазилатларнинг аксарияти маслаклари – тасаввуф билан боғлиқ хос хусусиятлар бўлса-да, омма учун ибрат бўлгулик жиҳатлари кўп. Навоийнинг бу тоифага ихлоси баланд. «Дарвишлар зикрида» фасли «Маҳбуб ул-қулуб»нинг биринчи қисмида охирги фаслдир. Шу билан бирга, уни асарнинг иккинчи қисмига муқаддима деб қабул қилиш мумкин. Зеро «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи – «Ҳамида афъол ва замима хисол» («Яхши феъллар ва ёмон хислатлар») қисми тасаввуф маслаги билан бевосита боғлиқ бўлган, дарвишлар аъмолида муҳим ўрин тутган тушунчаларни қамраб олади. Шу билан асар тизими (композицияси) даги қисмлар ўртасидаги узвийлик ва изчиллик тўлиқ таъминланган. Бу қисм мундарижасига кўра Саъдийнинг «Бўстон» ва қисман «Гулистон» асарларини, Ғаззолийнинг «Кимёи саодат» асарининг учинчи қисмини эслатади. Унда пандномалардаги умумийликнинг яна бир қирраси бўлган ахлоқий тасаввурлар ўз ифодасини топган. Бироқ бу қисм яхши феъллар ва ёмон хислатларни кенг миқёсда қамраб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Муаллиф унда давр учун ахлоқ мезонлари бўлиб қолган, сўфийлар сийратида ибрат оларли даражада сайқал топган тасаввурларнигина қаламга олади.

Навоийгача бу тасаввурлар тизимининг бирмунча барқарорлашган шакли Саъдий ижодида кузатилади. Саъдий қаламга олган ахлоқий тасаввурлар ўзининг халқчиллиги билан кўпчиликнинг кўнглига ўтиришиб қолди. Ҳатто тасаввуфнинг нақшбандия йўналиши издошлари Саъдий Шерозий ижодининг таъсирида бўлишган[1]. Бу мезонларнинг кенг манзарасини тасаввур қилиш учун «Бўстон» мундарижасига назар солишнинг ўзи кифоя. Яъни, унда эҳсон, ишқ, тавозе, ризо, қаноат, тарбия, шукр. тавба ва савоб алоҳида бобларда ахлоқий фазилатлар сифатида, кўтаринки руҳда тавсиф этилади, ҳаётий лавҳаларда ўз ифодасини топади.

Диний-фалсафий дунёқараши бўйича тасаввуфнинг мана шу нақшбандия йўналишига мансуб мутафаккир Алишер Навоий асарининг иккинчи қисмини тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, таважжуҳ, ризо, ишқ каби боблардан тузади.

Буларнинг айримлари XV аср тасаввуфида ҳаққа етишиш йўлидаги тариқат мақомлари (босқичлари) ҳисобланса, бошқа бирлари тариқат одобининг узвий қисмларидир. Буни Навоийнинг ўзи ҳам ушбу қисмнинг тегишли бобларида тилга олиб ўтади: «Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалғи комидир ва мақсад водийсининг аввалғи манзилиға хиромидур» («Тавба зикрида»); «Ҳар соликкаки, бу мақом дориғай ва хилқати риёзат нури била нафсоният лавсидин ариғай» («Зуҳд зикрида»), «Таваккул аҳликим мақсуд водийсига қадам қўюбтурлар, йўл зоди ҳақ хони эҳсонидин билибдурлар» («Таваккул зикрида»), «Бу мақом соликнинг садафиға долдур ва ихлосиға гувоҳ ҳолдур» («Таважжуҳ зикрида»), «Бу мақом соликнинг аъзам мақомоти ва арфаъ даражоти» («Ризо зикрида») ва ҳоказо.

Тасаввуф мақомлари таснифини X – XV аср адибларииинг кўпчилиги қаламга олишган. Бироқ уларнинг мундарижаси доим хилма-хил бўлиб келган. Бунга сабаб, албатта, ҳар бир ижодкорнинг бу тасаввурларга ижодий ёндашиши натижасидир. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисми ўн бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб мазкур тушунчалардан бирининг шарҳига бағишланган. Ҳар бир боб, аввало, китобхонга бу тушунчаларнинг моҳиятини образли ифодалар орқали, тушунарли ва содда қилиб очиб беришдан бошланади. Чунончи:

«Тавбаи ҳақиқий – мазмум (ярамас) афъол қабоҳатига мутталеъ (огоҳ) бўлмоқдур ва тавфиқ рафиқ бўлиб ул афъолдин ижтиноб қилмоқ (сақланмоқ)дир. Тавбае мужрим (гуноҳкор) бандaнинг кўнгли кўзгусин исён (гуноҳ) зангидин аритур ва ниёз (ёлбориш) масқали (сайқалловчиси) била ул кўзгу юзин ёритур». Ҳар бир тасаввур кетидан бир далилловчи ҳикоя келтирилади ва шеър билан якунланади Бундай қатъий тартибга қисм охиригача изчил риоя қилинган.

Навоий мазкур тасаввурларни бирма-бир шарҳлаб борар экан, уларни ўзлаштиришга ҳар бир кишининг қурби етмаслигига кўзи етади. Ҳатто биринчи – «Тавба зикрида»ги бобда «бу гавҳари шабчироғ ҳар тийра рўзгор лойиқи эмас», деб ҳар қандай одам ўзининг хато иш тутаётганини тан олиб, бошқа тойиб кетмайдиган ҳолда тўғри йўлга киравермаслигини айтади. Бунда адиб масалага хаёлий эмас ҳаётий назар билан қарагани кўриниб турибди. Зуҳд ҳақидаги иккинчи бобда ҳам бу мақомга эришган соликни шундай тасвирлайди:

«Бу талабда кимки бўлса онга рўзий этма хирмон,
Бу таабда кимки ўлса онга васл ила дармон,» -

яъни, «бу даъвони кимки қилса, унга бир хирмон ризқ бағишлаб ўтирма, бу хилдаги табиатли кишиларга ҳақ васлининг ўзи дармондир».

Асарнинг бу қисмидаги тавба, зуҳд, таваккул, таважжуҳ, ризо, ишқ, зикр каби боблар кўпроқ шарҳ тарзида ёзилгани яққол кўзга ташланади. (Булар орасида зикр ҳақидаги боб ҳатто «Зикр шарҳида» деб номланган.) Кейинги бобларда зикр этилган қаноат, сабр, тавозе ва адаб каби тариқат одоби унсурлари умумхалқ маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб, уларни улуғ мураббий Алишер Навоий тўлиб-тошиб улуғлайди. Асарнинг бу қисми ҳақида Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» охиридаги танбеҳлардан бирида дунёнинг ўткинчилиги, киши бу дунёда фақат яхши ном орттиришга интилиши кераклигини айтиб шундай дейди: «Ул сафар асбоби (бу дунёдан орттирган нарсалари – А. Ҳ.) солиҳ аъмолдур ва ҳамида хисол, ва онинг зикри иккинчи қисмда тафсил ва тартиб била рақамга келди ва машруҳ битилди» (151-бет). Бу тасаввурлар талқини Навоийда унинг диний-фалсафий дунёқарашига мувофиқ ҳолда олиб борилади. Яъни, ҳаққа етишиш учун киши «солиҳ аъмол ва ҳамида хисол» – яхши ишлар ва яхши хислатлар эгаси бўлиши керак. «Яхши ишлар» замирида эса халққа хизмат ва унинг манфаатлари ётибди.

Турли тоифалар учун фазилат ёки иллат ҳисобланган хислатлар биринчи қисмнинг тегишли фасларида бирин-кетин ўз ифодасини топиб борган бўлса-да, умуман, одамзот табиатининг кўпгина томонлари фақат шу фасллар билангина атрофлича очила олмаслиги табиий. Иккинчи қисмдаги тариқат одоби, ахлоқ мезонлари барча «яхши феъллар ва ёмон хислатлар» ҳақида мулоҳаза юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймагани ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. «Мутафарриқа фавоид ва амсол сурати» («Турли фойдали насиҳатлар ва мақоллар») деб номланган учинчи қисмда китобхон бевосита соф дунёвий ҳикматлардан иборат ахлоқий масалалар билан танишади. Уни ўқиган киши биринчи қисмдаги типиклаштирилган тоифалар қиёфаларини тўлароқ кўз олдига келтиради. Асар давомида Навоий китобхон кўз ўнгида тўғри юриб, тўғри туришга чорловчи оддий насиҳатгўй, ваъзхон сифатида эмас, «дунёнинг ишлари»дан куйиб-пишган, китобхони билан бирга қоврилаётган шахс сифатида намоён бўлади, бирин-кетин жамият аъзоларининг ниқобини йирта боради.

Инсон табиатининг қирралари кенг, уни қизиқтирган соҳаларнинг поёни йўқ. Бу қисм олдинги қисмлардан жой ололмаган ва бошқа турли ҳолларда зарур бўлган ўгитлардан тузилган. Ҳикмат ва афоризмлардан иборат «Мутафарриқа фавоид ва амсол сурати» («Турли ўгитлар ва мақоллар») деб номланган бу қисм Ибн Синонинг «Зафарнома»сини, Саъдий «Гулистон»ининг охирги, Жомий «Баҳористон»ининг иккинчи бобини, халқ орасида «Луқмони ҳакимнинг юз фойдали насиҳати» номи билан машҳур бўлган ҳикматлар мажмуасини эслатади. Бу ўхшашлик, айниқса, қисмни ташкил этган парчаларнинг номланишида («Гулистон»нинг Сайфи Саройи таржимасида улар «ҳикмат» деб, «Баҳористон»да «фойда», «ҳикмат» деб «Маҳбуб ул-қулуб»да «танбеҳ» деб аталган), улар кўтарган масалаларнинг характерида кўринади. Буларнинг ҳаммасида анъанавий тамойилларга амал қилиш ҳолатларини кўриб турибмиз. Бу қисмда анъанавий шаклдан фарқли равишда муҳим ва йирик масалалар мавзусидаги танбеҳларга сарлавҳалар қўйилган. Саховат, ҳиммат, карам, мурувват, вафо, ҳаё, ҳилм, ёшлик ва кексалик зикри, сафарнинг фойдаси каби танбеҳлар шулар жумласидандир. Бунда умуминсоний фазилатлар ёки инсон ҳаётининг характерли жиҳатлари жуда кўп тилга олинган. Бу қисмда ҳам Навоий анъанавий сўфиёна истилоҳлардан ўзининг илғор ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланиш маҳоратини намойиш этган. У ахлоқий тушунчаларни қотиб қолган ҳолда тасвирламай, муайян вазият учун мослаб ифодалайди ва уларга ижодий муносабатда бўлишни ўргатади.

Ахлоқий фазилатлар ва иллатларнинг очиб берилиши киши табиатидаги руҳий, ижтимоий зиддиятлардан келиб чиқиб баён этилади. Бу эса адибнинг айтмоқчи бўлган эзгу фикрларини ўқувчи одобига сингдириш маҳоратининг юксаклигини ифодалайди. У киши руҳининг поклиги учун курашаркан ҳар бир тасаввурнинг ҳар иккала қутби манзарасини акс эттиришга интилади. Ростгўйлик ва ёлғон, саховат ва таъмагирлик, билим ва жаҳолат каби тушунчалар муқоясаси фикримизнинг далилидир.

Саховатни улуғлаш халқ оммасининг асосий қисми фақирона ҳаёт кечираётган шароитда жуда кўп адибларнинг диққат марказида турган. Навоий ҳам бу тушунчани жуда чиройли тавсифлаш билан бирга уни исрофгарчиликка айлантириб юбормасликка чақиради. «Исроф сахо эмас ва итлофни (совуришни) маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдирганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот (мақтанчоқлик) учун бермак хўднамолик ва анинг била ўзини сахий демак беҳаёлиғ» (111 – 112-бет). Навоий кишини саховатга чорлар экан, бу кимлардадир таъмагирлик уйғотмаслиги лозимлигини ҳам назарда тутади. Бунинг олдини олиш учун қаноатни улуғлайди. Навоийча қаноат олдинги бобда айтиб ўтганимиздек, барча нарсага қаноат қилиб ўтираверишэмас, у кишиларни таъмагирликдан сақловчи ёки покловчи омил бўлиб хизмат қилиши керак. Шундай қилиб, бу ерда асарнинг иккинчи ва учинчи қисмлари орасида узвийлик юзага келади. Асар тузилишидаги бу алоқа, айниқса, ҳеч бир панднома четлаб ўта олмаган илм-маърифат мотивларини ёритишда жиддий манзара касб этади.

Билим олишнинг тарғиботи ўрта асрларда фан асослари билан бир қаторда касб билан боғлиқ «маҳорат», «малака» орттириш маъносида ҳам илгари сурилган.

Ҳар бир адиб ўз замондошларини илм ва ҳунар эгаллашга чақирар экан, бу билан иш ниҳоясига ета олмаслигини тушунар, бироқ масаланинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда қайта-қайта бу мавзуга мурожаат қилишга тўғри келар эди. Бу мотивларни тарғиб қилишда жаҳолат, нодонлик, баъзан ёвузлик каби тушунчаларнинг ҳам бирга юриши бежиз эмас. Мавжуд шарт-шароит бу ғояларни ушбу салбий тушунчалар фонида илгари суришни тақозо қиларди. Масалан, Кайковус: «Билимни ўрганмоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир», – дейди (23-бет). Алишер Навоий ҳам бу мотивларни жаҳолат орасидан кўтариб чиқади:

Илмдин орий улуснинг жоҳили хўдкомаси.
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

(145-бет).

Илм олиш кишининг насл-насабига қараб эмас, барчага баробар тааллуқли, деб тушунади. Навоий: «Гадозодаи хирадманд акобир ҳамрози, ғанийзодаи лаванд арзол дамсози. Ул илму дониш юзидин салотинни қилиб ҳожатманд, бу жаҳл ва инод фартидин халойиқ қошида нописанд» (145-бет). Адиб Аҳмаднинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг бешинчи боби ҳам «илм манфаати ва жаҳл зарари»га бағишланган. Пандномаларда ёнма-ён келган бу мотивлар (илм ва жаҳл) реал ҳаётда ҳам бир-биридан қутулолмай юрган бир шароитда ҳам ҳар бир илмнинг ўз фидойилари бўлган. «Маҳбуб ул-қулуб» биринчи қисмининг 11–25-бобларида илмнинг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган ҳунарлар борасида баҳс юритилади. Улар орасида биз диний илм соҳиблари: шайхулислом, қози, муфти, имом,

муқри (қори), ҳофиз (Қуръон ёд олувчи) лардан ташқари мударрислар, табиблар, шоирлар, котиблар, мактабдорларни учратамиз. Навоий илм аҳлидан фақат диний илм билан чегараланиб қолмасликни, балки дунёвий илмга ҳам эътибор беришларини талаб қилади. Илм деганда кўпчилик фақат диний илмни тушуниб юрган, дунёвий илм тарафдорлари, кўпинча, таъқиб остига олинган, бир шароитида бундай фикрларнинг илгари сурилиши ниҳоятда муҳим. Навоий ҳатто қозилардан ҳам дунёвий билим талаб қилади: «Улуми диниядин кўнгли мулки маъмур керак ва яқиний фаросатдин хотири жамъияти бефутур.» Худди шу фикрни биз «Мударрислар зикри»да ҳам ўқиймиз: «Диний улум билса ва яқиний масоил элга таълим қилса».

Илмнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини кўкларга кўтариш билан бирга Навоий унинг амалий томонига асосий эътиборни қаратади. Илмнинг амалий натижалари унинг халқ орасида қўлланилишида деб кўрсатади. Ҳар бир илм эгаси – у хоҳ мударрис, хоҳ табиб, ҳоҳ шоир ёки котиб бўлсин ўз илмига содиқ бўлсагина халқ эътиборини қозониши мумкин. Илмда чаласаводлик эса унинг амалий оқибатларини йўққа чиқаради: мударрис ўзи билмаган нарсаларни ўқитишга чиранмаслиги, манманлик учун дарсга кирмаслиги керак; агар табиб «фанида моҳир бўлса, аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй (сўзда қўпол), маризга агарчи ҳар жонибдан илож еткурур, аммо неча жонибдин тағйири мизож еткурур»; котиб қанчалар «хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлғай. илги фалаж иллатига жўб бўлгай». Хуллас, булардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса – олган билимига тўғри амал қила билиш ҳам муҳим масала. Жуда қадимдан кўтарилган бу масалани Саъдий ижодидагидек ҳеч бир пандномада кўп учратмаймиз. Саъдий илмига амал қилмаган олимни машъала кўтарган кўрга, болсиз асаларига, сусткаш одамни йўлда уйқуга кетган отлиққа ўхшатади ва ҳ. к. Табиийки, «Маҳбуб ул-қулуб» танбеҳларидаги сатрлар (III-қисм) асарнинг биринчи қисмидаги юқорда зикр этилган фаслларни тўлдириб келиши билан бирга Навоийнинг бу жиҳатдан, энг аввало, Саъдий ижодидан таъсирланганини кўрсатиб турибди. Фикримизнинг далили сифатида «Гулистон» ва «Маҳбуб ул-қулуб»дан характерли мисоллар келтирамиз: «Гулистон»да айтилганки:

Ҳар ки илм хонд ва амал накард,
бедон монад ки гов ронаду тухм наяфшонад[1].

Мазмуни:

«Илм олиб амал қилмаган одам,
ерни шудгорлаб уруғ сепмаган деҳқонга ўхшайди».

Бу ўхшатишдан Навоий ҳам усталик билан фойдаланади: «Илм ўқуб амал қилмаған, ерни шиёр қилиб тухм солмағанға ўхшар ё тухм солиб, маҳсулидин баҳра олмағанға» (141-бет).

Ерни шудгорлаб уруғ сепмаслик, қанчалар машаққатли меҳнатнинг зое кетганлигини англатса, илм олиб амал қилмаган одамнинг фожиа даражасини янада кўтариб тасвирлайдики, бу ҳол – ер ҳайдаб, уруғ сепиб, ҳосил етиштириб, шу ҳосилдан бебаҳра қолишдан ортиқроқ мусибат бўлмаса керак.

«Гулистон»да:

Ду кас ранжи беҳуде бўрданду саъйи беҳуде карданд.
Яки онке андухту нахурд ва дигар омухту накард.
Илм чандонки биштар хони,
Чун илм дар ту нист нодони
Он таҳи мағзро че илму ҳунар
Ки бар у ҳизумаст ё дафтор.

Мазмуни:

«Икки тоифа одам беҳуда ранж тортиб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади:
бири йиғиб-териб емаган ва иккинчиси эса илм олиб унга амал қилмаган.
Қанчалар кўп илм олмагин,
Агар амал қилмасанг, нодонсан,
Устига китоб ортилган уловни
На олим деб бўлар ва на донишманд.
У миясиз қаердан билсин
Устидаги ўтинми, ёки китобларми».

«Маҳбуб ул-қулуб»да: «Фосиқ олим – донишваредур ўз нафсига золим, ғание бахил – нодонедур ўз зиёнига мухил. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар. Бир улким, илм ўрганурга ранж тортти-ю амал қилмади, бири улким, мол йиғарға эмгак чекти-ю сарф қилурин билмади.

Қитъа:

Олимеким илми эрди беамал,
Ё ғанийким, молига бухл эрди ёр.
Ўлдилар юз ҳасрату армон била
Элга бўлди ишларидин эътибор».
(121 – 122-бетлар).

Бу бир-бирини эслатиб турувчи сатр ва мисраларда илгари сурилган фикр ва ғоянинг «Маҳбуб ул-қулуб»да яхшигина ривожлантирилгани яққол кўриниб турибди. Аввало, улардаги образлар муайянлаштирилган: «Фосиқ олим» ва «ғании бахил». Айни пайтда бу тоифаларни сифатлаш учун энг характерли сўзлар танланган: «ўзига зулм қилувчи донишманд» ва «ўз зиёнига юрувчи нодон». Ҳар иккала адиб уларнинг умрини зое ўтишини айтадилар. Лекин бу зое кетиш сабабида фарқ бор: Саъдийда бу маълум даражада хусусий доирада берилган бўлса, Навоий уни ижтимоий миқёсга кўтарган. «Гулистон»даги бу ҳикмат «Маҳбуб ул-қулуб» нинг бошқа бир танбеҳида мутлақо ижтимоий характер касб этади: «Хайрсиз ғаний – ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим – доббаки (улов), анга юклагайлар китоб» (122 – бет). Яъни булутнинг ёмғирли бўлиши, албатта, кўпчиликка нафи тегиши билан боғлиқ бўлса, олим кишининг амалий иши бўлмаса, чиндан ҳам китоб ортилган улов каби атрофдагиларга нафи тегмайди. Бу билан Навоий бу мотивларни индивидуалликдан ижтимоийликка – хусусийликдан умумийликка олиб чиққан.

Ҳикматлар таркибидаги бир хил мотивларнинг икки ижодкор асарида учрашини уларини рўёбга чиқарган маънавий заминнинг бирлигидан деб билмоқ керак. Жумладан,

Қуръоннинг «Ал-Жумъа» сурасида бу ҳикмат «Масалул-лазина ҳуммилут-Таврота сумма лам яҳмилуҳа камасалил-ҳимари яҳмилу асфаран...» (5-оят), яъни «Таврот юкланган, сўнгра уни кўтара олмаган кимсалар худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди» тарзида берилган.

Ёки Имом Ғаззолий ҳақида «Гулистон»да шундай фикр бор:

Имом муршид Ғаззолийро (р.а) пурсиданд: Чегуне расиди бедин манзилат дар умум?
Гуфт: Бе онке ҳарче надонистам пурсидани он нанг надоштам.
Мазмуни:
«Имом Ғаззолийдан: Илмда бундан юксак даражага қандай етишдинг, деб сўрайдилар.
У: билмаган нарсамни сўрашга уялмадим», – деди.

Бу сатрлар кейинчалик Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрмаган ўзига золим» (145-бет) ҳолида бадиий жиҳатдан пухта бир афоризмга айланди. «Гулистон» ҳикматларининг бирида шундай дейилади:

Ҳакими ке бо жуҳҳол дар ўфтад таваққўи иззат надорад. Ва гар жоҳили бе забоновари бар ҳакими ғолеб ояд, ажаб нест ки, сангке гавҳар ҳамишеканад52.

Мазмуни: «Жоҳил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай қўя қолсин. Башарти жоҳил баҳслашувда олимдан устун чиқса, ажабланарлик ери йўқдир, чунки ҳамиша тош гавҳарни синдиради».

«Маҳбуб ул-қулуб»да бу ҳикмат туртки бўлган танбеҳ қуйидагича берилган: «Одимки жоҳилни муқобалаға келтуруб илзом қилмоғи ҳавас бўлғай. анинг ўзига ушбу иҳонат-ўқ бас бўлғай. Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай» (142-бет).

Бу ерда Саъдий кўз ўнгимизда «гавҳарни тошга урилиб синиши»нинг кузатувчиси сифатида, Навоий эса «гавҳарни тошга имтиҳон учун урмаслик»нинг талабгори сифатида намоён бўлади ва бу билан ўз фикрларининг таъсирчанлигини оширади. Бу бир неча мисоллар муқоясасидан кўриниб турибдики, Саъдий ижодида Навоий учун туртки бўлган ҳар бир мазмун «Маҳбуб ул-қулуб»даги танбеҳларда ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан салмоғи ошган. Саъдийда учқун бўлиб кўринган нарсалар Навоий ижодида шиддатли ўт олиб, алангаланиб кетганини кўриб турибмиз.

Пандномалардаги илм мотивлари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, шеърият илми ва шоирларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтмай иложимиз йўқ. Бу ҳақда турли давр адиблари ўз пандномаларида турлича муносабат билдиришган. Кайковус шеъриятни зодагонларга хос деб, оддий халққа яхшиси насрда ёзган маъқул деб ҳисоблайди. Мадҳ ёзишда моҳир бўлишга чақиради. Асосан, саройда, ҳукмдорлар ҳузурида, равнақ топган бу давр шеърияти мадҳдан фориғ бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Низомий Арузий Самарқандий «Чор мақола»да шоирларнинг ҳукмдорлар номини жаҳонга ёйишдаги ҳизматларига юқори баҳо берганда ҳам уларнинг ижодидаги қасидаларни назарда тутади.

Носир Хусрав «Рўшноинома»да бу хусусдаги ўз нуқтаи назарини шундай ифодалайди:

Хирад бар мадҳи ноаҳлон бхандад,
Кас бар гардани хар дур набандад.

Мазмуни:

«Ақл нокаслар мадҳидан кулар,
Ҳеч ким эшак бўйнига дур осмайди».

Носириддин Хусрав Исфаҳонийнинг ҳам шеъриятда мадҳияга муносабати шундай:

Маро камтар хўреш буди-ю пушеш,
Бемадҳи кас набуди жаҳду кушеш.

Мазмуни:

«Овқат ва кийимдан қийналсам ҳам,
Ҳеч кимнинг мадҳига рағбат кўрмадим».

Саъдийнинг «Гулистон» асари таъсирида ёзилган «Баҳористон»да шоирлар ҳақидаги боб киритилишининг (гарчи Саъдийда бундай боб бўлмаса-да) ўзгача маъноси бор. Саъдий «Гулистон» асарини ёзганда уни дарсликка айланиб кетишини назарда тутмаган. Буни асар дебочасидаги унинг кўпчиликка – шу жумладан, барча саводхонларга мўлжаллаб ёзилгани ҳақидаги жумлалардан ҳам англашимиз мумкин. «Гулистон»нинг дарслик снфатида шуҳрат топиб кетиши Жомийда «Баҳористон»ни шу мақсад сари йўналтиришга ундагани аниқ. «Баҳористон» муқаддимасида айтилганидек, асар шоирнинг ўғлига, шунингдек ёш ўқувчиларга атаб ёзилган. Бундай китобда Жомий шоирлар ҳақида тўхталиб ўтмай иложи йўқ эди. Шунинг учун бу боб «Баҳористон»да ҳатто тазкира кўринишини касб этган. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бу тоифанинг машҳур кишилари ва «оқсоқ» намояндаларига бўлиб тасвирлаш билан бирга машҳурларини батафсил тасниф қилади. Бу классификация давр адабий муҳитини қандай англаганлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишимиз учун катта аҳамиятга эга.

Навоий илму ҳунарнинг қайси соҳасини қаламга олмасин, В. Зоҳидов айтганидек: «Ҳар нарсадан олдин у ҳақиқий ҳаётий фанларни, предмети объекти реал воқелик, табиат бўлган, мақсади инсонни бахтли қилиш бўлган фанларни, табиатни инсон тарафидан ўзлаштиришда унга ёрдам бера оладиган, ўша табиатнинг тилсимларини очишда калит бўла оладиган, реал табиатга, соғлом ақлга суянган, асосланган фанларни, адолатсизликка барҳам бера оладиган фанларни кўзда тутар эди»[1].

Танбеҳлар баёнида панднома жанри хусусиятининг яна бир қирраси яхши намоён бўлади. Илгари сурилаётган фикрнинг шахси номаълум гап, шахси умумлашган гаплар орқали ифодаланиши муаллиф мақсадининг маълум бир тоифа одамларга эмас, маълум бир хислатлар эгаси устидан ҳукм чиқаришга қаратилганини кўрсатиб туради. Буни биз ҳали кейинги келтирилган мисоллардан ҳам кўрамиз.

Ҳикматларнинг мажмуа ҳолда кетма-кет келиши бундан олдинги пандномаларда ҳам учрайди. Саъдийда бу боб «Суҳбат одоби ҳақида» деб аталади. Жомийда эса «Буюк ҳаким ва донишмандларнинг хулқ ва одоб ҳақидаги панд-насиҳатлари» ва ҳоказо. Бу қисмнинг дастлабки сатрлариданоқ Навоий олам аҳлининг ўз иши, сўзи ва ўзини ҳар ўринда ўзларига маъқул кўринишини айтиб, олим учун нодон сўзи ҳам ибрат, жоҳил учун олим сўзи ор эканини уқтирар экан, ўз ўқувчисини кейинги келадиган танбеҳларни қабул қилишга ҳозирлайди.

Бу қисмнинг дастлабки бир неча танбеҳлари ҳудбинлик ва худпарастликка қаратилган. Навоий ўрта аср феодал ахлоқининг газак олиб кетган бу хусусиятларини барча икир-

чикирларигача фош этади: «...барчага ўзгадин ўзи азизроқ ва ўзгалар сўзидин ўз сўзи азизроқ, Олам яхшилиғин киши ўзидин дариг тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас». Бу иллат «олам аҳли»га шунчалар ёйилиб кетган экан деб Навоий тақдирга тан бериб қўя қолмайди. Бу қисмда бирор ижтимоий тоифа ёки табақалар хусусидагина эмас, умуман, кишилар хулқидаги иллатларни танқид, қилиб, фазилатларни улуғлаб бораверади. Ўзи таргиб қилаётган намунали ахлоқ учун курашади. Бунда у худбинлик асосига қурилган худпарастлик, таккаббурлик, кибру ҳаво каби иллатларни бирмунча батафсил шарҳлаб беришга ҳаракат қилади. Ўзининг ахлоқий идеалини бундай иллатлардан ҳимоя қилади. Чунки бу иллатлар ўзига баҳо беришда, ўз имкониятларини ҳисобга олишда кишини чалғитади: шеърлари кулгили шоир хаёлида ўзини Саъдий ва Хусравлардек ҳис этади, бадхат котиб Жаъфар ва Азҳарлардан ҳам зўр хатим бор деб ўйлайди ва ҳ. к. Навоий ўз шахсиятига бино қўйиш фақат кишининг ўзигагина эмас, атрофидагиларга ҳам ниҳоятда ноқулай ва чидаб бўлмайдиган бир муҳит юзага келтиришига диққатни қаратади (103-бет).

Мансабпарастлик, кибру ҳаво, такаббурликни очиш жараёнида бу иллатларга мубтало бўлган кишиларнинг кирдикорлари фош қилинади. Бунинг натижасида адиб асарнинг дастлабки қисмдарида айтилмай қолган кўпгина фикрларнинг бир қанча тоифалар учун умумий кўринган томонларни бу ерда айтишга муваффақ бўлади. Масалан, «Олам аҳли ўзлари қошида маҳбубдурлар ва сўзлари ўз илайларида марғуб. Ва башар жинси бу сифатга мажҳулдурлар ва нафслари беихтиёр бу давоға машғул» (100-бет) деган адиб бошқа бир танбеҳда бу фикрни ривожлантириб: «башар жинсиға ўз хатоси дилпазирдур ва мардуд фарзанди ногузир: ямон шеърдекким, табъ зодасидур, иккаласи башар табъи натижасидур ва моддаси. Агар манкуб бўлсун ё марғуб, ўзига кўрунгусидур маҳбуб» (136-бет) дейди. Барча иллатларнинг манбаи ҳам мана шунда. Ҳар қандай ахлоқий иллатга чалинган киши ўз кўнглидагини маъқул билади.

Кишиниг ижтимоий шахс сифатидаги хусусиятлари узоқ даврлар давомида шаклланган. Асрлар давомида классиклар уларнинг раво кўринганини тарғиб, нораволарини танқид қилиб келганлар. Бу ғояларнинг тарғиб қилиниши ва ёйилишида табиийки, сўз, суҳбатларнинг роли катта бўлган. Орифлар учун, масалан, суҳбат одобига риоя қилиш ҳаққоний талаблардан бири эди. Бу ҳақда «Қобуснома» ҳатто дастлабки бобларданоқ ўз китобхонини огоҳлантиради» (7-боб). Аммо Навоий суҳбат одобига Кайковусдек қараб, ундан баланд мартабага эришиш учун фойдаланишга чақирмайди. Навоийда бу масалага Саъдиёна ёндашиш кўпроқ сезилиб туради. Бу хилдаги муносабат кам сўзлашда, ҳамма вақт идрок ва фаросат билан фикр билдиришда ўз ифодасини топади.

«Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар»,»сўзида паришонлиқ, ўзида пушаймонлиқ» (132-бет), – каби халқ донолигининг ифодасини ўртага ташлар экан, Навоийнинг бу борада нақадар талабчанлиги кўриниб турибди.

Навоий «эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи», «...кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп йиқилур» (101-бет), – дер экан, бу фикрлари, албатта, сафсатабозликка қарши қаратилган зарбадир. Бироқ бу фикрларни илгари суриш билан у одамларни лоқайдликка чақирган деб бўлмайди. Камгапликка даъват Навоийда одамларнинг оғзини юмиб қўйиш учун хизмат қилмайди. Бунга биз унинг «Маҳалида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама» дегандаёқ тушуниб оламиз. Навоий бу ғояларни мумкин қадар тўлароқ ва ёрқинроқ ифодалашни кўзлаб хаёлида бор факт ва таассуротларни қуюқлаштиради,

бир неча ўринда, бир неча шаклда беради. Навоийнинг сўзга бўлган талабининг бунчалик муфассаллигига сабаб унинг буюк сўз устаси эканидан деб билишимиз керак. У бу йўлда халқ мақоллари, классиклар ижодидаги ҳикматлардан усталик билан фойдаланган. «Ул кўнгулгаким қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиғ тил заҳролуд нешдек бўлғай. Кўнгулдаги тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур» (125-бет). Бу танбеҳ «Қилич яраси тузалса ҳам тил яраси тузалмас» деган халқ мақолини эслатиш билан бирга ҳар ҳолда бу ярага ширин сўз малҳам бўлишини айтиши сўзнинг аҳамиятини янада ортиради.

Навоий бу дурдоналардан фойдаланаркан, уларни қўшимча бадиий бўёқларда эсда қоладиган қилиб ифодалайди: «Ҳарзагўйким (беҳуда сўзлар айтувчи) кўп такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча ҳургай». Тилнинг инсон ҳаётидаги ўрнини ифодалаб Навоий шундай дейди: «Одами тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур» (125-бет). Шу мавзунинг ўзини изчил ривожлантириб, Навоий инсон ҳаётида сўз билан боғлиқ бўлган иллат ва фазилатларга тўхтала боради. Чунончи, унинг «рост» ва «ёлғон» ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовор. Мана унинг эшитувчини ғафлатда қолдириб ёлғон гаплар билан ўзининг муродини» ҳосил қилиб кетган одам устидан чиқарган ҳукми:

«Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак. Қутлуғ эв дунёдурур, яъники ўлтурмак керак».

(127-бет).

Бу мотивларни ўтмиш донишмандлари фақат бир томонлама шарҳлаб келишган. Уларнинг кўпчилиги, шубҳасиз, «рост»ни улуғлаб, «ёлғон»ни қоралаш билангина кифояланиб қолишган. Инсоннинг қарама-қаршиликларга бой ҳаёти ҳақида улар билдирган фикрлар турмуш нотекисликларини реал ҳисобга олмаслик оқибатида фақат рисоладаги гаплар бўлиб қолаверган. Навоий жуда кўпчиликка намуна бўлиб келган шахсий ҳаётида ҳам, улкан ижодида ҳам «рост»ни ёқлаб келган. Буни биз юқоридаги байтдан ҳам кўриб турибмиз. «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»да:

Сўзда, Навоий, не деса чин дегил,
Рост наво нағмасиға таҳсин дегил[1], -

деган Навоий кези келганда ёлғон гап ҳар қандай ростгўйликдан устун туриши мумкинлигини уқтиради. Бу ҳақда Саъдий «Гулистон»нинг биринчи бобида (1-ҳикоят):

Херадмандон гуфтаанд «дуруғе маслаҳатомез беҳ ке рости фитнаангез.

(«Донишмандлар фитна қўзговчи ростдан яраштирувчи ёлғон яхши деганлар»), деган бўлса, Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг танбеҳларидан бирида: «Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулик ҳам эмас... Бу навъ ваҳшатангиз чиндин бўл йироқки, мулоямаюмиз ёлғон андин яхшироқ,» – деб юқоридаги Расулуллоҳ ҳадисларда ҳам бир неча бор такрорланиб келган бир фикрни ривожлантиради (136-бет). Навоийнинг 162-бетдаги «Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас» ёки кейинги танбеҳдаги «Ёлғончини дебдурларки, тенгри душманидур» деган фикрларини юқоридаги мисол билан

таққослаганда асардаги ички зиддиятлар намуналари келиб чиқмайди, балки ҳар қандай вазиятда ҳам ижодий ёндашишга чақириқни кўрамиз.

Навоий намунали ахлоқ мезонларини тарғиб қилар экан, эҳсонга жуда юқори баҳо беради ва уни бу мезонларнинг ғоявий асосига айлантирмоқчи бўлади:

«Жамъи пасандида сифот ва мустаҳсан ҳолот эҳсонға тобеъдур ва анинг замирида мундариж ва воқеъдур; ул барча яхшиликларға жомеъ ва бари яхшиғлар анга филҳақиқат рожеъ» (108-бет). Навоий бу фикрни кейинроқ бир қитъасида келтириб, янада мустаҳкамламоқчи бўлади:

Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон.
Бири андин саходир, бир мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.
(144-бет).

Профессор А. Ҳайитметов ўша даврни характерлаб шундай деган эди: «...хайру эҳсон масаласини олайлик, у вақтларда ўзини ўзи моддий таъминлаш имконига эга бўлмаган кишиларга ижтимоий таъминот масаласи ҳал қилинмаган бўлиб, бундай кишилар бой феодалларнинг мурувватига қарам эди. Жамиятнинг асосий бойликларини ўз қўлида тутган бу феодалларни ундай одамларга хайру эҳсон қилишга мажбур қиладиган қонун йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу масала дидактик адабиётда қайта-қайта қаламга олинар, панд-насиҳат йўли билан уларнинг кўнглини юмшатишга ҳаракат қилинар ва бу ҳаракат бутун феодализм давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир нарса зди». Бироқ Навоийнинг бу ердаги талқинида «Эҳсон» сўзини форсий ва араб тилидаги дастлабки луғавий маъноси – «яхши ишлар қилиш» деган мазмунда тушунмоғимиз лозим бўлади.

Юқоридаги қитъанинг охирги мисрасида Навоийнинг ўзи бу сифатларни инсонийликка олиб бориб тақаганига диққат қилинг. Ёки: «Инсоният боғининг дилпасандроқ шажари эҳсондур ва одамийлик конининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.» Яъни бу ерда одамийлик эҳсондан кенг тушунчалиги, эҳсон эса одамийлик шартларидан бири экани эътироф этилмоқда.

Яна бир ерда: «Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзин айтурда беваҳму бок бўлғай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдурки, мусулмонлар анинг тили ва илгидин эмин бўлгайлар ва кўзу кўнглидин мутмаин» (155-бет).

Ҳадисга асосланган бу танбеҳ одамийлик мундарижасини фақат кенгайтирибгина қолмай, одамийликни мусулмонликнинг шарти қилиб қўяди. Бундан кўриниб турибдики, Навоий кўзда тутган фазилатларнинг барчаси эҳсондан ҳам кенгроқ тушунча бўлган одамийлик талабларига бўйсундирилган. Яна бир ерда: «Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсға маъмурлуқ. Одамийга бу сифатлар завоид, барчаси худпарастликқа оид» (101-бет), дейди.

Демак, бу ерда зикр этилган сифатлар одамийлик доирасидан ташқарида қолади. Бу ўринда ҳам одамийлик сўзи фазилатларни қамровчи тушунча сифатида келтирилади.

Хуллас, юқорида келтирилган мисолдаги «...одамийга бу сифатлар завоид, барчаси

худпарастлиққа оид» жумласида «Маҳбуб ул-қулуб» илгари сурган етакчи ғоянинг икки формуласи ётибди. Бошқача қилиб айтганда, «Маҳбуб ул-қулуб»да тасвирланган турмушдаги барча иллатлар худпарастлик, ўзига берилганлик замирида илдиз отган; киши табиати ва муомала одобидаги фазилатларнинг барчаси эса одамийликка асосланган бўлади ҳамда Навоийча намунали ахлоқ мезонларини ташкил қилади. Бу мезонларни тарғиб қилиш жараёнида Навоий эҳсон, саховат, ҳиммат, мурувват, вафо, ҳилм, аё, ишқ, дўстлик, сабр, қаноат, холисона хизмат каби умумиинсоний фазилатларни алоҳида-алоҳида танбеҳларда шарҳлаб китобхон диққатини уларнинг нозик томонларига қаратади. Шу билан бирга инсон табиатидаги худпарастлик, такаббурлик, кибру ҳаво, бахиллик, нодонлик, фосиқлик, риёкорлик, шаҳватпарастлик, нафспарастлик, адоват каби иллатларнинг аломатларини ажойиб ва эсда қоларли ташбиҳлар билан ифодалаб беради. Булардан ташқари асарда фазилат ёки иллат ҳисобланган турли мавзулардаги мақол ва афоризмлар тизмасидан ташкил топган танбеҳлар ҳам талайгина. Бироқ улар ҳам асарнинг умумий ғоясидан ташқари чиқмайди.

Пандномаларда адабий таъсирнинг ғоявий-тематик жиҳатини олсак, кўриниб турибдики, у ёки бу фикрни фалон адиб фалончидан олган деб айтиш қийин. Чунки панднома жанрида қаламга олинган мавзуларнинг аксарияти ҳаётнинг кўпчиликка манзур хулосаларидан, ўша вақтлар тилдан тилга кўчиб юрган ҳикмат ва анъанавий мотивлардан иборат бўлиши мумкин. Бу фикрларни илгари суришда адибларнинг роли уларни қай даражада ривожлантиришда, ўз ғоявий мақсадига қандай бўйсундиришида ва қай даражада бадиий ифодалай олишида кўринади. Қуйидаги бир неча характерли мисолларга диққат қилинг. «Қобуснома»'да шундай сатрлар бор:

Ҳар шодике бозгашти он бағам бошад, онро башоди машўмўр.
Ва ҳар ғамике бозгашти он башоди аст, бағам машўмўр[1].

Мазмуни: «Охири ғам билан тугайдиган шодликни шодлик дема ва охири шодлик билан тугайдиган ғамни ғам дема». Бу фикрни бирмунча бошқачароқ вазиятга тадбиқ қилиб, Саъдий «Гулистон»да шундай дейди:

Ғамике аз пояш шодмони бари
Беҳ аз шоди к-аз пише ғам хўри[2]

Мазмуни: «Шодликдан олдин чекилувчи ғам, ғамга элтувчи шодликдан афзал». Бу ерда фикрлар бир, аммо татбиқ қилиниш ўрни ва баён шакли турлича. Биринчисида насрий, иккинчисида шеърий баён тарзи қўлланилган. Шу билан бирга «Гулистон»да фикрнинг татбиқ қилиниш ўрни ҳам бошқа – бу байт «охири вой бўладиган шоҳ бўлишдан келажаги порлоқ гадолик яхши», деган фикрнинг исботи тарзида берилган.

Мисол учун яна Рудакийнинг машҳур:

Ҳарке номухт аз гузашти рузгор
Низ номузад зи ҳич омузгор
Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод, –

деган мисраъларини олайлик[1]. У «Қобуснома»да Анушервоннинг панд-насиҳатлари жумласида қуйидагича берилган:

«Ҳарке рузгор уро доно накунад, дар омузеши у ҳич касро ранж набояд бурд ке, ранже у зойе бошад».

Яъни: *«Турмуш ақлини киритмаган кимсани ўргатмоқ учун ҳеч ким овора бўлмасин, чунки меҳнати зое кетади»* шаклида келади. Тарбиянинг зое кетиши хусусидаги бу фикрни Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»ида бошқачароқ бир шаклда, шу билан бирга масаланинг ҳар икки томони ҳисобга олинган ҳолда қуйидагича ўқиймиз: «Қобилга тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зое қилма» (143-бет). Бу эса «Гулистон»нинг еттинчи бобидаги биринчи ҳикоятни эслатади. Саъдий уни шеър билан шундай хулосалаган:

Чун бўвад асл гавҳари қобил
Тарбиятро дар у асар бошад.
Ҳич сайқал наку надонад кард
Оҳанироке бадгавҳар бошад.
Саг бар дарёйи ҳафтгона бишуй
Ки чу тар шуд – палидтар бошад.
Хари Исо гараш бе Макка баранд
Чу биёяд ҳануз хар бошад.

Мазмуни:

«Қобилият бўлса, аслида
Тарбия унга таъсир этади.
Сайқал бериб ўтирма, фойдаси бўлмас.
Темирнинг ўзи гавҳар бўлмагач,
Итни етти денгиз сувига чўмилтирсанг ҳам
Ҳўл бўлдими, палидроқ бўлар,
Исонинг эшагини Маккага олиб борсалар ҳам,
Қайтиб келгач, эшаклигича қолар».

Бундай ҳолни «Гулистон»даги тарғиб характерида ёзилган қуйидаги сатрлардан ҳам кўришимиз мумкин: Тў ки аз меҳнати дигарон биғами Нашояд ки номат ниҳанд одами

Мазмуни:

«Бошқалар ташвишин ғамин емасанг
Номингни одамий атамайдилар».

Бу байтни Навоийнинг:

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами, –

деган мисралари билан таққослаганда Саъдий бу байти билан бениҳоя кенг ва чуқур бир мазмун ифодасига йўл очиб берганини кўрамиз. Навоий эса бу ерда бир ўқ билан уч

қушни ургандай, аввало, бировни ўйламайдиган кишини ҳеч бир иккиланмай мутлақо одам демасликка даъват қилса, иккинчидан ўқувчининг одамийлик шартини шунда намоён бўладиган қилиб қўяди. Учинчидан, Саъдийда «бошқалар» тушунчаси бирмунча тор маънони англатса, бу фикр Навоийда умумлаштирилиб бутун «халқ» маъносида авж пардасига кўтарилган. Навоийдаги бу дадил ифодани унинг жамиятда давлат арбоби сифатида тутган ўрнига қараб баҳоласак, Саъдийнинг байтида унинг узоқ муддат оддий халқ орасида сафарларда юргани, ижодида ҳам уларнинг орзу-истакларини ифодалагани акс этиб турибди.

Демак, инсоният тарихи давомида соф виждонли кишилар орзу қилиб келган умуминсоний фазилатлар панднома жанрида кенг кўламда ва қуюқ бўёқларда ифодаланади. Пандномада ёритилган мавзулар фақат унинг ўқувчиларигагина эмас, балки кейинги давр ижодкорларига ўз асарларининг тарбиявий аҳамиятини юксалтиришда бой материал бериб келди. «Гулистон» дебочасида Саъдий бу асари ҳақида «унинг («Гулистон»нинг) япроқларига куз фаслининг шафқатсиз қўли етмайди ва замона ўзгаришлари унинг хуррам баҳорини ҳазин кузга айлантира олмайди» деганидек, Алишер Навоий пандномаси ҳам замонлардан тўсиқсиз ўтиб келаётган ҳикматларга жуда бой.

«Маҳбуб ул-қулуб» ўзининг замонавий мазмуни, қўйилган масалаларга ажойиб, воқеий муносабати билан ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллай олди. Бу асарнинг моҳиятини, унинг ғоявий асосларини халқпарварлик, одамийлик принциплари ташкил қилади ва мавзуси шу илғор замонавий ғоялар заминига илдиз отган. Асар бошдан оёқ чуқур халқчил руҳда ёзилган бўлиб, уларда халқ ҳаёти ҳаққоний акс этади, халқнинг орзу-истаклари ифодаланади. Алишер Навоий ўз халқини чуқур муҳаббат билан севгани, унинг манфаатларига умрининг охиригача содиқ қолгани шу сўнгги йирик асарида яна бир бор яққол кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, «Маҳбуб ул-қулуб»ни бошқа пандномалар билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, асарнинг юзага келишида пандномачилик анъанасидан кўра кўпроқ муаллифнинг шу мавзуга қўл уриш заруратини қаттиқ ҳис этиши муҳим омил бўлган. Буни асарнинг исёнкорлик ва фош этувчилик руҳи ҳам тасдиқлаб турибди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг таҳлили адибнинг ахлоқий ақидаларига Қуръон, Ҳадис, халқ оғзаки ижоди, ўтмиш мутафаккир донишмандлари ҳикматлари маънавий замин бўлиб хизмат қилганини кўрсатади.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да қанчадан қанча анъанавий ғоя ва образларга қўл урмасин, уларнинг талқин ва таъсирчанлигини, биринчи навбатда, ўз замонаси билан узвий боғлиқликда кўрди.

Пандномалардаги, кўпинча, китобхон манфаати юзасидан мулоҳаза юритиш бу асарда ҳар бир масалага халқ манфаати нуқтаи назари билан ёндашишга алмашинди ва пандноманинг ижтимоийлиги биринчи планга кўтарилди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Навоий ҳар бир кишининг хислатларига ўта талабчан, халқ турмушида учрайдиган ҳар бир иллатга ўта шафқатсиз. Бу асар ўзининг ғоявий йўналиши билан замонани Навоий орзу қилган даражада ўзгартириб юбормаган бўлса ҳам, уни ўқиган ҳар бир соф виждонли киши учун катта таъсир кўрсатган, уни эзгуликларга етаклаган.

«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» НИНГ БАДИИЯТИ

Ўз даврининг барча мавжуд жанрларида муваффақият билан қалам тебратган улкан мутафаккир Алишер Навоийга умр бўйи қалбининг тубида йиғиб юрган гапларини китобхонга етказишдек ижодий мақсадини амалга ошириш учун панднома жанри жуда қўл келди. Бинобарин, «Маҳбуб ул-қулуб» туркий тилдаги дастлабки насрий пандномалардан бўлиб ҳисобланади.

Дидактик достонлар ҳақида фикр юрита туриб, А. Ҳайитметов шундай дейди: ...«Ҳайратул-аброр» каби достонларнинг юзага келишида форс, тожик ва озарбойжон дидактик дотонларининг таъсири ўзимиздаги бу соҳада мавжуд традициялар таъсиридан кучлироқ бўлди[1]. Худди шундай ҳолатни биз Навоийнинг панднома жанрида ёзган «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг яратилишида ҳам кузатамиз. Навоий замонасида туркий тилдаги адабиёт ҳам ўзига яраша бир неча юз йиллик анъаналарига эга эди. Бироқ бу даврда пандномалар яратиш соҳасида форс-тожик адабиёти тажрибалари анча илгарилаб кетган ва ўзининг амалий натижаларини кўрсатиб турарди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»ни яратишда кўпроқ форс-тожик адабиёти анъаналарига суянди.

Маълумки, адиб ижодида адабий таъсир ғоялар, образлар ва бадиий воситалар орқали намоён бўлади. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» рисоласида ҳам бу жанрда форс-тожик адабиётида мавжуд асарларга ғоя жиҳатидан, образлар жиҳатидан ёки бадиий воситалар жиҳатидан яқинлик сезилган ўринлар талайгина. Шу билан бирга ундаги янгидан янги ғоя, образ ва бадиий воситаларни кўриб киши ҳайрон қолади. Айниқса, асарнинг тематик жиҳатдан бойиши, янгиланиши унинг қимматини янада оширди. Панднома жанрида яратилган асарлар тематикасининг муштараклиги бу асарларни бир туркумга бирлаштириб турса, ғоявий-бадиий хусусиятларидаги тафовут уларни бир-биридан ажратиб туради. Улардан ҳар бирининг адабиёт тарихидаги ўрни умумий томонлари билан эмас, ўзига хос томонлари билан белгиланади.

Шоирлар қасида, ғазал, мухаммас, рубоий, қитъа, каби шеърий жанрларга бутун ижодлари давомида такрор ва такрор мурожаат қилишган. Бу жанрларга қўйиладиган талаблар барчага маълум бўлган. Айниқса, уларнинг шакли масаласида баҳсга ҳеч бир ўрин йўқ. Ижодкорлар шу талаблар доирасида ўзларининг ижодий маҳоратларини намойиш қилишган. Бироқ панднома бир адибнинг ижодий биографиясида бошқа жанрлар каби кўп кузатиладиган ҳодиса эмас. Кўп ҳолларда бир ижодкор ўз ҳаётида битта панднома ёзиши мумкин. Шу маънода ҳар бир пандноманавис ўз услубини намойиш қплишга бу жанрда кенгроқ имкониятларга эга бўлади. Ҳар бир ижодкор ўзининг бадиий-эстетик маҳорати доирасида бу хилдаги асарларни яратади, дунёқарашининг кенглигига қараб мавзулар танлайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, панднома жанрида Навоий услубининг ўзига хослиги бошқа кўпгина классик ижодкорларникидан ёрқинроқ кўринади. Бунинг сабабини буюк шоир Алишер Навоийнинг ижодий ташаббус жиҳатдан кўпгина шоирлардан илгарилаб кетганида, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганида, жуда кўп одамларга сўзини ўтказа олганида, унинг обрў-эътиборида деб билишимиз керак. Асар муқаддимасидаги буни тасдиқловчи унинг бир қанча юқори лавозимларда ишлагани,

«салотин мухолафатларида арога» кирганлари ҳақидаги сатрлар бежиз киритилган эмас. Навоий давлат ва халқ олдидаги хизматлари ва обрў-эътиборига суяниб бўлса керак, жамиятга танқидий муносабатда ўзини деярли чекламаган. Буни султонларга дадиллик билан берган кўрсатмалари, золим ҳукмдорларни, уларнинг амалдорларини беаёв фош этиши, ҳатто даврининг энг улуғи ҳисобланган шайхулислом қандай бўлиши ҳақидаги мулоҳазаларни ўртага ташлашга журъат этишида кўрамиз.

Асар муқаддимасида Навоий нақадар бой ҳаёт тажрибасига эга эканини айтади. Бу гапларнинг тарихий ҳақиқат экани Навоий замонасида у ҳақида ёзилган кўпгина манбаларда, шу жумладан, тарихчи Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асарида ҳам батафсил ёритилган. Ҳаёт йўли давомида у, дарҳақиқат, ранг-баранг ҳаётий материалга эга бўлди. Хўш, бу улкан материал буюк санъаткорнинг ижодхонасидан ўтатуриб қай хилда ўзига хосликлар касб этди? «Маҳбуб ул-қулуб»нинг мустақиллик белгилари нималардан иборат? Бу асарнинг услуби хусусидаги бу бобда шулар ҳақида мулоҳаза юритамиз.

«Маҳбуб ул-қулуб» ўзидан олдинги даврларда яратилган асарлардан тамомила фарқланиб туради. Бу тафовут у яратилган даврнинг талаблари, бадиий қонуниятлари ва муаллиф ижодий маҳоратининг анча илгарилаб кетгани билан боғлиқдир. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ахлоқий тарбия ақидаларининг XV аср ҳаётидаги энг нлғор томонларини ҳисобга олган ҳолда юксак бадиий маҳорат билан ёзилган оригинал пандномалардан бўлиб дунёга келди. Асардан кўзда тутилган мақсад кўпгина пандномаларда бўлгани сингари инсоннинг ижтимоий ахлоқий тарбияси йўлида хизмат қилишдир. Асар билан яқиндан танишсак, чиндан ҳам устоз санъаткорнинг тарбия принципларидан ўрнак олса арзиши яққол кўзга ташланади.

Феодал деспотизми ҳукм сурган ўрта аср шароитида кишиларнинг ҳукмрон ақидалардан оғишишига журъат етишмаслиги тўсиқ бўлиб ётганидек, руҳий тушкунлик ва мавжуд шароитда тақдирга тан бериш ҳоллари кишининг ахлоқий тарбияси учун катта қийинчиликлар туғдирарди. Масаланинг шу икки жиҳатини ҳисобга олган ҳолда Алишер Навоий асарини, аввало, оптимистик руҳ билан суғора боради. Бунда у ҳаётни қанчалар зулмат ичида тасвирламасин, бу зулмат аро «яхшилар», «азизлар» каби ижобий шахсларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, яхшиликнинг ёмонлик устидан тантанасига умид қилади. Ҳатто замона носозликларини баён этаркан, буни у «ё замон айланиши, ўзгаришининг нуқсонларидан ёки давр ва замон кишиларида ақл ва инсонликларига футур етганидан, ҳозир бу варақ тескари айланиб кетган»идан деб билади ва бу тескариликларни мисоллар билан санаб кетади. Бу ижтимоий муҳитдан нолиш эмас, унинг танқиди, унга бўлган эътироздир. Ҳозир тескари айланиб кетган бу «варақ»ни вақти келиб ўнгланишига ишонади. Буни асарнинг кўп ўринларида «умид улким...» дея хулоса чиқаришидан тушуниб оламиз. Бу оптимистик руҳни яна гап киши табиатидаги айрим жузъий камчиликларга бориб тақалган кезлари уларни боплаб танқид қилиш, кейин юмшатиб кўрсатишида ҳам ҳис қиламиз: «Бу разолат кишилик такаббуридан хўброқ ва бу залолат яхшилик тасаввуридан марғуброқ» (33-фасл). Ҳатто китоб охиридаги танбеҳ ҳам худди шундай кайфиятни сақлаб қолишга йўналтирилган:

«Уйғоғлиғда не олдинга келса қазодин кўр, уйқуда ҳар не тушунгга кирса яхши йўй. Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтғон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам-бу дамдур». Байт:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

Шундай қилиб, Алишер Навоий бу асарига эркин фикрлаш ва оптимизм руҳини сиңдиргани ҳолда, асосан, ижтимоий ҳаётдаги «хайр ва шаръ»ни шарҳлаб беришни, одамларни бу ҳолатдан огоҳ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва ўқувчини муайян ҳолатда шу вазиятни ҳисобга олган ҳолда яшашга чақиради. Худди шу нарса асарнинг лейтмотивини ташкил қилади. Навоий ушбу ижодий мақсадини амалга ошириш учун ишлатган бадиий усуллари ниҳоятда диққатга сазовордир.

Ҳозирги педогогикамизнинг тарбия назариясида «ижобий фазилатларга таяниш принципи» тарбиянинг энг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Ўрта асрлар пандномаларида эса бутун эътибор мана шу принципга қаратилган ва Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қулуб» асарида унга асосланган уч хил адабий усулни қўллайди. Улардан дастлабки энг муҳим шакли ижобий фазилатларни муаллифнинг ахлоқий идеали орқали ифодалаш бўлиб, ҳатто бирор ахлоқий фазилат ёки иллат ҳақида гап борганида ҳам уларни соф ҳолда таҳлил этмасдан, кўпинча, кишиларнинг характери жумласида ёритади. Бунда характерлар эгаси бўлиб халқнинг турли табақа ва тоифалари хизмат қилган. Бу ҳол бошқа пандномаларда учрамайди, ёки ниҳоятда заиф ривожланган ҳолдир. Бу омилларни танлашда адиб ижтимоий ҳаёт учун ижобий ва салбий жиҳатдан халқ турмушига салмоқли таъсир этадиган ижтимоий қатламларнигина маъқул кўради. Шунинг учун адиб «сойирун-нос» жумласида XV аср Ҳирот ижтимоий ҳаётининг барча тоифалари юзасидан баҳс юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди.

Алишер Навоий ҳар бир тоифани типиклаштиришда унинг образини яратаркан, ҳар тарафлама мулоҳаза юритиб, бу тоифа кишиларнинг ижтимоий қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларини қамраб олишга интилган. Навоий тасвирлаган тип сюжет ичида ҳаракат қилмаса ҳам, у қотиб қолган индивидуаллаштирилган шахс образи эмас. У динамик образ сифатида халқ билан бирор муносабатда акс эттирилади ва бу муносабатлар натижасида юзага келадиган ижобий ёки салбий ҳолатга китобхон эътибори жалб этилади. Худда шу ўринда Алишер Навоийнинг пандноманависликка янги йўл очиб келгани – реал воқеликдан олган типини ўз идеали билан таққослаб бориши кузатилади. Бу идеал ёрдамида у ўрта аср феодал жамияти ҳаётидан турмуш қийинчиликларини ўз зиммасига олувчи кишиларни қидиради. Бу эса пандномалар тарихида янги қадам эди.

Навоий ҳар бир типнинг ижобий ёки салбий томонларини кашф этишда жуда одил. Асар услубининг яққол кўзга ташланиб турган томони у ёки бу тоифа кишилар тасвирланар экан, албатта, унинг халқ ва жамият учун етказаётган фойда-зиёни даражаси айтиб ўтилиши шарт: «Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур, мамоликка мужиби амният ва рафоҳият» (1-фасл); «Муроди раоё амнияти ва мақсуди бароё жамъияти» (2-фасл); «Нима олурда ёлғон анга чин ўрнига ва мусулмонларға нуқсон анга дин ўрнига» (3-фасл); «Мулк бузуглуғидин замириға жамъият ва улус паришонлиғидин хотириға амният» (4-фасл) ва ҳоказо. Шу усулда қисм охиригача ҳар бир фаслда акс эттирилаётган тоифанинг халққа ва мулкка еткизаётган фойда ёки зиёни ўз ифодасини топа борган. Бу жиҳатдан «Маҳбуб ул-қулуб» панднома сифатида ўқувчисини унинг манфаати ва фароғати сари йўлламай, доимий равишда унга ижтимоий бурчини эслатиб туради.

Ижобий фазилатларга таянишнинг «Маҳбуб ул-қулуб»даги иккинчи бир шакли Қуръон ва Ҳадисдан иқтибослар келтиришга, қадим донишмандларнинг ва ёки тарихий шахсларнинг ҳикматомуз гапларини, уларнинг ибратли ҳаётини намуна қилиб кўрсатишга асосланган: «Ҳамоноки Осаф борди, инсофни олиб борди» («Осаф вафот этган пайтда инсофни ўзи билан олиб кетди» – 13-бет); «Базмда даъволари Ҳотамлиқ, размда талошлари Рустамлиқ» (15-бет); «Айнул-қуззот тил шарафидин масиҳгуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил суръатидин дорға сазовор» (60-бет). Булардан ташқари асарда Жамшид, Исо, Хусрав Парвиз (Анушервон), Аюб, Муҳаммад (С) каби пайғамбарлар ва машҳур шахслар, Хизр каби мифлар, Абдулла Ансорий, Фариддидин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий каби шоирлар, Шиблий ва Нурий каби мусиқашунослар, Жафар ва Азҳар каби котиблар, Абдулҳайдар ва Моний каби рассомлар шуҳратидан усталик билан фойдаланилган. Булар қаторида аноним донишмандлардан мисоллар келтириш ҳам «Маҳбуб ул-қулуб»ни мазмун ҳамда шакл жиҳатдан кўп ўринларда безаб турибди: «Уқало (оқиллар) солотин лутфига ва ҳукамо – мажонин (жиннилар) қавлига эътимод жойиз билмайдурларким, ул бири соҳиби ихтиёрдур ва бу бири беихтиёр» (123-бет); «Ҳукамоким, салотин ҳоли кайфиятин билибдурлар, аларни ўтқа ташбиҳ қилибдурлар» (130-бет).

Ижобий фазилатларга таяниш принципи татбиқининг учинчи бир шакли шахсий намунадир. Навоий бутун ижоди ва ҳаёт йўли билан кўпчиликка ибрат бўлиб келган ижодкор. У «Мажолисун-нафоис»да XV асрдаги Ҳиротнинг машҳур воизи Ҳусайн Воиз Кошифий минбарига ваъз ўқишидан олдин Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги:

Воизон к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунанд
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд, -

(Мазмуни: «Меҳробу минбарларда товланиб юрган воизлар хилватда бошқача йўл тутадилар») матлаъини ёзиб қўйишганидан воиз қаттиқ жунбишга келгани ва бир неча кун одамларга кўринмай юрганини ёзади. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам воизлардан шахсий намуна талаб қилади: «Ҳақ йўлга ўзи киргондин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юрумагон йўлға элни бошқармоқ мусофирни йўлдан чиқормоқдур ва биёбонға кетурмак ва бодияда итурмакдур... Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак... Улки буюруб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай» (39-бет). Бундан ташқари асарда баён этилган фазилат ёки иллатга муаллиф билдирган муносабатнинг ўзи шахсий намунанинг маълум бир кўринишидир: Золим подшоҳ «Ва агар ситезарўй бўлса ва хўдрой -мушфиқ Навоий жонига вой» (12-бет), «...тенгри аларни инсоф ҳарамига хос қилгай ё бу мазлумни (яъни, Навоийни – А.Ҳ.) ва сойир мазлумларни алар зулмидин халос» (104-бет) каби сатрларда айни шу ҳол намоёндур. (Асардаги муаллиф образини ёритиш муносабати билан шахсий намуна ҳақида кейинроқ батафсил тўхтаб ўтамиз). «Маҳбуб ул-қулуб»да кенг қўлланилган усуллардан яна бири халқ тоифаларининг текинхўр қатламларига нисбатан халқ нафратини қўзғатиш, уларнинг салбий хислатларини одамларга овоза қилиб яккалаб қўйиш, халқ олдида сазо бериш усулидир. Бу усулни халққа зулм ўтказиб, унинг ҳисобига кун кечираётганлар билан бир қаторда, ҳалол меҳнатдан қочиб, енгил-елпи кун кечиришга одатланган кимсаларга қарата муваффақият билан татбиқ этади. Навоий «Ясоғлиқ ва қора черик зикрида» фаслини хулосалар экан, «Мумкин йўққим, одамийзод аларға сазо бергай,

магар тенгри аларга жазо бергай (20-бет), дейди, Тарбиянинг бу усули ҳам кишиларда ҳалол меҳнатга даъват, текинхўрларга нисбатан нафрат руҳини уйғотиши билан асарнинг тарбиявий таъсирини янада оширган. Ҳеч бир пандномонавис бундай адабий усуллардан Навоийчалик кенг миқёсда фойдаланган эмас.

Асарнинг жанр хусусиятлари, маълумки, кўпроқ унинг композициясида намоён бўлади. Ижодкорнинг шу хусусиятлардан қай даражада ижодий фойдаланганини ҳамда уларни қай даражада ривожлантирганини таҳлил этиш муаллиф индивидуал услубини тушунишда катта ёрдам беради. Пандномалар жуда хилма-хил композицион қурилишга эга. Шеърий пандномаларда воқеалар баёни шаклидаги сюжет бўлмаса ҳам, боблар мундарижасига ва улардаги қўйилган мақсадга кўра ўзаро узвий боғланиб, композициясида бир бутунликни ташкил қилади.

Энг кўп ҳикоят ишлатилган насрий панднома Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»ида эса муаллиф уларни номламаган бўлса-да, кўпгина нусхаларда ҳатто баъзан донишмандлардан бир оғиз сўз айтиб, «ҳикоят» деб ном қўйиб кўчирилган (4-боб). Абдураҳмон Жомий бундай ҳолларда («Баҳористон»да) сарлавҳани «ҳикмат» сўзи билан алмаштиради. Бу усулда ҳар бир ҳикоят ёки ҳикматнинг охири назм билан хулосаланган ва воқеага муаллифнинг муносабати билдирилган. Навоий услубининг салафлари ижодида учрамайдиган яна бир томони бор. Навоий кўзда тутган мақсадини баён этишда ўз салафлари йўлини тутиб, ҳикоятларнинг узлуксиз баёни усулини қўллаганида асарнинг ихчамлиги йўқолиб, мавзулар миқёс жиҳатдан чекланиб қолган ва шу даражада кенг қамровли панднома даражасига кўтарилмаган бўлур эди. Адиб дунёқарашини кенг миқёсда ифодалай оладиган бир асардаги фикрлар кўлами эса бунга йўл бермайди. Пандномалар мундарижасига қиёсий назарнинг ўзиёқ хулосамизни тасдиқлайди. «Маҳбуб ул-қулуб»да муҳокамага жалб қилинган мавзулар кўламининг кенглигига лавҳа ва ҳикоятларни камроқ келтириш ҳисобига эришилган. (Асарнинг биринчи қисмида ҳикоятлар йўқ, иккинчи қисмида ҳар бир бобга биттадан ҳикоят киритилган, учинчи қисмда эса улар жуда сийрак учрайди). Бунинг ўрнига адиб ўз мақсадини гўзал, таъсирчан, эҳтиросли, лўнда ва исбот талаб қилмайдиган тарзда, ўрнига қараб ғазаб ва нафрат билан баён этишга эришган. Бадиий парчалардан китобхон қалбида қоладиган фикрлар – баён хулосаси, асосий мағзидир. Навоий эса шу мағзларни йиғиштириб, кишининг қалбига йўл топиб бора оладиган қилиб, бадиий сайқал берган ва шу жиҳатидан ҳам унинг асарини «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») деб атаса арзийди.

Алишер Навоий дунёқарашини «Маҳбуб ул-қулуб» асарисиз яхлит тасаввур қилиб бўлмайди. Асар муқаддимасида Навоий ёзади: «Бу муқаддимотдан мақсад буким, ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши ямоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен... бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлғай», – дейди. Аммо бу асарда баён этилган ҳаётий хулосаларни Навоий қаламга ола бошлаганига анча бўлган эди. Шу маънода, шоирнинг бошқа асарларида чиқарган хулосаларининг кўпчилиги «Маҳбуб ул-қулуб»га келиб бир жойга тўпланди. Жумладан, «Садди Искандарий» достонида давлатни идора этишда подшоҳ нималарга эътибор бериши лозимлигига қайта-қайта (19, 85-бобларда) тўхтаб ўтади. «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам биринчи қисмнинг дастлабки фасли шу масалага бағишланган.

«Садди Искандарий»:

Мусофир йўли риштасин узмасун.
Қароқчи қаросин кўргузмасун.

«Маҳбуб ул-қулуб»: *Ҳиросатидин қўю қўзи бўри ҳавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳимидин мутмаин.*

«Саддн Искандарий»: *Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлин, Улус молидин қисқа қилсун қўлин.*

«Маҳбуб ул-қулуб»: *Қисоси тийғидин ўғри илги эл молидин кўтоҳ. интиқомп биймидин қотеътариқ ҳоли адам биёбонида табоҳ.*

«Садди Искандарий»: *Бериб зулмгустарга фарсудалиқ, Раиятга еткурсун осудалиқ.* (19-бобдан).

«Маҳбуб ул-қулуб»: *Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ ва мадоросидин осуда, залама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидин фарсуда.*

«Садди Искандарий»: *Тилаб доғи берган саховат эмас. Сахо аҳли они саховат демас*[1].

«Маҳбуб ул-қулуб»: *Тилаб берганни ҳам саходан йироқ бил, ибром била бергандин бермаганни яхшироқ бил (112-бет).*

Бундай ўхшаш сатрлар «Хамса»нинг пандномага тематик жиҳатдан жуда яқин турган биринчи достони «Ҳайратул-аброр»да ҳам кўплаб учрайди. Бироқ Навоий лирикасидаги чуқур фасафийликнинг «Маҳбуб ул-қулуб»га ибрат сифатида кўчиб ўтган жойлари ҳам бор:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим, Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим. Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдига Ҳар тарафдин юз туман тийғи жафосин кўрмадим[2].

«Маҳбуб ул-қулуб»да: «Ҳар вафога юз жафо тортмасанг гунаҳкорсан ва ҳар меҳру муҳаббатга минг дарду меҳнат қабул қилмасанг табаҳ рўзгорсен. Аларга жон фидо қилсанг, шукронаи жонга миннат қўймоқ тиларлар: агар бир шукронани адо қилсанг, такрорга шуру қилмоқ истарлар» (109-бет). Ҳатто «Бадоеъул-васат»дан келтирилган юқоридаги мисолнинг биринчи байти «Маҳбуб ул-қулуб»нинг 115-бетдаги бир танбеҳига киритилган. Бундай поэтик тасвирни насрда гўзал қилиб ифодалай олишда шоирнинг шеърият соҳасидаги маҳорати ҳам ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, «Маҳбуб ул-қулуб»ни бошқа пандномалар билан қиёслаганда бу асар ортида шоирнинг фақат ҳаёт тажрибаларигина эмас, балки шеъриятдаги улкан ижоди тажрибалари ҳам турганини кўрамиз. Бу бир томондан насрда ёзилган ушбу асардан қатъий тартибда жой олган шеърий парчалардан ҳам кўриниб турибди. Тўғри, насрни назм билан алмашиб келиш ҳоллари «Гулистон» ва «Баҳористон» каби кўпгина асарларга

ҳам хос бўлган хусусиятдир. Бинобарин, бу улкан ижодни форс-тожик адабиётининг илғор анъаналарисиз тасаввур қилиш қийин. «Маҳбуб ул-қулуб»га ўз даври арафасидаги форс-тожик насрининг таьсири ҳам ўз муҳрини босган. «Маҳбуб ул-қулуб»да шеърий парчалар гоҳ юқорида билдирилаётан фикрни мантиқан давом эттирса, гоҳо ўша фикрларнинг муҳим ерларини назмда такрорлаб келади. Бу билан Навоий шеъриятнинг қудратли кучини ёрдамга чақиргандек бўлади. Чунки шеъриятда айтилган фикр ишончлироқ чиқади деб ҳисобланади. Буни таъкидлаб Навоийнинг ўзи «Маҳбуб ул-қулуб»да шундай дейди:

Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар қилди доно писанд.

(132-бет).

Бу билан биз адиб асарида ёлғонни ҳам шеърга солиб ўтказган демоқчи эмасмиз. Бу ерда шеъриятнинг қудрати акс этганини айтмоқчимиз. Бу қудратга Навоий қаттиқ ишонганини шеърий парчаларнинг асарда тутган ўрнидан ҳам уқиб олиш қийин эмас. Қаердаки байт, рубоий ёки қитъа келдими, бас! Ортиқча бирор сўзга ўрин қолмайди – фасл ёки мавзу ўзгаради. Бошқа бирор насрий пандномада бундай эмас. Жумладан, «Гулистон» ва «Баҳористон» асарларида назмдан кейин фикр яна давом этиб ривожланиб бораверади.

Асарда шеърий парчалар жойлашишининг бирмунча мураккаброқ кўринишини асарнинг иккинчи қисмида кузатамиз. Бу ерда дастлаб юқорида санаб ўтилган тасаввурларнинг шарҳи, кетидан назм, мисол тариқасида ҳикоят, унинг хулосаси учун яна назмдан иборат. Биринчи шеърий парча ўзидан олдинги ахлоқий тушунчанинг хулосаси сифатида келтирилган бўлса, иккинчиси далилловчи ҳикоятнинг якуни бўлиб хизмат қилади. Бу тизимга Навоий иккинчи қисмнинг бошидан охиригача қатъий амал қилади. Бу Навоийнинг назмдан фойдаланишда ўз услубига эга бўлганидан дарак беради.

С. Ғаниева бу шеърий парчаларнинг вазифаси ҳақида тўхталиб, уларнинг икки мақсадни кўзлашига диққатимизни тортади. Яъни улар бир томондан насрда билдирилаётган фикрни хулосалаш, якундаш вазифасини бажарса, иккинчи томондан асарнинг бадиийлигини таъминлаш, муаллифнинг ғоявий ниятини, руҳий ҳолатини янада бўрттириш учун келтирилади[2].

«Маҳбуб ул-қулуб»га киритилган шеърий парчалар панднома жанри талаби доирасида ихчам, аммо теран мазмунли ифодага эгадир. Асарнинг насрий қисмидаги мўъжазбаёнлик ундаги шеърий парчаларга ҳам ўтган. Асарда фойдаланилган рубоий, қитъа, фард каби кичик шеърий жанрлар ўз хусусиятларига кўра ҳам фикрнинг ихчам ифодаланишини талаб этади. Навоийнинг фикрларни қуюқ бера олиш маҳорати улардаги ихчам ифодага юксак мазмун сингдириш имконини берганки, ҳар қандай қаламкаш-ижодкор учун ниҳоятда ибратлидир. Бу кичик шеърий жанрларнинг фақат пандномалар таркибидагина эмас, мустақил ҳолатда ҳам ахлоқ-одоб, панд-насиҳат руҳида ёзилгани маълум. Шу жиҳатдан пандномада улар ҳам шакл, ҳам мазмунига кўра мос тушишган.

Ойбек «Навоий нима тўғрида фикр юргизмасин (ишқ, дўстлик, адолат проблемалари ёки тараққиёт ва фан масалалари), у ҳамма вақт шоир бўлиб қолаверади»[3], – деган эди. «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам Навоий биринчи навбатда шоир. Кўп ҳолларда бу шеърлар китобхонга сингиши бирмунча қийин бўлган «аччиқ насиҳат дорилари»ни (Саъдий) поэтик образлар орқали акс эттириш имконини беради. Аввало, асарнинг саъжда ёзилганлиги унга шу

даражада оҳангдорлик берганки, баъзан фикрлар насрий баёндан шеърга жуда силлиқ, сезилмасдан ўтиб кетади.

Буюк рус танқидчиси Добролюбов, умуман, шеърият ҳақида: «Поэзия бизнинг ички сезгимизга, қалбимизнинг барча гўзал, эзгу ва оқилона нарсаларга ишқибозлигига асосланади»[1], – деган эди.

Бу гаплар худди «Маҳбуб ул-қулуб» шеърлари ҳақида айтилганидек, яъни уларнинг мақсади кишиларни эзгуликка етаклаш, ўзлари ҳақли равишда доноликка даъвогар, ифодаланишлари эса бенуқсон. Уларнинг мавзу доираси шоирнинг кўп йиллик ижодий тажрибаси самараларини хилма-хил бадиий санъатлар, ифода ва тасвирий воситалар, услубий мезонларни қўллашга монелик кўрсата олмаган.

«Маҳбуб ул-қулуб» назмида эҳтирос тўлқинлари наср билан ҳамоҳанг равишда мавжланиб туради. Бирор фасл ёки бобнинг насрий қисми қай даражада эҳтирос билан ёзилган бўлса, Навоий бу мувозанатни наср кетидан келадиган назмда ҳам сақлаган. Бу ҳол шеър хоҳ ижобий мазмундаги, хоҳ ҳажвий руҳдаги бўлсин баробар тааллуқлидир.

«Маҳбуб ул-қулуб» таркибида рубоий ва қитъалар ўз моҳиятига кўра мустақил кичик шеърий жанр даъвосини қила олади. Уларни алоҳида олиб қараганда тугал мазмунли, чуқур маъноли мустақил асар деб тан олиш мумкин. Бироқ шеърий парчаларнинг кўпчилигини байт, назм, маснавий деб аталган парчалар ташкил этадики, улар кўп ҳолларда ўзидан олдин келган насрий қисмсиз кўзланган маънони англатмайди ёки бутунлай маъно англатмайди. Маснавий:

Бирисига ғараз ўз муддаоси,
Бириси қасди инъом илтимоси,
Чу сендин топмадилар ҳеч парво,
Бири хасму биридур ҳажворо. (135-бет).

Ўзича ҳеч нарса англата олмайдиган бу тўртлик душман ғурури билан маддоҳ хушомади муқоясасидан сўнг уларга берилган баҳо, билдирилган муносабатдир. Бундай шеърларда уларининг юқоридаги насрий қисми билан боғлиқлигини ифодаловчи «аларга», «булардин», «бу хайл», «ул», «бу» каби ишоралар кўп учрайди. Назм билан насрнинг бундан муносабати пандномалардан фақат «Маҳбуб ул-қулуб»да учрайди. Шу тарзда Навоий назм билан насрнинг органик бирлигига эришиб, назмни тўлалигича асарнинг насрий қисмига ва у орқали етакчи ғояга бўйсундирган, уни мақсад сари аниқ йўналтириб, кўпроқ хизмат қилдира олган.

«Маҳбуб ул-қулуб» таркибидаги шеърларда шеърий пандномаларга хос бўлган иккинчи шахсга мурожаат, хитоб, чақириқ, буйруқ, гоҳо ҳукм каби усуллар унинг насрий қисмидан кўра кучлироқ намоён бўлган. Натижада, тез-тез адиб билан китобхоннинг бевосита мулоқоти юзага келиб туради.

Умуман олганда, асардаги шеърий парчалар ўрнини, энг аввало, Навоий услубининг кўпгина насрий асарларига хос бўлган умумий йўналиши – китобхонни ишонтириш ва жалб этиш усулларидан бири деб тушунмоқ лозим.

Асарга жуда катта ўзига хослик бағишлаб турган яна бир жиҳат ижобий ва салбий характерлар тасвирининг ниҳоятда мукаммал ҳолда берилишидир. Тоифаларни индивидуаллаштириш жараёнида Алишер Навоий фақат ўша тоифага хос бўлган типик

хусусиятлар манзарасини тасвирлайди. Асарнинг бадиий хусусиятларидан келиб чиқиб, ихчамликни бузмаслик учун типнинг энг характерли хусусиятларигагина таянади. Бунда характер намоён бўлишининг турли томонларини ҳисобга олади. Навоий кўп ҳолларда ўз типининг характерини одамлар билан муомаласида юзага келадиган руҳий ҳолатлари орқали тасвирлайди. «Мактабдор, бегуноҳ масъумларга жафокор. Атфол азобига роғиб ва алар таъдибиға муртакиб. Зоти бемадоро, димоғи пўлод ва кўнгли хоро. Ғазабдин қошида чин, гуноҳсизлар била ойини хашму кин. Кўпрагида табъ ғилзати ва тамаъ иллати падидор ва ақл қиллатиға гирифтор. Аммо тавсани атфол таъбини жафо била ром қилғувчи, ноҳамвор сиғор таврига сиёсат била андом бергувчи. Агарчи хўйлари дуруштлуқда намоёндур, аммо атфол ноҳамворлиги ислоҳига ирик суҳондур. Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас. Ҳар қаттиғ кишини бир тифл муҳофазати ожиз этар; ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, кўрким анга не етар» (31 – 32-бетлар).

Навоий бу ерда келтирган тип ўрта аср мактабдорларининг умумлаштирилган типи бўлиб, кўз ўнгимизда ўз табиатининг болалар билан муомаладаги бутун мураккаблиги ила намоён бўлади.

Характер тасвирининг иккинчи бир усули типнинг ҳаёт ҳодисаларига муносабатини ифодалаш йўли билан юзага келади: «Аммо бу тоифанинг (мутриб ва муғаннийлар) сойири ҳам агарчи тарабойин ва меҳнатзудодурлар ва лекин филҳақиқат, лаимсийрат ва гадодурлар. Айткувчи ва чолғувчи зорлиғ ва ийналмак била олғувчи. То буюрғувчида сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор. То суҳбатда неъмат кўп, аларга барча амру наҳйинг жўб. Чун базмда танаум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди. Неъмат деган нимаки тамом йўқ бўлди, аларнинг кўнгли сендин тамом тўқ бўлди. Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин, ошнолиғ бермай ўтарлар ёнингдин. Оз олсалар носипос, кўп олсалар ҳақношунос» (37-бет). Муаллиф ҳар иккала ҳолатда ҳам шахсларнинг характерини жуда равшан тасвирлай олган. Асарнинг биринчи қисмидаги кўпгина фасллар бунга мисол бўла олади.

Юқоридаги мисолларда Навоий тип характерини тўғридан тўғри очиб берса, қуйида бирмунча мураккаб йўллардан бориб, тасвирда хилма-хилликка эришганини кўрамиз:

«Мударриснинг керакки ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурга муртакиб бўлмаса (чиранмаса), худнамолиғ учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса. Жаҳлдин дастори бошида улув ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳот (мақтанчоқлик) учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса». Худди шу ўринда Навоийнинг характерни тасвирлаш бобидаги маҳоратини кўрингки, ўз даври муддарисларининг аҳволи руҳиясидаги шуҳратпарастлик иллатларининг энг муҳим қирраларини олиб, бўлишсизлик шаклида баён этади. Демак, буни англамоқ керакки, аслида, ҳаётда шундай бўлган.

Исломпаноҳ беклар зикрида ҳам шундай манзарага дуч келамиз. Яъни Навоий улар ҳақида: «Эл моли тамаъи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд», – дер экан, бу билан мавжуд беклар учун эл молига ва аёлига кўз олайтириш кўп учрайдиган ҳол экани англашилади.

«Маҳбуб ул-қулуб»да ижобий характерларнинг кўпгина умумий томонлари бор. Бу – Навоийнинг ахлоқий идеали орқали бевосита Навоий характери билан боғлиқ ҳодиса. Унинг тасвирида халққа хизмат, эзгуликка интилиш, ўз касбу корининг барча томонларини халқ фароғати сари йўналтириш каби фазилатлар фаслдан фаслга ўтиб боради. Салбий

характерлар эса турли-туман хусусий хислатлари билан намоён бўладики, реал ҳаёт билан боглиқ ҳолда шундай бўлиши турган гап. Натижада, бу икки характерлар тўқнашуви юзага келади. Бир томонда ҳажв билан қуролланган муаллиф ва унинг ахлоқий баркамол идеаллари, иккинчи томонда типиклаштирилган салбий характерлар. Шундай қилиб асар улкан фош этувчилик кудратига эга бўлади[1].

«Маҳбуб ул-қулуб»да сатиранинг бундай кенг миқёсда қўлланилиши ўзбек адабиётида новаторлик[2] бўлса, форс-тожик адабиётида Фирдавсий ва Носир Хусравлар ижодидаёқ (XI аср) жиддий тус олган эди[3].

Пандномалар орасида «Гулистон» асарида Саъдийнинг реалистик қалами ўткир сатирик характер касб этади. Сатира XIV асрда яшаб ижод этган Убайд Зоконий асарларида бениҳоя юксакликларга кўтарилди. Унинг «Ахлоқул-ашроф» («Зодагонлар ахлоқи») асарида ҳоким синфнинг юриш-туришлари кескин танқидга учрайди. Айниқса, унинг луғат шаклида ёзилган «Даҳ фасл» асари ўзидан кейинги қалам аҳли ижодига чуқур таъсир кўрсатди. Масалан, «Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарини яратишда, -деб ёзади А. Ҳайитметов, Убайд Зоконийнинг бу луғатнамо рисоласидаги ўткир сатирик санъат, ўткир киноя услубидан ҳам қаттиқ таъсирланган[4].

Сатирик образ яратишнинг бу усулини Алишер Навоий ўша ҳолатда қўлламайди, албатта. Чунки луғат усулининг ўзи бирмунча қотиб қолган, ҳаракатсиз кўринади. Навоийнинг бадиий тасвирлаш тарзи бу усулни ҳам ўз ҳолига қўймайди. Унга образ динамикасини олиб киради: «Нодон – эшак, (Убайд Зоконийча шунинг ўзи етарли эди, бироқ Навоий ўз фикрини давом эттиради ва уни «инкор» қилиб, яна шундай ривожлантиради) балки эшакдан ҳам камрак. (Фикрининг исботи учун ўхшатиш сифатида танланган объектнинг хислатларини оча бошлайди). Эшакка ҳар не юкласанг кўтарур ва қаён сурсанг ул ён борур; ақл ва тамиз даъвоси йўқ; бермасанг оч берсанг тўқ; забунедур боркаш, хоркаш, балки анборкаш. Нодон бу сифатлардин мубарро, зоти билик ҳийласидин муарро. (Шу тарзда луғатнинг биринчи компоненти бўлган ҳажв объектининг сифатларини аста-секин кенгайтириб, кескинлаштира боради.) Иши ғурур ва такаббур, хаёлида юз фосид тасаввур. Бари муҳмали ўзига хўб, барча макруҳ феъли ўз қошида марғуб, кўнглида элга юз озор хаёли ва жаҳлидин улусға минг зарар эҳтимоли. (Шу ерда муаллиф яна «ўхшовчи» сифатларига қайтади ва охирги таққослашни келтириб якун ясайди.) Эшак унидин қулоққа озордур, андин ўзга не айби бордур. Тегирмондин уюнгга ун келтирур, ани пиширурга ёзидин ўтун келтирур. Машаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутағаййир, эшак қошида ямон ва яхши деган бир.

Байт:

Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюб,
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб». (133-бет)

Хуллас, Навоий Убайд Зоконий яратган луғат усулининг чегараларини кенгайтириб юборди.

Асарда ҳажв бирор аниқ кишига қаратилган бўлмай, пандноманинг жанр хусусиятига боғлик равишда бутун бир тоифага қарши қўйилган. Бунда тоифанинг типиклаштирилган сатирик қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Бундан ташқари жамиятда кўп учрайдиган қусурларнинг сатирик тасвири асарнинг фош этувчилик кудратини янада оширган.

Демак, ҳажв объекти «Маҳбуб ул-қулуб» асарида икки хил кўринишда намоён бўлади: бири маълум тоифага мансуб типиклаштирилган шахс, иккинчиси жамиятда учраб турадиган типик иллатлар. Уларнинг биринчилари юзасидан, айниқса, ҳоким синф ҳақида ўтмишда шоирлар ҳажвнинг акс таъсирини (яъни муаллифнинг таъқибга учраш эҳтимолини) ҳам ҳисобга олган ҳолда қалам суришган. Шунинг учун ҳажвнинг иккинчи соҳаси, яъни типик иллатлар ўтмишда кўпроқ қаламга олинган десак янглишмаймиз. Навоий учун эса бундай чегаранинг бўлмаганини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Унинг танқиди очиқ, дадил, ҳеч нарсадан тап тортмаслиги билан ажралиб турди.

Типиклаштирилган шахснинг сатирик образи асарнинг биринчи қисмида, дастлаб, тоифа ҳақида муаллифнинг атамаси билан бошланади.

Масалан, бу ҳодисани олтинчи фасл мисолида қуйидагича кузатамиз: «Бедиёнат судур бидъати саййиадур било-зарур». Ундан кейинги навбатда типнинг ички қиёфасини очиш туради: «Бу нокас агар омийдур фисқу фужур анинг комидур...» Шундан кейингина муаллиф типнинг ижтимоий қиёфасини очишга киришади. Бунда сатирик образ бевосита ижтимоий ҳаёт ичида акс эттирилади: «мажлисида нағманавозлиқ – илм ва тақво азосига навҳасозлиқ».

Сатирик образ қиёфасининг мукаммал бўлиши учун асарда баъзан типнинг ташқи қиёфаси, кийимларининг батафсил тасвирига дуч келамиз. «Риёкор машойихлар зикрида» номли 38-фасл фикримизга далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, типнинг сатирик образи асарда тўрт босқичда очиб берилади: типнинг адиб назаридаги атамаси, унинг ички, ташқи’ ва ижтимоий қиёфасини очиш босқичлари. Бу босқичлар барчаси пировард натижада шахснинг ижтимоий бирлик сифатида жамиятга ўтказиши мумкин бўлган таъсирини очишга қаратилган.

Алишер Навоий ўзининг ижтимоий тангликларга тўлиб-тошган даври кишиларини тасвирлар экан, биринчи планга кишилар табиатидаги қарама-қаршиликлар ва ҳаётдаги ахлоқий беқарорликларни қўяди. Бу ишни амалга ошириш учун асар образлар системаси ёки ўзаро боғланган сюжетлар силсиласига эга эмас экан, панднома жанри тақозоси билан муаллиф образи бошдан оёқ асосий роль ўйнайди. Бу образ асар мутолааси давомида ўқувчи билан «юзма-юз» турган мутаффакир-донишманд образидир. Бошқа кўпгина пандномалардаги сингари билимдон насиҳатгўй эмас, ўз ҳаёт тажрибаларини асарга усталик билан сингдирган моҳир адиб образидир. Асар давомида учраган, зўр эҳтирос билан ёзилган автобиографик жиҳатлар бу образ қиёфасини яхши акс эттириб турибди.

«Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд. То олам биносидур бу ўтқа ҳеч киши менча ўртанмайдур, то бевафолиғ ибтидосидур бу ёлинға ҳеч ким мендек чурканмайдур. Замон аҳли бевафолиғидин бағримда тиканлар ва даврон аҳли беҳаёлиғидин кўксумга тугунлардурким, ҳар қайсига рақам урай десам, Айюб сабри анга вафо этмас ва қалам сурай десам Нуҳ умрида тамомига етмас» (115-бет). Бундай хайқирик пандномалар орасида «Маҳбуб ул-қулуб»гагина хос десак, адашмаймиз.

Автобиографик лавҳаларни «Қобуснома»да, «Гулистон»да, «Баҳористон»да учратамиз. Бироқ уларда «Маҳбуб ул-қулуб»дагичалик шиддатли тус олган эмас. Бу асарда бирор тоифа ёки ҳолат тасвирини чизаётганда муаллифнинг норозилик кайфияти аста-секин улғая борар экан, бадиий тасвирга унинг ўзи ҳам аралашиб, қуйилиб келаётган ғазаб ва нафратини шу тарзда изҳор этади. Унинг кўпгина адиблардек, эзгулик тарғиботчисигина эмас, айни вақтда оташин куйчиси ҳам бўлгани асарнинг шу ўринларида яхши акс этган.

Қандайдир «шариф зот» зиёфатидаги жирканч муҳитни тасвирлаб туриб, Навоий шундай дейди: «Бу таврда яна «азиз»лар ҳам жилва қилурларким, замон аҳли тааммул қилсалар борин билурлар. Агар баъзи мазкур бўлғон «азиз»дин кичик бўлса, баъзиси улуқтур ва баъзи ишлари андин ўксук бўлса, баъзиси ортуқтурким, кўпига бу фақири мазлум номақдур риоятлар еткурубдур, муқобалада номаҳсур зулм ва тааддудларин кўрубдур ва кўрмасга солиб кечубдурким, тангри аларни инсоф ҳарамига хос қилғай ё бу мазлумни ва сойир мазлумларни алар зулмидин халос» (103 – 101-бетлар).

Навоий бу танбеҳлари билан кўз ўнгимизда асарнинг муқаддимасида айтилганидек, ҳаётдан, хусусан, ўз давридаги турли кишиларнинг юриш-туришидан бохабар, уларнинг миридан-сиригача биладиган киши сифатида намоён бўлади. Биринчи мисолда муҳитнинг характерли манзараси кўзга ташланиб турган бўлса, иккинчи мисолда сатира объектининг «шариф зотиға», «азиз»лигига кесатиқ ва урғу бериш билан бизга исми номаълум, бироқ давр учун муайян тарихий мансабдор шахсга муносабат билдирилаётгани муаллиф образининг маънавий қиёфасини очишга хизмат қилади.

Маълумки, бу даврда бадиий насрга бўлган талабга кўра уни ёзиш учун поэтик маҳоратдан қолишмайдиган маҳорат талаб қилинган. Бадиий насрга бўлган талаб унинг ташқи шакли билан чекланиб қолмайди. Ифодадаги тафсилийлик наср учун назмдан кўра кенгроқ имкониятлар очиб бериши мумкин. Ўтмиш манбалардан, жумладан, ўз фикрини Қуръон ва Ҳадисдан мисоллар келтириб далиллаш, асарни ибратли ҳикоят ва ривоятлар билан безаш ўрта аср насрининг шундай хусусиятларидан бўлган. Бундай мисолларни тарихий, ҳатто илмий асарлар таркибида ҳам учратамиз. Мураккаб ва узун иборалар билан жумла тузиш, арабизм, фақат наср учунгина хос бўлган бадиий санъатлар, жумладан, сажъ санъатини пухта эгаллаш муаллифнинг наср бобидаги маҳоратини қай даражада эканини белгиловчи меъзон ҳисобланган. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг тили Навоий индивидуал услубининг яна бир қиррасини намоён қилиб туради. «Маҳбуб ул-қулуб» ўша давр форсий адабиётига хос бўлган бироз мураккаб усулда ёзилган ва бу мураккаблиги билан ўз даврининг талабларига тўла жавоб бера олган. Унда муаллиф ижодининг муҳим мақсадларидан бири бўлмиш туркий тил имкониятларининг бадиий ижод учун кенглигини наср соҳасида намойиш қилишга эришган. Бу давр насри тафсилийликка мойил бўлса-да, Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да фикрлар ихчамлиги ва лўндаликка интилди. Ҳатто муаллиф ғояларини илгари суриш учун ислом ёки тасаввуфдан олган мисолларини ҳам ниҳоятда қисқа бўлишига ҳаракат қилади. Навоий кўпроқ ўз ҳаёт тажрибаларига ва халқ донолиги ифодалари – мақол ва ҳикматли сўзларга суянади ва далилловчи ҳикоятлардан кам фойдаланади.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дидактик асарлар бадииятига баъзи адабиётшунослар шубҳа билдиришади. Бу асарларга таркибидаги ҳикоят ва ривоятлар каби бадиий парчаларга қараб баҳо берилиб, «ярим бадиийликка эга» деб хулоса чиқариш ўша давр насрига ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан ёндашиш натижасидир. Адиб ўз мақсадини амалга ошириш жараёнида бадиий тасвир, хилма-хил бадиий санъатлар, тилнинг оҳангдорлиги, мақол ва маталлар, айниқса, ташбиҳ, кесатиқ, киноялар ва бошқа услубий мезонлардан кенг фойдаланилиши ҳам асар бадииятининг юксак даражада чиқишига хизмат қилди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг ҳар бир жумласини юксак бадиий савияда чиқишига эътибор қилиши бу асарни ўзбек насрининг беқиёс намунасига айлантирди. Бу йўлда адибнинг сўз танлаш маҳорати, хусусан, тасаввурлар оламининг ниҳоятда кенглиги

қўл келди. «Маҳбуб ул-қулуб»да муаллиф ихтиёридаги ҳар бир сўз, таъбир жоиз бўлса, кулол қўлидаги масоладек ўйнайди ва осонгина Навоий истаган шаклга кира қолади. Айниқса, халқнинг эзгу ишлар билан машғул тоифасини ёки ахлоқий фазилатлар баёнини чуқур эҳтирос билан, тўлқинланиб таърифлаб кетган ўринларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. «Маҳбуб ул-қулуб»даги тасвир воситалари ва усуллари, ҳар хил бадиий санъатларнинг ишлатилиши, ҳаётий қамров имкониятлари унга тўлақонли адабий асар тусини бериб турибди. Бу хусусда Белинскийнинг дидактик асарлар таърифида айтган гаплари жуда ўринли: «Дидактик асарлар совуқ мулоҳазанинг эмас, жонли ва ўтли илҳомнинг мевасидир, улар ҳамма бўёқларни бадиий адабиётдан олади, тумтароқ ғоялар билан эмас, образлар билан сўзлайди»[1], – деган эди у.

Асарда Навоийнинг жонли ва ўтли илҳоми у ишлатган бадиий бўёқлардаги фасоҳат ва топқирликда яққол кўзга ташланади. Мисол тариқасида шаҳар олибсотарлари ҳақида адибнинг айтган гапларини кўринг: «Тожири мусофир ул кадбонуға ҳамзону, балки ани черикчи деса бўлур, буни кадбону». Яъни жаҳонгашта савдогарни сайёр аскарга ўхшатса, шаҳар олибсотарини унинг хотинидек гап, дейди. Гўё эри келтирган нарсани олиб чиқиб халққа сотади. Бу ҳолатда уларга бундан ортиқ ўхшатиш топиш қийин.

«Маҳбуб ул-қулуб» фақат ўхшатишлар билангина эмас, мақол ва маталлар билан ҳам тўлиб-тошган[2]. Улар асарда ўртага ташланган фикрни далиллаш билан бирга халқ ҳаётини янада ёрқинроқ ва аниқроқ ифодалашга хизмат қилади. Бу ҳолларда Навоий уларни, кўпинча, қайта ишлаб мавзуга мослаб келтиради: «Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма» (162-бет) -»Аввал ўйла, кейин сўйла», мақолини шу таҳлитда ўзгартириб, тўлдириб келтиришида Навоий услубининг нозик жиҳатлари намоёндир. Бундай сўз ва иборалар билан бир қаторда сатирик образларни бўрттириб кўрсатиш ёки фикрнинг муайян ерига урғу бериш мақсадида арабча сўз, ибора ёки жумлаларни атайин киритиш ҳоллари учрайди: «Шаҳарнинг сойир арзоли – ҳашоротул-арз»,»уқтулул-музиёт» (32-фасл); «анкарул-асвот» (102-бет); «азза ман қанаъ» (137-бет); «уммул-хабоис» (138-бет) ва ҳоказо.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг бир қарашда илғаб бўлмайдиган яна бир яширин жозибадорлиги бор. У ҳам бўлса асарнинг семантик жиҳатдан тазод санъатининг мураккаб усулида иншо қилинганидадир. Бу санъатнинг «Маҳбубул-кулуб»да нақадар муваффакиятли чиққани навоийшунос олимлар С. Ғаниева ва Ё. Исҳоқовларнинг илмий ишларида етарли далиллар билан кўрсатилган[3]. Яна шуни ҳам айтиш керакки, илмда тазод санъати зид сўзлар маъноси билангина чегараланиб қолмасдан, тасвирланаётган ҳодиса ва нарсаларни ҳам ўз ичига олади деган фикр мавжуд[4]. Шу жиҳатдан қараганда, зид сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган тазоддан ташқари фасллар ўртасидаги тазод ҳам учрайдики, унда бир фасл бошқа бир фаслга зид кўйилади. Масалан, «Одил салотин зикрида» фасли – «Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида» фаслига; «Шайхул ислом зикрида» фасли – «Риёий машойихлар зикрида» фаслига; «Исломпаноҳ беклар зикрида» фасли -»Ноқобил садрлар зикрида» ва «Номуносиб ноиблар зикрида» фаслларига зид қўйилади.

Асарда тазод санъатининг бошқа бир тарзда намоён бўлишини бир фаслнинг ярмини ўша фаслнинг иккинчи ярмига зид қўйилганида кўрамиз: «Қуззот зикрида», «Мударрислар зикрида», «Мутриб ва муганнийлар зикрида» ва ҳоказо. Шу жиҳатдан олганда, тазод санъатига юқорида айтилгандек кенгроқ маънода қарайдиган бўлсак, булардан ташқари

асарда бош масала ҳисобланган – ўзаро зид бўлган ахлоқий фазилатлар ва ахлоқий иллатлар ифодасининг ўзи бу санъатнинг асардаги умумий ғоявий шаклини ташкил этади. Мана шу санъат шарофати билан ахлоқий фазилатлар ва иллатлар ифодасида муаллиф сатира руҳини ўз кўнглидагидек бера олишга муваффақ бўлганини юқорида кўрдик.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг бадиий-эстетик жиҳатдан сажъда ёзилгани жумлаларнинг ниҳоятда пухта тузилишини таъминлаши билан бирга асарга беқиёс оҳангдорлик бахш этган. Саъдийнинг «Гулистон»и ва Жомийнинг «Баҳористон»и ҳам сажъда ёзилган. «Маҳбуб ул-қулуб» асари билан Навоий бу санъатнинг туркий тил имкониятларини кўз-кўз қила оладиган гўзал намунасини яратди. Бу асарни ўқиб туриб шоирнинг «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасидаги:

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо, –

деган байтини эслаймиз.

Навоий сажъ санъатининг нозик томонлари ва турли имкониятларидан шунчалар усталик билан фойдаландики, асарнинг кўп ўринлари чиндан ҳам гўё шеърдек ўқилади. Унинг сажъ санъати соҳасидаги маҳорати ҳақида адабиётимиз тарихининг кўпгина тадқиқотчилари тўхтаб ўтишган. Навоийнинг бу соҳадаги бадиий маҳоратини улар бир овоздан ғоявий ниятини юзага чиқаришга тўла сафарбар қилинганини таъкидлашади.

«Маҳбуб ул-қулуб» биринчи шахс номидан ваъз шаклида ёзилган бошқа пандномалардан бирмунча фарқли баён шаклига эга. Бошқа кўпгина пандномалардагидек иккинчи шахсга мурожаат шакли деярли ҳар бир жумлада учрайвермайди. Бироқ матн замирида доим пандномалар учун шарт бўлган бу усул англашилиб туради. Фикрлар ниҳоясида бу хусусият очиқ намоён бўлади ва ўқувчи билан бевосита мулоқот юзага келади. Шу нуқтаи назардан пандномалар эрмак учун ўқиладиган асар бўлмай, уларнинг ҳар бир сатри алоҳида диққат қилинишини талаб этиши «Маҳбуб ул-қулуб» мисолида янада яққолроқ кўриниб туради. Бундай мулоқот узилиш жойида асар матни монолог кўринишини олган. Бироқ бу асарнинг бадиийлигига сира путур етказмайди. Аксинча, унга ўзига хос бир жозибадорлик бағишлайди.

Асарнинг руҳига хилма-хил бадиий санъатлар сингдирилган. Чунончи, бу санъатлар асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилишига, тоифалар характери, фазилат ёки иллатлар типиклигини ифодалашга, муаллиф идеалини юксак даражада васф эта олишга ўзларининг жуда катта таъсирини кўрсатган ва бу билан асар бадиийлигини етарли даражага кўтара олган[2].

Хуллас, аждодларимиз кадимдан ахлоқни йўлга солиб туришган. Бу мақсад учун бадиий адабиётнинг барча жанрлари таркибидан жой топиб беришган бўлса-да, анъанавий панднома жанри бу йўлда асосий омил бўлиб келди. Панднома жанри мумтоз адабиётнинг бошқа жанрларидан фарқли ўлароқ шакл жиҳатдан қатъий бир кўринишда бўлмай, ижодкорнинг бадиий-эстетик қарашларига кўра турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бу эса ундаги анъанавийликни пайқаб олишни мушкуллаштириб келган. Шунинг учун кўпинча бу асарлар таҳлилида шунчаки, ахлоқий-таълимий характердаги асар деб келинаверган.

Алишер Навоий бу асари билан ўз олдига қўйган вазифасини тўла адо эта олган. Адиб юқорида зикр этилган қатор хусусиятларига кўра ўтмиш пандномаларидан ажралиб турадиган, ўзининг илғор ғоялари юксак маҳорат билан сингдирилган етук асар яратишга муваффақ бўлди. Бу асар ҳозир ҳам жуда кўп кишилар учун эстетик завқ ва руҳий озуқа бериш билан бирга ўзининг бадиий баркамоллиги билан ҳам қадрлидир.

ХУЛОСА

Ушбу ишда «Маҳбуб ул-қулуб»нинг пандномалик хусусиятларини X–XV асрларда шу руҳда ёзилган асарлар фонида очиб беришга ҳаракат қилдик. «Маҳбуб ул-қулуб» асарини форс-тожик тилидаги манбалар асосида қиёсли ўрганиш уни муаллифнинг фақат анъанага ижобий муносабати туфайлигина эмас, умрининг охирида маънавий эҳтиёжи юзасидан ёзган асари эканини кўрсатади.

Бундай асарларга қалам аҳли қадимдан алоҳида диққат қилиб келган, ўз асарларида улардан жуда кўп мисоллар келтиришган. Бу китоблар, одатда, насиҳатнома, мавъизатнома, панднома, насиҳат китоблари, ахлоқ китоблари деб аталиб келган. Уларнинг кўплари дебоча ёки хотималарида зикр этилганидек, китобхонга «адаб-панд» бериш мақсадида ёзилиши ва Е. Э. Бертельс каби атоқли шарқшунос олимлар Шарқ адабиётидаги бу ҳодисани пандномаларга хос эканини айтиб ўтиши[1] билан биз ҳам уларни пандномалар деб аташни лозим кўрдик.

Қатор изланишлардан сўнг анъанавий Шарқ пандномаларининг ривожланиш босқичларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин экани маълум бўлди. Пандномаларнинг илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалса ҳам, [Қадимги Мисрдаги эрамиздан аввал XII сулоланинг I Фиръавни (2000–1980 йиллар) «Аменемхет I пандномаси»; XIX – XX сулола даврида ёзилган «Ахтой пандномаси» (Хрестоматия по истории древного Восюка. М.: ИВЛ. 1963. С. 55.). Ўша даврлардан пандномаларнинг кўпгина рўйхати мерос қолган.] унинг тараққиёт босқичларини белгилашда муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий шароит ҳамда унга боғлиқ ҳолда пандномаларнинг ғоявий-тематик хусусиятларидаги ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Сосонийлар даврида (III – VII асрлар) панднома жанрининг тарихан барқарорлашган шакл касб этиб ривожланиши учун ана шундай қулай ижтимоий-сиёсий ва маданий шароит юзага келди. Халқ оғзаки ижодидаги мавжуд ахлоқий мафкура билан қадим юнон донишмандларининг ҳикматлари синтезидан иборат бўлган ҳукмдорларга давлатни идора қилишда ўз раияти билан муомала қоидаларини баён этувчи рисолалар, Жомий ва Навоийлар тили билан айтганда «хирадномалар»[2] пайдо бўлди. XI аср туркий адабиётида Юсуф Хос Ҳожиб уларни «Қутадғу билиг» деб атайди. Насрда тезис шаклидаги насиҳатлар мажмуасидан иборат пандномаларнинг юзага келиши ҳам шу даврнинг маҳсулидир82. «Баҳористон»да бу турдаги ҳикматлар мажмуасининг кенг расм бўлганини тасдиқловчи бир ҳикмат бор. Унда бир ҳаким тилидан «кирқ дафтардан иборат ҳикмат тўпладим», дейилади. Қадимдан расм бўлиб келган ҳикмат тўплаш муҳаддислар қаламида ҳадислар шаклини олди.

Шарқ Уйғониш даврига (IX – XI асрлар) келиб адабий жараённинг жонланиши ва ижтимоий тараққиётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда пандномалар янги босқичга кўтарилди. Энди у ҳукмдорларнигина эмас, кенг оммани назарда тутиб ёзилувчи асарларга айланди.

Пандномалар тарихий тараққиётини синчиклаб тадқиқ этиш унинг асосий тамойиллари бир шакл ва мазмунда қотиб қолмай, композицион такомил ва ғоявий-тематик ўзгаришларга юз тутиб турганини, янгидан янги илғор ахлоқий тасаввурлар билан бойиб, суғорилиб борганини кўрамиз.

«Маҳбуб ул-қулуб» мисолида унинг атрофлича ўрганилиши натижасида бу асарда панднома жанри учун хос бўлган хусусиятлар қуйидагича ривожлантирилгани маълум бўлди.

Алишер Навоий бу асарида пандномалар тематикасига мансуб ҳар иккала усулдан – кишиларнинг ижтимоий аҳволига кўра одобининг таҳлили ҳамда ахлоқий тасаввурлар ҳақидаги мулоҳазалардан чуқур фойдаланган ва пандноманинг тўла-тўкис намунасини юзага келтирган. Муаллиф бу мақсадини амалга ошириш учун мантиқий изчилликка риоя қилади ва бу мавзуларни туркумлаштирган ҳолда қатъий қисмларга бўлиб баён этади. Бу қисмларнинг ҳар бирини пухталигига кўра, маълум даражада мустақил асар деб қабул қилиш мумкин.

Бу мавзуларни ёритишда муаллиф мулоҳазалари масаланинг фақат ахлоқий томонлари билан чегараланиб қолмасдан таълим-тарбия ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши кузатилади.

3. Асар кучли замонавий руҳ билан ёзилган. Бу, айниқса, муаллифнинг ижтимоий ҳаёт носозликларига қарши туғёнида ёрқин акс этади.

4. Ғоялар баёнида расм бўлиб келган эзгуликларни тарғиб қилиб, ёмонликларни қоралаб, ундан қочишга даъват этиш ҳам «Маҳбубул- қулуб»да ўзига хос ҳал қилинган. Давр кишиларининг фазилат ва қусурларини ўз идеали ва воқеий тип орқали, яъни омиллари билан кўрсатиш бу асар учун энг муҳим бўлган хусусиятдир.

5. Алишер Навоий ҳар бир типнинг маънавий дунёсини чуқур ва ҳар тарафлама тасвирлайди. У ўз пандномасини янгидан янги тоифаларнинг типлари билан бойитди.

6. Панднома жанрини жамият носозликларига қарши исёнкорлик ва фош этувчилик руҳи билан қуроллантирди.

7. Одатда, пандномаларда қайси хислатлар фазилат, қайсилари иллат эканини уқтириб келган бўлсалар, Навоий бу тасаввурларнинг нима учун фазилат ёки иллат саналишини тушунтириб берди.

Қадим пандномаларнинг баён этиш усули бўлган панд-насиҳатларнинг тезис шаклидаги ифодаси («Мутафаррика фавоид ва амсол сурати» қисми) «Маҳбуб ул-қулуб»да муайян тасаввурнинг бирмунча кенгайтирилган манзарасини чизиш орқали ўз фикрини жозибали, тушунарли ва эсда қоларли қилиб беради.

Бутун асар давомида пандномаларга хос бўлган муаллиф шахсининг баён этилаётган фикрларга фаол муносабати, унинг иккинчи шахсга мурожаат шакли «Маҳбуб ул-қулуб»да ўқувчига хитоб, даъват, буйруқ, мурожаат, мажбурият юклаш каби усуллар орқали тақдим қилинади. Натижада, китобхон билан муаллиф ўртасида асар бошидан охиригача узвий алоқа юзага келади. Бу билан муаллиф асарининг ҳар бир сатрига алоҳида диққат қилишни ўқувчисидан талаб қилиб туради.

Хуллас, Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»и араб, форс-тожик ва туркий адабиётда катта-катта ўлмас асарлар ёзилган бир жанрда яратилган асар бўлиб, бу жанрдаги турли хусусиятларининг синтези ва айни пайтда уларнинг схематизмдан йироқ, мутлақо янги ва оригиналь бир намунаси сифатида юзага келди.

«Маҳбуб ул-қулуб» асарининг таҳлили шуни кўрсатадики, зукко ва ҳассос санъаткор панднома жанрининг барча имкониятларидан фойдаланиб, ҳар қандай бедодликка қарши фикр юрита олди. Унинг назарида ҳар бир касбнинг ўз одоби бор. Турмушдаги барча

иллатларни мана шу одобнинг бузилишида, ахлоқсизликда деб билди. Бироқ у оддий кузатувчи ва ҳамдардлик билдирувчи сифатида мулоҳаза юритиш билан чекланиб қолмай, керакли ўринларда лозим бўлган чақириқлар билан чиқди. Бу чақириқларга қай тарзда ёндашмайлик уларнинг асосида бир нарса – халққа хизмат, унинг тинч-осойишта ҳаёти учун ғамхўрлик қилиш каби умуминсоний фазилатлар ётади. Навоий ижодига хос бўлган халқчиллик ва гуманизмнинг мустаҳкам алоқаси ушбу асарда жуда ёрқин ифодаланган. Шунга кўра китобнинг жозибадорлигига Навоий уни юксак маҳорат ва нозик дид билан битганлиги орқалигина эмас, халқнинг ҳис-туйғуларни тўғри пайқай олгани билан ҳам эришган. Бу йўлда у жамиятнинг риёкорлик ниқобини йиртиб ташлаб, ижтимоий ҳаётнинг асл башарасини очиб берди. Бу фош этиш жараёнида халққа ўтказилаётган зулм, ғорат, ўзбошимчалик, адолатсизликка асосланувчи, халқ ва мамлакат манфаатига зид бўлган сиёсатни ўтказувчи ҳукмрон гуруҳ ахлоқига кескин ва чексиз эътироз асарнинг асосий руҳини белгилайди. Шундай қилиб, Навоий дунёқарашини «Маҳбуб ул-қулуб» асарисиз тўлалигича тасаввур қилиш қийин экани яна бир бор тасдиқланди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асари билан ўзбек адабиётида реалистик анъаналарнинг давомчиси сифатида унинг тараққиётига ўзининг алоҳида ҳиссасини қўшди.

«Шундай ёзувчилар бўладики, – деб ёзган эди Чернишевский, – улар ўз асарлари билан ҳеч кимни хафа қилмайдиган, ҳеч кимни ўзига қарши қилиб қўймайдиган, ҳеч қандай душман орттирмайдиган бахт эгаси бўладилар, уларнинг бахтини, албатта, ҳеч ким ҳавас ҳам қилмайди». Алишер Навоий бу асарида ҳеч кимни юз-хотир қилиб ўтирмасдан, бундай «бахт»дан кечди ва ҳаётий шароитдан келиб чиқиб, халқчил ғояларни илгари сурди. Кўпинча, муросасозлик руҳида ёзиладиган панднома жанрида қалам суриб, давлат арбобларидан тортиб, саройнинг бошқа аъёнларигача унинг шафқатсиз танқидига учрайди. Шундай қилиб, Навоийнинг реалистик методи бу асарда сатира элементларидан унумли фойдаланиш ҳисобига ҳам бойиган. Бу – асарнинг катта ютуқлардан биридир. У сатира объектини қандай бўлса, шундай кўрсатиб қўя қолмайди. Унинг иллатларини устма-уст «тахлаб ташлаб» ортидан кетма-кет зарбалар беради, кўп ҳолларда улар устидан ҳукм чиқаради. Умуман олганда, асардаги бу реалистик йўналиш унда ифодаланган образлар танқиди ва тавсифининг ҳаётийлиги ҳамда ҳаққонийлиги билан белгиланади.

«Маҳбуб ул-қулуб» жуда кўп тоифадаги одамлар учун маслаҳатгўй ва донишмандлик манбаи бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, у яратилганидан буён жуда кўп маротаба кўчириб ёзилган. Алишер Навоий том маъноси билан донишманд мутафаккирдир. Бу ҳақда унинг замондошлари ҳам, кейинги ва ҳозирги замоннинг буюк кишилари ҳам фахр билан тилга олишган ва олишади. Шунга асосланиб, пандномаларда илгари сурилган ғояларнинг халқнинг маънавий мулкига айланиб қолиши даражасига қараб, айтишимиз мумкинки, обрўли, халқ ичида шуҳрат қозонган шахсларнинг тарбиявий ишлар билан шуғулланиши яхши натижа беради.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ўзбек адабиёти тарихида адабиётнинг тарбиявийлик ролини оширишда катта намуна кўрсатди. Ўзидан кейин яратилган асарларга юксак тарбиявий руҳ ва маънавий озуқа бериб, таъсир ўтказиб келди. Бу асардаги афоризмга айланиб кетган жуда кўп фикрлар ҳозирги тилимизда ҳам халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириб келмоқда.

ҲАВОЛА

1. Қаранг: Хайруллаев М Навоий дунёқарашининг ғоявий манбаларини ўрганиш ҳақида// Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б.148. ёзилган дейди2. Афғон олими Муҳаммад Яқуб Воҳидий кейинчалик унинг фикрини айнан такрорлайди3. Бироқ Амир Хусрав Деҳлавийнииг ижодини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлардаги унинг асарлари рўйхатида бу асарни учратмаймиз.

2. B e 1 i n M. Moralistes Orientaux Carecteres Maximes et pensee de Mir Ali Shir Nevai Journal Asiatique VI Serie tt VII VIII. Paris, 1966.

3. Амир Алишер Навоий Фонии Кобул, 1346. 92-бет (Дарий тилида).

4. Шайхзода М. Асарлар, 6 томлик. IV том. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат иашриёти, 1972. 266-бет.

5. Алишер Навоий Маҳбубул қулуб Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Юнус Латиф. Т., 1939.

6. Алишер Навои Возлюбленный сердец. Автор предисловия и сводного текста А Н. Кононов ответственный редактор член корреспондент АН СССР С Е Малов, М Л Изд-во АН СССР. 1948.

7. Алишер Навоий Маҳбуб ул-қулуб Иноят Махсумов баёни. Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи С Ғаниева. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1983.

8. Ғаниева С. Маҳбубул кулуб (ҳақида) //Ўзбек адабиёти тарихи, 5 томлик, II том Т., Фан, 1977. 341-357 бетлар.

9. М а л л е в Н Ўзбек адабиёти тарихи, 1 китоб. Т., Ўрта ва олий мактаб, 1963. 579-596 бетлар.

10. Ҳусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим тарбия ҳақида. Т., 1963. 26-бет.

11. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётиннг ижодий методи тарихидан. Т., Фан, 1970; Абдугафуров А Навоий сатираси. Т., Фан, 1966. Шу муаллиф. Навоий ижодида сатира Т., Фан. 1972; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони // Асарлар 6 томлик, IV том. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

12. Рустамов А. Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асаридаги эски ўзбек тилига хос баъзи бир синтактик хусусиятлар. САГУ аспирантлари (IV) тўплами. Т., 1957; Абдуғафуров А. Ҳажвиётда новаторлик ва маҳорат // Навоий ва адабий таъсир масалалари. Т., Фан, 1968. М а м а д о в Ҳ. Навоии прозасининг баъзи лексик хусусиялари ҳақида/ /Адабий мерос. Тўплам. Т., 1968. Ғаниева С. Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари /Ўзбек насри тарихидан). Т., Фан, 1982.

13. Шайхзода М. Навоий ижодида халқ мотивчари// Қизил Ўзбекистон. 1941. 9 май; Ғаниева С. Маҳбубул қулуб //Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 3 сон; Мамедов Ҳ. «Маҳбубул қулуб» даги баъзи бадиий санъатлар// Ўша журнал. 1983, 1 сон. 14 Бу соҳада А Рустамов ва Ҳ Мамадовлар диссертация ёқлашган.

14. Қаранг Бартольд В В Сочинения Т V. С 48. Т VII. М Наука. 1968, 1971; Валиева Д., Маннонов Б. Эрон. Т., Фан, 1966. 15-бет; А л и қ у л о в Ҳ. Взаимовлияние и развитие общественной мысли Средней Азии и Ирана в XIV XV вв. Автореф. диссер доктора филос. наук. Т., 1984. С. 4.

15. Қаранг: Л и х а ч е в Д. С. Поэтика древнерусской литературы. М., 1979. С. 5- 21

16. 3Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. М., Наука, 1965. С. 73.

17. Қаранг: Исҳоқов Ё. Навонй поэтикаси. Т., Фан, 1983. 46-бет.

18. Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., Наука, 1962. С. 200.

19. Қаранг: Гореликов С.Г. Иран. М., Географгиз, 1961. С 146.

20. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, XV том. Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. 241-бет.

21. Алишер Навоий. Асарлар 15 томлик, XIV том. Т., Ғ Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 226-бет.

22. Ибн Снно Осори мунтахаб, иборат аз дах жилд, Жилди II. Душанбе, Ирфон, 1980. С. 247.

23. Бузургмеҳр ҳақида ҳам Анушиpвон ҳақида бўлганидек, ҳар хил афсона ва ривоятлар тўқилган. Айрим манбаларда у ҳатто афсонавий шахс сифатида талқин қилинади. Аммо илмий, тарихий китобларда ҳам Анушиpвон билан Бузургмеҳр ёнма-ён тилга олинади ва бир қатор манбаларда паҳлавий тилида ёзилган «Пирузнома» («Зафарнома») асарини унга нисбат беришади. Бузургмеҳр қиссаси Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам бор Бузургмеҳрнинг тарихий шахс эканини эрон адиби ва тадқиқотчиси Эҳсон Табарий ҳам бир қатор далиллар билан исботлаган.

24. Бу асар тожик шарқшуноси Козим Ражавий тадқиқоти билан 1955 йилда Сталинободда босилиб чиққан.

25. Луқмоннинг юз фойдали насиҳати кўпинча Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Муножот ва мақолот», Убайд Зоконийиикг «Дах фасл», Фаридиддин Атторнинг «Панднома» асарлари сўнгида илова тарзида кўчирнб келинган. Шунингдек, Анушиpвоннинг панд-насиҳатлари «Қобуснома»да бир боб Саъдийнинг «Гулистон» асари ва бошқа бир қатор асарларда ҳикоятлар тарзида эсга олиб ўтилган.

26. Қараиг: Фильштинский И. М. Арабская классическая литература. М., «Наука», 1965. С. 131.

27. Қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. М., Наука, 1965. С. 73. Кейинги тадқиқотлар

«Саодатнома»ни Носириддин Хусрав Исфаҳоний (тахаллуси Шариф, вафоти 1353) томонидан ёзилганини кўрсатади. Бу эса дидактик достончиликнинг яхшигина ривожланган даврига тўғри келади.
28. Носир Хусрав Балхий. Кобул, 1976. 127-бет.
29. Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг. Т., Фан, 1972. 248 – 268-бетлар.
30. Кейинги тадқиқотлар Адиб Аҳмаднинг VIII-IX асрларда яшаб ижод этганини кўрсатади Қаранг: Имомназаров М. Адиб Аҳмад қачон яшаган // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1995, 31 март.
31. Рўшноинома – 588 байт, Саодатнома – 300 байт, Панднома – 901 байт, Ҳибатул ҳақойиқ – 254 байт ва ҳ.к.
32. Қутадғу билиг – 6500 байт, Матлаул-анвор – 3310 байт, Ҳайратул-аброр – 3987 байт ва ҳоказо.
33. Маликушшуаро Баҳор. Сабкшуноси. Жилди II. Теҳрон 1349. С. 62-63.
34. Қарзиг Бертельс Е. Э. Статья и примечания к переводу «Кабуснаме». М., Изд-во АН СССР, 1953.
35. Бу икки асарни қиёсий ўрганган диссертация иши мавжуд: Девонақулов А. Книга 'Насихатнома» («Кобуснома») Унсуралмаоли Кайковуса и его специфика // Диссертация на соискание ученой степени канд. филол. наук. Самарканд, 1968.
36. Газзали Воскрешение наук о вере Исследование Наумкина В В М Наука 1980 Бертельс Е Э Суфизм и суфийская литература М Наука 1965 Ахлоқ дар назари Ғаззолий. Кобул, 1977 (Дарий тилида), Имом Ғаззолий Кимёи саодат. Теҳрон, 2535 шоҳий (Форс тилида).
37. Алишер Навоий Хамса. –Т.: Фан, 1960, 620-бет.
38. Ахлоқ аз назари Ғаззолий. Кобул, 1977. С. 30.
39. Маликушшуаро Баҳор. Сабкшуноси. Жилди Ш. Теҳрон, 1349. С. 157 – 165.
40. Хондамир. Равзатус сафо. V жилд. Ўз ФА ШИ, инв. 1813, 347 бет.
41. Абдуллаев В. Алишер Навоий Самаркандда. – Т. Ўзбекистон КП Марказий комитетининг Бирлашган нашриёти, 1967. 11-бет.
42. Алишер Навоий. Лисонут тайр. Т., Фан, 1965. 205- 206 бетлар.
43. Қаранг: А л и е в Р. Саади и его Гулистан. М., Знание, 1958.
44. Ян Рипка История персидской и таджикской литературы. Перевод с чешского. М., Прогресс,1970. С. 242.
45. Қаранг: Шомуҳамедов Ш. Жомий. «Искандар хирадномаси»га сўз боши. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 10-бет.
46. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Душанбе, Ирфон, 1966. С. 14.
47. Ўша жойда, 34 – 35-бетлар.
48. Унсурал – Маолий Кайковус. Кобуснома. Теҳрон, 1247. 17-бет.
49. Ға н и е в а С. Маҳбубул қ улуб (ҳақида) / Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, II том. Т., Фан, 1977. 342-бет.
50. Алишер Навоий Возлюбленний сердец Сводный текст подготовил А Н Кононов Изд-во АН СССР М., – Л, 1948. С. 7 – 8 (Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан транслитерация қилиб берилади ва қавс ичида фақат бетлари кўрсатилади).
51. Кайковус. Қобуснома. Теҳрон, 1347. 144 бет.
52. Пандномаи Аттор. Қозон, 1890 С. 14 15.
53. Қаранг: Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Т., 1966. 249 бет.
54. Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб Қутадгу билиг. Т., Фан, 1972. 256 бет. 43Абдуғафуров А. Навоий лирикасида ижтимоий муҳит танқиди /Шарқ юлдузи, 1967, 5сон. 192 202-бетлар.
55. Қаранг: Ғаниева С. Маҳбуб ул-қулуб (ҳақида) // Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томтик, II том. Т.: Фан, 1977. 347- бет.
56. Саъдий. Гулистон. Теҳрон, 1352. С. 198-199.
57. Кенгроқ маълумот учун қаранг: Ҳабибуллаев А. Навоий дидактик қарашларининг манбаларига доир // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Т.: Фан, 1993. 155 – 164- бетлар.
58. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т.: Фан, 1970. 172-бет.
59. С а ъ д и й . Гулистон. Теҳрон. 1352. С. 196.
60. Ўша жойда,186-бет.
61. Ўша жойда. 207 – 208-бетлар.
62. Ўша жойда, 200-бет.
63. З о ҳ и д о в В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т., Ўзбекистон. 1970. 854-б.
64. Ал и ш е р Н а в о и й . Хамса. Т.: ЎзССР ФА нашриёти. 1960. 93-бет.
65. Ҳ айи т м е т о в А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т., Фан, 1970. 152-бет.
66. Унсур ал- М а о лй К а й к о в у с . Қобуснома. Теҳрон, 1348. 22-бет.
67. Са ъдий. Гулистон, Теҳрон. 1352, С. 213.
68. Таржима Ш. Шомуҳамедовники.
69. Унсур ал-Маолий Кайковус. Қобуснома. Теҳрон. 1348. 36-бет.
70. С а ъ д и й . Гулистон. Теҳрон. 1352 ҳ
71. Ўша жойда, 25-бет.
72. А л и ш е р Н а в о и й . Ҳайратул-аброр. Танқидий матн. Т.: Фан. 1970. 141-бет.

73. Алишер Н а в о и й . Хамса Т. ЎзССР Фанлар академиясининг нашриёти, 1960. 841-бет Бу асарга оид ҳамма мисоллар шу нашрдан олинди.
74. А л и ш е р Н а в о и й . Бадоеъул-васат. Асарлар 15 томлик. III том. Т Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1965. 237-бет.
75. Бунга А. Абдуғафуров Эрк ва эзгулик куйчилари (Т., 1979. 11-б.) китобида биринчи бўлиб эътибор берган эди.
76. Қаранг: Ганиева С. Маҳбуб ул-қулуб// Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. Т.: Фан 1977. 354-бет.
77. З 0 й б е к . Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. ХШ том. Т.: Фан. 1979 201-бет.
78. Д о б р о л ю б о в Н . А. Адабий танқидий мақолалар. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти. 1959. 7-бет.
79. Маҳбуб ул-қулуб»нинг фош этувчилик қудрати А. Абдуғафуровнинг Навоий сатирасига бағишланган икки китобида (Навоий сатираси. Т.: Фан. 1966; Навоий ижодида сатира. Т Фан 1972.) батафсил таҳлил этилган. Шунинг учун бу ерда «Маҳбуб ул-қулуб»даги ҳажвиётнинг пандномаларнинг жанр хусусиятлари ва адабий таъсир билан боғлик жиҳатларигагина тўхталдик.
80. Абдуғафуров А. Ҳажвиётда новаторлик ва маҳорат// Навоий ва адабий таъсир масалалари. Т.: Фан. 1968. 159-бет.
81. Қаранг: Д о р р и Д р . Персидская сатирическая поэзия. М.: Наука. !965 С. 13
82. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т.: Фан 1970. 139-бет.
83. Б е л и н с к и й В. Г. Собр. ссч. Т. II. М.: ГИХЛ. 1948. С. 62.
84. Бу ҳақда қаранг: М а л л а е в Н . Ўзбек адабиёти тарихи. I китоб. Т.: Ўрта ва олий мактаб 1963. 591 – 593-бетлар; Ҳ а к и м о в М . Навоий афоризмларининг манбаларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. 4-сон.
85. Ғ а н и е в а С. Маҳбубул-кулуб//Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлмк. П том. Т.: Фан. 1977 356-бет; И с ҳ о қ о в Ё. Тазод //Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 5-сон.
86. Рустамов А. Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 64-бет.
87. Каранг: Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прози Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т., 1969; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Т.: Фан. 1978. 113 – 119-бетлар; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т.: Ғ. Ғулом номндагн Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 98 – 101-бетлар.
88. Бу бадиий санъатларнинг ҳар бирини асарда тутган алоҳида ўринлари билан шарҳлаб берилган тадқиқотлар бор. Шунинг учун биз бу ерда айрим мулоҳазалар билангина чекланиб қўя қолдик. Қаранг: Мамедов Х. Ўша диссертация; М а м е д о в Х . «Маҳбуб ул-қулуб»даги баъзи бадиий санъатлар//Ўзбек тили ва адабиёти. 1983 1-сон. 51 – 53-бетлар.
89. Қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука. 1965 С. 73.
90. Абдураҳмон Жомий. Искандар хирадномаси. Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Бу асарда юнон донишмандларининг насиҳатлари уларнинг тилидан алоҳида бобларда берилади; Алишер Навоий. Хамса. Т.: ЎзССР Фанлар академияси нашриёти. 1960. 838-бет: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т.: Фан. 1972. 248 – 268-бетлар.
91. «Луқмони ҳакимнинг юз насиҳати», «Ануширвоннинг панд-насиҳатлари», «Пирузнома» ва бошқалар.
92. Абдураҳмони Жомий. Баҳористон, Душанбе. 1966 С. 23.
93. Чернишевский Н. Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Т.: Ўздавнашр. 1956. 160-бет.

МУНДАРИЖА

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА

САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

І Ф А С Л

Ғазал мулкига саёҳат 7
Ғазал ва насрий баён 14
“Қаро кўзум...” Ғазали таҳлилларининг қиёсий-танқидий таҳлили 19
Бир ғазал баҳси жараёнлари 36
Тадқиқни жонлантирган таҳлил 38
Шоирона шуур ва илмий тафаккур уйғунлиги 40
“Қаро кўзум...” – Талаб мақоми тавсифими? 43
Атоқли мунаққид эътиборидаги “қаро кўзум...” 44
Мураккаб таҳлил 48
Илмий асосланмаган талқинлар 54
Илмий-публицистик-бадиий талқин 59
“Қаро кўзум...” Форс тили ва адабиёти мутахассиси нигоҳида 64
“Қаро кўзум...” – Ўлим фалсафасими ёки ҳаётсеварликми 66
Табиий руҳий эҳтиёж самараси 69
Таҳлилни таҳлил 71
Ғазалнинг адабий таълимдаги таҳлиллари тадқиқи 72
Қиёсий таҳлил ҳикмати 75
Ул на гумбаздур... 79

ІІ ФАСЛ

Сатрлар силсиласидаги сеҳр 86
Сир сақлаш сабоғи 87
Ўн саккиз ёш ҳайратлари 90
Букун аҳли жаҳондин хастахотирмен... 93
Ишқ ўти – азал қисмати 95

ІІІ ФАСЛ

«Боштин оёқ бир ҳикоят» 100
Лўливаш санъати тасвири 101
Тун оқшом келди кулбам сори... 103
Муғбача васфида 105

IV ФАСЛ

Мустақил байтлардан тузилган ғазаллар ... 108
Тавофи олами дил қил ... 109
Ишқи комил – камолотга кафолат ... 111
Сурати шоҳ, сийрати дарвеш ... 114
Камол истар эсанг... ... 116

V фасл

Байтларни маънан, фикран ва суратан боғлаш санъати ... 119
Алишер навоий “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали таҳлилларининг тадқиқи ... 120
Лутфийнинг лутфига сазовор ... 126
Сегоҳ сеҳри ... 130
...Ёр узар бўлса муҳаббат риштасин... ... 135
Йўлунда туфроғ ўлдум... ... 138
Меҳр умиди тутмангиз ... 141
Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз ... 143
...Йуқму уёт, эй воиз?! ... 146
Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар ... 148
Кўк бинафшаЗорини анжум чу наргисзор этар ... 150
...Табибимға ҳабиб ўлмиш рақиб ... 153
... Бўлмади бедор дўст ... 155
... Кирар жонимки, жононим чиқар ... 156
Жонда қуйдим чирмағон мактубини... ... 158
Фидо ... 160
Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғот ... 162
Тонг елидан тилаклар ... 164
Чиқмаган жондан умид ... 167
Юз ёптию жон олди 168
Юзунгдек қамар йўқтур ... 170
Ҳиммат ва ҳалоллик ... 171
Гадо маҳруму ит маҳрам тушуптур ... 173
Фурқат ичра шарбати лаълинг... ... 174
Тўрт ранг рамзи ... 178
Майхона – ажаб корхона ... 179
Бўрк ўрнида бош элтур ... 181
Юзунг қуёшму – қуёш юзунгму ... 182
Йуқтур киши аҳли вафодин хокрок ... 183
Жонима ваҳшат келурни билмадим ... 185
Нодонликни англамоқ – донолик ... 186
Жамол васфи ... 187
Дарди бедавони найлайин ... 188

Фиғонимдин фалак ғамгин ... 190
Айламанг бекаслигимни таън ... 191
Ўлтургуси ... 193
Ошуфтаҳол этмиш мени ... 194
Наврўз ва манзур малоҳати ... 195
Рўмолча рамзи ... 196
Маънавий-руҳий ором иштиёқи ... 198
Ҳажр ўлумдин талх эмиш ... 199
Мен нотавонға тушти ўт ... 200
Бўл аҳли дунё бирла дўст ... 202
Парканд-парканд айлангиз ... 203
Фоний ўл васл истар ўлсанг ... 204
Ўлтурур маҳрамни султон ... 205
Тақдирнинг терслиги талқини ... 208
Ҳақ, магарким, ком учун боштин ёротқай оламе ... 209
Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур ... 211

VI ФАСЛ

Шингил шарҳлар ... 214

АЛИМУЛЛА ҲАБИБУЛЛАЕВ
НАВОИЙ ПАНДНОМАСИ

Муқаддима ... 225
Ҳаёт дастурлари ва “маҳбуб ул-қулуб” ... 229
Барқарор маънавият ва ижодий маҳорат ... 243
«Маҳбуб ул-қулуб» нинг бадийяти ... 270
Хулоса ... 285

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Нусратулло Жумахўжа: Сатрлар силсиласидаги сеҳр; Алимулла Ҳабибуллаев: Навоий пандномаси; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 296 бет.

Ж.14: Нусратулло Жўмахўжа: Сатрлар силсиласидаги сеҳр; Алимулла Ҳабибуллаев: Навоий пандномаси. 296 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5 –1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн тўртинчи жилд

Нусратулло ЖУМАХЎЖА
САТРЛАР СИЛСИЛАСИДАГИ СЕҲР

Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ
НАВОИЙ ПАНДНОМАСИ

Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 18,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.